


**САИД РАВШАН**

**ТУНГИ  
ЧИНҚИРИҚ**

*Қиссалар  
Ҳикоялар*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2005

1031083  
381



**Равшан Саид.**

Тунги чинқириқ; Қиссалар. Ҳикоялар. — Т.: «Шарқ», 2005. — 352 б.

Детектив жанри мухлислари ёзувчи Саид Равшанни ўткир сюжетли саргузашт асарлар муаллифи сифатида яхши билишади.

Мазкур китоб ҳам ўқувчини зериктирмайди. Сиз мураккаб тақдирли кишилар ҳаёти билан танишасиз. Ўғрилар олами, уларнинг руҳий кечинмалари ҳақида анча-мунча нарса билиб оласиз.

**ББК 84. (5У)6.**

# ҚИССАЛАР



## ТУНГИ ЧИНҚИРИҚ

Жасур автобусдан тушди. Автостанцияда йўловчилар гавжум эди. У қаерга боришини билмай гарангсиб турди. Катта темир устунга суянганча уни кузатиб, сигарет тутатаётган барваста бир одам аста-секин юриб унга яқинлашди. Кейин дағаллик билан:

— Эй, чурвақа, отинг нима? — деб сўради. Жасур нотаниш одамга ётсираб қаради. Сўнгра чўчинқираб: — Жасур, — деди.

— Қаерликсан? — сўради менсимай ҳалиги одам.

Жасур қайси қишлоқданлигини айтди.

— Ота-онанг борми?

— Ойим бор, касалманд, далада ишлайдилар.

— Отанг-чи?

Жасур сукутда қолди. Кейин:

— Ўлганлар, — деди синиқ овозда.

— Нима бўлиб? — деди нотаниш одам. Сўнг ўринсиз берган саволидан ўзи хижолат тортдими, остки лабини қимтиди. Орага бир дақиқа жимлик чўқди. Жасур енгил хўрсиниб олгач, сукутни бузди.

— Тракторчи эдилар, — деди ўксик оҳангда, — фалокат юз берган...

Отаси Жаъфар аканинг кўрак чувиш агрегатида ишлаётган кезлари эди. Кеча-кундуз юмушдан бўшамасди. Кунлардан бирида чарчагани сабабми ёки уйқутирабми, тез айланиб турган машинанинг тасмасига тегиб кетди. Тасма унинг чап оёғи ямлаб юборди... Отаси қарийб бир йилча касалхонада ётди. Болдир суяги эзилган экан. Тиззасидан кесиб ташлашди. Қўлтиқтаёқда кўчага бемалол кириб-чиқиб юрарди. Кейинчалик яна ўша жароҳатли оёғи йиринг тўплаб, азоб бера бошлади. Орадан йил ўтмай қазо қилди.

Бир йил ўтгач, онаси турмуш қурди. Ўғай отаси бадфеъл, заҳар одам эди. Унга кун бермай қўйди. Бирда: «Сигирни қаерда боқдинг, очидан қорни қовурғасига ёпишиб кетибди-ку», — деб урар, баъзан:

«Кўйларнинг остини тозаламабсан», — деб койир, хуллас, уни савалаш учун албатта, бир баҳона топмасдан қўймасди. Жасур уйдан бутунлай бешиб кетди. Уйлари ортида қорамолчилик фермаси жойлашганди. У гоҳ-гоҳ калтак зарбидан қочиб, молхонада, сигирларнинг охурига кириб ухлаб қоларди. Ўтган йил куз фаслининг охирлари эди. У охурда гужанак бўлганча, ширин уйқуда ётган чоғида, катта ола сигир охурга калласини энгаштириб, пишқириб юборди. Бола бехос қаттиқ чўчиб тушди. Айвон остига симёвочдаги чироқнинг нури вира-шира тушиб турарди. У кўзларини ишқалаганча катта очиб қаради. Даҳшатли махлуқни кўриб ваҳм босди, «дод» деб чинқириб юборди-ю, қўрқиб хушидан кетди.

Чошгоҳга яқин охурларга озуқа солаётган молбоқар уни кўриб қолди. Жасур нишхўрдларга қоришганча хануз алаҳсираб ётарди. Молбоқар: «Вой, болапақирни қандай кунларга солишибди-я», — дея афсус билан бошини тебратганча уни даст кўтариб, қоровулхонага келтирди.

Жасур шундан сўнг бир ойча тўшақда михланиб ётиб қолди. Тунлари уйқусида бот-бот қўрқинчли тушлар кўрар, баъзида тинимсиз алаҳсираб чиқар, гоҳида эса кун бўйи қарахт уйқуга кетарди. Кейинчалик у ўзида ғалати ўзгариш бўлганини ҳис эта бошлади. Сигирига яқин борса, сигир ундан ўзини четга олди. Доим пинжига тиқилиб, суйкалиб юрадиган мушуги ёнига йўламай қўйди. Меҳри товланиб олапарини эркалатмоқчи бўлса, ит вовуллаб қочадиган одат чиқарди. Аввалига «ит-мушугим мени нимагадир ёқтирмай қолди», — деб кўнгли ғашланиб юрди. Кейинроқ сир нимадалигини фаҳмлади. Унда руҳий ўзгариш бўлганди. Бир гал ўғай отаси супа ўртасида ниманидир ваз қилиб урмоққа чоғланди.

— Урманг! — зорланди Жасур қўллари билан ўзини шапалоқдан тўсишга чоғланганча, сўнг ҳам ялинчоқ ҳам вазабнок оҳангда. — Илтимос, ноҳақ урманг, қарғишга учрайсиз! Отамнинг арвоҳи уради сизни! — деди.

Шунда ғалати ҳол содир бўлди. Ўғай отаси ток ургандек турган ерида титраб чайқала бошлади. Кўзлари бир юмилиб, бир очиларди. У шу алфозда анча

вақт бешиктебратардек тебраниб, каловланиб турди. Жасур буни кўриб, уни чиндан ҳам отамнинг арвоҳи урди, — деб тушунди ва ўзи қўрқувга тушиб кўчага отилди.

Кечки пайт дастурхон теграсида ўгай отаси қовоғини солиб ўтирди. Жасур унга ўгринча нигоҳ ташлади. Хаёлини нима деркин, деган ўй қамраган, бутун вужуди қулоққа айланганди. Ўгай отаси гапирдими, йўқми, англай олмади. Лекин унинг: «Бу шайтондан тарқаганни нима қилсам, зириллатадиган қиламан. Кўзимга балодай кўринади-я», деган гапи қулоғига чалингандек бўлди.

Жасур алланечук сесканди. «Ўзи нималар бўляпти? У ҳеч нима демади шекилли?»... кўнглидан кечди унинг ва ўзида алақандай ўзгариш борлигини энди аниқ сизди. У ўша тун мижжа қоқмади. Эзилиб ўйлади, ўгай отасининг зулми жон-жонидан ўтиб кетганди. Ҳар нарсанинг ҳам чегараси бор ахир. Ўйлай-ўйлай охири уйдан бош олиб кетишга қарор қилди.

Ўшанда кўклам қулф уриб турарди. Сигирини ўтлатиш баҳонасида эрталаб уйдан чиқди. Сўнгра тарғилини катта тутга қантариб қўйди-да, шаҳар томон йўл олди.

Жасурнинг бундай аянчли, оғир кечмишидан нотаниш одам ҳали буткул беҳабар эди. У гарангсиб ҳамгин ўтирган Жасурнинг елкасига шапатилаб:

— Хўш, энди қаёққа бормоқчисан? — деди.

Жасур, билмасам, деган маънода елкасини қисди.

«Қўл-оёғи чаққон, абжир болага ўхшайди, — дилидан ўтказди нотаниш кимса. — Тарбияласам дурустгина дастёр бўлиб етишади».

Жасур унинг дилидан кечганларни ҳис қилиб турарди. «Кўриниши қўрқинчли бўлса ҳам, ёмон одамга ўхшамайди», деб ўйлади.

У кейинги пайтларда бошқаларнинг кўнглидан кечганларни уқиб оладиган бўлиб қолганди. Аввалига бундан ўзи ҳам ҳайрон бўлди. Кейинчалик «Меңда турма хислат бор экан-да», деб ўйлади. Аслида: у сигир пишқиришидан қўрқиб, уйғониб кетган лаҳзада сезги органларида ғалати ўзгариш юз берганди. Бу Яратганинг унга бахш этган инояти эди.

— Меникига борасанми? — таклиф қилди янги таниш.

— Майли, — деб бола ўрнидан туриб унга эргашди.

Чорбақдол маҳалласига етгач, мўъжазгина ҳовлига киришди. Улар кирган хона йиғиштирилмаганди. Ўртадаги думалоқ стол устига яримлаб қолган ароқ шишаси, қадах, ликопчалар турарди.

— Қорнинг очми? — сўради у қимтиниб турган боладан.

— Озроқ, — деди Жасур ютиниб. Қорахон даҳлизга чиқиб, бурчакдаги музлатгичдан у-бу егулик келтириб, стол устига қўйди (унинг исми Қорахон эди). Жасур хиёл тортинчоқлик билан тамадди қила бошлади. Унинг қорни оч эди, иштаҳа билан овқат еди.

— Хўш, қўлингдан нима иш келади, болакай?

— Сигир боқиш, ўтин ёриш, сув ташиш...

— Бўлди, бўлди, тушунарли! — деб гапни чўрт кесди Қорахон. Сенга ҳали кўп нарсани ўргатишга тўғри келади, қишлоқи чурвақа.

— Нималарни? — деди Жасур ҳадиксираганча.

— Вақти келганда биласан, эплаб ҳам кетасан.

— Менда бир валати хислат бор, — деди Жасур негадир Қорахонга ёққиси келиб.

— Қани билайлик-чи, ўша хислатингиз нима экан?

— Мен фол оча оламан.

— Йўғ-э! — деди кулимсираб Қорахон. — Қани, унда менга бир фол очиб кўрчи?

— Ичингизде бирор гап ўйланг.

Қорахон остки лабини қимтиб бир зум хаёлга берилди. Кейин:

— Хўш, нималарни ўйладим, айт-чи? — деди беўхшов илжайиб.

Жасур эса унинг дилидан кечганларни дарҳол уқиб олган эди. — «Бу чурвақада бир гап боров», деб ўйладингиз, яна: «Бу кичкина ҳали машҳур кисавур бўлиб кетса-я», деган хаёлга бордингиз.

Қорахон Жасурга ҳанг-манг бўлганча анграйиб қараб қолди. Сўнг:

— Э, бор бўл-э, чурвақа! Қойил қолдирдинг-ку! — деб қийқириб юборди. — Фирт телепат<sup>1</sup>нинг ўзисан-ку, ошна.

— Хўш, топа олдими? — Жасур мамнун илжайди.

— Оббо сен-эй! Бало экансан-ку! — деди Қорахон чаккасини қашиганча ўйланиб. — Қани, яна бир марта топ-чи, нима дейман.

Жасур синчков назар ташлади. Сўнг: «Болада хислат кўп экан. Менинг касбимга ана шунақа топқир-топаронлар асқотади. Омадинг чопди, Қорахон. Зарбингдан, найранг-усулларингдан баъзи бир сўхтаси совуқларнинг даҳшатта тушишини энди кўрасан. Қўлдан чиқармаслик керак бу болани», деган ўй ўтди кўнглингиздан. Қалай тўғри топдимми? — деди.

— Ҳа, тўғри айтдинг, бало экансан? Қойил! — деди Қорахон шодлиги ичига сиғмай. — Шунчалик қобилиятинг, иқтидоринг бор экан-у, сигир боқиш, ўтин ёришни биламан, дейсан-а. Балки одамни ухлатиш ҳам кўлингдан келар. Яъни гипноз қилиш?

— Қайдам, — деди у елка учирганча. — Синаб кўрмаганман ҳали... Ҳа, айтгандай, бир марта шундай бўлган. Бир жўрам худди ухлагандек карахт бўлиб қотиб қолди. Қўрқиб, қочиб кетдим. Кейин билсам, зўрға хушига келибди. «Касал бўлдим, бошим бирдан қаттиқ оғриб, хушимдан кетиб қолибман», деди. Хайрият, мендан кўрмабди. Бўлгани шу...

— Менга қара, болакай, ноёб хислатинг ҳақида бировга чурқ эта кўрма! Сиринг ошкор бўлса милиса тутиб кетади-я. Кейин қутулиб бўлсан уларнинг чангалидан.

— Нима учун тутишади? — сўради бола ҳайрон бўлиб.

— Нимага эмиш? Шуям гап бўпти-ю? Обориб, шартта қамаб қўйишади, билдингми? — деди Қорахон жиддий тусда. — Маҳбуслардан сир олувчи айроқчига айланиб қоласан, тушундингми?

— Тушунарли, — деди Жасур маъюс тортиб. — Сиз ҳам ҳеч кимга айтмайсизми?

— Гап иккаламизнинг ўртамизда қолади, «Ўрага сичқон тушди гулду-гуп!» — деди Қорахон. — Бундан кейин тилингга эҳтиёт бўл! Хўпми?

<sup>1</sup> Олдиндан ҳис қилувчи.



Жасур, хўп дегандек, бош силкиди.

Қорахон даҳлизга чиқиб: «Ҳар қалай, бу бола олдида ўзим ҳам эҳтиёт бўлиб юрганим тузук, — деб ўйлади алақандай шубҳага бориб. — Айтиб бўлмайди бир балони бошлаб қўйиши ҳам мумкин».

Қорахон Жасурнинг қобилиятини қайта-қайта синаб кўрди. Сўнгра ноёб топилдиқдан ўзида йўқ суюнди. Келгусида қалтис ишларда ундан фойдаланишни дилига тугди. Шу пайтдан бошлаб янги шогирдига меҳрибон бўлиб қолди. Уни эркалаб, «Кичкина» деб атай бошлади. Кейинчалик бу ном Жасурга лақаб бўлиб қолди...

\* \* \*

Шаҳар ички ишлар бўлимининг бошлиғи подполковник Омон Султоновни алақандай номаълум талончилар тўдаси пайдо бўлгани ташвишга солиб қўйди.

Айниқса, бу ҳақда ҳалига қадар бирор бир фуқаро милицияга арз-дод қилмагани бошлиқни ажаблантирди. Бунинг тағига етиш керак эди.

Султонов жиноят қидирув бўлинмаси катта нозир капитан Талъат Тўлагановни ҳузурига чорлади. Унга эл ўртасида юрган миш-миш гапларга аниқлик киритиш вазифаси топширилган эди.

— Шундай жиноятлар юз бераётгани рост бўлиб чиқди, — деди Тўлаганов ташвишли оҳангда. — Жиноят излари синчиклаб ўрганилди. Охирги уч-тўрт ой ичида гўшт комбинатининг омбор мудир, қурилиш материаллари базаси директори, қандолатчилик цехи устаси каби ўнга яқин фуқаролар хонадонида ўғирлик содир этилган. Аммо хонадон соҳиблари ўғирлар ҳақида тегишли органларга шикоят қилишни хаёлларига ҳам келтиришаётгани йўқ.

— Қизиқ! — деди подполковник жиддий тусда. — Ақл бовар қилмайди-я?! Улар билан гаплашиб кўрдингизларми?

— Ҳа, участка нозир бу иш билан шуғулланди. Унинг аниқлашича талончилар орийтта тегадиган усулларни қўллашаётган экан.

— У нима деганингиз? — ҳайрон бўлиб сўради Султонов.

— Сўраб-суриштиришлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, ўғрилар тўдаси ниқоб кийган уч-тўрт кишидан иборат экан. Улар хонадон соҳибларидан пул ва тилла тақинчоқлар талаб қилишар, агар ўз ихтиёрлари билан беришмаса, уларнинг фарзандларини ўлдириш ёки баловатга етмаган қизларининг номусига тажовуз қилиш билан қўрқитишар экан. Ота-она учун фарзанддан азизроқ бойлик борми, шунинг учун ҳам улар қўрққанларидан бор-шудларини ўғрилар қўлига тутқизаётган экан, — деди Тўлаганов куйиниб. — Ўғрилар гуруҳи шундай бурнимиз остида ялло қилиб юришсин-у, биз бу ерда... Наҳотки, жабр кўрганлардан бирортаси ҳам ўғриларга қаршилиқ кўрсата олмаган бўлса?

— Биттаси қаршилиқ кўрсатишга уринган экан, хотинини унинг кўз олдида ечинтириб, номусига тажовуз қилишмоқчи бўлишибди. Шунда эри бор пулини уларга тутқазिशга мажбур бўлибди.

— Ўғрилар нималарни талаб кетгани ҳақида маълумот борми?

— Айрим жабрланувчиларнинг гувоҳлик беришича, — деди Тўлаганов папкасидаги қоғозларни титкилай туриб, — ўғрилар уларнинг бор пулларини ва қимматбаҳо тилла буюмларини олиб кетишган. Кечмиш воқеа ҳақида атиги бир жабрланувчигина чамамада тўғри шохидлик берди, холос. Яқинда «Волга» енгил автомашинасини сотган экан. Кекирдагига пичоқ тираб, қўрқитишибди шўрликни. Жони ширинлик қилиб, пулини икки қўллаб чиқариб берибди... Талончилардан бири дағдаға қилиб, унга: «Савдода ишлайсан. Шилинганнинг ҳақида агар бировга чурқ этсанг, ўзингдан кўр! Қўлга тушсак, сен ҳам бунча пулни қандай қилиб жамгарганинг ҳақида сўроқ беришингга тўғри келади. Ўшанда уйимга ўт кетди, деявер!» — дебди.

Уларнинг дўқидан уй эгасини баттар қўрқув босибди.

— Зудлик билан ишга киришинг! — деди Султонов ташвиш билан. Агар тез кунда жиноятнинг олди олинмаса, ёмон оқибатларга сабаб бўлади. Талончиликлар хусусида меңда яна бир маълумот бор. Ўғрилар жуда катта миқдордаги сармойани қўлга киритишган.

Отбозор маҳалласидаги Аллоевни уриб, қаттиқ жароҳатлашган ва бойлигини тортиб олишган. Жабрдийда касалхонада. Унинг ёнига бориб воқеанинг тагига етинг!

Капитан Тўлаганов касалхонага бориб, Остон Аллоев билан учрашди. У сут-мой комбинати омборчиси экан. Чорпахилдан келган, аммо кўринишидан бўзбола йигит. Тутила-тутила ийманиб гапириб берди. Унинг айтишича, — ўғрилар — ниқобли уч киши бўлган, иккитаси бетига аёллар қора капрон лайлоғи, қўллари чарм қўлқоп, бири ниқоб ўрнига «противогаз» кийиб олган. Унинг шоҳидлик беришича, ўғриларнинг уйга киришганидан беҳабар қолибди. Чироқ ёқилганини сезиб кўзини очса, тепасида ниқоб кийган уч бадбашара қиёфа узун-калта бўлиб турган эмиш. Бирининг қўлида пичоқ. У ўрнидан турибоқ қутилмаганда чаққон ҳаракат қилиб пичоқ ушлаганининг қорнига тепибди. Иккинчиси билан олишаётганида бошига кучли зарба тушиб йиқилибди. Шу пайт шовқиндан қўшни хонада ётган болалари уйғониб кетибди. Улар жон ҳоврида бақириб-чақириб, «дод» солганча қий-чув кўтаришибди. Шунда ўғрилар довдираб қолишибди. Бири оғзига эҳтиётсизлик қилибми, ҳовлиққанча шеригига: «Зарба, бас, бўлди қилинлар, кишт бўлдик!» — дебди. Кўп ўтмай улар ғойиб бўлишибди. Бу гапларни Аллоевнинг хотини шовқин-суронда зўрға илаб олибди. Аллоев ниқобдаги ўғриларни таний олмаганини айтди. Лекин учаласининг ҳам бўй-бастини аниқ тасвирлаб берди. Иккитаси ўрта бўйли, пичоқ ўқталгани эса бўйчан экан.

«Зарба дегани ким бўлдикин?» — хаёлидан ўтказди капитан. — Балки, у ўғрилардан бирининг лақабидир?»

Капитанга гўё калаванинг учи топилгандек бўлди.

\* \* \*

Геркулеснинг автостанцияда изғиб юргани бежиз эмас эди. Ўтган тунда шериклари Отбозор маҳалласидаги мўлжалга олинган уйга «ов»га боришганди. У шериклари билан гала-говурли ва беҳавотир шу ерда учрашишга келишганди. Лекин талончилик барбод бўлди. У ҳали бундан беҳабар бўлиб, тўда изига изқуварлар тушганини ҳам билмасди. Умуман, Геркулесга

хавф-хатар соя солмасди. Чунки талончиликка ўзи бормас, фақат югурдакларига йўл-йўриқ кўрсатиш билангина кифояланарди. Улар эса ўғирликни у ўйлагандан ҳам зиёда бажариб қайтишарди. Мабодо бирортаси қўлга тушиб қолса, шерикларини сотмас, тўғриси, ўғрилар қасами ва одатини бузишга журъат этолмасди. Қўлга тушганлар қамалиб кетар, лекин Геркулес четда қолаверарди.

Геркулеснинг шерикларидан кўнгли тўқ эди. «Чарчашган бўлса, бирор қавақда думалаб, ухлаб ётишгандир-да» деган хаёлга борди. Сигаретни бурқситиб тутатаётган пайтида атрофга мусофирдек аланглаётган Жасурга кўзи тушиб, унга қизиқсиниб қолди. Яна бу кун унинг учун омадли эди. Чунки кечаги талончиликдан шериклари кутилмаганда катта ўлжа билан қайтди.

...Эшиқда Писмиқ кўринди.

— Сайра, Писмиқ! — деди Геркулес тиржайиб унга яқин келган Сангинга (унинг лақаби Писмиқ эди). — Билиб келдингми?

— Ҳа, босс ишни вадаванг қилиб қайтдим, — жавоб қилди у курсига чўкканча, — девордан ошиб тушилса бўлади. Лекин дарвоза олдида занжирбанд қопонғич ит бор. Уни тинчителишнинг йўли осон. Нон орасига... Эшиқ қулфига мос тушадиган калит ҳам топдим. Билинтирмай ҳовли ичига тушилади-ю кейин...

— Ҳар томонлама ўрганиб чиққан бўлсанг яхши! — деди унга мамнун тикилиб Геркулес.

— Одатимни биласиз-ку, босс! Миридан-сиригача аниқламасдан қўймайман.

— Яша! — деди Геркулес кулиб, — Писмиқ деганча борсан. Қилган ишингни қотирасан. Шу боис сенга ишонаман. Шай бўлиб тур! Демак ишни шу кечаси амалга оширамиз.

Ярим тунда кўча муюлишига яшил «Жигули» келиб тўхтади. Ундан уч киши тушиб, темир дарвозали уй томон юрди.

— Бўлақол! — деди шивирлаб гавдалиси чўғолроғига. — Ҳушёр бўл, яна чакаги очилиб қолмасин.

Чўғолроғи Сангин эди. У тушундим, дегандек бошини маъноли қимирлатиб, деворга яқин борди. Шими

чўнтагидан қовозга ўроғли бир бўлак гўштни дарвозадан ошириб ичкарига улоқтирди. Фафлатда ётган қўриқчи ит «тўп» этган товушдан қулоқларини динг қилди. Фингшиганча кўчадан ташланган нарса томон югурди. Обдан ҳидлаб кўрди. Очиққан экан, гўштни апилтапил ейишга тушди. Бир оздан сўнг ит фингшиди-ю, тинчиди қолди. Сангин шериклари кўмагида девор устига чиқди. Кўкдаги яримлаб қолган ой ҳовли саҳнини фира-шира ёритиб турар, ит думалаб ётарди.

— Гатоп!— деди Писмиқ оҳиста.— Боплайверайми?

— Чўнг гавдали «Ҳа, ишга кириш!» деган маънода қўлини силкитди. Сангин девордан чаққон ҳовлига сакради. Дарвоза зулфини тушириб қия очди. Шериклари ичкарига киришгач, дарвозани ним очиқ ҳолда ёпиб қўйди. Аёлларнинг қора капрон пайпоғини юзларига кийиб олишди. Биттаси эшик қулфига калит солди. Сангин электр чироқни ёқди. Уй эгаси Оқбошев чўчиб уйғонди, шу чоғ унинг кекирдагига пичоқ тиралди. Уй соҳиби ваҳимадан титрар, тишлари безгак тутандек такиллар, гапирмоқчи бўлар, аммо тили айланмасди. Тарақа-туруқдан хотини ва қизи уйғониб кетишди. Даҳшатдан уларнинг ранглари докадек оқариб, вужудларида титроқ турди.

— Пул қаерда? — Жонингдан умидинг бўлса, тезроқ айт!.. Бўл! Йўқса!..

Кўзлари қинидан чиқиб кетаёзган Оқбошев қимти-ниб зўрға гулдиради.

Ўғри унинг нима деганига тушунолмади. Иккинчи қўли билан Оқбошевнинг сочидан чангаллаб, бошини елкасига қайирди.

— Пул деяпман, сенга!

— Кеч-кечирасиз, қа-қанақа пул?!

— Зарба, қани бошла!

— Ҳозир тилга киритиб қўямиз, — деди семиз, ҳирсдек бақувват ўғри совуқ ишшайиб. У хушрўй, лўппи юз қизни бир ҳамладаёқ даст кўтариб, ота рўпарасида оёққа турғазди. Ички кўйлақда дир-дир титраб турган номаҳрам мужда «дадажон», дея чинқириб юборди. Ҳирс гавда гўрсўхта яна бир ножўя ҳаракат қилганди, унинг ички кўйлаги йиртилиб, тўши очилиб қолди. Даҳшатга тушган қиз нима қиларини билмай уятдан донг қотиб турарди.

— Вой, шўрим! Айтинг, айтақолинг, дадаси! — деди шўрлик онаизор кафтлари билан юзини бекитганча, ўкириб.

— Тегманглар унга! Қизимга тегманглар! — Ўзига ҳам ёт овозда чинқирди Оқбошев. — Айтаман, кўрса-таман!.. Хонадон соҳиби кўзларидан қуйилиб келаётган кўзёшларини тўхтаолмасди.

Сангин шеригига ишора қилди. У чўнтагидан чил-вир чиқариб, она билан қизнинг қўл-оёқларини апил-тапил боғлаб ташлади. Она: «Ноинсофлар, худонинг қаҳрига учрагурлар», деб санлаб, қарғай кетди. Аммо зумда унинг чакаги тинди. Чунки оғзига бошига тан-филган дуррачаси тикилганди. Ярим яланғоч қизнинг оғзига полда ётган ички кўйлагининг бир бўлагини тикиб қўйишди.

— Кўрсат, қани! Ўшқирди, Сангин Оқбошевга.

— Ташқарида, тут остига кўмилган, — деди Оқбошев ўксик оҳангда. — Кавлаб олинглар, фақат бизга тегманглар!

Оқбошевнинг қўлини орқасига қайириб, ташқарига олиб чиқишди ва у кўрсатган ерни кавлай бош-лашди.

Белкурак билан чамаси бир метрча кавлашгач, цел-лофанга ўроғли бир тутун чиқди. Уни шоша-пиша очиб қарашди. Қўл фонари ёруғида даста-даста пуллар кўзга ташланди.

— Ҳаммасини олинглар! Бор бисотим — шу, энди тинч қўйларинг! — деди синиқ овозда ёлвориб уй со-ҳиби.

— Олтин, зеб-зийнатлар қани?!

— Қизим, хотинимдан ҳаммасини ечиб олдиларинг-ку! Яна нима керак?!

— Яшириб қўйганларингни айт, деяпман сенга, бўлмаса?!

Пичоқ тиғи бўғзига санчилишидан кўрққан Оқбошев ноилож яна тилга кириб сирни очди.

— Айвондаги гултувақда.

Талончилар айвонда турган, алой гули ўстирилган катта гултувакни ерга ағдаришганди, ичидан каттагина қора мум чиқди. Ўғри мумнинг ичидаги гавҳар, олтин тақинчоқларни олишди.

— Зарба, тинчит уни! — буюрди тифдори. Оқбо-

шевни уйга олиб кириб қўл-оёғини чилвир билан чирмаб боғлашди, чойшабни йиртиб, оғзига тиқишди. Сўнг:

— Библиб қўй, милицияга хабар берсанг, биздан яхшилик кутма! Уйингга ўт қўйиб, ҳаммангни ёқиб юборамиз! — деди таҳдид билан тиздор ўғри.

Сўнг ўғрилар зулмат қўйнига сингиб кетишди.

\* \* \*

Капитан Талъат Тўлагановнинг бутун фикри-зикри қалтис жумбоқни тезроқ ечиш, жиноятни фош этиш билан банд эди. Хонасида бурқситиб сигарет тутатганча, дастлабки маълумотларни қайта-қайта таҳлил этарди. У жабрланувчи Аллоевнинг хотини билан суҳбатлашди. Аёл ўғрилардан бири Зарба деган номни тилга олганини аниқ эшитибди.

— Янглишаётганим йўқ! — деди у ишонч билан.

— Улар уйдаги ҳеч нарсага тегишмадими? — сўради капитан. — Диққат билан эслаб кўринг-чи... Бу жуда муҳим.

— Йўқ, ҳеч нарсамизга тегишмади. Бор нарсамизни бирма-бир кўздан кечириб чиқдим. Ҳаммаси жой-жойида.

Тўлаганов воқеа содир бўлган жойга бориб, ҳаммаёқни яна бир бошдан синчиклаб текшириб чиқди. Шубҳали бирорта нарсани аниқлай олмади. Ўзига таниш бир-икки пихини ёрган собиқ ўғрилар билан учрашиб суҳбатлашди. Улардан бири «Шаҳримизда Зарба лақабли ўғри борлигини биринчи марта сиздан эшитиб турибман», деди. Иккинчиси «Кеча Жўйбор маҳалласида ҳам бир уйни тунаб кетишибди. Уй эгаларидан кимдир уларнинг бири Зарба номи билан аталишини эшитиб қолган эмиш. Бу гапнинг қанчалик рост ёки ёлғонлигини аниқ билмайман» — деди.

Капитан зудлик билан Жўйбор маҳалласига жўнади. Ўғри тушган хонадонни топди. Аммо хонадон соҳиби Абрам Оқбошев: «Бизни тинч қўйинг, ҳеч кимдан даъвойимиз йўқ», деб уйида содир бўлган воқеа тафсилотини айтиб беришдан бош тортди.

«Ишониш қийин, одатда ўғрилар ниҳоятда эҳтиёткор бўлишади», — ўй сурарди капитан. — «Икки ерда ўғрилар бири иккинчисининг номини айтиб қўйгани кизиқ? Ёки шошиб, шундай хатога йўл қўйишдимикан?..»

Жиноят қидирув бўлинмасида ҳам яқин йиллар ичида Зарба лақабли ўғри бўлгани қайд этилмаган. Капитан талончилар тўдаси ишига тааллуқли маълумотлар хусусида чуқур ўйсуриб турган эди, телефон жириглаб қолди.

— Эшитаман! — деди у гўшакни кўтариб. Аммаси Зубайда хола йиғламсираб унинг зудлик билан бир келиб кетишини илтимос қилди. «Нима гап, тинчликми?» — деган эди, аммаси яна ўпкаси тўлиб: «Келсанг биласан... Иложи бўлса, тез етиб кел», деб мужмал жавоб қилди. Тўлаганов «бирор кор-қол юз бердимми» деган ўй билан, шошилганча йўлга тушди.

Аммаси Зубайда холанинг безовта бўлиб қўнғироқ қилганича бор эди. Кеча оқшом эри Хуррам ака эшикдан қонга беланган ҳолда кириб келди. Хотини кўрқиб кетиб: «Вой, шўрим, ким билан бунчалик жиққамушт бўлдингиз?» деганди. Эри: «Мени ўз ҳолимга қўй, бўлар иш бўлди. Занғар Содик ўчини олди, муродига етди. Энди тинч қўйса бўлгани...» дея кўрс жавоб қилди.

Бу ваҳимадан Зубайда холанинг ранги-қути ўчиб, хавотири баттар ошди, турли нохуш ўй-фикрларга борди, жиянига қўнғироқ қилишга мажбур бўлди.

\* \* \*

Хуррам Шайдоев олийгоҳни битириб, ўқитувчилик касбига эга бўлди, аммо бу соҳада ишламади. Танишбилишчилик йўли билан райкомсомолга ишга ўрнашиб олди. Бир йилча фаолият кўрсатгач, ички ишлар бўлимига хизматга ўтди. Бироқ бу ерда ҳам узоқ ишламади. Милиция хизматида давру-даврон суриб юрган кезларида жиноий бир иш кўрилганди, моҳиятига чуқур тушунмай катта хатога йўл қўйган эди. Ўша хато сабаб бўлиб, вазифасидан четлатилди. Эндиликда бир қурилиш ташкилотида юрист-маслаҳатчи вазифасида ишлайди. Бегуноҳ бир йигитга жабр қилганди. Ёмонлик изсиз кетмади, йиллар ўтиб ўша йигит қамоқ жазосини ўтаб қайтиб, Шайдоевнинг изидан тушди. Ниҳоят, Содик уни бир куни номозшомда стадион чеккасидаги бояда ёлғиз учратиб қолди. Шайдоевнинг хотираси жуда ўткир бўлиб, кимни қачон, қай пайтда, қандай усулда сўроқ қилгани эсида эди. Рўпарасида важоҳат билан турган кенг елка, кўкраги қабарик, би-



лак мушаклари бўртиқ, қўй кўзлари тифдек ўткир боқувчи йигитни дарров таниди. Ўшанда у Когон туманида ишларди. Яхшилаб хотирлади, янглишмади. Ҳа, бу ўша одам... «Хумпар, тўлишиб, йўғон тортиб кетибди-ку. Муддаоси нима экан?» — деб ўйлади.

Содиқ пачакилашиб ўтирмади. Дарҳол мақсадга кўчди.

— Огоҳлантириб қўйай, менинг таъқибимдан қочиб қутулиш мушкул! — деди у Шайдоевга пўписа қилиб. — Танимаётган бўлсанг, ўзимни яна бир карра танитиб қўйай. Бир пайтлар сен ноҳақдан-ноҳақ роса қийноққа солган, ёш бошимга оғир кулфатлар ёғдирганинг Содиқ Чинқулов бўламан. Энди бир нарсани очиқ-ойдин айтиб беришинг керак! Ўшанда мени қийнаб, қилмаган айбга иқрор бўлишимга, куч ишлатиб, зўрлик билан йўқ жиноятни бўйнимга қўйишга сени нима мажбур этган эди? Сендан шунга аниқ жавоб олмоқчиман.


Шайдоев ҳадиксираб уёқ-буёққа аланглаб олди. Чоратрофда ҳеч ким кўринмасди. «Танлаган жойини қаранг», — деб кўнглидан ўтказди у хавотирланиб. «Бир ўзи эмаслиги аниқ. Бундай собиқ маҳбуслар жуда пухта, билиб иш қилади. Муштлашиш фойдасиз, йўлини қилиб, авраш керак».

— Ўтган ишга саловат. Орадан анча вақт ўтиб, ҳаммаси унутилди. Энди уни қайтадан ков-ков қилиб ўтиришдан не фойда? — дея гап бошлади у ҳушёр тортиб. — Ўшанда айбга ўзинг иқрор бўлдинг, ётиб қайтдинг. Бу ўз-ўзидан айби исбот бўлди, деган гап-ку! Наҳот шунга тушунмасанг.

— Тилимни кўп қичитаверма, туллак! — деди Содиқ тутатиб. — Виждон азоби, дил яраси-чи? Бурчга бўлган садоқат-чи? Дарвоқе, сенда виждон нима қилсин! Виждонингни, имонингни пулга тиккан одам эдинг. Бурчинг, касбинг сен учун бир ниқоб эди.

— Бекорга ҳақорат қиялсан! — деди Шайдоев титраб. — Исбот, далилсиз бировни айблаш яхши эмас. Бир пайтлар сенга жабр етказган бўлсам, касбим тақозоси туфайли бўлган.

— Гапни кўп олиб қочма, разил! — деди Содиқ қаҳр билан. — Агар заррача диёнатинг бўлса, мард бўлсанг, айт-чи, ўшанда менинг шаънимга ноҳақдан-



ноҳақ «ўғри» деган жирканч доғни чаплаштиришга сени нима мажбур этганди, шуни гапир?!

— Энди мақсадинга тушуниб етдим. Ўч олиш, шундайми? — деди Шайдоев овози титраб. — Акс ҳолда бундай холи жойни танлаб, йўлимни тўсмасдинг. Шайтонга ҳайф, деганинг дуруст. Тинчгина юрганинг сенга маъқул эмасми? Ҳар қандай жиноятга қўл уриш оқибати айниқса, сендек якка хавфли жиноятчи учун қанчалар оғир кўчишини яхши биласан. Маслаҳатим — шу сенга: ҳали ҳам кеч эмас, ўйлаган ниятингдан қайт! Йўқса, ўзинга яна қийин бўлади.

— Чучварани хом санабсан, аҳмоқ! — деди Содиқ рақиб томон тикка бостириб бориб ва ёқасидан бўғиб ушлаганча дарахтга тиради. — Тақдиримнинг остин-устун бўлиб кетишига дастлаб сен муртад сабабчи бўлмаганмидинг! Мени беайбу, бегуноҳ қаматиб, шу кўйга солган, охир-оқибат даҳшатли бир одамга айлантирган сен, сенинг тубан ҳамтовоқларинг эмасми?!

Содиқ «ўлжа»сини зарб билан икки-уч бор дарахтга урди. Шайдоев жон-жаҳди билан ҳимояга чоғланиб, қасддорининг қўлларига ёпишди. Содиқ тиззаси билан унинг қорнига чунон тепдики, Хуррамнинг нафаси ичига тушиб кетди. Содиқ энди унинг сочига чангал солиб, калласини юқори кўтарди-да, юзини дарахтга тўғирлаб жон-жаҳди билан ишқади, ҳали ўзига келолмай турган Шайдоевнинг афт-ангори қора қонга беланди. У овриқнинг зўридан инграб юборди, дир-дир титраётган қўллари билан юзини тўсди.

— Хўш, энди айтасанми, йўқми... номард?

— Сен учун энди бари бир эмасми? — деди Шайдоев тили зўрға калимага келиб. — Жонажон, қадрдон хешинг Қорахон туфайли қора курсига ўтиргансан. Мен фақат буйруқни бажарганман.

— Ўғирлик моллар-чи? Ундан қанчаси текканди сенга? — тутақиб ўшқирди яна Содиқ.

— Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, мен бор гапни айтдим. — деди у базўр чайналиб. — Ўғирлик қандай юз берганини, кейин нима гап бўлганини қариндошинг Қорахондан, ўшанда унинг жиноятини яширган Дулдуловдан сўраб бил! Мен иккисини ҳам ёқтирмас эдим. Ёлгон айтаётган бўлсам, ёлғиз фарзандимга ота бўлмай...

— Унда қулоғинга яхшилаб қуйиб ол, ифлос! —

деди Содик таҳдид билан. — Ҳозирча орамизда ҳеч гап бўлмади ҳисоб. Агар бировга ғиди-биди дегудек бўлсанг, ўша ёлғизингдан ажралдим, деявер! Уруғ-ай-морларингнинг яшаш ерини биламан. Мендан қочиб қутулолмайсан. Энди, даф бўл!

Афт-ангори қонга беланган Шайдоев гандираклаганича аста узоқлашди. Содик ҳам тезда бордан чиқиб кетди.

\* \* \*

— Биласанми? — дея қўшиб-чатиб гапира кетди аммаси Зубайда жияни Тўлагановга. — Поччангнинг юзи шундоқ ола-қашқа бўлган. Айтдики, Содик деган бир кимса ундан ўчини олибдимиш. Поччанг титраб-қақшаб: «У аблаҳ шу билан мени тинч қўйса гўрга эди», дедилар. Аҳволлари оғирлашгач, «тез ёрдам»га қўнғироқ қилдим. Боягина олиб кетишди. Нима қиларимни билолмай қолдим. Охири сенга қўнғироқ қилдим.

— Ҳечқиси йўқ, соғайиб кетадилар. Кўп ваҳимага тушаверманг, — тасалли берди Тўлаганов.

Кейин касалхонага отланди. Шайдоевни алақачон палатага ётқизишган экан. Капитан пешонаси оқ мато билан танғилган поччасидан ҳол-аҳвол сўрагач:

— Мақсади сиздан фақат ўч олиш эканми? — деди. — Ёки яна бирон муддаоси борми?

Шайдоев узун сўлиш олди, сўнг:

— Бунинг тарихи узун, — деди. У уни яна қайта ковлаштириб ўтиришга арзимайди. Вақтида мендан ҳам ўтган эди... Ҳисобли дунё, «Ал қасосул минал ҳақ», деганлар. Пайти келиб, ўчини олиши аниқ эди.

— Бундоқ тушунтириброқ гапирсангиз-чи? — деди капитан ҳайрати ошиб. — Орангизда нима гап ўтган ўзи? Очиқчасига қасд оладиган замон эмас-ку, ҳозир.

— Майли, бўлар иш бўлди, ўтган ишга саловат, — деди Шайдоев хотиржам оҳангда. — Тез орада соғайиб кетаман.

— Сизнинг жабр тортиб, яна бир безорига нисбатан бунчалик бефарқ бўлаётганингиз мени таажжублантиряпти, — деди капитан поччасига тунд қараганча. — Қонун-қонидани яхши билган сиздек одам шундай қилгач, бошқалардан гина қилишга на ҳожат. Бун-

дай боқиберамликни кўриб жиноятчи безорилар қутурмай, яна ким қутурсин?

— Эътирозинг ўринли, — деди Шайдоев тирсақларига таяниб қаддини ростлаб. — Лекин одам ҳаётда янглишмай яшай олмайди. Адашиш, хатога йўл қўйиш, кишига жуда қимматта тушар экан. Мени бир пайтлар йўл қўйган ана шундай хато учун жазолашди. Жазо у тўғри бўлди. Қанийди энди виждон азобидан ҳам қутула олсам?!

Капитан Тўлаганов поччаси Шайдоевнинг мужмал жавобидан қониқмади. Шу нарсани тушундики, Содик билан поччаси ўртасида кучли зиддият бўлган. Акс ҳолда поччаси «бир пайтлар мендан ҳам хатолик ўтган эди», демаган бўларди. Поччасининг ноаниқ жавобидан Тўлагановнинг жаҳли чиқди.

— Мен барибир ўша қасддорингизни топтирмай қўймайман, — деди капитан қатъий. — У безори қилмиши учун жавоб бериши керак.

— Аммо бу ҳақда даъвогар нима деркин, ўйлаб кўрдингми? — деди Хуррам Шайдоев капитанга норози қиёфада тикилиб. — Изқувар укам, шуни унутмагин, қасосдорим ёлғиз эмас. Мени қатъий огоҳлантириб қўйди. У хумпарнинг қандай шахслигини ҳали билмайсан. Унга ҳеч қандай тўсиқ, хавф-хатар писанд эмас. Колонияда туриб ҳам очиқдаги шериклари орқали ҳар қандай мақсадини, яна истаган вақтида амалга ошириши мумкин. Сўзларимга ишонмасанг, бориб у ҳақда устозинг Дулдуловдан сўра. Кўп нарсани билади. Ҳозироқ айтиб қўяй, сен уни тутган тақдирингда ҳам билиб қўй, менинг унга ҳеч қандай даъвоим йўқ.

Тўлаганов барибир чидаб туrolмади. Ичида поччасини «Бу кунингдан баттар бўл!» деб койиди. Бурч уни безорини тезроқ тутиб жазолашга ундаётганди. Капитан машинасига ўтирди-да, рулни Галаосиё шаҳри томон бурди. Дулдуловнинг қўшнилари унинг уч кун бурун дала ҳовлисига кетганини айтишди. Капитан Дулдуловни яхши танир, у истеъфодаги подполковник бўлиб, пенсияга чиқиш олдидан шаҳар ички ишлар бўлимида бошлиқ лавозимида эди. Дулдулов ички ишлар соҳасига туман фирқа қўмитаси тавсияси билан ишга олинган, у фирқа қўмитасида саноат, қури-

лиш ва маъмурий соҳаларни идора этарди. Ички ишлар бўлими эса туман ижроия қўмитаси ихтиёрида эди. Дулдулов дастлаб тарбиявий ишлар бўйича бошлиқ ўринбосари бўлди. Малакасини оширгач, ошналари кўмагида бошлиқ бўлиб олди. Тўлаганов унинг қўли остида ишлаган, Дулдуловни ўзига устоз деб биларди.

Дулдулов кўрпа-тўшак қилиб ётиб олганди. Аъзойи баданининг зирқирашига зўрға чидаётганди. У бўлиб ўтган аянчли воқеа ҳақида чурқ этмади. «Кимсан, Дулдуловни қасддорлари калтаклаб кетишибди» — деган иснодга қолишни хоҳламасди. Қасддори Содиқнинг қамоқхонадан тузалиб эмас, балки бутунлай бузилиб қутуриб чиққанига ишонч ҳосил қилди. Содиқ бир эмас, бир неча бор ўтириб чиқди. Орадан йиллар ўтди. Мана энди у ўзига ўзи жабр-зулм ўтказган кишилардан очикчасига ўч оляпти. Содиқ ҳали Қорaxonни ҳам тинч қўймайди. Собиқ терговчи билан тўқнашганда, Шайдоевнинг ҳоли не кечаркин? Ишқилиб, энди мени тинч қўйса бўлгани эди, — деган тугалсиз ўйлар унинг хаёлини қамраб олганди. Дабдурустан эшик тақиллаб қолди. Кўнглидан «у аблаҳ яна келдим», деган ўй кечди. Ўрнидан аранг кўзғалиб, деразадан ташқарига боқди. Остонада жилмайганча капитан Тўлаганов турарди. У эшик илгагини туширди.

— Э-э, Талъатжон, бормисиз ўзи бу оламда? Қани, қани, ичкарига марҳамат! Биз фақирни ҳам йўқлаб келадиган киши бор экан-ку-а, — деди у кукоқ салом-алиқдан сўнг: «Бу изқувар бирор бир ҳидни сезиб, келганга ўхшайди», дея кўнглидан ўтказди.

— Узр, устоз, узоқ вақт келолмадим. Иш десангиз бошдан ошиб ётибди, — деди Тўлаганов бироз хижолат бўлиб. — Ўзингиз ҳам бундоқ ўтиб, бир гурунг бериб келай, демайсиз-а?

— Ука, бироз тобим йўқроқ, — деди Дулдулов мискин овозда. — Тоза ҳаводан бир мириқиб олай деб, шу кулбада ётибман. Хизматчилик давридаги югур-югури, чопа чоплар асоратими, ука, кўпдан бери суякларим зирқираб оғрийди. Бироз сабр қиласиз, ҳозир электр плитага чой қўяй, сўнг хўп десангиз, иккаламиз бир яйраб отамлашамиз. Ўзим ҳам азбаройи зерикканимдан роса пўпанак босиб кетганман.

Капитан эъгироз билдирмади.

— Ҳойнаҳой бирор зарур юмуш билан келгандир-сиз-а, ука? — деди Дулдулов чой устида. — Кўзларингиз шундай айтиб турибди.

— Жуда топқирсиз-да, устоз! — деди капитан жилмайиб. — Бир жиноятчининг изига тушганман. У ҳақда балки сиз биларсиз?

— Қайси жиноятчи экан у? — Ўсмоқчилаб сўради Дулдулов.

— Содик деган ўғрини танийсизми? — деб илгани узоқдан ташлади капитан. — Мабодо, у тўғрисида қуловингизга бирор гап чалингандир?

Дулдуловнинг туйқус эти сесканиб, авзойи бирдан ўзгарди. Капитанга бир муддат лол қараб қолди. У Дулдуловдаги ўзгаришни дарҳол сезди.

— Нима у қўлга тушганми? — сўради Дулдулов аллақандай титроқди оҳангда.

— Йўқ, ҳали айтдим-ку, уни қидиряпмиз деб. — У ҳақда балки сиз бирор нарса биларсиз?

— Узр, кексалик аломатими, кейинги пайтларда хийла паришонхотир бўлиб қолганман. — Ў-ҳў, бунақанги бебош ўғриларнинг чамамда озмунчасини тутмадик, қайси бирининг номи-ю, турқи эса қолади дейсиз? Қўшни туманда хийла ном чиқарган бир безори ўтган, чамамда унинг деярли бутун умри колонияларда кечяпти. Чиқиб келдими, яна кўп ўтмай безорилиқда айбланиб, қамалиб кетарди. Янглишмасам, унинг исми С. ҳарфи билан бошланарди. Лақаби Зарбамиди-ей...

— Зарба! — деб бирдан ҳушёр тортди капитан. Сўнг устозига миннатдорона боқди. — Ҳеч янглишмадингиз, устоз! Худди ана шу жиноятчини излаяпмиз.

Капитан Тўлаганов омади келганидан суюниб кетди. «Зарба». Бу ўғрилар тўдасидаги жиноятчи-ку! — дея дилидан ўтказди у. — Ҳали Содик билан Зарба бир шахс бўлиб чиқсайди?»

У Дулдулов билан хайр-хўшлашди. Дулдулов эса «чакагим қурсин, алжирайвериб эҳтиётсизлик қилиб қўймадиммикин», — деган ўйга бориб, дилини ваҳм босди. Кўз ўнгида кун кеча бўлиб ўтган воқеа гавдалана бошлади.

Содик Дулдуловнинг яшаш жойини сўраб-суриштириб топиб борди. Унга «Дала ҳовлисига кетган» —

деб айтишди. «Танишлариман, менга келгин, деб ўзлари тайинлаган эдилар, у кишига учрашим лозим», деб сўраб сўроқлаб дала ҳовлининг жойини билиб олди. «Жигули»га ўтириб, рулни ўша томонга бурди. Машина ўроз деган дўстиники эди. «Агар машина билан битадиган иш-пишинг чиқиб қолса, ҳеч тортинма, истаган пайтинг менинг «бедов»имдан бемалол фойдаланавер», деб тангилик қилганди у.

Дулдуловнинг данғиллама дала ҳовлиси алоҳида ажралиб турарди. У номерсиз машинани бир чеккага қўйиб, ҳовли томон юрди. Деярли зор кўринмасди. Фақат четдаги дала ҳовли боғчасида бир аёл қўлида белкурак билан ивирсиб юрарди.

Содиқ эшикни тақиллатди.

— Кираверинг, эшик очик, — деган бўғиқ товуш эшитилди.

У ичкарига кирди. Дулдулов ёлғиз бўлиб, диван креслода ястаниб телевизор кўриб ўтирарди. Дастлаб Содиқ зуваласи пишиқ, жинси шим кийган бу кишини «Бирор кўни-кўшни бўлса керак», деб тусмоллади.

— Келинг, келинг! — деди у ёқтирмайроқ ва ўрнидан эринибгина қўзғалди. — Узр, ука, сизни танимайроқ турибман?

— Ҳечқиси йўқ, сабр қилинг, ҳозир таниб оласиз кимлигимни! — деди Содиқ кўрсатилган курсига ўтиришни ҳам эп кўрмай. — Мен Зарба лақабли, яъни сиз турли тухмат уюштириб қаматиб юборган, ёшлиги барбод бўлган Содиқ Чинқулов бўламан.

— Қаранг-а, танимабман сизни, — деди мезбон овози алланечук қалтираб ва гўё ўнғайсиз ўтиргандек ўриндиқда бир-икки бор оғир қўзғалиб қўйди. — Хўш, хизмат ука?..

— Хизмат? — ҳиринглади Содиқ.

— Хизмат шундай! — Мен ҳақиқатни қидириб юрибман. Уни то юзага чиқармагунимча тинчимайман. Айтинг-чи, ўшанда кимга керак бўлиб қолганди, мени тухмат билан ўрғига чиқариб, қаматиб юбориш?!

— Ука, шундай дардинг бор экан, уни нега ўша пайтлар судяга, қораловчига айтмадинг? — деди чайналиб Дулдулов. — Келиб-келиб, энди, бу ишларни қўзғашдан не фойда?

— Етар, вайсақиликни бас қилинг! — деди у кескин. Ҳаққа кўчинг! Менинг қамалишимга сабабчи ким эди? Сизми ёки бошқа кишими, аниқ билмоқчиман?!

— Биз не қилган бўлсак, ўша пайт тегишли хужжатлар, ашёвий далиллар, жонли гувоҳлар асосида иш кўрганмиз. Биласиз, ишимиз ўзи шунақа эди. Аниғини сизни сўроқ қилган терговчидан билиб оларсиз. Энди марҳамат қилиб, хонани бўшатинг!

— Ҳали отдан тушган бўлсанг ҳам эгардан тушмаган экансан-да? — деди Содиқ туйқусдан сенсирашга ўтиб ва важоҳат билан унинг устига бостириб борди. — Йўқ, бунақаси кетмайди, ошна. Мен энди бир пайтлар сенинг дўқ-пўписангдан кўрққан содда, мўмин-қобил бола эмасман — деди-ю, талмовсираб ўрнидан кўзгалмоқчи бўлган Дулдуловнинг қулоқ чаккасига шунақанги тарсаки тортиб юбордики, зарбидан рақибининг кўзларидан ўт чақнаб, қулоқлари жаранглаб кетди. Кейин Содиқ унинг чакачига ўхшатиб мушт туширди. Дулдулов кафтлари билан оғиз-бурнини тўсганча ўрнида михланиб қолди. Унинг салқи лабларидан қон сизиб оқа бошлади. Содиқ уни аяб ўтирмай, тўғри келган жойига роса тепди.

Дулдулов анчадан кейин ўзига келди.

— Хўш, ўшанда магазинни ким ўмарган эди? — сўради. Содиқ ўдавайлаб. — Билиб қўй, агар ростини айтмасанг, ўзингдан кўр. Яхшиликча айтақол!

Қора қонига беланган Дулдуловнинг лоақал гапиришга ҳам мажоли қолмаганди. Умида бировдан бир туртки емаган, лекин қанчадан-қанча гуноҳли-ю, гуноҳсиз кишиларни зир титратган бу кимса келиб-келиб нафақахўрлик гаштини сураётган чоғида ўзининг ҳам бошига шундай кунлар тушишини туш кўриб-дими, дейсиз.

— Қулоғим сенда! — яна таҳдидли овоз янгради. — Билиб қўй, менинг бу оламда йўқотадиган ҳеч нарсам қолмаган. Сенинг ҳам биздек фақирларни қон қақшатиб юрадиган даврларинг ўтиб кетди. Қолган жонинг омонат. Унинг қадрига ет.

— Ишон, ҳеч нарсани эслай олмаяпман, — деди у аранг ғудраниб. — Орадан кўп йиллар ўтиб кетди. Аниғини ўша терговчидан билиб оларсан. У ҳозир шаҳарда.



Гапни чалгитма! — деди Содиқ яна дағдаға қилиб. — Мен ҳазиллашаётганим йўқ! Ростини айтмагунингча қўймайман.

У яна аёвсиз Дулдуловнинг тўғри келган ерига тепа бошлади. Дулдулов карахтланиб, ғужанак бўлганча, полга солинган чўғдек гилам устига қулади. У ногаҳоний қийноқ азобиға чидай олмай базўр нафас олар, «вой-вой»лаб нолиш қиларди. Энди айтишдан ўзга иложи қолмади. Йўқса, ҳолиға вой. Аяб ўтирмайди. Жони қил устида. Қаршилиқ кўрсатишға эса қурби етмайди. Галдағи тепкиларға бардош беролмаслиги аниқ. Рақибни кучли, қутурган, ҳеч балодан қайтмайди. Беаёв ўч олишға шай. Ҳар қандай қўрқинч, унга писанд эмас.

— Хўш, ҳақиқий ўғри кимлигини айтасанми, йўқми?

Дулдуловнинг қулоқлари остида яна ўша амрона товуш жаранглади.

Содиқ қоматини ростлаб, тагин бир тепган эди, Дулдулов оғриққа чидолмай ихраб юборди. Сўнг:

— Бўлди, бас! Айтаман, лекин кейин мени тинч қўясанми? Ростини айт! — Сенга қайтиб қўл тегизмаймиз.

Дулдулов «ростини айтаверсаммикан ё...», деб хиёл ўйланиб, иккиланиб турди. Шу он унинг хаёлидан лип этиб шум фикр ўтди. «Қорахон ҳозир ашаддий ўғрибоши! Сопини ўзидан чиқариб, бу мутгаҳамни ўшанга рўпара қилсам, тўғри аждаҳо комиға тушади-қолади. Менга деса, бир-бирини важиб ташламайдими».

Зумда ўйлаб топган бу ғаразли нияти ўзига маъқул тушди. Чалгитишни афзал кўрди.

— Дўкондағи ўғирликни ким қилганини қариндошинг Қорахондан сўраб билсанг бўлади, — деди у ёлғонни ямлаб, сўнг яна қўшимча қилди. — Чунки бу жиноятда унинг қўли бор эди. Шошганидан Қорахон дўкон ичида қўлқопи-ю, носқовоғини тушириб қолдирган экан. Яхши биласан, у кўнгилли дружиначи эди. Кўп қолларда ундан гувоҳ сифатида фойдаланиб келганмиз. Уни оғир жазо кутарди. Чорасини ўзи топди. Қариндошинг танлаган йўлни афзал кўрдик. Чунки, ўғирлик очилмай, ёпиқлиғича қолса, бизға гап тегарди. Бўлган гап — шу. Ўша пайтда қонунға зид шундай кабиҳ йўл тутганим учун кечир мени, ука!..

— Афсуски, Қорахон сизларнинг сеткангиз<sup>1</sup> эканидан сал кейинроқ хабар топдим, — деди Содиқ надомат билан. — Охирги бор қамалишимда ҳам унинг қўли борми?

— Ҳа, Қорахоннинг ўзи уюштирган эди, — деди Дулдулов чайналиб. — «Хешим Содиқ колониядан кўзи очилиб қайтди. Сўраб-суриштириб ишнинг тагига етса, мендан ўч олмасдан қўймайди», деб ўйлаган экан. Қолган гапни сени сўроқ қилган Шайдоевдан билиб олсан.

— Тушунарли! — деди Содиқ муштларини қаттиқ қисиб. — Бу учрашувимиз ҳақида яна бировга гинг деб оғиз оча кўрма! «Тўр»га илинтириб беришни ҳам ўйлама! Тушундингми? Йўқса ўзинг биласан-а?

Содиқ шундай деб, хонани тарк этди.

\* \* \*

Геркулес Жасурнинг ақл бовар қилмас сеҳрли ҳунарини яна бир неча бор синовдан ўтказди. Жасур Қорахон топшириғига биноан аввалига югурдакларидан бирини (унга ўз ҳаракатларини сездирмаган ҳолда) ухлатишга уринди. Синов-тажриба кўнгилдагидек ўтди. Эртаси куни яна бирини... Жасур ўзида бировни ухлата олиш истеъдоди борлигига тўла ишонч ҳосил қилди. Геркулес ҳам унинг гипноз қила олиш қобилиятига тан берди. «Энди ишга бемалол киришса бўлади», деб янги югурдагидан кўнгли тўқ бўлди.

Орадан кўп вақт ўтмай, Геркулес анчадан бери мўлжалга олиб юрган «ов»ини амалга оширишга киришди. У бу гал одатига мутлақ зид иш тутди. Кутилмаганда «ов»га ўзи бошчилик қиладиган бўлди. «Кичкина ҳам бирга боради», деди. Шериклари Геркулеснинг бундай кескин қароридан аввалига ҳайрон бўлишди. Кейин, «Балки босс янги шогирдини синаб кўрмоқчидир», деган ўйга боришди. Геркулеснинг мақсади эса буткул ўзгача эди. Жасур қобилиятини амалда қўллаб кўриш, агар у кутганидек натижа чиқса, келгусида югурдакларсиз, атиги икки-уч тажрибали, ишончли шериги билан иш тутиш, Жасур

---

<sup>1</sup> Ёланган югурдак.

кўмагида кутилмаган катта-катта ўғирликларни амалга ошириш эди.

Геркулес сафар олдидан Жасурга топшириқни обдон тушунтирди. Вазифани қуловига қайта-қайта қуйди. Буюрган ишни сўзсиз бажаришни таъкидлади.

Тўда қоқ ярим тунда улгуржи савдо омбори мудирри ҳовлисининг деворидан ошди. Дарвоза зулфини тушириб, бир тавақасини ним очиқ қўйишди. Бири пойлоқчиликда қолди. Қолганлари эса ётоқхонага бостириб киришди. Найнови чироқни ёқди. Маст уйқуда ётган бақбақадор мудир Фулом Фиёсов чўчиб уйғонди. Уйғонди-ю, ниқобли одамнинг кўлидаги пичоққа кўзи тушиб, ўтақаси ёрилаёзди. Нариги хонада хотини Иқболой ва болалари ухлаб ётарди. Бири бориб ўрта эшикни аста бекитди.

— Нима гап ўзи, нима истайсизлар? — деди Фиёсов илтижоли оҳангда.

— Пул, қаерда! — деди Писмиқ дўқ уриб. — Тезроқ бекитиб қўйган жойингни айт, бўлмаса жонингдан умидингни узавер!

Уй эгасини кўрқитиб қийноқ-қистоққа олишдан мақсад, унинг пулларини қаерга бекитиб қўйганини ўйлашга мажбур этиш, буни унинг фикридан Жасур уқиб, билиб олиши керак эди.

— Ме-менда ортиқча пул нима қилсин, — деди Фиёсов дудуқланиб. — Илоҳи худо хайрларингизни берсин, ишонинглар, ортиқча бир чақам ҳам йўқ, дедию, аммо «лўлаболишни ёриб, титкилаб кўришмасин-да», дея кўнглидан ўтказди.

Кутилмаганда нариги хона эшига очилиб, остонада қўллари билан кўзларини ишқаб тикмачоққина аёл, Иқболой кўринди.

— Отаси, ким билан сўзлашяпсиз? — деди у уйқу аралаш. — Биров келдими ёки босинқираяпсизми?

Иқболой варойиб манзарага кўзи тушиб, даҳшатга тушди. Кўзларини катта-катта очганча бақрайиб қолди. Геркулес шу тоб Жасурга қаради, бошини қимирлатиб аллақандай ишора қилди. Жасур тезда кўрқувдан бақрайиб турган Иқболой ёнига борди-да, дарҳол кафтини унинг юзига яқин тутди. Аёл бир муддатдан сўнг турган жойида ҳайкалдек қотди. Фиёсов хотини-

нинг бундай ҳолга тушганини кўриб, баттар ваҳимага тушди.

— Пуллар қаерда! — яна дағдағ қилди пичоқ ўқталгани. — Ёки сени ҳам хотининг ҳолига тушириб, тошдек қотириб кетайликми?

— Раҳмларинг келсин, ахир! Жўжабирдай жонман! — деди Фиёсов ялтоқланиб. — Ошиқча пул нима қилсин менда. Яна ўйлади: «Ярамаслар, ҳали хонани ағдар-тўнтар қилишса-я? Сервантнинг кўзгуси орқасига нима қўйилганини қаёқдан билишсин...» Фиёсовнинг ёнгинасида турган Кичкина сандиқ устидаги тахмонни титкилаётган Геркулесга яқин бориб, қулофига бир нима деб шивирлади. Геркулес қатъиятлиликл билан ишга киришди. Тахмондаги яп-янги банорас лўла болишларни пичоқ билан бир-бир ёриб кўра бошлади. Бир атлас лўлаболиш ичидан тахлам-тахлам пуллар полга тушди.

— Йиғиштириб ол! — деб шеригига буюрди. Геркулес ва ўзи тез бориб, бурчақдаги сервант кўзгусига зарб билан тепди. Кўзгу чил-чил синиб, пастга тушди. Ортидаги тахтада нуқул юз сўмликлар қат-қат қилиб териб чиқилган экан. Зумда бу ўлжани ҳам йиғиштириб олишди.

— Билиб қўй, — ўшқирди ҳануз қалтираганча анграйиб турган уй соҳибига Геркулес. — Агар бу ҳақда бировга оғиз очсанг, ўлдим деявер. Шуни билгинки, акс ҳолда ҳаром-хариш йўллар билан топган бу пуллар учун ҳам жавоб беришинга тўғри келади.

Геркулес яна Жасурга амалингни қўлла, дегандек ишора қилди. Жасур кўрқувдан ҳамон дир-дир титраётган Фиёсовнинг олдига бориб кафтини унинг манглайига қўйди.

— Кишт бўлиш керак, — деди Геркулес. — У энди ярим соат ухлайди.

Қора гуруҳ қилғиликни қилиб тун қўйнига сингиб кетди.

Омбор мудури билан унинг хотини ўзига келгач, анча пайт бошлари ҳануз карахт эканидан нолишди. Сўнг бир-бирини юпата бошлашди. Болалари бахтига соғ-омон қолишганидан суюниб, келган бало-қазо шу ўмариб кетилган пулга урсин, дейишди. Эр-хотин бу аянчли кўргулик ҳақида бировга миқ этиб оғиз очмас-

ликка келишишди. Аммо Гиёсов жамғармасини эҳтиёткорлик билан яширган жойни ўғрилар қандай қилиб билиб олишганини ўйлаб, бир неча кун ўзининг чекига етолмай ҳайрон-у, лол бўлиб юрди.

\* \* \*

Жасур янги тутинган акахонининг ғирт ўғрибоши эканини билиб ҳафсаласи пир бўлди. Бу антиқа ишларининг охири вой бўлишини ҳис этиб турарди, ундан ажраб кетишни истарди. Унга Қорахоннинг анча-мунча яхшилиги ўтди. Жой, нон, ош бериб, кийинтириб юрибди. Ҳалига қадар бирорта илтимосини рад этган эмас. Ўз туғишган укасидан ҳам зиёда кўради. Лекин унинг чангалидан қутулиб кетиш керак. У ўйлай-ўйлай, ахийри шундай тўхтамга келди: «Қорахонни ухлатиб қўйиб, қочиб кетаман...»

Бир куни Геркулес (Қорахоннинг лақаби) диван каравотда ҳомуза тортиб, ўтирарди. Жасур унга яқин келиб, ҳунарини ишга солди. У акахонига ачинган кўйи шу тахлит гап қотди.

— Чарчаган кўринасиз, бироз ухлаб олсангиз бўларди.

— Тўғри айтдинг, бирам уйқу босиб келаяптики.

Геркулес яна ҳузурланиб керишди, устма-уст ҳомуза тортди. Киприклари аста-секин оғирлаша бошлади. Жасур кафтини унинг юзига тутди. Геркулес уйқуга кетди. Жасур апил-тапил кийиниб ташқарига отилди.

Геркулес уйғонгач, ғазабдан тутақиб ёнди. Югурдакларини ишга солди. Улар тўрт томонга зир югуришиб, Кичкинани қидиришга тушишди. Ниҳоят, бир ҳафта деганда уни Когон шаҳридан топишди. Ғазаби тошган Геркулес Жасурни тергаб, қийноққа сола бошлади.

— Ўз эгасига ташланган кучуквачча, қани сайрачи, нега қочдинг? — Таомилимиз қанақалигини қулорингга хўп қуйган эдим-ку!..

Жасур жовдираб, айбига иқрордек индамай бошини ҳам қилиб ўтирарди. Геркулес ўзини босолмай Жасурнинг қулоқ-чаккасига тарсаки тортди. Бола бўтадек бўзлаб юборди. Геркулес дағдаға қилишда давом этди.

— Ўв, итвачча, иккала кўзингни ўйиб олайми? Айт, нега бундай ғирромлик қилдинг? Келиб-келиб сен ҳали

менга фириб бермоқчи бўлдингми-а? Мендан осонликча қутулиб бўлсан!

— Кеч-кечиринг, акажон! Бошқа бундай қилмайман, — деди у ялинч оҳангида. — Илтимос, бир бор кечиринг.

— Сен ярамас яна шундай бебошлик қилиб кўрчи, кунингни кўрсатиб қўяман! — деди Геркулес бўралаб сўкканча. Сўнг унинг икки қулоғини чангаллаб, юқорига қарата чўза бошлади. Жасур тишини-тишига босиб оғриққа чидашга уринар, аммо кўзларидан ёш селдек қуюларди.

— Бу қулоғинг, у қулоғинг билан ҳам яхшилаб эшитиб ол. Сен тирранчани бу гал кечираман, — деди у дўқ билан, — лекин яна фирромлик қилмоқчи бўлганингни сезсам борми, нақд терингни шилиб оламан.

Жасур ҳукмдорининг чангалидан батамом қутулиб кетиш, у ўйлаганчалик осон иш эмаслигини тушунди. Унинг тақдирга тан бериб, Геркулес измидан чиқмай, у буюрган ишни бош эгиб сўзсиз бажариб юришдан ўзга чораси қолмаганиди.

\* \* \*

Салобатли қўшмадраса бир-бирига юзма-юз, рўпарама-рўпара турибди. Бири Модарихон, иккинчиси Абдуллахон мадрасаси. Сўнгисининг икки ёнида икки мачит жойлашган. Уларга асосий эшик ва икки-учта тор долонлар орқали кирилади.

Мадрасанинг кун овар томонидаги девори истироҳат боғига туташ. Ҳар бир ҳужранинг ташқи томонига фишт, ганчдан ишланган эски услубдаги панжаралар ўрнатилган. Айрим ҳужралар панжараси синдирилиб, доира шаклида туйнуклар ҳосил қилинганди. Бу кўҳна улкан икки тарихий обида деярли чорак асрдан буён таъмирланмай, нураган ҳолича ётарди. Юз берган зилзилалар натижасида Абдуллахон мадрасаси жиддий талофат кўрган. Деворлари у ер бу еридан дарз кетган. Геркулес тўдаси тез-тез шу қароргоҳда тўпланишар, қоровулхона учун жиҳозланган ҳужрада карта, қимор ўйнаб, галдаги жиноятлар режасини тузишарди. Қоровул чол ҳам уларниг хизматида эди. Ҳали она сути овзидан кетмаган Жасур шу ерда жа-

золанди. Тўғрироғи, бугун бу ерда Геркулес бўлғуси зўр ўғрини кашф этди.

У қовоғини солганча Қарчиғай лақабли югурдагининг дийдиёсини тингларди.

— Мен ўйиндан чиқмоқчиман. Жонга тегди, илтимос мени тинч қўйинглар, — деди у йиғламсираб. Унинг асли исм-шарифи — Толиб Бўронов эди.

— Бу, жинни бўлганми босс? — деб кулди Геркулеснинг рўпарасидаги суянчиқли курсида ялпайиб ўтирган Сангин.

— Ҳа, қарорим — шу! Тинч яшамоқчиман, ўғирлик жонга тегди.

— Ниятинг қатъийми? — сўради тумсайиб ўтирган Геркулес. — Яна лақиллатаётган бўлма? Балки бошқа тўдани кўзлаётгандирсан? Агар мақсадинг шундай бўлса, билиб қўй, терингни шилиб оламан-а!

— Йўқ, босс! — деди Қарчиғай жиддий. — Бундай ишларга энди умуман қўл урмасликка онт ичдим.

Толиб эгри йўлга киргунга қадар тушпа тузук одам эди. Бир ташкилотнинг енгил автомашинасини ҳайдарди. Баъзан бўш пайтларида бошлиқдан яширинча киракашлик ҳам қилиб турарди. Бир куни уч-тўрт йигитни (уларнинг ўғри эканини билмайди) айтган ерига олиб борди. Улар «жўрамизникига бирров бош суқиб, тезда нарсаларини олиб чиқамиз, кейин бизларни палон ерга элтиб қўйсангиз бўлди. Ҳаққингизни оласиз», дейишди. Толиб рози бўлди. Келишувга биноан уларни айтган жойига олиб бориб, кўча муюлишида ярим соатча кутди. Йигитлар уч-тўртта туғун ва бир катта жомадонни кўтариб қайтишди. Толиб юкни кўриб, янги уйга кўчаётган бўлса керак, деб ўйлади. Сўнгра уларни юки билан шаҳарнинг нариги чеккасидаги бир бекатга олиб бориб қўйди. Мўмайгина пулни олди-ю, йўлига равона бўлди. Аммо ўғирлик фош бўлгач, Толиб ҳам шерикликда айбланиб уч йил муддатта қамоқ жазосига ҳукм этилди. Ўтириб чиққач, яна ўғрилар тўдасига қўпилиб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди. Чунки колонияда жиноят қилиб қўлга тушган ўша шериклар уни тинч қўйишмади. Шу-шу Толиб ўғри бўлиб кетди. Ўзига қолса бу ярамас касбни ўла қолса қилмасди. Мажбур эди-да. Еган-ичгани ичига тушмас, турмушида

халоват йўқ эди. Бўлмади, ниҳоят ўйлай ўйлай ўйиндан чиқишга қарор қилди.

— Шартимизни бузмассан, — деди Геркулес хиёл ўйлаб туриб. Чунки уни олиб қолишга уриниш фойдасизлигини сезиб турарди. Тантилиги тутиб, гапни лўнда қилди. — Ўйиндан чиқишнинг шарти эсингдами?

— Ҳа, эсимда, розиман.

Толиб ён чўнтагидан икки пачка пулни олиб, Геркулес олдига қўйди.

— Санаб ол!

— Ҳозирликни олдиндан кўрган экансан-да, — деди Геркулес таҳдидли оҳангда. — Билиб қўй, бутундан бошлаб биз билан бўлмагансан, шериклик қилмагансан. Ҳаммасини унутдинг ҳисоб. Агар биз тўғримизда бирор кимсага гулласанг куним битди, деявер!

— Ақлим жойида, босс.

— Иззат-икром билан кузатиб қўйинглар уни! — деди Геркулес Сангинга кўз қисиб, — эс-ҳушини ҳеч йўқотмайдиган бўлсин!

Сангин уни қўшни хужрага бошлаб кирди. У ерда уч йигит нарда ўйнаб ўтирарди.

— Кузатиб қўйинглар! — деди Писмиқ. Нима иш қилиниши худди олдиндан келишиб қўйилгандек. Йигитлар ўринларидан ирғиб туришди. Бир зумда Қарчиғай тўрт йигит ўртасида улоқ бўлди. Уни галмагалдан бир-бирига итқитишар, у ҳар бир силтаб итқитилганида оёғи гоҳ ердан узилиб, иккинчи бирига бориб урилар, гоҳ хужранинг у бурчидан бу бурчига гандираклаб кетарди. Ниҳоят қийноқ тутади. Қарчиғай дош беролмай кўз ўнги қоронғилаша бошлади, ҳушидан кетди.

Бу томоша шунчаки, огоҳлантириб қўйишнинг бир усули эди, холос. Ўйиндан чиққан собиқ шерикка мабодо удумни бузиб, хиёнат қилса, куни бундан ҳам баттар бўлишини олдиндан шундай эслатиб қўйишарди. Толиб уйига юриб эмас, балки судралиб қайтди. Келибоқ тўшакка михланди. Гўё илондек тўлғаниб, оғриқ азобида қийналиб уч кун ётди. Остона ҳатлаб кўчага чиқолмади. Бир пайт эшик тақиллади. Толиб безовталанди. «Нокаслар», — деб жим ётди, кейин тўшакдан зўрға туриб, эшикка яқин борди.

— Ким? — деди.



— Зарба!

Қарчиғай дарҳол эшикни очди. Эски ошнаси билан кучоқ очиб кўришди. У Содиқ билан қамоқхонада танишиб, дўст тутинган эди. Ушанда Қарчиғай ўз бошидан ўтганини, колонияга иккинчи марта қандай қилиб тушганини Содиққа батафсил айтиб берганди. Аммо Қарчиғай муддатни олдинроқ ўтаб қайтди.

Иккиси узоқ гурунглашди. Толиб уч кун бурун қандай қилиб ўйиндан чиққанини айтиб берди. Содиқ Қарчиғайга мақсадини очиқ-ойдин баён этди.

— Ҳимм, — дея остки лабини қимтиганча бир дам ўйланиб қолди Қарчиғай. — Уша одамсимон шайтонлар билан бошқа учрашмасам, деган умидда эдим-а. Келиб-келиб бир марта ишинг тушса-ю, ёрдам бериш қўлимдан келмайди, десам, нима деган одам бўламан... Майли, бўлганича бўлар. Лекин ўйлаб кўрмоқ керак. Анчайин қийин иш. Айтиб қўяй, у алақачон сенинг изингта тушган. Сабаби фақат унинг ўзига аён. Кўнармикан?..

— Кўнади. Зўр баҳона топиб қўйганман. Уни эшитиши билан лаққа ишонади-қўяди.

— Айтиб қўяй, Геркулес билан тўғридан-тўғри учраша олмайсан. Бир ишончли даракчиси орқали танишасан. Олдинига у сени обдан синаб кўради. Билиб қўй, Геркулес жуда пишиқ одам, кишининг кўнглида қандай гапи бор, бир қарашдаёқ сезиб, англаб олади. Ишончли югурдагининг лақаби Кичкина. Ҳали ўспирин бўлса-да, Геркулеснинг ўнг қўли. Еру кўкка ишонмайди Кичкинани у. Ҳамиша ёнида олиб юради. Геркулес ким бўлишдан қатъий назар, биринчи бор учрашадиган одами билан деярли фақат Кичкина орқали алоқа қилиб, сўнг учрашади. Кичкинанинг якка ўзини бирор ерга бир қадам ёлғиз юбормайди. Унинг кетидан доимо иккита ишончли дастёр эргашиб юради. Бунда қандай сир бор, уни билиш ҳали бирортамизга насиб этмаган.

— Балки у бола Геркулеснинг туғишганидир? — деди Содиқ ишончли югурдакка азбаройи қизиқсинганидан. — Кичкинанинг ташқи кўриниши қанақа? Ёшининг нечадаслигини айтолмайсанми?..

— Бўлмасам-чи? Чамамда у ўн уч-ўн тўрт ёшлар атрофида, — деб Кичкина қиёфасини тасвирлай кетди

Қарчиғай. — Ўзи бўйчан, кўзлари бойқушни ки сингари катта-катта. Тортинчоқ, камсуқум, ҳамиша худди карахт одамдек ўйчан юради. Дуч келган кишига бежороқ термулиб қарайди. Геркулес баъзи ишларда шу югурдақдан маслаҳат олар экан. Яқин дастёрларидан бири айтди. Геркулес Кичкина кўмағида бир неча ўғирликни амалга оширибди. Болани қандайдир сеҳрли кучга эга, дейишади. Буни атаман қаттиқ сир тутуди.

— Учрашган пайтда унинг қандай хислати борлигини билиб оларман, — деди Содик. — Менинг ишим югурдақ билан эмас, балки Геркулеснинг ўзи билан битуди. Иложи бўлса, у билан тезроқ учрашсам. Геркулеснинг ўзи унга ким учрашмоқчи бўлаётганини билса бўлди, қизиқсиниб тезда изимга тушиб қолади.

— Начора, сендан ёрдамимни аямайман, — деди Қарчиғай. — Унинг бир содиқ югурдағига айтиб кўраман. У менга қалин дўст. У хабар келтириши ҳамоноқ, натижасини сенга етказаман. Шунгача сабр қилишингга тўғри келади, оғайни.

— Бўпти, маъқул.

— Яна бир гап, кўнглингга асло оғир олмагин-у, илгаридан айтиб қўйганим маъқул, — деди Қарчиғай ўз гапидан хижолат бўлиб. — Меникида узоқ қолишинг хавфли. Афтидан Геркулес яна таъзимимни бериб, тавбамга таянтирмоқчи. Югурдақлари уйим атрофида худди очикқан итдек изғиб юришибди. Унинг жиноят уюштириб, тузоққа илинтириб бериши ҳеч гапмас. Агарда шундай қилса, унда аҳволимга вой! Унинг қўлидан ҳар бало келади.

— Қўрқма, юракдан бор экан-ку, ўзи? — деди Зарба. — Мен ҳам анойилардан эмасман. Ҳали шундай додини бериб қўяйки, у иблиснинг? Тайинли жойим бор. Қаердалигини сенга айтаман. Иложи бўлса телефон орқали хабарлашсан.

— Тушундим! — деди Қарчиғай. — Сенга ёрдам беришга ҳамиша тайёрман. Фақат мен дўстингни яккалаб қўймасанг бўлгани.

Содик белгиланган пайтда учрашиш учун келишилган жой Чорминор олдига келди. Ёдгорлик ансамбли атрофида бўйчан бир бола бамайлихотир кезар, минораларга худди маҳлиё бўлгандек боқарди. Содик уни

кўрган заҳотиёқ Қарчиғай айтган бола эканлигини би-  
либ унга томон юрди:

Бола ёнига келган кишини атай сезмаган, кўрма-  
ганга олди. Бепарво бурилиб юрмоқчи бўлганди, бир-  
дан сергак торғди. Ўгирилиб, ёнида турган кишига  
лоқайд қараб қўйди.

Содиқ «Янглишмадим, бу ўша хабарчи боланинг  
ўзи», деб кўнглидан ўтказди. Сўнг уни гапга тутди.

— Ҳой, йигитча, чекишга топиладими?

— Топилади, лекин гутурт йўқ, — деб жавоб қилди  
у ва шошилмай шими чўнтагидан «Мовий гумбаз» сиг-  
аретасини чиқарди.

«Янглишмадим, бу ўша!...» — кўнглидан ўтказди  
Содиқ.

Чекиш учун сўраш, иккинчи томоннинг шу тах-  
лит жавоб қайтариши ва шартлашилган сигарета ту-  
рини кўрсатиш олдиндан белгиланиб тайинланган  
парол эди.

«Ажойиб ёқимтой йигитча экан, — дилидан ўтказ-  
ди Содиқ. — Шундай ёш ниҳолни йўлдан уриб, ёмон  
ишларга ундабди-я, аблаҳ! Энди бу ўспириннинг ке-  
лажаги нима бўлади?»

— Бу жой иссиқ экан, тут соясига борақолай-  
лик, — дея таклиф қилди Кичкина ва чеккароқдаги  
йирик балх тутти томон юрди. Содиқ унинг ортидан  
эргашди.

Содиқнинг ёшлик чоғлари эсига тушиб, беихтиёр  
Кичкина тақдирига куйина бошлади. «Ўзи кўриниш-  
дан ёмон болага ўхшамайди, дея кўнглидан кечирди.  
— Қандай қилиб у ярамаснинг қўлига тушиб қолдий-  
кин? Агар кўзлаган мақсадимга эришсам, биринчи гал-  
да шу боланинг тўғри йўлга тушиб кетишига кўмакла-  
шаман. Балки ўзимга тутинган ука бўлар. Сўққабош-  
ман-ку, ахир».

Содиқ тут остидаги харсанг тош устига ўтирди.  
Кичкина унинг рўпарасида қаққайганча унга ғайри  
табиий бир ҳолда тикилиб турар, кўзлари валати жов-  
дираб боқарди. Содиқ уйқусирадими, ҳомуза торғди.  
Боши алланечук карахт бўла бошлади. «Ҳаво иссиқли-  
ги туфайли лоҳасланаяпман чоғи», кўнглидан кечди  
унинг. У Кичкинанинг кўзларида чуқур дард ва ўкинч  
кўрди. Сўнг:

— Ҳа, намунча тикилиб қолдинг, ука? — деди беозоргина. — Ёки ҳайратланадиган бирор ерим борми-а?

Кичкина самимий жилмайди. «Ҳатто жилмайиши ҳам ёқимли, қурғурнинг, — дилидан ўтди яна Содиқнинг: — Бу боладан ёмонлик чиқмайди».

Кичкинанинг қиёфаси бир зум жиддий тус олди, сўнг алланимадандир қаттиқ изтироб чекаётгандек маъюс тортиб қолди. Унинг бу ҳолати Содиққа галати туюлди.

Кичкина энди беўхшов илжайди. Сўнг:

— Сиз яхши одам экансиз, — деди.

— Қаёқдан билақолдинг? Балки, сен ўйлаганчалик яхши одам эмасдирман.

— Йўқ, ёмон одамга сира ўхшамайсиз, — деди у яна қатъий. — Мен ҳақимда салбий фикрда эмассиз, Дилингизни аллақачон пайқаб олдим.

— Ёпирай, қизиқ-ку а? — деди Содиқ ажабланиб. — Мабодо, авлодингда фолбин ўтмаганми?

— Сиз менга ёқиб қолдингиз, — деди Кичкина жилмайиб. — Тўғриси айтсам, босса сотиб қўймайсизми?

— Унақа одатим йўқ! — деди Содиқ Кичкинага меҳрибонларча боқиб. — Субутсизликна ёқтирмайман.

— Мен кишининг кўнглидаги ўйини сеза оламан, — деди Кичкина ён-верига олазарақ қараб олиб, — яна гапида давом этди. — Атаманни ёмон кўраман, ундан кўрқаман. Боя сиз кўнглингизда мен ҳақимда яхши фикр юритдингиз. Сизга ишонсам бўладими? Атаман қўлидан мени қутқара оласизми?

Содиқ ҳайратланганча Кичкинага ағрайиб қараб қолди. «Демак, боладаги сир шу экан-да», — дея кўнглидан ўтказди у. — Қойил, ноёб истеъдод эгаси. Бундан чиқди, бу йигитча ким билан учрашса, унинг дилидаги ниятини билиб, Геркулеста етказувчи экан-да. Буни қаранг-а...»

— Тўғри, ўйладингиз, — хаёлини бўлди Кичкина. — Ҳайрон бўлманг, мен суҳбатдошимнинг фикрини дарров уқий оламан. Атаман буни сир тутишимни буюрган. Ҳатто шайқадагиларнинг пул тикиб карта ўйнашаётганида, талончиликдан ўмаришган пулдан ўзларига сақлаб қолишганини билиб беришни ҳам та-

йинлаган. Бир марта узун бўйли югурдак анов кунги талончиликда «Мўлроқ малах'ни ўзимга сақлаб қолмаганим чакки бўлди-да, бу ўйинга асқотарди», деган фикрни хаёлидан кечирди. Шунини атаманга етказган эдим, у лақмани шунақанги жазоладики, қилмишига минг пушаймон бўлди. Яширинча олиб қолган пулларилинг барисини берди. Шундан кейин баъзи билганларимни босса айтмайдиган бўлдим. Геркулесни кўрмоқчи бўлган кишининг қандай ниятда эканини то илгаридан билиб олмагунимча атаман у билан учрашмайди. Лекин сиз ҳақингизда унга ножўя гап айтмайман. Геркулесдан қутулишимга ёрдам берасиз-а?!

Содиқ худди тилсимлангандек тикка турган ўспиринни тингларди. Қаршисида гўё оддийгина бола эмас, билимдон, зукко ва сеҳргар киши тургандек эди. У бошқа ҳеч нарсани ўйламасликка аҳд қилди. Чунки айни чоғда эшитиб, кўриб билганини ақлига сира сифдиrolмаётганди. У бундан олдин шундай сеҳргарлар борлигини кўп эшитган, лекин шу вақтга қадар бирортасига дуч келмаганди.

— Гап битта! — деди Содиқ ҳушёр тортиб. — Албатта ёрдам бераман. Аммо сен ҳам менга кўмаклашасанми? Шефинг айёр, кучли, лекин мен ҳам анойилардан эмасман.

— Сезиб турибман, кўрқоқ эмаслигингизни. Лекин Геркулес жуда ёмон, кўрқинчли одам, — деди руҳсиз алфозда. — Майли, сизга ёрдам бераман.

У бир дам сукут сақлаб тургач, чуқур хўрсиниб давом этди.

— Айтинг-чи, кейин мени ўзингизга чиндан ҳам ука қилиб оласизми?

Содиқ сизди, бола Геркулесдан тамоман безган. Шу боис, у кўздан илҳақ бўлиб орзиқиб кутган халоскорини топгандек, Содиққа борланди қолди.

— Мен лафзидан қайтадиганлар хилидан эмасман. Албатта, бирга бўламиз. Бутунлай ўзгача ҳаёт кечиримиз, ишон!

— Бўпти, — деди Кичкина унга умидвор термулиб. — Энди мен борай, кутиб туришибди. Қачон ва қаерда учрашишни сизга айтишади.

---

<sup>1</sup> Пул.

Бўпти, кутаман, — деди Содиқ. — Исминг нима, ёки сир тутишинг керакми?..

— Кейин билиб оласиз, — деди у мамнун қиёфада. — Мени тўдадагилар Кичкина деб аташади, атаман қўйган.

Кичкина югурганича жин кўчалардан бирига кириб, кўздан ғойиб бўлди.

\* \* \*

Геркулес телевизор кўриб ўтирарди. Кичкина оёқ учида сассиз бориб, унинг рўпарасида тўхтади. Атаман хиёл разм солиб қараб тургач:

— Чулдирайвер, нима гап? — деди.

— Учрашдим. — Сизга қариндошчилик томони бор экан-у унинг, босс.

— Нима, унинг ўзи шундай дедими?

— Йўқ, сезиб қолдим. Қариндошим қандай кутиб оларкан, деб ўйлади. Сизга нисбатан ғаразли нияти йўққа ўхшайди. Умуман ёмон фикрда бўлмади.

— Тулки-ку у. Авзойи қалай, бузуқ эмасми?

— Қайдам, сездирмади.

«Кўнгли очик, тўпори йигит эди. Завол бўлиб кетди. Ўзиям омадсиз экан. Ўзидан кўрсин, гиди-биди қилмай, тинч юрганида ҳеч бало йўқ эди унга», деб Геркулес кўнглидан кечирди.

— Касофат нима мақсадда мен билан учрашмоқчи экан, айтдимми?

— Аниқ айтмади, — дея бурнини жийирганча ёлғонга кўчди Кичкина. — Ҳар хил нарсаларни ўйлаб, фикрдан кечириб ҳам ўтирмас экан. Унга «яна учрашамиз» — деб келавердим.

— Тўғри қилибсан! — муддаоси нима экан-а? — Уни кўпроқ гапга тутмабсан-да.

— Айтдим-ку, сездирмади деб, — деди Кичкина алланечук гаши қўзиб. — У ўлгудек бепарво экан, худди малол келгандек зўрға гаплашди.

— Бўпти боравер!

Жасур кетгач, Геркулес кўнгли нимагадир гап тортганини сезди. Дилини афсус ва надомат ҳисси қамраб олди. «Мен тентак хомкалла ўша тубан ишга бекорга қўл урган эканман. Жазодан кўрқиб ўзгалар

гапига учдима». Била туриб бегуноҳ қариндошимни бадном қилдим-а». Ўша кун, ўша тун Геркулесни ҳақли саволлар қийноққа олганди. Қисқа фурсатга бўлса-да, виждони бош кўтарди.

Ўшанда у анча-мунча қора дори билан қўлга тушганди. Қамалиб кетиши аниқ. Уни ўғирликка шерикликда ҳам айбламоқчи бўлишди. Мастлигида чўнтагидан ўғри урган дўконда қўлқопи билан носқовоғи тушиб қолган эди. Дулдуловнинг оёғига йиқилиб, ялиниб-ёлворди. «Кечиринг, умр бўйи хизматингизга тайёрман», — деди. Шафқат қилди, лекин эвазига оғир шарт қўйди. Балки ўшанда рози бўлмаганида олам гулистон бўлармиди... Афсуски, энди кеч. Қилғиликни қилиб қўйган. Ҳаммасига сабабчи ўзи, енгилтаклиги. Ёшлик чоғиданоқ икки-уч саёққа эргашиб, бангиликка ўрганди. Қассоб отасининг ҳаменидан ўмарган пулларга қаноат қилмай, қўшинининг товукларига қирон келтирди. Кейинчалик бутунлай ишەқмас бўлиб, текин пул топиш кўчасига кириб кетди. Энди эса ҳарчанд уринмасин, тузалмас дардга мубтало бўлган. «Қариндошим олдида юзим шувит, кўзига қараш осон бўлмас керак. Наҳотки, кун келиб, қилган ҳар бир ножўя ишим учун жавоб беришга тўғри келса?...» Шу дам унинг кўнглига чироқ ёқса ҳам ёришмасди.

Кичкина бу гал Содиқ билан Кўкалдош мадрасасининг чап томонидаги чорбоғда учрашди. Содиқ уни кутиб ўтирарди.

— Қани, гапир-чи, азамат! — деди Содиқ кўришгандан сўнг. — Топшириқ жиддий бўлдимиз?

— Ҳа, босс сизнинг нима учун у билан учрашмоқчи бўлаётганингизни билмоқчи, — деди Кичкина. Сезишимча, у сиздан биров чўчиаяпти. «Учрашсам, у кизталоқ эски гина-кудуратларни юзимга солмасмикин? Қасдини олиш ниятидадир, балки. Унда овлоқ ерда яккама-якка олишувга тўғри келади. Эҳтимол, шарт қўяр, шундай бўлса унинг шартини бажаришга мажбурман. Қамалишида менинг қўлим борлигидан хабардормикин-а? Балки изимга тушиб юргани ростдир. У туллакнинг очикда юрганидан дарак топгач, изладим. Лекин ҳеч бир ерда учратолмадим. Тутқич бермади. Ахийри уни яна бадном этмоқчи бўлдим. Лекин имкон бўлмади. Кучини билмаслигим чакки-да», —

каби ўй-хаёлларга борди. Очиги, у сизни қўрқинчли рақиб деб билаяпти.

— Тушунарли! — деди Содиқ ўйчан. — Демак, у билади, бу яхши. Онасининг васияти бор экан. Шундан сизга ҳам аталгани бор эмиш — дегин.

— Ишонмаса-чи?

— Ишонади. Бу гапларни у сидқидилдан айтди, де. Яна фикридан ҳам уқиб олдим, дегин. Хуллас, ишонтир ошна!

— Уриниб кўраман! — деди Кичкина. — Лекин айтиб қўяй, ундан жуда эҳтиёт бўлинг! Одамлари кўп, қасдлашса аяб ўтирмайди.

— Биламан, у яккама-якка олишгудан қўрқдимми, демак, энди айёрлигини ишга солади, — деди Содиқ. — Қай биримиз кучли, билмайман-у, лекин мен ундан қўрқмайман.

— Тўппончаси бор-ку! — деди Кичкина ташвишли оҳангда. — Отиб қўйса-чи?..

— Қўрқма, мен ҳам анойилардан эмасман. — Шефнингнинг шериклари ўғирликка тушган жойларни айта оласанми?

— Ҳеч кимга айтмайсан, деб қасам ичдирган, — деди Кичкина ранги ўчиб. — Ўғрилар одатини биласиз-ку!

— Ҳа-я, эсимдан кўтарилибди, — деди у ва гапида давом этди. — Унга қуроли йўқ, деб айт.

— Барибир ишонмайди. Олдига киришингиздан олдин синчиклаб тинтиб кўради. У билан учрашасизми?

Учрашишим шарт, — деди Содиқ қатъий. — Ундан ўчимни олмасдан қўймайман.

— Мени чақиб қўймайсизми?

— Бундай гапни хаёлингга ҳам келтира кўрма, — деди Содиқ хафа бўлгандек бўлиб, — кўнглинг тўқ бўлсин! У иблис сенга зулм ўтказса борми, абжағини чиқариб ташлайман. Гап шу, ука.

— Сизга ишонаман, — деди Кичкина бир қадар суюниб. — Умидим сиздан. Айтганча, айтиш эсимдан чиқаёзибди. Менинг ҳақиқий исмим — Жасур.

— Энди бор, Жасуржон! — деди Содиқ самимият билан. — Кимлигинг менга аён. — Шефнингга «Қариндошингизнинг сизга учрашиши шарт экан», — деб



айт. Үзинг эҳтиёт бўлиб юр, Геркулеснинг алдовлари-га кўп учаверма!

— Хўп, — деди Кичкина. — У билан учрашув жойи сизга айтилади.

Жасур хайрлашиб, жўнади. У чорбордан узоқла-шиши билан мадраса панасида турган Геркулеснинг икки айғоқчиси унинг изидан кетишди.

\* \* \*

Содиқнинг калбида Геркулесга нисбатан чексиз нафрат ва адоват бош кўтарди. Фикри-зикри ундан тезроқ ўчини олиш, қилмишлари учун бурнини ерга ишқаш эди. У колонияда тортган азоблари-ю, тинч ҳаётининг остин-устин бўлиб кетганига Геркулесни айбдор деб биларди. У билан учрашиб, юзма-юз гап-лашиш мавриди келганидан димоғи чоғ бўлди.

«Рақибинг билан ҳисоб-китоб қиладиган пайт ҳам келди, Зарба, — деди кўнглида у. — Бу тўқнашув нима билан тугаркин, ҳали сенга қоронғи. Омадинг чопса, сенинг фойдангга ҳал бўлар, балки..».

Содиқ таксига тушиб, белгиланган пайтда учрашув жойига етиб борди. Йўл бошловчи йигит сал ҳаяллаб қолди. Унинг исми Ринат, лақаби «Филдирак» эди. У оёғи остига чирк эткизиб тупураркан татарча талаф-фузда:

— Қариндош сиз бўласизми?

— Ҳа, менман, — деди Содиқ.

— Кетдик! — деди у ва паст кўчага қараб йўл бошлади. Бўйрабоғ маҳалласига етишгач, чоққина май-донча четида турган сариқ такси томон юришди. Филдирак олдинги ўриндиққа чўкди. Содиқ орқа ўриндиққа ўтирди. Машина жойидан жилди. Улар бирпас-да Ҳазрати Имом қабристонига чеккасига келиб тўхташ-ди. Қабристон шаҳарнинг кун оғар томонида жой-лашган бўлиб, уч тарафи девор олинган, фарб томони фариб аҳволда ётарди.

Йўл бошловчи Содиққа елкаси оша қараб:

— Тушинг, етиб келдингиз, — деди тиржайиб. — Тўғри қабристон ўртасидаги масжидга борасиз. Қариндошингиз сизни ўша ерда кутяпти, — деди-да таксида ўзи қайтиб кетди. Содиқ сағаналарни оралаб, масжид томон юрди. Йўлак йўқ эди. Катта-кичик сағаналар-у,

гумбаздек-гумбаздек тупроқ уюмлари, дўппайиб ётган қабрлар оралаб бораркан, хаёлида: «Бир куни менинг ҳам маконим шу ер бўладими?» — деган ўй кечиби, алланечук сесканиб кетди. Масжидга яқинлашиб борган сари кўнглини аллақандай ғашлик, хавотир чўлрай бошлади. «Нега учрашишга айнан шу жойни танлади? — дея кўнглидан ўтказди, у — Бошқа жой қуриб кетганмиди? Ёки аввалдан хеш, билиб қўй, агар менга қарши бирор бир ножўя ҳаракат қилсанг, охирги масканинг шу гўристон бўлади, деганимикин бу? Ёки бошқа бирор шум мақсади борми? Кичкина аҳдидан қайтиб, мени бошлаб чақиб, «тузлаб» қўйган бўлса-я?.. Майли, бўлганича бўлар! Бир бошга, бир ўлимда. Муҳими, у билан ҳисоб-китоб қилишим шарт.

Салобатли Ҳазрати Имом масжиди. Унинг олди ва кун овар томони катта-катта устунли пешайвон. Кўпдан таъмир кўрмаганиданми, масжид деворларининг у ер бу еридан яккам-дуккам гишталари нураб, ганч сувоқлари кўчган. Бу жойлар Содикқа таниш, илгари бир неча бор бу ерга келган. Масжид олдида азон айтилдиган баланд минора, партов катта тошҳовуз. Ана шу тошҳовузнинг шимолида таҳоратхона ва қатор-қатор ҳужралар, пастқам тош уйлар жойлашган. Бу қаровсиз ҳужралар бир пайтлар қиморбозларнинг маскани эди. Оқшом пайтлари, тунлари бу ерга улардан ўзга зот ҳам яқин йўламасди. Масжид ичига кунгай тарафдаги пешайвон орқали асосий қўш тавақали катта гужум эшиқдан кириларди. Тўғрида меҳроб. Масжиднинг жануб ва шимол томонида ҳам бир хил катталикдаги қўш тавақали эшиклар мавжуд. Бу эшиклардан чиқилгач, масжид деворига туташ этиб қурилган чоққина кичик-кичик ҳужраларга дуч келинади. Бундай ҳужралар жануб ва шимол деворларда учтадан бор. Вақти замонда улар нарзхўрлар, зиёратчилар-у, қаландарларнинг маскани бўлган. Шимол томондаги пешайвондан сал нарида чашма-қудуқ, сўнг чиллахона, кейин Ҳазрати Имом мақбараси ўрнашган.

Масжиднинг кунгай тарафидаги эшиги ним очиқ эди. Содик пешайвонга етгач, атрофга бир назар солди. Жимжитлик. Фақат пешайвон шиптининг аллақарида мусича секин, бўғиқ «ку-ку»ларди. У эшикни ланг очиб, ичкарига дадил кирди. Масжид ичи ҳай-

хотдек кенг, сатҳига пишиқ оби гишт ётқизилган. Гум-  
баз пастидаги гиштин чамбаралардан ёруғлик тушиб  
турарди.

Содиқ меҳроб томонга қаради. Деворга нарвон  
қўйилган. Унинг поясига елка берганча бир ҳайбатли,  
тасқара киши турарди. Ўнг, сўл тарафдаги эшиклар  
зулфи туширилган «Демак, у ёлғиз эмас, ҳужраларда  
югурдаклар шай туришибди», кўнглидан кечди Со-  
диқнинг ва рақибига нафратомуз тикилди. Қариндо-  
шининг бундан бир неча йил олдинги афти ангори  
бор бўйича кўз ўнгида михланиб қолганди. Кўриниши  
ўша-ўша, димоғдор, турқи совуқ. Унинг шафқатсиз,  
жоҳил одамлиги қонталаш кўзларидан билиниб ту-  
рарди. Қорамтир юзлари салқиган.

Содиқ рақибининг совуқ ва қаҳрли башарасида  
кўркув аломатлари зоҳир бўлганини сезди.

— Келдингми, хеш? — деди дўриллаб Геркулес бе-  
писандлик билан, овози масжид ичида гумбурлаб акс-  
садо берди. — Кўришмаганимизга ҳам анча йил бўлди,  
сен деярли ўзгармабсан. Мана, вақти-соати етиб уч-  
рашдик ҳам. Димоғинг чоқми, тузук юрибсанми?

— Ёмон эмас, — деди Содиқ хотиржам кўйда. —  
Ўзингиз яхшимисиз?

— Бирнав.

— Сиз билан бундай жойда учрашаман, деб ўйла-  
магандим. Топган жойингизни қаранг-а.

— Узр, сен саёҳат<sup>1</sup>дан тоза қайтган кишисан, —  
деди у атай қовоғини уйиб. — Рецедивист, яъни хавф-  
ли жиноятчи, деган номинг бор. Изингга хит<sup>2</sup>лар туш-  
маганмикин, деб ўйладим. Эҳтиёткорлик ҳеч зиён қил-  
майди, хеш.

— Мен бу ёғини ўйламабман, — деди Содиқ. —  
Ҳушёр бўлиб юрганга нима етсин.

— Ақлингга балли! — деди Геркулес саросимали  
тусга кириб. — Шунинг учун айбга буюрмайсан, хеш.  
Бировлар шохида юрса, мен баргида юришни афзал  
кўраман.

Геркулес ҳуштак чалганди, ўнг томондаги эшик та-  
рақлаб очилди. Ундан юзига чарм ниқоб тутган икки

<sup>1</sup> Қамоқдан демоқчи.

<sup>2</sup> Милиционерлар.

барваста йигит чиқиб келди. Улар гўё илгаридан уқдириб қўйилгандек тўғри Содиқнинг олдига келишди. Беўхшов илжайганча унинг кийимлари, чўнтаклари, қўлтиқ остларини пайпаслаб кўришди. Ҳеч нарса тополмагач, шефга маъноли қарашди. Сўнгра Геркулеснинг ишораси билан яна чиққан эшикларига қайтиб киришди.

— Ишонмайсизми? — деди Содиқ ранжиган оҳангда.

— Энди, ҳарқалай... Хафа бўлма, хеш! — гапини бўлди Геркулес. — Эҳтиёткорлик яхши. Кўп чув тушганмиз. Қатикни ҳам пуфлаб ичадиган бўлиб қолганман. Эскидан қолган гап бор, — хешим — дарвешим деган, — айёрлик қилишга кўчди у. — Ниятинг нималигини ҳозирча билмай турибман. Бирорта қасддорим хешимни менга қарши қайраб, ёллаган эмасмикин, деган шубҳадаман.

— Пишиқсиз-а, — деди Содиқ зўраки жилмайиб.

— Зарар қилмайди, — деди Геркулес беўхшов илжайиб. — Эндиги режаларинг қандай? Бечора онангку довингда куя-куя ўлиб кетди. Эсизгина ҳешим-а! Васият қолдирибди, деб эшитдим.

«Ҳой, ифлос-ей! Онамнинг бевақт ўлимига зомин бўлган сен муртад-ку», — дея Содиқ дилидан ўтказди.

Содиқнинг нафратдан борлиғи титраб, қаҳр-ғазаби кўзгалди. Интиқом ўти дилини куйдира бошлади. Ортиқ чидаб туролмади. Ичидаги сиртига тепди.

— Хабарсиз қолган экансиз, — деди у кинояомуз. — Унда тингланг, марҳума онамнинг васияти шундай бўлган: «Ўғлим ўлмай-нетмай қайтса, унга айтинглар, у мен онаизор ва ўғлим бошига шундай қора кунларни солган Қорахоннинг юзидан жирканч ниқобини йиртиб, шармандасини чиқарсин, шундагина мен гўримда тинч ётаман», деган эканлар. Мен онам васиятини бажаришга онт ичганман! У бирдан ғазабга тўлиб, рақибини сенсирай кетди. — Изингга тушишдан асосий мақсадим ҳам шу, билдингми, ифлос!

Геркулес ҳушёр тортиб, афт-ангори тундлашди.

— Ниятингни пайқаган эдим, — деди у беписанд. — Шайдоев беҳуда... У сенинг ишингми?

— Ҳа, янглишмадинг! — деди Содиқ кескин. — У мени қаматиш учун биргалашиб амалга оширган пин-

ҳона режаларининг оғзидан гуллаб қўйди. Туман милициясининг ссбиқ бошлиғи ҳам. Энди сен муртад билан ҳам ҳисоблашиб қўймоқчиман. Мард бўлсанг, майдонга чиқ!

Ишончли кишисининг ғайирлик қилгани Геркулесни даҳшатга солди. «Вой, ярамас-ей! — у Дулдуловни дилида сўка кетди. — Яна панд бермоқчи бўлиб, айбни менга тўнқарибди-да. Ҳали у кўради мендан...»

Ўғри тушган дўконда Дулдуловнинг тоғаси мудир бўлганидан Геркулеснинг хабари бор эди. Ўғирлик номигагина уюштирилиб, аслида эса ҳийла ишлатилганини, шу баҳонада тоға-жиян бойиб кетиб, бир бегуноҳ йигит — Содиқ бекордан бекорга жабр тортганини ҳам у яхши биларди. Геркулес бир пайтлар бу сирни билиб, ахийри, тагига етган эди.

«Энди Дулдуловдан қўрқмасам ҳам бўлади, — дея кўнглидан ўтказди у. — Лекин Зарба ишонармикин? Йўқ, ишонмайди, унга исбот керак».

Содиқнинг Геркулесни қутилмаганда олишувга чақириши уни хиёл ўйлантириб қўйди. Атаманлар ода-тига кўра, у ё майдонга жангга тушиши ёки марлублигини тан олиб, рақиб томонидан қўйилган ҳар қандай шартни сўзсиз бажариши лозим эди. Бундай танти курашда тўдадагиларни аралаштириш асло мумкин эмасди. Ҳатто ҳақиқий атаманлар бир-бири билан як-кама-якка олишувга чиққанда бу ҳақда шерикларига маълум қилишни ўзларига ор, деб билади.

Геркулес аниқ фаҳмлади, айна чоқда Содиқнинг шаштини сўндириш мушкул. Рақибни айбини кечирар ҳолатда эмас. Шундай экан, Содиқ ўзидан кўрсин, қўрқадиган ери йўқ.

— Ҳа-ҳа-ҳа! — заҳархандалик билан кулди Геркулес ва ўқрайгазча беписанд деди. — Ўпкангни бос, болакай! Сен ким билан ҳисоб-китоб қилмоқчисан?

— Ким билан бўларди, сен аблаҳ билан-да! — деди Содиқ дарвазаб бўлиб.

«Нимасига керилиб бунчалик катта кетяпти бу баччавар, — ўйлади. Геркулес. — Ёки шериклари кетидан эргашиб келганмикин? Бундай бўлиши мумкин эмас».

— Ўв, хеш, эсинг борида ақлингни сал йиғиб ол! — деди Геркулес одатича буйруқ оҳангида. — Кўрдинг-

ку, ёлғиз эмасман. Аяб ўтирмайман. Сенга раҳмим келганидан айтяпман буни, — йўқса!..

— Мени ҳам анойилардан, деб ўйлама. Йўл бошловчинг изидан одамларимни эргаштириб келишим қийин эмасди. Лекин мен сен билан яккама-якка олишмоқчи, кучингни синаб кўрмоқчиман. Мард бўлсанг, майдонга чиқ!

— Начора, — деди истар-истамас кўйда Геркулес. Сен тентакка гап уқтиришдан фойда йўқ, деган маънода қўлини асабий силтаб, — Сен ўжарнинг суробингни тўғрилаб қўймасам, отимни бошқа қўяман.

— Буни ҳали кўрамиз, — деди таҳдидли оҳангда Содиқ. — Олишув жойи?

— Онангнинг гўри тепасида! — деди Геркулес дарвазаб. — Хоҳласанг ҳозироқ шу ернинг ўзида кафанингни бичиб қўяман!

— Онаминг пок руҳига тил теккизма, ифлос! — деди Содиқ қаҳр-вазаб билан ва Геркулес устига босириб бора бошлади. Унинг вазоҳатли хатти-ҳаракати Геркулесни кутилмаганда гангитиб, ҳимояга чорлади. У ўнг қўлини шими чўнтагига чаққон содди-да, шошапиша ҳуштак чалиб юборди. Шу чоқ ҳужралардан бир неча нафар йигит ўқдек отилиб чиқди-да, шитоб билан масжидга киришди. Уларнинг юзларига боягидек қора ниқоб тортилган, фақат кўз қорачиқлари йилтиллаб кўринарди, холос. Улар тезда Содиқнинг атрофини худди ҳалқадек қуршаб, уни аста-секин сиқувга ола бошлашди. Геркулес бўлса ҳамон турган ерида хўш, хеш, аҳволлар нечек энди?», дегандек унсиз тиржайганча без бўлиб турарди. Содиқ юришдан тўхтади. «Мўлжалимдагидан кўп экан, беомон жиққамушт бўлишга тўғри келади чоғи», деб ўйлади ва ҳушёрлик билан қарши зарбага чоғлана бошлади. Рўпарасидан келаётган рўлабир Сангин кескин ҳаракат билан Содиқнинг қорнига тепмоқчи бўлди, аммо Содиқ эпчиллик қилди. Унинг тепкига йўналган оёғини шартта тутди-ю, юқорига кескин силтаб юборди. У бор гавдаси билан ерга гурсиллаганича ағдарилиб тушди. Лекин орқа томондан келгани Содиқнинг қўлтиғидан маҳкам тутди, билакларини омбурдек қисганча ортига қайира бошлади. Содиқ шу маҳал кутилмаганда оёғини ерга

тираб, куч билан юқорига шитобла бир сапчиди-ю, оёқлари орқага қараб қаттиқ силтанди. У шу силтанишда қўлини қайришга уринаётган рақибининг оёғига туфлисининг пошнаси билан кучли тепки берди. У «воҳ» дея инграб оёқлари болдирини ушлаганча ўзини очиқ эшикка урди.

— Калла, қани бошла, бўл тез! — деб бақирди Геркулес.

Йирик гавдали, йўғон бўйни деярли елкасига ёпишган, катта каллали Бешим дегани Содик томон даҳшат билан тикка бостириб кела бошлади. Содик дарҳол ҳимояга чоғланиб, кетига тисарилди ва деворга қапишай, деб қолди. Оралиқ масофа яқин қолгач, Калла худди сузаётган буқадек ҳамлага чоғланди. Калласини кўксига солинтирганча бир зарб билан Зарбани деворга батамом парчинлаш ниятда олдинга кутилмаган куч билан отилиб, унинг кўксига калла қўймоқчи бўлди. Содик шуни кутиб турганди, у дарҳол ўзини четга олди. Бешим шундай, шиддатли ташланган эканки, боши деворга зарб билан урилди. Оғир танаси гурсиллаб ерга қулади. У калласини чангаллаган кўйи инграб юборди. Дам ўтмай ўзини ўнглаб олган Сангин қўлида бир қулочлик занжир билан Содик устига ёпирилиб келди. Содик биринчи зарбага йўл очиб берди, сўнг унга ташланди. Рақиб галдаги ҳамлага улгурмай қолди. Содик бир сакраб уни қучоқлаб олди ва бор кучи билан шундай қаттиқ қисдики, Сангиннинг қовурғалари қисирлаб кетди. Содик шу алфозда уни азод кўтариб, ён томонга улоқтириб борди. У ерга гурсиллаб йиқилди. Туришга чоғланди-ю, бироқ кетма-кет тушаётган тепкиларга ортиқ дош беролмади. Турасолиб калласини кўллари билан тўсганча қочиб қолди.

Тенгсиз олишув бор-йўғи бир неча дақиқа давом этди, холос. Содик атрофига жонсарак боқиб, Геркулесни излай бошлади. Аммо бу ерда бирор зор қолмаганди.

«Ажаб Геркулес не сабабдан қуён бўлдийкин? У қўрқадиганлар хилидан эмас эди-ку, хаёлидан кечирди Содик. — Яккама-якка олишувга чақирсам ҳам жавоб бермади. Тўдаси олдида обрўси тўкилишидан қўрқдимикин? Ҳар ҳолда нега қочиб кетдийкин-а... Мени отиб ёки чавақлаб ўлдириши мумкин эди-ку?.»

Содиқ шу ўринда янглишганди. Қорахон умрида ҳали қотилликка қўл урмаган. Суднинг қора курсисидан ҳам ўтирмаган. Мабодо, бундай мудҳиш ишни амалга оширса, жинояти фош бўлиб, умри тутқунликда ўтишидан чўчирди. Шу боис, у қўрқитиш, калтаклаш билангина кифояланарди.

«Барибир қўлимга тушмасдан қолмайсан! — деди Содиқ ўз-ўзига муштларини қаттиқ қисганча. — Ернинг тагида бўлсанг ҳам топиб, ўчимни оламан!»

\* \* \*

Капитан Тўлаганов ишнинг бу тарзда боришидан кўнгли тўлмас, туб иддизи қаерда ҳали билмасди. Собиқ терговчидан қасд олган Зарба аён бўлишича Дулдуловни ҳам калтаклаган. Аммо, у ҳам бу ҳақда миқ этмади. Нуқул гапни бошқа ёққа буриб, чалғитишга уринди. Балки, ор қилгандир.

«Изланишларим яхши самара бермаяпти. Одатда хавфли жиноятчилар жазо муддатини ўтаб озодликка чиққач, дарҳол, собиқ маҳбуснинг яшаш еридаги ички ишлар бўлимига маълум қилинади. Хабар қилингани аниқ. Аммо Содиқ аввалги яшаш жойига бормаган. «Зарба» лақабли Содиқ ҳозир қаерда, у шериклари билан тагин қандай жиноятлар қилиб юрибдидекан?»

Капитан бу саволлар ечимини ечолмай доғда қолганди. Архивларни титкилади. Содиқ сўнгги бор муддатни ўтаган колония билан боғланди. Унинг суратини топишга муваффақ бўлди. Лекин ҳануз изига туша олмаяпти.

Кўнғироқнинг жиринги капитаннинг хаёлини бўлди. Навбатчи шошиб деди:

— Ўртоқ капитан, бир киши телефон орқали маълум қилди. Зарба лақабли ашаддий бир ўғрини кўрибди.

— Қаерда? — ҳовлиқиб сўради капитан.

Навбатчи билдирилган манзилни айтди.

Дарак берган Геркулеснинг одами эди. Геркулес энди Содиқдан бошқача усулда ўч олиш йўлини танлаганди.

Капитан «Москвич»ида зудлик билан айтилган жойга етиб келди. Машинасини Чорбакир йўлининг сўл четидаги хўжалик моллари дўкони олдида тўхтатди. У фуқаро кийимида эди. Дўкон олдида яна икки-уч шах-



сий енгил автсмашина турарди, бирон бир шубҳа тур- дирмасди. Капитан жойида ўтириб кўзгуни тўғрилади. Йўлнинг иккинчи томони этагидаги гаражсимон уйни кузата бошлади. Икки-уч киши қизил «Жигули» ат- рофида ивирсиб юрарди. Чунки бу ер шахсий маши- наларни таъмир қилиш устахонасининг кичик бир қис- ми бўлиб, асосан енгил автомашиналарнинг мойини алмаштириш, фильтр қуйиш ва айрим жузъий нуқ- сонларни тезда тузатиб беришга мўлжалланганди. Ма- софа анча узоқ. Капитан кўзгуда устахонадаги одам- ларнинг афт-ангорини аниқ кўра олмади. Унинг кўнглидан лип этиб бир фикр кечди. «Вақтни ўтказ- маслик керак! Энг қулай йўли...» У машинадан эмин- эркин тушиб, дўконга йўналди. Бесўнақай сотувчи йи- гит Зайниддин капитаннинг таниши эди. Тўлагановга пешвоз чиқиб, қуюқ сўрашди. Капитан Зайниддиндан йўлнинг нариги томонидаги устага машинасининг уёқ- буёғини бир кўрсатмоқчи эканини айтди. Зайниддин уни тоза мақтаб, уларни таништириб қўймоқчи бўлди. Капитан ундан миннатдор бўлди. «Кимлигимни устага айтманг», сўраб-суриштира, газетада ишлайди, жур- налист деб қўяқолинг», — деб илтимос қилди. Зай- ниддин «тушундим», дегандек бошини қимирлатди.

Уста Ўроз от юзли, новча киши экан. Зайниддин у билан гаплашгач, капитанга рўпара қилди. Бу орада капитан мослама кўтаргич устида ердан ярим метрча баландда турган машина остида чалқанча ётиб, калит билан ниманидир маҳкамлаётган кишига яхшилаб қараб олишга улгурганди. Бу ўша! Кўнглидан ўтди унинг.

Ўроз Тўлаганов билан сўрашгач, «Машичангизнинг қаери тихирлик қиляпти, ака?» — деб сўради. Капи- тан «Мотор сал зўриқса, шиқирлаган товуш чиқара- ди. Умуман, машинани яхшилаб кўздан кечирсангиз, деди.

— Бўпти, истаган пайтингизда обкелинг. Ана у ше- ригим билан, — деди у Содиққа ишора қилиб, — бир- пасда тузатиб берамиз.

Тўлаганов тушлиқдан сўнг шуғулланаётган ишига тааллуқли янгилик тўғрисида подполковникка ахборот берди, у Зарба Содиқ Чинқулов деган ўта хавфли ре-

цедивист эканлигини, унинг иш жойини аниқлашга муваффақ бўлганини баён қилди.

— Ана бу бошқа гап! — деди подполковник Султонов суюниб. — Қизиқ, талончилик пайтида нега кўрқмасдан улар Зарба лақабини ошкор айтишяптикин? Ўғрилар одатига тамоман зид-ку, бу усул. — Майли буни ҳали аниқларсиз, қилаётган ишингиз чакки эмас, капитан, маъқул, фақат эҳтиёткорлик билан иш тутинг! Асосий мақсад Зарба тўдасини аниқлашга қаратилсин! Кейин уларни шериклари билан жиноят устида қўлга туширамыз. Ҳар эҳтимолга кўра сизга яна бир эпчил ходим бераман. Назорат қилиб юради.

\* \* \*

Сангин писмиқ тоқи Заргарондаги «Зеб-зийнат» дўконига бир неча бор бўлди. Бутун шарт-шароитни синчиклаб ўрганди. Сотувчи аёлнинг ҳаракати, шеригининг қайси пайтда чиқиб кетиши, харидорларнинг сийраклашиб қолиш пайтини, ҳаммасини миридан сиригача синчиклаб ўрганди.

Дўконда икки киши эр-хотин ишларди. Эри кўп пайт бўлмас, хотинининг бир ўзи савдо қиларди. Бугун ҳам эри тушдан сўнг келмади. Хотини дўконни очиб, харидорларни киритди. Улар кўпчилик эмас, тўртбеш чоқли киши эди. Ҳеч нарса харид қилмай, тез орада чиқиб кетишди. Аммо бўйчан, кўзлари катта-катта бир ўспирин пештоқлардаги зеб-зийнатларни кўздан кечириб тураверди.

— Хўш, йигитча, нима олмоқчисан? — деб гап қотди сотувчи аёл кафти билан оғзини тўсганча ҳомуза тортиб пештахта ортидаги курсига чўкаркан.

— Уйқунгиз келяптими, холажон? — дея бола у томонга сурилди...

— Бундай диққинафас ҳавода кимни уйқу босмайди дейсан, — илжайганча жавоб қилди сотувчи аёл.

— Кўзларингизни юминг-да, ухляяпан, ухляяпан, деб уч марта айтинг, уйқунгиз дарҳол қочиб кетади, — деди Кичкина унга галати тикилиб.

— Қизиқ-ку, қанийди айтганинг бўлса, — деб у Жасурнинг гапини кўзларини юмиб, дилида такрорлай бошлади. — Ухляяпан, ухляяпан...

Жасур шу пайт сотувчи юзига қўлини яқин қилди

ва эшитилар эшитилмс шивирлади. «Айтганингиз келсин, ухланг, бемалол ухланг, тинч ухланг...»

Аёл тезда уйқута кетди. Жасур гўё онасига қарашаётгандек эшикни бекитди. Сўнг дераза олдига бориб, муюлишда унинг ишорасини кутиб шай бўлиб турган шерикларига келаверинглар, деган ишорани қилди.

Геркулес Сангин билан ичкарига киришди. Биринилгакни идди. Эшикдаги «очиқ» ёзуви бор тахтача орқасидаги «ёпиқ» деган сўз билан алмаштирилди. Орадан беш-ўн дақиқа ўтар-ўтмас, уч киши дўкондан тезгина чиқиб кетишди. Дўкон эшиги ланг очиқ қолди.

Сотувчини харидорлар юзига сув сепиб, аранг ўзига келтиришди. У «Оббо, уйқу элтибди-я» дея тезда пештахталардаги тиллаворларга қаради. Дахлаб, кўзларига ишонмади. Ўрнидан сапчиб туриб, қўллари билан пештахтадаги шиша остини пайпаслаб кўрди, сўнг барчани ҳайратда қолдириб, телбанамо бир ҳолатда:

— Милиция, милиция! — дея қичқира бошлади. Орадан кўп вақт ўтмай жиноят қидирув ходимлари етиб келишди. Иш ниҳоятда чигал эди. Катта миқдордаги зеб-зийнатлар: тилла узуклар ва гавҳар тақинчоқлар ўғирланганди. Ўғирлик усталик билан амалга оширилган бўлиб, бирор бир из, белги қолмаганди. Сотувчи Камолова айтган бўйчан бола ким? Жумбоқ ана ўшанда.

Унинг бўй-басти, афт-ангори, қиёфасининг қанақалиги синчиклаб ўрганила бошланди.

\* \* \*

Купша-кундуз куни «Зеби-зийнат» дўконига ўғри тушгани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ходимларини ташвишга солди. Улар кун бўйи елиб югуришди, аммо жиноятчилар ҳам, олиб кетилган катта миқдордаги мол ҳам топилмади. Юз берган бу ўғирликни аниқлашга жалб этилган изқуварлар кечқурун бошлиқ Омон Султонов хонасига тўпланишди.

Жиноятни очиш юзасидан аниқланган ва тўпланган дахлабки маълумотлар бошлиқни мутлақо қаноатлантирмади.

— Бўйчан бола ким? Унга ким кўмаклашдидийкин? — деди подполковник. — Боланинг бир ўзи бундай оғир,

мураккаб жиноятни эшлаб, амалга ошира олмайди-ку! Ўртоқ капитан, ҳойнаҳой бола сиз шуғулланаётган ўғри Зарба тўдасидан эмасмикин?

— Эҳтимол, — деди капитан Тўлаганов, бироқ — Зарба кузатувда. Жиноят содир бўлган пайтда у устахонадан бирон жойга жилмаган.

— Зарба ўзини атай четга олиб, ўғирликни амалга оширишни шерикларига буюрган бўлса-чи? — деб эътироз билдирди Султонов. — Устахонага кириб чиқаётган шахсий машиналар камми? Уларнинг эгалари орасида Зарбанинг шериклари бўлса-чи? У устахонада ишлаб туриб ҳам ҳамтовоқлари билан алоқа қила олиш имкониятига эга-ку! Ит из олмаган. Дўкон ичкарасига нос ва махсус порошок сепиб кетилгани аниқланганди. Ёш бир ўспириннинг из йўқотишни бундай нозик усулларидан фойдаланиши шубҳа уйғотади.

Зарбанинг дўсти Ўрознинг шахсияти ўрганилди-ми? Мабодо, у Зарба тўдасидагилардан бири бўлса-чи?

— Зарба билан шерикчилиги йўқ унинг, ўртоқ подполковник, — деди қатъий капитан. — Бу аниқланди. Аввалига Ўрозни Содиқ тўдасидан эмасмикан, деб тахмин қилган эдим. Уни суриштириб ўрганиб чиқдим, Ўроз ҳар қандай шубҳадан холи.

— Барибир бу жиноятда пихини ёрган ўғрининг қўли бор, — деди бошлиқ ҳеч иккиланмай. — Сотувчининг ухлаб қолгани сабаблари аниқландими? Бетоблиги ростмикин?

— Ҳа, — деди катта инспектор Холлиев, — у руҳшунос дўхтир кўригидан ўтказилди. Ҳомилали аёлларда бундай ҳол учраб туради, деб хулоса берди. Бундан ташқари Камолова миясида алақандай карахлик пайдо бўлганидан, олдин бундай ҳол бўлмаганидан нолибди. Дўхтир сотувчидаги бу ўзгаришни унинг ниҳоятда толиққанлигидир, деб тахмин қилган.

Мазкур жумбоқли жиноятни тезроқ очиш юзасидан тезкор гуруҳ тузилди. Капитан Талъат Тўлаганов эса олдиндан белгиланган ва бошлиқ Султоновга маъқул тушган режасини амалга ошириш учун йўлга тушди.

«Москвич»нинг капоти очилди. Ўроз билан Содиқ моторни кўздан кечиришга киришди. Свечаларни очиб тозалашди. Капитан ўзининг кимлигини сездириб қўймаслик учун Содиққа онда-сонда бир синчков разм солиб қўярди. Содиқ умуман гапга аралашмас, ишга жилдий шўнғиганди. Капитанни ҳар кунги одатий мижозлардан бири, деб ўйлаганди у. Тўлаганов ўзи билан қоғоз халтачада атай пишган гўшт ва ҳар хил мевачева олиб келганди. Мақсади Ўроз кўмагида Содиқ билан ҳамсухбат бўлиш эди.

— Тушликни қаерда қиласизлар? — деди у Ўрозга.

— Кўпинча шу ерда, — деди Ўроз капитанга «нимайди» деган маънода қараб. — Уйдан у-бу егулик, термосда чой олиб келамиз. Ошхонанинг овқати меъдага уриб кетган.

— Унда мен ҳам бугун сизларга шерикман, — деди капитан.

— Бажонидил. Ишқилиб газетага ёмонлаб ёзиб чиқмасангиз бўлди, биз фақирларни! — деди тегишиб Ўроз. — Нега десангиз, бизлар хашаки одамлар. Қандай таом бўлса, ошаб кетаверамиз. Журналистлар жуда нозиктаъб бўлишади, деб эшитганман.

— Унчалик эмас! — деди жилмайиб капитан. — Халққа қоришиб юрмаган журналистдан қўлни юваверинг.

— Тўғри айтдингиз, — сўзамоллиги тутди Ўрознинг. — Дардни билмаган табиб, табибмас. Ҳар ким ўзи қизиққан соҳанинг дардини аниқ билиши керак. Масалан, мен журналист бўлганимда жўрам Содиқнинг кечмиши ҳақида албатта, каттакон бир китоб ёзган бўлардим.

— Ўв, Ўроз, яна сўзамоллигинг тутдими? Кўп алжирама, — деди Содиқ дўстига маънодор боқиб. — Ишни тезлаштир!

— Жа қизиқ йигит-да, бу жўрам, — деди Ўроз Содиқнинг луқмасига парво қилмай. — Мактабда у билан бирга ўқиганмиз. Ўшанда китобдан бош кўтармасди, энди бўлса ишдан бош кўтармайди. Яна камсуқум, одамови, лекин унинг бошидан кечирган аччиқ ҳаётини ўз оғзидан бир эшитсангиз эди. Аммо лекин-чи, ундан осонликча гап олиб бўлсиз. То «оқ

бадан»ни кўрмагунича ичимдагини топ, деб жим ту-  
раверади.

Келишилгандек тушликка бирга ўтиришди. Устахо-  
на ёнбошидаги қайрағоч соясида дастурхон ёзишди.  
Капитан ҳам ўз улушини келтириб дастурхонга қўйди.

— О, биз фақирларни жа сийлаб юбордингиз-ку! —  
деди Ўроз қувониб, кафтини бир-бирига ишқалаган-  
ча. — Сахий мижозларнинг садағаси кетай-да... Э, дар-  
воқе, боя бири «оқ бадан»дан олиб келганди. Бутун  
бир эрийлик. Сиз ҳозир бизнинг ҳам мижозимиз, ҳам  
меҳмонимизсиз. Шундай бўлгач, мулозамат қилиш биз-  
дан...

— Узр, мен парҳездаман, соғлиқ кўтармайди ички-  
ликни, — деб эътироз билдирди. Тўлаганов ва ишонч-  
ли баҳона топганидан суюнди.

— Сизлар бемалол...

— Унда бизларга рухсат, икки жўра қиттак-қит-  
тақдан отамиз, — деди Ўроз ва шиша тиқинини очиб  
ароқдан пиёлаларга қулқуллашиб қуйди. Содиқ уза-  
тилган ароқ тўла пиёлани бир кўтаришда бўшатди.  
Сўнг у дўсти Ўрознинг: «Дастурхон олдида бирпас мун-  
доқ яйраб ўтиринг-да, жўражон», — деган қистови  
таъсирида аста-секин қулфи дили очилиб, гурункта  
жон кирита бошлади.

— Сизлар суҳбатни бемалол давом эттиравеинг-  
лар, — деди Ўроз. Мен бориб чала ишларни битирай.

Ўроз устахонага кирди. Содиқ сигарет тутатди. У  
янги дилкаш ҳамсуҳбатининг тақдирига астойдил  
қизиқсиниб, чин кўнгилдан бераётган саволарига  
қисқа, лўнда жавоб қайтарарди. Хуллас, капитан уни  
хушсуханлик билан сеҳрладими, Содиқда кўнгил даф-  
тарини очишга мойиллик пайдо бўлди.

У «бошимдан кечирган аччиқ, аламли қисматимни  
айтсам, балки кўнгил рашлигим бироз бўлсада тар-  
қар», деган ўйга бориб, изтиробларга тўла ўз ҳаётини  
саргузаштларини сўзлай кетди:

— Сизга айтсам, ўтмишим жуда ғаройиб. Тўлиқсиз  
ўрта мактабни тамомлагач, ўқишга кириш ниятида Бу-  
хоро шаҳрига бордим. Қишлоқ хўжалик техникумига  
ҳужжат топширдим, лекин ўқишга киролмай, қиш-  
лоққа қайтиб келдим...

Ҳа, у отаси қазо қилганда жуда ёш эди. Тирикчи-

ликлари деярли онаси меҳнати орқасидан ўтарди. Содик уч-тўрт ой далада онасига кўмаклашиб юрди. Орадан кўп вақт ўтмай улар истиқомат қилаётган хўжаликда ҳайдовчилик курси очилди. У шу курсга кириб ўқий бошлади.

Жума куни эди. Ўқишдан қайтса, ҳовлиси олдида участка нозири Ибод Порсоев билан гавдали ёшроқ бир киши гаплашиб туришибди. Уни кутиб туришган экан. Боисини айтишмади. Биргаликда уйга киришди. Порсоев Содикнинг паспортини сўради. Онаси ўғлининг яқинда олинган, ҳали оҳори тўкилмаган паспортини чиқариб берди. Гавдали киши паспортни синчиклаб кўргач, уни чўнтагига солди. Кейин Содикнинг онасига: «Ўғлингиз биз билан ярим соатга бир ерга бориб келади. Ҳеч хавотир олманг», деди. Содик ҳайрон эди. Қаерга, нима учун бориб келади, буни унга айтишмади. Кўчага чиқишгач, Порсоев Содикқа:

— Бу укамиз терговчи Шайдоев бўлади,— деди. Шайдоев эса қовоқ солганча, «Порсоев, бу болани тезда бўлимга олиб боринг», деб тайинлади-да, ўзи гажавали мотоциклига ўтириб, жўнаб кетди. Уни нега олиб боришяпти, Содик тушунмади. Порсоевдан: «Тушунтирсангизчи, тинчликми ўзи?», деб сўраган эди, у зарда билан «Кўп суриштираверма, кейин биласан, ҳали хўп «шарбат»ини ҳам татийсан», деб дўқ урди.

Участка нозири уни навбатчи турган хонага бошлаб кирди. Шайдоев алақачон етиб келган, уларни бетоқатлик билан кутиб ўтирган экан. Дабдурустан Шайдоев Содикқа: «Бурчакдаги курсига ўтир, тирранча!» — деб ўшқириб берди. У итоаткорлик билан курсига чўқди. Шайдоев ичкари хонадан Содикқа мутлақ нотаниш, бир болани бошлаб чиқиб, Содикни кўрсатди: «Яхшилаб қара, бу болани танийсанми? — деди у. «Ҳа, танийман, оти Содик», деб бурро жавоб берди. Терговчи ҳам ўз навбатида Содикдан ҳам «Бу ким, танийсанми?» деб сўради. Содик уни танимаслигини айтди. Шундан сўнг у болани яна ичкари хонага олиб кирди. Бир оздан сўнг Шайдоев қайтиб чиқди. У ойнага қора мой суртди-да, Содикнинг бармоқлари изини қоғозга тушириб олди. Сўнг уни қамаб қўйишларини буюриб, ўзи чиқиб кетди. Содик ҳеч нарсага тушунолмай, гарангсиз қолганди.

Уч кундан сўнг Шайдоевнинг хонасига олиб чиқишди. Терговчи унга еб юборгудек ўқрайиб, «Сен оғир жиноят, ўғирлик қилгансан», — деди. Содиқ ҳайрон бўлиб, ўғирлик қилмаганини айтди. Шундан кейин хонага биринчи кун юзлаштирилган бола — (унинг исми Турдиқул) ва яна йигирма икки ёшлар чамаси узун бўйли бир йигит кирди. Терговчи Содиққа, «Уни кўриб қўй, шеригинг Рамазон», деб таништирди.

Қисқаси, иккиси: «Содиқ бизга йигирманчи ноябрга ўтар кечаси Зиробод қишлоғидаги дўконга ўғирликка тушишни таклиф этди. Биз унамадик. Кейин унинг ўзи ўша дўконга ўғирликка тушибди. Содиқ ўмарган молларини алақайси бир қабристонга элиб кўмганини, сўнг киши билмас жойга бекитиб қўганини бизга мақтаниб айтди. Лекин биз у билан шерикчилик қилмадик, ўғирлик молдан бизга ҳеч нарса бергани йўқ», — деб кўрсатма беришди. Содиқ бундай тухматдан довдираб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Ўғирлик қилмаганини, бу кўрсатмалар фирт тухмат эканлигини, ҳатто уларни мутлақо танимаслигини такрор-такрор айтди. Бироқ уни ҳеч ким тинглашни ҳам истамасди.

Январь ойи, совуқ. Унга фақат ёвғон беришарди. Кун ора сўроққа олиб чиқишиб, «Айбингни бўйнингга ол», деб дўқ-пўписа қилишади. Содиқ азбаройи совуқ қотганидан ва баданининг зирқираб оғришидан тергов изоляториди аранг ўзига келади.

Шу йўсинда орадан икки ярим ой ўтди. Содиқ нима қилишини билмасди. Сўроқлардан безиб кетганди. Ахийри, «Бу аҳволда ётгандан кўра ўлганим афзал», деб ўйлади. Ўз жонига қасд қилиш чорасини излай бошлади. Бунинг йўлини топди ҳам. Хонанинг деразаси баландда. Унга чеккаси конуссимон пўлат симлардан кичкина-кичкина катак панжара ўрнатилган. Унинг орқа томонида лампочка. Ҳужра ичида икки қулочча ҳажмдаги эски тахта ётарди. У тахтани тик ростлаб, бир томонини деворга маҳкам тиради. Сўнг унга тирмашиб, юқорисигача аранг кўтарилди. Кейин бир сакрашдаёқ, панжарани ушлаб олди. Ўнг қўлида осилиб, чап қўли билан лампочкани бураб, патрондан зўрға чиқарди. Кейин, патрон ичига бармоқлари учини тикди ва бир зумда ерга учиб тушганини ўзи ҳам билмай



қолди. Шу захотиёқ постда турган милиционер эшикни очди. У воқеани фаҳмлагач, афти бўзрайиб, кўрқиб кетди: «Бошимни балога қўйишингга оз қолди-ку, ука! Бундай шум ниятни энди хаёлингга асло келтира кўрма. Қара, рангинг оқариб кетибди. Озроқ сабр қил, балки қўйиб юборишар», деб насиҳат қила-қила ташқарига чиқди-да, яна эшикни қулфлади.

Бир куни кечқурун даҳлизда шовқин-сурон кўтарилди. Содиқ эшикнинг кичкина тирқишидан мўралаб қаради. Унга таниш — Қорахон. У милиционерни у ён-бу ёнига итариб, «Мени жигарим Содиқжон ётган хонага қўйинглар деяпман», — деб тўполон кўтаряпти. Аммо уни бошқа хонага қамашди. Бироқ Қорахон у ерда ҳам тинчимади. Эшикни устма-уст зарб билан тепа бошлади. «Мени Содиқжон ётган хонага ўтказинглар», деб хонани бошига кўтарганча шовқин солди. Содиқ ҳам зора уни мен турган хужрага ўтказишса, қайтага яхши бўларди, деб ҳаяжонлана бошлади. Чунки, қарийб уч ойдан буён танҳо ўзи ётаверганидан жуда зериккан эди. Иккинчидан, онасининг Содиққа айтишича, Қорахоннинг улар билан узоқ бўлса-да, қариндошлиги бор. У Содиқдан етти-саккиз ёш катта эди. Қорахон озадан ёш қолган, кейинчалик отаси мотоциклда ҳалокатга учраб ўлган.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас, Қорахонни Содиқ ётган хонага ўтказишди. Иккиси гўё узоқ вақт кўришмаган ака-укадек жуда қуюқ гаплашди. Кейин Қорахон ёттани ҳеч вақо йўқлигини билиб, кўрпа-тўшак сўради. Навбатчи милиционер бир кўрпа ва одеял келтириб берди. Кўрпани ёзиб, устига ўтиришди. Содиқ Қорахонга бу ерга нима сабабдан, қандай қилиб тушганини, хуллас, бўлиб ўтган воқеани миридан-сиригача гапириб берди. У жим ўтириб тинглади ва бирдан даст туриб тешикка борди. Додлаб навбатчини чақирди, унга русчалаб алланима деб пичирлади. Сўнг келиб ўрнига ўтиргач, «Содиқжон, жигарим, мен маст эмасман, атайлаб ўзимни мастликка солиб тушдим бу ерга. Ана у эшиқдаги навбатчи эски танишим, йўлини қилиб ёнингга қўйди. Аслида менинг мақсадим, холам, яъни онангнинг илтимосини бажариш, холос», деди. Бу Содиқ учун кутилмаган хушxabар эди. Ҳовлиққанча Қорахондан «Онам нима дедилар?» деб сўради. Қа-

риндош ҳийлага ўтди. Чунки у зиммасига юклатилган муҳим топшириқни бенуқсон ўринлатиши учун Содикнинг ёнига атай киритилган эди. «Онанинг менга таъинладиларки, Содикжонга кириб айтгин, мени оғир хўрликлардан тезроқ қутқарсин, дедилар.— Менга ишонмасанг, ана ойнадан қара, ҳозир ҳам онанинг шу ерда».

Содик бир сакраб деразага чиқди ва темир панжарадан ташқарига қаради. Чироқнинг гира-шира ёруғида навбатчи хонасининг деразаси тагида деворга беҳол суянганча мунвайиб ўтирган (аслида Содикни кўриш илинжида келган), бемажол онасини кўргач, ўкириб йиғлаб юборди. Фазаби ошиб кетди. Агар шу топда ихтиёр унда бўлганда эди, оламга ўт қўйиб юборишдан ҳам қайтмасди. Бирдан эшик тарақлаб қолди. Содик деразадан дарров сакраб тушиб, бошини чангаллаганча ўтириб қолди. Қорахон қия очилган эшик олдига борди. Навбатчи қўйнидан бир шиша чиқариб, уни Қорахонга узатди-да, яна эшикни қулфлади. Содик қариндошидан нажот кутаётгандек илтижоли кўйда: «Нима қилсам онамни қутқара оламан, айтинг, нима қилишим керак?», деб сўради. Қорахон бир дақиқа унга синовчан қараб тургач: «Қандай қилиб бўларди, фақат битта йўли бор бунинг», деди. Содик яна бетоқатлик билан: «Айтинг, қандай йўл?» деб сўради. У «Шошилма, мана бу соққамондадан озгина-озгина отиб олайлик, кейин бир масалада бафуржа маслаҳатлашамиз», деб кружкага ароқ қуйди. Аввал ўзи симириб ичди. Сўнг қуйиб, Содикқа узатди. У ҳеч ароқ ичмаганини айтди. У Содикнинг соддалигини кўриб, «Ичиб кўр, хеш жуда яхши нарса, ғамингни енгиллаштиради», деди. Содик кружкадаги ароқни ичиб юборди ва шу заҳотиёқ кўнгли айниб, қайт қилиб ташлади. Қорахон бошқа ичмади. Содик аламидан ярим шиша ароқни бўлиб-бўлиб ича бошлади. Зўрға ичди. Сал фурсат ўтгандан сўнг ғашлиги тарқаб, ўзини бардам ҳис эта бошлади. Қариндошидан нима қилса онасини азоблардан қутқара олишини сўради. Шунда Қорахон: «Ўғирликни бўйнингга олсанг, олам гулистон», деди илжайиб. Содик унга: «Қилмаган ўғирликни қилдим, деб қандай бўйнимга оламан», деди. У «Агар сен танглик қилиб, дўконни мен ўмарганман, деб айбни зиммангга олсанг, биринчидан, холамни тинч қўйишади,

исноддан қутуламиз. Иккинчидан, биринчи марта жиноят қилишинг, қўйиб юборишлари ҳам мумкин. Ёки ҳеч бўлмаса, бор-йўғи уч йил қамоқ жазоси беради. Бир йилдаёқ оқланиб, чиқиб кетасан. Агар арзимас шу жазо учун ўғирлик қилмадим, деб тан олмасанг, сени кам деганда ўн беш йилга қамашади. Бечора холамни ҳам роса қийноққа солишади», деди. Кейин у Содиққа қамалиб келган кишилар тўғрисида, ўғрилар ҳақида қизиқ-қизиқ ҳангомалар гапириб берди. Содиқ яна ароқ ичди. Шу орада қариндоши чўнтагидан қорозга ўроғли сарғимтил алламбир нарсани олиб, папирос ўради ва чекиб-чекиб Содиққа узатди. У уч-тўрт марта йўталиб-йўталиб торттач, ўйланиб қолди. Кейин қолган ароқни ҳам симиригач, яна Қорахондан: «Айтинг, қандай йўл тутсам тўғри бўлади?» деб сўради у. «Ўғирликни тан олавер, шунда ақлли иш қилган бўласан, бошқа чораси йўқ. Хўп десанг, мен терговчи билан эртагаёқ гаплашаман, — деди Қорахон. — Бўйнингга қўйилган айбга нима деб иқроп бўлишингни ўзи сенга ўргатади. Чунки икки киши сени ўғирлик қилди, деб айтибди. Гувоҳлар шундай кўрсатма бердим, тамом, сени барибир қамаб юборишади. Фақат фарқи шундаки, айбга иқроп бўлсанг, енгиллик берилади. Кам муҳлат оласан, иқроп бўлишдан бўйин товласанг ўн беш йил. Хоҳлаганингни танлайвергин, хеш!»

Ўша кечаси Содиқ ухлаёлмади, хаёл гирдобига фарқ бўлиб чиқди.

Эрталаб навбатчи алмашинаётганда олифта терговчи Шайдоевнинг ўзи хонага кирди. Қайт қилинган нарсаларни кўриб ҳеч нарса демади. Аммо навбатчига «Бу безори лақмани ким бу хужрага қўйди?» деб мудраб ўтирган Қорахонга бир тигдор қаради-ю, чиқиб кетди. Орадан чорак соат ўтар-ўтмас, Шайдоев яна келди. У Қорахонга: «Ўв, безори, қани ортимдан юр, мотоциклимни тузатиб берсанг қўйиб юбораман», деб уни ўзига эргаштирганча чиқиб кетди. Шу кетганича Содиқ қариндошини қайта кўрмади. Тағин шумшайиб ёлғиз қолди. Яна ўша юракни тилка-пора қилиб эзувчи жимжитлик. Тинимсиз хаёл суришлар бошланди. Содиқнинг сабр-бардоши тутади. Унга нисбатан терговчи томонидан қилинаётган тинимсиз ва узлуксиз

сўроқлар тинка-мадорини бутунлай куритаёзганди. У терговчига учраштиришларини талаб қилди. Шайдоев Содиқнинг асл мақсадини англагач, суюниб кетди. Бир фурсатда қоғоз, қаламини ҳозирлади. Кўрсатмани қандай тартибда ёзиш лозимлигини Содиққа обдан уқтирди.

Хуллас, Содиқ икки нафар боланинг ёзма равишда берган гувоҳлигидан тегишли хулоса чиқариб, ҳамма гуноҳни ўз зиммасига олди. Айбсиз айбдор бўлсада, қилмаган жинояти учун иқрорлик билдириб, ёзма тартибда кўрсатма берди.

Эртаси кун уни яна терговчи хонасига олиб чиқишди. Бошлиқ Дулдулов билан Шайдоев гаплашиб ўтиришарди. Улар Содиқни ўтиришга таклиф қилишди. Қизик, уни бири кўйиб, бири мақтай бошлади. Дурустроқ шароит ваъда қилишди. Сўнгра Дулдулов: «Содиқни фаросатли, гапга кўнадиган бола экан», деб мақтаб чиқиб кетди. Терговчи ундан мамнун: «Содиқжон, яна қилиниши лозим бўлган арзимас бир иш қолди. Сени ўша дўконга олиб борамиз, дўконнинг қаерда жойлашганлигини кўрсатасан», деди. Содиқ терговчига у томонларга умри бино бўлиб бормаганини, дўкон қаердалигини ҳам билмаслигини айтди. Терговчи, стол тортмасидан бир варақ қоғоз олди ва Содиқни ёнига таклиф этди. Қоғозга қизил қалам билан чизилган аллақандай уй, йўллар акс эттирилган тасвирни унга кўрсатиб тушунтира бошлади. «Шу яқин орада Зиробод қишлоғига борганмисан?» деб сўради. Содиқ у томонларга умуман йўли тушмаганини айтди.

— Бўлмаса, қулоқ сол, — деди у. — Қишлоққа катта кўприқдан ўтилгач, ўнг тарафдаги йўл орқали борилади. Биз Зиробод қишлоғига етгач, чап томондаги кўчадан юрамиз. Дўкон ўша кўчада жойлашган...

Содиқни дўконга олиб боришди. Ҳар хил ҳолатда суратта олишди. Шундан сўнг уни умрида кўрмаган бир қабристондаги катта бир сағана олдида суратта туширишди. Кейин оёқлари изини ганчга кўчиришди. Хуллас, қилмаган айбни пухта исботлашди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, суд бўлди. Судга онаси ҳам келди. Умуман, одам кўп эди. Суддан олдин Дулдулов Содиққа учраб, унга: «Ўғил бола мард бўлади, айтган сўзидан асло қайтмайди. Судда терговчига ёзиб

берган иқрор гапингни шошилмай бир бошдан айтиб берсанг бўлди. Ваъдам шу. Судья билан гаплашиб қўйганман, сени қўйиб юборишади», деб маслаҳат бериб кетди. Тушга яқин суд бошланди. Содиқ ўзига тайинланган окловчининг исми-шарифини ҳам билмас эди. Судья Аббосов биринчи сўзни Содиққа берди. У йўқ айбига иқрор бўлиб, ўзига ўзи жаноза ўқиди.

Залда гала-ровур бошланди. Судья фурсатдан фойдаланиб, шартта танаффус эълон қилди. Онаси фарёд қила бошлади. Икки қўли билан ўглининг елкасидан тутган кўйи: «Ўғлим, болажоним, ростдан ҳам ўғирлик қилганмидинг? Йўқ, йўқ, ишонмайман! Бундай иш сенинг қўлингдан келмайди», деб бўзларди. Содиқ: «Йўқ, бундай иш қилмаганман, ойижон», деди. Онаси ундан: «Бўлмаса, нимага ўғирлик қилдим, деб айтдинг, болам», деб сўради. Содиқ: «Онажон, ўзингиз, Қорахон акамга кириб Содиқжонга айтинг, мени азоблардан қутқазсин, деб тайинлаган экансиз-ку», деди. Шу пайт онаси: «Оҳ, уйинг куйсин, Қорахон! Боламнинг бошига етдинг-а», — деди-ю беҳуш йиқилди. Содиқ кўнгли тўлиб йиғлаб юборди. Кимдир сув келтириб, онаси юзига сепди. Анча вақтдан сўнг онаизор ўзига келди. Ўғлига ғамгин, бемажол боқиб. «Ўғлим, у оти ўчгур банги Қорахонни умуман кўрганим йўқ. Сени алдабди у қирилиб кетгур», деб қарғишу, йиғига зўр берди.

Суд мажлиси давом этди. Ҳимоячи Содиқ ҳақида ақалли бирор сўиз ҳам оқлов сўзи айтмади. Ниҳоят, судья ҳукмни ўқиди: — «Жиноятчи саккиз йилга озодликдан маҳрум этилсин, ўғирланган ашёлар, уйи мусодара қилинсин ва давлатга келтирилган қирқ тўққиз минг сўмлик зарар айбдордан ундириб олинсин!» деб ҳукм ўқилди. Залда қий-чув бошланди. Милиционерлар Содиқни туртиб олиб чиқишди. Дулдулов унга: «Хафа бўлма, ука, қурғурлар от бозори қилиб юборишди. Мен ишинг юзасидан прокурорга айтиб, албатта, протест, яъни қатъий норозилик билдиртирман», деб алдов гаплар билан унга тасалли берган бўлди.

Ниҳоят Содиқни Сибирь ўлкасидаги бир колонияга жўнатишди. Орадан уч йил ўтгач, онасининг оламдан ўтгани ҳақида шум хабар олди. Ғамга ботди. Уйлари давлат ҳисобига мусодара қилинди. Раҳматли онаси Содиқ улғайгач, уйлантириб қўйиш ниятида бир

неча йиллар давомида йиққан анча-мунча сарполар ҳам эгасини топиб кетди.

Содиқ ўша йили аламига чидай олмай, бир халқ ноиби раҳбарга хат орқали мурожаат қилди. Унга нисбатан уюштирилган туҳматни, орган ходимларининг адовлари-ю, юз берган англашилмовчиликларни батафсил ёзди. Раҳм-шафқат қилишдимиз, арз хати туфайли қамоқ муддатини уч йилга камайтиришди. Қолган беш йилини тўлиқ ўтаб қайтди.

Содиқ жазо муддатини ўтаб, Бухорога қайтгач, ўзи туғилиб ўсган Когон шаҳрининг шимолий этагида жойлашган Ўбачўли қишлоғига келиб жамоа хўжалиги расига иш сўраб мурожаат қилди. Раис ҳатто уни назарига ҳам илмади. «Она-қишлоқнинг бош эгиб келганинг тузук, лекин мен сенга ишониб машина беролмайман. «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас», — деганлар. Бошимни галвага қўйма, ука. Хоҳласанг далага чиқиб, тинчгина ишла», деди.

Содиқ хизмат кўрсатмай эришган «ўғри» унвонидан уялиб, бу ерда ортиқ туrolмади. Қоровулбозор посёлкасидаги автокорхонага шофёр бўлиб ишга кирди. Лекин унинг руҳан эзилиши давом этарди. Бир хил кишилар ўтган ишга салавот қил, деса, айримлар ҳақиқат бир пайт келиб, албатта, тантана қилади, деб уни овутишар, кўнглига таскин беришарди.

Бир йил ишламасданоқ, омадсизлик юз берди. Тажрибасизлиги туфайлими, тупша-тузук машинани йўл чеккасидаги бетон симёкочга уриб, корхонасига уч минг сўмлик зарар келтирди. Олдин судлангани панд берди. Икки ярим йилга озодликдан маҳрум этилди.

Содиқ муддатини ўтаб қайтгач, Темир йўл депосига, ишга ўрнашиб олди. Нурия исмли татар қиз билан танишиб, унга ичкуёв бўлди. Бироқ Нурия суюқоёқ эди. Бир ойча бирга яшашди, холос. У эрига сира итоат этмасди, истаган пайти чиқиб кетар, кўнглига келган номаъқулчиликни қилиб юрарди. Содиқ бир кун тергаганди, балого қолди. Нурия чулдираб, уйни бошига кўтарди: «Сен ўғри, безорини биз одам сонига қўшдик. Шукур қилиб юрмайсанми?!» деди. Шу-шу, оиладан дарз кетди. У бир жазманининг ёрдамида, эрим мени хўрлади, онамни уйимиздан қувиб чиқарди», деб туҳмат уюштирди. Онаси ҳам қизининг уй-

дирма бўҳтонини тасдиқлаб, шоҳидлик берди. Ароқхўр бир қўшни гувоҳликка ёлланди. Хуллас, уни безориликда айблаб, бу сафар уч йилга қамашди.

У муддатни ўтаб, яна Когонга қайтди. Охирги иш-хонасига борди. Хотининикига яқин йўламади. Фурури йўл бермади. Бирга яшаган кунларда Нурия ҳомиладор бўлиб қиз кўрган экан. Кунлардан бир куни Содик Нуриянинг кўшнисини бозорда учратиб қолди.

— Қанақа эркаксан, ўзи? Гулдек хотинингни сўроқламайсан ҳам. Ҳеч бўлмаса қизингни бир бориб кўрай демайсан. Қизалоғинг бирам ширин, кап-катта бўлиб қолган. Тунов куни туғилган кунини нишонлашди. Ота деган бунчалик бағритош бўлмайди-да. Айланиб боргин, гўдакнинг боши осмонга етади, — деди.

Унинг гаплари Содикқа таъсир қилди. Қалбида оталик меҳри уйғонганди. Кўғирчоқ, яна бошқа совғалар олиб борди. Ростдан ҳам қизи Содикқа тортганди. Қайнонаси уни кўриб: «хў, башарангни ел есин», дегандек, шартта ўтирилди-ю, ошхонага кириб кетганча қайтиб чиқмади. Нурия уйда йўқ эди. Кейинги гал қизини йўқлаб борганида, унга тузоқ қўйилганди. Энди қайнона даъво қилди. У: «Куёвим мени ва хотинини ҳақорат қилди. Маст ҳолда келиб қизимни урди», деб кўрсатма берди. Қизчасининг қўлидаги темир қошиқ бехосдан учиб кетиб, хотини Нурияга теккан, қовоғини қавартирган эди. У шу жароҳатини зри етказганга йўйди. Узоқ бир қариндоши гувоҳликка ўтди. Бу гал ҳам жазмани участкавой ҳомийлик қилди. Бечоранинг пешонаси шўр экан. Содик ашаддий безориликда айбланиб, беш йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилди. Унинг қисмати оғир эди. Умрининг бебаҳо йилларини қамоқхонада ўтади. Аммо у ахлоқ тузатиш колониясида катта «сабоқ» олди. Яхши ёмоннинг фарқига борадиган бўлди. Колонияда бир «Қора белбоғ» деган юртдошини учратиб қолди. (Маҳбуслар тили билан «Қора белбоғ» деб аталувчи кимса баракларда, маҳбуслар ўртасида ўзаро тўқнашув, бебошлик бўлганда, тартибсизликни тинчлантирувчи эди.) У туфайли Содик куч-қувватнинг қадр-қимматини яхши англаб олди, ўзига ишончи ортди. Унинг айни куч-қувватга тўлган пайтлари эди. «Қора белбоғ»га баъзан унинг кўмаги асқотиб қоларди. Машқ пайтида Содикни таклиф этар-

ди. Содиқ ўзини унинг қўққисдан туширадиган зарбаларидан ҳимоя қилиши лозим эди. «Қора белбоғ» чапдаст, енгил зарба уришга жуда моҳир бўлиб, Содиқнинг қулоқ чаккасига бехос тарсаки туширса кўзларидан ўт чақнаб, гарангсиб қоларди. Ҳимояга нечоғли тайёр турмасин, барибир Содиқни доғда қолдирарди. Бундай машқлар зое кетмади. Содиқ ундан ўзини ҳимоя қилиш ва рақибига кучли зарба бериш йўлларини пухта ўрганиб олди.

Кунлардан бирида бир тўда бошлиғи билан айтишиб қолди. У шериклари билан Содиқнинг нафсониятига қаттиқ тегадиган гаплар қилишди. Фазабидан ўзини босолмаган Содиқ уларга шердек ҳамла қилди. Шушу, улар Содиқнинг зарбидан зир титрайдиган бўлиб қолишди. У эса зарбасининг залворлиги туфайли ўз-ўзидан «Зарба» лақабини орттирди. Ёши ҳам ўттиздан ошди. Қамоқ ҳам жонига тегди. Қутулиб чиққач, бошқа одамлардек тинчгина яшашга, ишлашга аҳд қилди. Чиқди ҳам, бироқ ҳаётини кўнгилдагидек қайтадан бошлашга имкон бўлмади. Ниҳоят, автокорхонага слесарь бўлиб жойлашди. Ётоқхонада яшади. Директор бамаъни одам эди. У: «Ҳозирча шу ишда ишлаб тур, кейинроқ машина бераман», деб ваъда қилди. Ана шу тарзда ҳаёти давом этаётган эди.

Шанба куни иш охирлаган пайтда, кимдир уни директор йўқлаётганини айтди. У: «Машинага ишга ўтсам керак», деган умидда идора томон югурди. Келса директор зарур юмуш билан қаёққадир кетган экан. Ҳайрон бўлиб изига қайтди. Идоранинг шундоққина рўпарасида каттагина чорбоғ бор эди. У шу чорбоғ оралаб бораётгани, бақувват икки йигит қўққисдан унинг олдини тўсди. Улар Содиққа нотаниш эдилар. «Кўзлари айтиб турибди, директорга бизни шу сўтак чаққан», деди бири. Иккинчиси курақда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилди. Содиқ ўзини ниҳоятда оғир, босиқ тутди. Чунки ҳар қандай можаро, жанжалнинг оқибати ўзи учун жуда қимматга тушиши мумкин. Агар улар мушт ўқталишса, уришса-да, миқ этмай жим туришга мажбур эди. Улар қўлларига эрк беришди. Иккинчиси баравар Содиқни дўппослай кетишди. У чидади. Атай қаршилиқ кўрсатмади. Бошига нима биландир қаттиқ уришганда ўзини билмай хуши-



дан кетиб йиқилди. Безорилар бу билан ҳам чекланмай шум ниятларини амалга оширишди. Содиқнинг кассасига пул ва қўл соатини солиб, қочиб кетишди. Содиқ анчадан сўнг ўзига келди. Калтак зарбидан аъзойи-бадани зирқираб оғрирди. Уст-бошидаги чанг-чунгни қоқиб, тартибга келтираётган ҳам эдики, туй-кус рўпарасида икки милиционер пайдо бўлди. Улар Содиқни судраб олиб кетишди. Уни калтаклаган икки нухсанинг кўнгли жойига тушмай, яна инспекторга учраган ва унинг устидан арз қилишган экан. Гўё у уларни кўрқитиб, тунаган эмиш. «Уни тинтиб кўринглар», деди даъвогарлардан бири. Содиқнинг чўнтакларини тинтиб кўришди... Алҳазар! У бу маломат олдида худди тилсимлангандек, донг қотиб қолди:

Суд бўлди. Содиқ ўзини ҳарчанд оқлашга уринмасин, бўлмади.

— Инсоф билан айтинг-чи, ўртоқ судья мен бир ўзим куппа-кундузи хирсдек икки кишини очиқдан-очиқ тунай олишим мумкинми? Уларга зўрлик ишлатиб ёки кўрқитиб, тажовуз қила олармидим? Аксинча, улар мени сабабсиз дўппослашди-ку», — деди Содиқ.

Лекин судда унинг бу важларини сўраб-суриштириб ўтиришмади. Алоҳида хавфли рецедивист деган тамгани бўйнига ёпиштиришиб, яна етти йилга озодликдан маҳрум этишди. Содиқ бу гал ҳам эски қасдори — қариндоши Қорахон кўмагида унга қарши атай тўхмат уюштирилганини кейинроқ билди.

— Мана, менинг аччиқ қисматимни ҳам билиб олдингиз, — деди кўзларида оқаётган жолани тўхтатолмай Содиқ. — Ҳар гал кўнглимда умид учқуни липиллар, энди инсоф қилишар, мени тинч қўйишар, деб ўйлайман. Афсуски, хато ўйлар эканман. Улар тўхмат-иъволар билан ўғри «унвон»идан тортиб «хавфли рецедивист», «унвон»игача мени сазовор қилишди. Эҳ, биродар, нимасини айтай? Ўтмиш ёшлигимни эсласам, бир неча ўн йилга қаригандек бўламан. Ишонасизми, то ўн етти ёшимгача ниҳоятда тўғри ва гўр бола эканман. Нега десангиз, ароқ, наша, сигарет нималигини биринчи марта тергов изоляторида, кейин ахлоқ тузатиш жойларида англадим. Бутун умримнинг ёшлик йилларини деярли колонияларда ўтказдим. Бироқ мени биров тушунмади. Энди эса дилим қасос ўти билан

ёнмоқда. Душманларимдан ўч олишга аҳд қилганман. Уларни жирканч қилмишлари учун афсус, надомат чекишга мажбур қилмай қўймайман. «Ал қасосу-минал ҳақ!». Адолат суди олдида, виждон суди олдида жавоб беришлари шарт. Ўзлари эккан разиллик, қабоҳат дарахтининг ҳосиласини кўришлари керак-ку, ахир! Кўксимдаги ҳақиқатни барқарор эттириш учун кураш ҳисси битмас-туганмас. У борган сари кўпириб, менга сира тинчлик бермаяпти. Фанимларимга қарши аёвсиз курашга ундаяпти.

Содиқнинг аянчли қисмати капитанни изтиробга солди. Содиққа раҳми келди. «Демак, поччаси Шайдоев дўппосланган, жабр кўрган бўлишига қарамай бекорга Содиққа даъвойим йўқ, деб айтмаётган эканда. Дулдулов-чи... Содиқ уларнинг ўзини эмас, балки қалбини ҳам қийноққа солган. Эндиликда улар жирканч қилмишлари учун, виждон азобида қийналишаётганлари рост. Содиқ ҳақ! Лекин у ўтмиши ҳақида бўрттириб юбормадимикан? Ким билади? Рост бўлса керак, Ёлғондан унга нима наф. Менинг кимлигимни билмайди-ку, ахир. Нега кейинги қилмишлари ҳақида оғиз очмади. Яшаш жойи йўқми? Устахонада, бадбўй мой ҳидлари анқиб турган ерда тунаётгани қизиқ? Нима бўлганда ҳам у талончи. Қорахон дегани ким бўлдийкин?...» — каби ўй-хаёллар Тўлагановни тарк этмади.

У Содиққа: «Ойнинг ўн беши қоронғи, ўн беши ёруғ», ҳали чеккан гам-ғуссаларингизни қувончли кунларингизда худди эртақдек эслаб юрасиз», деб тасалли берди. Кейин Ўрознинг эътироз билдиришига унамай, «Хизмат ҳақи» деб чўнтагига ўн сўмликларни тикдида, йўлига кетди.

\* \* \*

— Биласизми? — деди Кичкина Содиққа сирли қилиб. — Атаман бутун бойлиги, пулларини ҳовлиси орқасидаги қабристонга бекитган. Тошдан қилинган қўш сағана бор, шунинг ичига кўмиб қўйган. Яна уйдаги сим каравот оёқларининг бўшлиғига жойлаштирган. Буни унинг фикридан уқиб олдим. Бир гал у «Бойлигимнинг қаердалигини ўзимдан бошқа биров икки дунёда ҳам билайди», — деб ўйлади.

— Балки сени синаш учун атай шундай қилгандир? — деди шубҳаланиб Содиқ. — Изингдан доим иккита лайчаси эргашиб юрибди-ку?

— Яна билмадим. Лекин ярим кечада қабристон томондаги дарча эшиқдан чиқиб, ўша сағана олдига борганини, катта бир тошни четта суриб қўйиб, сағана ичига кирганини бир марта дераза ойнасидан аниқ кўрганман. Чунки, ой чиққан, қабристон шундоққина кўриниб турарди.

— Бўпти, энди бу ҳақда ҳеч кимга чурқ эта кўрма! — деб тайинлади Содиқ. — Йўлини қилиб ўзим текшириб кўраман.

— Ишқилиб мени топиб олмаса бўлгани, — деди Кичкина кўрқинч билан. — Энди атамanning қўлига тушсам, соғ қўймайди.

— Қўрқаяпсанми?

— Ҳа. Кетимдан эргашиб юрган иккита югурдакни ухлатиб қочдим. — Атаман энди уларнинг ҳам додини беради.

Излаб-излаб Қарчиғайни аранг топдим. Унга роса ялиниб-ёлвордим. Кейин турар жойингизни зўрға айтди. Сиз ҳали атамани билмайсиз-да. У истаган кишини топмай қўймайди. Ўғирлик қилишнинг турли хил усулларини билади. Шериклари ўғирликдан сўнг бирор бир из қолдирмай, ғойиб бўлишади. Ёки бошқа тўдадаги ўғрилarning у-бу нарсасини яширинча ўмариб, уни ўғирлик қилган жойга қолдириб кетишади. Қарабсизки, улар қутулиб, бошқа айби йўқ ўғрилар қўлга тушишади.

Ўтган ҳафта Геркулес бир қасддоридан бошлаб ўч олди. У лабиҳовуздаги чойхонада нарда ўйнаб ўтирган экан. Геркулеснинг бир югурдаги унинг чўнтагига сездирмай, катта бир бўлак қорадори солиб қўйибди-да, дарров милиция бўлимига қўнғироқ қилиб, палончи одам палон ерда қора дори сотяпти, деб билдирибди. Айтишича, ўша одам қўлга тушиб, ноҳақ қамалибди. Атаман ғоятда маккор. Ҳали кўрасиз, у мени ҳам топмасдан қўймайди. Кейин...

— Хотиржам бўл! — деди Содиқ Кичкинани тинчлантириб. — Сени бугуноқ бир ишончли танишимни-кига элтиб қўяман. У ердалигингни, ҳатто, шайтон ҳам билолмайди. Танишим врач, ниҳоятда яхши одам, мен

йўримда ўз ҳимоясига олади. Атаманингнинг патини эса ўзим шундай бошлаб юлиб қўяманки, қочишга жой тополмай, сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолади.

— Сизга ишонаман...

\* \* \*

Кўрқинч деган нарса Содиққа ёт эди. Агар, тайинланган жойга белгиланган пайтда етиб бормаса, кўрқоқ деган номни орттириши аниқ.

Дўсти Қарчиғай: «Учрашувга бормаганингиз маъқул! Геркулес яна бирор шум ҳийлани ўйлаб, уни амалга ошириш ниятида бўлса-чи? Кўнглим сезиб турибди, Геркулеснинг бемаҳалдаги бу чорлови яхшиликдан дарак бермайди. Мен ҳам сиз билан бирга борақолай», деганида, «йўқ, якка ўзим бораман. У шуни талаб қиляпти. Агар доғули бирор шум мақсадни ўйлаб, уни амалга оширмоққа жазм қилган бўлса, унда мардона олишувга тўғри келади. Мендан хавотир олма, ўзимга ишонаман», деди Содиқ. Қарчиғайнинг маслаҳатига кўниб учрашувга бормаса, ўзини бир умр кечири олмаслигини биларди. Ҳеч қандай яроқ олмади. Қарчиғайнинг «Геркулес билан ҳазиллашиб бўлмайди. Йўқ, деманг, ҳеч бўлмаса пичоқ олинг», дейишига ҳам парво қилмади. Лекин ҳар эҳтимолга қарши қачонлардир бир ошнасидан эсдалик қолган, жиноят қидирув ходимлари фавқулодда операция пайтида фойдаланадиган зирҳли нимчани камзули остидан кийиб олди.

Номозшом пайти у кўҳна Шоҳруд ариғи кўпригидан ўтиб, тўғри қўш мадрасанинг бирига равона бўлди.

Кенгу мўл сатҳи оби гишт билан қопланган Абдуллахон мадрасасининг супаси ўртасида оёқларини керганча туриб қолди. Атрофда зор ҳам йўқ эди. У зимдан ҳужраларни кузата бошлади. Ўта сокинлик уни хиёл ажаблантириб, кўнглига ғашлик солди. Кўршапалакларнинг уёқдан буюёққа зувиллаб учиб туришини ҳисобга олмаганда, атрофда жимжитлик ҳукмрон эди. Геркулес учун бу хароба жойнинг қулай томони шунда эдики, мабодо бирор хавф туғилиб қолган кезде ҳам ҳар қандай эпчил изқуварни шошириб, доғда қолдириш ҳеч гап эмасди.

Ниҳоят аллақайси гумбаз қавагида бойқушнинг ноҳуш, бўғиқ ҳу-ҳулагани эшитилди. Сўл томондаги ҳуж-

раларнинг биридан кимдир ҳуштак чалди. Атрофдаги эшиксиз ҳужралардан қўлларини белларига қўйган кўйи беш чоқли одам бирин-сирин чиқиб, Содиққа қараб келабошлади. «Тузоқ! Яна ғирром ўйин кўрсатяпти...» кўнглидан кечди Содиқнинг. Улар сўзсиз тобора яқинлашиб келишди. Исканжада қолганини сезган Содиқ «Бардам бўл, Зарба, — дея кўнглидан кечирди. — Балки, жон-жаҳдинг билан олишувингга тўғри келар. Иш қилиб, ҳушёрликни қўлдан бермасанг бўлгани...»

— Менга Қорахон керак, — деди бостириб келаётганларга. — У келишимни тайинлаган эди.

Оралиқ масофа бир ярим, икки одим қолганда улар оёқларини керганча тўхташди. Содиқ сезди, рақиблари жуда эпчил, слишув, муштлашишга устакор. Уриш, тепиш усулларини обдон ўзлаштиришган. Ўйлаганидек бўлиб чиқди. Ҳе йўқ, бе йўқ, бири каратэ усулида тепмоқчи бўлди. Бу Ринат ғилдирак эди. Содиқ унинг ҳамласига чаққонлик билан чап берди. «Бошланди», — деган фикр кечди кўнглидан, — «Хунарингни кўрсат, Зарба!..»

Тўрт тарафдан ҳамла бошланди. Рақиблари яқин йўлашмас, фақат оёқларига куч бериб, уни тепкига тута бошлашди. Содиққа унча-мунча зарба писанд эмас эди. У бирининг оёғини чаққон ушлаб, кескин қайириб, силтаб ташлади. Рақиб аянчли инграб ағдарилиб тушди. Ён томондан яна бир оёқ унга кўтарилганда Содиқ чап бериб, эпчиллик билан каратэ усулида қарши зарба берди. Тепкиси шундай кучли эдики, рақибнинг болдир суяги шикастландими, ихраганча ағдарилиб тушди. Бешим калла кутилмаганда кўксига калла қўймоқчи бўлганди. Содиқ дарҳол чап берди. У орқа томондан ҳамла қилишга чоғланган шеригига куч билан урилди. Ғира-шира қоронғида тенгсиз олишув бошланди. Орқа томондан Содиқнинг бошига залворли мушт тушди. У шитобла кетига бурилиб, Сангиннинг бошига чанг солди, калласини кескин пастга босиб, ўнг оёғи тиззаси билан кетма-кет юзига зарба берди. У оғриққа чидаёлмай «вой» деди-ю, кафтлари билан юзини тўсганча ерга чўккалаб қолди. Аёвсиз кураш давом этарди. Орқа томондан ҳужум қилган иккинчисига Содиқ биринчи марта ўзи ихтиро этган энг хавфли

усулни қўлади. Тўхтаган еридан туйқус сапчиб, унинг қорнига тепди. У кучли зарбадан қорнини ушлаганча энгашиб қолди. Содик кетига тисарилиб қайта ҳамлага чоғланди ва яна иккитасининг тўғри келган ерига кетма-кет тепди. Бири ерга юз тубан йиқилди. Иккинчиси инграганча гужанак бўлиб қолди. Бошқалари жон талвасасида ҳужралар томон ура қочишди.

Шу маҳал тўрдаги ҳужрадан уч келбатли кимса чиқиб, Содик устига бостириб кела бошлади. Ўртадагисининг қўлида тўппонча, икки четдагисида эса пичоқ. Тун қуюлган. У қоронғида ўртадаги Геркулес эканлигини аранг таниди. Содик: «Геркулес анча-мунча бойлигидан маҳрум бўлди. То уни қўлга киритмагунича, жонимга қасд қилишга шошилмайди», — деб тўғри тушунганди. Топган бор-шудидан ажралиб, доғда қолган Геркулес бу ишни ким қилганини билиб унинг изига тушди. У қандай бўлмасин, энди Зарбани қўлга тушириш, омонатини қайтариб олиш ва уни йўқ қилиш ниятида эди.

— Хешвачча, мен сени бунчалар пасткаш, тубан одам деб, ўйламагандим, — деди Геркулес дарғазаб бўлиб. — «Ўғрини қароқчи урди», нақдига амал қилиб-санда...

— Ҳа, янглишмадинг! — деди тантанавор кулимираб Содик.

— Уйингда юз берган кўнгилсизликларни мендан куравер!

— Нима, ҳали сен илон менинг устимдан куладиган бўлдингми?

— Йўқ, ўчимни олмоқчиман. Нега куйинасан, ахир у бойлик сеники эмаску?! Бировларнинг ҳақини ўғирлаб яна даъво ҳам қиласан-а?!

— Овзингни юм муртад! — ўшқирди баттар қаҳрланиб Геркулес. — Билиб турибман, менга нисбатан аламинг кучли! Лекин у ақчаларга мен ҳам осонликча эришмаганман-ку! Кўзбўямачилик, эгри йўллар билан халқни, давлатни алдаб, бойлик орттирган муттаҳамларни тунаганман. Бундай одамларни талаш савоб. Шу тахлит уларнинг ақли жойига тушиб қолади. Ҳаромҳариш йўллар билан топилган мол-мулк ўзларига буюрмаслигини англаб етади. Кичкина сотқинлик қилди.

Уни ўзинга оғдириб олдинг. У бехосият занғарнинг ёрдамисиз жамғармам қаерда яширинганини ҳеч қачон билолмасдинг. Сенга шартим — шу, ё омонатимни қайтарасан ёки жонингдан умидингни узасан. Танла!

— Чучварани хом санабсан, қариндош! — деди Содик жиддий. — Ўмарган омонатинг аллақачон ўз жойини топди. Сал кечикдинг, энди у муллажирилингларингнинг икки дунёда ҳам қайта қўлга кирита олмайсан!

— Нима?! — деб қичқириб берди Геркулес. — Гумдон қилдингми? Йўқ, бунақаси кетмайди, хеш! Қаерга оширган, қочирган бўлсанг, яна бус-бутунича қайтариб обкеласан! Ёки...

Содик кучли аланга билан ўйнашаётганини, Геркулеснинг мақсади, агар у омонатини қўлга киритмаган тақдирда рақибини йўқ қилишдан ҳам қайтмаслигини англаб етди. Кўнглига шубҳа ўрмалади. «Иш қилиб, манглайимдан чўқламасин-да...»

Вазият ниҳоятда танг бўлиб турган шу лаҳзада томдаги гумбаз панасидан «Зарба, ушла!» деган овоз эшитилди.

Содик ялт этиб орқасига қараганди, Қарчиғайнинг ниманидир унга итқитганини сезди. У эпчиллик билан илиб олди. Бу тўппонча эди.

«Тфу, лаънати, иш яна чатоқлашадиган бўлди, — деди ичида гижиниб Геркулес. — Кетидан ҳеч кимни эргаштириб келмаган эди-ку! Бу сотқин хунаса қаёқдан томда дохил бўлиб қолди?»

— Қўлингдагини ташла, Геркулес! — деди кескин оҳангда Содик. — Бўлмаса, жонимдан айридим деявер!

Содикнинг тўппонча ўқталиб турганини кўриб, уни бехос қўрқув босди. Шу он хаёлида бир фикр кечди: «Барибир бу тентак меъдан ўчини олиш ниятидан қайтмайди. Шундай экан. Ё у ёки мен!».

Геркулес тўппончани Зарбага тўғрилаб, устма-уст варанглатди. Содик турган ўрнида жилмайганча яна:

— Қуролни ташла, деяпман сенга! — деди хитобла. Жавобан яна ўқ янгради. Содик сездики, Геркулес ниятидан қайтадиган эмас. Тепкини босди. Ўқлар бирин-кетин рақиблари оёқлари остидаги гиштларга тегиб, улардан парча-парча бўлакчаларни учириб, тўзғита

кетди. Пичоқ тутган икки азамат оқсоқлаганча ҳужра томон қочишди. Геркулес хиёл олдинга энгашиб, чап қўли билан тиззасини чангаллади. Тўппонча яна вараанглагач, у чалқанча йиқилди. Содиқ тез юриб Геркулес устига келди. У ўлганми, тирикми, фарқлай олмади. Жонсиздек ётган танага алақандай нафрат, жирканч назари билан бир дақиқа тикилиб турди-да, қўлидаги тўппончани четта итқитганча, дарвоза томон юриб кетди. Геркулес айёрлик қилиб, рақибини чалғитиш ниятида ўзини ўлганга солганди. У тирсақларига таянган ҳолда бошини кўтарди. Содиқ тўғридан кетиб борарди. Геркулеснинг тўппонча ушлаган қўли рақибини мўлжалга олди. Ўқ гумбурлади. Содиқ бошига биров туйқус гурзи билан ургандек чайқалиб кетди. Зумда мияси карахтланиб, кўз-ўнги хира тортди. Сўнг бошини чангаллаганча ерга гурсиллаб қулади. Геркулес Содиқнинг йиқилганини кўргач, ўрнидан тура сола гандираклаб қоча кетди.

Томда турган Қарчиғай бирпас тўхтаб, гарангсиб қолди. Кейин дўстига ёрдамга шошилди. У Содиқнинг бошини ердан кўтарганида бармоқларига шилимшиқ бир нарса ёпишди. Қўлини кўзига яқинроқ тутиб кўрди. Қон! Эти жимирлаб, кўрқиб кетди. Сўнг Содиқни қучганча инграб юборди.

— Содиқ, кўзингни оч, дўстим! Аблахлар нима қилиб қўйишди сени? Шундай бўлишини сезгандим, хабар қилгандим, етиб келишолмади. Кечир мени...

Ташқарида ташвишегоҳ овози ва итларнинг безовта акиллагани эшитилди.

\* \* \*

Подполковник Султоновнинг табиати хира, ўнг қўли тирсагини столга тираб, иягини кафтига босганча капитан Тўлагановнинг ахборотини берилиб тингламоқда эди.

Кечаги воқеадан кейин кўп нарса ҳам ойдинлашиб, ҳам чигаллашиб кетди, — деди ҳорғин алфозда капитан ва қўлидаги қоғозларни титкилашга тушди. — Кутилмаган ҳол юз берди. Қўш мадрасанинг бирида ўғриллар тўдаси ўртасида содир бўлган можаро ишимизни янада қийинлаштирди. Лекин калаванинг учи топилди ҳисоб. Ўзингизга маълум, кузатувчимизни доғда қол-



дирган Зарба лақабли ўғрибоши Содиқ Чинқулов қўлга олинди.

— Қўлга олинди эмас, ўртоқ капитан, тасодиф ту-  
файли у ўзини тутиб берди, — деди подполковник  
қовоғини солиб ва чеҳраси бирдан жиддий тус олди. —  
Нима, бу билан катта бир каромат кўрсатиб қўйдик,  
демоқчимисиз? Сизнингча, энди уюшган ўғрилар гу-  
руҳи ишига хотима ясасак бўлаверадими? Гуруҳ ора-  
сида нега бундай кўнгилсиз можаро кўтарилган, улар  
не сабабдан тез орада бир-бирлари билан бунчалик  
жиққамушт бўлиб қолишди. Бу ҳақда ўйлаб кўрдин-  
гизми?

— Нима ҳақда бўларди, бу маълум савдо-ку?! —  
деди ишонч билан капитан. Ўғри аҳли кўпинча қимор  
ёки ўмарилган нарсалар тақсимоти устида баҳслашиб,  
талашишади. Балки, бу жанжалга кечаги...

— Бундай хулоса чиқаришга ҳали эрта эмасмикан,  
капитан, чамамда сиз ишга яқун яшашга шошилаётган  
кўрнасиз, — деди босиқлик билан бошлиқ. — Келинг,  
балки гуруҳнинг ўзаро тўқнашуви сиз айтганчалик со-  
дир бўлгандир, деб фараз ҳам қилайлик. Унда ўғрибо-  
ши Содиқ нега бирдан инсонпарварлик йўлига кириб  
қолди. Ўғирлик, талончилик қилиб топган бор-будини  
ихтиёрий равишда хайрли ишга бағишлади. Ўғрилар  
фаолиятида ақл бовар қилмайдиган тантилик-ку! Бу-  
нақа ҳодисага биринчи бор дуч келинаётгани сизни  
сира ажаблантирмаяптими?

Подполковник шу ўринда кечаги кутилмаган воқеа-  
ни назарда тутаётган эди.

Ўроз дўсти Зарбанинг илтимосини бажариб, у бер-  
ган хатни чўнтагига солди-да, чоққина посилка қутиси-  
ни қўлтиқлаганча, тўғри шаҳар ички ишлар бўлимига  
бориб бошлиққа учради. Унга дўсти берган омонат-қути-  
ни топширди ва Тўлаганов деган ходимга муҳим хат бор-  
лигини билдирди. Султонов тезда капитанни хузурига  
чақиртирди. Ўроз капитанни таниди-ю, бир зум безов-  
таланиб, хайрону лол бўлиб қолди. Сўнг бироз иккила-  
ниб, ён чўнтагидан конвертни чиқарди: «Буни сизга та-  
нишингиз, жўрам Содиқ бериб юборди, деб мактубни  
тутқазди. Капитан ноқулай аҳволда қолганидан хижо-  
лат бўлди. Сўнг Ўрозга: «Уэр, ошна, ишимиз шунақа»,  
дегандек маъноли қараб олди-да, шоша-пиша конверт-

ни очди. Ундан бир энлик буклоғли хат ва квитанция чиқди. У хатга тезгина кўз югуртирди. Сўнг таажжубланиб елкасини қисди ва хатни бошлиққа узатди. Хат шундай мазмунда ёзилган эди:

«Салом капитан, хатимни ўқиб ажабланманг, мен сизнинг кимлигингизни ўша машинангизни тузатишга олиб келган чофингиздаёқ пайқаган эдим. Суратингиз ўтган йили милиция куни муносабати билан газетада чиққан эди. Шу газетани, баъзи бир омонатларни жўрам орқали сизга жўнатдим. Бу бойлик, нарсалар асида кимга тегишли эканлиги то сизлар аниқлаб, поёнига етгунингизча сирлигича қолаверади. Хужжатни эҳтиёт қилинг! Мен сизга айтганимдек ҳозирча ҳеч оғишмай, ўзим танлаган йўлдан боряпман. Бу йўлдан мени ҳеч бир куч қайтара олмайди. Сизга омад тилаб, Содиқ».

— Бу қанақаси — деди бошлиқ хатдан кўз узмай ҳайрати ошганча, мутлақ учрамаган ҳодиса бу. Тангликни қаранг-а! Сал кам ярим миллион сўмни болалар тинчлик фондига... Ҳеч бир ақлга сиғмайдиган гап. Содиқ деганингиз жуда доно, зийрак экан, капитан. Сиз шохида юрсангиз, у баргида юрибди, — кесатик қилди бошлиқ Тўлагановга истехзоли қараб. — Қаранг, топқирликда Сиздек изкуварни ўсал, мот қилиб кўйди. Бу қутида яна нималар бор экан?

Тезда икки-уч киши холис гувоҳликка чақирилди. Қутини очишди. Асл тиллавор нарсалар: сон-саноқсиз узуклар, олтин заржирлар-у, сирғалар...»

Бундай идорада биринчи бор бўлган Ўроз ўзини жуда ноқулай сезиб, тезроқ чиқиб кетиш йўлини излаб, бетоқатланиб ўтирганди. Буни кўргач, ҳайратдан донг қотиб қолди. «Вой, буй! Хумпар мендан шунчаки хўжакўрсинга қарз кўтариб, алдаб юрар эканда. Қойил! Ҳали бу нопок ишга мени ҳам шерикчиликда айбласалар ким деган одам бўламан? — деган ўй кечди унинг хаёлидан.

— Содиқ бошқа гап айтмадими? — сўради Ўроздан афти қизариб бўғриққан Тўлаганов. Гап оҳангидан бошлиқнинг кесатиги унинг иззат-нафсига қаттиқ ботгани сезилиб турарди.

— Икки кунга бир танишимникига бориб келаман, деб кетган. Ҳали қайтганича йўқ, — деди Ўроз ғалати

гулдираб. — Менга бунақа нарсаларни бериб юбораётганини ҳам билдирган эмас. Кечирасизлар-у, унинг бунақанги ишларидан ўлайки, буткул хабарсизман.

Ўроздан қабул қилинган далилий ашёлар ҳужжатлаштирилди. Содиқнинг тутаётган йўли-ю, хатти-ҳаракати тезкор гуруҳ бошлиғи Султонов учун ҳамон маъхум, сирли жумбоқ бўлиб туюлаётганди. У Зарбанинг бу ҳаракатидан қандайдир сир яширинганини ич-ичидан ҳис этди.

— Балки Зарба эртами, кечми сири очилишини сезиб, шундай йўл тутсам, жиноятим енгиллашар, деган хаёлга боргандир. — ўз фикрини билдирди Тўлаганов.

— Эҳтимол?.. — деди подполковник чаккасини қашиб. — Лекин ўғрилар зоти оғзидаги тап-тайёр ошини ўзга ёт кишига ўз қўли билан икки қўллаб ошатаётганини ҳеч эшитмаганман. Бир сир борга ўхшайди.

— Лекин қандай сир, ана шуниси жумбоқ-да. — Жанжал эса тахминимча икки тўда ўртасида келиб чиққан бўлиши ҳам мумкин, — деди Тўлаганов. — Зарба билан унинг қариндоши Қорахон ўртасида олдиндан кучли рақобат бўлган. Қорахон билан ҳам қизиқаяпман. У ҳам тўда бошлиқларидан бири, лақаби Геркулес. У ҳалигача бирор марта қўлга тушиб, жазога тортилмаган. Зарбанинг қамоқда ўтириб чиқишида унинг қўли борлигини ўзи айтган эди. Бир-бирига адовати кучли. Зарба Қорахондан ўч олиш ниятида унинг изига тушиб юргани аниқланди. Икки гуруҳ тўқнашган бўлса-чи?

— Ана бу гапингизда жон бор! — Нега бу тўғрида менга олдинроқ билдирмадингиз? — деди ранжигансимон оҳангда подполковник. Зудлик билан Қорахон фаолиятини ҳам чуқур ўрганишга киришинг. Дарвоқе, Зарбанинг аҳволи қандай?

— Ўқ бош суягини ялаб ўтган, деди капитан. — Даволовчи врач унинг кўп қон йўқотганини айтиб, ҳозирча уни сўроқ қилишга рухсат бермаяпти. Ҳали жуда ҳолсиз, алаҳсираши давом этяпти, бир-икки кун сабр қилишингизга тўғри келади, дейишди. Қочиб кетмаслиги учун эҳтиёт чорасини кўриб қўйганмиз...

— Содиқнинг собиқ хотини ҳақида нималар аниқланди? — деб бошлиқ Тўлагановга маъноли қаради. —

Ундан Зарба хусусида анча-мунча керакли маълумотларни билиб олиш мумкин. Балки иккиси аллақачон ярашган апоқ-чапоқдир. Ўғирлик нарсаларнинг бир қисмини хотинига оширган бўлса-чи? Ўрталарида ҳар ҳолда фарзанд бор-ку. Бу иш билан ким шуғулланапти?

— Нуриянинг яшаш жойи аниқланди, — деди капитан. — У ҳозирча бирор ерда ишламас экан. Содиқнинг очикда юрганини билса, чўчиб бирор гап айтиши қийин. Мабодо иккиси ярашган бўлса, унда... Фактларни аниқлаш учун ҳаракат қиляпмиз.

— Яхши! — деди бошлиқ кўтаринки руҳда. — Балки, Зарбани сўроқ қилиш пайтида жумбоқ бўлиб турган баъзи чигалликлар ечилар. Зеб-зийнат дўконидан таланган моллар ҳали топилганича йўқ. Зарбанинг бизга ихтиёрий равишда топширган ўғирлик нарсалари ичида дўкондан олиб кетилган тиллавор безаклар учрамади. Зарбанинг шериклари унинг қўлга олинганини эшитиб, типирчилаб қолишгани маъқул. Агар улар вақт борида тум-тарақай тўрт томонга сочилиб кетишса борми, унда қидирув ишлари яна мушкуллашади. Дўкондан ўғирланган мол қаерда, уни аллақачон бошқа ёққа ошириб юборишмадими, буларни аниқлаш биринчи гадаги асосий вазифамиз.

\* \* \*

Вилоят касалхонасининг каттагина боғи. Азим чинору, қайрағочлар сояси қуюқ. Атроф сўлим, оромбахш. Салқин жойларга қўйилган ўриндиқларда ўтирган беморларнинг бири китоб мутоала қилар, бошқа бири домино ўйнаш билан банд.

Жасур боғда узоқ айланди. Чеккароқдаги ўриндиқда ўтириб, чор атрофга боқди. «Хавф-хатардан холи экан бу ер», — кўнглидан ўтказди у. — Содиқ акам қайси бўлимда ётибдийкин? Суриштирсаммикин? Йўқ, хавфли. Кейин мен билан ҳам қизиқиб қолишлари мумкин. Бир дераза олдида милиционер кўринди. Кичкинанинг хаёлидан: Содиқ ака шу хонада бўлса керак, деган фикр кечди.

Жасурнинг кўзи йўлақдан чиқиб келаётган оқ халатли, қизга тушди. Қиз унинг ёнидан ўтиб кетаётганда сабри чидамади.

— Опа, анави милиционер нега бир тавақаси очик дераза олдиди турибди? — дея сўради, соддалик билан.

— О, укам, унга раҳминг келдими? — дея жавоб қилди қиз жилмайиб. — У бир беморни қўриқлаяпти.

— Э, қизиқ-ку, касал кишини ҳам қўриқлайдиларми? — деди у яна ўсмоқчилаб. — Ёки касал жинними?

— Зап валати бола экансан-ку, а? — деди қиз юришдан тўхтаб, — Жинни нима қилади бу ерда. У бўлимда ашаддий бир жиноятчи оғир ётибди. Милиционер ўшани қўриқлаб турибди. Тушундингми?

— Ҳа-а!... — деди Кичкина ҳайратлангандек бўлиб.

Оқ халатли қиз йўлига кетди. Кичкина ўриндан туриб, рўпарасидаги бино томон юрди. Йўлақда бо-раётиб милиционерга бир қараб олди.

— Ҳой, ука, буёққа кел! — деди, милиционер уни қўли билан имлаб.

Кичкина тўхтаб сержантга қаради. Бир лаҳза унинг олдига борайми, бормайми, деб хавфсираганча икки-ланиб турди:

— Мени чақдрияпсизми? — деди бош бармоғини ўз қўкрагига нуққанча.

— Ҳа, сени — деди сержант. Бундай қулай имконият туғилишини Кичкина ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди.

У йўлақдан ўтиб, сержант турган ерга яқинлашди. Ўзини беташвиш, бепарво юрган боладек тутди.

— Нима дейсиз? — деди у сержантга салом бергач.

— Бир хизмат қилвор, жон ука, — илтимос қилди сержант. — Чопқиллаб бориб, дарвоза олдидаги киоскадан бир қути сигарета келтириб бер.

— Майли, қанақасидан! — деди Кичкина.

— Қанақаси бўлса ҳам бўлаверади, — деди сержант шими чўнтагини ковлаштириб — Кичкинага пул узатаркан. Жасур бориб икки қути «Прима» олиб келди.

— Бошқа хилидан умуман йўқ экан, — деди у қайтимини сержантга узатиб.

— Хумор қилган пайтда шуниси ҳам бўлаверади. Барака топ, ука, — деди сержант сигарета тута-таётиб. — Кечаю-кундуз бир жойда қозикдек қаққайиб

туравериб жуда толиқдим. Азбаройи уйқум келганидан турган жойимда кўзларим юмилиб кетяпти.

Сержант курсига қулай ўрнашиб олиб, кўзларини юмганча мириқиб сигарета тутата бошлади. Унинг бу ҳолати Кичкинага жуда қўл келди.

— Ака, шу тахлит кўзингизни юмганча ухляяпман, ухляяпман деб бир неча марта айтинг, чарчофингиз бир зумда тарқайди кетади, — деди у ярим чин, ярим ҳазил аралаш.

— О, лабингта шакар-да, ука. Қанийди ҳозир айтганинг бўлса. Кел, ана сен айтганча ҳам бўлсин, — деб сержант кўзларини юмганча беихтиёр пичирлай кетди. — Ухляяпман, ухляяпман.

Кичкина унинг юзига кафтини яқин тутди. Сержант уйқуга кетди. Кичкина фурсатни қўлдан бермай, бир сакраб деразага кўтарилди. Хонада атиги битта каравот, унда бошига оқ дока бойлоқди Зарба ухлаб ётарди.

— Содиқ ака, Содиқ ака — деди Кичкина эшитилар-эшитилмас.

Зарба кўзларини очиб, дераза томонга қаради. «Жасур!» У ўрнидан ирғиб турди ва бирдан сергак тортиб «Тишш» деди-ю, кўрсаткич бармоғини лабига босди.

— Тезроқ кишт бўлдик, — деди шивирлаб. Кичкина. — Деразадан туша оласизми?

Кичкина лип этиб пастга тушди. Ортидан Зарба сакради. Иккиси бирпасда чамбара девордан ошишиб, тор кўчага шўнғиб кетишди.

— Келишингни, садоқатингни билардим, — деди Зарба қувонч билан Кичкинанинг елкасига бақувват қўлини қўйганча. — Қурғурлар даҳлизга, дераза олдига кўриқчи қўйишган. Бунинг устига хона иссиқ, дим. Қуён бўлишнинг иложини тополмай, хит бўлиб тургандим.

— Жароҳатингиз азоб бермаяптими? — сўради. Кичкина меҳри товланиб.

— Унчалик эмас, — деди Содиқ — Шунчаки, дўхтир кўришга кирганда ўзимни атай овир ётган касалдек қилиб кўрсатавердим. Ишонди. Вақтдан ютишим керак эди-да. — Хўш, ўзинг тузук юрибсанми?

— Ёмонмас.

— Яша, шоввоз, айни вақтида келдинг. Билмадингми, Геркулес қўлга тушганми, йўқми?

— Эшитишимча қутулиб кетибди.

— У ярамас энди мендан кўрарини кўради.

\* \* \*

Кенгина хона. Жиҳозлар дидсиз жойлаштирилган. Тутун ўрлаганидан бу ер дим, файзсиз. Хонанинг шипигача қорайиб кетган. Бу Сангиннинг уйи. Онаси Тошкентга даволанишга кетган. Шу боис, Геркулес қароргоҳни вақтинча шу ерга кўчирган.

Қорахон карта ўйинидан бездими, ўрнидан қўзғалди. Бориб дераза олдидаги йиғма каравотга узала тушиб ётди. Қўлларини қовуштириб, боши остига қўйди. Ўй-фикрлари беқўним. Дилини алам, қасос ҳисси кемирар, кучли ғанимдан тезроқ қутулиш йўлларини изларди. Айни чоғда шотирларининг ғала-ғовури ҳам унга ёқмаётганди.

Бир оз чакаларингни тийларинг! — деди у қаҳр билан қошлари чимирилиб. — Мияни қоқиб, қўлга бердиларинг-ку.

Хона сув сепгандек тинчиб қолди. Кейин шивир-шивир гаплашишга ўтибди.

«Қиттак отиб олишса тамом, чакаги очилиб, сайрашга тушади сўтаклар. — дея дилида койинди Геркулес ва яна чуқур ўйга толди. Бу муте югурдаklarимнинг бариси бир гўр. Маишат, пул, кашандаликнинг ошиғи. Кўпдан сезиб юрибман, ўз ихтиёри билан эмас, азбаройи қўрққани туфайли менга илакишиб юришибди. Қаҳримдан зириллашади. Ихтиёрларинг ўзларингда, деб бир оғиз айтсам борми, шу заҳотиёқ қанот чиқариб учиб кетишади. Ёки мен ҳам биратўла ҳаммасининг баҳридан ўтиб, бошим оққан томонларга кетсаммикан? Малах бўлса етарли, ҳужжат бор... Бир нозанинни топардим-да, кайфу сафони... Йўқ, йўқ, атаман деган номим бор-а! Бошқача йўл тутмоғим даркор! Қизиқ, бурнига сиққанча малах бўлса, яна нима етмаяпти бу гўсхўрларга? Санқиб, дарбадар бўлиб юриш жонларига тегдими ё? Кўрсичқондек писиб юривериш менинг ҳам бутунлай тинка-мадоримни қуритаёзди. Қирчиллама даврим ҳам ўтиб қолди. Лайчала-

рим-чи? Улар ҳам бамисоли кўршапалак. Шу боис, феъли чарс, бири айниб Зарбага қўшилди».

Куни кечаги тўқнашувда рақиби Зарба Геркулеснинг ўнг оёғига тузуккина «ёрлиқ» ёпиштирган экан. Болдирини ўқ ялаб ўтибди. Жароҳатига дори босди. Оғриғи қолди. Лекин рақибидан ўчини ололмаётганлиги унга жуда алам қилаётганди. Шунингдек Содик ҳам ундан қасд олиш ниятида эканлиги, унга тинчлик бермаётганди. У бугунми, эртами, Содик билан яна тўқнашишга кўзи етар, унинг шаштини сўндириб, бир умрга майиб-мажруҳ қилиб қўйишга илож тополмаётганди. Бу унинг учун мақсадга айланганди. У ич-ичидан Содикдан кўрқар, чарогон дунёси зимистонга айланиши мумкинлигини ҳис этарди.

Шу пайт «биратўла мени Зарбага чаққанлардан ҳам қасдимни олсам-чи? — деган ният лип этиб хаёлидан ўтди, кўнгли ёришгандек бўлди. Мени шундай қабихликларга ундаган ўшаларнинг ўзлари-ку. Нега энди менгина ножўя қилмишларим учун жавоб бериб, хўрлар эканман. Йўқ, олдин мени шу жафога гирифтор қилганларнинг бир болаб додини берайин. Кейин пешанамда борини кўрарман».

— Ҳой, Сангин, Филдирак, — деди у ширакайф, чекиб, карта ўйнаб ўтирган икки шотирига — Бу оқшом бир қойилмақом, кўнгилочар томоша кўрсатамиз. Бунақасини ҳали умрларингда кўрмагансанлар. Шайланиб турларинг.

Қоқ ярим тунда уч кўланка девордан Дулдуловнинг ҳовлисига ошиб тушди. Дулдулов сатҳи кенгу мўл уйининг рўпара томонидаги ҳашаматли меҳмонхонасида ёлғиз ухлаб ётарди. Кўланкалардан бири ташқарида қолди, иккиси оёқ учида меҳмонхонага кирди. Қорахон пардаларни зич бекиттирди, сўнг чироқни ёқди. Дулдулов сесканиб уйғонди ва туйқус кўрқувдан бақрайганча бир зум кесақдек қотиб қолди. «Оббо, яна ўша ярамас Зарбамми?» — деган ўй, кўрқув аралаш кўнглидан ўтди. Беўхшов гавдасини аранг ўнглаб, кутилмаган тунги «меҳмон»ларга ҳадиксираб боқди ва:

— Қорахон? — деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Вужудини қаттиқ титроқ босди.

— Ҳа, худди ўзиман, — деди Қорахон сенлашга ўтиб. — Хўш, қари туллак, фирромлик билан йиққан



ақчаларингни кўрсичқондек мазза қилиб кемириб ётибсанми? Мабодо биздек фақир укаларингга атаб қўйганинг йўқми?

— Нималар деяпсан, ука, — деди Дулдулов чайналиб, тутилинқараб. — Сен бунақа эмасдинг-ку? Мард, эсли, ҳушли...

— Бас-е, — ўшқирди тутақиб Геркулес асабий бир тусди. — Мен мардга мард, номардга номардман, билдингми! Сендақа туллаклар билан ҳисоблашадиган пайт етди. Айт-чи, нега мени Зарбага сотдинг? Сен ифлосга қилган хизматларим эвазигами? Ёки Зарбанинг зарби ўтаниданми?

Дулдуловни азбаройи ваҳм босганидан, лаби тинимсиз қалтирар, гапиришга тили айланмасди.

— М-ен-н айтмадим, рост гапиряпман, — деди у ниҳоят базўр гуддираб.

Геркулес юзига ниқоб тортган шеригига ишора қилди, у Дулдуловнинг тўғри келган жойига аёвсиз тепа кетди. Дулдулов полга ағанаб тушди.

— Кексайган чоғимда бунчалар хўрламанглар, — деди у йиғламсираган кўйи жон талвасасига тушиб. — Илоҳи қирон келсин ҳаммаларингга! Зарбангга ҳам, Сенга ҳам!

— Қасосли дунё бу, — деди ижирғаниб Геркулес. — Эсингдами, бир пайтлар сенинг қўлингга қўғирчоқ эдик. Куч ишлатиб, қўрқитиб, истаган мақомингга йўрғалатардинг. Энди эса биз сени!.. Ўрни келганда тергов изоляторидоги маҳбуслар ёнига киритиб, мендан айғоқчи сифатида фойдаландинг, чидадим. Кўнглингга ёқмаган, беғуноҳ кишиларни жиноятчига айлантиришга устаси фаранг эдинг. Шундайларнинг нечтасининг уйига қорадори киритиб, белгили жойга бекитиб чиқишга мажбурладинг. Булар ҳам майлику-я, ўз қариндошимни ҳам беайб жиноятчига айлантиришга мажбур этдинг. Ҳаммасига чидадим, лекин бу номардлигингни асло кечира олмайман. Билиб қўй, мен сенинг ҳамма сирларингни алақачон билиб олганман. Дўконни ўмарган Зарба эмас, сенинг ўзинг экансан. Амакиваччанг бор гапни айтган.

Дарҳақиқат, Дулдулов фахрийликка чиққан йил Қорахон тўдаси Зарба ўғирликда айбланган дўкон муди-

ри Дулдуловнинг амакиваччаси уйини тунаган эди. Ўшанда ўғрилардан бири амакивачча олдига бу гапни кўндаланг қўйди. Ростини айтмасанг, қизингнинг номусига тажовуз қиламиз, деб кўрқитишди. Шунда мудар кўрққанидан ростига кўчди.

Дулдулов хоҳлаган пайтида дўконига келар, ўзига ёққан нарсани олар, яна истаганича қарз кўтариб кетаверар экан. Сабаби амакиваччасининг унинг олдида тили қисикроқ, чунки у мудирликка Дулдулов ҳомийлиги туфайли эришганди. Амакивачча Дулдуловга «Чикимдорлик ошиб кетяпти», деб бир-икки марта қарзлари хусусида эслатганида Дулдулов: «Парво қилманг, ҳисобини тўғирлаб юбораман, ҳали мендан хурсанд ҳам бўлиб юрасиз, деб уни тинчитганди.

Орадан кўп вақт ўтмай, дўконда сохта ўғирлик содир этилганди. Бу ўғирликнинг ҳузурини ким-у, жабрини ким тортгани Қорахонга аён бўлди. Мудир, яъни амакивачча бу гапларни айтишга ўзини мажбур қилган талончиларнинг кимлигини била олмаганди. Чунки уларнинг юзларига ниқоб тортилган эди.

Геркулес ўшанда Дулдуловга индаёлмаганди. Сабаби, бу аблаҳ билан ҳазиллашиб бўлмайди. Мансабдан тушган бўлса-да, барибир орғанда таниш-билишлари кўп, айтиб қаматтириб юбориши мумкин, деган мулоҳазага борганди.

— Ўтган ишга саловат, деб шу номарддигингни ҳам кечиргандим, ўшқирди вазаби баттар ошиб Геркулес. — Энди эса...

У Дулдуловнинг белига ўхшатиб бир неча марта тепди. Дулдулов инграб, гужанак бўлиб қолди. Геркулес асл мақсадга кўчди.

— Пулларингни бекитган жойни яхшиликча айтасанми, йўқми?..

Дулдулов кўрдики, аҳволи танг. «Қасддорларнинг иккаласи ҳам бир гўр», — деди, у дилида ўкинч билан. Зарба билан Геркулес эндиликда ҳеч нарсадан қайтмайди, бу иккисига на қонун, на қамоқ писанд. Шундай экан, жонини омон сақлаб қолган маъқул».

— Азоб бермаларинг, айтаман, — деди у тун сукунатини бузганча аламли зорланиб. — Ана у ерда... Ҳаммасини олларинг, фақат, мени тинч қўйсанглар

бас! Ўғри ўғрилигини қилиб ишни дўндириб кетди. Туннинг бағри қора эди. Дулдуловга шафқат бўлмади. У тонгга яқин жон таслим қилди.

\* \* \*

Содиқнинг куппа-кундузи ғойиб бўлгани ва Дулдулов можароси тезкор гуруҳ ходимларини шошириб қўйди. Вазият тивиз. Подполковник Султоновнинг кўнглига чирок ёқса ёришмасди. Шу боис, кенгашда у асабийлашар, ходимларни ношуддан олиб, ношудга солар, овоз чиқариб мулоҳаза юритарди.

— Бу иш юзасидан бошқарма ҳар куни ахборот сўраяпти, — деди у тунд қиёфада. — Мен эсам аниқ жавоб айтолмайман. «Ёрдам, куч керакми», дейишганда, ҳозирча эҳтиёж сезилмаяпти, ўзимиз эплаймиз, деб юборибман. Бекор шундай деган эканман. Бирорта ўтқир, ишбилармон ходим юборишса иш юришармиди? Жиноятни очиш мушкуллашиб, бу хилда қалтис тус олади, деб ўйламагандим. Назаримда биз ечмоқчи бўлган тугун баттар чигаллашиб боряпти. Бизга пинҳона ким ёрдам кўрсатаёттикин? Ёки Зарбада тўдадагилардан бирортасининг қасди борми? Балки ораларида ўзаро низо чиққандир. Ёхуд Зарбанинг хатти-ҳаракатлари гумашталарига ёқмай қолдимми? Эғнидаги нимчани қандай тушуниш мумкин?.. Қаердан олдийкин? Унинг иш юритишига тушуниб бўлмайди... Мақсади нима? Нега тўплаган жамғармасини қайтарди. Ёки шундай йўл билан бизни чалғитиб, каттароқ бир жиноятни амалга оширмоқчимми? Мадрасадаги тўқнашувдан бизни хабардор этган шахс ким? Ходимларимиз у ерга етиб борган пайтда Зарбанинг олдида бир йигит бўлган. У ўзини, ўтқинчиман, деб танитган. Отишма бошланганини сезиб, афтидан бу ерда катта жанжал бўляпти, деб ўйлабди. Фуқаролик бурчини адо этиб, яқин орадаги телефон будкасидан, милицияга хабар қилибди. Отишма тингач, у азбаройи қизиқсинганидан мадраса ичкарасига бош суққанини, бир одам йиқилиб ётганини кўргач, дарҳол унга ёрдамга шошилганини билдирган. Ягона бу гувоҳ турар жойини яшириб, ёлгон адрес берибди. Энди уни топиш керак...

Бунинг устига Дулдуловнинг ўлиmidан бошқармадагилар ташвишда. Прокурор қотилнинг тезроқ топилишини талаб этипти. Туман изқуварлари ҳаракатга тушишди. Ишнинг нечоғли жиддийлигини тушунайсизми?..

— Қотилликка балки Зарба билан Геркулес ўртасидаги жанжал сабаб бўлгандир? — дея фикр билдирди капитан Тўлаганов. — Кейин иккаласидан бири аламига чидай олмай, Дулдуловдан ўч олган бўлсачи?

— Эҳтимол, — деди подполковник, хиёл ўйга толгач, сўнг давом этди, — фикрингизда жон борга ўхшайди, капитан. Буни аниқлаш керак. Балки қотиллик улардан бирининг ишидир. Дарвоқе, Қорахондан бирор дарак борми?

— Уйи назорат қилиняпти, — хомуш жавоб қилди Тўлаганов. — Аммо у туллак қорасини ҳам кўрсатмаяпти.

— Кузатув давом эттирилсин! — деди бошлиқ кескин. — Яна унинг қаерда бўлиш эҳтимоли бор, аниқлансин!

— Менимча, Зарбани мумкин қадар тезроқ қўлга олиш керак! — деди қатъий оҳангда капитан. — Дулдулов охирги лаҳзада Зарбанинг номини тилга олган. Демак, унинг ўлимида Зарбанинг қўли бор. Энди у қасд олишга ўтган.

— Зарбани қотилликда айблаш учун бизда ҳозирча етарли асос йўқ! — деди бошлиқ зарда билан. — Хотини эрталаб эридан хабар олишга кирса, Дулдулов жон талвасасида бўлган. У хотинига зўрға «Гер-гер, Зарба!» дея олган холос. Қотил ўзидан бирор из, белги қолдирмаган. Хона ичи ағдар-тўнтар, ҳаммаёқ титкиланган. Бундай ҳолда Зарбани қотилликда айблаш осонми? Ундан кўра айтинг-чи, унинг қўлдан чиқариб юборилганини қандай тушуниш мумкин? Бу масъулиятсизлик учун бизни кечиришармикин? Касалхонада қўриқчиликда турган сержант эса хатосини тан олгиси келмаяпти. Нима бўлганини ўзим ҳам билмай қолдим. Боладаги аллақандай сеҳрли куч мени бир зумда ухлатди қўйди, деб баҳона қиляпти. Сержант рост гапираяптими, ишониш қийин.

— Уни шериги турта-турта зўрға ҳушига келтир-

ган-ку, — деди изқуварлардан бири. — Балки сержантнинг кўрсатмаларида жон бордир?

— Бундан чиқди, демак, зеб-зийнат дўқонидаги сотувчи аёл ҳам ухлатиб қўйилган экан-да, — деди капитан Тўлаганов таажжубланиб. — Ахир у дўқонга ҳам сержант қиёфасини таърифлаб берган йигитча биринчи бўлиб кирган-ку. Бу ишларда қандайдир сир бордай. Балки ўша йигитчада кишини гипноз қила олишлик қобилияти бордир?

— Энди шу тилсимот етмай турувди, ўзи? — афти баттар тундлашиб, тўнғиллади бошлиқ. — Эҳтимол, чиндан ҳам болада одамни сеҳрлай олиш хислати бордир. Зарба тўдаси бундан устомонлик билан фойдаланаётгандир. Мабодо шундай бўлса, сержантни зудлик билан мутахассис врач кўригидан ўтказиш зарур. Агар капитаннинг тахмини тўғри бўлиб чиқса, билингки, масала жуда жиддий. Изчил ҳаракат қилишимиз керак бўлади. Хуш, бу ҳақда сиз нима дейсиз, ўртоқ Маликов?

Зарбанинг жароҳати туфайли касалхонага ётқизилгани юзасидан ўз хулосасини баён этиш учун кенгашга таклиф этилган суд тиббиёт текшируви дўхтири Маликов ўта тортинчоқ, индамас киши эди.

— Таассуфки, мен бу соҳада мутахассис эмасман. Лекин манбаларга таяниб, гипноз ҳақида шуларни айта оламанки, — дея у ҳовлиқмасдан ўз фикрини баён этишга киришди. — Яъни гипноз жузъий, сунъий уйқу. У уч босқичдан иборат: биринчи босқичда одам аъзойи бадани ва қовсқлари оғир тортаётгандай ҳис қилади, аммо атрофида рўй бераётган ҳодисалардан хабардор бўлади. Гипноз қилувчининг сўзларини аниқ эшитиб туради, унинг айтганини бажо келтиради. Иккинчи босқичда мудроқ босади. Одам ҳар бир сўзни эшитади, атрофда нима бўлаётганини сезиб туради, аммо ҳаракат қила олмайди. Учинчи босқичда эса одам қаттиқ уйқуда бўлади. Ташқи оламни шунингдек, организмдаги таассуротларни сезолмайди, фақат гипнозчи билан алоқада бўлади, унинг айтганларини сўзсиз бажаради. Уйғонгач, ҳеч нарсани эслай олмайди. Афтидан, сизлар айтаётган кишиларнинг бехосдан ухлаб қолгани боиси гипнознинг сўнгги босқичига мос келади.

— Наҳотки, ўша боланинг қўлидан шундай иш келса, — деди шубҳаланиб бошлиқ. Ҳеч ақлимга сиздира олмаяпман.

— Ишонинг, яна шундай гипнозчилар ҳам борки, — ўз гапида давом этди врач. — Сўзсиз таъсир кучини йўналтириш орқали узоқ масофадан туриб ҳам кишини бемалол ухлата олади. Девор ортидан туриб одамни гипноз билан йиқитиши, кишининг ички аъзоларини рентгенсиз кўриши, ўтирган жойида кўзларини юмиб, ўзга ердаги воқеа-ҳодисаларни кўра олиши мумкин бўлган экстрасенслар ҳақида маълумотлар бор.

— Тўғри, улар тўғрисида мен ҳам эшитганман, — деди подполковник таажжубли қиёфада. — Ҳатто Москва олимпиадасида биттаси ёмғирни тўхтатиб берганидан ҳам хабарим бор. Лекин кўзи билан кўрмагач, ишонмайди-да одам.

— Ҳаётда шу хил ғайри оддий, ноёб қобилиятли кишилар кўп, — деди дўхтир.

— Менимча врачлардан бошқа кишиларнинг гипноз қилиши ман этилган, — деди Тўлаганов.

— Балли, билар экансиз, — унинг гапини маъқулади Маликов.

— Врачлар учун ҳам беморларни даволашдан бўлак мақсадда гипноз қилиш қонун билан тақиқланади.

— Демак, биз тахмин қилаётган болада ҳам шундай қобилият бўлиши мумкин, — деди Султонов.

— Ажаб эмас... — деди Маликов ва гипноз қилиш, унинг таъсири ҳақида яна қатор далиллар айтди.

Подполковник инсон танасида мужассам бўлган сиру-синоатнинг беҳадлигига, ҳали унинг кўздан-кўп қирралари тўла кашф этилмаганига энди бир қадар ишонди. У ўғрилар гуруҳидаги сеҳргар йигитчани тезроқ топиш жуда муҳимлигини тушунди.

Эски шаҳардаги истироҳат бовидан кун оғиш томонга юз одимча юрилгач, Чашма Аюб мақбараси ва унинг ортида асрлар бўйи қад ростлаб турган кўҳна қалъа қолдиқларию, Талипоч дарвозасига дуч келинади. Қалъанинг шундоққина этагида янги «Дехқон бозори» жойлашган. Ундан ўтилгач, катта асфальт йўл бошланади. Йўлнинг нариги томонида Талижа қишлоғи мавжуд. Қишлоқ ўртасида чокқина йўл ўтган. Сўл томонда сатҳи кенгу мўл майдонда Чортуғ қаб-

ристонни ястаниб ётибди. Унинг у ер, бу ерини қамишу, юлғун қоплаган. Катта кичик ярим хароба сағаналар дўппайиб турибди. Хонадонлар эса қабристонга кунгай тарафдан туташ.

Зарба ана шу уйлардан бирида тул бир аёлникида яшади. Хилват гўша хавф-хатардан холи. Бу ердан қочиш ҳам, қийин эмас. Унинг бир ёнида қабристон, қабристоннинг деярли чор атрофи баланд-пастқам уйлар, боғ-роғлар билан қуршалган. Бир ёни гавжум бозор. Истироҳат боғига кириб, шўнғиб кетилса борми, изни осонликча топиб бўлмайди. Дарахтзор, боғнинг хоҳлаган тарафидан чиқиб, эски шаҳарнинг тортанқис жин кўчалари орқали чап бериб қочиш қолиш мумкин. Зарба ишини билиб қилади, қочиш унга писанд эмас. Аммо у ўз-ўзидан қочиб қутулолмайди. Виждони доимо азобда.

Жасур у билан бирга. Улар жуда иноқ. Узун тунлар узоқ-узоқ гурунг қилишади.

Айни чоқда гурунгларининг мавзуи, яъни келгусидаги амалга оширилажак режалари-ю ишлари ҳақида бўлади.

— Рост, Содик ака, сизни учратмаганимда, — деди Жасур тўлқинланиб, — Геркулеснинг айтганларини қилиб юраверар эдим. Ким билади, ҳозиргача қанчадан-қанча ўғирликларига шерик бўлармидим?

— Ҳа, шундай бўлиши аниқ эди, — деди Содик суянчиқли диван-каравотга ястаниб. — Геркулес сендек дастёрни қўлдан чиқариб юборганидан алам ўтида қоврилаётган бўлса керак?.. Тиш қайраб юргани аниқ. Вақти келиб у сени яна ўзига қайта тобе эттиришга умидвордир ҳам...

— Тушини сувга айтсин.

Ўзингиз айтган эдингиз-ку, кўр ҳассасини бир марта йўқотади», деб, — Геркулес менга ёмон ишларга аралаштирмайман, деб айтган эди. Аввалига унинг гапига ишониб юрдим. Геркулеснинг барча қилмишлари ёвузликдан иборат экан. Энди ўлсам ҳам у танлаган йўлдан юрмайман.

— Сенинг яхши ёмонни, ҳақ билан ноҳақликни фарқлай олишингдан хурсандман, — деди жилмайиб Содик. — Ҳали иккаламиз анча-мунча хайрли ишларни қойиллатамиз.

— Розиман! — деди Кичкина бош силкиганча мам-нунлик билан — фақат, илтимос, энди мени ҳали ёшсан, пишарсан, бу шаштингдан тушарсан, деб бошқа кам-ситманг?..

— Келишдик.

Кунларнинг бирида Жасур:

— Ҳовлимизни, онамни соғиндим, — деди хомуш. — Ўқишим ҳам бор эди?

— Билсанг, мен ҳам жон-жон дея сени меҳрибон онанг бағрига тезроқ қайтишинг тарафдориман. На илож, бир оз сабр қилишингга тўғри келади, — далда берди Содиқ. — Ҳозир қишлоғингга қайтсанг, «эски ошнанг» Геркулес чангалига тушмасдан қолмайсан. Энди у муттаҳам сен билан пачакилашиб ўтирмайди. Гапнинг рости сендан хавотирдаман.»

— Биламан. Геркулес мени қидираётганини кўнглим сезиб турибди, — деди Жасур руҳи тушиб. — То у аблаҳ қўлга тушмагунча менга тинчлик йўқ. Майлими, эртага анави дўхтир ошнангизникига борсам? Мен тенги ўғли ажойиб экан, алақачон дўстлашиб олдик.

«Дўст тутингани яхши, — дея кўнглидан кечирди Зарба. — Оғайнимнинг болалари жуда одобли. Ўзи ҳам ажойиб инсон. Иккимиз бир партада ўтириб ўқиганмиз. Эндиликда у ким-у, мен ким... Шундай ҳолда ҳам мени қучоқ очиб кутиб олади. Зарур бўлганда кўлидан келгунча ёрдам беришга тайёр. Дўст дегани шунчалик бўларда, ахир. Энг асосийси, у садоқатли дўст. Дарвоқе, у дўхтир-ку. Жасурда ноёб қобилият борлигини унга билдирсаммикан? Бу ноёб истеъдод қанчалик тез юзага чиқса, шунчалик яхши эмасми? Ҳозирча сабр қилиб турай-чи, бола хавф-хатардан батамом холи бўлсин, кейин... Менинг бундан кейинги ҳаётим ўзимга аён. Лекин Жасурнинг ҳаёти тамоман бошқача кечмоғи керак».

— Ҳа, нега хомуш ўйлаб қолдингиз? сўради Жасур ғалати жилмайиб. — Сукут сақлашингиз розилик аломатими, ё?

— Жа топқирсан-да, лекин шартни унутмагин! — деб таъкидлади Содиқ. — Ижозатимсиз бирор ёққа бормаёсан.

Шундан кейин Зарба Жасурга хушёрлик билан



шаҳарга тушишини. Қарчиғайга қўнғироқ қилиб, қайтишда эса сигарет олиб келишни тайинлади.

Кичкина ғала-говурли, сершовқин «Деҳқон бозори»дан ўтиб, эски шаҳар маркази томон йўналганди, ортидан «Кичкина, тўхта!» деган таниш овоз эшитилди. У ортига чаққон ўтирилиб қаради. Геркулеснинг югурдаги Ринат ғилдирак, бозор томондан унга қараб югуриб келарди. Қўлида қоғоз халта тўла нарса. — «Изимдан тушишган экан-да, тозилар, дея кўнглидан ўтказди Кичкина. — Қочсаммикан? Чалғита олармиканман? Йўқ, фойдасиз. У ёлғиз эмасдир? Ишқилиб Зарба турган жойни билишмаган бўлсин-да».

Ринат у билан узоқ дийдор кўришмаган эски қадрдонлардек сўрашди. У бозорга харид қилгани тушганини, ногоҳ кўзи тушиб таниб қолганини айтгач, Кичкинанинг аҳволини суриштирди.

Жасур зумда унинг фикрини ўқиб, мақсадини англаб олгач, ўзини хийла тетик, бардам ҳис этди.

— Кўрқма, — деди Ринат ҳовлиқма оҳангда. — Мендан хавфсирамасанг ҳам бўлади. Сени учратганимни шефга билдирмайман. Яхшиликларингни унутганим йўқ. Ростини айтсам, мен ҳам унинг чангалидан қутулиш йўлини тополмай юрибман.

— Ҳа, бу осон эмас, — деди Кичкина Ринатнинг гапларига ишонинқирамай.

— Нима, бирор ерга шошиляпсанми? — сўради Ринат Кичкинанинг безовта бўлаётганини сезиб.

— Йўқ, — деди у ва ёлғонга кўчди. — Дорихонадан малҳам олмоқчи эдим.

— Унчалик қисталанг эмас экан-ку ишинг, — деди Ринат бамайлихотир. — Юр, сал чеккароққа чиқиб, бир оз гурунглашайлик.

Иккиси рўпарасидаги бино ортига ўтишди.

— Айтганим билан барибир ишонмайсан, — дея яна бидиллай кетди Ринат. — Сен вақтида Зарба томонга ўтиб тўғри иш қилдинг. Биласанми, бир талай ғалати ишлардан хабарсиз қолдинг-да. Шеф шу кунларда вазабини кимга сочишни билмай, хуноби ошиб юрибди. Зарбадан юрак олдириб, безилаб қолган. Икки олишувда ҳам ундан енгилгани қаттиқ алам қилаётган бўлса керак. Эшитишимча, рақиб «тўр»га илинган экан, яна қочиб кетибди. Шеф қўрқиб юрибди. Кеча-

лари алахсираб чиққармиш. Тўртта югурдак унига шахсий қуриқчи, Шефнинг бунақа ваҳимага тушишини биринчи сезишим. Яна устига-устак омади юришмай, иши чапасидан келаётганидан ҳам кўнгли ғаш. Фиждувон шахрида бир келишган ойимчаси бор эди. У ҳам шефнинг анча-мунча пулини ўмариб, қаёққадир юйиб бўлибди. Геркулес ойимчасининг қаёққа кишт<sup>1</sup> бўлганини билолмай хуноб. Бунинг устига тунов кечаси бир уйни ўмаришди. Шефнинг усулини биласан, уй эгасини аямай азоблабди. Аслида мақсади уни ўлдириш эмас, балки ўласи қилиб дўппослаш эди. Буни қарагинки, у одам хаста экан. Қийноққа чидай олмай ўлиб қолибди. Айтишларича, собиқ хитлардан, илгари бошлиқ бўлган экан. Шеф ҳозир кўрқувдан қайси бир қавақда писиб ётибди, очиги билмайман. Буйруғини Сангин писмиқ орқали юргизяпти. Сангин билса керак унинг қаердалигини. Ана шунақа гаплар, оғайнижон.

— Шунча ишлар бўлиб ўтди денг-а? — деди ҳайрати бир қадар ошиб Кичкина. — Кўрсичқондек бекиниб юргач, кўп нарсадан хабарсиз, худди қулоқбурни кесилгандек бўлиб қоларкан кишининг.

— Биласанми, сени бу ердан бутунлай кетганга чиқариб юрибмиз, — деди Ринат шоша-пиша. — Геркулес кўп ахтарди сени... Ҳатто қишлоғингдаги уйингга ҳам тўрт-беш бордик. Қисқаси, сени суриштирмаган еримиз қолмади. Ҳар дафъа сенинг дарагингни тополмай қайтганимизда, атаман бизни шунақанги уришиб ҳақорат қилардики, бир қават пўст ташлагандек бўлардик.

— Нима истайди у мендан? — сўради Кичкина ҳайратланган бўлиб.

— Рости, сабабини айтмади бизга, — деди Ринат. — Балки, қасд олиш ниятидадир. Шеф яна бир сафар айтдики, у кўпдан бери ўйлаб юрган ишни фақат сенига удалай олишинг мумкин экан. Тўғриси, у яна сенинг ёрдамингда югурдаклардан бирининг гапини ростми, ёлғонлигини, мақсади нимадан иборат эканини билиб олмоқчи. У аждаҳога дуч келмай, кўздан узоқроқда юрганинг дуруст.

---

<sup>1</sup> Кетиш.

— Тушунолмаяпман, — деди Кичкина атайин. — Геркулес кимни назарда тутаетибди? Мабодо Қарчи-вайни эмасми? У орани очиқ қилган-ку.

— Менимча, у эмас, — деди Ринат ва остки лабини бир зум қимтиб тургач, давом этди. — Югурдакни у аллақачон банди эттан. Бечора қийноқларга чидаб, ниманидир шефдан қаттиқ сир тутяпти. Атаман шу сирдан сени хабардор, деб билса керак. Шу боис, сени қидиряпти, чамамда.

Ринат «гаражимда тутқунда турган Бешимнинг ночор аҳволдалигини айтсаммикан? Чақиб қўймасмикан? Каллада қандай сир бўлиши мумкин? Бечора бўйнигача зах ерда кўмилиб, азобда ётибди. Ўлдим-ўлдимга қиттак нон, сув бердиртиради. Қийноқдан ўлиб қолмаса эди? Геркулес пайти келиб, шундай даҳшатли жазони менга ҳам насиб кўрмаса эди», деб ўйларди.

Жасур Ринатнинг фикрини дарров уқиб олди.

— Ҳа, шефинг ҳеч кимга яхшиликни раво кўрмайди, — деди у ишонч билан. — Унинг қаҳри-ғазабига дучор бўлмаган югурдак кам учрайди.

— Хўп, майли, соғ бўлинг, энди мен борай.

— Омадингги берсин, Кичкина! — дея кўнгли чўкиб хайр-хушлашди Ринат. — Бил, ўғил бола гап, сен мени кўрмадинг, мен сени...

Зарба Жасур билан таксига тушиб, Ринат яшаётган маҳаллага борди. Унинг уйи қаердалигини Кичкина биларди. Ҳовлиси Шергирон дарвозаси этагидаги маҳалланинг чеккасида эди. Ринатнинг ота-онаси ажраб кетган. У хувиллаб ётган хонадонда бувиси билан турар, бувисининг Қозон шаҳридаги қариндошлариникига кетганига бир ҳафтача бўлган эди.

Ринат уйда йўқ экан. Улар деворга тираб қўйилган лом билан эшик қулфини синдириб, ичкарига киришди. Пишиқ яштан ростланган бу гражни Ринатнинг отаси машина олиш ниятида тиклаган эди. Лекин оила дарз кетгач, унга машинали бўлиш насиб этмади.

Ринат ҳайдовчилик курсини тугатгач, бебошлик кўчасига кирди. Ўғирлик билан топган маблағига эса тез орада «жигули»лик бўлди. Геркулес хизматида юрибди. Машинаси устахонада, бўяш учун топширилган.

Гараж бўм-бўш. Чироқни ёқишгач, улар даҳшатдан сесканиб кетишди. Қазилиб кўмилган ўрасимон хандақ ўртасида бир катта калла турар, тўзғиган сочлар қумга беланган, калладаги нурсиз бир жуфт кўз гоҳ ним очилиб, гоҳ юмилар, лаблар гезарган, оғиз эса ланг очиқ эди.

Зарба таниди. Қабристондаги олишувда бўлган йўғон жуссали башара. У дарҳол чеккароқда турган пақирдаги сувдан ҳовучини тўлатиб олди-да, уни каллага сеңди. Энди оғиз аранг тамшана бошлади. Кичкина ҳовлиқиб, атрофга аланглар, қандай ёрдам беришни билмасди. Ниҳоят, у бурчақдаги қути устига тўнтариб қўйилган пиёлани олди, уни шоша-пиша сувга тўлатиб, Зарбага узатди.

Бешим лабига тутқазилган пиёладаги сувни ютоқиб-ютоқиб симиргач, хиёл ўзига келди. Яна «сув, сув», дея тамшанди. Тагин сув ичиришди.

— Бу азобдан қутқаринглар, мени! — деди ниҳоят зўрға гулдираб.

— Зап калла урадиган жойга жойлашиб олибсанку, а ошна, — деди Зарба кесатиқ оҳангда ва сал нарида тупроққа суқиб қўйилган белкуракни олиб, чаққон ишга киришди. Тезда Бешимни кўмилган еридан ковлаб олишди. У ярим яланғоч ҳолда кўмилганди. Кийимлари эса гараж деворидаги илгақда осиялиқ турарди. Уни апил-тапил кийинтиришди.

— Икки кундан бери қийноқ азобини тортаяпман. Лекин барибир билиб олишолмади, — деди у телбанамо кўйда увишган оёқларини тинимсиз уқалаётиб.

— Нимани? — деди Зарба ва унга қараб. — Ўша лаънати нарса шундай хўрлик, қийноққа арзийдимми?

— Арзийди, арзийди, — деди у.

— Аллақачон яширган жойингизни топишган бўлишса-чи? — деди Кичкина.

— Йўқ, топиб бўпти, бу мумкин эмас, — деди қатъий Бешим калла ва бирпас жимиб қолди. — «Геркулеснинг одатини биламан. Искович итдан ҳам сезгир», — кўнглидан кечирди у. — «Ер остида илон ғимирласа» билади. Балки Кичкина айтганидек... Йўғуз, бу осон иш эмас. Молни бекитган еримни Геркулес тугул, шайтон ҳам билмайди. У жой ёлғиз ўзимга аён», ўйлади у комил ишонч билан.

Кичкина Зарбага маъноли қараб олди.

— Шошилиш керак. Шефнингнинг шотирлари келиб қолишмасдан жўнаб қолайлик. — деди Зарба. — «Ов»нинг ўзингга буюрсин, ошна. Яхшиси, ширин жонингни ўйла. Аҳволингга маймунлар йиғлаб турибдию, сен бўлсанг «ов» дейсан-а? Айт-чи, қаерга олиб борайлик сени?

— Кич-кичкина биледи, — чайналиб гулдиреди у ва яна фикридан қайтдими, — йўлда айтаман, ўзим кўрсатаман, — деди-ю, азбаройи ҳолсизланганидан ҳушидан кетди.

Кичкина дарров Зарбанинг қулоғига шивирлаб, Бешимнинг жонидан ҳам афзал кўраётган «ов»и нима эканини, у бу «ов»ини қаерга бекитиб қўйганини айтди.

Зарба Кичкина кўмагида Бешимни елкасига ортди. Жасур бориб дарвозани очди. Ташқарига чиқишди. Жасур, ёт назар тушмаяптими, деган ўйга бориб, атрофга бирров олазарақ қараб олгач, дарҳол дарвозани бекитди. Рўпарадан келаётган енгил машинани тўхта-тишди.

— Бетоб эканми, йўлда йиқилиб қолибди бечора, — деди Зарба ҳайдовчига. — Илтимос, тезроқ касалхонага обборайлик.

Машина эгаси раҳмдил, кўнгилчан одам экан. У дарҳол тушиб, Бешимни орқа ўриндиққа жойлашга кўмаклашди. Кейин:

— Бирингиз юринг бирга, — деди. Жасур вазиятни тушуниб, Зарбага юзланди.

— Мен борақолай, ака? — деб жавобни кутмаёқ, олдинги ўриндиққа ўтириб олди.

— Қайтгач, мени маконда кут! — тайинлади Зарба.

Жасур ойнаси ним туширилган машина эшигидан бошини чиқариб:

— Бўпти, — дегандек калласини ирғади.

Геркулес ҳозир қайси бир хилват гўшада биқиниб ётибди? Содиқ буни тезроқ билишни истарди. «Ринат филдирак шефи қўноқ бўлиб турган кулбанинг қаердалигидан албатта хабардор, — хаёлидан кечирди у. — Акс ҳолда у югурдак бандисини уникида тутқунликда сақламасди. Филдирак қаерда бўлмасин, уйига қайтмасдан иложи йўқ. Банди шеригининг ҳолидан хабар

олиб туриши шубҳасиз, унинг зиммасига юклатилган, яхшиси уни кутаман.»

Содиқнинг бу фикри ўзига жуда маъқул бўлди. У бир сакрашдаёқ девордан ошиб, бояги ҳовлига тушди. Ўзини уй панасига олиб, Ринатни сабрсизлик билан кута бошлади. Чамаси, орадан чорак соат ўтар-ўтмас, дарвоза очилди. Ринатнинг бир ўзи. У ҳуштак чалиб, бир куйни ўзича хиргойи қилиб бошини тебратар, кўнгли чоғ эди.

У ичкари кириб, ечинишга энди чоғланган эди, туйқус орқа томондан икки забардаст қўл унинг томоғидан бамисоли сиртмоқдек гиппа бўғиб олди. Ринат ногоҳ йўлиққан бу хатарли сиртмоқдан қутулмоққа чоғланди. Кучаниб, калласини олд томонга эгмоқчи бўлди, лекин бунинг уддасидан чиқолмади. Қўллар имкон бермади. Унинг энди нафаси бўғзига тиқилиб, калласи борган сари орқага қайрила бошлади. Кучли бармоқлар Ринатнинг бўйнига янада қаттиқроқ ботди. У азбаройи бўғилганидан буткул нафас ололмай, бир лаҳзада бўғизланаётган молдек хириллаб, жон талвасасига тушди. Ринат шуни аниқ ҳис этдики, гарданидаги қўллар бир зарб билан уни ер парчин қилиб қўйишга қодир. Бу чангалдан осонликча қутула олиш амримаҳол. Ҳарчанд уриниб, чираниб, қаршилиқ кўрсатмасин, барибир бефойда.

Янглишмаганди. Мана, у бўғилаётиб, елкасидан гўё тоғ босгандек тиззалари аста-секин эгилиб, чўккалаб қолди. Ҳаво етмай жони тамоман бўғзига тиқилаёзди. Кўкиштоб кўзлари ола-кула бўлиб, хириллаганча зўр-базўр кучаниб нафас ола бошлади. Хайрият, сиртмоқ бармоқлар ҳарқалай бироз бўшашди. У ютоқа-ютоқа нафас олди.

— Яшашни истайсанми? — деган хитобдан қулоқлари жаранглаб кетди. Лаблари пир-пир учиб «ҳа, ҳа» демоқчи бўлди-ю, аммо ҳолсизланганиданми ёки ҳали буткул ўзига келолмаганиданми, ногаҳоний кўрқувнинг таъсириданми, тили дудуқланиб калмага келмай қолди. Содиқ қути ўчиб, докадек оқарган Ринатни сургалаб, даҳлиз бурчагига суянтирди. Ринат энди иягига пичоқ тиралиб турганини кўргач, баттар кўрқиб, кўзлари қинидан чиқаёзди.

— Қани, жавоб бер! Геркулес қаерда? — қисталанга олди Содик.

— Билмайман унақа одамни.

— Биласан, агар унинг қаердалигини айтмасанг, ўзингдан кўр, аяб ўтирмайман, — деди таҳдид билан Содик. — Хўш, шефинг қайси ковақда ётибди.

— Бекорга уволимга қоласиз. Ме-мен, — деди Ринат базўр чайналиб, — унинг қаердалигини ўлайки, билмайман. Фақ-фақат телефон орқали гаплашамиз. Телефон ном-номери...

— Геркулес бу ерга қайси пайтда келади?

— У келмайди, бошқаси келади.

— Қачон?..

— Ўзлари хоҳлаган пайтда келишади, дарвозанинг калити бор уларда.

Даҳлиздаги илғақда анча-мунча униққан узун чилвир осиглиқ турарди. Содик шу чилвир билан Ринатнинг қўл-оёғини бир зумда тушовлаб қўйди.

— Бу нима қилганингиз? Мен сизга ёмонлик қилмаганманку? — деди Ринат.

— Хўп, яхшиликча айт-чи, Бешим каллани нима учун қийнапти? — Сабабини билса-да, атай сўради Содик.

— Уни ўзидан сўраб билинг, менга айтармиди, — деди-ю, бирдан лабини қимтиганча ўйлаб қолди. «Қаёқдан билишдйкин Бешимнинг гараждалигини? Кейин у безовталаниб:

— Нима, Каллани бўшатиб юбордингизми?

— Ҳа.

Ринатнинг баттар қути учди.

— Геркулес энди менинг теримни шилади, — деди у ҳадик билан. — Шундоқ ҳам унинг қаҳри зуғумларидан қутулолмай, безиллаб юрибман. Эй худо, қачон халос бўларканман бундай кунлардан!

— То келиб терингни шилгунча уни кута турасан! Бу ерда менинг бўлганим ҳақида миқ этиб оғиз оча кўрма!

Геркулес «Зеб-зийнат» дўконидан ўғирланган молнинг бир қисмини асраш учун Бешимга ишониб топширган эди. Ўғирлик излари кўмилгач, молларни Бешимнинг бир чайқовчи таниши орқали пулга уриб беришини буюрганди. Таниши бирдан ғойиб бўлиб қол-

ди. Бешим: «Шеф, моллар унда эди, алдаб қуён бўлибди, мочағар», деган эди. Геркулес тутақиб: «Тфу, латта-чайнар, фирром!», деб сўкинди. Бешимнинг гапига ишонмай, унга қандай бўлмасин омонатни қайтариш шартини қўйди. Бешим унайвермағач, қийноққа солинганди.

Содиқ пойафзал фабрикаси ёнидаги алоқа бўлимига кириб, телефонлар рўяхати китобчасини сўраб олди. Унинг охирги бетларини варақлаб, ўзига керакли рақамни топди. Рақам ортида қайд этилган жойни билиб олди. Кўчага чиққач, рўпарадаги телефон будкасига кирди ва «02» рақамини терди.

Содиқ Қарчиғай билан шартлашилган ерда учрашди. Асл мақсадини унга ётиғи билан баён этди. Рақибини бу гал ҳам қўлдан чиқазиб юборса, алами баттар ошишини айтди.

— Геркулес албатта, ёлғиз бўлмайди. У ҳимоячисиз юрмас экан, деб эшитдим. Эплай олармикинмиз? — эътироз билдирди Қарчиғай.

— Кўрдинг-ку, у бутун шайкаси билан бир ўзимга бас келолмади, — деди ғурурланиб Зарба. — Аммо хатар ҳам йўқ эмас. Сени мажбур этмайман, ихтиёр ўзингда.

— Гап хавф-хатарда эмас, жойи нозик, — деди сал ўйланиб, Қарчиғай, — Бехудага нобуд бўлиш ҳечгапмас.

— Начора, ўзга илож йўқ. — Менга қолса алақачон хабар қилиб, тутдириб берардим уни. Ниятим, у турқи совуқнинг жонига қасд қилиш ҳам эмас, шунчаки, хумордан чиққунча дўппослаб, аламимни олмоқчиман.

— У туллак фирромлик қилиб яна қуроли ишлатса-чи? — деди Қарчиғай. — Бил, у сира сен билан якка-якка олишувга чиқмайди.

— Биламан. Нима бўлса, пешонамдан кўраман, — деди қатъий Зарба. — Орган уни «тўрга» илинтирмасдан тавбасига таянтриб, аламимни олиб қолмоқчиман...

— Хўп, хўп, — рози бўлди Қарчиғай. — Дўстининг юзидан ўтолмай.

Тун қуюқ эди, улар манзилни осон топдилар. Содиқ фишгин уй олдигаги улкан қайрағочга чиқди. Да-



рахтнинг уй устига эгилиб турган танасидан томга ўтди. Кетидан Қарчиғай. Улар бирин-кетин ҳовлига тушишди. Мушукдек писиб, атрофни кузатишди. Тўрдаги хонада чироқ ёнди. Дераза пардалари туширилган. Геркулес, Сангин яна Довул лақабли ўғри, Зокир думалоқ стол теварагида карта ўйнаб ўтиришарди. Кайфлари чов, юзлари хийла бўғриққан. Афтидан улар ширакайф эдилар. Айниқса, Геркулес хотиржам парвойи палак ўтирарди. У бу ерга келишидан олдин Когондаги ойимчасиникида бўлди. Маъшуқаси Зарифа ўттиз ёшлардаги кўзга яқин тикмачоқдай жувон. У шаҳарга кираверишда, йўл ёқасидаги тўрт қаватли уйлاردан бирида ёлғиз яшарди. Мактабда номига фаррош бўлиб ишларди. Аслида эса чайқовчилик билан шуғулланарди. Геркулес бу ерга тез-тез келиб турарди. Зарифа унинг кўнглини олган, ишончини қозонганди. Геркулес икки бор уйланди. Аммо хотиндан ёлчимади. Сабаби ўртада зурриёд бўлмади. Айб ўзида экан. Бепуштлигининг сабабини бангиликдан деб, билди. Биринчи хотинидан ўзи ажралди. Кейингиси ўзидан анча ёш, кўҳликкина жувон эди. У ҳам сабр-тоқат билан уч йилча бирга яшади. Билдики, эридан фарзанд кўролмай, ёруғ оламдан армонда ўтиб кетади. Шу боис, рўзвор яна бузилди. Геркулес зурриёдсиз яшаётганидан кўнгли ўксик, армонда эди.

Бу гал ҳам Зарифа уни илиқ кутиб олди.

— Ҳой, жонидан, бормисиз ўзи бу оламда? — деб ноз-истиғно қилди. — Бунчалик камнамо бўлиб кетдингиз? Ҳоли не кечди бунинг деб, ҳам ўйламайсиз-а?

— Вақтим бўлмади. Иш кўп. Хўш, дўндиғим, ишларинг қалай?

— Жойида.

— Мен берган нарсаларни пулга уриб бўлдингми? — сўради Геркулес.

— Аллақачон, жуда харидоргир экан.

Геркулес «Зеб-зийнат» дўконидан қўлга киритган узуг-у, балдоқлардан бир қисмини енг учиде пуллаб беришни жононига топширганди. У ишончини оқлади. Геркулес чўнтаги тўла пул билан изига қайтди.

Улар хонага кўққисдан бостириб кирган важоҳатли икки кимсани кўриб, ўзларини йўқотиб қўйишди.

— Қимирламаларинг жойларингдан! — хитоб қилди тўппонча ўқталган Қарчиғай. — Агарда қайси биринг қимир этсанг, пешонангдан дарча очаман!

— Қўлларингни елкаларингга қўйларинг! — деди ўшқириб Содиқ ҳам қўлидаги пичоқни ўқталганча. — Тез-тез!

Улар истар-истамас таҳдидли буйруқни бажаришди. Қимир этишса, гумбурлаб ўқ узилишидан чўчиб, ҳатто қилт этмасдан юраklarини ҳовучлаб ўтиришарди.

Содиқ эҳтиёткорлик билан олдин Сангиннинг устбошини пайпаслаб кўрди. Сўнг Зокирнинг. Биридан пичоқ чиқди. Гал Геркулесга келди. Ундан ҳеч нарса топилмади.

— Тўшак, болиш остини кўринг, — деди Геркулеснинг тунлари қуролини қаерда асраш одатини билган Қарчиғай. Содиқ ортига тисарилиб, каравотдаги тўшакни ағадариб ташлади. Чиндан ҳам парестик остидан тўппонча чиқди. Зарба уни олиб Қарчиғайга узатди.

Геркулес айна чоқда Содиқ билан ҳазиллашиб бўлмаслигини, ҳар қандай ножўя хатти-ҳаракати беҳуда кетишини англади. У хўмрайганча қонталаш кўзларини ағрайтириб жим тураверди.

Содиқ орқа томондан Сангиннинг гарданига ўхшатиб бир зарб туширганди, у суянчиқли курсидан шилқ этиб полга қулади.

— Ке-кечирасиз, нима гап? — деди фўлдираб, ботиқ кўзлари аланг-жаланглаганча ширакайф Зокир. — Кимсизлар ўзи?

— Овозингни ўчир-э, мараз! — дўқ урди вазаби жунбушга келган Содиқ.

Зокир тилини тишлаганча жим қотди.

— Кўрқма, бу қутурган айиқнинг сенда иши йўқ! — гудранди бирдан тилга кириб Геркулес, сўнг Содиққа бефарқ боқиб: — Бунга ёлғиз мен керакман. — Ҳид олишда мендан ҳам уста экансан, хеш! Ахийри топибсан-да, Майли, қўлингдан келганини қил. Бу ўйинда мен ютқаздим. Лекин айтиб қўяй, бир пайтлар нима қилган бўлсам мени мажбур қилишган, жазодан кўрққач, Дулдуловнинг ноғорасига ўйнаганман. Қилмишлари учун виждони қийналмаяпти, деб ўйлай-

санми мени? Йўқ, янглишасан. Начора, гишт қолипдан аллақачон кўчган. Билиб қўй, Зарба! Сендан кечирим сўрамайман. Чунки бунга арзимамайман. Айниқса, сенга ва бошқа не-не бегуноҳ кишиларга қилган тубан, қабиҳ қилмишларимни бандаси тугул, парвардигорнинг ўзи ҳам кечирмаса керак!

Югурдаklarим билан озмунча бузгунчилик қилдимми? Мен уюштириб, амалга оширган қанчадан-қанча ўғирликлару, талончиликларни аниқлаб, бўйнимга қўйиш осон кўчмас. Демокчиманки, исботлашнинг ўзи бўлмайди. Сувдан қуруқ чиқа оламан. Ҳеч бўлмаган тақдирда бирорга югурдагим ўтириб қайтади. Дулдолов жазосини олди.

Аттанг, собиқ терговчи Шайдоевни тополмаганим чакки бўлди, югурдаklar ахтаришяпти. Қораловчи Ибод Порсоевни ҳам тиз чўктириб, бурнини ерга ишқалашим керак эди. Афсус бўлмади. Имкон берсанг, буни ҳам қилардим.

Тўғриси яйтсам Содиқ, сендан умуман қасд олиш ниятим йўқ эди. Бунга ўзинг мажбур этдинг. Хонавайрон этдинг-кў, мени хеш! Жамғарган жамики молдунёимга эгалик қилдинг. Устига устак энг зарур, ишчан югурдагим Кичкинани ҳам ўзингга эл қилиб олдинг. Алам қилмайди дейсанми? Билсанг, сенинг таъқибингдан ҳам кўра мени оғир жазо, виждон азоби қийнамоқда. Минг афсуски, хеш, мен сенинг хоҳиш-истагингни бажаролмайман. Яккама-якка олишувда сен енгасан. Буни тан оламан. Шу боис, сени чалғитиб, панд беришга, қийла қўллашга мажбур бўлдим. Лекин очикчасига иқрорман, хеш! Билсанг, ғирт сўқир эканман. Ниҳоят, сен очдинг кўзимни. Хоҳласанг қийна, азобла. Мен энди соб бўлган одамман. Бошқа айтадиган гапим йўқ. Энди билганингни қил, хеш.

Содиқнинг нияти Геркулеснинг яккама-якка ҳалол олишувга қатнашишга мажбур қилиш эди. Унга ўзининг нималарга қодир эканини кўрсатиб қўймоқчи, яъни рақибининг қўл-оёқларини ўсал этиб, ўзини бир умрга майибу мажруҳ қилиб ташлашга қатъий жазм этганди. Айни чоғда у қасддорининг алам, ўкинч билан айтган гапларини эшитаркан, бир оз бўшашинқираб, шаштидан тушди. Туйқус ўзининг аччиқ ўтмиш қисмати кўз ўнгида жонланди.

«Алдовларга учган, хоинликка йўл тутган Геркулес кабилар камми? — хаёлидан ўтказди у. — Дунё борки, бундайлар яшаб келяпти. Лекин ишларининг охири «вой» бўлиб тутаяпти. Қорахон қўрқмади, жонимга шафқат қил ҳам демади. Қилмишлари учун виждони азобда, ўзига-ўзи тавқи-лаънат ёғдирди. Ожизлигини тан олди. Хатолик кимдан ўтмайди? Менимча, айбдорни эмас, уни қалтис гуноҳ иш қилишга ундаган манбада айб! Аввало ўша манбани таг-туби билан йўқ қилмоқ керак! Акс ҳолда Қорахондек тирик мурдалар бир умрга жиноят ботқоғига ботиб юраверадилар...»

Содиқ шитоб билан ортига ўтирилиб, ҳамон икки қўлида икки тўппонча, нишонга чоғланиб турган Қарчиғайга:

— Кетдик! — деди.

— Нега? — деди Қарчиғай ҳайрон қолиб. — Сенга озмунча ёмонлик қилдими, бу разил! Индамай кетаверамизми? Ижозат бер, бу ит эмган тасқара билан ўзим бир ҳисоблашиб қўяй! Қўл-оёғини шол қилиб ташлай...

— Арзимамайди! — деди жаҳл билан қўл силтаб Зарба. — Бу жирканч танага жазо ҳам ҳайф!

Эшик қарсиллаб ёпилди.

\* \* \*

Содиқ Қорахоннинг бошпанасига келишдан олдин у уй назоратдами, йўқми, эътиборга олмаган эди. У шу борада қаттиқ янглишди. Бешим калла, шеф энди барибир тинч қўймайди, деб касалхонанинг ўзидаёқ капитан Тўлагановга Геркулеснинг қўноқ жойларини айтиб берганди. Лекин халоскорлари ҳақида оғиз очмади. «Фақат мен ўз хоҳишим билан бу ўйиндан чиқмоқчи, ҳаётимни қайтадан бошламоқчи эдим. Тутиб олиб, шу аҳволга солишди», — деди, — чалғитиш ниятида. — Геркулес чангалидан зўрға қутулиб, қочиб кетаётганимда йўлда ҳушимдан кетиб йиқилибман. Кейин ўзимни палатада кўрдим. Барака топсин, бир ўткинчи шофёр келтирибди бу ерга. Мана, энди сизни кўриб турибман. Менимча, сизларга касалхонадан хабар қилишгандир.

— Ҳа, — деди капитан сир бой бермай. — Нуқул, Геркулес, ноҳақ қийнайлсан мени, деб алаҳсирабсан.

— Тушунарли! — деди у чуқур хўрсиниб. — Бундай ҳолда касалхонадагиларнинг ишонгани милиция.

Бешим «Кичкина хабар етказмадимикан,» деган ўйда эди. Хотиржам бўлди. Демак, у сотмабди.

Капитан Бешимнинг анойилардан эмаслигини, осонликча жон бермаслигини фаҳмлади. Чунки, унга Бешимнинг касалхонага тушганини шифокорлардан олдин гуруҳдагилардан кимдир қўнвиروق қилиб билдирганди.

Капитанни кўпроқ қизиқтираётган нарса Бешимнинг Зарбани эмас, Қорахонни қоралаётгани эди. У Бешимдан «Геркулес ҳақида нималар биласан? У не сабабдан сени қийноққа солди», деб суриштириб ҳам ўтирмади. Фақат унинг турар жойини сўради, холос. Лекин алаҳсираши хусусида ёлгон гапирмади. Чиндан ҳам, Бешимнинг беморлик тарихи варақасида Геркулес номини такрор-такрор тилга олгани, яна тушуниксиз алланарсаларни алжираб алаҳсирагани аниқ қайд этилганди.

Бешим ёнига посбон қўйилди. Тўлаганов касалхонадан қайтгач, бўлган воқеадан дарҳол Султоновни огоҳ этди.

— Бешим калла нима учундир ичидагини сиртига чиқармаяпти, у нимадандир умидвор, — деди капитан, фикрини бошлиққа баён этиб. — Унинг кўрсатмаларидан эса бирор жўяли хулоса чиқариб олиш мушкул. Лекин у Геркулеснинг кўп сир-асрорларини билса керак. Буни кўнглим сезиб турибди.

— Эҳтимол. Бунинг учун Бешимни жиддийроқ сўроқ қилиш керақдир. Шояд гуллаб қўйса, — деди подполковник. — Эртагаёқ Бешимнинг иштирокида унинг холасига қарашли ўйда тинтув ўтказамиз. Агар бизга телефон орқали билдирилган факт рост бўлиб чиқса, «Заб-зийнат» дўконида содир этилган жумбоқли жиноят ҳам очилиб қолса ажаб эмас.

Бешим ва Ринат ҳақида милицияга телефон орқали ким хабар қилгани сирлигича қолаётган эди.

Ўз уйида қўл-оёғи боғлиқ, тутқунликда турган Ринат Бекқулов ҳам алақачон бўлимга келтирилган. Лекин у ҳеч нарса айтмаётганди.

Тезкор гуруҳ тезда Геркулес қароргоҳини аниқлади. Уй қаттиқ кузатув остига олинди. Аммо пистирма бир ёқлама, яъни дарвоза томондан қўйилганди. Гер-

кулесни қўлга олишга шошилишди. «Унинг қароргоҳига кимлар келиб кетишини билиб олиш лозим», — деб топилди. Кузатувчилар кузатув натижасини вақти-вақти билан рация орқали бўлимга етказиб турарди.

Уйнинг орт томонидаги деразалари темир панжарали эди. Ундан чиқиб кетишнинг иложи йўқдек туюлганди. Шу боис, Содиқ билан Қарчирайнинг тун қоронғисида томнинг орқа тарафидан ошиб, уй ичига тушишганини сезишмади. Лекин икки кишининг асабий ҳолатда дарвозадан чиқиб кетаётганини пайқаб қолишди. Капитан Тўлаганов улардан бирини Геркулес, иккинчисини унинг шериги, деб тахмин қилди ва шеригини кузатувда қолдириб, ўзи уларнинг кетидан тушди.

Содиқ, Қарчирай иккиси машиналар серқатнов йўлга чиқишди. Сўнг такси тўхтатиб жўнаб кетишди. Тўлаганов аввалига уларни ўғирликка боришаяптимикиан, деган тахминга борди. Лекин ўғрилар бундай пайтда «ов»га чиқмасди. У кузатувни давом эттирди. Қарчирай таксидан Жуйбор маҳалласида тушиб қолди. Бу ҳол капитанни хиёл ўйлантириб қўйди. Бир кўнгли унинг орқасидан бормоқчи бўлди, аммо Содиқнинг ортидан кетди. Содиқ эса «Дехқон бозори» ёнида тушиб, қўноқ макони томон йўл олди. Капитан машинасини йўл чеккасидаги сув дўкони олдида қолдириб, кузатувни давом эттирди.

Содиқ Чортуғ қабристонини оралаб ўтиб, пастқам деворли уйга кирди. Уй бекаси тунги сменада ишда эди. Жасур ҳам Содиқнинг врач оғайнисиникига кетганди.

Содиқ хонага кириб чироқни ёқди.

Эмин-эркин ечинди. Бурчақдаги телевизор қулоғини буради. Эстрада концерти берилаётганди. Стол устидаги ликопчадан олма олиб, «қарс-қурс» тишлади-да тўрдаги диванга ястанди. Кўзлари экранда бўлса-да, хаёли тентираб юрарди. «Геркулесга тегмай яхши қилдим, дея хаёлан фикрлашда давом этди. — Ҳолига раҳмим келди, знаварнинг. Менга етказган озорлари учун ич-ичидан эзилаётгани, пушаймон экани таъсир этди шекилли. Энди уни хўрладим нима-ю, хўрладим нима. Шундоқ ҳам қўлга тушса, оғир жазо кутяпти».

Капитан Тўлаганов бир оз иккиланиб турди. Жиноятчи оддий жиноятчилардан эмас, кўнглидан ўтди унинг. Аммо изига қайтишни ўзига эп кўрмади. «Наҳотки, бир кишини қўлга ололмасам, — ўйлади у. — Бундай қулай вазиятни қўлдан чиқариш ақлдан эмас».

Унинг ўзига бўлган ишончи зўр. Бундай пайтда қатъий ҳаракат қилишни биларди. Ёлғиз ўзи бир неча марта жиноятчилар билан юзма-юз тўқнаш келган, икки-уч ашаддий жиноятчини қўлга туширган. Шу боис, ўзидан кўнгли тўқ эди.

Капитан олдин девор оша ҳовли ичига мўралади. Ит йўқ, уй эгаси ҳам кўринмайди. «Балки, бу макон ҳам Қорахонга қарашлидир. Одатда бундай устомон, ўғрибошилар ўзларига бир неча жойда ошён тайёрлаб қўйишади», — дея кўнглидан ўтказди у. — Афтидан, хонада Геркулеснинг бир ўзи. Чунки у уйига кирмасидан илгари хонада чироқ ёқилмаган эди, киргач ёнди.

Тўлаганов паналаб бориб, дераза яқинидан қулоқ солди. Телевизордан кўшиқ тараларди. Сўнг парда ортидан уй ичига мўралади, синчиклаб разм солди. Атиги бир кўланка турганини аранг пайқай олди ва шундан кейин хонада Геркулеснинг ёлғиз эканига тўла ишонч ҳосил қилди. Кийими ичидан чап қўлтиғи остига осикли филофдан тўппончасини олди. Оҳиста юриб, даҳлиз эшиги томон йўналди. Эшик ичкаридан қулфланмаган эди, уни очиб, даҳлизга ўтди. Сўнг туйқус уй ичига сакради.

— Ўрнингдан қимирлама! Қўлингни кўтар!

Зарба кутилмаганда эшикнинг тарақлаб очилганини, остонадан биров ўқдек отилиб, хона ичида пайдо бўлганини ва унинг тўппонча ўқталиб турганини била олди, холос. У бир лаҳза эсанкираб қолди. Сўнг қаршилик қилмай қўлини кўтарди.

— Огоҳлантириб қўяй, қочишга уриниш фойдасиз. Уй ўраб олинган, — деди хитоб билан ва кўзи Геркулесга эмас, балки эски таниши Зарбага тушди. Азбаройи таажжубланганидан «Содиқ?!» — деди-ю, бир сония ҳайрону лол қолди. Сўнг яна ҳушёр тортиб:

— Геркулеснинг изига тушиб, бақамти келган кишимга қаранг-а! — деди, — ҳеч ўйламагандим. Очиғи ошна, касалхонада бизни довда қолдириб қочганиндан бери сен билан учрашолмай, армонда юргандим.

Биласанми, содир бўлган бир қанча жиноятларга сени бевосита алоқадор деб, билишяпти. Хотамтойлигингни кўриб эса ҳайрон қолишяпти. Сабабини ўзинг уларга батафсил тушунтириб бермасанг, шубҳадан холи бўл-маслигинг аниқ, айбга йўймайсан, ошна, хизматчилик. Ҳозирча сенга тегадиган ёрдамим шу. Ўзингни хотир-жам тутсанг, қўлга олишда ҳеч бир қаршилик кўр-сатмаганингга кафолат бера оламан.

Содиқ ақалли бирор сўз айтмади. Билдики, қочиш-нинг сира иложи йўқ. Изқуварнинг гапига қараганда, ташқарида ҳам пистирма бор. Унинг ён бериб, бўйин эгишдан ўзга чораси қолмади. Алам билан остки лаби-ни қимтиди-да, қўлини олдинга чўзди. Капитан бўш қўли билан чўнтагидаги кишанни олди. Тўппончани ўқталиб турган ҳолда ўта эҳтиёткорлик билан кишан-нинг бир томонини Содиқнинг ўнг қўлига, иккинчи томонини эса ўзининг чап қўлига солди. Сўнг хотир-жам, қурол ушлаган қўлини қўлтиғига солиб, тўппон-чани гилофга жойлаштирди. Кейин бандининг кийим-лари, чўнтақларини пайпаслаб кўрди. Ҳеч нарса топ-мади. У қуролни ташқарига яшириб киришга улгурган эди.

Ҳовлидан кўчага чиқишгач, Содиқ капитаннинг тад-биркорлигига қойил қолди.

Теварак-атроф жимжит, ҳеч ким кўринмасди. Со-диқ гафлатда қолиб, тузоққа илинганини сезди.

— Мени ҳеч ким бунчалик фириб бериб, чув ту-ширмаганди, — деди у алам билан калласини сарак-сарак қилиб. — Анойилардан эмас экансиз.

— Инон ошна, гапнинг рости. Геркулеснинг изига тушган эдим. Сени у деб ўйлабман, — деди тутқуни билан ёнма-ён бораётган капитан. — Акси бўлиб чиқ-ди. Лекин сенга ҳам қидирув эълон қилинган. Қандай қилиб кириб қолдинг назорат остидаги у уйга? Сир бўлмаса айт-чи, рақибинг Геркулеснинг олдига яши-ринча боришингнинг боиси нима?

— Расмий сўроқми бу? — деди Содиқ кинояли. — Борганим сабабини унинг ўзидан билиб оларсиз. Мен эса ҳали қўлга тушдим, деб ҳисобламайман ўзимни.

Капитан бирдан сергак тортиб тўхтади.

— Маслаҳат бермайман, Зарба! — деди секин. — Кўра била туриб, жазоингни оғирлаштирма! Биламан,



жуда эпчил, тадбиркорсан. Лекин менинг бир қўлимни кесиб олибгина қутулиб кета олишинг мумкин. Ҳайламанки, сен бундай ноҳўя ишни қилмайсан.

Асаблари қақшаб таранглашаётган Содик капитанга жавобан тиш гижирлатиб, оғир хўрсинди. У милиция ходимига қўл кўтарган шахсга оғир жазо қўллашгани яхши биларди. Шунингдек, улар кишан калитини жуда эҳтиёткор сақлашидан ҳам хабардор эди. Яна шу нарсага ишончи комил эдики, энди унинг бўйнига камида икки-учта жиноий моддани тиркашади. Сўроқ чуваланиб кетади. Қорахон билан ёнма-ён қора курсида ўтиради. Адоқсиз сўроқлар узоқ давом этади. Шак-шубҳа йўқ, Геркулес ҳаракатга тушиб, қолдиқ жамғармаларини ишга солади. Наҳотли йўллари кўп унинг. Жуда зўр келса, «паровоз» ўйинидан фойдаланади. Бунда галдаги «саёҳат»га бориш яна бир югурдаги чекига тушади. У бутун айбни, бўйнига олиб, асосий гуноҳкорга айланади. Ҳақиқий айбдор эса четда қолади. Ўйиннинг қондаси шундай. Унда Геркулес жазодан қутулиб қолади, бутун айб Содикқа юкланади. Натижада «Алоҳида хавфли жиноятчига марҳамат қилиб ўтирилмайди. Яна ўша мудҳиш қора кунлар бошига тушиб, узоқ муддат бадарға бўлиши шубҳасиз. У шундай ўй-фикрлардан сўнг, «бир иложини қилиб, қочиш керак!» — деган қатъий тўхтамга келди.

— Балки асосат қилишар. Хайрли ишларинг учун энгиллик беришар, — деди Содикнинг хаёлини бўлиб капитан.

Қишлоқ оралаб ўтган тош йўлга чиқар-чиқмас, Содик бир йўталиб олди ва индамай йўлида давом этади.

«Мен нима хаёлда-ю, бу нима дейди, — деди дида. — Муруват кутаётганим йўқ. Биламан, раҳмшафқат бўлмайди ҳам. Ҳақиқий жиноятчи қолиб, менинг изимга тушиб юришганини-чи?..»

Холироқ, қоронғи жойга етиб, келгач, Содик ваз кўрсатишга ўтди:

— Ўнг пой туфлим ичига кичик тошча кириб қолганга ўхшайди, — деди у баҳона қилиб. — Юришимга халақит беришти. Олиб ташласам бўладими?

«Бирор шум ниятни бошламасмикин, деган ўйга борди капитан ва яна тезда бу фикрдан қайтди. —

Бундай эмасдир-э? Шунча ерга юриб келдик, ортикча хатти-ҳаракат қилмади-ку, яна қайдам...»

Содиқ гапига ҳадеганда жавоб бўлавермагач, изқувар кўнглини тинчитишга уриниб яна шундай деди:

— Қўрқманг, қочмайман. Қочиш ниятим бўлганда алақачон қутулиб кетган бўлардим.

Капитан унинг талабига барибир унамади.

— Озгина чида, — деди у. — Ҳозир машинам турган ерга етамиз.

Содиқ атай билинар-билинемас оқсоқланиб юра бошлади. Ниҳоят, улар манзилга етиб келишди.

Капитан дуч келган кишига яқин атрофдаги телефон автоматдан милицияга хабар қилишни илтимос қилмоқчи бўлди. Аксига олиб бирор ўткинчи кўринмади. У Содиқнинг борган сари асабийлашиб, бетоқатланаётганини сезиб турар, бирор кор-ҳол юз бермасдан, уни тезроқ бўлимга етказишга ошиқарди. Содиқни орқа ўриндиққа ўтқазиб, эшик тепасидаги чироқни ёқмоқчи ва ўзи ташқарида турган ҳолда қўлидаги кишанни бўшатиб, унинг иккинчи қўлига солмоқчи бўлди. Шу ниятда чўнтагидан машинаси калитини олиб, олдинги эшикни очишга уринди. Қоронғида эшик қулфига калит соломмай, анчайин қийналди. Бир оз олдинга эгилиб, тимирскиланиб уринаётгани, туйқус бўйнига тушган кучли зарбадан кўз олди хиралашиб, каловланиб қолди. Боз устига иккинчи зарба теккач, батамом карахт бўлиб, ҳушидан кетди.

Содиқ ерга мук тушиб қолган капитанни машинага суянтириб қўйгач, чўнтақларини ковлаштирди. Қуролли, ҳужжатларига тегмади. Калит чарм қопчиқ ичидан чиқди. У тезда қўлини кишандан бўшатиб, ўзини тубсиз қоронғилик қаърига урди.

Айни шу маҳалда подполковник Султонов терговчи хонасида Ринат Бекқуловнинг берган дастлабки кўрсатмаси билан танишмоқда эди. У жиноят ишига тааллуқли, лекин ҳозиргача мавҳум бўлиб турган бир жумбоқ ечилиб, кўп нарса ойдинлашаётганидан мамнун бўлди ва одатига кўра бу иқрорномани ўзича фикран талқин қила кетди.

«Агар рост гапираётган бўлса, Ринатнинг шоҳидлиги эътиборга молик. У қатор ўғирлик ишларида Геркулеснинг қўли борлигига гувоҳлик берибди. Қора-

хоннинг ўйлаб топган чалғитиш усулини қаранг-а? Ўзи қилган талончиликларни гўё Зарба тўдаси қилиб юргандай. Ниҳоятда ўйлаб топилган пухта, пишиқ усул!

Геркулеснинг Когон шахридаги ойимчаси ким бўлдикин? Ринат уни Бешимнинг маъшуқаси билан таниш, деб айтибди. Демак, Бешим шефининг ойимчасини билади. Лекин у Геркулеснинг ҳеч қанақанги ўйнашини танитайман, деб тан олмаса-чи?..»

Қорахон билан Бешимнинг маъшуқаси кимлигини тезроқ аниқлашимиз керак. Бундан ташқари Қорахон Дулдуловнинг ўлимига бевосита алоқадор бўлиб чиқяпти-ку. Зарба-чи? Қизиқ, унинг Геркулес тўдасида шерикчилиги йўқдек бўлиб қоляпти-ку. Ринатнинг кўрсатмасига қараганда Бешимни қутқазган ҳам Зарба. Ринатни банди этиб, қўл-оёғини боғлаб кетгани-чи? Бундан чиқди, бизга телефон орқали хабар етказиб турган ҳам ўша. Содиқ Кичкина билан қаердайкин?

Орадан кўп ўтмай шаҳар ички ишлар бўлими навбатчиси телефон орқали билдирилган шошилинич маълумотни дафтарга қайд этди:

«Тезда Талижа маҳалласига кираверишдаги сув дўкони олдига етиб келинсин! Капитан Тўлаганов ёрдамга муҳтож!»

Кўнғироқ қилган киши бу гал ҳам ўзининг кимлигини айтмабди.

Тезкор гуруҳ тушган машина шаҳар кўчалари сокинлигини бузиб, хабар қилинган ерга бирпасда етиб келди. Улар Талъат Тўлагановни ҳушсиз ҳолда топишди. Капитаннинг қўлига солинган кишаннинг бир томони пастга осилиб турарди.

\* \* \*

Султонов иш соати тугаб, вақт ярим тундан ошган бўлса-да, ҳамон ўз хонасида. Чарчоқданми, уйқусизликданми, унинг қовоқлари хийла шишинқираган, чеҳрасида эса ҳорғинлик аломатлари зоҳир.

Шаҳар бўйлаб эса тезкорлик билан қидирув давом этар, изкуварлар чарх уриб елиб-югуришар, лекин боягина қўлдан чиқариб юборилган жиноятчининг изига тушишга муваффақ бўла олишмаётганди.

У тезкор ходимлардан маълумот кутар шу боис, телефон аппаратига илинж билан бот-бот қараб қўяр,

қўнғироқ бўлмаётганидан қидирув бесамар давом этаётганини кўнгли сезиб турарди.

Натижаси қониқарсиз ҳар қандай иш Султоновни қаноатлантирмас, айниқса, совуққонлик қилган, янглишган ходимни кечира олмасди. Капитан Тўлагановнинг ўзбошимчалик билан иш тутиб, Зарбани қўлдан чиқазиб юборгани, устига-устига кузатув остида бўлган уйдан Геркулеснинг бирдан ғойиб бўлиб қолгани бошлиқнинг асабини қақшатаётганди. У юз берган бу нохуш вазиятни обдан ўйлаб, унинг туб сабабларини фикрида қайта-қайта таҳлил қилиб кўрди.

«Капитанни ўзбилармон одати учун жазоламасдан қўймайман, деди у ўз ўзига. Зарба унинг қуроли-ю, гувоҳномасини олиб кетиб қолганида нима бўларди? Геркулес қароргоҳини назорат қилиб турган яна бир оператив вакилимиздан эса ҳанузгача бирор бир хабар йўқ. Унинг ўзи ҳозир қаерда, маълум эмас.

Содиқ шериги билан нима мақсадда қасддори Геркулес турган уйга келдийкин? Яна жанжаллашдимикан? Шовқин-сурон бўлгани эшитилмаган-ку... Ёки ярашиш мақсадида учрашдимикинлар? Содиқ Тўлагановни доғда қолдириб, Геркулесни ҳам огоҳлантиришга улгуриб, кейин бизга қўнғироқ қилган бўлса-чи?..»

Султонов Тўлаганов воқеасидан кейин турли хил тахминларга бориб, шошилиш равишда Геркулесни қўлга олишни лозим деб топди. Бироқ бу ишга жалб қилинганлар назоратдаги қароргоҳдан қуруқ қўл билан қайтишган, Геркулес ҳам, кузатувчи ҳам ғойиб бўлганди.

Қорахон Содиқ чиқиб кетиши биланоқ, бу маконни тарк этишга қарор қилди. У ҳар эҳтимолга кўра ҳовлининг орқа кўча тарафдаги бир дераза панжараси михларини олиб қўйишни шеригига тайинлаган эди. Геркулес Зарбанинг индамай чиқиб кетганига ажабланиб, у ҳойнаҳой, Зарба ташқарида шериклари билан менинг чиқишимни пойлаб турган бўлса керак, деган шубҳага борди ва Сангин билан орқа кўча томондаги деразадан чиқиб, жуфтакни ростлаб қолишди.

Эшик очилиб, подполковникнинг хаёли бўлинди. Хонага капитан Тўлаганов хомуш кириб келди.

— Хўш, бирор янгилик борми? — сўради ундан бошлиқ.

— Қидирув давом этяпти, лекин натижасиз, — деди капитан гуноҳсрона ерга термулиб.

— Мана, кўрдингизми, биргина янглишиш қанчалик ташвиш, муаммо туғдирыпти, — деб бошлиқ қовғини солди. — Сиздан буни кутмагандим.

Капитан бир: «Назорат остига олиб юрган одамимнинг нияти бунақалигини билганимда бошқача йўл тутган бўлардим. Аммо Зарба барибир гуноҳдан холи эмас, у безорилик қилган-ку», демоқчи бўлди-ю, яна тайинли бир даъвогар қолмаганини, ҳатто қаттиқ дўппосланган поччаси Шайдоев ҳам жабр кўрганини тан олгиси келмаётганини англаб, гапни қисқа қилди.

— Хатоимни тан оламан, ўртоқ бошлиқ, — деди у хижолатомуз.

— Менга ҳозир сизнинг узрингиз эмас, жиноятчи Геркулес керак. Тушундингизми? — деди унинг гапни кескин бўлиб, жиддий оҳангда подполковник ва яна тутақиб давом этди. — Асосий айбдор бошқа ёқда ялло қилиб юрибди-ю, сиз бўлсангиз жиноятга мутлақ алоқаси бўлмаган, яна ўз хоҳиши билан бизга ёрдам бераётган айбсиз одамнинг изидан изғиб юрибсиз. Раҳбарлар мендан жиноятчиларнинг тезроқ топилишини талаб қилишяпти. Биз бўлсак қотил Қорахоннинг қайси бир ковақда писиб ётганини билолмай сарсонмиз. У мунофиқни бугун кечасиёқ, албатта, топишимиз керак!..

Шу пайт эшик очилиб, хонага навбатчи кирди.

— Ўртоқ бошлиқ, ҳозиргина Когон шаҳридан Туробов телефон орқали шошилишч маълумот берди, — деди у. — Геркулес деганнинг изидан борган экан, рацияси ишламай қолибди. Шу боис, қаердалигини билдиролмабди. Тезда етиб келишсин, — деб кутиб турган ерини айтди...

— Э, яшавор лейтенант Туробов! — дея қувониб, ўрnidан даст турди подполковник. — Жиноятчини кўздан қочирмагани дуруст бўпти. Қани, жўнадик!..

\* \* \*

Қўлга олиш гуруҳи ва подполковник Султонов тушган «волга» тезда Когон шаҳрига етиб келди. Уларни шаҳарга кираверишдаги йўл устида фуқаро кийимида басавлат лейтенант Мардон Туробов қарши олди.

— Геркулес ҳозир биринчи қатордаги еттинчи уйда, — деди у ҳовлиқиб, — тўртинчи қаватда, чиқаверишдаги чап ёндаги чироқ ёқиқли хонада. Участка инспектори кузатиб турибди.

— Яхши, Қорахонни қўлга оламиз, — деди Султонов. — У қуролланган, ҳушёрликни унутманг!

— Йўл-йўлакай ўзаро маслаҳатлашиб, Қорахонни қай йўсинда қўлга олишни келишиб олишди. Жадал ҳамда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишга келишилди. Кинолог ити билан бинонинг кўча томонида қолди. Икки ходим уйга кираверишдаги эшик ёнида, уч киши эса хонага кўтариладиган бўлишди.

Уй атрофида сергак айланиб юрган участка инспектори изқуварларни қарши олди.

— Демак, келишганимиздек ҳаракат қиламиз, — деди Султонов бир оз ҳаяжонланиб. — Иложи борича чаққон ҳаракат қилинсин! Токи жиноятчи қаршилик кўрсатишга улгуролмай қолсин. Шовқин кўтарилиб, аҳоли тинчига халал берилмаслиги керак.

— Тушунарли! — дейишди шай турган йигитлар шивирлаб. Зудлик билан ишга киришилди.

Тўртинчи қават йўлагидаги чироқ куйганми, атроф зим-зиё эди. Икки киши четроқда туриб, учинчиси эшик кесакисидаги тутмачани босди. Ичкарида қўнғироқ жириглади. Анча фурсатдан кейин даҳлизда аёл кишининг «Ким?» деган нозик, хиёл титроқли овози эшитилди.

— Сизга шошилишч телеграмма! — деди паст овозда фуқаро кийимидаги капитан Тўлаганов. — Илтимос, қўл қўйиб олинг.

Эшик қия очилди. Занжирли зулфин ўрнатилган экан, ғира-шира ёруғликда сочлари тўзиган жувоннинг чеҳраси аранг кўринди.

— Бу ҳолда имзо чекишингиз жуда ноқулай-ку, синглаим, — деди жилмайиб Тўлаганов.

— Бир амалларман, узатинг телеграммани, — деди жувон қўрслик билан. Унинг уйқуси ҳали буткул ўчмай, ним карахтлиги билиниб турарди.

— Мен қоронғида сизга тегишлисини ҳеч ажрата олмаяпман. Бошқа телеграммаларга аралашиб қолибди, — деб баҳона қилди капитан ва қўлидаги қоғозларни атай ражир-ғужирлатиб титкилай бошлади.

Зарифа телеграмманинг кимданлигини билишга қизиқди шекилли занжирни зулфидан туширишга мажбур бўлди.

— Даҳлиз чироғи куйган, ичкарироқ киринг, — деди.

Шу пайт эшик қаршисида ҳушёр турган Тўлаганов эпчиллик билан Зарифани четта итариб, ўзи хона ичига ўқдек отилди. Кетидан ичкарига қурол яланғочлаган яна икки киши қуюндек ёпирилди. Аммо қўрқувдан ранг-қути ўчиб, лаблари титраб-қақшаб, гапиролмай турган дуркунгина жувондан ўзга кишини учратишмади. Бирпасда шифоньер ичи, ҳожатхона-ю пешайвонгача кўриб чиқилди. Ҳеч ким йўқ эди.

— Қорахон қани? — дўқ аралаш сўради Тўлаганов.

— Қани, тезроқ айтинг, унинг қаердалигини! — қистовга олди иккинчи бири.

Бемаҳалда бехос юз берган тапир-тупур, олатасирдан ўтакаси ёрилаётган Зарифа:

— Кимсизлар ўзи? — деди зўрға гуддираб. Сўнг бирдан чинқира бошлади. — Вой-дод, мусулмонлар, ёрдам беринглар! Босқинчилар, ўғрилар!.. Унинг ноҳуш чинқириви хона ичра жаранглаб, тун сокинлигини бузди. У ҳануз чираниб додларди. Бироқ бу хўжакўрсинга эди, холос. У жуда яхши биларди. Унинг уйига ўғри ва безориларнинг бош суқишга ҳадди сизмас, сабаби улар Геркулесдан ҳайиқишарди.

Зарифа ниҳоят гап нимадалигини билгач, бир оз ҳовуридан тушди. У ўзига такрор-такрор берилаётган саволларга бошини қуйи экканча доддираб, мужмал жавоб қилди.

— У келди-ю, кетди.

— Қаёққа кетди? — сўради капитан.

— Бунча зулум қиласизлар? Бирпасда эсхонамни чиқарвориб, ақдан оздиришларингга оз қолди-ку! — деди у норози тарзда ва бирдан жаҳли кўзиб жангарилиги тутди. — Мен қаёқдан билай унинг қаерга кетганини. Менга айтиб кетармиди?

— У нима учун сизникига келди? — деб сўради Султонов Зарифага синчков тикилганча.

— Яшириб ўтирмайман, Қорахон хушдорим бўлади, — деди у сира уялмай. — Паспорти шу ерда эди,

олгани келган экан. Яна у: «Ишим чатоқ, бу ердан бошқа холироқ жойга кетмасам бўлмайди» деб айтди.

— Қаердан чиқиб кетди? — сўради яна подполковник.

— Йўлақда томга чиқиш учун ўрнатилган кичкина темир нарвонча бор. Тепада қопқоқли туйнук ҳам, — деди у сурма чапланган кўзларини бежо сузиб. — Шундан томга чиқди-ю кетди. Чамамда, у томдан бориб, уй четидаги чиқиш йўлидан пастта тушиб кетиб қолганов.

Лейтенант Туробов нарвончадан шитоб билан юқорига кўтарилди. Тезда кинолог ҳам етиб келиб, итни ишга солди. Катта тош йўлга чиқилгач, из йўқотилди.

Қўлга олиш гуруҳи аъзоларининг ҳафсаласи пир бўлганди. Улар ноилож энди темир йўл вокзали томон йўл олишди.

Айни шу пайтда Когон темир йўл вокзалида ғалати воқеа юз бераётган эди:

Содиқ капитан Тўлаганов «тузор»идан қутулиб олгач, то излар кўмилгунча бу шаҳарда қололмаслигига кўзи етди. Қўшни Чоржўй вилоятидаги бир танишиникида вақтинча қўноқ бўлиб туришни мўлжаллади ва вақт ганиматида Когон шаҳри томон ошиқди. Тўғриси, тонгги поездга кечикмасликка шошилди. У вокзалдан Жасур билан Қарчиғайга қўнғироқ қилиб: «Тезда етиб келишни» буюрди.

Жасур билан Толиб темир йўл вокзалига етиб келишганида, тонг ҳали ёришмаган, лекин ион чироқлари шуъласидан теварак атроф ёп-ёруғ эди. Темир изларда эса турна қатор вагонлар тизилиб турарди. Улар Содиқ билан вагон ичида хайр-хўшлашди.

— Зарба, бизни хабардор қилиб тур, — деди Қарчиғай.

— Жасурни асра, эҳтиёт қил! — тайинлади Қарчиғайга Зарба. — Шошқалоқлиги бор унинг, яна ҳунар кўрсатиб юрмасин.

— Буёғидан қўнглинг тўқ бўлсин! — жавоб қилди Қарчиғай. — Кичкинани ҳечвақт ёлғиз қўймайман.

Жасур билан Қарчиғай олдинма-кетин вагондан тушишганди ҳам, вагонга чиқишга шошилиб келаётган



Қорахонга бирдан рўбарў келишди. Орада бир дақиқа валати вазият ҳукм сурди.

Қорахон ҳангу манг бўлиб, тўхтаган ерида ҳайкалдек қотиб қолганди. Сўнг бирдан важоҳати ўзгариб, қиёфаси қўрқинчли тусга кирди. Ўнг қўлини чўнтагига тика бошлади. Ногаҳоний бу тўқнашувдан талмовсираб қолган Жасур ва Қарчиғай ҳам бир зум даҳшат ичра лол қолди. Кейин бирдан ҳушёр тортишди. Қарчиғай муштларини тугди. Жасур эса кутилмаган диллик билан бир қадам олдинга юрди. Геркулес билан бетма-бет келиб қолди. У собиқ шотирига «Ҳа, ялоқхўрлар, қўлга тушдиларингми», дегандек важоҳат билан таҳдидли қаради. Жасур сеҳргар кўзларини жовдиратганча Геркулесга шу қадар тифдор тикилдики, собиқ шефини беихтиёр ваҳм босиб, илтижоли оҳангда гулдиреди:

— Кичкина, ҳазиллашма, керакмас!.. Аммо кечикканди. Гапи бўғзида чала қолди. Ҳатто у қўлини чўнтагидан чиқаришга ҳам улгуролмади. Аллақандай сеҳрли куч уни ўз комига тортган, қадди бирдан ўрнида бир чайқалиб, валати тебранди-да, сўнг кўзларини оҳиста юмганча тинчланди қолди.

Геркулеснинг туйқус бундай ғайри табиий ҳолатта тушганини кўрган Қарчиғай «шунақанги тутқаноқ дарди бор экан-да, қурғурнинг», деган хаёлга борди.

Кичкина ишини битказгач, кескин ортига ўтирилиб, Қарчиғайга:

— Кетдик — деди.

Вокзалдаги йўловчилар-у, кузатувчилар чиқиш майдончасида тик оёқда қаққайиб турганча қотиб уйқута кетган Қорахонга қизиқсиниб қарарди. Аллаким шанғиллаб, мабодо у жинни-пинни эмасмикан, деб, луқма ҳам отди. Ёнверидагилар эса бу ғайри табиий тахлитда, бир қўли чўнтагида карахт ҳолича қаққайиб турган, кўзлари юмуқ бадбашара нусхани аниқтаниқ кўриб, ҳайрат ичра елка қисганча ундан узоқлашишарди.

Айни шу паллада вокзалга етиб келган изқуварлар эса йўловчилар серобу, тиқилинч кутиш залларида ўзларига зарур бўлган одамни қидириб, зир изғишарди.

Қорахонни темир йўл вокзалида қўлга тушириш имкони бой бериб қўйилган эди. Йўловчиларнинг ҳай-

ратини ошириб, тик оёқда ухлаётган Геркулесга елкасида оғир сумка кўтарган бир шошқалоқ йўловчи бехосдан қаттиқ урилиб кетди. Геркулес бирдан ҳушига келиб, эндигина ўрнидан жилаётган вагонлардан бирига лип этиб чиқиб олди. Кутиш залларида чарх уриб уни излаётган изқуварлар эса яна доғда қолишганди.

Вокзалда йўловчиларни таажжублантирувчи бундай ранго-ранг ҳодиса ва воқеалар деярли тез-тез содир бўлиб тургани, бу хил ишлар одат тусига кириб қолгани боисми, тик ҳолатда бир неча дақиқа карахт ухлаб қолган барзангинамо одам ҳақида у қадар миш-миш ҳам тарқалмади.

\* \* \*

Галдаги тезкор кенгашда шу ишга жалб этилган ходимларнинг ахборотлари бирма-бир тингланмоқда эди.

— Қорахоннинг автокорхона устахонасида слесарь бўлиб, номигагина ишлаб юргани рост бўлиб чиқди, — деди биринчи бўлиб сўз олган капитан Талъат Тўлаганов. — Қорахон икки бор уйланиб, икки хотинидан ҳам ажралган. Қарамовида боқиманда кишиси йўқ. У муқаддам судланмаган. Бироқ ҳайдовчи бўлиб ишлаган пайтида касбдоши Норматов билан ишдан сўнг чойхонада улфатчилик қилишган. Иккиси ҳам ароқ ичиб, маст бўлиш оқибатида, жанжаллашиб, ёқаталаш бўлишган. Қорахон Норматовни уриб, енгил шикаст етказган. Буни гувоҳлар ва суд-тиббий текшируви тўла тасдиқлаган. Ушбу факт юзасидан Когон туман ички ишлар бўлими ўз вақтида тафтиш олиб борган. Лекин сўроқ негадир юзаки ўтказилган бўлиб, Қорахонга нисбатан жиноят иши қўзғатилмаган. Унинг қилмиши жамоатчилик муҳокамасига берилган ва унга енгил-елпи жамоат таъсири кўрсатиш билан кифояланилган ҳолос.

— Қорахон шофёрликни нега ташлаган буни аниқ-ладингизми? — сўради подполковник Султонов капитанга тикилиб. — Наҳотки, у аввал бирор бир жазога тортилмаган бўлса?

— Ҳа, аниқладим, — деди Тўлаганов сўзида давом этиб. — У бундан беш йил бурун ўзига тегишли машинада юк билан туман марказидан паррандачилик

фабрикасига бсраётган чоғида бир болани бехос уриб юборган. Бола жароҳатланиб, ўша кунидека касалхонада ўлган.

Содир этилган ушбу ҳодиса бўйича жиноят иши кўзгатилган. Сўроқ жараёнида ҳайдовчи ҳодиса олдини олишга лозим бўлган барча чорани ўз пайтида кўрганлиги, лекин оралиқ масофа ниҳоятда қисқа бўлгани сабабли, машина тормозлана бориб болани уриб юборгани, мазкур йўл-транспорт ҳодисасида Қорахоннинг айби бўлмагани аниқланиб, шунга кўра жиноят иши асосли равишда ҳаракатдан ётқизилган экан. Шу-шу, Қорахон қайтиб машина рулига ўтирмаган.

Унинг кейинги фаолияти эса бизга аён. Уни қўлга тушириш борасида қидирув ишлари давом эттириляпти.

— Тушунарли! — деди Султонов, кейин ўтирганларга қаради: — Хўш, Қорахоннинг шериги Сангин масаласини ўрганиш кимга топширилган эди?

— Ҳали тутқич бермаётган Сангин Суяров илгари безорилик ва ўғирликда айбланиб, икки маротаба судланган. Сўнгги бор у шаҳар четидаги Талижа қишлоғилик Эргашевнинг иккита сигирини ўғирлаб, Зарметан бозорига элтиб сотганликда айбланиб, ўтириб чиққан экан. Шундан буён фойдали меҳнат билан шуғулланмай, Геркулес тўдасида фаол фаолият кўрсатиб келаётганлиги аён бўлди.

Қуйидаги икки талончи ҳақида ўттиз ёшлардаги жуссадор, қошлари қуюқ, ҳаракатчан терговчи Фармонов муфассал ахборот берди.

Ринат вилдирак ҳам сўроқда Геркулес тўдасига қўшилмасидан олдин велосипед ўғирлаш ва уларни қисмларга бўлиб, чайқовчиларга ошириш билан шуғулланиб келганини тан олибди.

Геркулес кўпроқ Ринатнинг машинасидан фойдаланар экан. Бундан ташқари у Қорахон буюрган шахсларга учраб, улар берган нарсани Геркулесга етказиб турган, бу нарсалар морфийли шприц тубиклар бўлган. Аниқланишича, Геркулеснинг айрим дорихона ходимлари ва жарроҳ дўхтирлардан ҳам танишлари бўлиб, улар ноёб дорилар билан Геркулесни мунтазам таъминлаб туришаркан. Геркулес уларнинг айримларини қўрқитиш йўли билан бу ишга жалб этган экан. Ринат

Бекқулов кимлардан морфий шприц-тюбикларни олганини, баъзи бир ўғирлик ишларида ўзи ҳам иштирок этганини тўлиқ бўйнига олди. — деди пировардида терговчи Фармонов.

Бешим калла масаласига келсак, инкор этиб бўлмас ашъвий далиллар асосида жинояти фош этилган бўлса-да, хануз айбига иқрор бўлмаёпти. У икки бор судланган экан. Биринчисида бундан етти йил муқаддам талончилик содир этганликда айбланган. Илк бор судланаётганлиги инобатта олиниб, шартли жазога ҳукм этилган. Орадан бир ой ўтар-ўтмас, у яна жиноятга қўл урган. Бухоро пахта тозалаш заводи олдидаги чойхонага маст ҳолда келиб, шу ерда ўтирган ҳаммаҳалласи фуқаро Саломовни «Синглимга тегажаклик қилибсан» деган баҳона билан ҳақорат қилган. Уни ўтирганлар тартибга чақирганларида ҳам қулоққа олмаган ва ҳақорат қилишда давом этган, сўнгра Саломовни тутиб урган. Шунинг билан кифояланиб қолмай, бегуноҳ Ёдгоров деган одамнинг қорнига, биқинига, елкасига пичоқ санчиб, тан жароҳати етказган. У ашаддий безорилик қилганликда айбланиб, тўрт йил озодликдан маҳрум этилган.

Бешим Бозоров холасининг уйида тинтув ўтказилди. Бизга телефон орқали хабар қилган, шахсияти номаълум кишининг маълумоти тўғри бўлиб чиқди. «Зебзийнат» дўконидан ўғирланган тиллавор нарсаларнинг бир қисми, уйнинг пешайвонга чиқувчи эшик оралигидаги бўшлиқдан топилди. Холаси, «ё тавба», деди-да, азбаройи ҳайратланганидан ёқасини ушлаб қолди. Бешим эса, «бу нарсаларга менинг ҳеч қандай алоқам йўқ», деб оёқ тираб олди. Холаси эшик қулфи калитини доимо ёнида олиб юришини, жияни Бешим онда-сонда уникага келиб кетишини билдирди. Жияни қулфларни очишда устаси фаранглардан эканини қаёқдан ҳам билсин бечора содда хола.

Экспертиза эшигу, топилган ашъвий далилларда Бешимнинг бармоқ излари борлигини аниқлаб берган бўлса ҳам, у айбига иқрор бўлмаёпти. Геркулес билан бирга талончиликда бўлгансан-ку, деган сўроққа, ишбот қани деяпти. Юзлаштирилганда жабрланувчи Оқбошев ҳам Бешимни таний олмади. У уйимга бостириб кирган ўғирлар юзларига аёллар қора пайпоғини кийиб

олишган эди, башарасини таниб бўлмасди, дейиш билан кифояланди, холос.

Тўдадан қўлга олинганлар ҳақида ҳозирча аниқланган фактлар шулардан иборат.

— Ишимизда муддат деган тўсиқ бор. Буни унутмаслик керак. — деди Султонов чаккасини қашлаб. — Менимча Бешимнинг айбини бўйнига қўювчи асосли далиллар етарли. Иқрор бўлмаса қайтага ўз айбини оғирлаштиради. Агар биз тез орада тўда бошлиғи Геркулесни қўлга тушира олмасак, яна янги-янги жиноятларни содир этаверишдан қайтмайди. Имоним комилки, собиқ судья Зиёев уйини кундуз куни талаб кетган ўғриллар ҳам шу Геркулес тўдасидан. Бу уларнинг талончилик усули, яъни изни чалғита билиш ва нечоғли пухталиқ билан иш кўришганидан билиниб турибди. Қидирувни янада тезлаштирмоқ лозим...

\* \* \*

Геркулес изни чалғитиш учун Олот посёлкасидаги темир йўл бекатида поезддан тушиб қолди. У бир неча кун шу посёлкада эски ошналаридан бириникида қўноқ бўлди. Кейин шаҳарга қайтди. Чунки амалга ошириш учун мўлжаллаб юрган галдаги қойилмақом режаси бор эди. У Бухорони қуруқ қўл билан тарк этишни истамасди. Шу мақсадда Сангинни тезда дараклатди. Геркулес кўпдан режалаштириб юрган ишни амалга оширишни шерикларига топширган эди. Бироқ югурдаги Сангин асосий кўзланган мақсадга эришолдими, йўқми, у билмасди. Сангин қорасини кўрсатмай қўйди.

У атамanning буйруғига кўра белгиланган жойга тезда етиб келди. Геркулеснинг кўзлари чақчайган, авзойи бузуқ, катта қайрағочга суюнганча сал чиқикрок қорни устида қўлларини қовуштириб турарди.

— Келмайсанми, деб ўйлагандим, — деди у ранжиганнамо тўнғиллаб. — Якка ўзингмисан?

— Ҳа.

Геркулеснинг хавфсираши тарқамади. Сангиннинг ҳам кўнглидан «Шеф одатини бузиб, ёлғиз келмагандир», деган ўй кечганди. Атрофга олазарак қараб олди. Қорахон буни сезиб:

— Қўрқма, еб қўймайман! — деди менсимаган оҳангда ишшайиб. Писмиқ лақабини Сангинга атаманнинг ўзи қўйган. Чунки Сангинда писмиқлик ода-ти бор эди. У мушукдек писиб юради. Сездирмай ҳаракат қилишга уста. Ҳар қаңдай қийин ишга қўл урди-ми, бас, эпламасдан қўймайди. Темир сандиқ қулфларини очишда ҳам суяги йўқ.

— Хўш, сўйла-чи, — нега қорангни кўрсатмай, мендан ўзингни обқочиб юрибсан! Нима ёмонлик кўрдинг?

— Қаңдай юраман, бу менинг ишим! — гулдуради Сангин. — Бир хатардан зўрға қутулдим. Лекин энди сизларга ишонмайман. Хавф туғилганда дастёрларинг мени ёлғиз ташлаб қочишди. Шу инсофданми?

— Шуям гап бўлди-ю, — деди Геркулес ижирғаниб. — Ниятлари асло бундай бўлмаган. Вазият қанақалигини кўрибсан-ку. Иложи қаңча эди, лекин қойиллатибсан, Зокир айтди, ўмарилган ўлжа чакки эмас экан.

— Қаңақа ўлжа? — деди у таажжублангандек елкасини қисиб, ҳа, деганда тан олгиси йўқ эди. — Тушунтириброқ гапир-чи, шеф!

— Ўзингни кўп гўллика солма. Бутун шаҳарда шовшув.

— Мен қутулиб қолганимга шукур қилиб юрибман, шеф, — деди Сангин жиддий.

Улар бу гал собиқ судьянинг уйини куппа-кундуз куни тунашганди. Бу шундай бўлган эди:

Икки киши девордан ошиб ўтиб, дарвозани ним очик қўйишди. Кейин юзларига ниқоб кийиб, қўққисдан хонага бостириб киришди. Бадқовоқ судья Зиёев ёлғиз ўзи диванда китоб мутолаа қилиб ўтирарди. Хотини ишга, болалари ўқишга кетишган. Зиёевнинг кекирдагига пичоқ тирашди. Шўрликнинг жисми титроққа тушган, ширин жони кўзига азиз кўриниб кетганди. «Мен хастани ўлдирманглар», дея ёлворди. Сўнгра зайёмлари-ю, катта миқдордаги жамғарма пулини бекитиб қўйган жойни осонгина айта қолди. Талончилар Зиёевнинг хотинию, қизларига тегишли олтину, гавҳар зебу зийнатларини ҳам қоқиштириб олишди. Ўзининг эса қўл-оёғини боғлаб, орзига сочиқ тикиб қўйишди. Ўлжани Сангин эндигина осма сумкасига жойлай бошлаган ҳам эдики, кутилмаганда ҳов-

лига биров кириб келди. Зокир чаққон дераза ёнига бориб мўралади. Қай кўз билан кўрсинки, милиция кийимидаги киши. У: «Уйдамысиз, Сайфулла ака!» Дарвозангиз очиқ қолибди-ку!» — деди дарвозадан ичкари кириб. У қўриқлаш бўлинмаси ходими, Зиёевнинг қариндоши эди.

Зокир туйқус таҳликага тушиб: «Атанда», — деди-ю, эшиқдан ўқдек отилиб чиқиб, девор томонга қараб югурди. Бу ҳолни кўрган милиционер «Тўхта, кимсан? Ҳой, тўхта деяпман сенга!» деб қичқирганча таъқибни бошлади. Зокир бор кучи билан юқорига сакраб, баланд деворга тирмашди ва бир амаллаб ундан ошди. Таъқибчи дарвоза томонга югурди. Зокир кўча бўйлаб жон-жаҳди билан қоча кетди. Милиционер ҳарчанд уринмасин, ўғрига ета олмади. У таъқибга чап берди ва тезда кўздан ғойиб бўлди.

Деразадан безовта қараб турган Сангин таъқибчининг ёлғиз экани, ҳовлига бошқа кимса бош суқмаганини кўргач, ташқарига қараб отилди. У машина кутиб турган жойга ҳаллослаганча етиб келди. Аммо шериклари аллақачон жуфтакни ростлашган эди.

Ҳамтовоқларининг уни ёлғиз ташлаб қочгани Сангинга жуда алам қилди. Кўнглида уларга нисбатан адоват уйғонди.

— Туллаклик қилиб, гапни кўп чалғитма! Омад чопибди, бундан қувонмоқ керак! — деди Геркулес илжайиб. — Лекин шуни яхши бил, қўлга киритган ўлжангга биз ҳам шерикмиз. Операцияни ўйлаб топган ким? Вазиятни қайта-қайта ўрганиб, билиб келган-чи? Шундай экан, тантилик қил, Сангин. Йўқса!..

— Ишон, шеф, — деди у дадил. — Ҳеч қандай ўмариш бўлмади. Бу гал айғоқчинг янглишганга ўхшайди. Ўзимиз зўрға қочиб қолдик.

— Сафсатагга мени лаққа ишонди, деб ўйлаяпсанми? — деди Геркулес шашти сўнганидан пешонаси тиришиб. Ҳеч нарса ундиролмаслигига кўзи етгач, қаҳрланиб жаҳди кўзиди.

— Бил, агар алдаётган бўлсанг, аяб ўтирмайман. Эртагаёқ ҳаммасини аниқ билиб оламан. Қайси ковакда бўлмагин, барибир топаман.

Геркулес асабий қўл силтаганча, ерга тупурди-да, шитоб билан юриб кетди.

Сангин хаёл сурганча қолди. Агар Геркулес бор гапни билиб олса, соғ қўймайди. У ўғрилар удумига шак келтирган ҳисобланиб, жазоланиши аниқ.

— «Бўлар иш бўлди, деди у кўнглида, омон бўлсам, бир гап бўлар»...

\* \* \*

Жасур бошқаларнинг фикрини икки-уч қадам на-ридан бемалол уқий оларди. Лекин бунинг учун кўзла-ган одамига ўзининг бутун диққат-эътиборини қарат-моғи лозим эди. Шу боис, у дуч келган одам фикрини англашга кўп қизиқавермасди. Агар бирор одам унда кўпроқ қизиқиш уйғотсагина, гоҳо кимнингдир фик-рини билишга, майл-истак бўлган тақдирда, ёки ён-вериди бораётган нотаниш одамдан шубҳаланганда ўзи-нинг ноёб қобилиятини ишга соларди. У кўчаларга кўп чиқавермасди. Зарба топшириқ берса, ёки ўзи-нинг зарур юмуши чиқиб қолсагина чиқар, иши бит-дими, яна тезда изига қайтарди.

Жасурнинг ўзидан кўнгли анчайин тўқ эди. Хавф-хатарга дуч келиб қолганда у қадар чўчимасди. Чунки, синашта, сирли қуроли бор, истаса унга тўсиқ бўлган рақибни бир зумда қарахт қилиб, тилсимлаб, гўё ўзи ҳеч нарса кўрмагандек йўлида давом этаверарди.

Бугун у хушвақт эди. Чоржўй шаҳрига сим қоқиб, Зарба билан телефонда гаплашмоқчи бўлди. Тутинган садоқатли акасини қўмсар, Кичкинанинг у билан гап-лашмаганига роппа-роса бир ҳафта бўлганди. Шаҳар-лараро телефон-автомат станцияси шаҳар марказида жойлашган эди. Шунинг учун у шу йўналишда қат-новчи автобусга чиқди. Йўловчилар сийрак. Кичкина ўртароқдаги бўш ўриндиққа ўрнашиб олди. Уйда ўти-равериб, зерикканиданми ёки анчадан бери ҳеч ким билан ҳамсуҳбат бўлмагани боисми, у ён-теварагидаги йўловчиларга алақандай қизиқиш билан боқарди. Ол-диндаги ўриндиқда мудраб ўтирган озгин йўловчи диқ-қатни тортди. Унинг фикридан қуйидагиларни уқиб олди: «Судья жуда ҳаромхўр, олғир экан. Укамнинг қамоқ муддатини беш йилга камайтирганига шунча пулни қуртдек санаб олди-я, ноинсоф».

«Ғами оғир экан, бу амакининг»,— дея хаёлидан ўтказди Кичкина.— Наҳанг ориз судья ким бўлдийкин?



У яна қизиксиниб, овир ўй, хаёллар гирдобида мудраб бораётган бояқишнинг фикрини уқишда давом этди.

«Шунча пулгаям, бу оз-ку, деб зўра кўнди-я, зангар Эрматов. Майли, укажонимнинг бошидан садақа. Ҳар ҳолда муддати камайди-ку. Энди кўтарган қарзларимни қандай қилиб узсам экан?..»

«Эрматов дегани чатоқ судья экан, кўнглидан ўтказди», Кичкина.

У яна ён томондаги хушбичим ўрта ёшли аёл билан қизикди. Аёлнинг фикри ўзгача эди. «Оҳ, жазманим зўр. Ҳақиқий эркак. Эркалашлари, пияниста эримга асло ўхшамайди. Бағрида роса роҳат қилдим-да...»

Жасур бир ижирганиб олди. Аёлга нисбатан дилида нафрат туйди. Энди унинг диққатини аёлнинг ёнида ўтирган нозиккина жувон ўзига жалб этди. Бу ҳам бузуқ аёллар хилиданмикан, дея Жасурнинг дилини шубҳа қоплади. Адашмаганди. Жувон сумкачасидан кўзгу олиб, юзига оро бера бошлади. Кўринишидан кайфияти чоқ, аланарсадан мамнунлиги билиниб турарди. Жасур унга тикилиб қаради. «Газмоллар бўлимига эга бўлсам, ошиғим олчи бўларди-да. Мудирим йўқ, демайди. Шартга рози бўлармикансиз, деди. Шарти қанақалиги аён. Биламан, у Дон Жуан. Кўпдан бери — менга эришиш ниятида юрибди. У билан дон олишсам, лаңдавур, лапашанг эрим билиб ўтирибдими?..»

«Манжалақи — жаҳл билан ичида койинди, Жасур. — Хотинларнинг бари бир гўрми, дейман. Йўғ-е, ҳаммасиям шундай эмасдир».

Жасурнинг дили хуфтон бўлганди. Бошқаларнинг фикрини уқиш жонига тегди. Энди у ёнидагиларнинг суҳбатини тинглай бошлади.

— Эгизакларим кеча бирдан жикқамушт бўлиб кетишди, — деди бири. — Тинчликми, деб сўрасам, арзимаган гапга можаро қилишибди. Ҳасанимнинг номига келган хатни Хусан очиб ўқибди. Хўш, хатингнинг бир чеккасини узиб емабди-ку, шунга шунчалик ур калтагу, сур калтакми, дея зўра тинчитдим уларни.

— Арзимаган баҳона эмиш! — деди унга жавобан ҳамроҳи. Ака-укалар бир-бирининг номига келган хатни очиб ўқиш учун маънавий ҳаққи йўқлигига фаҳми етибди-ю, Сизнинг уларга берган ўгитингизни қаранг. Қойил-э!..

«Маънавий ҳаққи йўқ! Тўғри айтаяпти, шекилли кўнглидан ўтказди Жасур. Хўш, мен-чи? Истаган одамнинг сирини билиб олишга маънавий ҳаққим борми? Асло!»

Унинг дили ғаш тортди. Ўз-ўзидан норози бўлиб, қаттиқ изтироб чекди. Зарба билан ҳам телефонда хомуш гаплашди. Акаси «эрта-индин бориб қоламан» — деган эди, кўнгли бир оз ёришди. Сухбати сўнггида Геркулес орган томонидан ҳануз қидирилаётганини айтди.

У кўчага чиққач, табиати нечундир яна хира тортди. Ўз-ўзидан кўнгли тўлмаслик ҳисси уни батамом қамраб олганди. Ҳалига қадар фахрланиб юргани, ўзида мужассам бўлган сеҳрли, мўъжизавий хусусиятни энди чинакамига ёқтирмай қолди. Нақадар кўрқинчли ва жирканчли кучга эга экани ўзига даҳшатли туюлди. Жасур ўз хаёлларига берилиб кетиб, эҳтиёткорликни унутиб қўйган эди. Бир пайт озғин новча бир киши ҳаллослаб келиб, уни тўхтатди.

— Кичкина, нағма-усул кўрсатмай, қулоқ сол! — деди у Жасурга дағдаға билан. — Агар менга бирор қилиқ кўрсатсанг, ўлдим, деявер. — У ишора қилиб, йигирма одимча нарида турган бадқовоқ шеригини кўрсатди. — У отишга уста.

— Мендан нима истайсиз? — сўради хиёл чўчиб Жасур.

— Ҳозир мен билан борасан! — деди нотаниш нусха яна дағдағага ўтиб. — Қолганини кейин биласан!

Жасур бир оз гарангсиб турди. — «Энди тамом, яна Геркулеснинг қўлига тушдим, деган хаёл кечди унинг кўнглидан. Бу касофатни зумда ухлатиб қочсам, шеригига чап бера олармиканман. Бирдан тарс этиб отиб қўйса-я, унда ўламан-ку! Бунинг нияти нима ўзи? Хаёлидан ҳеч нарса кечирмаяпти. Майли, ҳозирча итоат этай-чи, кейин бир гап бўлар...»

Жасур ноилож йўлтўсарнинг олдига тушди, Бояги одам: «Қутулиб кетишни ўйлай кўрма. Шафқат қилиб ўтирмайман», — деб уни қатъий огоҳлантирди.

Улар Рўғангарон маҳалласига етгач, сариқ «Жигули»га ўтиришди. Шу пайт, уларни кузатиб юрган кимса ҳам мотоциклда «Жигули» ортидан тушди.

«Жигули» икки-уч маҳаллани ортда қолдиргач, Жасур билан кейинги ўриндикда ўтирган бояги новча киши қўйнидан қора қийиқча чиқариб Жасурнинг кўзини боғлади. Кўп вақт ўтмай машина қандайдир ҳовлининг ёнида тўхтади. Жасурни кўзи боғлиқ ҳолда машинадан туширишди. Икки киши унинг икки тирсагидан тутиб, етаклаганча ертўлага олиб тушишди, сўнг кўзидаги қора қийиқни ечиб олишди.

Ертўла деворлари, сатҳи ҳатто усти ҳам сидирга бетондан мустаҳкам қилиб қурилган. Ичи хийла дим, кўнгилни беҳузур қилувчи зах ва яна алақандай қўланса хид димоққа уриларди.

Жасур янглишмаганди. Дарҳақиқат уни олиб келганлар Геркулеснинг югурдаклари эди. Унинг кўзи Сангинга тушди. Жасур уни ёқтирмасди. Сангин ертўла тўрида бемажол ётар, қорамағиз юзлари моматалоқ бўлган, эгнидаги кийими йиртилиб кетган, кулранг қўйлагининг у ер, бу ерида қон довлари...

Жасур бир лаҳза ҳайрон бўлиб қолди.

Бир маҳал юқорида тарақ-туруқлаган товуш эшитилди. Ертўлага тушувчи қопқоқ эшик очилиб, ўзини банди этган одам ва унинг изидан ёқасидан кўкрагининг жунлари кўриниб турган, ёноқлари қип-қизил, ширакайф Геркулес тушиб келди.

— Менинг чурвақам, Кичкина! — деди у масхараомуз оҳангда айёрона жилмайиб ва Жасурнинг иягини мушти билан юқорига кўтарди. Жасур миқ этмай тураверди. Мана, кўрдингми, мен истаган кишимни ернинг остидан бўлса-да топа оламан. Кейин уни изимга юрдирмасдан қўймайман ҳам.

Геркулес ертўлага тушувчи ёғоч пиллапоя тутқичига суянганча иршайиб турган шеригига им қоққанди, у тезда қойиб бўлди. Геркулес олайган қонталаш кўзларини Жасурга вазабнок тикди.

— Шуни яхшилаб эшитиб ол, чурвақам — деди у яна таҳдидли оҳангда. — Темир йўл вокзалида кўрсатган қиливинг учун бошлаб таъзирингни бериб қўйишим керак эди. Аммо ундай қилмайман. Ҳоҳ иста, хоҳ истама, нимаики буюрсам, бўйин товламасдан бажарсан. Энди сен учун ёлғиз биттагина йўл бор. Мендан ё ўлиб қутуласан, ёки жимгина итоат этиб йўри-

гимда юрасан! Яна айтиб кўяй, энди қочишга урина кўрма, бефойда. Бу ердан осонликча чиқиб кетиб бўпсан. Ишонган тоғинг Зарбадан нажот кутмасанг ҳам бўлади. Кўрдингми, у зўр келгач, сени ташлаб бошқа юртта шаталоқ отиб қолди. Борди-ю, яна бирор нарма-ю, хунар кўрсатиб, қочишга уринсанг, ўзингдан кўр!

Ҳозирча ётар-турар жойинг мана шу ертўла. Анави вирром Сангин билан зерикмассан. Агар бундан кейин хаёлингни жойига қўйиб ақл билан иш тутсанг, балки аввалгидек эъзозда бўларсан. Йўқса!.. Энди тушунгандирсан мени? — деди.

Геркулес ертўлани тарк этди. Жасур тик оёқда турганча нима қиларини билмай, узоқ фурсат хаёлга чўмди. Сангинни уйротиб, у билан гаплашмоққа жазм қилди. Лекин у уйғонмади. Жасур ўтириб, ертўланинг муздек деворига суянди. Қандай қилсам, бу ердан қутулиб кета оламан, ваҳм аралаш ўй сурди у. Мақсади нима Геркулеснинг? Шартини айтмади-ку. Дарвоқе, бурунгидек хизматимни қиласан, дегандек бўлди-я. Унинг айтганига кўнсам, лафзимдан қайтган, бевурд бўлиб қоламан-ку. Бекорларни айтибди, энди бундай бўлмайди, мен унинг ножўя ишларига шерикчилик қилмайман.

Зарба билан бўлган суҳбати ёдига тушди; «Биласанми, сендаги ноёб қобилият эзгу ишларга сарф қилинса, жуда наф келтирган бўлур эди, — деганди ўшанда Зарба. — Айниқса, ҳақиқатни қарор топтиришда ўғри, муттаҳам, қотилларни фош этишда, Геркулесдек баъзи жоҳил, маразларнинг кўзларини мошдек очиб қўйишда сенинг катта фойданг тегиши мумкин».

«Рост номардларнинг кирдикорларини очишда менинг қобилиятим қўл келади-ку! Бирор ножўя иш қилмасам, одамларга нафим тегадиган, фойдали, юмушларга қўл урсам, дуруст-ку!..

Қарчиғай уйга қайтмаганлигимни билиб, албатта мени излашга тушади. Содиқ акам ҳам эртага етиб келади. Биргалашиб қидиришади. Геркулесга энди бўйин эгмайман».

Кечга бориб, Жасурнинг кўзини яна қора қийиқча билан боғлаб ертўладан юқорига олиб чиқишди. Гер-

кулес ароқ ичиб ўтирарди. Ёлғиз қолишгач, Геркулес Жасурга мақсадини айтди. У эса рози бўлмади.

— Қайсарлик қилиб, бекорга йўқ дея бош сараклатма, ўзингга жабр бўлади, — пўписага ўтди Геркулес. — Айтган ишни қиласан, гап тамом.

Жасурга берилган топшириқ — Сангиннинг ўғирлик нарсаларини яшириб қўйган жойини, билиб бериш эди. «Иккиси ҳам ғирт ўғри, бирининг мақсади — иккинчисини талаш, — дея ўзича фикр юритди Жасур. — Геркулесни гап билан чалғита олармиканман. Сангиннинг хазинасини билиб олган тақдиримда ҳам Геркулесга айтмаслигим керак...»

Жасур яна икки киши кузатувида ертўлага тушди. Сангин писмиқ уйроқ, ертўла деворига беҳол суянганча сигарет тутатиб турарди.

— Сен ҳам менинг ҳолимга тушдингми, а, болакай? — деди. Сангин унга алақандай хавотир билан боқиб. — Сендан нима исташяпти, ёки қочиб юрганинг учун ўч олмоқчимми?

— Шунақага ўхшайди, — деди Жасур мужмал қилиб. — Боя эшитмадингизми гапларини...

— Эшитдим, — деб ғудранди ҳафсаласиз. — Вокзалда боплаб тузлаб қочганмидинг уни?

— Ҳа, — дея ботинмайроқ жавоб қилди Кичкина. — Сизни нега қийнашяпти?

— Ўйиндан чиқмоқчи бўлганим учун, — деди Сангин ертўла шифтига ғамгин термулганча. — Бир ҳафтадирки, азоб беришяпти. Битта бойваччанинг уйини таламоқчи бўлувдик. Фалокат юз берди, зўрға қочиб қутулдик. Шеф бўлса, йўқ ўлжани менда деб ўйлашяпти.

Лекин Сангин Геркулес айроқчиси унинг ҳужрасидан қора осма сумкасини топиб келтирганини билмасди. Ўлжа шу сумкага жойланган эди-да, ахир. Унинг «Сумкани ташлаб қочдим», деган баҳонаси пучга чиққан. Геркулес бунни ундай сир тутаётганди.

— Сангин гап мавзуини бошқа ёққа бурди. — Сен чиндан ҳам Зарба билан биргамисан, ёки?..

— Зарбанинг юйиб бўлганига анча бўлди, — ёлғонга кўчди Жасур. — Қаёққа кетаётганини айтмаган эди. Якка ўзим пана-пастқамларда тентираб юргандим, қўлга тушиб, мана сиз билан ҳамсуҳбат бўлиб ўтирибман.

— Ҳа, энди бу ғаддор Геркулес домидан қутулиб кетиш қийин, — деди Сангин чуқур сўлиш олиб. — Ҳали нима ҳунарлар кўрсатмайди, дейсан бизга у. — Илож қанча, пешонада борини кўрамиз.

Эртаси Жасурни яна юқорига олиб чиқишди.

— Хўш, вайса-чи, нималарни билиб олдинг у тозидан? — сўради Геркулес сабрсиз алпозда. — Тезроқ сўзла!

Жасур аввалига эски ҳукмдорига айбдорона боққанча қимтиниброқ турди. Кейин ютиниб олгач, аранг гапга кўчди. Лекин чинга ёлғонни кўшиб-чатиб сўзлади.

— У сизни мараз деб сўқди. «Ўғирликни бир шерик билан эплаганимдан куяяпти. Органга ўғирликни икки киши қилгани аллақачон маълум. Геркулес эса ўмарилган нарсага эга бўлмақчи. Улушларини қўлга киритгач, қасамни буздинг, деб баттар қутуради. Мени бир балога гирифтор қилмасдан қўймайди. Шу боис миқ этмайман. Ўғирлик нарсаларни олиб бўпти...!», деган қатъий фикрда Сангин, — деди Кичкина. — Ҳозирча ундан билиб олганларим шулар, холос.

«Зуғум кишини не куйларга солмайди, — ўйлади Қорахон, — бир пўписа билан қайишиб қолди, чурвақа. Тобе бўлмай ҳам кўрсин-чи! Бошланиши чакки эмас. Хуфёна кўп сирларни билиб беради бу ҳали. Феъли терсроқ бўлса-да, эсли-хушли бола. Буни энди қўлдан чиқармаслигим керак!..»

— Тезроқ Сангин писмиқдан нарсаларни яширган жойини билиб олишга урин, — деб буюрди Геркулес. — Агар буни бажарсанг, айбингни ювган бўласан...

Жасур ночор илжайди. Аслида эса Сангиннинг ўйларидан кўп сир-асрорларини билиб олган эди.

\* \* \*

Қорахоннинг сўнги қароргоҳи пахтачилик тажриба станцияси яқинидаги Ширбудин маҳалласида эди. Ҳовли маҳалла четида жойлашган бўлиб, хавф-хатардан холи, кириб чиқилганда кишига ўзгалар назари тушмайди, кўча томонидаги деразаларга гулли тўр парда тортилган, ташқаридан қаралса хоналарда одам бор-йўқлигини билиб бўлмасди. Уйнинг кўча томони қалин

ва бўлиқ жонли девор билан қуршалган. Ям-яшил тўсиқ девор деярли деразаларнинг токчаси билан баробар. Бу уй қотмадан келган, эпчил ва жаҳддор Юсуфга тегишли эди. У безорилиги учун ўтириб чиққанлардан бўлиб, Геркулеснинг эски ҳамтовоғи, лекин бетоблиги сабабли кўпдан бери талончилик ишларига аралашмай қўйганди. Касби электрпайвандловчи. Хотини муросаси келишмай, икки боласини етаклаган кўйи отасиникига кетиб қолган. Орадан бир ой ўтган бўлсада, ҳали қайтмаган.

Жўрабоши бўлган эски оғайнисидан Қорахон илтимос қилганди, у ҳеч иккиланмай бошпана берди.

Баланд иморатнинг пойдевори ости ертўла. Унга пойгак томондан махсус зина орқали тушилар, ертўлага тушувчи тўйнуқ эшикчасимон тахта қопқоқ билан бекитиларди. Қопқоқ ёпилганда, у пешайвон поли билан бир текис бўлиб кўринар, умуман, бу хона ости ертўла эканлиги сезилмасди. Сангин билан Кичкина ана шу ертўлада сақланмоқда эди. Кичкинани Юсуф қўлга олганди. У Қорахоннинг шартига тез кўна қолди. Чунки, пулдан қисиниб юрганди. Бир ҳисобда у кўрқмаса ҳам бўлади, хавф-хатардан йироқ. Негаки, бу ишда унинг шерикчилиги йўқ, талончиликда қатнашмаган. Иккинчидан, Геркулес Сангиндаги ўғирлик молни тортиб олгач, бу ерлардан тезда қорасини ўчирмоқчи. Ваъдага кўра Юсуфга ҳам бир қисм улуш насиб этарди. Юсуф шундан умидвор бўлиб, Геркулес хизматида елиб югурарди.

\* \* \*

Кичкинадан ҳадеганда дарак бўлавермагач, Қарчиғайнинг кўнглига ғулу тушди. Уни милиция ёки Геркулес қўлига тушган деб, гумон қилди. «Наҳотки, у яна Геркулес панжасига илинган бўлса? Шаҳардан қорасини ўчирди, деб суюниб юргандим-а. Кетмаган экан-да»...

Қарчиғай қўл қовуштириб ўтиришдан фойда йўқлигини англаб, Жасурни излашга тушди. Геркулеснинг барча борар жойлари унга аён эди. Дўппи тор келиб қолганда у эски ошналарининг қайси бириникидан паноҳ топишини ҳам Қарчиғай яхши биларди. Шу боис, у Геркулес кўрқмасдан кўноқ бўлишни ўзига эп кўра-

диган жойларни бирма-бир кузатувдан ўтказди. Аф-суски, Геркулесдан ҳам, Кичкинадан ҳам дарак тополмади. Қарчиғай тасодифан дўконда Юсуфни учратди. Дўкон гавжум эди, шунинг учун ҳам Юсуф уни кўрмади. «Бир маҳаллар бу найнов Қорахон билан иноқ, дўст эди-ку, — деган фикр кечди Қарчиғайнинг кўнглидан. Унутиб қўйганимни қаранг-а, Геркулес балки уникидадир?»

Қарчиғай Юсуф изидан тушди. Унинг ҳовлисини панадан туриб кун бўйи кузатди. Осойишталик. Дарвозадан Юсуфнинг ўзидан бўлак кишининг кириб-чиққанини кўрмади. «Бола-чақаси қани? Улар кўринмайди-ку? Ёки бирор ёққа кетишганмикан? деб ўйлади у. — Ҳовли ичида ақалли бирор киши бўлиши керак-ку, ахир...»

Қарчиғайнинг кўнгли бир нарсани сезгандек гаш тортди. Шубҳаси ортиб уйни кузатишда давом этди. У Юсуф уйда йўқлигида хонанинг ҳовлига қаровчи деразаларидан бирининг дарчаси атиги бир марта очилиб ёпилганини сезди. Сўнг «Уйда Юсуфдан бўлак кимдир бор», деб ўйлади. Танҳо ўзи ҳовли ичига киришга журъат этолмади. Уйда яна ким бўлиши мумкин? Буни билиш учун қулай вазиятни кутишга қарор қилди. «Қанийди, ҳозир Зарба бўлса эди...»

Кейинги кунлар ичида Қорахоннинг оймчаси Зарифа Юсуфникига серкатнов бўлиб қолди. Аммо у ўзининг хуфиёна кузатилаётганлигидан хабарсиз эди. Унинг уйда Қорахоннинг бўлгани фош бўлгач, капитан Тўлаганов Зарифа билан икки марта гаплашди.

Зарифа иккиланмади, айтган гапида қатъий турди.

«Қорахон билан танишлигим, алоқам, фақат у билан ора-чорада очиқчасига дон олишиб юришим холос. У ўз ишлари хусусида менга умуман ҳеч қачон ҳеч нима айтмаган. Мен ҳам қизиқиб сўрамаганман», — деди.

Зарифанинг ўғирлик молларни хуфиёна сотишда ҳам қўли борлиги аниқланганди. Бу борада гувоҳлар мавжуд, етарли далиллар тўпланган эди. Аммо унинг Геркулес тўдасидан кимлар билан алоқаси борлиги мавжум бўлиб, Қорахон билан бошқа жойда пинҳона учрашиб қолиши эҳтимоли борлиги назарда тутилган. У қўлга олинмаган бироқ изидан одам қўйилганди.



Қорахондан Зарифага хабар етказилгач, у гўё қанот чиқарган қушдек айтилган ерга етиб келди.

— Ишимдан жавоб олиб, тўғри шу ерга келяпман, — деди у севинч билан. — Чамамда ишингиз бир оз алғов-далғовроқ эди, тинчиб кетдимми?

— Тинчиганича йўқ ҳали, — деди. Қорахон хо-муш. Геркулеснинг ойимчаси билан учрашишдан муддаоси унинг уйида бўлган изқувар тўғрисида сўраб суриштириш эди.

— Хўш, гапир-чи, дўндиргим, сени мен туфайли безовта қилишдимми?

Зарифа бор гапни миридан сиригача баён этди. Хуллас, у сўроқ пайтида бир гапда туриб олганини, энди у шубҳаю гумондан бутунлай холи бўлганини, орган у билан бошқа қизиқмай қўйганини, ҳатто, бир неча кун изимдан пойлоқчи қўйишмадимикин, деб бекорга хавфсираб юрганини сўзлаб берди. Геркулес зийрак жононидан кўнгли тўлиб, уни эркалаб бағрига тортиди.

Аммо Зарифа тўғрисидаги янги хабарлар алақачон ички ишлар бўлимига етказилган эди.

Зарифанинг Юсуф Баҳромов уйига кириб чиққани подполковник Султоновни ниҳоятда қизиқтириб қўйди.

Эртаси куни у қўлга олинди. Бу ҳолдан Зарифани ваҳм босди. «Сезишдимикан?..» гумон оралади кўнглига. Уни яна капитан Тўлаганов сўроқ қилди. Капитан гапнинг пўскаласини гапирди қўйди. У Зарифани айбнома билан таништирди. Зарифадан Юсуф Баҳромов уйига нега борганини ва у ерда ким билан, нима мақсадда учрашганини суриштирди. Унинг олдида бир неча суратларни ёйиб ташлади. Суратларда Зарифанинг Юсуф дарвозаси олдида тургани, ҳамда мезбон билан уй ичига кириб кетаётгани акс эттирилганди.

Инкор қилиб бўлмас бундай далиллар Зарифани бирдан додиратиб қўйди. «Кетимдан тушишган эканда булар. Бор сир-асроримни билиб олишибди. Энди адои тамом бўлдим. Ҳаммасига ўлгур Қорахон саба-чи» эзилиб ўйлади у. Кейин бирдан тилга кириб ёлворганнамо жаврай бошлади. — Нима, энди мени қамай-сизларми? Ростини айтсам, айбимни юмшатишадими? Мени шундай балоларга гирифтор қилган ўша Қорахон бўлади. У мени кўрқитди. Агар гапимга юрмасанг,

айтган ишимни бажармасанг, ўлдираман, деб дағдага қилди. У бу нарсаларни пуллаб беришга мажбур этди мени. Агар бор гапларни сизга айтганимни билиб қолса борми, мени асло соғ кўймайди. Энди нима қилман-а, худойим? Илоҳи қон қусиб ўл, Қорахон!».

Хуллас, Зарифанинг айтишича Юсуфнинг уйида яшириниб юрган Қорахон экан. Геркулеснинг ҳузурига чақиртиришдан мақсади, милиция ходимлари ундан нималарни сўраб-суриштирганини билиш эканлигини маълум қилди.

Капитан Зарифадан ёзма равишда кўрсатма олгач, унинг ишини терговчи Фармоновга топширди.

Қуёш бота бошлаган эди. Қўлга олиш гуруҳи шошилишга йўлга тушди. Юсуфнинг ҳовлиси атрофи бир зумда қуршаб олинди. Изқуварлар ўта сергаклик билан операцияни бошлашга шай бўлиб туришди. Аввалдан келишиб олинган топшириқ бўйича ҳаракатта тушишди. Маҳалла оқсоқоли шоп мўйловли чол дарвоза қабзасидаги тутмачани босди. Юсуф уйда экан, ҳовлиқданча чиқиб, баланд овозда «ким» — деди.

— Юсуф, болам, бу мен, бир қараворинг, — овоз қилди оқсоқол.

Юсуф оқсоқол овозини дарров таниди. Уни одатдагидек тўй-дўйга хабар қилгани келган бўлса керак, деб ўйлади чоғи. Эмин-эркин дарвозанинг дарча табақасини очди. У ташқарига чиқиши биланок, кўкқисдан икки киши унинг кўлларини орқасига қайирди.

— Қўйворинглар! — атай чинқирди Юсуф.

Тўр парда ортидан ташқарига кўз-қулоқ бўлиб турган Қорахон хавфни сезиб, саросимага тушди.

«Оббо, ҳид олишибди-да, лаънатилар, — деди ижирғанганча. — Фафлатда қолдиришди. Қаёқдан билишдийкин!? Юсуф сотдимикан? Йўғ-эй! Қўлга тушсам соб бўлдим ҳисоб. Қочиш керак!..» Кўнглидан кечди унинг.

У билан уйда сепкилдор доғули Зокир қолганди. У Геркулеснинг айроқчиси, айна чоғда эса шахсий кўриқчиси ҳам эди.

— Тезда девордан ошиб қоч! — буюрди унга Геркулес ўкирганча. Зокир буйруқни бажаришга улгурмади. У эшикдан ўқдек отилиб ташқарига чиққанда икки изқувар алақачон ҳовлига кириб улгурганди.

«Тўхта, ўрнингдан қимирлама!» Отаман! — деган хитоб янгради. Аммо Зокир буйруққа итоат этмай, шиддат билан ҳовли этагига қараб югурди. Девордан сакраб ошишга улгурди холос. Девор ортида эса пис-тирмага дуч келди.

Қорахон фурсатдан фойдаланиб қочмоқчи бўлди. Кўча тарафдаги бир дераза панжарасининг миҳлари олдиндан атай олиб қўйилганди. У омонат турган панжарани юлқиб олиб пастга қўйди-да, шоша-пиша деразани очди. Сўнг, у ўзининг оғир гавдаси билан аранг дераза тоқчасига кўтарилди. Нияти пастга шўнғиб, ура қочиш. Зарур келса қаршилиқ кўрсатишдан ҳам тоймайди. Қуроли ўзида. Энди шитоб билан пастга сакрамоқчи бўлганди, ташқарида пойлаб туришганини сезди. Биргина нажот йўли қолганди. У жон талвасасида кучининг борича олдинга сакради-ю, икки одимча наридаги жонли девор устига кўкраги билан гуп этиб тушди. Оғир гавдаси бир-икки марта гайритабиий тўлганиб, силкинди. Кейин ингроқ, мунгли сас, эшитилди-ю, туйқус тинчиб қолди.

Бу фалокат бор-йўғи бир неча сония ичида юз берди. Ҳатто, ҳамлага чоғланиб сергак турган икки изқувар ҳам вафлатда қолди. Фавқулодда бундай қалтис вазият содир бўлишини ҳеч ўйлашмаганди.

Геркулеснинг икки қўли деразанинг тоқчаси бара-вар баландликдаги жонли деворнинг иккинчи томони-да шалвираганча осилиб қолганди. Оғзи-бурнидан эса тирқираб қон оқарди. У буталар тўлиқлигидан кўзга чалинмайдиган: учлари найза шаклидаги темир панжара борлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. Жонли девор ҳосил бўлмасдан олдин бу панжара ўрнатилган ва у шу ўрнатилганича қолиб кетганди. Ана шу панжаранинг найзасимон учларидан бир нечтаси Геркулеснинг баданига ўткир тигдек санчилганди.

Аслида унинг мақсади бир сакрашда жонли девордан ошиб ўтиб, қочмоқчи эди.

Қорахон Тонготаров, яъни Геркулеснинг қочиб қутулиб кетиш илинжида уринган бутун саъи-ҳаракати зое кетди. Не-не гуноҳсиз одамлар қалбига ваҳима солиб келган, бу одамни даҳшатли ўлим ўз домига тортди. Аммо у ўзи билан жирканч қилмишлари ҳақидаги не-не сир-асрорларни ҳам олиб кетди.

Тасодифни қаранг, бу ерга, Жасурнинг бор-йўқлигини билиш ниятида Зарба билан Қарчиғай ҳам келишганди. Уларнинг келиши изқуварлар билан деярли бир пайтга тўғри келди. Бу тўс-тўполонли ғаройиб манзарани иккиси хийла узоқдан, кўчанинг нариги бетидаги кичкина чорбоғча ичида туриб кузатишди.

Улар уч изқувар Жасур билан Сангинни дарвозадан олиб чиқишаётганда кўриб қолишди.

— Бир оз кечикдик, — деди Содиқ Чинқулов афсус билан бошини тебратганча чуқур хўрсиниб. — Бизни кечир, менинг кичкина Жасурим!

Содиқнинг узрини қувватлаб, атрофда яна бир мунгли нидо таралди.

— Кечир... кечир...

Бу Жасурга ич-ичидан куйинаётган Қарчиғай Толиб Бўроновнинг нидоси эди...

1986 йил.

## БИР ТУН ФОЖИАСИ

(Воқеий қисса)

Бу воқеа собиқ совет тузуми даврида, бундан бир неча йиллар илгари қишлоқ туманларидан бирида бўлиб ўтган эди.

ТЕВАРАК — атроф қоп-қоронғи<sup>1</sup>.

Йўлнинг нариги томонидаги паст-баланд уйлар ортига уланиб кетган бепоён ўтлоқда чигирткалар тинмай чириллайди. Ўткинчиларнинг узун-қисқа оёғи узилгач, қўча тинчиди-қолди. Калта бўйли одам шундай қулай фурсатни сабрсизлик билан кутарди. У ҳадиксираб атрофга мўраллади. Жимжитлик. Ишга киришса бўлади. Лекин у шошилмади. Ёш боланинг муш-тидек қўлда ясалган чўнтак ёритгичини ёқди. Чўнтагидан чарм қўлақопни олди-да, ўнг қўлини тиқиб бармоқларини бир-бир жойлади. Сўнг туфлисига эҳтиёткорлик билан духоба матони — филофни кийиб боғични илигига боғлади. Бутун вужуди қулоққа айланиб ташқарига боқди. Ҳеч қандай хавф-хатар қолмаганига ўзида яна бир карра ишонч ҳосил қилди. Шу пайт узоқ-узоқлардан булутлар чокини ёриб момақалдироқ гулдираётгани элас-элас эшитила бошлади. Кўп ўтмай чигирткалар овози тинди. Момақалдироқ сурони бу ерга ҳам етиб келиб, чақмоқ чақди, кетма-кет шамол аралаш баҳор ёмғири қуя бошлади. «Айни муддао» кўнглидан ўтказди у ва аввалдан мўлжаллаб қўйган хона томон юрди. Эшикка яқинлашгач камзули чўнтагидан калитлар шодасини олиб қулфни очишга тутинди. Бир... икки... уч.. ниҳоят, калит қулфга тушди. Хона бурчагида иккита катта темир сандиқ ёнма-ён турарди. Бу хона кўздан нари, алоҳида хоналардан бири бўлиб, ташқарига дераза қўйилмаган, ёритгич билан бемалол ишлаш мумкин эди.

<sup>1</sup> Асар С. Сулаймон билан ҳамкорликда ёзилган.

Пакана киши ҳеч иккиланмай тўғри сандиқлар ол-  
дига борди. Сандиққа қисқа кўз югуртиргач, қўйни-  
дан чарм қопчиқни суғурди. Қопчиқда темир сандиқ-  
нинг мураккаб қулфларни очишга мўлжалланган мах-  
сус асбоб-ускуналар — эгов, темир тешадиган ихчам  
парма, темир айирғич ва бошқа нарсалар бор эди. У  
ёриттични сандиққа тўғрилади. Иккала сандиқ эшиги  
ҳам муҳрланган. Бир зум сандиққа тикилиб қараб ту-  
рар экан, пакана ўзини ғалати ҳис қилди. Нимагадир  
қўрқув босиб юраги дук-дук ура бошлади. Бунини у яққол  
эшитиб турарди. Одам ўлдирганда ҳам бундай кўрқма-  
ган эди. Ёруғда бармоқларини ҳаракатга келтириб  
кўрди, қалтирамаяпти. Асосийси шу, бу ёғи осон кў-  
чади.

У ишга киришиб кетди. Учи илгакли бир мослама  
калит симни чап томондаги сандиқ қулфига аста,  
эҳтиёткорлик билан солиб, энди ўнг томонга бурай  
бошлаганди, бирдан ташқари эшик тепасидаги электр  
қўнғироқ жаранглаб кетди. Атроф ларзага тушди. Ўғри  
турган жойидан электр симини ушлаб олгандек бир  
сапчидию орқага тисарилди. Олайиб кетган кўзлари  
косасидан чиққудек алоқ-чалоқ безовталанди. У те-  
мир сандиқлар қўриқлаш нуқтасига уланганини ҳатто  
хаёлига ҳам келтирмаганди. «Жин ургур! Тамом энди!  
Тузоққа илинмасам эди...» дея койинди паст овозда ва  
шоша-пиша шимининг орқа чўнтагига қўл солди. «Хай-  
рият, — деди ўзига-ўзи, — жойида экан». У чўнтаги-  
дан тўппонча чиқариб, шимининг олди камарига, қор-  
нига қистирди. Сўнг ашқол-дашқолини апил-тапил йи-  
виштирди-да, қочмоққа уринди. Аммо кечиккан эди.  
Яна таваккал қилиб ўзини боягина беркиниб турган  
жойи — қоғоз қутилар уюми ортига уриб яшириниб  
олди. Шундагина у кучли саросимага тушиб, қаттиқ  
қўрққанини, бутун аъзойи-баданига титроқ туриб, со-  
виб кетаётганини фаҳмлади. Унинг бошида бир фикр.  
Бу ҳам бўлса фақат қутулиб қолиш эди. Нима қилса  
қилсину, лекин қўлга тушмаслик керак.

«Бутун ҳаётим таваккалдан иборат бўлди. Таваккал  
қилиб яшаб келдим, — ўйларди у, — яна бир марта  
таваккал устига таваккал, қурол ишлатиб бўлса ҳам  
бу ердан қутулиб кетиш керак. Агар қўлга тушсам,  
ҳаммаси тамом, улар мени кечиришмайди... Қамоқдан

бошқа қайтиб келишим эса гумон»... У ўзини анча босиб олди ва леблари беихтиёр пичирлай бошлади.

— Сенга нима бўляпти ўзи, — деди у ўз-ўзига, — бундай оғир вазиятлардан доимо хамирдан қил суғургандек осонгина чиқиб кетгансан. Чораси топилмайдиган нарса йўқ бу дунёда. Наҳотки юрагинг шу қадар пўк бўлиб қолди. Йўқ, қандай бўлса-да, қутулиб кетман! Афсус, олдиндан пухта-пишиқ тузилган режа барбод бўлди. Кўча муюлишида мени ўлжа билан қайтишимни сабрсизлик билан кутаётган шерикларим нима қилишаётганинкин? Улар аллақачон «қуён» бўлиб, қочиб қолишгандир...»

Бу пайт атрэф-теваракни ларзага солиб милиция машинасининг ташвишегоҳ садолари янграётган эди.

Узори билан икки-уч дақиқа ичида милиция ходимлари етиб келиб, атрофни ўраб олишларини у яхши биларди. Шундай бўлди ҳам. Ташқаридан ҳар хил товушлар, итнинг бетоқат акиллагани эшитилди. Уни баттар ваҳима босди.

«Тамом! — ўйларди у, — қўлга тушдим. Имконият-ни бой бериб қўйдим, шекилли... Қўнғироқ жиринглаётганидаёқ дераза ойнасини синдириб, кўчага отилганимда, балки қутулиб кетган бўлардим. Энди олишувга тўғри келмасайди. Тўхта! Яна бир оз кутай-чи, балки чалғита оларман...»

Туман марказидаги универсал дўкон эшиги тепасидаги электр қўнғироқ ташвишегоҳи ишлаб кетгач, Талъатни кўча муюлишида «Жигули»да кутиб турган шериклари игнага ўтиргандек типирчилаб қолишди. Уларни қўрқув босиб, саросимага туша бошлашди.

— Шеф, иш пачава, энди нима қиламиз? — деди шошилиб орқа ўриндиқдаги барваста, япалоқ юзли ўғри.

— Тфу, жин ургур, — койинди чарм камзулли шеф, — онангни... — у бўралаб сўкина бошлади, — нима қилиб қўйди у, шуни ҳам эпллмади-я! Биз уни бошимизга кўтариб юрибмиз. Режамиз чиппакка чиқди. Падарингга лаънат, удалолмади. Тезроқ кўздан йўқолмасак бўлмайди. Сен қолсан! — буюрди орқа ўриндиқдаги япалоқ башарага, — удумимизга хиёнат қилмайлик! Панароқ ерда писиб кузат. Агар қочиб

қолса изидан бора кўрма! «Тўрга» илинса ўзидан кўрсин, унинг ўзи сабабчи. Билиб қайтасан!

Шеф белгисиз «Жигули»ни гизиллатганча тезда кўздан ғойиб бўлди. Япалоқ юзли машина кабинасидан тушишга тушди-ю, лекин ўзини қаерга уришини билмай қийналди. Дарахт соясида бир оз тургач, ўзининг нарироқдаги икки қаватли уй йўлагига урди ва мушук юриш қилиб болохонага чиқиб олди. Бироқ бу ердан дўкон аниқ кўринмасди.

«Ҳар ҳолда бежавотир жойга келиб олдим», — дея кўнгли жойига тушгандек бўлди ва туйнукдан мўралай бошлади. Ҳаммаёқ зимистон. Ҳеч нарсани англаб бўлмасди.

Ташвишогоҳни янгратиб етиб келган икки машина дўкон рўпарасида тўхтаган эди. Ундан миршаблар шошинч тушишиб, атрофга югуришди. Улар қоровуллик бўлинмаси ходимлари ва тезкор гуруҳ-вакиллари эди. Бирпасда миршаблар қўл ёритгичлари ёруғида дўкон теварак-атрофини синчиклаб кўздан кечириб чиқишди. Ташқарида юз бераётган югуришлар, дўпир-дўпир оёқ товушлари, вала-ровур, ташвишли буйруқнамо гап-сўзлар ичкарида турган Талъатнинг қулоғига узуқ-юлуқ аранг эшитиларди.

— Эшик қулфи бузилмаган, муҳри ўрнида, — деб, ҳисоб берди миршаблардан бири елкасида юлдузчалари бор сардорга.

— Бино девори тешилмаганми? — яна саволга тутди сардор миршабни.

— Йўқ. Ҳаммаси жойида.

— Дераза ойнаси синдирилмаганми?

— Йўқ?.. Синмаган, ҳаммаси бутун. Ҳатто шубҳали ҳаракат, шарпа ҳам сезилмайди.

— Қизик, унда нега ташвишогоҳ ишлаб қолдйкин?

— Ёмғир ёяяпти-ку! Шундан бўлса керак! Электр симининг бирор ерига нам тегиб, узун-қисқа узилиш бўлаётганга ўхшайди.

— Ажабмас! Балки... Директорга одам юбориш керак.

— Уни олиб келишга машина жўнатдик.

— Директор етиб келгунга қадар атрофни яна бир синчиклаб кўздан кечиринглар!



Орадан ярим соат ўтгач, дўкон директорига хабарга кетган чопар етиб келди. Бу пайтда ҳамма ёмғирга бўкиб бўлган эди.

— Директор уйида йўқ экан, — деди чопар миршаблар сардорига юзланиб. — Қўшни туманга бир қариндошиникига тўйга кетибди. Айтишларича, у ер жуда узоқ, чўл бағрида эмиш. Изидан борайликми?

— Ҳожати йўқ!.. Ҳаммаси равшан... Машиналар эшиги тап-тап ёпилди. Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас аввал сардор, кейин тезкор гуруҳ машиналари жўнаб кетди.

Талъат чамаси бир соат давом этган дўкон атрофидаги дўпир-дўпир оёқ товушлари тинганини сезди. Лекин шу бир соат унга бир йилдек туюлди. Ҳеч нарса эшитмасди. Фақат ташвишегоҳ ишлаб, узлуксиз тун оромини бузиб турарди.

У миршаблар эшикни очишиб, албатта, ичкарига киришади. Бино ичини синчиклаб қараб чиқишади, деб ўйлаганди, бахтига бундай бўлмади. У нафас ютганча анча пайт қотиб турди.

«Қизиқ! Нега кетиб қолишди?» Кейин у ўзини босиб турди. Қўркуви бир оз тарқалди, лекин энди нима қиларини билмай боши қотди.

— Чамамда, улар «сигнализация»нинг ишлашини ёмғирдан кўриб кетишди, — деган миясига келган фикрдан дили ёришиб кетди. Шунча кўрқинч, ташвишдан сўнг қуруқ қўл билан бармоқни бурнимга тикиб қайтаманми? Яна бир уриниб кўрай-чи? Балки, ўнгидан келар...

Талъат омадини яна бир карра синаб кўришга жазм этди. Атрофга олазарак боқиб, оёқ учида юриб, яна кўш темир сандиқ қўйилган хонага кирди. Обдон урина-урина бир темир сандиқ қулфини аранг очди. Ўйлаганидек бўлиб чиқди. Фонарь ёруғида сандиқ ичидаги тиллавор зеби-зийнатлар, гавҳар тақинчоқлар худди ёнар қўнғизлардек йилтиллаб турарди. У белига боғлоқли халтани ечди, сандиқдаги тиллавор нарсалар апил-тапил йириштириб жойлашга киришди...

Қоқ ярим тунда у катта ойна деразани бир тепишдаёқ чил-пил синдирди-да, шитоб билан кўчага отилди ва тезда қоронғилик қаърига сингиб кетди.

Дўконни ўмариб чиққан Талъат қоронғиликда қаёққа бораётганини англамасди. У кутилмаганда ҳали қуриб битказилмаган ҳовли саҳнида устига шолча ташлаб қўйилган бир мотоциклни кўрди. У атрофга бир қаради-ю, тап тортмай мотоциклни етаклаб кетди. Уйдан анча узоқлашгач, уни ўт олдирди ва тезда катта асфальт йўлга чиқиб олди.

У тезликни тобора оширарди. Ногоҳ қарши томондан бир енгил машина пайдо бўлди. У ҳам елдек ғизиллаб келарди. Унинг чироқларидан таралаётган нур қоронғилик бағрини ёрганча олдинга кучли шугъла таратар, машина бошқарувчисининг кайфи тарақлиги илон изи юриш қилиб келаётганидан кўриниб турарди. Ниҳоят, машина билан мотоцикл бир-бирларига жуда яқинлашишди. Ва кутилмаганда машина мотоциклни ён томонидан қаттиқ туртиб юборди. Шундагина кўзи очилган ҳайдовчи жон-жаҳди билан тормозни босди. Кабинадан сапчиб тушиб ёрдамга шошилди. Кенг асфальт йўл чеккасида қонига беланган мотоциклчининг жон талвасасида типирчилаб, сўнг жимиб қолганини кўргач уни баттар қўрқув босди. «Дарҳол қочиш керак!» деди. У югураётганда, оёғи нимагадир илашиб қолди. Қараса кичкина халтача. Халтачани очиб ичига мўралади, тиллавор тақинчоқлар машина ёруғида ялтиллаб турарди. У нима қиларини билмай қотиб қолди.

— Тавба, ким ўзи у? Шунча қимматбаҳо нарсани қаердан олган? Яхшиси тезроқ жўнаб қолай, ёмғирли тунда ким ҳам билиб ўтирибди...

У машинасига ўтириб, дафъатан газни босди. Қонига беланиб ётган мотоциклчи эса ҳушига келиб, йўл чеккасида типирчилаб, ўлим билан олишарди.

Чор Бакр қишлоғига кириб келган «Волга» овлоқроқ ерга етгач, тўхтади. Ҳайдовчи шоша-пиша кабинадан чиқди-да, атрофга аланглаб боқди. Кейин машинаси капотини очди. Энгашиб бир идишни олдида, ундаги бензинни машина устига, кабина ичларига қулқиллатиб сепиб чиқди. Титроқ босган қўллари чўнтагига борди. Гугуртни олгач, бойқушдек яна у ёқ-буёққа олазарақ қараб олди. Қон қуйилган кўзларига ҳеч нарса кўринмасди. У гугурт чақиб, «Волга» кабинасига улоқ-

тирдида, ўзини тезда четга олди ва аста паналаб жўнаб қолди.

Кутилмаганда кўтарилган алангадан яқин атрофда яшовчилар оёққа турди.

— Ўт кетди, ёрдамга!

— Қаер ёнапти?

— Бойсарининг уйига ўхшайди.

— Тезроқ, тезроқ бўлинглар!

Ёрдамга шошилган одамлар алангага етиб келишди, қарашсаки, машина ёнапти.

— Кимнинг машинаси?

— Қайси бир нобакорнинг қилмиши бу?!

— Тезда милицияга хабар қилиш керак!

— Сув сеп, қум соч!..

Аmmo аланга ўз ишини қилиб бўлганди.

Шеф — Усмон банги деган ўғрибоши... У ўғирлик билан қўлга тушиб, уч бор қамалиб чиққан, қирғий-бурунлиги туфайли ўғрилар орасида Қирғий лақаби билан отнинг қашқасидек танилган. У жуда эҳтиёткор, муғамбир, ҳушёр эди. Амалга ошироқчи бўлган режаси барбод бўлса, албатта, шубҳа остига қолишини биларди. Шу боис, мабодо иши ўнгидан келмай қолса, қандан йўл тутишлигини олдиндан пухта режалаштириб қўярди, ҳатто уйқусида ҳам сир бермасди. У бу оқшом уйидагиларнинг барчасига эшиттириб қўшни туманда яшовчи амакисиникига боришини айтиб чиққанди. Кўзлаган режаси барбод бўлгач, олдиндан ўйлаб қўйган чалғитиш услубидан фойдаланди. Гўёки бу тунда у меҳмонда бўлган. Шубҳага ўрин йўқ! Усмон ҳеч бир иккиланмай қўшни туманга жўнаб қолди. Амакиси уйда йўқ эди, кеннойиси кутиб олди.

— Узр, бемаҳалда безовта қилдим, — деди у ёлғондан. — Машинам йўлда бузилиб қолди. Зўрға тузатиб келдим. Аслида эса туманга кираверишда тўхтаб, машинаси номерини ўрнатиб олганди.

— Амакингиизнинг юмушларини биласиз, — деди келинойиси эридан норозироқ оҳангда. — Ишдан доимо аламаҳалда қайтадилар. Бутун-ку бутунлай кеч қолиб кетдилар. Ҳали замон келиб қолсалар керак. Йўлда анча урингандирсиз... Ҳозир чой қўяман. Бема-лол дам олиб ўтиринг.

Кечаси соат учларда амакиси Ҷуроқов ҳам келди. У «КРАЗ» юк машинасини ҳайдарди.

— Қайси шамол учирди?.. — деди у мизғиб ўтирган жиянига ўпкалангансимон. — Амакини йўқлар кунинг ҳам бор экан-ку, сен хумпарнинг. Ишларинг дурустми? Юришиб кетганга ўхшайди-а? Укам қалай, думоғи чоқми?

— Ҳа сўраб юбордилар...

— Анча бўлдим келганингга? Қарасам, бир «Жиғули» дарвозахонада қантариб қўйилган, ким келдийкин, деб ўйлабман. Бўяганмисан, худди янгидек бўпти?

— Ҳа, бир ранглатиб олдим. «Аравам»нинг юзи ялтироқ, ичи қалтироқ. Йўлда тихирлик қилиб, анча қийнаб азобга қўйди. Тузатгунча кечга қолиб кетдим.

— Мен ҳам йўлда ушланиб қолдим, — деди амакиси хонтахта ёнига чўккач. — Йўлда авария юз берибди. Мотоциклда бораётган одамни уриб кетишибди. Уни касалхонага обориб топширдим. Чалажон, аҳволи хароб кўринади, бечоранинг, афтидан уни бир «ГАЗ-21» уриб кетдиёв.

— Аварияга учраган ким экан? — қизиқсиниб сўради жиян.

— Бир бўйи паст йигит, кимлигини билишолмади. Ҳушсиз бўлгач, кимлигини қаёқдан ҳам билишсин? Кимлиги пешонасига ёзиб қўйилмаган-ку. Балки ўлиб бўлгандир. Фақат бир нарсага кўзим тушгандай бўлди, қўли орқасида «Толик» деган ёзуви бор, ҳамшира шундай деб айтди. Мусулмон бўла туриб ўзига ўрисча исм қўйганига борманда шу ёшларнинг. Десангки, дўхтирхонага бирпасда милиция дегани ёғилиб келишди. «Ҳодиса қаерда содир бўлди? Ўша жойни кўрсатинг?» деб ҳоли-жонимга қўйишмади. Ўзи оворагарчиликни азалдан жиним суймайди. Хуллас, шоҳидликка ўтдик, жиян. Энди сўроққа чақиравериб, жонимга тегиб кетишмаса бўлгани... Лекин туманга кираверишда машинамни қувиб тез ўтиб кетган «ГАЗ-21»нинг номерини тўлиқ айтмадим. Ўзимга ортиқча ташвиш, душман орттириб нима қиламан-а, жиян, нима дейсан? Айтмай, тўғри қилибманми?

Усмон «ҳа, албатта» дегандай бош қимирлатди. У сергакланиб амакисига маъноли қараб турар, қандайдир безовталиқ билан амакисининг гапларини бери-

либ тингларди-ю, дилидан бошқа ўйлар кечарди: «Жин ургир! Наҳотки, калтабақай Талъат бўлса?.. Айтишига қараганда ўшанинг ўзи? Қочиб қутулиб қолганга ўхшайди. Жўнаб кетаётганида... Мотоциклини қаёқдан олдийкин? Туллак, усталлик қилмоқчи бўлганми-ё?

Усмоннинг амакиси кўнгли тоза, қўли очиқ киши бўлиб, жиянининг хулқ-атворини биларди. Лекин айбини ҳеч юзига солмасди. Ўрганган кўнгли, ўртанса қўймас! Унинг қўли эгри бу касбдан воз кечиши қийин, то ўзи инсофга келмагунча осонликча қайтмайди. Уч карра ўтириб чиққандаям тиёлмади, ўзини...» деб ўйларди.

Амакиси дастурхон устига бир шиша ароқ олиб қўйди, қиттак-қиттакдан отишди. Яна такрорлашди. Гурунг чоғида амакиси шу тундаги ҳодиса ҳақида яна шундай гап қилди:

— Десангки, авария бўлган ерни машина чироқлари, қўл фонарлари ёруғида худди чиғириқдан ўтказгандек эринмай синчиклаб текширишди. Жабрланувчи ёнидан тушиб қолган алланарсаларни топишгач, миршаблар бир-бирларига маъноли қараб олишди. Елка қисилди. Мендан ҳам шубҳаланишдим, нима бало, машинамни кўздан кечириб чиқишди. «Нима, аварияни мен қилган», деб ўйлаяпсизларми дедим жаҳлим чиқиб. Бирини: «Хавотир олманг, қоида-тартиб шунақа», деб кўнглимни тинчитди.

Амакиси авария содир қилинганликда тахмин қилган «ГАЗ-21» кимга тегишли эканини, эгасини танишлигини, унинг кимлиги, қайси қишлоқда яшашлигини жиянига кайф аралаш оғзидан гуллаб қўйди.

Қирғий фалокатга учраган ким эканини аниқ фаҳмлаб олганди.

Усмон эрталаб амакиси билан хайрлашиб, йўлга тушди. Йўлда бораётиб, хаёлидан шундай ўйлар кечди. «Калтабақай режани эплаб улгурганмикан? Унда ўлжа кимда амаким... Йўғ-э, гапларидан сезмадим-ку. Балки, авария қилган киши... Эҳтимол, дўкондан қуруқ қўл билан чиққандир?»

Дўконга чиндан ўғри тушганлиги эрталаб, сотувчилар ишга келишганда маълум бўлди. Бу нохуш хабар бир зумда шов-шувга айланди. Бир пасда миршаблар-у, текширувчилар ёғилишди. Дўкон ходимлари са-

росимада қидир-қидир, тафтишу текширишлар, суриштиришлар бошланди.

— Иш тутагач, дўкон ичини кўздан кечирган эдингизми? — сўради бўйдор изқувар Расулов тунд башарали директор Шамсиевдан.

— Ҳа, эшикларни беркитишдан олдин ҳар доимгидек ўзим ҳамма жойни бирма-бир қараб чиққан эдим, — жавоб қилди директор синиқ овозда. — Ҳатто пештахталар остигача.

— Унда жиноятчи қаерга яшириниб олган? — деб сўради изқувар. — Яхшилаб эслаб кўринг, бу жуда муҳим. Балки, бирор жойни кўриш ёдингиздан кўтарилгандир?

Директор иягини қашиганича хиёл ўйланиб қолди. Кўнглидан шундай қўрқувли ўй кечди. «Ҳали ишда масъулиятсизлик, совуққонликда айблашмаса эди...»

— Ўғри чамамда илиб қўйилган кийимлар орасига ёки бурчақдаги устма-уст териб қўйилган баланд қоғоз қутилар ғарами орасига беркиниб олган. Қараб чиқмаган жойларим шулар, — деб ростига кўчди довдираганча директор. — Бошқа жойга олдиндан яшириниб олиши асло мумкин эмас. Сотувчилар ўз бўлимларида кўз-қулоқ бўлиб туришади.

Директор тахмини ҳақиқатга яқинроқ эди. Жиноятчи дўкон ёпилиши олдиндан кирди-чиқди кўплигидан фойдаланиб, тўнтариб қўйилган катта қоғоз қути ичига кириб беркинган, тезроқ кеч тушишини бетоқатлик билан кута бошлаган эди.

Туман марказидаги Марказий универсал дўконда юз берган ғайри-табиий жиноят сирларини аниқлаш жуда қийин кўчаётганди. Бу содир этилган ўғирлик «гастрол»чи ўғирлар тўдасининг иши, деб топилди. Қисман тўғри хулосага келинганди. Темир сандиқнинг мураккаб қулфини оча биладиган мутахассис ўғри туманда ҳалига қадар қайд этилмаганди. Тумандаги ўғирлардан иккиси Талъатга катта ўлжага эга бўлиш имконияти борлигини айтиб, уни шу жиноятга жалб қилишган эди.

Талъат асли шаҳарлик, ўша ерда яшарди, бойқуш кўз, пакана, лақаби Калтабақай эди. Ўғирлик ишлари учун икки бор ўтириб чиққан, темир сандиқлар қулфини очишда устаси фаранг, қўрқмас, эпчил эди. У

майда-чуйда, фойдаси кам ўғирлик ишларига қўл урмасди. Мўмайроқ иш бўлса, йўқ демасди. Шу боис, бу туманлик ошнасига шерикчиликка рози бўлиб «гастрол»га келганди.

Дўконда содир этилган жиноят юзасидан шуғулла-наётган тезкор туруҳ иши эса ҳозирча натижасиз қолди.

Бу ишга бошқа қўшимча кучлар ҳам сафарбар этилган, улар ҳам жиноятни тезроқ очиш йўлида тинимсиз ҳаракатда эди.

Лекин...

Тушдан кейин тезкор кенгаш чақирилди. Унда содир бўлган ўғирлик юзасидан дастлабки тўпланган маълумотлар тингланди. Тезкор ходимларнинг таклиф, фикр, мулоҳазалари, батафсил эшитилди. Масала бир-мунча ойдинлашгандек бўлди.

Дўкон атрофида на из, на бирор бир шубҳага асос бўлувчи далилий ашё учрамагани ташвишли, — деди ачинган кўйда ички ишлар бўлими бошлари, подполковник Соҳиб Ёдгоров, — экспертиза дўкон ичини синчиклаб ўрганиб, ўғирлик атиги бир киши томонидан содир этилган, деган қатъий хулосага келди. Кинолог уриниши ҳам натижасиз чиққан. Ит из ололмаган (Жиноятчи изини йўқотиш учун махсус порошок ишлатибди). Бунинг устига ёмғир халақит берган, изни ювиб кетган. Воқеа пайтида борган тезкор ходимлар бўлса, ҳушёрликни унутишиб, ёмғир ёғаётгани туфайли электр симлари нам ўтказиб қисқа туташув сабабли ташвишегоҳ ишлаб кетган деган тахминга келишган. Дўкон директорини топиб келишга эринишган. Шу боис, бино ичкарасига кириб, ташвишегоҳнинг ишлаб кетиши туб сабабларини аниқлаш, жиноятнинг олдини олиш имконияти бой берилган. Директор атайлаб уйда тунамагандир? Ташвишегоҳ то эрталабгача узлуксиз ишлаб тураверган. Тезкор ходимлар буни кўриб туриб, кунгилсиз ҳодиса юз бермайди, бунақа ҳоллар кўп учраган, деган ўй билан бутунлай хотиржамликка берилишган. Оқибатда жиддий нуқсонга йўл қўйишган. Жиноятчи бундан фойдаланган. Одатда бундай ҳол юз берганда объектга, албатта, назоратчи қўйиш шартлиги мутлақо унутилган. Бунинг устига кеча тунда яна бир жиноят содир бўлган. Хўш, ик-

кинчи жиноят ҳақида нималар аниқланди? Буларнинг ўзаро боғлиқлиги йўқмикан?

— Қидирув давом эттириляпти, — деди тезкор гуруҳ раҳбари, милиция капитани Тўлқин Расулов. У жиноят-қидирув бўлинмаси бошлиғи, тажрибали изқуварлардан. — Жиноятчини аниқлаш учун асосий куч тўла жалб этилган. Бир кечада бир йўла иккита оғир жиноят. Буни ҳам ҳисобга олиш керак. Ходимларимиз тиним билмай ишлашяпти. Ўғирланган енгил машинани ёндириб юбориш сабабларини ҳали ҳам аниқлай олганимизча йўқ. Ёндириб юборилган машина рақамсиз, мотори, кузов рақамини билдик. У кимга тегишли эканини аниқлаяпмиз. Балки, бу икки жиноятнинг бир-бирига боғлиқ томонлари бордир. Дўкондаги ташвишегоҳ воқеасидан чамаси орадан бир соат вақт ўтар ўтмас иккинчи жиноят содир бўлган. Қидирув ишларимиз эса чигаллашиб борапти.

— Сиз изқуварлар бошлиғисиз, менга жавобингиз маъқул эмас. Қаранг, ҳеч бир натижа йўқ! — Ўрнидан оғир қўзғалди подполковник Ёдгоров. — Ҳисобдан ташқари қоровуллик бўлинмаси ходимларининг масъулиятсизлиги оқибатида ташвишимиз устига ташвиш ортиб турибди. ЧП содир бўлганини кўра-била туриб назоратчи қолдирилмаганлигининг оқибати бу! Буни қандай баҳолаш мумкин? Бу ишга сабабчи бўлган ходимлар жазосиз қолмайди, албатта.

Воқеани менга вақтида билдиришмагани чакки бўлган. Хабардор этишганида балки... — ўйлади у. — Арзимас ишга бошлиқни безовта қилмайлик, деб ўйлашибди. Ўйламай кетинглар-э!».

Ёдгоров бурқситиб сигарет тутатган кўйи одатига кўра дераза олдига бориб ташқарига бир зум қараб қолди. Ўтирганлар қимир этишмасди. Бошлиқ эса хонасида одамлар борлигини унутгандек эди. Ниҳоят, у стол атрофида ўтирган ходимларга юзланди:

— Ўғри ниҳоятда пухталиқ билан ҳаракат қилган, — деди кескин. — Ишончим комилки, бу ишда тумандаги собиқ ўғрилардан айримларининг кўли бор. Ўз хавфсизлигидан кўнгли тўлган жиноятчигина бундай жиддий ўғирликка қўл уради. Бундан кўриниб турибдики, ўғри ниҳоятда тажрибали, қўлга тушмаслик,



ўзини шубҳа остига қолдирмаслик йўллари аввалдан ҳисобга олиб, пухта тайёргарлик, пишиқлик билан иш кўрган. Уни ташқарида шериклари кутиб турган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки, бундай оғир жиноятчи эплашга танҳо бир одам журъат қилолмайди. Бу менинг шахсий мулоҳазам. Лекин энг муҳимини унутаяпмиз, чамамда. Жиноятчи ўмарган катта миқдордаги тиллавор буюмлар аллақачон қўлдан-қўлга ўтиб, тинчиб кетган бўлса-чи? Унда ишимиз янада мураккаблашади. Ҳозирча ушбу жиноят юзасидан тўпланган далил, фактларимизнинг бариси муаммо, жумбоқли, натижасиз. Биз тахмин, таъбир қилишдан нарига ўтмаяпмиз. Амалий ишларимиз эса самарасиз. Қуруқдан-қуруққа югуриб-елишнинг фойдаси йўқ! Ишга жиддийроқ киришмоқ керак! Қидирув ишларимизнинг натижаси чиқмаётганидан вилоят раҳбарлари ташвишда. Боягина бошқарма бошлиғи билан телефонда боғландим. Қўшимча ёрдам кучи юборишибди. «Тажрибали терговчи билан бир изқуварни юбордик», дедилар. Уларнинг олдида барча саъй-ҳаракатларимиз пучга чиқиб қолмаслиғи керак. Шу боис, қидирув ишларини тезлаштириб, тезроқ жиноятчининг изига тушиб олишимиз лозим!..

Тезкор йиғилишда қатнашган барча ходимлар олдида аниқ вазифалар қўйилди. Ҳамма ташвишда. Қидирув-суриштирув ишлари тинимсиз давом этарди.

Навбатчи хонасида телефон жиринглади.

— Милиция бўлими. Навбатчи эшитади.

— Алло. Қушчи қишлоғидан қўнғироқ қиляпмиз. — Гўпақдан безовта овоз эшитилди. — Мен шу қишлоқлик... Машинамни ўғирлашибди, алло, машинамни ўғирлашибди деяпман. Қачон дейсизми? Кеча тунда. Маркасимми? «ГАЗ-21».

Ёндириб юборилган машинанинг эгаси топилган эди. Воқеа содир бўлган ерга яна тезкор гуруҳ етиб борди. Машина турган жой қайтадан кўздан кечирилди. Жабрдийдадан баъзи бир нарсалар сўраб олинди.

— Машинангиз жойидамиди?

— Ҳа.

— Дарвоза очиқмиди, ёпиқмиди?

— Берк эди, аммо қулфлоглиқ эмасди.

— Кеча машинангизни ҳайдаб чиққанмидингиз?..

— Йўқ.

— Шубҳангиз кимдан?

— Ҳеч кимдан.

— Нега машинангиз йўқолган вақтда дарҳол бизга хабар қилмадингиз? — деди унга синчков тикилган изқувар.

— Аввалига укам ҳайдаб кетганми, деб ўйладим. У менга ҳадди сиққанидан баъзида келиб сўрамай-нетмай машинамни олиб кетарди. Укамни чошгоҳгача кутдим, ундан дарак бўлавермагач, уйига бордим. Олим кетмаган экан.

— Ташвишланманг, машинангиз топилади. Аниқлаймиз...

— Қанийди тезроқ топилса... Энди барча умидим сизлардан... Қуруқ қўймайман.

Тилла Ширинов охирги лўқмасини хийла чайна-либроқ айтди. Кўриниши безовта, ғалатироқ, қўллари титрарди.

«Мол ширинлик қиялпти бечорага, — дилидан ўтказди Тўлқин Расулов. — Кўзига машинасидан бошқа нарса кўринмаётган бўлса керак...»

Капитан Расулов кетаётиб Шириновга деди:

— Кечроқ менга бир учранг. Баъзи бир тафсилотларга аниқлик киритиш керак.

Жабрдийда Шарипов «хўп, бўлади», дегандай безовта бош ирғади.

Кеча тунда арзимас вақт ичида кетма-кет содир бўлган жиноятлар юзасидан туман ички ишлар бўлими изқуварлари кун бўйи тинимсиз, изчиллик билан қидирув ишларини олиб боришди. Кечқурун ўтказилган галдаги тезкор кенгашда бу жиноятлар юзасидан дастлабки аниқланган маълумотлар, ашёвий далиллар яна бир бор таҳлил қилинишга киришилди. Кенгаш ишида бошқармадан етиб келган икки тажрибали ходим ҳам қатнашяпти. Улардан бири — барваста елкали, ўта муҳим ишлар бўйича терговчи, милиция майори Субхон Каромов эди, иккинчиси миқти гавдали, сепкиддор изқувар милиция капитани Мардиев. Улар дастлаб жиноят содир бўлган ерда бўлиб, чор-атрофни батафсил кўздан кечиришди...

Дўкондаги темир сандиқларда, синдирилган ойна бўлакларида бирор из учрамадими? — сўради майор Каромов.

— Йўқ, эксперт мутахассислари дўкон ичини қайта-қайта текширишди. Бирорта ҳам ашёвий далил топишолмаган, — жавоб қилди подполковник Ёдгоров.

— Тумандаги собиқ ўғрилар билан қизиқилдими? Шу ишда улардан бирортасининг иштироки йўқми-кан?

— Шубҳа остига олинган икки собиқ ўғрини ушлаб турибмиз, бефойда. Улар «бизнинг ишимиз эмас», дейишяпти, — деди Тўлқин Расулов. — Собиқ пихини ёрган ўғриларни жиноятга иқрор қилдириш осон кўчмаслигини яхши биласиз.

— Машина ёндирилган ерда ҳеч қандай из, ашёвий далил топилмадими? — савол берди изқувар капитан Мардиев

Баъзи бир ашёвий нарсалар аниқланди, — деди капитан Расулов. — Машинанинг кимга тегишли эканини билдик. Из масаласига келсақ, ёнғинни ўчиришга шошилган қишлоқ аҳли атрофни отбозор қилиб юборишган. Қайси бир из кимга тегишлилигини аниқлаш мушкул. Бунинг устига атроф лой, ёмғир...

Шу пайт бошлиқ столидаги телефон жиринглаб қолди:

— Эшитаман! — деди подполковник хоҳламайгина ва диққати ошиб, тинглай бошлади. Гўшақдан ташвишли овоз эшитилди.

— Мен майор Турдиевман! — подполковник қўшни туман ички ишлар бўлими бошлигини овозидан таниди. — Кеча бизнинг туманда йўл ҳаракати ҳодисаси юз берди. Сизнинг туманга чегарадош йўлда шахсияти, машинаси ҳали аниқланмаган ҳайдовчи мотоциклда бораётган бир кишини машинаси билан уриб қочиб қолган. Жабрланувчининг мотоцикли давлат белгисиз. У кимга тегишли эканлигини ҳали аниқлаб улгурганимизча йўқ. Ҳодиса содир бўлиши биланоқ, жиноятчи ғойиб бўлган. Жабрланувчини хавф остида қолдириб кетган. У қилмишидан қаттиқ кўрққан бўлиши ҳам мумкин. Кейинроқ етиб келган бир «КРАЗ» машинаси ҳайдовчиси жабрдийдани дарҳол касалхонага

олиб борган. Жароҳати оғирлиги туфайли жабрдийда ҳали ҳушига келганича йўқ. Аҳволи борган сари оғирлашаяпти. «КРАЗ» машинаси ҳайдовчиси, бу воқеадан сал олдин бир «ГАЗ-21» машинаси унинг машинасини қувиб ўтиб кетганини, қоронғи бўлгани учун ўша машина номерининг дастлабки икки рақамини зўрға кўриб қолганини айтди. Бу машинанинг давлат белгиси 89 рақами билан бошланиши мумкин. Шу ҳақда маълумот зарур. 89 рақами билан бошланадиган шундай транспортни қидиряпмиз.

— Ҳозирча бу ҳақда аниқ бир гап айтолмайман, — жавоб қилди Ёдгоров. — Кутинг, суриштириб, натижасини қўнғироқ қилиб билдираман.

У гўшакни жойига қўйиши билан бирдан ҳаяжонланиб сергакланди:

— Чорбакр қишлоғида ёндирилган машинанинг давлат белгиси қанақа эди, — деб сўради.

— Унинг давлат белгиси 89—13 БХС, маркаси «ГАЗ-21» — деди ҳозиржавоблик билан Расулов. — Жабрланувчи Тилла Шириновга тегишли машина.

— Ия, бу қанақаси бўлди? — деди таажжубланган кўйи подполковник. — Чамамда шу машинада жиноят содир этилган бўлиб чиқяпти-ку! Ўғирлаб уни дарҳол ёндириб юборишдан нима фойда деб айтмаганмидим! Кеча тунда қўшни туманда йўл ҳодисаси содир этилган. Қочиб қолган машинанинг номери 89 рақами билан бошланар экан. Ҳозир телефонда шуни маълум қилишди. Ҳаммаси аён. Ишни машина эгаси Шириновдан бошлаймиз. Жиноятчи қанчалик тулкилик, айёрлик қилмасин ниқоби йиртилмасдан қолмайди. Уни тезда қўлга олиш керак! Тезкор гуруҳ тайёрлансин. Ҳозироқ йўлга тушамиз.

— Менимча бу масалада шошқалоқлик билан иш тутмаслик керак, — деб эътироз билдирди майор Каромов. — Йўл тасодифи атай уюштирилган бўлса-чи? Бу содир этилган ҳодиса дўкондаги ўғриликка борлик эмасмикан? Жабрланувчилардан бири биз излаётган ўғри бўлиб чиқмасин тагин?

— Бўлиши мумкин. Яна ким билади дейсиз? — деб гапини мужмал қилди бошлиқ Ёдгоров.

— Шириновнинг ҳозирча очикда юргани маъқул! — Фикр билдирди милиция капитани Мардиев. — Чин-

дан ҳам унинг машинаси ўғирланиб, жиноят содир этилганми ёки Шириновнинг ўзи бевосита жиноятга алоқадорми, бу ҳақда бизда ҳали аниқ далиллар йўқ-ку?

— У умуман ўғирлик кўчасидан ўтмаган, — деди Расулов. — Ширинов оддий мол дўхтири. Лекин авария содир этмаганлигига кафолат беролмайман.

— Нимага асосланиб бундай деяпсиз? — сўради ўта муҳим ишлар терговчиси майор Каромов.

— Давлат автомобиль назорати бўлимидан суриштирдим, — деди ҳозиржавоблик билан изқувар Расулов. — Икки бор спиртли ичимлик истеъмол қилиб, машина бошқараётганда ДАН ходимлари томонидан ушланиб, маъмурий жазога тортилган экан, танишлари ҳам уни кўпинча ичган ҳолда рулни бошқарарди, деб шохидлик беришди.

— Тушунарли! — деди подполковник. — Айтишингизга қараганда, у мусича-ю бегуноҳлардан эмас экан. Майли, ҳозирча у жабрдийдалигича қолатурсин.

Кенгашда қўшни туманга бориб, касалхонада ётган жабрланувчи билан учрашиш, у ҳақда аниқланган маълумотлар билан танишиб чиқиш лозим деган тўхтамга келишилди.

Подполковник Ёдгоров ва вилоят ИИБдан келган изқуварлар тушган машина хуфтон чоғида қўшни туманга қараб йўл олди.

Изқуварларни қўшни туман касалхонасида ётган мотоцикли жабрланувчи қизиқтириб қолганди. Изқуварлар тўғри туман ички ишлар бўлимига боришди. Кечаги йўл ҳодисаси тўғрисида тўпланган маълумот, далилий ашёлар билан танишишгач, ҳодиса содир бўлган ердан топилган, тўппонча, парма ва бошқа нарсалар изқуварларнинг диққатини тортди.

— Кимга тегишли экан булар? — сўради майор Каромов ҳаяжонланиб.

— Кимга тааллуқли эканини ҳали аниқлаб улгурганимизча йўқ, — деди озгиндан келган терговчи. — Жабрланувчини сўроқ қилолмаяпмиз. Дўхтирлар рухсат этишмаяпти.

— Автотехник, текширув хулосалари қандай?

— Чалкаш, мотоцикл қайси томондан кетаётганини аниқлашолмади, — деди терговчи хотиржамлик би-

лан. — Ёмғир ёққан бўлган, шина излари кўринмайди. Мотоцикл ён томондан кучли зарб билан урилгани аниқ.

Майор Сувон Каромов тезда воқеа жойини кўздан кечириш протоколи ва чизмаси, гувоҳ кўрсатмаси билан танишиб чиқди. Сўнг:

— Тўппонча кимга тегишли, аниқландими? — деб сўради.

— Йўқ! — деди терговчи. — Бошқармага маълум қиддик, натижасини кутяпмиз.

— Тахминларингиз қандай? — сўради капитан Мардиев.

— Ҳодиса жойидан топилган далилий ашёлар жабрланувчига тегишлими ёки айбни унга тўнкаш учун атай уюштирилган усул — уни ўлди деб, ўйлашиб, ашёларни ташлаб кетишганми, тушунолмаётган турибмиз.

— Далилий ашёлардаги излар жабрланувчига тегишли эмасми? — деди Каромов.

— Экспертиза хулосасини кутяпмиз.

— Калаванинг учи топилди ҳисоб, — деди Каромов бирдан мамнун ҳолда. — Энди гап унинг ечилишида қолди. Жабрланувчи бизни қизиқтираётган жиноятчилардан бири бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Унинг қочмаслиги учун зудлик билан эҳтиёт чораларини кўрмоқ лозим.

— Тушунарли! — жавоб берди терговчи.

— Эртага, ҳар эҳтимолга кўра ҳодиса жойини биз ҳам бир кўздан кечирамиз, — деди жиддий оҳангда майор Каромов. — Авария содир этган машина хусусида эса кейинроқ гаплашамиз. Ҳозир эса жабрдийда кимлигига бир назар ташлаб кўрсак, шояд у эски танишлардан бўлса... Улар касалхона томон йўл олишди.

\* \* \*

Усмон эртаси куни шериги билан келишилган бекатда учрашди. Гўё автобус кутишаётган кишидек, иккиси бемалол гурунглашиб олди.

— Тфу! Жин ургур! — деди Усмон оёғи остига тупурганча таажжуби ошиб. — Қандай қилиб соғ қолибди. Ақл бовар қилмайди.

Япалоқ юзли Юсуф шефининг гапларига бир ишониб, бир ишонмай хиёл ўйланиб қолди.

«Шеф алдамаяптимики? Ишониш қийин... аниқ текшириб билдимикан? Ёки...»

У хийла қайсар, ўжарроқ эди, сал гапга тажанг бўлаверарди. Шу хислати боисми, лақаби Тажанг эди. У колониядан қайтгач, касбини ўзгартирди. Қиш фаслида мактаб иситиш хонасида ўт ёқувчилик қиларди. Бўш пайтларида улфатларига қўшилиб юрарди. Мўмай пул унадиган ишдан сира воз кечмасди.

— Шеф, мен ҳам шунга ҳайронманда! — деди Юсуф. Балки уни атай уриб кетишмагандир? Ярим тунда ким ҳам унинг изига тушарди?

— Хўш, унда унинг ўмарган ўлжаси қани? Эшитдинг-ку, дўконга ўғри тушгани ҳақида ҳамма ёқда шовшув... — деди асабий бир тусда Усмон. — Талъат қўлга киритган нарсасини тўғри келган ерга беркитиб кетадиганлар хилдан эмас.

— Балки, уни машина билан уриб юборган одамнинг ўзи ўлжани гумдон қилгандир, — фикр билдирди Юсуф тажанг. — Калтабақайни чалажон ҳолда кўргану, ўлди деб.

— Мен ҳам худди шундай фикрдаман, — унинг гапини маъқулади шеф. — Яна ким билади дейсан?

— Шеф, Талъат мабодо орзидан гуллаб бизни сотиб қўймасмикан?

— Сотса, унда эски жойим — колонияга қайтдим, деявер! — деди Усмон шеригининг юрагига баттар фулғула солиб — уни ўз ҳолига, тинч қўйишади, деб ўйлаяпсанми? Кўзини очиб, бошини кўтармасданоқ шунақанги сўроққа тутишадики...

— Уни «сотедаганлар хилдан эмас», деб эдинг-ку?

— Оғир жароҳатдан кейин сўроққа асаби дош бера олмаса-чи? — деди Усмон хийла асабийлашиб. — Унда ишимиз чатоқ. Унда ишимиз икки бора чатоқ. Жиноятимиз оғир, катта миқдорда давлат мулкани ўмарип! Бу нима дегани, биласанми ўзи? Шерикчиликда айб-лашиб... Лекин унинг батамом тузалиб чиқиши гумонроқ, аҳволи оғир, деб айтишяпти. Балки уни олдинроқ гумдон қилган маъқулдир.

Кўз билан кўрмасдан туриб, ишониш қийин, уни кўришга бир уриниб кўрсак-чи?

— Фирт аҳмоқона гапни айтяпсан! — деди хўмайиб Усмон. — Пойлоқчи қўйишган бўлса керак, олди-

га кимлар келганини албатта суриштиришади. Пойлоқчигина эмас, эҳтимол, унга алақачон кўриқчи ҳам қўйишгандир. Кошкийди, ўлжа қўлга теккан бўлса.

Юсуфнинг ваҳми ошиб, рангги бўзариб кетди. Ҳатто машинасида бировни беҳосдан туртиб юборган тақдирда ҳам бу қадар кўрқмаган бўларди.

— Ундай бўлса, — деди у, — ишимизнинг расвоси чиқди деявер. Гапингга қараганда тезроқ олдини олмаса бўлмайдиганга ўхшайди. Лекин...

— Қўрқма, буёғига мен бор, — деди шеф керилиб. — Ўлжани қайта қўлга киритсак, яна...

— Бўпти, мен рози! — деди Юсуф. — Бу гал янгилишиш йўқ. Лекин шеф, режани пухта туз! Айтган одамнинг анойига ўхшамайди. Осонликча бўйин эгмас!..

— Буёғи бизга боғлиқ! — гапни қисқа қилди Усмон, — Энди ҳунарингни бир кўрсатасан!

Унинг хаёли ўлжани қандай қилиб бўлмасин қайта қўлга киритиш билан банд эди. У алақачон сўраб-суриштириб, Шириновнинг қишлоғи, уйини аниқлаган. Ҳатто, хотини, ўғли қачон ишга, ўқишга кетишлиги, қайси пайтда уйда ҳеч ким бўлмаслигини ҳам билиб олганди.

Энди мақсад бойликни қайтариб олиш эди. Ишончли шериги билан йўлга тушди. Мотоциклини четроққа қўйишиб, хавотирсиз пайтни пойлашди. Улар куппакундузи Шириновнинг ҳовлисига тушишди. Шифонер, сандиқ, тахмонларни ағдар-тўнтар қилишди, лўла болишларгача тит-питини чиқаришди.

— Шеф, ҳеч вақо йўқку? — деди ҳовлиқиб Юсуф, — қидирган нарсамиз чиқмаяпти-ку!

— Дурустроқ титкила, чиқиб қолар! — деди Усмон. — Ёки ит эмгур уйининг бирор ерига кўмиб-пўмиб қўйганми? Қаерда бўлиши мумкин? Равоқлардаги чойнак, косалар ичини кўр!

Улар ўлжани мўлжалланган ерлардан топишолмай қуруқ қайтишди. Энди Усмон учун битта йўл қолганди. Шириновнинг ўзини қўлга тушириш, кўрқитиш, қийнаш, агарда тахмини тўғри чиқса, ўлжани қайтаришга мажбур этиш эди.

Икки ҳамтовоқ тарқалиш олдидан галдаги режани пишитиб олишди. — Шеф, уйига хат ташлаб кўрқит-



сакчи? — Ўлжани ўз хоҳишинг билан қайтармасанг, ўглингни бошқа кўрмайсан, деб кўрқитамиз.

— Йўқ. Унинг машинасини ўғирлаб кетишиб, авария содир этишган-у, ўлжа умуман бошқа кимса қўлига тушган бўлса-чи? — Эътироз билдирди Усмон. — Милиция ҳам негадир Шириновга индамай турибди.

— Ҳайронман, жуда кўп иккиланадиган бўлиб қолдинг, — деди Юсуф тажанглашиб. — Тушунолмай қолдим сенга, шеф. Унда кел, бошқача йўл тутаюлик. Фермага ишга борганида унга қўнғироқ қилиб, пўписа этиб кўрайлик-чи? Шунда қармоғимизга илиниб қолар.

— Хавфли! — яна эътироз билдирди Шеф... — Бизни туттириб бериши мумкин. Яхписи мундоқ қилсак, лекин сал хатарлироқ...

Қўлга олиш гуруҳи Шириновни жамоа хўжалигининг қорамолчилик фермасидан топди. У тезда бўлимга олиб келинди. Унинг ранг-рўйи ўчган, оёқ-қўлларига титроқ югурганди. Нима учун уни олиб келишди, бунинг тагига етолмасди. Дастлаб: «Машинам масаласида бўлса керак», деган хаёлга борди. Лекин яна тезда бу фикридан қайтди. Чунки, уни олиб келишга ортиқчали мулозимат қилинмади. «Машинага ўтиринг, гап бор», дейишди холос. «Ёки уйимизга... Ҳали бошимга етмасайди бу қилмишим?».

Унинг пушаймони кеч эди. Хаёли турли ўй-фикрлар билан банд Ширинов. «Илоҳим оқибати бохайр бўлсинда»... деб ич-ичидан зил кетиб турарди.

Уни вилоят ИИБдан келган терговчи майор Сувон Каромов сўроқда тутди.

— Айбингизга ўзингиз иқроор бўласизми ёки ўзимиз иқроор қилдирайликми?

Ширинов ҳеч нарсадан хабари йўқдек ҳайрон терговчига тикилди.

— Айбингизни енгиллаштирмоқчи бўлсангиз, ҳали кеч эмас! Ўйлаб кўринг! — деди майор қатъий оҳангда ва сўзида давом этди: — Сиз ҳали изқуварларни чалғитмоқчи бўляпсизми?

Ширинов осонликча ўзини тузоққа илинтириб беришни истамасди. Шу боисми, аввалига талмовсирай бошлади: — Ўзи нима гап, тушунолмай қолдим. Мундоқ тушунтириброқ гапирсангиз-чи? Қанақа айбим-

га иқрор бўлай? — деди таажжублангандек елкаси-ни қисиб.

— Машинангиз ёндирилган кечаси уйингизга тонг-отар пайти қайтанингиз, тўғрими? — деди майор унга синовчан боққанча. — Ўша пайтгача қаерда эдингиз? Нима иш билан шуғулландингиз?

— Ахир сизларга айтдим-ку, ўша кечаси уйда эдим деб, — деди Широнов чайналиб. — Ишонмасангиз, хотиним, ўғлимдан сўранг. Соат ўн бир яримгача телевизор кўриб ўтирдик. Кейин...

— Ёлгон сўзлашни бас қилинг! — деди терговчи Каромов кескин. — Хотинингиз, ўғлингиз билан суҳбатлашдик. Улар куни кеча берган кўрсатмаларини ўзгартиришди, бошқача шоҳидлик беришди.

Сиз ўша кеча оқшом машинангизга ўтириб, меҳмонга кетгансиз. Тонг пайти эса уйингизга машинасиз қайтгансиз. Хотинингиз, ўғлингизга: «Фалокат юз берди. Яна бировга бу ҳақда чурқ эта кўрманглар. Билишса, аҳволим чатоқ бўлади. Оқ туя кўрдингми, йўқ! Мен уйда бўлганман, ҳеч бир жойга бормаганман. Ким мен ҳақимда сўраса, шундай деб айтасизлар. Тамом, вассалом. Тушундиларингми?» деб уларга қайта-қайта уқтиргансиз. Улар сиздан кўрқишганидан яна аллақандай сирни рўй-рост айтишга ботинишолмаяпти. Сиздан машинангиз йўқолиш сабабларини изқуварлар суриштиришганида эса: «Уйимдан жилмаганман, қаттиқ ухлаб қолибмиз», деб ёлгон кўрсатма бергансиз. Ахир киши қуруқдан-қуруққа бир неча минг сўмлик нарсага ўт қўйиб юбормайди-ку! Ўғриларга ҳам зарур келганими, ўмарилган машинага ўт қўйиб юбориш. Улар учун чалғитишнинг бошқа усуллари кўп. Ҳеч ким билан ўчакишмагансиз, қўшнилар билан аҳил яшаб келгансиз. Бу шунчаки жиноятни яшириш ниятида қилинган иш. Энди тушунгандирсиз, гап нима ҳақда бораётганини. Биздан сир яшириб туришингизни маслаҳат бермайман.

Широнов чаккасини ушлаган кўйи фикрларини бир ерга тўплай олмай қийналар, аммо чурқ этмай жим турарди. Чиндан ҳам шу кеча-кундузи унинг ўзи, хотини, яккаю ёлғиз ўғли уйларига ўғри тушганидан ниҳоятда ташвишу кўрқувда эдилар. Хотини бу машғум воқеадан милицияни хабардор қилайлик, деб зорлан-

ди. Ширинов унамади. Орияти кўзиган бўлиб: — па-  
лончининг уйига ўғри тушибди, деган гапни эшитган-  
ним қолувди энди. Ҳеч бир нарса йўқолмабди-ку?  
Нима кераги бор ортиқча бошоғриқни. Жимгина юра-  
вер! — деди уқғириб... Лекин ўзини кучли қўрқув боса  
бошлаганди. Қандай йўл тутишга, нима қилишга га-  
ранг. Бировга маслаҳат соладиган, айтадиган гап эмас.  
Бундан кейинги аҳволи не кечади? Бу унга қоронғи.  
Кўнглига чироқ ёқса ёришмасди. Ўзича хаёлида тур-  
лича режалар тузар, ўйлайвериб ўйининг охирига етол-  
мас, ҳар қолда фирром ишларининг яхшилик билан  
туташига умид боғларди. Аммо у бир нарсага, маши-  
насига урилган киши ўғри эканига ўзида тўла ишонч  
ҳосил қилганди. «Шериклари изимга тушишган бўл-  
са-я? — деб ўйлар, қўрқувига баттар ваҳм қўшилаёт-  
ганди. — Уйимдан ҳеч нарса топишолмадим, демак,  
мақсадлари аниқ... Яна жиндай сабр қилай-чи, балки  
тинчиб кетишар».

Ширинов терговчи хонасида қўрқувда турар, барча  
умидли ўйлари пучга чиқаётганига имони комил эди.

— Оҳ, нодон хотин, овсар ўғил! — деди у ички  
бир нидо билан ўкириб ва икки чаккасини чангалла-  
ган кўйи бошини сарак-сарак қилди. — Ўзимизники  
шундай деб тургач, ўзгадан на гина. Ҳаммаси тамом!  
Адо бўлдим энди!

— Маддоҳликни бас қилинг! Энди «оҳ воҳ»нинг  
фойдаси йўқ. Мақсадга кўчайлик! — деди жиддий тусда  
майор, овозини баландлатиб. — Авария қандай содир  
бўлди? Машинангизни ўзингиз ёндириб юбордингиз-  
ми, ёки... бошқа кишими? Жабрдийдага нега ёрдам  
кўрсатмадингиз? Ҳаммасини бирма-бир айтиб бери-  
шингизга тўғри келади.

— Нима у тирикми? — оғзидан чиқиб кетган бу  
гапни ўзи сезмай айтиб юборган Ширинов довдираб  
қолди. У ўз тили билан ўзини тузоққа илинтириб бўлган  
эди.

— Ҳа, тирик. Давом этинг! — деди терговчи яна.

— Хайрият! Худога шукр, тирик қолибди, — деди у  
жинояти унча оғир эмасдек, бир оз енгил тортиб. —  
«Бошга тушганини кўз кўради» деганлари шу экан-да.  
У аламданми, ўз қисматига ачинаётганиданми, чина-  
камига ҳўнграб йиғлаб юборди ва шу ҳолда энтикиб-

энтикиб давом этди: — На илож. Пешонамда битилгани шу экан. Ҳаммасини айтаман...

Аслида дўқондаги воқеадан кейин Широнов содир этган иккинчи жиноят шундай юз берган эди.

Вақт ярим тун, енгил машина кафтдек текис асфальт йўлда худди шамолдек елиб борарди. Унинг чирокларидан таралаётган ёруғлик нури қоронғилик чокини ёрганча олдинга тараларди. Машина ичида эса улфатлар гурунги авжига чиққанди:

— Ўтириш чакки бўлмади-а? Меҳмондорчилик мана бундай бўлиши керак. Бир яйраб олдигов, — ҳазил оҳангида гапга кўчди улфатлардан бири. — Дўстимиз Аҳмаджон улфатижон йигит-да, қувнаб кетиб «ичинг-ичинг»ни бўшатмади-я, қойил-е.

— Нимасини айтасан, қаймоқли гурунг бўлди, оғайни. Ўзиям ароқдан салкам икки шишадан тортдик-ов, уйида ароқ дўқони борми, турли туман биз кўрмаган ғалати шишалардан олиб келишини қара! Ичавериб, афтимиз худди гултожихўрозга ўхшаб кетди-я!..

— Ҳой, оғайни, ўзи қайси хўроздан каммиз? Ҳақиқий даканг хўрозларданмиз! Ҳа-ҳа-ҳа, — қийқириб кула бошлади улардан бири. — Энди бизникига бориб, улфатчиликни давом эттираммиз.

— Йўқ, бизникига... Ишонинглар, даканг хўрозим бор. Шартга сўйиб қозонга босамиз, қовурдоқ бўлади.

— Бўпти, борсак, борибмиз-да. «Улфати чор, анда маза бор» ҳа-ҳа-ҳа.

— Жўралар, кеч бўлди, улфатчилик бошқа кунга қолдирилсин! — эътироз билдирди руддаги киши. — Мени уйда кутишяпти.

— Унда хўроз, газни бос! Машинангнинг «оёғини» бир кўрайлик-чи?

— Дўстимизнинг «бедови» қишлоқдаги «бедов»ларнинг сараси. Йўрғалашини қаранг!

— Эй, шуям «бедов» бўлдими?! Елдек елолмаган от-от эмас. Қара, олдиндаги машина бундан тез кетяпти.

— Ҳўв, оғайни, машинамни камситма, кўриб қўй, елдириш мана бундай бўлади, — рулни бошқараётган киши тезликни оширди. Автомашина елдек физиллаб кетди.

Машина эгаси алпқомат Ширинов қўшни туманга борган эди. У ўша тумандаги собиқ курсдошларидан уч нафарини олиб, туртинчи улфатникида меҳмонда бўлишди. Баҳона бор. Олий билимгоҳда бирга таҳсил олган улфатлар туғилган кунларини биргаликда нишонлаш одат тусига айланганди. Шу муносабат билан улфатлардан бириникида зиёфат қизиб кетди. Қайтишда Ширинов йўл-йўлакай дўстларини уй-уйларида қолдириб, манзили томон ошиқди. Бунинг устига ўртадаги масофанинг олислигидан у тезликни тобора ошириб борарди. Йўлда кайфи тарақлигидан бир «КРАЗ»ни қувиб ўтди. Анча илгарилаб кетгач, машина кутилмаганда қарши томондан пайдо бўлган могоциклни туртиб юборди.

Ширинов кутилмаганда рўй берган бу тасодифдан капалаги учди. Нима бўлганини тушунолмай, гарангсиди. Бир оздан кейин ҳушёр тортиб, кабинадан сапчиб тушдида, ёрдамга шошилди.

Йўл чеккасида бир нотаниш киши қонга беланиб ётарди. У мотоциклчи, боягина дўконни ўмариб чиққан ўғри — Талъат эди...

Ширинов қилмишига тўла иқрор бўлди. Лекин терговчи ўғирлик ҳақида қанчалик сўраб, суриштирмасин, ҳодиса юз берган ердан топган нарсаси ҳақида лом-мим демади.

«Машинани тўхтатмаёқ кетиб қолгандим», деб бир сўзда турди. Ўшанда шивалаб ёнаётган ёмғир йўлдаги гилдирак изларини ювиб юборганди. Жиноятчининг айблари шу йўл билан йўқолиб қолганди. Ўғирлик молни у олганига асос-далил йўқ эди. Ширинов эса жабрланувчидан мўмайгина насиб этган хазинани сира қўлдан чиқаргиси келмасди. «Барибир энди қамалиб чиқишимга тўғри келади. Пешонамдагини кўраман, агар соғ-омон қайтиб келсам бу бойлик бир кунимга яраб қолар, мен олганимни ким билиб ўтирибди?, — деб ўйлар, шунга умид қилаётганди.

Терговчи-ю, изқуварлар ҳамон машина ўғрисини аниқлаш учун тергов-суриштирув ва қидирув ишларини олиб боришарди. Ширинов эса жазодан қўрқиб, изни йўқотиш, милицияни чалғитиш мақсадида қўшни қишлоқда машинасини ўзи ёндириб кетганига иқрор бўлди. Унинг иши қўшни туманда юз берган ҳодиса билан ҳам боғлиқлиги асосланди.

Изқуварларни яна масаланинг асосий томони — дўкон ўмариб кетилган катта миқдордаги давлат мулкани тезроқ топиш, жиноятта хотима қўйиш қизиқтираётганди. Бутун ўй-фикрлар, мақсад ана шу ўғирликни очишга қаратилган эди.

Ширинов сўроқ ҳужжатига қўл қўйгач, унга рухсатсиз туман ҳудудидан чиқиб кетмаслик мажбурияти юклатилди ва огоҳлантирилиб, уйига кетишига ижозат берилди. Бундай қилинишининг муҳим сабаби бор эди...

Ўтиб бораётган фаслнинг яна янги бир куни эшик очди. Одамлар эрталаб одатдагидек ишга ошиқишар, лекин туман ички ишлар бўлимида кеча-ю кундуз қизгин тезкор меҳнат мароми бир зайлда давом этарди. Жиноят-қидирув гуруҳи ҳамон тинимсиз ҳаракатда. Бошлиқ подполковник Ёдгоров ва вилоят ИИБдан келган терговчи майор Сувон Каромов ҳали ечимига етилмаган дўкондаги ўғирлик хусусида фикрлашишарди.

— Машинанинг ёндириб юборилиши, йўл ҳодисаси сабаблари аниқлангани яхши бўлди-да, — деди хиёл энгил тортиб подполковник.

— Ҳа, иккита жиноят очилди, саъй-ҳаракатларимиз зое кетмади, — деди Каромов. Энди дўконда содир этилган жиноятни ҳам тезроқ фош этишимиз лозим.

Шу пайт эшик очилиб, навбатчи кириб келди!

— Шошилинч хабар, ўртоқ бошлиқ! — деди у. — Рация орқали боғланиб, сизни сўрашяпти. Подполковник Ёдгоров навбатчи хонасига шошилиб кираркан, гўшакни қулоғига тутди.

— Эшитаман!

— Ўртоқ бошлиқ, бу мен капитан Расуловман! — ташвишли овоз янгради гўшакдан. — Назорат қилинаётган Ширинов уйига иккита шубҳали киши девордан ошиб кирди. Бири... — телефондаги овоз пасайиб, бошлиқнинг қошлари чимирилди ва эътиборини оширди. — Ҳовли ичкарасидан шовқин эшитиляпти. Талончилик содир этилаётганга ўхшайди. Қандай кўрсатма берасиз?

Капитан Расулов кўрсатмага қатъий амал қилган ҳолда воқеа ҳақида бошлиққа зудлик билан хабар қилганди...

— Биз етиб боргунча ҳеч қандай ортиқча ҳаракат қилинмасин! Фақат босқинчиларнинг қочиб қолишига йўл қўйманглар! — деди бошлиқ буйруқ оҳангида. — Кузатишни давом эттиринглар. Биз тезкор гуруҳ билан тезда етиб борамиз.

Шай турган тезкор гуруҳ аъзолари югуриб келиб жойлашиб олгач, машина ўрнидан ўқдек учиб кетди. Устига кўк, қизил чироқлар ўрнатилган «Волга» атрофни ларзага келтириб ташвишегоҳ овозини янграта бошлади.

Бўғизига пичоқ қадалиб турган Шириновнинг жони ҳиқилдоғига келган, азбаройи кўрққанидан кўзлари косасидан чиққудек чақчайиб азобли қийноқларга зўра дош бериб турар, тили эса гапга айланмасди.

— Жонингдан умидинг бўлса, тезроқ гапир! — ўшқирди Усмон. — Қаерга яширгансан?!

Ширинов хонадонида туйқусдан пайдо бўлган бу икки босқинчининг вазоҳати, жазаваси, хатти-ҳаракатидан ҳатто улар уни бўғизлаб ташлашдан ҳам тоймайдиган кимсалар эканига кўзи етгач, жони ширинлик қилдими, ниҳоят:

— Ай-айтаман, — деди аранг. — Фақат жонимга раҳм қилинглар, қўйиб юборинглар!

— Бўпти, сўзла. Агар жойини кўрсатиб, топиб берсанг, соғ қоласан, бўлмаса... — ўшқирди юзига ниқоб кийиб олган Усмон. — Билдингми! Тез бўл!

— Сай... Сайисхонага, бедалар парами остига беркитиб қўйганман.

Ширинов елкасига тўппонча тиралган кўйи молхонаси томон юрди. Ичкарига киришгач, Усмон қуруқ бедалар парамини титкилаб, уларни тўрт томонга итқитиб, остини каелади. Ширинов адамабди. Бекитилган хазина топилди.

— Бировга янинг десанг, ўлдим, деявер! — деди унга таҳдид солиб вазабли ўқрайган Усмон. — Ҳеч кимга бу ҳақда оғиз оча кўрма, акс ҳолда бола-чақангни ҳам соғ қўймаймиз. Тушундингми?! — Текинхўр!

— Бундай бўйликка эришиш учун бир оз меҳнат қилиш керак, — деди иккинчи босқинчи.

— Тушундим, тушундим! — деди кўрқувдан титраб-қалатираётган уй соҳиби.

Шу маҳал дарвоза қаттиқ тақиллай бошлади.

— Атанда! — деди сергак тортган Юсуф.

Иккиси отилиб ташқарига чиқди.

Соли деворга ёпишди ва бир сакраб нариги томонга тушди. Пистирмада сергак турган икки изқувар унга ташланди. Қисқа фурсатли олишувдан кейин Соли тажангнинг қўли ортига қайрилди.

Усмон иккинчи томондаги девор томон югурди ва эпчиллик билан ҳаракат қилиб деворга мингашиб олди. Ташқарида бир неча милиция ходимлари, уларнинг ёнида изқувар ит турарди. Ётиб қолгунча отиб қол деганларидек, тўппончани қўлига олиб ўзини ерга ташлаган Усмон илгакни тортди. Лекин мўлжални тўғри олмаган эди. Ўқ тўғридаги уйнинг деворига қадалди. Изқувар ит Усмонга ташланди ва бир зумда уни ер тишлатди.

Солидан олинган халта ичи очиб кўрилди.

— Ия, булар дўкондан ўғирланган тиллавор нарсаларку! — деди подполковник Ёдгоров ҳаяжон билан. — Бундан чиқди дўконга тушган ўғри Ширинов экан-да! Ўлжа тақсимотида шериклари билана келишолмаган кўринади...

— Шундай бўлиши мумкин. Эҳтимол у ҳамтовоқлардан биридир, — деди Ёдгоров гапини қувватлаб майор Каромов.

— Балки дўконга тушгани мотоцикли жабрдийда бўлса-чи? Майли, бу ёғи сўроқ жараёнида ойдинлашади.

— Сиз ҳақсиз, — деди Ёдгоров майорга мамнун қараб. — Энди жиноят очилди десак ҳам бўлаверади.

Изқуварлар бир-бирларига мамнун боқишди...



## ДУЗАХ

Дониёр кўзларини очди. Ҳаммаёқ қоп-қоронғи. Боши зил-замбил, лўқиллаб оғрияпти. Қимирламоқчи бўлди, мажоли етмади. У кўзларини чирт юмди. Ўйлаб ўйига етолмасди: бу қаер ўзи? Нега ётибди бу ерда?.. Боши оғриётгани жиддий ўйлашга халал берди. Кейин, яна ухладими, ҳушидан кетдими — фарқлаёлмади. Яна кўзларини очди. Ҳамон ўша қоронғилик, сукунат... Лекин бошидаги оғриқ бир оз босилгандек.

Тимирскиланиб тирсақларига аранг таянди-да, ўрнидан қўзғалмоқчи бўлди. Боши туйқус қаттиқ нарсага урилиб, инграб юборди. Сўнг бир амаллаб қандайдир ярим доира шаклидаги деворга беҳол суянди. Шундагина қаерда ётганлигини англаётгандай бўлди...

Челонғу дашгидан кесиб ўтаётган янги магистрал газ қузурида пайвандлаш ишлари давом этар, бундан унинг хабари бор эди. Катта, йўғон, узун қувурлар худди темир йўл изидек бир чизик бўйлаб ташлаб кетилган. Ҳар икки-уч километрда пайвандчилар ишлаб, қувурларни бир-бирига улаб боришарди. Дониёр ана шу қувур ичида эканлигини пайқаб, даҳшатга тушди: одамзод шундай ҳам ночор аҳволда қоладими? Энди нима қилиш керак? Бу ердан қандай чиқиб кетиш мумкин? Унинг қаерда ётганини ҳеч ким билмай, хотини, норасидалари довда қолишмайдими?..

Дониёр жонҳолатда туфлиснинг пошнаси билан қувурни тепа бошлади. Лекин жавоб бўлмади. Қанча уринмасин, ҳеч ким эшитмасди. Тошми, темирми, бошқа бирор нарса билан урса-чи? У қоронғиликда пайпаслана бошлади. Қўлига ҳеч нарса илинмади. Қаёқдан ҳам илинсин?! У ҳолдан тойиб, чўзилиб қолди. Ётган жойида ўзини қўлга олиб, хотиржам ўйлашга қарор қилди. Лекин боши яна лўқиллаб оғрий бошлади. Шу аснода кафти билан пешонасини сидирган эди, бармоқларига шилимшиқ бир суюқлик илашди. Қон!..

Бехосдан Дониёр бундан ҳам даҳшатлироқ бир ҳолатни туйгандек бўлди: У, албатта, қайсидир қувурнинг ўртасида ётибди, уни қувур ичига тиқиб кетишгач, пайвандчилар ишни давом эттирган бўлишса-чи?! Энди бу ердан умуман чиқиб кетишнинг иложи бўлармикин? Айтинг!.. Хатолик ўзидан ўтди. Керакли пайтда ҳушёрлик қилолмади!..

\* \* \*

У колхозга ишга келганига ҳали йил ҳам тўлмаган эди Давронбеков ҳузурига чақиртирди. Дониёр раиснинг ҳашамдор кабинетига кириб борганида раис негадир тунд қиёфада газетага тикилиб ўтирарди. Дониёр кириши билан унга тигдор назар ташлади. Аммо кейин, лом-мим демай, яна газета кўра бошлади.

Дониёр раиснинг хўмрайиб туришидан унинг аланимадан норози эканлигини билди. Ва журъатсизроқ оҳангда:

— Сўраган экансиз? — деди.

Давронбеков газетани шағиллатиб стол четига сурди-да, яна бир бор ёвқараш қилиб:

— Ука, ўйлаб иш тутяпсанми? — деди жеркиброқ. — Билимдонлик қилиб, тўғри келган ҳар бир ишга бурнингни суқаверасанми?

— Раис ака, ортиқча харажатлар кам эмас! Колхоз устави бузилган. Бунақада чорвачилик чўкиб қолади.

— Сен бунинг ташвишини тортмай қўяқол. Чўкмайди! — деди раис, ҳафсаласиз қўл силтаб. — Чорвада асосан туёқлар сони бут бўлса...

Бирдан Дониёрнинг энсаси қотди:

— Чорва озукаси-чи? Талон-торож қилиниб, бегона қўйларга едирилаверса майлими?

— Мудирга айтаман, ўринсиз исрофгарчиликка чек қўяди, — деди раис, ён берган бўлиб. — Арзимаган нарсага шов-шув кўтариб юрмаслик керак! Сен бўлсанг, идорага жар солиб, ҳаммага овоза қилиб юрибсан... Ориятли одамлар, яна колхозимиз активлари улар! Эл ичида қандай қилиб бош кўтариб юришади? Маслаҳатим шу: тузган акт-пактларингни дарров йўқот! Сен, яхшиси, солярка тўғри сарф қилиняптими, йўқми, қайси бир тракторчи ёқилғи исрофгарчилигига йўл қўяпти — шунни аниқла, хўпми!

Дониёр барибир раиста гап уқтириб бўлмаслигини англаб, ночор-ноилож бош ирғади. Давронбеков Дониёрнинг индамай, истиҳола билан қараб турганини кўриб, ён босди, деб ўйладими, стул суянчигига баҳузур суяниб, бармоқларини қисирлатганча, насиҳатомуз кўйда яна гап қотди:

— Синамаган отнинг сиртидан ўтма, деганлар. Сени ҳар ҳолда ўқиган, тушунган, ўзимизнинг тайинли, тиришқоқ кадр, деб шу ишга сайлаб қўйдик. Биласан, отанг қалин дўстим эди. От изини той босар. Бу ҳам отаси изидан бориб, маслаҳатимиздан чиқмас, дегандим... Сен ишончни оқлаш ўрнига йўқотяпсан. Устига-устак, чўрткесарлик, ўжарлигиндан қолмаяпсан. Юзга сапчиш сдатингни йиғиштир, ука. Бутун нима иш қилдинг, деб мен сендан ҳар куни ҳисобот талаб қилмаяпман-ку, ахир! Бунақада... Йўқ, нима демоқчи эканинга тушуниб турибман. Нега бир ҳовуч айбдорлар ёнини олиб, ҳақиқат кўзига чўп суқяпсиз, демоқчисан. Катта бир хўжаликни тебратиш осон эмас. Ўзига яраша машмашаси, кирим-чиқими бор. Сен жун қирқими, қўзилатиш мавсуми даврида қўйчивонларга кўз-қулоқ бўлгин эди, анча-мунча жун, сара териларни гумдон қилиб юборишди...

Дониёр раиснинг уни авраб, муроса билан ишлашга, демакки, ўз-ўзига, виждонига хиёнат қилишга ундаётгани, ҳатто мақсади шу эканини яширмасдан баён қилаётганини ҳис этди. Аввалдан бош ирғамай, қатъий гаплашавериш керак эди, деб ўйлади. Ўқинди...

Дониёр ўқувчилик кезларидаёқ, умуман, қатъиятли, бир сўзли эди. Институтда таҳсил кўраётган даврида қайсидир иили иккинчи семестрда доцент унвонноҳаддан паст баҳо қўйганди. У норозилик билдириб, ректоратга кирган, кейин комиссия тузилганди. У имтиҳонни аъло баҳога топшириб, ўзининг ҳақ эканлигини исбот этган эди.

Бундай қайсарлик, чарслик унга отаси Исмат акадан юққан. Исмат ака Давронбеков раис бўлган колхозда бош мироб эди. Дониёр институтга кирган пайти у оғир бетобланиб қолиб, қазо қилди. Онаси қўшни туманда турмуш қурган сингисиникида туради. Дониёр эса отасининг чирогини ёқиб, ҳамон туғилиб-ўсган хонадонда яшаяпти. Оила қурди, фарзандли бўлди...

У раиснинг ҳузуридан ҳафсаласи пир бўлиб чиқди. Вақт тушликка етган эди. Ошхонага кириб, иштаҳасиз овқатланди. Дониёр билан бир хонада ўзи сингари меҳнат беҳгалтери — Холбек ишларди.

— Ҳа, тафтишчи ука, тинчликми, хомуш кўринадилар. Раис акамнинг ёнларидан ҳурпайган патлари босилиб чиқибдилар-ку! — дея ҳи-ҳилаб кулди. — Бизда шунақа, ука. Агар қўчқор сузонғич бўлса, шартта бичиб қўядилар. Ҳи-ҳи-ҳи!..

— Мен бошлаган ишимни охирига етказмай қўймайман, — деб гудранди Дониёр. — Мен билан ўйнашмасин!..

— Ўзларини гўликка солмасинлар-да, ука, биз ҳидни дарров сезадиганлар хилиданмиз, — деди Холбек яна кулиб. — Сиздек гар-гар қилиб, курашга бел боғланганлар кам эмасди. Ҳаммасини попути босилиб қолди. Дами чиқмай бўйнини қисиб юрибди. Ёшсан, пишарсан, бу шаштингдан тушарсан, деб сизга айтмаганмидим, ука, ҳи-ҳи-ҳи...

Дониёр аламини ичига ютди. «Холбек ака раиснинг кишиси эканини, гап ташиш одати борлигини билганимда, унга оғиз очмаган бўлардим, — дея ўйлади афсусланиб. — Мана оқибати! Лекин улар барибир мақсадига эришолмайди. Кечикишди...»

\* \* \*

Дониёрни қўрқинч баттар ўз домига торта бошлади. «Вақт борида ҳаракат қилиб қолиш керак!»! Акс ҳолда... Бир амаллаб бу қувурдан ташқарига чиқиб олсам бўлгани!..»

Аъзои тани титраб-қақшаб ҳаракатга тушди. Қанча ергача илгарилаб борганини билолмасди. Дониёр учун ҳозир нажот йўли фақат шу — олдинга суриниши, бу дўзахда сулайиб қолмасликка ҳаракат қилиш!.. Лекин кўп ўтмай тўхтади. Ҳаво етишмаётганидан димиқаётган эди. Кўйлак, тугмаларини ечди, барибир фойдаси тегмади. Бўғилиб, хишиллай бошлади. «Ўзи қайси томонга қараб кетяпман, — дея ўйлай бошлади у. — Бир маромда ҳаракат қилаверсам, қувур уланмаган ерга албатта етиб оламан. Ҳозир кундузимикан ёки кечаси? Чамамда, ҳозир шом чўккан пайт, чунки қувур сирти салқин. Кундуз куни бир ер худди тандирдек қизиган бўларди...»

Дониёр яна секин сурина бошлади. У тушиб қолган қувур тахминан бочка кенглигида, бир қўйга бемалол бўй бера олар эди. Лекин бир хилда эмаклай-вериш барибир машаққатли азоб эди. Тирсаклари, тиззалари ачишиб оврияпти. У нафасини ростлаб олмоқчи бўлиб, яна тўхтади. Кейин, чўзилди. Чўзилган заҳоти, ўзига бир дам ортиқча тин берса бас, қолдан тойиб эс-ҳушидан айрилиши, қувур ичида қолиб кетиши мумкинлигини ҳис этди. «Улар ҳозир кайфи сафо қилиб ўтиришгандир, — деб аччиқ алам билан ўйлади у. — Сени изсиз гумдон қила олишганидан, омадлари юришганидан балки хурсанддир улар. Сен бўлсанг жон-жаҳдинг билан уриниб, курашишга мажбурсан. Сен энди маҳкумсан бунга! Лекин ҳадеб эзилаверма. Сен рақибларингни худди оёғи куйган товукдек типирчилатиб қўйдинг. Ҳар хил ҳийла-найранглари ишга солиб кўришди. Аммо сен ҳам бўш келмадинг. Айтганларига учиб, уларга ён беравермадинг. Ўзимдаги бор маълумот, ҳужжатларни керакли ерга етказаман, деганингда Итолмасов ҳушидан оғиб қолаёзган-ди-я!..»

\* \* \*

Холбек ҳали тушлиқдан қайтмаган эди. Дониёр ўрнига ўтириб, чала қолган ишларини ниҳоясига етказмоқчи бўлди, ҳужжатлар солинган палкани олиш учун тортмани очди. Очди-ю, қорозга ўроқли нарса турганини кўриб, бир зум ажабланди. «Қизик, бу қаёқдан келиб қолди экан? Кимники? Нима ўзи?..» Очиб кўрди. Кўрди-ю сесканиб кетди: бир даста пул — яп-янги ўн сўмлик, беш сўмлик... Пулдан ташқари, букланган бир хат ҳам бор экан, шоша-пиша олиб ўқишга тутинди: «Дониёр! Бу арзимас совғамиз хамир учидан патир. Ақл билан иш тутишингни маслаҳат берамиз. Одам ўз қудуғига тупурмайди. Текшир-текширни бас қил! Епирлиқ қозон ёпирлиғича қолсин!»

У ўрнидан салчиб туриб, қорозни вижимлаган кўйи хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади: «Муттаҳамлар, аблаҳлар? Энди бу ифлос йўлни ўйлаб топишдимми? Мени ўзларига шерик қилишмоқчи? Пул билан оғзимни ёпишмоқчи. Йўқ, мен сенлар ўйлаган кишилардан эмасман. Имонимни ҳеч қачон пулга сотмайман. Ҳаромхўрлик қилдингларми, жазосиниям тортасанлар!..»

У асабийлашаётганидан қалт-қалт титрарди. Кимга дардини ёриб, кимга маслаҳат солишни билмас эди. Тегишли жойга хабар қилсинми? Бу бизнинг ишимиз эмас, тухмат қиляпти, деб тонишса-чи? Икки ўртада ўзи ёмонотлиғ бўлиб қолади-ку! Жанжал кўтаришнинг ҳам фойдаси йўқ. Дониёр пулни ким қўйганини билмаса ҳамки, бу ишда кимларнинг қўли борлигини аниқ сезаётган эди. Чидаб туролмади. Шартта бош бухгалтер Итолмасовга учради.

— Келинг, ука, хизмат?

— Бу ишни сиз уюштирдингизми? — деди Дониёр, бир даста пулни кўрсатиб.

Бош бухгалтер тумшайиб:

— Э, қизиқ! — деди. — Билмай гапираверасизми! Мени ўлимдан хабарим бор, бундан хабарим йўқ, ука!

Дониёр кассир Султонга ҳам учрашди. Султон ишшайиб елка қисди:

— Ҳай, ҳай, оғзингизга қаранг, ука! Ақлимни ебманми шунча пулни ўз қўлим билан кўкка совуриб...

Давронбеков кеча вилоят марказида бўладиган катта бир йиғинга кетганди. Лекин бу ишни унинг югурдақларидан бирортаси қилиб қўйганига, бундан раиснинг хабардорлигига Дониёрнинг ишончи комил эди.

Бу воқеа ҳақида идорада ортиқча гап-сўз эшитилмади. Тафтишчининг оғзи боғланиб, тили қисик бўлди, деб ўйлашдимиз, хотиржам юришди. Дониёр ҳам худди ҳеч нарсадан хабарсиздек ишлаб юраверди.

Йўқ, кўп ўтмай, рақиблар биринчи ҳаракатлари зое кетганини сезиб, тафтишчи инъомни оз деб ўйлаяпти, яна чўзиш керакка ўхшайди, деган тахминга боришгандек бўлишди. Аммо, бу гал уни бошқача, яъни опшора таҳдид билан «мукофот»лаш усулини маъқул билишди.

Дониёр ишдан қайтаётиб, шунчаки дўсти Мансур-никига кириб чиқди. Мансур ундан икки маҳалла нарида турар, монтер эди. Дониёр нималардандир сиқилган кезлари бу дилкаш дўстиникига бориб, юрак чигилларини ёзиб қайтар эди. Гурунг чўзилиб, у сал ҳаяллаб қолди. Уйига қайтганида қоронғи чўккан, лекин негадир чироқлар ёқилмаган эди. Бунинг устига, эшик ярим очиқ.

Дониёр бетоқатлик билан остона ҳатлаб, ичкарига кирди. Шу аснода чироқ ҳам чарақлаб ёнди.

Чироқ ёнди-ю, бирдан Дониёр қўрқувдан кесақдек бўлиб қолди. Катта хона ўртасидаги стол ёнида қора кўзойнак таққан икки шляпали киши турарди. Уларнинг юзи бурнининг устигача қора шарф билан ўралган эди. Эшик тарафда ҳам худди шундай ниқобдаги бир киши пичоқ тутиб турар, афтидан чироқни ёққан ҳам шу эди. Хона тўридаги диван каравотда эса рангкути ўчган хотини; тўнғич боласи унинг пинжида мудрамоқда эди. Сожида кенжатоийни бағрига босганча япроқдек дилдираб, ҳиқ-ҳиқлаганча йиғлаб ўтирарди. Деразаларга парда тортилган, стол устида қоғозга ўроқлик нарса.

— Дониёр, бундан буёри ишингни билиб қил! — деди таҳдид билан «меҳмон»лардан бири. — Агар яна ўз билагонлигингдан қолмасанг, аяб ўтирмаймиз. Ҳеч бўлмаганда бола-чақангни ўйла! Ана бу қоғоздаги сенга аталган, яраб қолар! Билиб қўй, энди тинч юрмасанг, бекорга куйиб кетасан!

Улар чиқиб кетишди. Дониёр бошини чангаллаган қўйи курсига чўқди. Кейин, шу кеча у ҳам, хотини ҳам киприк қоқмай чиқишди...

\* \* \*

«Болаларим бахтига тирик қолсам бўлгани!» деб ўйлади Дониёр.

У аскарликда бўлган пайтида, машқларда ҳам бунчалик кўп эмакламаган эди. Шу аснода беихтиёр хотини, болалари дастурхон бошида илҳақ кўз тикиб ўтиришганини тасаввур қилди. Кўнгли бузилди. Шу дамгача Дониёр ўйламагани — энди бехосдан ниҳоятда очиққанини билди, бундан ҳам кўпроқ, томоғи қақраб, ташналик азоб бераётган эди. Бу ҳам етмагандек, эгнидаги кийимлари оғирлик қилар, тобора олға суринишига ҳалал бераётган эди.

Дониёр костюмини ечиб ташлади, туфлидан ҳам воз кечди. Назарида, анча енгил тортгандек бўлиб, оёқлари, қўллари санчиб оғриётганига ҳам қарамай, яна олдинга эмаклашга тушди. Бироқ, орадан жилла ўтиб, у яна тўхтади: шу боришда тўғри қувурнинг сўнгги ҳалқаси томонга қараб кетяптимикиан? Мабодо

адашиб қувур бошланган тарафга суринаётган бўлса-чи? Унда қиёматда ҳам бу ердан чиқолмайди! Умуман, бу қувур катта тимсол излаганда ғор, кичик тимсол излаганда хумга ўхшайди, мағрибу машриқни ажратиб билиш қийин...

\* \* \*

Бу фожиа ҳалиги ниқобли кишилар келиб кетгандан кейин рўй берди. Бир оқшом...

Дониёр кўчада шошилмай борарди. Орқадан оёқ товушлари эшитилди. Икки киши уни таъқиб қиларди. У чаққон юрди. Аммо, шу пайт туйқусдан забардаст бир қўл Дониёрнинг елкасига бургутдек чангал солди:

— Тўхта!

— Кимсизлар? — дейишга улгурди Дониёр. Бошига тушган зарбдан гандираклаб кетди. Таъқиб қилаётганлар бу билан кифояланмайди, яна дўппослаб, тепкилашга тушишди. Шу ур-сурда Дониёр қаршисидаги кишилардан бирини — мўйловли йигитни олдин ҳам қаердадир кўргандек, танигандек бўлди. Аммо унинг кимлигини эслаёлмади. Дониёрни ўласи қилиб, шаҳар ташқарисидаги партов бир қудуққа ташлаб кетишди. Қудуқ ичи нам, зах эди. Деворлари, сатҳининг у ер-бу ерида яккам-дуккам янтоқ, туятовон, чучукмия ўсган, сояда унгани учунми барглари, таначалари оқ-сарғимтир тусда эди.

Дониёр азобу машаққат билан ўрнидан туриб, қўлида бир темиртакни кўрди: қаердан қўлига илашибди, билмайди... Темиртак билан зинапоячалар ўйиб, юқорига чиқа бошлади. Бир газча баландликка кўтарилганида бир «зина» ўпирилиб, у қайтиб пастга қулаб тушди. Анча вақт тўлраниб, инграниб ётди. Сўнг яна ўрнидан турди. Яна жон-жаҳди билан ҳаракатга тушди. Қудуқ чуқурлиги, чамаси, етти-саккиз метрлар келар, кенлиги бир қулочча эди.

У, ниҳоят, қудуқдан чиқиб олди. Чўзилиб, бир оз дам олди. Атрофга тикилди. Қўйчивонлардан қолган ташландиқ қўра, атрофи пастқам чимдевор қўтон, ўзи эса қўра четида қудуқ бўйида турарди.

Дониёр шундан сўнг секин-аста шаҳарга қайтмоқчи бўлди. Аммо, беш-ўн қадам юриб-юрмай, боши айланиб йиқилиб тушди...



У ўзига келиб, аранг кўз очганида, ёруғ хонада, каравотда ётарди. Боши оқ дока билан чандиб ташланган, аъзойи бадани гўё гижимлангандек эди.

Эшик очилиб, оқ халатли озғин қиз кўринди:

— Қалай, тузукмисиз?

Дониёр хижолатомуз жилмайди ва ҳол-беҳол қайси касалхонада ётганлигини сўради. Қўшни туман касалхонасига тушиб қолганини билгач, кўнгли бир оз тинчланди. Бир чўпон хабар қилган экан... Кейин:

— Агар иложи бўлса, кечроқ уйимга бир кўнғироқ қилсам, — деди ҳамширага. — Уйдагиларга қаердалигимни айтиб, уларни тинчлантирсам, хавотир олиб ўтиришади.

— Бемалол, гаплашса бўлади, — деди ҳамшира. — Шароит бор. Ўзим қарашвораман, телефон қўшни хонада...

Шу куни кечга томон у қўшнисиникига кўнғироқ қилди. Хотинини чақиришди. У Сожидадан ҳол-аҳвол суриштирди. Сўнг муҳим бир иш билан бандман, деб айтди. Агар бирор киши суриштирса, қаерга кетганликларини билмайман, деб айтгин, дея тайинлади. Узори билан икки-уч кун ичида бориб қолишини билдирди.

Даволовчи врач кирганида унга:

— Бу ерга тушишингиз сабаби агар бирор-бир кўнғилсиз иш билан боғлиқ бўлса, тортинмай айтинг, органга хабар берамиз, — деди.

Дониёр:

— Бундай ҳолга тушишимга ўзим сабабчиман, ҳеч ким айбдор эмас, — деб қўя қолди. Лекин бор дарди, алами ичида эди.

Уч кундан сўнг у касалхонадан чиқди. Лекин ҳали жароҳатлар батамом битмаган эди. У поликлиникага қатнаб, даволанишини билдирди.

\* \* \*

«Ҳой, овсар, бадбахт, сенинг юришинг жаннат эди. Дўзахни энди кўрасан! Ха-ха-ха...»

Дилгирлик, чарчоқ, очлик ва ташналик ўз кучини кўрсатдимми, Дониёр беихтиёр кўзи илиниб, туш кўраётгандек бўлди. Йўқ, аслида бу туш ҳам эмас, аллақандай алаҳлаш эди. Нима бўлмасин, шу аснода у

«Жигули» минган, уни шундай кўйга солган йигитнинг овозини, кулгисини баралла эшитди.

Ҳамон эмакляптими, тинкаси қуриб чўзилиб қолдими — билмас эди. Бу қандай даҳшат ахир! У тушган қувур рор ҳам, хум ҳам эмас, лаҳаднинг худди ўзгинаси — лаҳадга ўхшаб на эшик, на дарчаси бор, тангу тор, зулмат-зимистон!..

Дониёр тақдирга тан бериб, киприклари чип-чип ёпишаётган кўзларини чирт юмиб, алдамчи ором ҳукмига ўзини топширгудек ҳолатга мойилликни қонижонида ҳис этди. Бу — ўлим шарпаси эди. Бу шарпага у бир гал, бир лаҳза итоат қилса бас, қайтиб ўзини ўнглаёлмайди. Шу билан ҳаммаси тамом!

Дониёр ўз хаёлидан ўзи чўчиб кетди. Бундай бўлиши мумкин эмас! Олдинги сафар талашиб-тирмашиб ўлим исканжасидан қутулиб чиққан эди-ку. Ҳозир ҳам ўлимга панд бериш керак.

У яна беҳол-бемажол ўрмалай бошлади.

\* \* \*

Дониёр жонига олдинги сафар қасд қилиш режаси қуйидагича амалга оширилган эди.

Мўъжазгина хона. Йиғиштирилмаган. Ўртадаги столда охирлаб қолган арақ шишаси, ликобчада тузланган бодринг бўлаклари... Елкадор киши қадахни бир сипқаришдаёқ бўшатгач, бодрингдан ҳидлаб, газак қилди. У диванда ястаниб олган мўйловли йигитга шубҳали назар билан қараб:

— Яна чалажон қилиб ташлаб кетган бўлма, — деди. — Қайтиб келиб, яна бошимизга бало орттириб юрмасин.

— Арвоҳи тирилиб келадими? Зарбимнинг қанақалигини биласиз-ку! Юмалатиб жончиқар ерига шундай тепдимки, миясининг қативи чиқиб кетди.

— Ишқилиб, биров сезиб-пезиб қолмадими?

— Мен қўл урган иш ими-жимиди бўлади. Шеригим эса тилига мустаҳкам. Қўрқманг, унинг изини шайтон ҳам топмайди.

— Пишиқдигинга борман. Энди тилинга эҳтиёт бўл?

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, жигар. Колонияда юрганимда менга пихини ёрган, жиноятчилар қўл бер-

ган-а! Хўш, энди ваъдага кўра малах'нинг қолганини чўзинг.

Елкадор мийиғида кулганча қўйин чўнтагига қўл солди...

Иккиси бир неча кун бурун шу хонада учрашишганди. Лекин иш юзасидан ҳадеганда бир битимга келишолмаган эди. Мўйловли йигит ишнинг ниҳоятда қалтислигини билгач, удалашни зиммасига олиш-олмасликка тайсаллашиб турди. Қизариб бўғриққан юзига жиддий тус бериб ўйга толди. «Нима, бу овсар ростдан ҳам миясини еб қўйганми? Бировни калтаклаб, у ер-бу ерини моматалоқ қил, деб айтса бошқа гап эди. Э йўқ, бе йўқ, изини ўчирасан, дейди-я! Бу айтишга осон. Бир марта ётиб чиққаним камлик қилганмиди менга?»

Елкадорнинг Мўйловлини бу қалтис ишга уннаётганига боис бор. Биринчидан, у жони жигари; Мўйлов оилада ёлғиз фарзандлиги учунми, бошдан эрка, тайини йўқ, саёқ бўлиб ўсган. Ота тарбиясига ёлчимаган. Онаси ўтитларига қулоқ осмаган. Қурилиш техникумига ўқишга кириб, битказолмай ора йўлда қолдирган. У ишдан бу ишга сакраб юрган. Жиноятга қўл уриб ўтириб чиққунича онаси ҳам ўлиб кетди, энди ёлғиз кун кечиряпти. Пулга ўч.

— Бу ишни буғини чиқармай, ими-жимиди эплаш, сиз ўйлаганчалик осон юмуш эмас, — деди мўйлов. — Билиниб қолса куним битади-ку!

— Қўрқяпсан-а? Қўлимдан келмайди деяқол! Яна бу киши эплотмайдиган иш йўқмиш, — деди кесатиб елкадор. — Мен келиб-келиб арзимни сенга айтаманми? — У сал юмшади. — Шу иш учун оғзингга сиққанича сўра, деяпман-ку ахир!

— Нима, арпангизни хом ўрдими у? Балки, боплаб савалаб, чўчитиб қўйилса кифоядир. Пати яхшилаб юлинса бас, жимгина юраверади.

— Юракдан бор экан-ку! Маслаҳатингдан ўргилдим-э! Боисини суриштиради-я! Билишинг шартми?.. Удалайсанми, йўқми — шуни айт!

— Тоза гирибондан олдингиз-да, майли, нақд ўн бешта бўлса, розиман! — деди мўйлов. — Бунақа даҳмазага ҳаммаям қўл уравермайди.

<sup>1</sup> Пул

— Бўпти, гап битта, одатингни биламан: дангалчисан. Мана, ўн! — деди елкадор ва қўйин чўнтагидан бир даста пул чиқариб, стол устига ташлади. — Бу хамир учидан патир... Келишдикми?

Шундан кейин мўйлов бу ишга бир ишончли шеригини ёллаб, Дониёрнинг изига тушди. Бир неча кун унинг изидан соядек эргашди. Қулай пайт кутди. Ниҳоят...

Дониёр касалхонадан чиққач, ҳеч кимга кўриниш бермай юрди. Яшаш, тунаш жойини ўзгартирди. Лекин даволанишни давом эттирди. Хотинига ҳам вазиятни ётиғича тушунтирди. Сожида икки боласини етаклаб, вақтинчалик қўшни туманга туғишганлариникига кетди. У хавотир олмаслиги учун Дониёр ҳар кун телефонда гаплашиб турди. Ва шу баробарида кўзланган мақсадини ҳам бирма-бир амалга оширишга киришди.

Жиноятчини топиш осон бўлмади. «Мўйловли йигит ким бўлди? Уни қаердадир бир назар учратгандайманку!» — деб қастдорини кўп бор хотирлашга уринди у. Ниҳоят, уни тўрт ой олдин бош бухгалтернинг ўғил тўйида кўрганини эслади. Мўйлов югуриб-елиб хизмат қилганди...

Туман марказида турувчи қариндоши дейишганди... «Номиям сал ғалатиноқ эди-я? Бундан чиқди... Вой, лаънати, иблис!» Дониёр адреслар шўъбасига учради. Сўради, суриштирди... Алоҳа, мўйловли йигитнинг яшаш жойини аниқлади.

У шом қоронғисида дўсти Мансурникига бориб, кўнгидагини очиқ-ойдин айтди.

— Э-ҳа, ҳали шунақа гаплар дегин! — Ўйланиб қолди Мансур. — Нега шуни бир оғиз сездирмадинг? Уялмайсанми?!

— Сен ҳақсан, — деди Дониёр. — Лекин ишнинг бундай бўлиб кетишини кутмагандим. Кўпчилик иккимизнинг дўстлигимизни билади. Мен туфайли сен ҳам бирор кор-ҳолга учрама дедим.

— Бил, улар ҳар қандай пасткашликка боришдан тойишмайди, — деди Мансур. — Сирлари очилиб, эл оғзига тушишдан баттар кўрқишади. Аниқлаган далилларингни уларга бошдаёқ сездириб қўйиб, чакки қилгансан... Хўп, энди нима қилмоқчисан?

— Марказий ташкилотларга хат ёзганман. Текширишади. Лекин унгача қўл қовуштириб туриб бўлмайди. Мен рақибларим билан уларнинг ўзларига хос усулда курашаман энди.

— Бу анча қалтис иш, — деди Мансур.

— Кўп ўйлаб кўрдим. Бундай қулай йўли йўқ! — деди Дониёр.

— Сен менга бу ишда ёрдам беришинг керак!..

...Икки кўланка чоққина, деворлари сомон шувоқли уйга яқинлашиб тўхтади. Бири атрофга аланг-жаланг қараб олди: сокинлик, осойишталик. Айни пайти!

— Ёлғизлигига ишончинг комилми? — деб сўради шивирлаб бири.

— Ҳа, аниқ биламан. Маст. Боягина ресторандан довдираб чиқди, — деди иккинчиси. — Тезроқ ишга киришайлик!

Ўрта бўйлиси бир сакраб, деворга осилди-да, ҳовли ичига мўралади. Сўнгра шеригига маънодор ишора қилиб, ўзи девордан чаққон пастга ошиб тушди. Иккинчиси унга эргашди. Улар энгашганча ниҳолларни паналаб, уй томонга юришди.

Дераза ланг очик, тўр парда уйга урилаётган майин шабадада ҳилпирар, хона ичидан эса хуррак овози эшитилар эди. Иккиси билдирмай деразадан ичкарига киришди. Бўйинларига осилган ниқобни кўтариб, юзларини беркитишди. Ниқоб қора матоҳдан тикилган қийиқча эди. Бири ҳар эҳтимолга қарши деразани маҳкамлаб, пардани тортди. Шериги пайпасланиб бориб, эшикка яқинлашди, сўнгра чироқ тугмачасини босди. Диван каравотда хуррак отиб чалқанча ётган мўйловли йигит ўйғониб кетди. Кўзларини уқалаб ўрнидан оғир қўзғалди. Қўзғалдию, ваҳмдан кўзлари олайиб кетди. Кейин, булар кўздан изимга тушиб юрган қасддор собиқ шерикларим бўлса керак, деб ўйлади-ми, бирдан сергак тортди. Талваса аралаш тез ҳаракатга тушиб, ўзини ҳимоя қилишга тараддудланди, лекин бир хитоб билан яна ўрнига михланди:

— Қимирлама!..

— Ме-е-мендан ни-нима керак сизларга? — деди дудуқланиб.

— Қилмишинг бизга аён! Қотиллигингдан хабардормиз!

— Қа-қанақа қо-қотиллик? Ұлай агар, ҳеч нарсага тушунмаяпман, — деди йигит. — Кимсизлар?

— Вайсашни бас қил! — дея ўшқирди хитобли овоз қатъият билан. — Ұлдириб қудуққа ташлаб кетган кишинг-чи? Бу ишга сени ким мажбур қилди? Яхшиликча ростини айтсанг, йигит сўзим, соғ қоласан!..

— Бу малъун билан ади-бадилашиб ўтирамызми? — Гапга аралашди мўйловли йигитнинг талмовсираганини кузатиб турган иккинчи ниқобли. — Қотиллиги аниқку, яна нима керак? Тезроқ тинчителиб кетақолайлик!

— Охирги марта сўраяпман! — деб яна дағдара қилди биринчи ниқобли. — Танасини қудуққа ташлаб кетганинг — марҳумни сен танимас эдинг. Тўғрими? Бу қотилликка яна бошқа киши ҳам аралашган. Кимлигини айтсанг гап тамом: тирик қоласан. Лекин бир шарт билан: бу ерда қайтиб қорангни кўрсатмайсан!

Мўйловли йигит эсанкираб қолган эди.

— Тўғрисини айтсам тегмайсизларми? — деди у ниҳоят ёлвориб, қалтираб. — Сўзларингизда турасизларми?

— Ҳа, ваъдамиз қатъий. Гапир тезроқ!

— Амаким мажбур қилди, ҳол-жонимга қўймади, — деди мўйловли тутилинқираб. — Изини ўчириб бер, деди. У бош бухгалтер...

— Сабабини айтмадими?

— Айтди... У буларнинг алақанақанги сирларини пайқаб қолган экан? Органга чақиб қўйишидан кўрқинибди. Сен ўтириб чиққансан, бунақа ишларга укувинг бор, деди. Пул ваъда қилди.

— Пул бердимми?

— Ҳа, берди. Мингини алақачон ишлатиб бўлдим. Қолгани ана у...

Пичоқ ўқталиб турган ниқобли хона бурчагидаги чангютқич томон борди, чангютқич қопқоғини очди. Чангютқичнинг ахлат тўплагич ерига қўл тикиб, целлофанга ўралган нарса олди. Очди. Гилам устига икки-уч даста ўн сўмлик, йигирма беш сўмлик пуллар тушди. У пулларни олиб, чўнтагига солди. Сўнг шеригига мурожаат қилди:

— Эшиттир!..

Шериги чўнтагидан ихчам қутичани чиқариб, тутмасини босди. У митти магнитофон эди. Мўйловли

йигитнинг сўнги иқроор сўзлари аниқ-тиниқ эшитила бошлади. Йигит бошини чангаллаганча жаврай кетди:

— Нима керак эди? Келишдик-ку, ах-ахир!.. Яна гирромликми? Мен-ман...

— Бас қил валдирашни! — деди биринчи ниқобли. — Анойиларни топибсан! Мабода бирор ортиқча қилиқ кўрсатсанг, ўзингдан кўр! Оғзингдан чиққан бу гапларинг бошингга етади. Ёндошбой!..

— Энди биз кетгунча ўрнингдан қимирлай кўрма! — Қўшимча қилди иккинчи ниқобли. — Қимирласанг, калламнинг қатиги чиқди деявер!

Ниқобли икки киши эшикдан тезгина чиқиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлишди.

\* \* \*

Дониёрни жиққа тер босган, бадани чўққа айлангандек эди.

У бир гал руҳсизлангандан кейин яшаш иштиёқи, фанимлар қилмишини фош этиш, ўч олиш истаги унга жила ғайрат беғишлади.

Дониёр бор кучини ишга солиб, идам сурина бошлади. Аммо ҳамон даҳшатли қоронғилик, чанқоқлик, очлик гўё ялмоғиздек уни исқанжага олиб, бўғиб келлаётгандек эди. Дам сайин кўнгли озиб, тобора ҳолдан тойиб борарди.

У ўрмалаб бораётиб ўзига-ўзи далда берарди: «Қўрқма, Дониёр, ҳаммаси яхши бўлиб кетади! Душманларинг қўрқсин! Ҳали ҳам рақибларинг, тўплаган бор бисотимиздан ажралиб қолмасак эди, деб юрак ҳовучлаб юришгандир? Ахир, бош бухгалтернинг жамгарган анча-мунча пулини гўё юрагини қинидан сугургандек шилиб олдинг. Кассирнинг ҳам!.. Олдинг эмас, аксинча, ўзлари ўз қўллари билан келтириб топширишди. Ана уни азоб деса бўлади! Бош бухгалтернинг жавраб ялиниб-ёлворганлари эсингдами?..»

\* \* \*

Телефон жиринглаб Итолмасовни уйғотиб юборди. У: «Саҳармардондан безовта қилаётган ким бўлди экан?» дея ғўлдираб ўрнидан эриниб қўзғалди. Стол чеккасидаги телефон трубкасини кўтариб:

— Эшитаман.

— Бош бухгалтернинг уйими?

— Ҳа, ҳа, ўшанинг уйи, — деди Итолмасов шоши-  
қираб. — Сўроқлаётган кишингиз мен бўламан. Ким  
бу гапираётган?

— Аҳамияти йўқ!.. — деган овоз эшитилди трубка-  
дан. — Менга қара, яхшилаб эшитиб ол: агар айбинг  
фош бўлишини истамасанг, мен айтган шартларга сўз-  
сиз кўнасан!

— Кеч-кечирасиз! Қанақа айб, қанақа шарт? Ким-  
сиз ўзи?

— Айтдим-ку, менинг кимлигимга ишинг бўлма-  
син? Тафтиш комиссиясининг раисини танийсанми?

— Ҳа, ҳа, танийман, — деди Итолмасов. — Нима-  
ди?

— У ҳозир қаерда, биласанми?

— Йўқ, йўқ, унинг қаерда юрганидан хабарим йўқ.  
Лекин ишга келмаяпти. Айтганча, касал ётибди, деб  
кулоғимга чалингандай бўлувди.

— Ўв ярамас, ўзингни кўп гўлликка солма! У ўлди-  
рилган. Қотили эса сен!

— А, нима?.. — Итолмасовнинг қўлидан телефон  
трубкаси тушиб кетди. Ўзи стулга беҳол чўкиб, чакка-  
ларини чангаллаган кўйи, бошини сараклантира бош-  
лади: «Кўнглимдан кечган эди-я!.. Оббо, у галварс ишни  
расво қилибди-да!..»

— Нега нафас ютиб қолдинг, қотил, гапир!

Хишиллаган овозни эшитиб, у трубкани аста кўтар-  
ди. Беҳол, титроқ товушда:

— Ма-ма-ман, ҳеч нарсани би-билмайман. Бу иш-  
лардан хабарим йўқ. Ма-ман... — деб гўлдиради.

— Чайналма! Вақтим зиқ! Мўйловли жиянингни  
танийсанми? Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолишини ис-  
тасанг, вақт борида ўйлаб кўр! Истамасанг, шўрингга  
шўрва тўкилди, деявер!

Қўрқиб кетган бош бухгалтер беихтиёр трубкани  
ўрнига қўйди. Аммо дам ўтмай, телефон яна жиринг-  
лади.

— Эшитаман...

— Ҳой, менга қара, нега трубкани илдинг?! Мен  
ҳазиллашаётганим йўқ! Ақлингни йиғиб олдингми? Нега



индамай турибсан? Жавоб бер, шартимга рози бўлсанми, ёки!.. Айтиб қўяй, ўзга чоранг йўқ!

— Қа-қандай шарт? — деди Итолмасов зўрға.

— Шартим шу: агар қутулиб қолишни истасанг, яна ўн беш мингнинг баҳридан ўтасан. Шерикларинг ҳам... Йўқса, кам деганда ўн-ўн беш йил умринг қамоқда ўтади. Қариндошинг — мўйловли отилишга ҳукм қилинсаям ажаб эмас. Пул сенда сероб. Яна айтиб қўяй, бу гап фақат иккимизнинг орамизда қолади. Акс ҳолда ишингдаги қинғирликларинг фош бўлади. Унда бор мол-мулкингдан ҳам ажраб қолсан. Билиб қўй, тафтишчи қўлга киритган ҳужжатлар менда!..

— Туш-тушундим. Лекин менда бу-бунчалик пул нима қилсин? — деди Итолмасов хириллаб. — Лекигин, розиман. Қарз-қавол қилиб бўлса ҳам, айтганингизни тоғиб бераман. Фақат раҳм қилинг, болачакам сағир бўлиб қолмасин? Сир-сирлигича...

— Балли, энди ўзингга келдинг! Пул эртагаёқ тайёр бўлсин! — деди трубкадаги овоз. — Яна тентаклик қилиб бошқа хаёлларга бора кўрма! Кунинг битадй-я! Учрашув жойи... Гап тамом!

...Ўша куни Давронбековнинг уйида ҳам саҳардан телефон жириглаб қолди.

— Эшитаман, — деди Давронбеков салобат билан.

— Тоға, бу мен, — деди трубкадаги овоз. — Вилоятдан, жиянингиз.

— Э, жигарим! Соғ-саломат юрибсанми, ишларинг жойидами? — деди Давронбеков. — Бу дейман овозинг сал-пал ўзгарибдими? Бошқачароқ эшитиляпти. Ёки тумовландингми?.. Ҳа, шундайми? Ўзингни асра, жиян... Нима, ишдан ҳеч бўшамаяпсан? Э, жигарим, бу иш дегани бирор ёққа қочиб кетармиди?

— Тоға, гап бундоқ! — Ниҳоят мақсадга кўчди «жиян». — Устингиздан юқори ташкилотларга маълумот тушибди. Вазифангизни суистеъмол қилиш, меҳнатсиз даромад орттириш, еди-ичдилар, яна бир қотиллик тўғрисида... Қисқаси, анча-мунча сир-асрорингиз очиб ташланган. Зудлик билан олдини олмасангиз бўлмайди. Мабодо тасдиқланса, жавобгарлиги оғирроқ.

Тўсатдан ноҳуш хабарни эшитгач, Давронбеков бир қалқиб тушди. Юзлари ялати буришиб, кенг манг-

лайи тиришди. Хиёл жим, нафас ютиб турди. Сўнг ўйловга берилди: «Вой, энағар тафтишчи-эй, ёзиб жўнатишга улгурган экан-да! Иш чатоқлашганга ўхшайди. Жияним ташвиш билан куюниб айтди-ку!.. Жиноятга аралашгансан, қотилликда қўлинг бор, деб айб қўйишса-чи? Бошимга ёпирилган фалокатни ими-жи-мида даф қилсам бўлгани эди...»

— Эшитяпсизми?

Давронбековнинг фикри бўлиниб, ҳушёр тортди.

— Шунақа гаплар дегин? Майли, кўрамиз? — деди босиқ овозда. — Сендек жигарим бор экан, ташвишланадиган ерим йўқ. Ўзинг бир ҳисобини қилиб... Хизматига бўлса, мана, тоғанг ҳамишагидек камарбаста.

— Тушунинг, тоға бу галгиси жуда қалтис! Яна бу менга боғлиқ эмас. Лекин мен ҳозирча комиссия составида борман, — деди «жиян».

— Хўш, қаерга боғлиқ? Нима қил дейсан бўлмаса? — деди Давронбеков титраб.

— Маслаҳатим: фермадаги қўйларни қочиришга уринманг, аллақачон хатга тушган. Қўйчивонлар тушунтириш хати беришибди. — Энди тез-тез, фармойишли оҳангда гапирди «жиян». — Қайнингиз ҳам номидаги «Газ — 24» автомашина сизга тегишлилигини кимгадир айтиб қўйган экан. «Омонат касса»га боринг-да, бор жамғармани ўз қўлингиз билан... Ишингиз бирмунча енгил кўчади. Шунда жазодан қутулиб қолсангиз ҳам ажаб эмас. Пулдан борми ўзи?

— Бо-борликка бор-у, лекин чўғи камроқ-да, — деб гўлдиради Давронбеков. — На-наҳотки, бирор-бир чорасини тополмасанг, жиян?

— Иложи бўлганда сизни безовта қилиб ўтирармидим. Мукофот пулларида чегирилган фойда юзасидан ҳисоб-китоб қилаверинг! Гап-сўз бўлгудек бўлса, хатойимни вақтида англаб, хайрли иш учун ўз ихтиёрим билан топширганман, деб айтасиз. Айбингиз енгиллашади. Ақл билан иш кўринг, тоға! Тақдирингиз қил устида! Комиссия яқин орада бориб қолади. Гап кўп, афсуски телефонда айтиб бўлмайди... Шерикларингизга тайинлаб қўйинг, тилларини тийиб юришсин. Бу хусусда ўзингиз ҳам ҳеч кимга оғиз оча кўрманг!

— Нималар деяпсан, жиян?! — деди Давронбеков. — Ўз туришган тофангни бепичоқ сўяяпсан-ку! Қанақа шерик?!

— Қингир ишингизга кассирингиз, яна бош бухгалтер ҳам аралашган экан. Улар бутун айбни сизга ағдаришлари мумкин. Эҳтиёт бўлинг. Хайр!..

Давронбеков вилоят ижроия қўмитасида ишловчи шу жиянига орқа қилиб, қўрқмасдан иш кўрарди.

Дониёр раиснинг бу жиянини яхши танирди. Шу боис ҳам телефон орқали жиян ролига кириб, тоға билан гапиришиш унга осон кўчди. Давронбековни чиппа-чин ишонтира билди.

Дониёр, далил сифатида асқатиб қолар, деган ўй билан телефон симини олдиндан магнитофонга улаб қўйган эди. Бош бухгалтер, кассир ва раис билан телефонда бўлган гапларнинг ҳаммасини магнит лентасига ёзиб борди.

\* \* \*

Дониёр кечмиш воқеаларни эслай-эслай илдам суринаркан, ниҳоятда толиққанини ҳис этди. Қўллари, оёқлари бемажол эди. У гоҳ ўз-ўзини мажбурлаб яна бир оз олдинга босишга ҳаракат қилар, гоҳ умидсизликка тушарди. Унинг кўз ўнгидан патиласоч қизалори, эндигина тетапоя бўла бошлаган ўғилчаси кетмас эди. Гўё иккиси қучоқ очганча, дада, дадажон, дея унга қараб югуриб келаётгандек эди. Бу тасавурида жонланган манзара дам далда берар, дам юрак-бағрини эзарди.

Дониёр ўз рақибларининг башарасини ҳам зулмат қаърида кўриб тургандек эди. Булар — Давронбеков, Итолмасов, кассир Султон... Унинг жонига қасд қилган Ёндош билан шериги.. Бу йигитнинг исми Соли, автобазада шофёр бўлиб ишлар эди. Машинада бир болани босиб ўлдирган, умрининг саккиз йили колонияда ўтган.

Ёндош поликлиника олдидан ўтиб кетаётиб, бир куни Дониёрга тасодифан кўзи тушиб қолди. Ҳайрати ошиб, йўлида таққа тўхтаб яна қаради. «Ўзи, ҳа, худди ўзи! Наҳотки?.. — дея тезда ўзини йўлак четига даги дарахт панасига олди. Тагин Дониёрга қайта-қайта қаради. — Кўрмади, сезмади... Ахир қандай

қилиб?.. Арвоҳи тирилик қайтмайди-ку! Ажаб, қандай қилиб жон сақлаб, қудуқдан қутулиб чиқдйкин-а? Ёки бирор чўпон-пўпон кўриб қолиб... Бундан чиқди, уйимга бостириб кирган, дўқ-пўписа билан мени ипсиз боғлаб, бор-будимни шилиб олган шу экан-да! Ўшанда кайф аралаш дурустроқ туширолмаган эканман-да... Тезроқ бирор чорасини топмасам, соб бўлдим ҳисоб!..»

Дониёрнинг тирик эканлиги, бунинг устига бир даста нақд пулдан ҳам ажраб, паңд еб қолганини билиб, Ёндошнинг фиғони чиқди. У эскитдан ошнаси Солини топди. Биргалиқда бажарган ишларидан ишқал чиққанини тушунтирди. Дониёр ҳозирда ўзларига қарши кураш олиб бораётганини айтди. Бу хавфнинг тезроқ олдини олмаса бўлмаслигини уқдирди.

\* \* \*

Дониёр икки ўртада ўт чиқишига сабаб бўлган масала юзасидан дастлаб туман раҳбари—райкомнинг биринчи котибига учраган эди. Улар, сабр қилинг, текширтирамиз, раисни инсофга чақирамиз, дея ишни пайсалга солиб юриб, Давронбековни хавфдан огоҳлантиришди шекилли, у баттар қутуриб кетди. Йўлида тўғаноқ бўлиб турган Дониёрни тезроқ йўқотиш пайига тушди.

Дониёр учун энди фақат битта нажот йўли қолганди: тўплаган факлари, далилий ашёларни йиғиб, юқорироқ ташкилотларга мурожаат қилиш! У худди шундай йўл тутди. Вилоятдаги ишончли масъул бир раҳбарга учраб, унга бутун кирдикорларни гапириб берди. Раҳбар бир оз ўнғайсизланиб, тортинчоқлик билан гапираётган Дониёрнинг сўзларини эътибор билан тинглади.

— Бу тўғрида аниқ далиларингиз борми? — деб сўради сўнг. — Ҳозирги айтганларингизни текшириш жараёнида тўлиқ исботлаб бера оласизми?

— Албатта! — деди Дониёр. — Мана аниқ факт, ҳужжатлар. — У чўнтагидан бир даста қороз чиқарди, сўнг ҳаяжон билан тушунтира бошлади. — Йил бошида газетада II Жаҳон урушида ҳалок бўлган жангчилар хотирасини абадийлаштириш учун катта ёдгорлик ўрнатилиши ҳақида хабар чиққан эди...

Дарҳақиқат, вилоят марказида урушда ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ёдгорлик қурилиши бошланган, буни ҳашар йўли билан бунёд этишга қарор қилинган эди. Кўплар ихтиёрий равишда икки-уч кунлик меҳнат ҳақларини, айримлар ҳатто ўз жамғармаларидан бир қисмини шу қурилиш ҳисобига ўтказишди. Баъзи бир корхона, колхоз, совхозларда шу иншоотга атаб уюштирилди. Боз устига, аксари қурувчилар, студентлар бу ерда дам олиш кунлари ҳам текинга ишляш-япти. Иншоот учун очилган махсус ҳисобга вилоятнинг турли ташкилот, корхона ва ўқув юртларидан ёрдам пули ёғилиб келмоқда эди.

— Бундан хабарим бор, — деди раҳбар хотиржам овозда, гўё бунинг сен айтаётган ишга қандай алоқаси бор, дегандек, ажабланганча тикилиб.

— Мана, юлғичлар менга ўз қўллари билан келтириб берган пулларни шу ёдгорлик қурилиши ҳисобига ўтказганим тўғрисидаги ҳужжатлар, — деди ҳаяжон билан Дониёр: — Ана бу менинг зугумим билан айбдорларнинг ўзлари «омонат касса»га элтиб топширган пул миқдори.. Бу эса магнитофон лентаси. Буниси сохта ведомостлардан кўчирмалар.. Аввало, иқроп бўлишим керак, иложсиз қолганимдан сал ўринсиз ҳаракат қилишимга тўғри келди. Шундай қилмасам, уларни фош этиш амримаҳол эди. Бу ведомостларда беш юз ўттиз уч кишига ўн, йигирма, ўттиз беш сўмдан мукофот берилгани кўрсатилган. Рағбатлантирилган кишилардан имзо чектириб олинган. Эътибор бериб қаранг-а!.. — У ведомостни очиб кўрсатди. — Кейин ана шу арзимас рақамлар олдига тўрт, беш рақамлари тиркалиб, ҳад-ҳисобсиз пул чўнтакка урилган. Яна мукофот берилди, деб бир нечта ведомостга сохта имзолар чекилгану, катта миқдорда пул ўзлаштирилган. Бундан ташқари, қурилиш ташкилоти билан келишиб, умуман тўла ёки жорий таъмир қилинмаган молхона, пилахоналар, таъмир қилинди, деб бир талай қурилиш материаллари йўққа чиқарилган. Мен яна колхоз қўйчилик фермаси отарларида бир ярим мингдан зиёд бегона қўйлар боқиладганини аниқладим. Бу туёқлар раис, бош бухгалтер, агроном, кассир, ферма мудирига, уларнинг қавм-қариндошларига тегишли. Қизиги шундаки, бу қўйлар фермага тўғридан-тўғри келти-

риб қўшилмаган. Балки, йиллар давомида олинган қўзилар ҳисобига кўнайиб борган. Чўпонлар буюрилган ишни итоаткорлик билан бажариб, индамай юришаверган. Ҳар йили тегишли жун, қоракўл терисини эгаларига бериб туришган. Лекин бу қўйларнинг бирортаси хўжалик дафтарларида қайд этилган эмас. Шахсий мол, қўй-қўзи сақлаш нормасига риоя қилинмаган. Кейинги ўн йилда хўжалик ҳар бир қўйга бир йилда сарф қилган харажат ўртача йигирма уч сўмга тўғри келади. Ҳисобда йўқ молларга қилинган сарфни бир чўтга солиб кўринг-а? Ярим миллиондан ошади. Бундай ноқонуний фактлар бизнинг колхозимизда жуда кўп!

Раҳбар индамай стол четидаги тутмачани босди. Эшиқда кўзойнакли ёрдамчиси кўринди.

— Тезда маъмурий бўлим бошлигини чақиринг!

...Дониёр раҳбарнинг ҳузуридан анча енгил тортиб чиқди. У тўғри автобус бекатига қараб юрди. Қоронғилик атрофга чодирини ёяётган палла туман этагидан кесиб ўтган катта йўлда тушиб қолиб, йўловчи машина кута бошлади. Фикри-зикри бирор-бир таниш кўзига кўринмай тезроқ жўнаб қолиш эди. Чунки, у ўзича ҳамон рақибларидан яшириниб юрганди.

Ҳаворанг бир «Жигули» келиб тўхтади. Ҳайдовчи қора кўзойнак таққан, келбатли йигит эди. У ойнадан бошини чиқариб, Дониёрдан Галаосиё тумани марказига қандай боришни, қанча қолганини сўради. Дониёр: «бегона йўловчи экан, омадим келди», деган ўйда шоша-пиша ўзи ҳам ўша ёққа бораётганини билдирди. «Малол келмаса олакетақолинг, шошилиб турибман», дея илтимос қилди. Руддаги киши: «Ўтиринг, йўлимиз бир экан», деб таклиф қилди.

Йўл яримлаёзганда, машина бирдан ўчиб қолди. Ҳайдовчи бир-икки калитни бураб кўрди, ўт олмади. «Тфу, жин ургур, яна бензанасос тихирлик қиялпти», деб ортига ўтирилганча, Дониёрга:

— Агар малол келмаса, оёғингиз остида бир қутича бор, шуни олиб берсангиз, — деди. Орқа ўриндикқа ўтирган Дониёр олдинга энгашиб қутичани олаётганида ногаҳон бошига кучли зарб тушди. Унинг кўзларидан ўт чақнаб ҳушидан кетди...

Дониёрни зафлатда қолдирган Соли эди. Аслида унинг мўлжали бошқача эди: Дониёрни кузатиш қулай пайт, вазият тузилгач, уни машина билан уриб қочиш, кейин изни чалғитиш ёки уни холи ерда қўлга тушириб, сўнг ими-жимиди киши билмас ерга йўқотиш эди. У Дониёрнинг ортидан бир неча кун изма-из кузатиб юрди. У шум ниятини тумандан чеккароқ ерда амалга оширмасқчи эди.

Ниҳоят... У Дониёр тушган автобусни кузатиб вилоят марказигача борди. «Ов»ини кўздан қочирмади. Қайтишда ҳам... Қулай пайтни кутди. Дониёрнинг гира-шира қоронғида ўткинчи машина пойлаб тургани Солига қўл келди. У Дониёрни гап билан чалғитиб туриб, бошига темир калит билан қаттиқ урди. Бир зарбдаёқ уни ўлди деб ўйлади. Сўнг жиноятчи ваҳм-талвасага тушиб, бир фурсат нима қиларини билмай қолди. Фикри-зикри жасадни тезроқ изсиз йўқотиш эди. У, вужанак бўлганча ҳушсиз ётган Дониёр устини қора плаш билан наридан бери бекитди. Кейин шоша-пиша «Жигули»ни елдириб, рулни камқатнов йўлга бурди.

Соли, газ қувурлари монтаж қилинаётган ерга етганда, туйқус калласида бир фикр туғилди: «Ким билиб ўтирибди? Энг пана жой?..»

\* \* \*

Дониёрга бехосдан нафас олиши бир оз енгиллашгандек туюлди. Туйқус чақмоқ чақнагандек, ҳаяжон чулғаб, ҳаво, ҳаво, деб пичирлаганча олдинга талпинди: шуъла!

Дониёр, бу сароб эмасмикан, деб ўз-ўзига ишонмай, кўзларини бир неча бор чирт юмиб-очди. Йўқ, унинг аянчли дўзахдан рўшноликка чиққани айни ҳақиқат эди. Фақат... фақат яна озгина ҳаракат қилиш керак!

Дониёрнинг кўзларида ёш ҳалқаланди. У бор кучини тўплаб олдинга суринди ва ниҳоят қувур оғзига етиб борди:

— Хайрият! Ёруғликка чиқар кун ҳам бор экан-ку!..

1985

## ЧОРДОҚДАН ОТИЛГАН ЎҚ

Чакка сочларига оқ оралаган милиция майори Зафар Каримов ҳали анча чалкаш бир жинойи иш ҳақидаги ҳужжатларни ўқиб ўтирган эди, телефон жиринглаб қолди.

— Ўртоқ майор, навбатчи гапиряпти! — Трубкадан дўриллаган бир ташвишли овоз эшитилди. — Ҳозиргина Марказий универсал магазиндан хабар қилишди: кас-сани уриб кетишибди. Бизга маълум қилиниши биланок, оператив-қидирув группа жўнаб кетди.

— Ҳозир етиб бораман!..

\* \* \*

Зафар Каримов магазин директорининг хонасига кирганда прокурор, терговчи, икки оператив ходим ва яна бир неча киши узун стол атрофида тик туришарди. Ранг-қути қув ўчган бағбақадор бош кассир узук-юлуқ гапирар, йиғилганлар унинг сўзини диққат ва эътибор билан тингламоқда эдилар.

— Иш чалкашга ўхшайди, — деди узун бўйли прокурор Санжар Сайфиев майорга қараб. — Қидирувга оператив раҳбарликни зиммангизга олинг.

Майор Каримов, тушундим, деган маънода бош силкиб, пешонаси, бағбақасидаги терларни бот-бот артаётган кассирга синчков тикилиб:

— Пул қанча эди? — деб сўради.

Кассир тутила-тутила катта суммани айтди.

— Темир сандиқда эдими?

— Ҳа.

— Сандиқ очиқмиди?

— Йўқ, ёпиқ, лекин калити ўзида эди, қулфланмаган эди. Трикотаж бўлимидан тушган пулни қайта санаб ўтирган эдим.

— Инкассаторман, деб кирган кишини олдин та-нирмидингиз?



— Йўқ, ҳеч қачон кўрмаганман... Қора кўзойнак таққан, мўйловли, бўйдор киши тўсатдан кириб, тўппонча ўқтади. Ёнимга келиб, бўйнимга шарақлатиб ургани ёдимда... — У калта бўйнини уқалаб қўйди.

Майор Каримов шаҳар ички ишлар бўлимининг жиноят қидирув бўлими бошлиғи, миқти гавдали милиция капитани Вафо Ақромовга савол назари билан қаради. Капитан майорнинг қарашидан унинг нимани сўрамоқчи эканлигини дарҳол фаҳмлаб:

— Қидирув давом эттириляпти, — деди. — Участка инспекторлари билан ходимларимиз бутун шаҳар бўйлаб ҳаракат қилишяпти.

— ДАНга хабар қилиндими?

— Ҳа. Шаҳардан чиқувчи барча йўллар кузатиляпти.

— Яхши! Тезда инкассаторларнинг бутунги ҳаракат маршрутини аниқланг! Улар белгиланган график асосида юрганми, йўқми — шунга алоҳида эътибор беринг?! ЦУМга келишдан олдин қайси магазинда бўлган, вақти, минути, секундигача суриштиринг! — Майор шаҳар ички ишлар бўлимининг ОБХСС бошлиғи милиция капитани Ҳикмат Жўраевга ҳам кўрсатма берди. — Магазиннинг барча бўлим мудирларидан бош кассирга қанча пул топширишганини аниқланг! Сиз, ўртоқ терговчи, — дея майор прокурорнинг ўнг томонидаги стулга ўтириб, протокол ёзаётган япасқи юзли терговчи, милиция капитани Фармон Зайниевга юзланди, — воқеанинг барча тафсилотини ёзиб олинг! Бирорта ҳам деталь эътибордан четда қолмасин! Бир соатдан кейин ҳаммамиз бошқармада... оператив кенгашда учрашамиз.

\* \* \*

Сочлари сийраклаша бошлаган, ўрта бўйли эксперткриминалист, милиция катта лейтенанти Қилич Қўчқоров қўлидаги лупа орқали бош кассир хонасини, эшик тутқичи, пўлат сандиқ ичию сиртини синчковлик билан кузатиб бўлгач, Зафар Каримов томон ўтирилиб:

— Ҳеч қандай из йўқ, — деди. — Жиноячи қўлқоп кийиб иш тутган.

Эшик очилиб, хонага милиция лейтенанти форма-сидаги инспектор — кинолог Юсуф Турғунов ит етак-лаб кирди.

— Ўртоқ майор, из катта йўлга боргач, йўқолди, — деди у. — Изга порошок сепилган.

— Йўлгача тахминан неча метр?

— Ўттиз-ўттиз беш метрдан ошмайди.

— Демак, сохта инкассаторни йўлда машина кутиб турган, — деди майор. — Орадан ўн минут ўтар-ўтмас, бу ерга ҳақиқий инкассатор келган. Жиноятчи талон-чиликни ниҳоятда усталик ва тезкорлик билан амалга оширган. У ёлғиз эмас. — Майор экспертга юзланиб сўради: — Филдирак изидан қандай машинада кетганини аниқлаш мумкиндир?

— Мушкул... — деди эксперт Қўчқоров.

— «Водовоз» яқиндагина йўлга сув сепган, — деди кинолог.

— Барибир аниқлаш мушкул, — деди криминалист-эксперт Қўчқоров. — Уриниб кўрамиз...

Майор яна директор хонасига ўтди. У ерда терговчи кассирдан сўраб-суриштириб, жиноят тафсилоти-ни атрофлича ўрганмоқда эди. Бош кассир Шоди Фозиловнинг азбаройи семизлигидан қисилиб кетган кўзлари аянчли чақнар, чап қўли билан бўйнини тез-тез уқалаб қўярди. Ҳамон қўрқув исканжасидан қутул-лолмай, содир бўлган жиноят тафсилотини тутилиб баён этар, оқибат кўрсатмалари чалкаш чиқмоқда эди.

— Жиноят очилмай қолса уйим куяди. Жавобгар-лик бўйнимга тушади. Ўтиниб сўрайман, акалар. Қан-дай бўлмасин, бу ишни тезроқ аниқланглар? — дея ялинди у хонага кирган майорга.

Зафар Каримов дераза ёнида тик турган кўйи бош кассирнинг сўзларини эътибор билан тинглаб: «Ано-йига ўхшамайди, — деб ўйлади. — Аллақандай мак-корга ўхшайди. Муғамбирлик қилмаяптимикиан?..» Ма-йор энгашиб, терговчининг қулоғига шивирлади:

— Тезда уни суд-медицина экспертизасидан ўтка-зиш керак. Бўйнига берилган зарба ростдан ҳам куч-лими, ҳушдан кетиш даражасида бўлганми ёки?.. бу жуда муҳим. Жиноят содир бўлганидан кейин кас-сирнинг хонасига биринчи бўлиб ким кирган? Ҳам-шира унга ёрдам кўрсатган пайтида, у росткамига ҳуш-

сиз бўлганми, йўқми — пухта аниқланг! Жиноят рўй бергандан кейин кириб келган ҳақиқий инкассаторни чақиртириб, у билан ҳам суҳбатлашиб кўринг!..

— Тушундим, ўртоқ майор, — деди терговчи Фармон Зайниев.

\* \* \*

Дам-бадам бурқситиб сигарет тутатаётган Зафар Каримов директор хонасида у ёқдан-бу ёққа юрибди. У дераза олдида тўхтаб, кўчага тикилди. «Жиноятчи бемалол иш кўрган, бунинг устига жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилган. Демак, у бу ишни амалга ошириш режасини олдиндан тузиб қўйган. Жойни, одамларни кузатган. Кейин, пайт пойлаб, мақсадини амалга оширган. Неҳотки, бу ишда магазин ходимларидан бирортасининг қўли бўлса? Кассир нима учун коллективадаги кишилардан хавфсирамаяпти? Айтишича, ҳеч бир ходимнинг унга шахсий варази бўлмаган. Унинг ўзи-чи?.. Тўғри одамми? Пулни бирорта ишончли киши билан қочириб, бизни лақиллатаётган бўлса-чи? Бундай маккорона қаллоблик унинг қўлидан келарми-кан? Барзангибашара нусха ким бўлди экан?!»

Пухталиқ билан амалга оширилган бу жиноят майор учун сирли бир жумбоққа айланганди. Жиноят сабабларини таҳлил қилгани сари фикрлари баттар чувалашиб борарди.

Хонага вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, забардаст гавдали милиция полковниги Файзи Сайфуллаев шошилиш кириб келди, Зафар Каримовни дарҳол ўрнидан турди. Полковник иш юзасидан ходимларга нисбатан жуда талабчан ва қаттиққўл. У майорга савол назари билан қарагач:

— Хўш, иш қандай боряпти? Бирор натижа борми? Лекин кўринишингиздан унчалик мамнун эмаслигингиз билиниб турибди, — деди.

— Ҳозирча ҳеч гап йўқ, — ҳорғин жавоб қилди майор. — Тахминимча, жиноятчи тажрибали, талончиликда устаси фаранг кўринади.

— Эҳтимол!.. Ундан бирор-бир из қолганми?

— Ҳамма гап шунда-да! У ҳеч қандай из қолдирмай, ишни худди хамирдан қил суғургандек силлиқ-қина амалга ошириб, ғойиб бўлган.

Майор юз берган жиноят тафсилотини эшитган- билганича тасвирлаб берди. Полковник ўйчанлик билан чаккасини қашиди ва хиёл жим тургач:

— Гапингизга қараганда, жиноятчининг бугун-эрта топилишига умид боғламасак ҳам бўлар экан-да, — деди. — Вазиятта қараб, дастлабки кўрилган тадбирлар менга маъқул. Қолганини оператив кенгашда гап-лашамиз...

\* \* \*

Оператив кенгаш полковник Сайфуллаевнинг кенг, ёруғ хонасида ўтказилди. Биринчи бўлиб шаҳар ИИБ<sup>1</sup> жиноят қидирув бўлимининг бошлиғи, капитан Ақромов гапирди. У жиноятни очиш юзасидан амалга оширган тадбирлари ҳақида батафсил ахборот берди.

— Бизга маълум бўлган ва бундан аввал ўғирлик билан шуғулланган кишиларнинг бу жиноятга умуман алоқаси йўққа ўхшайди. Жиноят содир бўлган пайтда бизнинг ҳисобдаги собиқ ўғриларнинг барчаси ўз корхонасида ишлаб турганини, ҳеч ёққа бормаганлигини аниқладик. Шубҳа остига олинган, бу ҳудудда яшовчи собиқ икки ўғрининг ҳам бу ишга аралашмаганлигига тўла ишонч ҳосил қилдик... Инкассаторларга келсак, белгиланган график асосида иш тутишган. Ўн минути кам тўртда ўн учинчи магазиндан чиқишган. Тўртдан беш минут ўтганда эса ЦУМда бўлишган. Қидирув ишлари давом этяпти.

— Инспектор-кинолог Турғунов ахборот бермаса ҳам бўлади, — деди майор полковникка қараб. — Ит асфальт йўлга чиққач, изни йўқотди. Изга порошок сепилган. Экспертиза натижалари билан таништиринг! — Зафар Каримович чўзинчоқ юзли катта лейтенант Қўчқоровга гапиринг маъносида ишора қилди.

Эксперт одатига кўра босиқ овозда сўз бошлади:

— Бош кассир хонасида жиноятчи из қолдирмаган. Пойабзал изларини ҳисобга олганда, фақат ёлғиз бир из эътиборга молик. Бу «платформа» туфлининг изи. Қирқ учинчи размерга тўғри келади. Аниқлаб чиқдик. Кассир хонасида бўлган кишиларнинг бирортаси ҳам бу размерда туфли кийишмас экан. Жи-

---

<sup>1</sup> Ички ишлар бўлими.

ноянтчининг оёғида шундай туфли бўлгани эҳтимолдан холи эмас. Изни чалғитиш учун сепилган нарса махсус порошок эмас, тамаки кукуни экан. Нос билан аралаштириб сепилган. Турини ҳам аниқладик. «Космос» сигарети тамакисидан фойдаланилган. Жиноятчи иш тутишидан олдин сигаретни эзгилаб, нос билан қўшиб, қўлбола порошок ҳозирлаб қўйган. Жиноятчи шгу хил сигарет чекса ажаб эмас. Бу, албатта, тахмин.

— Бошқа, кўшимчангиз йўқми? — деб сўради майор.

— Йўқ.

— Тушунарли, ўтиринг! ОБХСС бошлиғидан эшитамиз.

Ҳикмат Жўраев қўлидаги қоғозларни титкилаб туриб, гапга кўчди:

— Магазин бўлимлари ва филиалларидан кассирга топширилган пул миқдорини аниқладик. Кассир айтган суммага тўғри келади. Директорнинг ўринбосари эса жиноят рўй беришидан бир соат олдин иш билан шаҳар саноат савдоси бўлими мудири қабулида бўлган. У ердан чиққач, тўғри касалхонага, директорни кўришга боради. Жиноят юз берган пайтда у директор билан суҳбатлашиб ўтирган экан. Буни навбатчи врач билан ҳамширалар тасдиқлашди.

ОБХСС бошлиғидан кейин терговчи Фармон Зайниев жиноят юзасидан тўпланган дастлабки маълумотлар натижасини билдирди:

— Кассир Шоди Фозиловнинг берган кўрсатмасига кўра, жиноятчи жуда эпчил, остки лабининг чекка қисмида кичик тиртиғи, кулранг кремплин костюми бўлган, — дея тез-тез гапирди терговчи. — Жиноятчи қора кўзойнак таққани сабабли жабрланувчи унинг кўз тузилишини аниқ тасвирлаб беролмади. Трикотаж бўлимидан келтирилган пулни қайтадан санаб кўришига келсак, бўлим мудири пулни кассирга топшириб, тезроқ санаб олинг, харидорлар кутиб қоляпти, деб шошилтирган. Кассир одатича, пулни такрор санаб оларкан. Буни бошқа бўлим мудирлари ҳам тасдиқлашди. Трикотаж бўлими мудири кассир пулни бир марта санаб олиши биланоқ чиқиб кетган. Кассир яна

ўзига кўнгли тўлмай, пулни иккинчи бор санашга тушган пайтда ҳалиги воқеа...

Ҳақиқий инкассатор хона эшигини очиб, энди ичкари кирмоқчи бўлганида, кўнгилсиз манзарани кўриб, дарҳол изига қайтган ва баланд овозда хизматчиларни ёрдамга чақирган. Хонага фақат ҳамшира Қодирова кирган. Кассир ҳушсиз ҳолда хириллаб нафас олиб ётган. У ўзига келгач, дод солган. Суд-медицина экспертизаси врачлари берган хулосага қараганда, талончи кассирнинг бўйнига қаттиқ жисм билан, чамаси, тўппонча кўндори билан урган. Бундай зарбдан киши ўн-ўн беш минут ичида ўзига кела олмаслиги табиий. Инкассатор магазинга кириб, коридорда ҳеч кимни учратмаган. Маълумки, эшиқдан кираверишда, ўнг тарафда директор хонаси, кейин бухгалтерия ва ундан сўнг кассир хонаси жойлашган. Инкассатор, ҳар сафаргидек, тўғри бориб кассир хонаси эшигини очган ва...

— Буёғи тушунарли, — дея унинг сўзини бўлди ёндафтарига нималарнидир ёзиб ўтирган полковник Файзи Сайфуллаев. — Дастлабки оператив маълумотлар, фикримча, ҳеч биримизни қаноатлантирмапти. Жиноят изсизлигича қоляпти. Ўғри ҳам йўқ, ўғирланган пул ҳам. Жиноятчи ўзидан бирор-бир ашёвий далил қолдирмаган. Шунинг учун жиноятчи ҳақида ҳозирча муайян бир хулосага келиб бўлмайди. Бизнинг вазифамиз эса жиноятчини албатта топиш! У осмонга учганми, ерга кирганми, қандай қилиб бўлмасин, мумкин қадар тезроқ қўлга туширишимиз зарур. Ҳозирча, биринчи галдаги вазифамиз шу: жиноятнинг ниҳоятда жиддийлиги, мураккаблигини назарда тутиб, бу иш юзасидан кучли оператив группа тузишни маъқул кўраман. Группа раҳбари қилиб вилоят жиноят қидирув бўлимининг бошлиғи, майор Каримовни тайинлайман. — Полков шундай деб Зафар Каримовичга маъноли қаради. — Тезда жиноятни фош этиш юзасидан оператив план тузинг! Группа составида шаҳар жиноят қидирув бўлими инспектори Умид Йўлдошев, терговчи Фармон Зайниев, ўринбосарингиз Одил Саттаровлар... Зарурат сезилганда, ихтиёримиздаги ҳар қандай мутахассисни, ходимни шу иш юзасидан хоҳлаган пайтингизда жалб этишга сизга рухсат бераман.

Ишнинг қандай бораётганини ҳар куни кечқурун менга билдириб тулинг!

Зафар Каримович группа аъзоларига баъзи бир муҳим кўрсатмалар, топшириқлар берди ва капитан Акрамовга зудлик билан инспектор Йўлдошевни айтиб юборишни буюрди.

\* \* \*

Зафар Каримович собиқ ўғриларнинг фотосуратлари ёпиштирилган альбомни бир неча марта варақлаб чиқди. Аммо суратлардаги шахсларнинг ҳеч қайсиси илгари бундай йирик жиноятга қўл урмаган... Фақат майорга кўпдан таниш гилай кўз, бадбашара қиёфали одам сурати бундан мустасно. Майорнинг диққатини жалб этган бу киши Чори барзанги деган собиқ ўғрибоши эди.

«Ҳар қандай тажрибали жиноятчи ҳам ишидан кичик бир из қолдиради. Бу жиноятчи эса бор-йўғи учтўрт минут ичида ҳунарини кўрсатиб, изсиз ғойиб бўлган. Кассирнинг кўрсатмалари эса қайта текшириш натижаларига тўғри келяпти. Мен билган ўғрилардан бундай галончиликни уддалай оладигани йўқ. Барзанги-чи? Қила олиши мумкинми?.. Дарвоқе, ўғрининг кўриниши барзангинамо... Лекин Чори балад бўйли эмас, пакана. Остки лабида эса ҳеч қандай тиртиви йўқ. Кейин... унинг бу хил ҳунардан воз кечворганига бир неча йил бўлди. Балки, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек...»

Бир ҳафталик қидирув жиноят изини ойдинлаштирувчи бирор-бир натижа бермади. Оператив-қидирув группаси кеча-кундуз тиним билмай ишлар, аммо ҳамон жиноятни сал бўлса-да очиш имконини берадиган арзирли бир далилга эришилганича йўқ эди. Майор довдир-табиат, тутилиб-тутилиб гапирувчи трикотажд бўлими мудури Моҳиранинг жиноятга алоқаси бор, деб ўйлаган эди. У билан кеча суҳбат қилди. Бир қарашда кишининг юз-кўзидан қандай одамлигини, характери ни тез илғаб олувчи майорнинг илмоқли саволларига Моҳира ниҳоятда хотиржамлик билан жавоб берди.

— Бўлимимизнинг бир сотувчиси яқиндагина ишга келган, ҳали тажрибасиз. Савдо пайтида янглишяпти. Аксига олиб, ўша кун тезўтар молларни сотаётган эдик,

харидорлар ҳам кўп эди. Янги сотувчимизга унчалик ишонмаганимдан бўлимга тезроқ қайтиш ниятида кассир Шоди акани қистаган эдим...

Унинг кассирни тезроқ пулни қабул қилиб олишга оширгани чиндан ҳам асосли бўлиб чиқди.

\* \* \*

Зафар Каримович бугун ишдан пиёда қайтди. Йўлқадан оҳиста қадам ташлаб бораркан, кўча шовқини қулоғига кирмас, хаёли ҳамон қидирувга оид фикрлар билан банд эди. Шу пайт ён томондан аллакимнинг овози эшитилди:

— Салом, гражданин начальник!

Зафар Каримович ўнг томонига қараб илжайиб турган эски таниши ўттиз беш ёшлардаги Чори барзангини кўрди. Зафар Каримович уни кўпдан бери учратмаган эди. Барзанги негадир майорни учратганидан мамнундек кўринарди.

— Саломат бормисиз гражданин, э-э, ўртоқ майор! Учратиб қолганимни қаранг!.. Тўғриси айтсам, куни кеча сизни ўйловдим-а?..

Майор эски «ошна»сига синовчан қараб, аҳвол сўради:

— Нечуксан? Жужуқчаларинг дурустми?

— Раҳмат! Бугун меҳмоним бўласиз. Сабаби бор, иш жойимдан янги квартира беришди... Узоқ эмас, мана шу муқолишнинг ортида, тўрт қаватли уй.

Улар бетон пиллапоярни бир-бир босиб, учинчи қаватга кўтарилишди. Чори ўн еттинчи хонадоннинг қўнғироқ тугмасини босди. Бошига яшил дурра тангиб олган ўн уч ёшлардаги қиз эшикни очди.

Мезбон Зафар Каримовичнинг шляпасини олиб, илгакка илди.

— Қани, марҳамат!.. — дея мулозамат кўрсатиб, меҳмонни хонага бошлади. — Қизим, дарров чой қўйвор. Болалик уй бозор, деганлари тўғри экан. Ҳамиша тўполон, вағир-вуғур...

Дастурхон ёзилди. Чори оёғи остида уймаланиб юрган икки боласини алдаб-сулдаб хонадан чиқариб юборди-да, эшикни ёпди.

— Мундоқ бир яйраб ўтирайлик, — деди у. — Сизнинг мен бебошга қилган яхшиликларингизни доим



эслаб тураман. Уч бор қора курсида ўтирган киши мана, энди туппа-тузук ишчиман! Қилмишларимни эсласам, тер босиб кетади. Бир йилгача одамлардан ўзимни опқочиб юрдим. Улар тўғри гапиришса ёки сал ҳазиллашишса ҳам менга кесатиқ қилишаётгандек, ўтмишимни юзимга солишаётгандек туюларди. Энди камина моҳир фишт терувчи. Бу обрў-эътиборнинг ҳаммаси сиз туфайли, Зафар Каримович.

— Бу гапинг учун раҳмат, — деди майор. — Лекин ҳалиям ичармишсан, деб эшитдим.

— Фирт ёлгон, ўртоқ начальник! Сизга нотўғри айтишибди, — деди Чори ўктам овозда. — Ҳар куни ишдан қайтишим билан саккиз жуфт қуралай кўз қўлимга тикилади... Болани жон-дилимдан яхши кўришимни биласиз. Жужукларимнинг ризқини қирққангидан кўра ўлганим маъқул. Лекин баъзан... Нега бунча ажабланиб тикилиб қолдингиз? Ишонмаяпсизми?

— Йўқ, Чорибой! Кўнглимдагини топмадинг! — деди майор жилмайиб. — Ростини айтсам, турмушингни кўриб суюняпман.

— Сиз мени яхши тушунасиз, — деди Чори. — Шунинг учун ҳам сизга очикчасига гапираман. Аммо, билиб қўйинг, ваъдам қатъий, эски «хунар»га қайтиш йўқ энди. Қинғир иш қилиб, сизлардан қочиб қутулиб бўладими?.. Лекин негадир кўзимга ташвишли кўриняпсиз. Айтганча, қуловимга чалингандай бўлди. ЦУМга ўғри тушганмиш. Шу гап ростми?

— Ҳа, — деди Зафар Каримович. — Менга қара, Чори чақдон, сен ҳам бир пайтлар ўғриллар, жиноятчилар билан кўп ош-қатиқ бўлгансан. Айтолмайсанми, бу кимнинг иши бўлиши мумкин?

— Нима, ўғри «куён» бўлганми? Эҳ, ўринсиз саволимни қаранг! — деди у. — Ўғирлик қандай рўй берганини билмай туриб бир нима дейишим қийин.

Майор содир бўлган жиноят ҳақида унга қисқача гапириб берди.

— Ҳм-м... — деди Чори калласини чайқаб. — Бунақа жиноятни эплаш, бу шаҳарда ҳатто менинг қўлимдан ҳам келмасди. Эсингиздами, фабрика кассирини қандай қилиб шилиб қочганим? Бир ҳафтада қўлга туширган эдингизлар.

— Ёдимда. Янглишмасам, у сенинг энг охирги жиноятинг эди?

— Тўғри айтдингиз.

— Ўтган ишга салавот! Хўш, айт-чи, сенингча, жиноятчи бу шаҳардан эмасми?

— Йўқ. Бу яқин оранинг одами эмас.

— Ўзим ҳам худди шундай фикрдаман.

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, бунақанги катта жиноятни олдиндан махсус тайёргарлик кўрмасдан туриб қилиб бўлмайди. Чамамда, бу Атаманнинг, очигини айтганда Гладиаторнинг иши.

— Гладиаторнинг? Қанақа Гладиаторнинг? — деб сўради майор.

— Нима, шу пайтгача у ҳақда ҳеч нарса эшитмаганмисиз? — деди мийирида кулиб Чори. — Мен у билан биринчи марта қафасда танишганман. Ашаддий ўғрибоши. Кўпчилик унинг номини эшитибоқ зирилларди. Фақат мен унга бўйин эзмаганман... Кейин, у мен билан ўчакишиб қолди, хат ёзиб, шарт қўйди... Тутақиб кетдим. Шартта мен ҳам хатига хат билан жавоб бердим: «Майдонга туш!»

Бир куни кечаси барак бурчагидаги кичкина чекиш хонасига чиққан эдим. Бирдан юзига аёлларнинг капрон пайпоғини кийиб олган уч киши устимга ташланди. Қоронғи эди... Устма-уст уч-тўрт тепки едим. Кейин мен ҳам ҳунаримни ишга солдим. Бирининг қовурғаси синди, бирининг қўли чиқди, пакана бўйлиси қочиб қолди.

Гладиаторнинг югурдаклари кўп эди. Унинг ўзини ҳеч ким кўрмайди, нуқул югурдаклари орқали иш бажаради. Гладиатор номидан бутурилган ишдан бош тортган киши балога қоларди. Жазони ҳам унинг лайчалари амалга оширарди. Гладиатор, одатда, Атаман номи билан ҳукм юритарди. Учинчи лақаби Азроил. Унинг асл исм-фамилиясини ҳеч ким билмайди. Лекин маҳбусларнинг кўпчилигига таниш бўлган лақаби — Гладиатор. Азроиллигини эса унинг уч-тўрт ишончли шериги ва мен билардим, холос. Унинг бу лақабини менга энг ишончли югурдаги Пакана айтган эди. Гладиаторнинг кўп жинойий ишларини шу югурдагидан эшитганман.

Биринчи марта ўн етти ёшида қотиллик қилиб қамалган экан. Ёилишимча, ўшандан бери бегона фамилияда юрармиш.

Ўша воқеадан кейин Гладиатор менинг ҳам ўзига ўхшашлардан бири эканига тўла ишонч ҳосил қилди. Лекин мен ёлғиз эдим. Уч кунча хавотирда юрдим. Атаман жим юрмасди. Албатта, ўч олиб, алаmidан чиқарди... Кейин, Гладиатор билан юзма-юз учрашдим. Кечирди...

— Кўринишидан қанақа одамга ўхшайди? — деб сўради майор. — Қиёфасини тасвирлаб беролмайсанми?

— У пича найновроқ, афт-ангори заҳил, бўтакўз, қарашлари ўткир. Қирқ ёшларда эди ўшанда. Кўрган киши уни жиноят ишларида мутлақо уқуви йўқ, деб ўйлайди. Кўп гапирмайди, хотиржам юради. Ҳамсуҳбатларига ҳамиша хушмуомалада бўлади. Уни ҳеч ким Атаман деб ўйламасди. Хумпар ўзининг Атаманлигини сездирмасди ҳам. Лекин жуда ёвуз, айтган гапининг урдасидан чиқмай қўймайди. Гладиаторга кимнинг қандай арзи бўлса, фақат Пакана орқали хабар етказиларди. Баъзан-баъзан у Гладиаторни кўпчилик ичиде олифта, лапашанг, деб масхара қиларди. Кейин англасам, сездириб қўймаслик учун, атайлаб шундай ҳийла ишлатишар экан. Бир гал Гладиаторни ёлғондакам дўппослаш вазифаси менинг ҳам зиммамга тушган эди.

— Эслай оласанми, унинг остки лабининг пастро-вида кичкина тиртиғи борми?

Барзанги бир лаҳза ўйланиб тургач:

— Аниқ биламан, юзида ҳеч қандай тиртиғи йўқ эди, — деди ишонч билан. — Балки тиртиқ кейинроқ бўлгандир?..

— Тушунарли, гапингда жон бор! — деди майор. — Сенинг фикрингча, магазиндаги жиноятда шу Гладиаторнинг қўли борми? Ундан асоссиз шубҳаланаётган бўлма тагин?

— Балки, бу талончиликни у қилмаган бўлиши ҳам мумкин. Лекин бундай ишлар унга чўт эмас.

— У сенга ўзининг қаерданлигини, яшаётган жойини айтганмиди?

— Йўқ! Боя айтдим-ку, у сизу биз ўйлаганчалик анойи эмас. Шошманг, шошманг! — дея Чори тиззасига шап эткизиб урди. — Гладиятор бир ўйнашининг қаерда яшашини мақтаниб айтган эди. Аниқ эсимда: Когон шаҳрида. Бир офатижоннинг суратини кўрсатиб, отини Саъва деган эди. Агар уни топишга ёрдамим зарур бўлиб қолса, бемалол...

— Нима, ўйлаб гапиряпсанми?

— Ҳозир меҳнат таътилидаман, вақтим бор. Кейин, сиздек одам учун...

— Дарвоқе, Саъвани кўрсанг таний оласанми?

— Танисам керак. Яна ким билади, дейсиз? Мен фақат унинг суратини кўрганман. Орадан анча йиллар ўтиб кетди.

— Сени бу ишга мажбур этишга ҳаққимиз йўқ. Ихтиёринг, ўйлаб кўр!

Чори беихтиёр лабларини қимтиб, ўйга толди: «Ажойиб одам... Бир ўзи яшайди. На оиласи бор, на боласи. Бунга овир... Бундан беш йил бурун аварияда хотиним, болам ўлди, деган эди. Қамоқда бўлган пайтимда онам қазо қилганда, иззат-икром билан тупроққа топширишди. Мен шу яхшиликлари эвазига бир палидни тутиш учун ёрдам бермасам, инсофдан бўлмас. У жоҳил очикда юрса, яна қанчадан-қанча кишиларни қон қақшатиши аён-ку!..»

— Майли, — деди Чори ниҳоят. — Лекин Гладиятор ниятимни сезиб қолса — тамом. Барзангининг қабрига гулчамбар қўйдим, деяверинг.

— Буёғини бизга қўйиб бер. Одамларимизнинг кузатуви остида бўласан. Лекин, барибир, эҳтиёт бўлиш керак!..

\* \* \*

Бошқарма навбатчиси шошилинич телефон қилганда, Зафар Каримович қаттиқ ухлаб ётган эди. Ёзув столининг бир чеккасида турган телефон трубкасини кўтариб, чап қўли билан ёноқларини уқалаганча, хийла ҳорғин овозда:

— Эшитаман, — деди.

— Ўртоқ майор, ҳозиргина ҳалокат юз берди!..

Бирдан уйқуси қочиб, жойидан тураркан:

— Тушунарли, тезда етиб бораман! — деди Зафар Каримович.

Бир неча дақиқадан сўнг Зафар Каримович ўз кабинетига ҳозир бўлди. Маълум бўлишича, эрталаб соат тўртдан етти минут ўтганда Баҳор кўчасида бахтсизлик юз берган.

— Бу ёзма ахборот, — дея навбатчи бошлиққа воқеа тафсилоти ёзилган бир варақ қоғозни узатди.

— Эксперт, кинолог, прокуратура терговчисига билдирилдими?

— Ҳа, бизга воқеани хабар қилишгани ҳамано уларга маълум қилганмиз.

— Яхши, мен ўша ёққа кетдим.

\* \* \*

Баҳор кўчасидаги тўрт қаватли уй. Учинчи қаватдаги йигирма саккизинчи хонадонда жиноят қидирув бўлими ходимлари... Уй эгаси Мария Михайловнанинг ўлими сабабларини синчковлик билан текширишмоқда эди. Хонага Зафар Каримович кириб келди.

— Келганингиз жуда яхши бўлди, ўртоқ майор, — дея гап бошлади капитан Очил Мирзаев. — Шубҳали бирорта из, белги топилмади. Лекин бу аёл уйига маст ҳолда келиб, шамоллаш учун балконга чиқиб, йиқилиб тушганига унчалик ишонгим келмаяпти. У қасддан пастга улоқтириб ташланганга ўхшайди.

— Бундай хулоса чиқаришга бирор-бир асос борми?

— Асосим йўқ, лекин ҳалокат шундай содир бўлган деб, фараз қиялман. Бошлиғи билан телефон орқали боғланиб, шахсиятини суриштирдим. Марҳума 1935 йилда туғилган. Таржимаи ҳолига қараганда, туғилганлари урушда бедарак йўқолган. У эвакуация вақтида Тошкентга юборилган. Болалар уйида тарбия топган, маълумоти ўрта. Алоқа бўлимига ишга кирганига бир йилу уч ой бўлган. У кеча ишдан қайтгач, балкондан йиқилиб ҳалок бўлган. Тахминимча, унинг фавқуллода ўлимида қандайдир бир сир борга ўхшайди. Бу ҳодисанинг ЦУМдаги ўғирликка алоқаси йўқмикан, деган хаёлга бориб...

Майор хиёл ўйланиб тургач:

— Бу эҳтимолдан холи эмас, — деди. — Мархума танасида жароҳат излари борми?

— Бор, йиқилиб тушгани оқибатида... Лекин анчамунча коньяк ичган. Яна уйқу дориям ичган. Қўшниларининг айтишича, мархуманинг квартирасига баъзан-баъзан нотаниш одамлар келиб турар экан. Чўтир бир кишини эса тез-тез келиб кетарди, деб гувоҳлик беришди. Лекин мархума кеча уйига қай пайтда келгани, ҳалокат қай тарзда рўй берганини ҳеч ким пайқамаган.

— Мархуманинг ишхонасидаги фаолияти билан чуқурроқ танишинг! Коньякдан бўккани етмагандек, уйқу дори ичишга нима мажбур қилди уни? Чиндан ҳам шубҳали... Ҳалокат сабабларини пухта аниқламоқ керак. Энг асосийси — уникага келиб-кетиб турувчи Чўтирни тезроқ топиш керак. У қандай шахс? Мархуманинг кими бўлади? Қариндошими ёки... жазманими? Уни мархуманинг ишхонасидаги кишилардан, таниш-билишларидан суриштиринг!..

Капитан Мирзаев тушунарли, деган маънода бош ирғади.

\* \* \*

Сўнгги кунларда Зафар Каримович бутунлай беором бўлиб қолди. Жамики изланиш, қидиришлар натижасиз бўляпти. Шу боисдан, кейинги пайтлар у хиёл ўйчан, индамас бўлиб қолди. Эрталаб борган ери — Мария Михайловнанинг квартирасидан бу гал ҳам ҳеч бир нарсани аниқлаёлмай, яна ҳафсаласи пир бўлиб қайтди. ЦУМдаги жиноят ҳамда қотилликни фош этиш у қадар осон иш эмаслигига тагин бир қарра иқрор бўлди. Бу икки чигал муаммонинг ниҳоятда мураккаблиги уни баттар ташвишга солиб қўйди. Чунки қисқа вақт ичида уч марта оператив кенгаш ўтказилди. Содир бўлган иккала жиноят юзасидан тўпланган маълумотлар тингланиб, оператив-қидирув группаси ходимларининг таклиф мулоҳазалари эшитилди. Фавқуллода рўй берган ҳалокатнинг ҳам негадир ЦУМдаги ўғирликка алоқаси бор, деб тахмин қилинди. Бу ишни текшириш ҳам майор бошлиқ оператив-қидирув группасининг зиммасига юклатилди. Лекин ҳануз калава-

нинг учи топилгани йўқ. Булар ҳаммаси майорни жиддий тапшишга солмоқда эди.

У ҳар бир иш юзасидан муфассал мулоҳаза юритар, то муайян бир қарорга келмагунча, ўйлаган фикр-ни мутлақо сир сақларди... Воқеа содир бўлган ерни мукамал ўрганиб чиқмагунча кўнгли жойига тушмасди. Иш юзасидан ўз далиллари, фикр-мулоҳазаларини бошқа ходимлар фикри билан албатта таққослаб кўрар, шундагина қатъий бир қарорга келиб, қандай тадбир қўллашни белгиларди.

Майор ўз хонасида Мария Михайловнанинг тасо-дифий ўлими ҳақида чуқур хаёл суриб, унинг альбомидаги суратларни бирма-бир кўздан кечираётганида, ногоҳ бир сурат остидан оқ қовознинг бир чеккаси сал чиқиб турганини кўриб қолди. Дарҳол қовозни тортиб олди. Хат экан! Хатда кейинги бир ой ичида Душанба, Рига, Киев, Ашхобод шаҳарлари марказий алоқа бўлимлари кўрсатилган, ҳар бир почтампт рўпарасида минг, икки минг рақамлари ёзиб қўйилган. Яна телеграф орқали дейилган. Чамаси, рақамлар пул миқдорини кўрсатади. Лекин бу пуллар кимнинг номига, ким томондан юборилгани номаълум.

Экспертизада қовоздаги дастхат марҳуманики эканлиги аниқланди. Шошилиш равишида марҳума ишлаган алоқа бўлиmidан мазкур шаҳарларга пул жўнатмалари юборилган-юборилмагани текширилди. Марҳума томонидан қабул қилинган пул буюртмаларида бундай катта суммада пул жўнатмалари бирорта ҳам ҳужжатда қайд этилмаган экан.

Майор дарҳол хатда қайд этилган шаҳарларнинг ички ишлар бошқармаларига кўнғироқ қилди. Бир неча соатдан сўнг эса майор телефонда гаплашган жойларидан телефонграмма олди. Маълум бўлишича, ўн еттинчи алоқа бўлиmidан Душанбага Ш. Тоиров номига минг сўм миқдорида пул жўнатмаси юборилган. Ашхобод шаҳри номига икки ярим минг сўм пул йўлланган. Жўнатма Қаҳҳорова С. деган аёл номидан юборилган. Киев, Рига шаҳарлари алоқа бўлими адресларига жўнатилган йирик миқдордаги пул Жамолов Б. деган шахс номига борган. Бу жўнатмалар Семёнова Татьяна номидан йўлланган. Республика алоқа вазирлигининг пул жўнатмаларини назорат қилиш

бошқармаси бу ишга пухта аниқлик киритди. Мархума томонидан ўтказилган пул жўнатмалари давлат кассасига кириб қилинган-қилинмагани ҳақида ҳеч қандай квитанция ёзилмаган экан. Фирибгарлик йўли билан юборилган жўнатмалардаги пуллар ўзлаштирилган бўлиб чиқди.

Текширувда яна шу нарса аён бўлдики, пулни олган икки шахснинг паспорти қалбаки бўлиб чиқди.

Ниҳоят, қотилликда номаълум шу икки шахснинг қўли бор, деган тахминга келинди.

\* \* \*

Зафар Каримович бошини чангаллаганча, чуқур ўйга толди: «Мария Михайловнанинг ўлими тасодиф эмас... Бунга энди шубҳа қолмади. Қотил жуда пухталиқ билан иш тутган, — дея номаълум жиноятчини хаёлида таъқиб этарди у. — Ҳаракат режаларини олдиндан пухта ўйлаган. Жиддий ҳозирлик кўриб, қотилликни амалга оширган. Нега... нима учун ўлдирган?.. Тагин ЦУМ кассасини талаган ўғри шунинг ўзи бўлмасин? Биз бўлсак ҳамон... Эртагаёқ прокуратура терговчисига билдиришим керак...»

Эшик очилиб, Очил Мирзаев кўринди. Майор ташвишли нигоҳини унга қадаб, босиқ товушда:

— Янгилик борми? — деб сўради.

— Ҳа, бор. Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси билан боғландим. Мария Михайловна сохта шахс бўлиб чиқди.

— Сохта?! — Таажжуби ошганидан майорнинг кўзлари йириклашди, — давом этинг-чи!..

— Ҳақиқий Мария Михайловна бундан етти йил бурун оғир касалликка чалиниб, Тошкентда вафот этган. Ўлиmidан бир йил бурун паспорти йўқолган бўлиб, уни тополмагач, бошқа паспорт олган экан...

— Ажаб! Кутилмаган жумбоқлар пайдо бўляпти. Мархума ким унда? Паспорт унинг қўлига қандай қилиб ўтиб қолган.

— Ҳа, ниҳоятда чигал масала, — деди Очил Мирзаев ўсиқ киприкларини пирпиратиб.

— Лекин қандай бўлмасин, калаванинг учини топишимиз, тезда бу сирли жиноятни очишимиз керак! — деди босиқ товушда бошлиқ. — Мен Баҳор кўчасида



бўламан. Фожиа қандай рўй берганлиги ҳақида ҳали сизга айтмаган баъзи тахминларим бор. Шуларга жавоб излашим керак. Сиз марҳуманинг қўшнилари чақиртириб, яна бир марта гаплашинг. Чўтирнинг кимлигини тезроқ аниқланг.

\* \* \*

Зафар Каримов қотиллик содир бўлган кўча фароши — чўққи соқоли Юсуф чолни излаб топди.

— Сўрасам, айбга буюрмассиз, ука, — деди чол чийилдоқ овозда, граждон кийимидаги узун бўйли, қотма майорга шубҳа аралаш синчков тикилиб. — Нега мендан суриштиряпсиз бунни?

— Одатда сиз эрта тонг билан кўча супуришга киришасиз. Марҳума балкондан йиқилиб ўлган маҳал тонг эндигина ёришаётган пайт бўлган. Суриштириб чиқдим, квартираларнинг ҳаммасида чироқ ўчиқ бўлган. Қўшнилари ҳам вафлатда экан, хабарсиз қолишибди. Ўша пайтда мабодо сиз кўча супураётган бўлсангиз, бирор кимсани учратмадингизми? Шунни сиздан билмоқчи эдим.

— Бўлди, энди тушундим, — деди чол бош ираб. — Чоршанба кунимида, сешанбамида, кунни аниқ эсимда йўқ, тонг отар-отмас кўчани супуриб бўлиб, нариги кўчага энди қадам қўйган эдим, у кўчадан бир киши ўтди.

— Қайси томонга?..

— Қайси ёққа деяпсизми? Чамамда у Лабиҳовуз томонга қараб кетди.

— Ўша одамни танийсизми?

— Бўлмасам-чи! У ҳаммага отнинг қашқасидек таниш-ку. — Шариф чўтир-да! Истироҳат боғидаги арғимчоқда патгачи. Айёроқ йигит..

Майор қарияга раҳмат айтиб, тезда бошқармага қайтди. Телефонда истироҳат боғи директори билан гаплашди. Ўзини Шарифнинг қалин оғайнисиман, деб танитди. Афсуски, излаган кишиси боғ маъмуриятининг топшириғи билан икки ҳафта бурун Тошкентта кетган, ҳали қайтмаган экан. «Демак, сохта Мария Михайловнанинг ҳалокати даврида Шариф чўтир бу ерда бўлмаган. Лекин... лекин барибир, ундан марҳума ҳақида кўп маълумотларни билиб олиш мумкин..»

Майор, бу сирли ўлимда Чўтирнинг қўли бор, деган тахминга бориб, унинг Тошкентда нима иш билан шуғулланаётганини билиб келиш учун лейтенант Сатторовни жўнатди.

\* \* \*

Чори, бир неча кундирки, Когон шаҳар кўчаларида тентираб юрибди. Бугун ҳам кун бўйи шаҳар кезди. Аммо излаб юрган кишиси, Гладиаторнинг ўйнаши Саъвани учрата олмади. Кўп айланиб юрганидан оёқларининг товонлари зирқираб оғрий бошлади. Ўзини жуда ланж ҳис қила бошлади. Бирдан унда бир оз қаҳва ичиш иштиёқи туғилди. Вокзалдаги сершовқин қаҳвахонага кириб, қаҳва буюрди... Сигарета тутатди. Тўғриси, иши сира юришмаётганидан кўнгли бир оз гап эди. «Тавба! — деб ўйлади дили хира тортиб. — Боя вокзалда олдимга келиб, гапга тутган от юзли, турқи совуқ одам ким бўлдиёкан-а? «Салом, биродар! Узр, сўраганинг айби йўқ. Сизни қаердадир кўргандай бўляпман, Қаерликсиз...» Шу таҳлитда гап қилди... Мен галварс эсам унга қайси шаҳардан эканлигимни дарров айтдим-қўйдим. Айтиб нима қилардим-а? Хайрият, бир амаллаб ундан қутулдим. Нега у изимдан анча ергача эргашиб келди? Таажжуб? Ёки Гладиаторнинг одамими?... Шаҳарда санқиб юрганимни кўриб, таниб, орқамдан?... Унинг ўзи қаерда, қайси қавақда яшайпти экан? Балки, боя мен учратган одам ростдан ҳам унинг югурдагидир?...»

Қаҳва ичиб, хаёлот дунёсига чўмиб ўтирган Чори, ижозат сўраб, бўш стулга келиб ўтирган қора кўзойнакли бўйдор кишини сезмай қолди.

— Қалай, бу сершовқин ошхона сизни зериктирмадимми, улфат? — деди жарангдор, ўктамона товушда гапириб, Чорининг фикрини бўлди нотаниш бир киши ва билагига сочиқ ташлаб олган малласоч официанткага русчалаб буюрди: — Коньяк, закускаси билан!

Чори унга ялт этиб қараб, баттар диққати ошди. У ўзига синчков қараб турган бу хушмуомала нуххани энди сал-пал танигандек бўлди: «Наҳот, бу ўша — имонсиз Гладиатор?! — Миясида ярқ этган фикрдан сесканиб кетди. — Мўйловининг ўзига ярашганини хумпарнинг. Э-э, тўхта-чи! Пастки лабининг остки қисмида

тиртиғи бор-ку?! Майор таърифини қилган нусха-ку бу! Нега кўзойнагини олмаяпти? Таниб қолишларидан қўрқяптими? Турқи худди Гладиаторга ўхшайди...»

— Ишларингиз қалай, дурустми, қадрдон? — яна гап қотди нотаниш киши.

— Ёмон эмас, — дея эринибгина қисқа жавоб қилди Чори. — Кечирасиз, сиз билан қаердадир ҳамсухбат бўлгандайман-у, лекин қаердалигини эслаёлмаяпман.

— Ёдингта балли-е, Барзанги! Қамокда бирга бўлган улфатларингни дарров унутвордингми-а?! — Ҳамсухбатини бирдан сенсираб, илмоқ ташлади қора кўзойнакли киши хотиржам оҳангда. — Расмана одам бўлиб қолганингга ҳам етти йилдан ошди чамамда.

«Ўша, ўша бу!..» — Чорининг аъзойи бадани жириллаб кетди. Остки лабини қимтиб, устма-уст ютинди.

— Сен... Гладиатормисан?

— Секин!.. Хотиранг чакки эмас, — деди у паст овозда ва зўрма-зўраки илжайганча, кўзойнагини бир муддатга олиб, Барзангига маъноли тикилгач, яна тақди. — Гладиатор садоқатли дўстларини ҳеч қачон унутмайди. Чамамда бундай учрашувни хаёлингга келтирмаган бўлсанг керак?

— Ҳа, топдинг. Ҳеч кутмаган эдим, — дея жавоб қилди Чори.

— Ўтмишни, айниқса, энг яқин улфатингни эслаб юрган бир пайтда уни беҳосдан учратиб қолиш қанчалик яхши! Анча ўзгарибсан.

— Сен ҳам...

— Хўш, сайра-чи, ишларинг қалай? Вадавангми?

— Ёмон эмас, бинойи... — деди Чори унга разм солганча ва тирсагини столга қўйиб, қўлларини энгагига тиради.

— Эски касбимни қилиб юрибман де, шунча йилдан бери, — деди Гладиатор томдан тараша тушгандек.

— Йўқ, тополмадинг, — деди ҳорғин товушда Барзанги бошини чайқаб. — Омадим юришмай қолган. Бир товукқа ҳам дон керак, ҳам сув, деганларидек, шунчаки кун ўтказиш учун чўнтак кесиб юрибман. Уёқдан келгунимча, шерикларим. катта бир ўғирлик

устида қўлга тушибди. Яккаланиб қолиш жуда оғир ботаркан кишига.

— Оббо сен-эй! Ҳали ишим пачава, дегин! Эшитмаган эканман. Мен ҳам қайтганимдан кейин, анча пайт сендек инқирозга учраб юрдим. Тўдамдаги йигитларнинг ишбилармон, абжирларидан кўпчилиги омадсизликка учради. Пакана билан Шайтон қолди, холос. Шаҳрингда эски ошнама — Қулоқни учратиб қолдим. У ҳам сен каби тушкунликка берилиб, қиморбозлик, ўғрилик касбини қарийб унутаёзган экан.

— Менинг изимдан соядек эргашиб юрган қайси бири? — деб ўсмоқчилаб сўради Барзанги.

— Биласан-а, дарров пайқабсан-да! Уч кун бурун Пакана бозорда айланиб юрганингни кўриб қолибди. Шундан кейин Шайтон изингга тушди. Нима, қиларга иш тополмаяпсанми? Овинг барор олмаётганидан бутунлай бепарво, дайди бўлиб кетибсан. Қуруқдан-қуруқ тентираб юриш жонингга тегмадими?

— Синабсан-да.

— Йўқ, шунчаки...

— Борарга, қўнарга бирор тайинли маконим бўлмаганидан кейин... — дея ёлғонлади у.

— Хафа бўлма, — деб Гладиатор унга далда берди. — Бош омон бўлса, дўппи топилади.

Официант ичимлик ва овқат келтирди. Гладиатор икки қадахга коньяк қуяркан, тиржайиб:

— Учрашганимиз учун қиттак-қиттак отсак ёмон бўлмасди, — дедию Чорига қадахни узатди.

Чорининг бошида шу топда турли хаёллар чарх урарди: «Гладиаторнинг бирор муддаоиси борга ўхшайди. Ичмасам, кўнглига яна гап келмасин...» У истаристамас қадахни қўлига олди-да, бир хўплашдаёқ бўшатди.

Гладиатор асосий мақсадга кўчишдан олдин Барзангига бир муддат синчков назар солди.

— Сен билан учрашишни кўпдан бери ўйлаб юрардим. — Мақсадга кўчди у ён-атрофга хавотирланиб қараркан. — Мана, ниҳоят мақсадимга етдим. Адресинг бутунлай эсимдан чиқиб кетган экан. Излашим бефойда, деб ўйладим. Қараки, ўз оёғинг билан келиб қолдинг. Сендай синашта «қовурғалар» керак менга. —

У ўзига қайишувчи ёки тобе кишиларни шундай атарди. — Гапни чўзиб ўтирмайман. Қисқаси, сени яккалатиб қўймаймиз. Таклифим шуки, тўдамга қўшил! Яхши биласан, мен гирромликни ёқтирмайман — тушган ўлжа ўртада арра.

— Қанақа иш?

— Албатта, қотиллик эмас!.. Лекин ўрни келганда, зарур бўлиб қолса, энг оғир жиноятга ҳам қўл уришга тўғри келади.

— ЦУМдаги ўғирлик сенинг ишингми?

— Одатимизни биласан-ку, қилинган иш гулдургуп, айтиб юрилмайди! — деди норози оҳангда Гладиатор.

— Тушунаман. Шунчаки сўрадим-да. Аммо ўшандан буён кўп ўғрилар таъқиб остида, — деди Чори ва Гладиатор ишончини тўла қозониш учун яна илова қилди. — Мен ҳам кўрққанымдан буёққа қуён бўлдим.

— Ҳали шунақа дегин. Кемага тушганинг жони бир, деб бекорга айтмаган эканлар-да. Ҳечқиси йўқ. Шаҳрингда ҳали шунақанги ғаройиб «томоша»лар кўрсатиб кетамизки, энг тажрибали жиноят қидирувчилар ҳам ҳайратдан ёқа ушлаб қолишсин!

«Бу ишимни кечирмайди, — дея ўйлади Чори. — Эски улфатларга хиёнат қилиб, ўғрилар одатини бузаяпман. Ўғриларнинг таомилини яхши биламан-ку! Уни бузган ўғри шериклари томонидан жазога тортилмай қолмайди, лекин шу пайтгача менга жазо бера оладиган рақиб йўқ эди. Менинг тўдам бор-йўғи беш кишидан иборат эди. Ҳозир бири мажруҳ, учтаси узоқ муддатли қамоқ жазосини ўтаяпти. Улар ҳеч қачон менга қўл кўтариб, пешхезлик қилишмайди. Аммо хиёнаткорлик йўлига тушганимни Гладиатор сезиб қолса борми, унинг жазосидан қочиб қутулиб бўлман. Ўчини олмасдан қўймайди. Лекин ҳозир унинг талабини рад қилсам ҳам бўлмайди. Булар гумонсираб қолишади. Ҳа, майли, бир бошга бир ўлим, беллашсам беллашай, барибир энди Гладиатор чангалидан қутулиб кетолмайман. Унинг таклифи — буйруқ!..»

Чори Гладиаторнинг таклифига рози бўлди. Гладиатор муддаосига эриша олганидан беҳад қувониб, мағрурона товушда деди:

— Тўғриси, Барзанги, сени осонгина гапимга кўндир-  
ра оламан, деб ҳеч ўйламаган эдим. Сафимиз яна битта  
синашта, ишончли улфат билан тўлгани учун ичамиз!..

Бир-бирига чўқиштирилган икки қадаҳ жаранглаб  
кетди.

\* \* \*

Капитан Очил Мирзаев икки соат ичидаёқ Чўтир-  
нинг ижтимоий аҳволи ҳақида керакли маълумотлар-  
ни тўплади ва шошилинч равишда бошлиқ ҳузурига  
кирди.

— Шариф чўтирнинг ижтимоий келиб чиқишини  
аниқладим, — деб гап бошлади, у ва кўлидаги папкани  
олиб, ундаги ёзувли қовозга кўз югуртирганча, сўзида  
давом этди: — Асли самарқандлик. Ўзбек. Ёши қирқ  
учда. Қўшнилар билан кирди-чиқдиси кам... Биринчи  
хотини бундан ўн йил бурун оқ қон касалига чалиниб  
ўлган. Иккинчиси эса бултур кузда кўзи ёриганда ва-  
фот этган. Ҳозир сўққабош. Меҳнат отпускази даври-  
да қаерда бўлгани номаълум. Турар жойи коммунал  
хўжалигига қарайди. Икки марта ахлоқ тузатиш меҳ-  
нат колониясида бўлган. Биринчи марта безорилик  
қилиб, кейин ўғрилиқ билан ушланиб...

— Ўғрилиқ билан? Қайси йили?

— Бундан олти йил бурун.

— Айблаш фикри, суддаги жиноий иш билан чу-  
қурроқ танишиб чиқинг. Бундан олдин ҳам ўғирлик  
билан шуғулланганми, йўқми, аниқ билиш керак.

— Ҳамма материаллар билан алақачон танишиб  
чиқдим, — деди капитан. — Чўтир, боя айтганимдек,  
фақат икки марта судланган. Участка инспекторидан  
суриштирдим. Қамоқдан қайтгандан бери Чўтирнинг  
бирор ножўя иш қилгани қайд этилмаган.

— Чиндан ҳам у ўтган давр ичида бирор-бир но-  
жўя ҳаракат қилмаганмикан? Сиз шунга қандай қарай-  
сиз? Унинг тўғри одамлигига аминмисиз?

— Очиғи, бу ҳақда қатъий бир нарса деёлмайман.  
Ҳар ҳолда, у софдил одам бўлмаса керак.

— Ҳа, балки сиз ҳақдирсиз? Сирли қотилликда  
унинг қўли борми-йўқми, буни далиллар асосида ис-  
ботламасимиздан туриб, олдиндан бир нима дейиш  
қийин.

Майор ўринбосарига алоқа бўлими хизматчиси сохта Мария Михайловнанинг тасодифий ўлими нималар билан боғлиқлигини қисқача айтиб берди.

— У пул юборган, қалбаки паспортлар билан пулни олган кишилар эса ҳозирча номаълум шахслар.

— Иш бутунлай чалкашиб, чувалашиб боряпти.

— Асосий тутун қаерда — шунини тезроқ аниқлашимиз керак?

— Чўтирни қамоққа олсак, шунда масала бирмунча ойдинлашармиди? — дея капитан маслаҳат солди.

Шундан бошқа чорамиз қолмади. Лекин уни айб-лашга далилларимиз ҳали етарли эмас. Қотиллик содир бўлган куни Чўтир шаҳарда бўлмаган. Унинг Тошкентда қандай ишлар билан шуғуллангани ҳозирча бизга номаълум. Сатторовнинг қайтишини кутамиз.

\* \* \*

Тун борлиққа аста-секин қора чодирини ёяётган пайт. Майор Каримов уйида чой ичиб ўтирарди. Телефон жиринглади. Шошилишч трубкани кўтариб:

— Эшитамак! — деди.

— Зафар Каримович! Бу — мен... — Чори барзангининг овозини майор дарров таниди. — Когондан гапиряпман.

— Тинчликми? Нега бунча дом-дараксиз кетдинг? — Ранжиган оҳангда гапирди майор. — Бирор янгилик борми?

— Бор... Учратдим.

— Кимни?

— Қушчани...

— Тушунарли. Ҳозир бу ёққа кела олмайсанми?

— Йўқ, мени кузатишяпти. Яхшиси, ўзингиз келинг! Истироҳат боғида, ёзги биллиардхонада кутаман.

— Ҳозир етиб бораман.

Зафар Каримович йўл-йўлакай бошқармага кирди. Кабинети бурчагидаги сейфни очди, ундан тўппончасини олиб, камарига тақди. Кейин «Жигули»сини елдирганча, Когон шаҳрига етиб борди. Машинасини боғнинг дарвозаси олдида қолдирди ва тўрт томони очиқ айвонли биллиардхонага яқинлашди. Уйинни кузатиб турган Чори граждани кийимидаги майорни кўриб, секин четга чиқди ва тез-тез юриб дарвоза томон йўл олди. Майор

секин унинг изидан бораверди. Чори машина ёнида тўхтамай, ой нури тушиб турган кўчадан ўнг томонга қараб кета бошлади. Унинг фикрини тушунган Зафар Каримович машинага ўтириб, уни шошилмай юргизди. Чорига етиб олгач, машина эшигини очди:

— Узоққаа боряпсизми, йигит! Ўтиринг, олиб бориб қўяман.

Барзанги чаққон ҳаракат билан унинг ёнига ўтирди. Майор газни босар экан:

— Омонмисан, шоввоз, ишларинг қалай? Тинчликми? — деди унинг қўлини самимий қисб.

— Гладиаторни учратдим.

Майор ишонқирамагандек унга бир тикилиб олди.

— Наҳот!.. Янглишган бўлмагин?

— У шериклари билан шаҳарда юрибди.

— Ростданми?

— Ҳа. Мени ҳам тўдасига тортяпти. Сизнинг рухсатингизсиз унинг таклифига кўндим. Лекин менга ҳали унчалик ишонмаяпти, — дея Гладиатор билан бўлган учрашув тафсилотини қисқача айтиб берди.

— Ҳм-м... Бошланиши ёмон эмас, дуруст. Балли азамат! — деди майор мамнунлик билан, сўнг Чорининг билагини қисиб қўйди. — Қаерда туришини айтдимми?

— Йўқ... Сир тутяпти.

— Қизиқ? Улар кўпчиликми?..

— Англашимча, кўп эмас: Пакана билан Шайтон деганлари бор. Бошқа шериклари борми-йўқми, билмайман. Сўраш ноқулай, ўзи айтмади. Гладиатор эски улфатларидан яна бирини учратибди. Бухоро шаҳрида тураркан. Лақаби Қулоқ деди. У қаерда яшаб, қаерда ишлаётганини айтмади.

— ЦУМдаги ўғирлик уларнинг иши эканми?

— Очиқ айтмади. Лекин, сезишимча, Гладиаторнинг ишига ўхшайди.

— Исботсиз бир нима дейиш қийин. Эҳтимол...

— Биласиз-ку, ўғри ҳеч қачон, мен ўғрилик қилдим, деб айтмайди. Гладиатор яқин орада яна катта бир ўғирликни амалга ошириш режаси билан юрибди. Лекин қаерни, қачон, қандай қилиб талашини айтмаяпти.



— Ҳим-м... Ҳали шунақа нияти ҳам бор, де!.. Айни муддао-ку, ошина, тузоққа илинтириш осон бўлади. Энди ўзингга тааллуқли асосий гапни эшит! Мумкин қадар унинг ишончини қозонишга интил. Бу жуда муҳим, — дея таъкидлади майор. — Биз ўғирланган пулнинг ким-далигини аниқ билишимиз керак. Акс ҳолда уринишларимиз беҳуда кетади. Ўзингга маълум, пихини ёрган ўғрини далил-исботсиз айбига иқрор қилиб бўлмайди. Гладияторни жиноят устида қўлга оламиз. Бунда сенинг ёрдаминг асқатади. Яна қаерда, қачон ўғриликка тушишмоқчи? Буни фақат сен билиб беришинг мумкин. Жуда эҳтиёткорлик, ҳушёрлик билан иш тутшингга тўғри келади.

— Уриниб кўраман.

— Уйингга ҳозирча бормай тур. Қаерда яшашингни, оиланг борлигини гуллаб қўйма. Бизнинг одамимиз хабар қилди: сени бир таъвия кузатиб юрганини сезибди.

— Йўғ-э, наҳотки...

— Ҳа. Энди қаерда бўлишинг, адресинг, нима иш қилаётганингни бизга телефон орқали маълум қилиб турасан! Эсингда бўлсин, сенга ҳаммавақт йўл-йўриқ кўрсатиб туриш имконияти бўлмайди. Гладиятор айёр тулкига ўхшайди. Мен билан учрашиш эҳтиёжи жуда зарур бўлиб қолган пайтдагина олдин овлоқроқ жой танла, кейин жойини, вақтини телефон орқали билдир.

— Бўпти!..

\* \* \*

Лейтенант Сатторов самолётдан тушиб, тўғри бошқармага келди. Хонага кириши биланоқ бошлиқ сабрсизлик билан сўради:

— Хўш, қандай янгилик бор, ўртоқ лейтенант!

— Чўтир, — деди лейтенант, — арзимаган иш билан, яъни болалар арғимчоғига буюртма бериш учун Тошкентга борган экан. Ишини борган куннинг ўзидаёқ битказибди. Буни маданият вазирлигидан билиб олдим. Чўтирнинг тунаш жойини билиш учун барча меҳмонхоналардан суриштиришга тўғри келди. «Дўстлик» меҳмонхонасидан бир ўринли хонани банд этган экан. Иккинчи қават, 214-хона. Лекин навбатчи

хизматчининг гувоҳлик беришича, у фақат уч оқшом тунаган. Хона тумбочкасидан иккита самолёт билети чиқди. Бири Жамолов Бақо номига... Билет Мария Михайловнанинг ўлиmidан бир кун олдин Тошкент-Бухоро рейсига олинган. Иккинчи билет Тоиров Шоди деган шахс номига ёзилган. Билет марҳуманинг ўлган кунига тўғри келади. Биринчи рейс билан Бухородан Тошкентга училган. Чўтир эса эртасига кетиб қолган. Қаёққа кетгани маълум эмас. Билетларни олиб келдим.

У билетларни бошлиққа берди.

— Яша! Ҳаммаси аён! — Майор олдиндан бир сирдан воқиф бўлгандай тунд чеҳраси бирдан ёришиб, лабларида табассум ўйнади. Шошинич равишда телефон қила бошлади. — Очил Мардонович, бир минутта... — Орадан сал фурсат ўтар-ўтмас капитан кириб келди. — Қотил топилди! — деди майор ишонч билан. — Агар биз ўйлаган жиноятчи чиндан ҳам шу шахс бўлиб чиқса, билингки, калаванинг учи қўлимизда.

— Башорат қияпсизми ёки?.. Ким экан қотил? — Ишонар-ишонмаслигини билолмай, ҳовлиқиб сўради ўринбосар.

— Чўтир! Ҳа, худди ўша! Иш кўришидан кутилмаган жиноятларга қодир, хавфли шахс экани сезилиб турибди. ЦУМдаги ўғирликда унинг ҳам алоқаси бўлса ажаб эмас.

— Йўғ-э? — дея ҳайратланганидан қошлари чимирилиб кетди капитаннинг. — Наҳотки?

— Таажжубингиз ўринли. — Майор стол устидаги иккита билетни олиб, уни ўринбосарига кўрсатганча, гапида давом этди. — Жумбоқни ана шу икки билет ечиб беради. Лейтенантнинг Чўтир изидан Тошкентга бориб келгани яхши бўлди.

Лейтенант майорнинг сўзларини ҳам ҳайрат, ҳам ҳаяжон билан тинглаб турарди. Топшириқни мақтовга лойиқ даражада ўринлатиб келганини эшитгач, кўнгли кўтарилиб кетди.

— Иш ўта пухталиқ билан амалга оширилган, — дея гапида давом этди майор. — Фараз қилайлик, Чўтир Мария Михайловнанинг ўлими куни учиб келган. Сўнгра унинг ишдан қайтишини кутган. Биргалиқда

овқатланишган. Уйга жуда кеч қайтишган. Чўтир унга уйку дориси ичирган. Қотил оёқ изларини қолдирмаслик йўлини яхши билган. Марҳума ҳамиша эшикни ичкаридан қулфлаб ётган. Чўтир бу ҳолни илгаридан билган. Унда шу эшик қулфига мос тушадиган калит бўлган. Жазманини аранг юргизиб, балконга чиқарган-да, кейин пастта улоқтириб юборган. Ўзи эса эшикни қулфлаб, тезда қойиб бўлган ва самолётда биринчи рейс билан Тошкентга учган. Табиийки, у из қолдирмаслик учун ҳамма ишни чарм қўлқоп кийиб бажарган. Ит из тополмасин, деб йўлакка мохорка сепган. Шубҳа туғдирмаслик учун билет олишда ўз номига ёзилган қалбаки паспортлардан фойдаланган. Мана, бу икки билетда номлари кўрсатилган шахсларнинг ҳаётда умуман йўқлиги бизга маълум. Чўтир отпускани пайтида худди ана шу қалбаки паспортлардан фойдаланган. Марҳума томонидан фирибгарлик йўли билан жўнатилган пул масаласида иккиси олдиндан келишиб қўйган. Янглишмасам, Чўтирнинг қотиллик қилишига сабаб, ўзлаштирилган пул тақсимоотида иккиси мураса қилиша олмаган. Ўртада низо чиққан... Оқибатда сири фош бўлишидан қўрққан... Билетларни тумбочкада унутиб қолдирилганига келсак, бунга ҳеч иккиланмасак ҳам бўлади. Ахир, оғир жиноятдан кейин кишининг эсанкираб қолиши табиий-ку! Кўпинча, биринчи марта қотилликка қўл урган шахслар қўрқинч, шошқалоқликдан ана шундай хатоларга йўл қўйишади. Ҳар қандай ҳолда ҳам у янглишиб, сирининг очилишига ўзи сабабчи бўлади.

— Ғалати-ку! — дея бош чайқади Очил Мирзаев. — Изни йўқотиш ниятида қўллаган найрангини қаранг-а! Ахир, у марҳума хонасида авваллари ҳам бўлиб турган-ку, беҳудадан-беҳудага ўзини шубҳа остига қўяётганини наҳотки фаҳмламаса?

— У қотилликни амалга оширгач, ўзини шубҳа остида қолдирмаслик учун ҳам худди ана шу режасини қўллашни маъқул топган. Марҳума хонасидаги ашёларда унинг бармоқ излари йўқ эмас, истаганча топилади. Лекин бу унга сен айбдорсан, деб айтишга асосий далил бўлолмайди. Ҳа, илгари аҳён-аҳёнда уникага бориб турардим, жазмани эдим, деб гапни бошқа ёққа буриб юбориши ҳам мумкин эди.

— Бундан чиқди, ҳақиқий қотил шунинг ўзи!

— Ажаб эмас. Одатда билет рўйхатдан ўтказилаётган пайтда контроль талоннинг орқа қисмига билет олган йўловчининг кимлиги, ҳужжатининг номери ёзилган бўлади. Лекин кўп ҳолларда кассирлар эриниб ёзишмайди. Йўловчининг ўзи ёзишига тўғри келади. Билетнинг йиртиб олинган назорат талонида Чўтирнинг дастхати бўлиши мумкин. Очил Мардонович, сиз бугуноқ аэропортга бориб, буниям аниқланг! Ростдан ҳам кассир ёзмаган бўлса, унда дарҳол текширувга беринг! Чўтирнинг дастхатими, йўқми, аниқлашсин! Сиз, лейтенант, бугунчалик дам олинг! Эртдан бошлаб Чўтирни кузатасиз. У алақачон Тошкентдан қайтган, Истироҳат боғидаги арғимчоқда ишляпти. Энг муҳими, кузатаётганингизни пайқамасин. Ким билан қандай мулоқотда бўлади, ҳаммасини ҳисобга олинг. Ҳар кунги кузатиш натижасини менга билдириб турасиз. Тушунарлими?

— Тушунарли, ўртоқ майор, — дея қўлини чаккасига теккизиб, честь берди лейтенант. — Кетишга руҳсат этинг?..

\* \* \*

Самарқанд шаҳри. Серҳашам уйнинг чўғдек ясатилган хонаси. Бири башанг, бири одми кийинган икки кимса юмшоқ креслода ястаниб олганча суҳбатлашяпти. Булардан бири — уй эгаси Толиб эди. У таксомотор паркида хизмат қилган пайтида пихини ёрган ўғрибошилардан бири бўлган. Боцман лақаби билан машҳур эди. Рус тилида бурро сўзлаша олади. Боцман ҳозир ҳам ҳунарини ташламаган. Енгил автомашиналарни таъмир қилиш устахонасида ишлайди. Пул, бойлик учун ҳатто ҳаётини тикишдан ҳам тоймайди. Ҳозир арзон-гаровга машина олиб, қимматга сотиш билан шуғулланади. Гладиаторга эски қадрдон, у билан олди-бердиси бор.

Иккинчиси — мезбоннинг тамоман акси, миқти гавдали Пакана эди. У бугун Бухородан муҳим иш билан бу ерга учиб келди. Боцман ҳам анойилардан эмасди. У ўз оёғи билан кириб келган «ов»идан янада кўпроқ манфаатдор бўлишдан умидвор. Чунки у буюртмани бажаришга ваъда беришдан олдин нархини келишиб олганди. Осонгина ҳал бўлиши мумкин бўлган бу жўн ишга катта миқдорда пул тикилаётганини эшитгач,

кувониб кетган ва Гладиаторнинг буюртмани тезроқ қўлга тегишига шошилаётганини сезгач, ҳал этишга бажонидил рози бўлган эди.

Хонага жинси шим кийган ёш бир келинчак ликопчада икки стакан қаҳва олиб кирди, уни меҳмон ва мезбонга мулозамат ила тутгач, яна таманно билан чиқиб кетди.

— Боцман, анча лақиллашдик. Энди асосий мақсадга кўчсак ҳам бўлар, — деди Пакана хирилдоқ товушда.

— Қулоғим сенда, Пакана, — деди мезбон хотиржамлик билан ва сигарета тутунини оғзидан ҳавога ҳалқа-ҳалқа қилиб чиқара бошлади.

— Буюртманинг бажарилиш муддатини аниқлагани келдим. Гладиатор шоширяпти.

— Ошна, яхши биласан-ку, бу ишда шошиб бўлмайди, — дея эринчоқлик билан сўз бошлади Боцман. — Ёки буюртма учун тиккан малахига<sup>1</sup> ачинаяптими шефинг?

— Йўқ, асло! Мени тўғри тушун, — деди Пакана одатига кўра димоғини тортиб. — Гладиатор бу ишнинг ўнгидан келишига унча ишонмаяпти. Илгари ҳам бир танишига таклиф этиб кўрган, лекин ҳеч бир натижа чиқмаган...

— Хотиринг жам бўлсин, Пакана! — деди илжайиб Боцман. — Мен сенга ҳозироқ ажойиб янгилик айтишим мумкин.

— Хўш, эшитайлик-чи?

— Менинг дастёрларим ёмон ишламаяпти. Буюртмаларинг тайёр. Энди бу нарсани шефинг айтган тусда бўяш қолди, холос. Танлаган «йўрға»миз ҳам чакана эмас. У тез орада қўлларингга тегади. — У оёқлари увушиб қолган кишидек, аранг ўрнидан кўзгалди. Бориб китоб жавони устидаги шиша ҳовузчада сузиб юрган олтин балиқчаларга бир муддат тикилиб турди, сўнгра идиш ёнидаги қутичадан озуқа олди-да, бармоқлари билан эзфилаб, балиқчаларга ташлай бошлади.

— Тўғриси айтсам, Боцман, буюртманинг битаёзганини билдириб, мени анча хурсанд этдинг. — Йўғон

<sup>1</sup> Пулига.

бўйнидаги қора галстугини бўшата туриб, мамнунлик билан деди Пакана. — Шефим қувонадиган бўлди. Ҳа, а дарвоқе, эслатиб қўяй, келишувга кўра, белгиланган «соққа»<sup>1</sup>нинг қолган қисмини буюртма қўлга текканда оласан.

— Мен розиман, Пакана.

— Сенга омад тилайман, Боцман. Энди менга рухсат, — дея ўрнидан қўзғалди у.

— Шошиляпсанми?

— Ҳа, бугуноқ қайтишим керак. Гладиятор кутяпти.

— Кузатиб қўяйми?

— Ўзим кетаман, — деди у кулиб. — Хайр, соғ қол, дўстим.

— Хайр!..

Боцман Пакананинг тирсагидан ушлаганча то эшиккача мулозамат билан кузатди. Паканани йўлнинг нариги томонидаги дарахтлар соясида Чори кутиб турар эди.

— Бунча ҳаяллаб кетдинг? — деди унга ўпкалангандек қараб Чори.

— Боцман билан келишиш осон деб ўйлайсанми? Лекин ҳал бўлди.

— Ким у Боцманинг? Нима ҳал бўлди?

— У эски «кифт»лардан. — Пакана шерикларини кифт деб атарди. — Бир янгироқ енгил машина керак эди. Шуни ҳал қиляпти.

Иккиси шаҳар маркази томон кетишди.

— Энди қайтаизми?

— Йўқ, яна бир зарур иш бор ҳали.

— Қанақа?..

— Ҳу анави ошхонада кутиб тур, тезда қайтаман. Ўша ерда тушлик қиламиз. — Пакана муюлишга етганларида Барзангига йўлнинг нариги томонидаги ошхона биносини кўрсатди ва ўзи йўлак бўйлаб илдам юриб кетди.

Пакана чамаси ярим соатдан кейин қайтиб келди. Ҳамроҳи бир чеккадаги столда пиво ичиб ўтирарди.

— Овқат буюрдингми?

---

<sup>1</sup> Пул.

— Ҳа. Қовурма лағмон. Нима бўлди, кайфиятинг чатоқроқ.

— Қуён бўлибди, энавар. Қўшнисига телефон қилдим. Кетиб қолган, бу ерда яшамайди, дейди.

— Ким?

— Шайкамиздан чура<sup>1</sup> бўлганлардан бири. Тўра кулол деганнинг ўғли Жўра писмиқ. Шу ерлик. Лақаби Каламуш. Сал хаёлпарастроқ эди. Лекин ўғирлик қилишда бало эди. Келишиб қўйилган ерда бирдан пайдо бўлиб қоларди. Ердан чиқдими, осмондан тушдими — пайқамай қолардик. Ёмон кифтлардан эмасди. Бирдан айниб қолганига ҳеч ишонгим келмаяпти. У дафъа келганида, деразасидан сиртмоқ қилинган арқонни ташлаб кетган эдим. Гладиатор буйруғи шу эди. Жон ширинлик қилибди.

— Айби нима эди? — дея ажабланиб сўради Чори.

— «Қопчиқ» эди у, тушундингми, яъни хазиначи. Қопчиқ Гладиатордан чиққан гап, — деди у бурнини жийриб. — Ана шу кифт бор «соққа»ни йўқотиб қўйибди. Шеф ишонмаяпти. Атайлаб далоқ қилган, деяпти. У бўлса кўрққанидан чура бўлган, тутқич бермай юрибди. Каламуш катагида бўлганида уни тинчитиб сенинг зимманга тушарди. Шефнинг топшириғи шундай эди. Омадли экансан, кифт!

«Хайрият, Каламушга тезроқ қуён бўл, деган эканман, — дилидан кечирди Барзанги. — Шерикларига қараганда у юз чандон инсофли, диёнатли. Хайрли ишга қўл урдими, албатта, қалбида эзгулик нияти бор... Гладиатор у ҳақда аллақачон қатъий ҳукм чиқарган эканда. Вой, иблис-эй!..»

— Ҳа, Барзанги, нега жим бўлиб қолдинг? — деди Пакана ҳамроҳига беписанд қараб. — Нима, гапимга ишонмаяпсанми, кифт? Ростини айтдим, омадинг чопди. Бўлмаса...

— Хабарим бор... — деди Чори хотиржамлик билан. — Ўтган ҳафта келиб кетган эдим. Ўшанда катагида бўлганида борми, она сутини оғзидан келтирмасдан қўймасдим. Гладиатор қопчиқни топиб бермагунча дўппосла, майиб қилсанг ҳам майли, кечдим унақа қовурғадан, деган эди.

---

<sup>1</sup> Қочоқ.

— Шеф айтди менга келиб кетганини. Қуён бўлибди, дебсан, — деди Пакана. — Негадир ишонмабди шеф. Каламушнинг қайси катақдалигини Боцман билдирган экан Атаманга. Барибир у шефнинг чангалидан қочиб қутулолмайди.

— Шуям ичимлик бўлди-ю... Қиттак-қиттак отсак бўлмайдимиз? Энди-ку бошқа қиладиган ишимиз қолмади. Қоринни тўйғизгач, қайтамиз.

— Бўпти, буюр, битта «Экстра» олиб келсин!

Қадахларни тўлдириб, бир кўтаришдаёқ симиришди. Иккинчи қадахни омад учун кўтаришди. Чори шуни жон-дилидан истаб ўтирган эди. Ундан Гладиатор тўғрисида кўпроқ нарса билиб олиш пайида эди. Кўп ўтмай, Пакананинг ёноқлари қизарди, кўзлари сузилиб, «шеф»ини мақтай бошлади.

— Ана шунақа гаплар, қадрдон кифтим! Гладиатор деганича бор. Қаҳри ёмон. Истаса юз мақомда йўрғалатади, ўтда ёқади... Финг деб кўр-чи, ўзингни асфалософилинда кўрасан.

— Кўпдан танийсанми шефни? Унинг ўзи асли қаерлик?

— Ҳали кимлигини айтмадимиз сенга?

— Тўғриси, билишнинг унча қизиғи ҳам йўқ, шунчаки сўрадим-да, — деди Чори. Пакана Гладиаторга, у сиз билан қизиқди, дея чақмасин деган хаёлга бориб.

— Яхшимас, шефнингнинг кимлигини билишнинг керак, — дея Пакана, нодон, гўл экансан-ку, дегандек, Чорига ғалати қаради. — Унинг ҳақиқий номи — Лукмон. Аслида хўжандлик. Ёшлигидаёқ безориларга қўшилган экан. Кейинчалик қотилликда айбланган, лекин қўлга тушмаган. Қочиб алақайси бир шаҳарга борибди. Чўнтакка тушибди. Ўмарган қопчиғидан бир боғлам «соққа» билан паспорти йўқолгани тўғрисида справка чиқибди. Орадан кўп ўтмай Гладиатор бошқа бир шаҳарда яна жинойт устида ушланган экан. Шунда қопчиқдан чиққан справка унга асқотибди. Гладиатор бировга берилган ўша справкадаги исм-фамилияни ўзимники, дебди. Шефимиз ана шунақа... У бир неча бор бошқа фамилияда ётиб чиққан.

— Қойил!.. Сен у билан кўпдан бери биргамисан? Сенга худди ўзига ишонгандай ишонади.



— Ҳм-м... — деб юзини буриштирганча лабларини чапиллатиб олди у. — Ишониши рост, менинг инонихтиёрим унинг қўлида.

— Тушунмадим.

— Аламимни қўзраб нима қиласан, кифт! — деб хўрсинди у ва бурнини устма-уст тортиб қўйди. — Мен ўзимни гаровга ютқизганман унга. Шайтон ҳам... Қарта ўйинида. Ана шунақа гаплар, қадрдон кифтим. Карманалик бу Карим етимчанинг куни қора, бадбахтман. Нуроталик. Насим шайтоннинг қисмати ҳам меникидан баттар. Лекин иложимиз қанча!.. Сенинг турмушинг ҳам бизникидай... Пул бор, маишат йўқ, ҳаётдан лаззатланиш йўқ. Гладиаторга эса маза! Уч-тўрт шаҳарда ғари бор. Когондаги Саъваси худди арчилган тухумдай... Отини биласан-а — Светлана! Биз эса, сичқоннинг ини минг танга дегандек, ҳаммавақт писиб, яшириниб юрибмиз. Минг лаънат бундай ҳаётга! Баъзан узоқроқ жсйга чура бўлгим келади-ю, яна юрагим дов бермайди, кўрқаман. Топиб олса ўлдирмай қўймайди. Гладиатор қилган ҳар бир жиноятга мен ҳам шерик бўлганман.

— Бир умр шу тахлитга яшайвериш ҳам ахир жонга тегади-ку? — деди Чори Пақананинг ҳолига ачинган бўлиб. Мақсади — унинг кўнглига қўл солиш, асл ниятини билиш эди. — Ҳалиям бардошимизга балли! Шунақа бемаъни ит ётишу мирза туришга чидаб келяпмиз.

— Иложимиз қанча, кифтим? Шефдан қочиб қутулишнинг иложи йўқ. Бир изингта тушмасин, тушса... Кейин тамом! Тавбангта таянтирмасдан қўймайди. Шошмай тур, шефнинг ногорасига ҳали сен ҳам ўйнаб қоласан. Бирга бўлсак, қуллуқ қилиб салом берасан.

— Нимагадир Гладиатор менга унчалик ишонмаяпти. Тўдаларингда худди ортиқча кишидекман.

— Сенга шундай туюлаётган бўлса керак. У авваламбор, ишончсиз кишини яқинига йўлатмайди. Ўзи зўрға етишдику сенга. Билиб қўй, сен шефга жуда кераксан. Ўзингдан ҳам кўпроқ ҳунаринг керак унга. Исталган муҳрни айнан ўзидай қилиб ясай билиш ҳазилакам иш эмас. Гладиатор менинг ҳам қулф, сейфлар-

ни оппо-осонгина оча билишимни қадрлайди. Парво қилма, Барзанги, шефнинг феъли шунақа, тунд юради. Ниятига, мақсадига тушуниш қийин. Бирор иш қилмоқчи бўлса, бирдан ҳаракат бошлайди. Қамоқда кўп ошу қаттиқ бўлгансан, биласан-ку?! Ишига жуда пухта-пишиқ. Одамнинг ниятини бир қарашидаёқ кўзидан билади. Лекин бир ерда узоқ туриб қололмайди. Мўлжаллаб юрган ишини амалга оширдими, тамом, дарров бошқа шаҳарга чура бўлади. Бизлар унинг думимиз, қаёққа борса, кетидан судралиб кетаверамиз.

— Бу маъқул одат. Хавф-хатардан узоқда бўлиб, тинчгина яшайди.

— Ҳаётимиз ана шунақа кечяпти, дўстим. Бирга бўлсак, ҳали кўп нарсани кўрасан, кўникиб ҳам қоласан...

\* \* \*

Оқшом. Истироҳат боғи байрам либосида. Турли рангдаги чироқлар ёз оқшомига ўзгача латофат бахш этган. Анъанавий санъат байрами тантаналари авжида. Ҳавога узлуксиз мушақлар отилмоқда. Бир томонда концерт, бир томонда полвонлар беллашишяпти, яна бир томонда дорбоз ўйини...

Граждан кийимидаги лейтенант Сатторов арғимчоқ майдончаси атрофида айланиб юрибди. Ташқи кўринишидан у оператив ходимга ҳеч ўхшамайди. Аҳён-аҳёнда у нуқул бир кишига назар солиб қўяди. У кимсан — чап қўлига қизил лента боғланган Шариф чўтир. Унинг бу оқшом омади келган кўринади. Арғимчоқ учувчилар кўп. Боғ ўртасидаги фонтан атрофида ҳам одамлар гавжум. Бўйнига қўш фотоаппарат осиб олган баланд бўйли суратчининг қўли-қўлига тегмайди. Ишқивозларнинг изи узилмайди. У суратга тушувчиларга чаққон ҳаракатлар билан қанча масофада, қай тартибда туриш кераклигини уқтиради. Сўнг чироқли фотоаппаратини ишга солиб, сурат олади. Бир оз ўтиб, фотоаппарат лентаси тутаб қолди шекилли, Исмоил Сомоний мақбарасидан сал чеккароқдаги эшиги пештоқига «Фотография» деб ёзиб қўйилган кичик бир бино томон юриб кетди. Ичкарига кириб чироқни

ёқди. Фотоаппаратини темир қутичага саранжомлади. Қутини яшириб қўйгач, ташқарига чиқиб, эшикни қулфлади. Ниҳоят, илдам одимлаб аржимчоқ майдончасига келди-да, Шариф чўтирга гап қотди:

— Ҳой, Чўтир, ҳорма, ишинг беш-ку! Илтимос, қоровул келса айтиб қўй, мен кетдим.

— Суратга олсангиз, айтаман, — дея тегишди унга Чўтир.

— Бунчаям суратга тушишга ўчсан. Бошқа пайт. Мен кетдим. Эсингдан чиқмасин-а?

— Бўпти!..

У боғнинг шимол томони чеккасида жойлашган Чашмаи Айюб мақбараси томон илдам юриб кетди. Шариф чўтирени кузатиб турган лейтенант суратчининг хатти-ҳаракатидан шубҳаланиб: «Бу нусха ким бўлди экан? Шерикларидан бири бўлмасин тагин...» деган хаёлга бориб, тезда унинг изига тушди. Суратчи Чашмаи Айюб мақбарасига яқинлашди. Кунботиш томонга ўтди. Атроф қоронғи, у кўзга аранг чалинардди. Лейтенант фотографни кузатишда давом этди. Уни кўздан қочирмай, муҳими, у сезиб қолмасин учун ўттиз-қирқ қадамча ортдан кузатди. Суратчи қоровулхонага кирди. Кимгадир телефон қила бошлади. Аммо жавоб бўлмади, яна қайта рақам терди.

Лейтенант зудлик билан изига қайтиб, шаҳар марказий автомат-телефон станцияси навбатчисига қўнғироқ қилди. Парк қоровулхонасидаги телефон апаратидан қаёққа телефон қилинаётганини билиб беришни сўради. Навбатчи Когон шахрининг бир номери билан гаплашилганини айтди. Лекин навбатчи фақат иккинчи томоннинг қуйидагича жавоб гапини эшитишга улгурибди, холос: «Пароль: Азроилдан Қулоққа салом. Мукофот эгасини кутади». Жавоб: «Қулоқ эшитади, мукофот тайёр. Тамом!»

\* \* \*

Шинам жиҳозли хона. Стол устидаги магнитофондан ўйноқи бир куй таралаяпти. Гладиатор диванда оёқларини чалиштирганча, коньяк ичиб ўтирибди. Эгнида майка, кўкраги, қўлларининг қалин жунлари уни янада важоҳатли қилиб кўрсатади. Кўп ичганиданми, кўзлари қизариб кетган.

Эшик очилиб, остонада малласоч, хипчабел аёл кўринди. У ноз-финоқ билан Гладиаторга гап қотди:

— Жоним, сени Пакана сўраяпти.

— Айт, кирсин!

Сал фурсатдан сўнг Пакана Гладиатор ҳузурда ҳозир бўлди.

— Салом, шеф! Мана, айтган пайтингизда етиб келдим.

— Ўтир! — Гладиатор уни стол рўнарасидаги креслога ўтиришга таклиф қилди.

— Ичасанми?

— Агар ҳиммат қилсалар, йўқ демасдим.

— Ўзинг қуйиб ич!..

Пакана чаққонлик билан кафтларини бир-бирига ишқаб, коньяк шишасини қўлига олди, қирралари ялтироқ қадаҳга қуйиб, бир кўтаришдаёқ бўшатди.

— Хўш, сайра-чи! Буюртма тайёр эканми? — Қошқовоғини уйиб, босиқ овозда сўради Гладиатор. — Барзанги билан нима хусусда гаплашдинглар?

— Буюртмамиз тез кунда қўлимизда бўлади. — Пакана ҳукмдорига норози тарзда қараб: «Дарров чақибди-да, энафар Барзанги...» дея хаёлидан ўтказди. — Буюртма аллақачон тайёрлаб қўйилган экан. Боцман бир ҳафта ичида оласизлар, деди. Уни олиб келиш учун ҳаммол жўнатилса бўлди.

— Қойилман сенга, — деди Гладиатор мамнунлик билан кулимсираб. — Яна, ёмон ишламаяпсан. Буюртмани ким олиб келади, буни аллақачон режалаштириб қўйганман. Каламушни тинчитдиларингми?

— Йўқ, шеф! У ростдан ҳам чура бўлган экан.

— Қочиб қутулиб бўпти! Хўш, Барзангидан гапирчи, уни синаяпсанми?

— Нима, сиз ҳали ҳам ундан шубҳаланяпсизми, шеф?

— Шуни унутмаки, Пакана, биз орттираётган ҳар қандай қовургага ҳам шубҳа билан қарамоғимиз шарт! Ўзингга маълум, Жўра писмиқ... Шунинг учунми, бошлаган ишимиз ҳаммавақт ҳам ўйлаганимиздек чиқмаяпти. Ютуқ гоҳ бизники бўляпти, гоҳ бой бериб, доғда қоляпмиз... Синашта қовургалар керак... Хўш, Барзанги ҳақида нималар дея оласан? Унга ишонса бўладими?

Пакана Барзангининг ҳушёрлиги, эпчилиги, тан-тилигини мақтаб:

— Умуман, чакки эмас, — деди. — У бизга аввал-гидай содиқ.

— Суриштирдингми, уй-пуй, бола-чақаси бор экан-ми?

— Қизиқсиз, шеф. Турарга бошпанаси йўғ-у, қана-қасига... Ҳатто жазмани ҳам йўқ экан. Хотинбозлик-ни жиним суймайди, дейди.

Гладиатор бир муддат ўйга толди. «Демак, Барзанги алдамабди... Шофёрлик гувоҳномасини топиб келишни ҳам қойиллатди. Қалбаки муҳр ясашни эса қотирди. Қандай иш бўлмасин, бўйин эгиб бажаряпти. Пакана унинг ҳар бир қадамини кузатиб юрибди. Но-жўя ҳаракатини пайқамабди. Мен бўлсам ундан ҳануз шубҳаланиб юрибман... У пасткаш қовурғалардан эмас, ғурурли. Суянадиган бошқа қовурғаси, борадиган та-йинли жойи бўлмаса... Менга хиёнат қилса, оқибати нима билан тугашини яхши билади. Шундай экан, уни синаганим етар. Лекин бало оёқ остида деган гап ҳам бор...»

— Эсингда бўлсин, бордию у сотқинлик қилса, те-рингни шилиб оламан! — деб уқтирди Гладиатор.

— Бизга қарши ножўя ҳаракатини сезсам, ўша за-хотиёқ суробини ўзим тўғрилаб қўяман, шеф.

— Ҳушёрлик зарар қилмайди. Кўз-қулоқ бўлиб тур!..

— Хўп бўлади, шеф! Лекин айтиб қўяй, Барзанги-данку, гумоним йўқ, аммо Қулоққа негадир ишончим йўқроқ. Танлаб-танлаб ғирт тозига учраган бўлманг тарин. У кифтни ўзингиз танлагансиз-а? Яна унга ишо-ниб...

— Ундан хавфсирамасанг ҳам бўлади. Ишончли. Уни кутилмаганда учратиб қолганимни айтмайсанми? Тўғриси айтсам, аввалига уни яхши танимадим. Анча ўзгариб кетибди. «Қулоқ» эмасмикан дея тахмин қил-дим. Кун бўйи кузатдим. Хуллас, қулай пайт пойлаб, у билан гаплашиб ҳам олдим. Ҳунари суратчи эмасми, елкасига фотоаппаратини осиб олиб, қишлоқма-қиш-лоқ юрарди. Уйма-уй кириб одамларни суратта туши-рарди. Суратта олиш баҳонаси, қайси бир хонадонда

ўғирлашга арзирли мол-мулк кўп, кўриб-билиб қайтарди. Бу бизга жуда қўл келарди. Э-ҳе, кўп йиллар бўлди, бу ишларга...

— У қандай қилиб дарров бўйин эга қолди сизга, шеф? — қизиқсинди Пакана.

— Тўғриси, бу қовурғани осонгина тузоққа илинтираман, деб сира ўйламаган эдим. — Гладиатор сигарет кулини эринчоқлик билан кулдонга қоқа туриб, Қулоқ ҳақидаги ҳикоясини давом эттирди. — Иккинчи марта у билан овлоқроқ жойда учрашдик. Аввалига таклифимга кўнмади. Кейин уни кўрқитишга ўтдим. «Биласанми, Қулоқ, чамамда хавfli жиноятчилардан бири эканингни унутибсан. Мен билан шерикликда қилган анча-мунча қонун кечирмайдиган жиноятларингга нима дейсан? — деб чўнтагимдан тўппончани чиқариб кўкрагига тўғриладим. — Бир гал бўйин товлаганингда, омбир билан шалпанг қулоғингни қисиб, додлатганимиз эсингдан чиққан экан-да?» Ўшандан кейин ўнг қулоғи чиноқ бўлиб қолган унинг. Шундан бери лақаби — Қулоқ. У азалдан юраксиз, кўрқоқ, ҳалиги гапимдан кейин: «Милиционерни гумдон қилиб, тўппончали бўлганинг ёдингдан чиқдими? — дедим. — Янглишмасам, ўша тўппонча ҳануз ўзингга сақланаётган бўлса керак. Яна жазосиз қолган гуноҳ ишларинг озмунчами, нодон. Милиция хабар топса, ҳолинг нима кечишини биласанми?!»

«Мендан нима истайсиз?» — деди довираб.

«Мана бу бошқа гап. Биз бир-биримизни энди тугундик», дедим мен. Кўриб турибсанки, мана, эски қовурғамиз яна бўйин эгиб, бизга хизмат қиляпти. Топшириқни барбод этса ёки бизни сотса, асло шафқат кутмаслигини унга обдан уқтирганман. Унга бир ишни ундоқ қил, бундоқ қил, деб кўрсатма бериб туриш шарт эмас. Мияси бигиз, эшитдими, мустақил иш тутаверади. Сувдан қуруқ чиқадиганлар тоифасидан.

— Бунчалик пишиқ одамлигини эшитмагандим-да, шеф! — деди Пакана тиззасига шапатилаб. — Қулоқ сиз айтгандай бўлса, унда ишимиз «беш» экан.

Бошқарма бошлиғи ўринбосари Файзи Сайфуллаевнинг хонасида навбатдаги оператив кенгаш давом этарди.

— Тўғриси айтсам, Зафар Каримович, — босиқ овозда давом этди полковник, — группанинг бугунга қадар олиб борган иши мени қаноатлангирмаяпти. Вақт ўтиб борапти. Қидирув ишларингда эса сезиларли натижа бўлмаяпти.

— Сиз ҳақсиз, ўртоқ полковник, — унинг сўзини қувватлади терговчи Фармон Зайниев. — Фурсат борида Шариф чўтирни қамоққа олиб терговни бошла-сак, масала бирмунча ойдинлашармиди?

Терговчининг гапи «етти ўлчаб, бир кес» қабилида иш тутишга одагланган Зафар Каримовичга малол келди.

— Таваккал қилишни афзал кўряпсиз, Фармон Зайниевич, — деди у. — Ҳолбуки, таваккалчилик билан иш битмайди. Айбланишга етарли асослар, далиллар бўлмасдан туриб, ҳибсга оламизми? Бизнинг ишимизда таваккалчилик, шошқалоқлик кетмайди.

— Фикрингизга қарши эмасман, ўртоқ майор, — деди полковник.

— Хўш, Чўтирни ҳибсга олишга етарли асослар бор-ку! Ўзлаштирилган пул масаласи, қотиллик, сохта паспортлар... Фақат қуруқ кузатиш билан иш битмайди, ахир. Тергов жараёнида эса кўп нарса аён бўлиши мумкин.

— Биз унга қўймоқчи бўлган айблардан тонса-чи?

— Унда нимани афзал кўрасиз, ўртоқ майор! — деди қатъий овозда полковник. — Мўлжалимча, сиз қидирувни яна давом эттириш ниятидасиз. Янглишмадимми?

— Кўнглимдагини топдингиз, — деди майор деди. — Менимча, қидирувни ҳозирча давом эттиравганимиз маъқул. Бунга ҳозир ишонч ҳосил қиласиз. Очил Мардонович, кеча кечаси юз берган воқеа тафсилоти билан таништиринг.

Очил Мирзаев томоқ қириб йўталиб олгач, Чўтир билан суратчининг учрашганини, суратчи телефонда алақим билан гаплашганини дона-дона қилиб айтиб берди.

— Кимга телефон қилганини аниқладингизми? — деди полковник.

— Когон шахридаги чойхонага. Чойхоначи ҳеч иккиланмай, шундай гувоҳлик берди, — деди у ва ёнидаги папкани очди. Ундан бир хатни олиб, ўқишга тушди. «...Кимдир қўнғироқ қилиб, Омонов деган киши чой ичиб ўтирибди, уни бир минутга телефонга чақириб юборинг, дея илтимос қилди. Мен, Омонов ким, телефонда сўрашяпти, дедим. Бир гавадали, мўйловли киши мен, деб тез-тез юриб келиб, телефонда сўзлашди. Кейин чойхонадан чиқиб кетди...»

Капитан хатни ўқиб бўлгач, яна шундай қўшимча қилди:

— Когон шахрида эса тўртта Омонов яшар экан. Суриштирдик, кеча улардан бирортаси ҳам чойхонада бўлмабди.

— Мана бу янгилик! — деди полковник мамнун бўлиб. — Давом этинг, ўртоқ капитан.

Суратчининг қандай шахслиги аниқланди. Чимкент шахридан экан, исм-фамилияси — Содиқбек Самиев. Навбаҳор кўчасида яшаган. Икки марта ахлоқ тузатиш меҳнат муассасида бўлган. Биринчи марта ўн тўрт йил бурун уч ярим йилга, иккинчи марта бундан беш йил олдин уч йил муддатта қамалган экан. Икки марта ҳам ўғирлик билан қўлга тушган.

— «Мукофот эгасини кутади». Қандай мукофот! Эгаси ким? — деди полковник ўйчан.

— Мукофот ЦУМ кассасидан ўмарилган пулдир, балки...

— Бу фикрингизда жон бор. — Майорнинг сўзини қувватлади полковник ва ўз билганича таъбирлашга тушди. — Мукофот! Демак, у — кўзланган нарса. Эгаси Азроил, яъни Гладиатор бўлса ажаб эмас. Қулоқ алоқачини кутяпти. Алоқачи қандай келади? Қулоқ билан қай йўсинда учрашади? Ё Чўтир билан учрашадими? У чиндан ҳам маккорга ўхшайди.

Оператив кенгаш бирдан мунозара тусини олди.

— Жиноятчилар ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш тутяпти, — деди ўйчанлик билан терговчи. — Бизни чалғитишлари мумкин...

— Жиноятчиларнинг муҳим бир ишни амалга ошириш ниятидалиги билиниб турибди-ку? — Ўз фикри-



ни айтди Очил Мирзаев ҳам. — Қулоқ ниманидир қўлга киритган. Энди уни шерикларига оширмоқчи. Мукофотнинг қандай нарсалиги эса ҳозирча бизга номаълум. Энг аввало ана шуларни аниқлашимиз зарур. Мукофот мабодо биз тахмин қилган пул бўлмай, бошқа бир нарса бўлса-чи?

— Бу тахминни ҳам тўғри, деб фараз қилайлик, — деди терговчи. — Унда мукофот нима, ахир?

— Ҳм... Яна жумбоқ, — деди дераза олдида туриб, бурқситиб сигарета тутатаётган Файзи Сайфиевич хаёлга толганча. — Тахминлар кўп, масала эса тобора мураккаблашиб боряпти. Бироқ ҳеч натижа чиқмаяпти. Қулоқ билан Чўтирни кузатиб, алоқачи билан учрашишини кутиш зарурга ўхшаб қолди. Майли, суратчини ҳозирча ўз ҳолига қўйиб турайлик. Ўртоқлар, биз шундай иш тутишимиз керакки, мукофот ҳам, унинг эгаси ҳам манзилга етай-етай деганда тузоққа илинсин. Қулоқни, Чўтирни ҳушёрлик билан кузатиш давом эттирилсин! Калаванинг учи топилди. Энди ҳамма гап уни ечишда қолди.

— Ҳа, калаванинг учи топилди, ўртоқ полковник! — ишонч билан унинг сўзини қувватлади Зафар Каримович. — Чигални, албатта, ечамиз...

\* \* \*

Чоршанба. Кун ғира-шира ёришаётган пайт. Кўплар ҳали осуда уйкуда. Автобуслар қатнови бошланмаган. Тонгги сукунатни аҳён-аҳёнда паровозларнинг чинқириғи, шаҳарнинг чекка бурчакларидан итларнинг ўқтин-ўқтин акиллашигина бузиб турарди. Темир йўл станциясининг жануб томонидаги уйларнинг биридан Пакана чиқди. Эғнида кулранг свитер. У темир йўл изларидан тез-тез ўтиб вокзал томон шошилди. Темир йўл вокзали тарафда жойлашган ёр заводи, рўпарасидаги кичкина боғчага етгач, тўхтаб, бўш скамейкалардан бирига ўтирди ва атрофни зимдан кузата бошлади. Осойишталик, майин эсаётган шамолгина дарахтларнинг япроқларини шитирлатарди. У атрофни яна бир бор кузатди-да, боғдан тезгина чиқиб кетди. Вокзалга етгач, кутиш залига кирди. Скамейкаларда йўловчилар сийрак, беш-олти киши мудраб ўтирарди. Пакана дераза олдидаги скамейкада похол шляпасини

пешонасига тушириб, мизғиётган қотма кишига кўзи тушиши билан секингина орқасига тисарилди. Остки лабини қимтиганича шитоб билан бурилиб, зал бурчагидаги телефон будкасига кирди, автоматга икки тийинлик чақани ташлади-да, бурнини тортганча, шошапиша рақам терди.

— Ким керак? — Трубкадан аёл кишининг майин овози эшитилди. Пакана Саъванинг овозини таниди.

— Мен кифтман. Трубкини акамга бер, гап бор! — деди.

— Нима гап? — Дўриллаган дағал товуш эшитилди. — Қулогим сенда, Қовурга!

— Шеф, Шайтон сафардан қайтди. Буюртмани олиб келди.

— Яхши, бошқа гапинг йўқми?

— Бор-да, шеф, бор!

— Айтақол тезроқ!

— Каламуш шу ерда, вокзалда мудраб ўтирибди.

Поезд келишини кутяпти шекилли.

— Сени пайқамадими?

— Йўқ, мудраяпти, дедим-ку!

— Кут! Етиб боргунимча уни қочирворма!

Орадан ўн-ўн беш минут ўтар-ўтмас вокзалда қўлда сумкачаси билан Саъва кўринди. Пакана унга пешвоз чиқди.

— Қани у? — деб сўради Саъва.

Пакана имо-ишора билан кутиш залининг қайси скамейкасида Каламуш ўтирганини айтиб, деразадан кўрсатди.

— Гладиатор сени кутяпти! — деди Саъва ва мас-тона юриш билан кутиш залига кириб, Каламушнинг ёнига ўтирди. Уйқусизлик, чарчоқдан мудраб ўтирган Каламуш ҳушёр тортди. Ёнида оқ-сарикдан келган жувонни кўргач, ёқасини тартибга келтирди, шляпасини кўтариброқ қўйди.

— Айтинг-чи, Ашхобод томонга қачон поезд кетар экан, — деб сўради русчалаб нозли овозда Саъва. — Тонгда поезд бўлади, деб эшитгандим, шошиб таксида келдим.

Каламуш соатига қараб олгач:

— Жўнашига ҳали эрта, — деди. — Соат саккиз яримда бўлади. Яна камида уч ярим соат кутасиз.

— Вой-бўй. Шунча вақтли келибманми? Э, айтганча, бу шаҳарда бир дугонам яшайди. Физиллаганча уникига бирров кириб чиқсам, поезддан кечикиб қолмасмиканман-а? Боши осмонга етарди...

— Ўзингиз қаерликсиз? — деб сўради Каламуш. «Бунча диркиллама, дилкашгина экан, — деб ўйлади Каламуш. — Лаққа тушадиганлар тоифасидан чоғи...»

— Газли шаҳриданман. Туғишганларим Ашхободда яшашади. Сиз ҳам ўша поездни кутяпсизми?

— Ҳа. Истасангиз дугонангизникига бирга бориб келамиз, — деб секин илмоқ ташлади Каламуш. — Мен ҳам ўтираёриб зерикиб кетдим. Узоқда турадимиз дугонангиз.

— Унчаликмас, уйи шу атрофда. Истироҳат боғининг нариги томонида.

Саъва шубҳа туғдирмаслик учун бир лаҳза ўйга толган бўлди, кейин:

— Майли, юринг, бориб келамиз, — деди.

Ташқарига чиқишгач, Саъва олдинда кўриниб турган истироҳат боғига ишора қилди.

— Боғ оралаб ўтақолайлик, яқин...

Каламуш Саъванинг ноз-истирносига, ишвали сўзларига тамоман асир бўлиб қолган эди.

Боғнинг дарахтлари қалин жойига етишганда, кўкқисдан уларнинг рўпарасида Гладиатор пайдо бўлди. Каламуш унинг дарахт панасидан қандай отилиб чиққанини, шарақлаб очилган пичоқнинг кекирдагига тиралганини сезмай қолди. Саъва эса бир зумда ғойиб бўлди. Каламуш ҳатто қимирлашга ҳам улгурмади.

— Қандай ажойиб учрашув-а? Кутмаганмидилар? Кўнгил ёзишни тусаб қолибдилар-да! — деди Гладиатор. — Йўл бўлсин?

— Лаънати!.. Сен маккордан беркиниб, қутулиб бўлмаслигини билардим, — деди Каламуш ғўлдираб. — Сен ифлосга эргашиб, беҳуда ўтган умримга ачинаман. Нега қараб турибсан, палид! Ўлдир, сен ютдинг!..

— Қочиб кутуламан, деб ўйлаганмидинг, туллак?! — деди кескин оҳангда Гладиатор. — Хўш, бефаҳм Каламуш, қандай жазога лойиқ деб биладилар ўзларини? Биқинларидан дарча очилишини хоҳлайдиларми ёки... Ажаб, бирдан тил тишлаб, ювош тор-

тиб қолдилар-ку?! Қани, Пакана, қурол-пуролини ол бу аҳмоқнинг!

Каламушнинг орқа томонига шарпасиз билинтирмай ўтиб олиб, ҳамлага шайланиб турган Пакана бир зумда Каламушнинг чўнтақларини шишшидам қилди. Пичоқ, хужжатлари, паспорти қатидан бир даста ўн сўмлик пул чиқди. Чорасиз, танг аҳволда қолган Каламуш миқ этмади. Кўзларининг пахтаси чиққудек бақрайганча Гладиаторга нафратли тикилиб тураверди.

— Ақчанинг қолгани қани? Қопчиқ қаерда? Агар яхшиликча қайтарсанг, жазосиз қоласан, тўрт томонинг қибла! Унамасанг, унда ўзингдан кўр!

— Ма-малах жой-жойига қайтган, — деди у хирилдоқ овозда дудуқланиб. — Мард бўлсанг гапиришга имкон бер! Пичоқни ол томоғимдан!

— Пичоқ халал бермайди, қайтага сайратади! — Баттар жазаваси кўзиди Гладиаторнинг. — Сайра!..

— Биз ўша ногирон, сўқирлардан ҳам баттармидик, шеф? Охирги пайтлар бутунлай тубанлашиб кетдинг! — Сал дадилланди у. — Ўша корхона кассасини талаш шартмиди? Кўзи ожизлар ишлайдиган жойку, у ер. Биз бўлсак пасткашлик қилдик, уялмайнетмай ўша сўқирларнинг ҳақиға чанг солдик. Бу кунимиздан ўлганимиз тузук эмасмиди? Шунинг учун... Мен ўмарилган пулларни яна корхона ҳисобига қайтардим.

— Ёлғон! — деб Гладиатор пичоқ учи билан Каламуш иягини юқори кўтариб, кўзларига ўқрайиб қаради. — Ростини гапир!

— Ишонмасанг, суриштириб бил! Сенга бор гапни айтдим. Энди қўлингдан келганини қил!

— Вой, калаварам, раҳмдил суллоҳ-эй! — деб ўшқирди кўзлари ғазабдан ёниб Гладиатор. — Қачондан бери сен Каламуш кўнгилчан бўлиб, эзгулик йўлига ўтиб қолдинг-а?

— Мен виждоним буюрганини қилдим, — деди Каламуш Гладиаторнинг аччиғини кўзгаб.

— Ҳо, ўша виждон-пиждонинг билан!.. — Гладиатор шундай дея унинг кекирдагидан пичоқни олиб, кўкрағига мушт урди. Каламуш чалқанча йиқилди. Гла-

диатор Паканага буюрди: — Оёғидан судра бу ёққа!..  
Оғзига...

Ўша куни эрталаб кимдир Когон шаҳридаги истироҳат боғида шахси номаълум бир киши маст ҳолда ариқчадан сув ичаётиб, аванаб тушиб, ўзини ўнглаёлмай ўлиб қолганлиги ҳақида ички ишлар бўлимига хабар қилди.

\* \* \*

Гладиатор ниятини қай тарзда амалга ошироқчи? Бу — оператив группа ходимларига қоронғи эди. Зафар Каримовичнинг олдида Гладиаторнинг асл ниятини тезроқ билиб олиш ва вазиятга қараб иш тутиш муаммоси кўндаланг турарди. Шу сабабдан у Чўтирни ҳибсга олишни айна мақсадга мувофиқ деб топди ва фавқулодда оператив кенгаш чақирди. Унда полковник Файзи Сайфуллаев ҳам иштирок этди. Майор сўнгги кунларда Гладиатор тўдаси кўпдан мўлжаллаб юрган катта бир операцияни амалга ошириш ҳаракатида эканлигини билдирди.

— Барзангининг хабаридан сўнг, Боцманга кўзқулоқ бўлиб туришликни самарқандлик ҳамкасбларимизга топширган эдик, — деди майор. — Аммо Боцман уларни чалғитибди. Аниқ маълумот олинди: буюртма алақачон Гладиатор қўлига теккан.

— Боцман ўзини кузатишаётганини сезибдими? — деб сўради полковник. — Унда ишлар пачава-ку! Мабодо у Гладиаторни огоҳлантирган бўлса-чи?

— Бугун сўраб билдим. Боцман назорат қилинаётганини сезгани йўқ, дейишди. Кейин, Когон шаҳридаги бугунги қотиллик...

— Нима, қотиллик рўй берган демоқчимисиз?! — Бирдан диққати ошиб сўради полковник. — Суд-медицина экспертизаси бошқача хулоса чиқарибди-ку?!

— Афсуски, янглишибди, — деди ишонч билан майор. — Чори Когон шаҳрида ҳеч хавотирсиз юрган Паканани кузатяпти. У Гладиатор рақибини калтаклаш билан кифояланар, деб ўйлаган. Афсуски, Чори бизга сал кечикиб хабар етказди: ўлдирилган киши эса мен сизга айтиб берган Жўра писмиқ, лақаби — Каламуш... Гладиатор тўдасидан.

— Гладиатор билан Шайтоннинг турар жойи аниқландими?

— Ҳозирча билолганимиз йўқ, — жавоб қилди майор. — Лекин уларнинг алоҳида-алоҳида ерда ижарада туриши, бир-бири билан фақатгина телефон орқали алоқа қилаётганини билдик.

— Саъва — Светлананинг яшаш жойини-чи?

— Когон шаҳрида Светлана исми беш аёл, икки қиз яшайди. Ҳаммасининг номаи аъмолини пухта ўрганиб чиқдик. Мазкур шахсларнинг паспорт бўлимидаги суратларидан нусха олиб, Барзангига кўрсатдик. Суратлардаги аёлларнинг бирортаси ҳам Саъвага ўхшамайди, деди.

— Гладиатор тўдаси эса кўзлаган мақсадини тезроқ амалга оширишга шошилаётганга ўхшайди, — деди полковник.

— Сезяпмиз, — деди ҳозиржавоблик билан майор ва маслаҳат солди. — Чўтирни ҳибсга олсак, менимча, жумбоқни ечиш бирмунча енгил кўчармиди?

Бу таклифни эшитган полковник бир лаҳза ўйла-ниб қолди, сўнг:

— Таклифингиз жуда қалтис, — деди полковник ва ўз фикрини билдирди. — Шериклари билиб қолишса, ҳозиргача қилган барча ҳаракатларимиз чиппакка чиқди, деяверинг.

— Бошқа чорамиз йўқ, ўртоқ полковник, — деди майор. — Уларнинг режасини олдиндан билишимиз зарур. Шундай бир йўл тутиш керакки, Қулоқ оғайнисини қўлга олинганидан тамоман хабарсиз қолсин.

— Менда бир таклиф бор, — деди капитан Очил Мирзаев. — Ботга ўз кишимизни юборамиз. У арғимчоқ уча туриб атай йиқилади. Ўзини оғир жароҳатланган қилиб кўрсатади. Тез ёрдам чақиртирилади. Чўтирга ўз ишига совуққон, эътиборсиз қараган, деган айб қўйилади...

— Бу усулда суратчи Қулоқни ошкора кўрқитиб юборган бўламиз, — деди майор. — Уни баҳона билан тўрга илинтиришмадимикан, Чўтир сирни фош қилиб қўймасмикан, деган ўйда саросимага тушиб қолади.

— Бошқачароқ, шубҳа уйғотмайдиган бир тадбир ўйлаб топиш керак.

Полковник сигарета тутатиб, бир зум ўйга толди. Сўнг ўрнидан қўзғалиб, хонанинг у бошидан бу бошига бориб кела бошлади.

— Шариф Чўтир қўлга олиниси билан Тошкентга телефон қилиб, унинг номидан ишхонасига телеграмма уюштира-чи? — деди бошлиқ вазмин оҳангда. — Телеграммада яқин бир дўстининг тўсатдан қаттиқ касал бўлиб қолганини ёки аварияга учраганини билдириб, ўз ҳисобидан бирор ҳафталик таътил берилишини сўрайди.

— Бу усул маъқулроқ экан, — деди Зафар Каримович. — Уни қачон қўлга олайлик?

— Шу бугуноқ!..

\* \* \*

Шариф чўтирни биринчи куни терговчи Фармон Зайниев сўроқ қилди. Чўтир миқ этмади. Иккинчи куни турли хил важларни рўқач қилиб, найрангбозлик йўлига ўтди. Майор ишни тезлатиш ниятида Чўтирни ўзи сўроқ қилмоқчи бўлди.

Қонталаш кўзлари ўйноқлаб турган Чўтир Зафар Каримовичнинг кабинетига келтирилди. Унинг авзойи бузилган, қорамағиз юзи ниҳоятда тунд эди. У қамоққа олиниси сабабини аллақачон фаҳмлаган, лекин иқроп бўлгиси келмасди, полга тикилганича жим ўтираверди.

Майор Чўтирга юзланиб, бирдан кескин овозда:

— Гражданин Шариф Ғозиев! Марҳамат қилиб, жазманингиз Мария Михайловнанинг ўлими ҳақида гапириб берсангиз? — деди ва айбдорга ўқрайиб тикилди. — Огоҳлантириб қўяй, беҳуда қайсарликни бас қилинг!

Чўтир ўрнидан сапчиб турди. Кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Лекин тезда ҳушёр тортиб, курсига қайтиб ўтирдию талмовсирашга тушди.

— Нималар деяпсиз, ўртоқ начайлик? Кеча ҳам, ўтган куни ҳам мендан нуқул шуни сўрашди. Қулоқни танийсизми, дейишди. Ҳеч нарсага тушунмаялман. Ме... менинг бу ишлардан хабарим йўқ! — деди у дудуқла-ниб.

— Ҳаммасидан хабарингиз бор! — деди Зафар Каримович. — Қани, гапиринг!

— М-Мен ҳеч нарсага тушунолмаёпман, начайлик. Сиз айтган аёлнинг ўлимига тасодиф сабаб бўлган деб эшитдим, холос. — Хирқироқ овозда титраб-қақшаб жавоб қилди Чўтир. — Исбот қани, гувоҳлар қани?

— Гапни кўп чалғитманг, фойдаси йўқ. Унинг қотили — сиз! — дея сўзни нишонга урди майор. — «Дўстлик» меҳмонхонасида тунаганингизни инкор эт-массиз?

Чўтир ялт этиб Зафар Каримовичга қаради, лабларини асабий қимтиб, ютинди-да, индамай, бошини қуйи солди.

— Нима, иқроп бўлишни истамаяпсизми? Унда эшитинг. Марҳуманинг ўлиmidан бир кун олдин Жамиллов Бақо фамилиясида Тошкентдан Бухорога учиб келгансиз. Йигирма еттинчи рейс билан. Сўнг Мариянинг ишдан қайтишини кутиб, йўлини пойлагансиз. Уни йўлда учратиб, ресторанга олиб киргансиз. Ресторанда бўлганингиз ҳақида официант гувоҳлик берди. Иккингиизни ҳам суратингиздан таниди... Биргаликда овқатланиб, унга роса коньяк ичиргансиз. Марияни чалғитиб, усталик билан қадаҳига уйқу дорисидан солгансиз. Сўнг ярим тунда уникига боргансизлар. Кўзлаган мудҳиш мақсадингиизни амалга оширгач, эрталаб самолётда биринчи рейс билан Тоиров фамилиясида яна Тошкентга қайтгансиз. Қисқаси, қотилликни олдиндан пухта ўйлаб амалга оширгансиз.

Чўтир танг аҳволда қолганини, энди бу аҳволдан қутулишнинг сира иложи йўқлигини тушунган эди. Лекин, барибир, сир бой бермади. Ёлғон-яшиқ, уйдирма гапларни тўқиб, ўзини минг мақомга сола бошлади.

— Гапимга ишонинг, фирт тухмат бу, бўҳтон...

— Энди бўйин товлашингиизнинг фойдаси йўқ! — Унинг гапини бўлди майор. — Қотиллик сабаблари бизга аён! Мана бу икки билетда, — дея у стол тортмасидан билетларни олиб кўрсатди, — ўз дастхатингиз бор. Учиш олдидан билетнинг йиртиб олинадиган қисми орқасига — кимлигини, сохта паспорт номерини ўз дастхатингиз билан ёзиб қолдиргансиз. Бу далилларни инкор этмассиз?

— Минг лаънат!.. Иш расво! Шунчалик бўларини билганимда у билан дон олишармидим, — деди Ша-



риф чўтир ниҳоят тутақиб. — Ишонинг, қотил эмасман. Эҳ, бунчалик шўрпешана бўлмасам!.. — У узукюлуқ гапириб, инграганча, бошини столга ура бошлади.

— Ўзингизни босинг! — деди майор устма-уст савол бериб. — Пул қани? Қалбаки паспортларни қаердан олгансиз? Сохта Мария Михайловна билан қандай танишгансиз? У аслида ким? Гладиатор билан, Содиқбек билан қандай алоқангиз бор?

Шариф чўтир майорга ваҳима билан бақрайганча қараб қолди. Башараси худди мурданикидек оқариб кетди. Унинг гапиришга, ҳатто оғиз очишга ҳам мажолли йўқ эди. Буларни қандай қилиб билиб олишган экан?..

Дастлабки сўроқ жараёнида унинг Қулоқ билан мутлақо алоқаси йўқлиги, иккаласи шунчаки дўст эканлиги аниқланиб, бунга ишонч ҳосил қилинди. Чўтирнинг ишга келмаётганидан Қулоқ заррача шубҳага бормади. Қулоқнинг юриш-туришидан, кайфиятидан унинг хавфсираётгани сезилмади. Сўроқ даврида яна бир нарса — сохта Мария Михайловна қидирувдаги шахс бўлиб чиқди. У асли саратовлик бўлиб, исм-шарифи Чуприна Клавдия Мироновна экан. Эрининг ўлимида айбланиб, беш йилдан бери яшириниб юрган экан. Чўтир унга сохта паспорт тўзғилаб берибди. Бошқа шаҳарга узоқ муддатга командировкага кетаётган бир аёл билан келишиб, унинг бир хоналик квартирасига Чупринани вақтинча прописка қилдирибди. У паспортларни топиб олганман, деб важ кўрсатди. Ўзлаштирилган пул тақсимотида иккаласи келишолмабди. Чўтир пулни ўғирлатдим, дебди. Клавдия, ёлгон, тенг ярмини берасан, деб туриб олибди. Бунинг устига квартирадан жазманининг қимматбаҳо безаклари йўқолиб қолибди. Иккиси келишолмагач, Клавдия, бошқа паспорт топдим, энди бу шаҳарда ортиқча қололмайман, агар ўзлаштирилган пулнинг тенг ярмини бермасанг, устингдан милицияга хабар бериб, ўзим қочиб қоламан, деб кўрқитибди. Оқибатда, не бўлгани — Чўтир жазманининг шартига розилик билдириш баҳонасида у билан учрашиб, олдиндан пухта ўйлаб қўйган режаси — қабиҳ ниятини амалга оширгани аён эди.

Саъва ёғ заводининг қуйи томонидаги кўчада, бурчакдаги усти шиферли уйда яшарди. Уйнинг ўнг томонидан асфальт йўл ўтган, келди-кетдига айна қулай жой эди. Уйнинг пастқам деворини йўл томондан баланд бўйли қалин дарахтлар тўсиб турарди. Уй бурчакда бўлгани учун қўшнилар безовта қилинмасди. Ҳовлининг ўнг томонидан кичик дарча-эшик қўйилган, ундан кириб чиқилганда ҳовлига биров келиб-кетгани сезилмасди. Чунки эшиқдан тўғри йўлакка чиқилар, йўлакнинг девор томонини одам бўйи бутазор пана қилиб турарди. Уй Саъвага бундан ўн уч йил бурун вафот этган бувисидан мерос қолган эди. Саъванинг ҳақиқий исми Соня эди.

Уйда Гладиатор чой ичиб ўтирарди. Магнитофон қўйилган, жарангдор куй янграмоқда. У магнитофон овозини пастлатди. Чой хўплаётди, хаёлга чўмди. Одат шунақа. Ҳар гал янги режасини амалга ошириш олдидан уни обдан ўйлаб олади. Кўзлаган мақсадининг тўла амалга оширилишига ишонч ҳосил қилгач, кейин ишга киришади.

Пакана бу уйда Гладиатор чақирган пайтдагина пайдо бўларди. Бугун у ўткинчи енгил машинада келдию сал нарироқда тушиб қолди. Қолган масафани атрофга аланглаб қараганча, имиллаб босиб ўтди. Пакана ён томондаги эшикни очиб кирди. Унда эшикнинг калити бор эди. Пакана ичкарига кириб:

— Ишлар жойида, шеф, — деди. Машина худди айтганингиздек қилиб тайёрланди.

— Бўлмаса эшит! — деди Гладиатор. — Саъва, катта миқдорда мол келибди, деб хабар қилди. Фаррош танишидан билибди. Тушдан кейин сотишаркан. Кўзлаб юрган ишни шу бугуноқ амалга оширишимиз керак. Соат бирларда йўлга тушамиз. Билиб қўй, ўлжа жуда катта. Қўлга киритсак, бир умр ётиб ейишга етади...

Гладиатор ўз режасини унга тушунтириб, қандай ҳаракат қилиш кераклигини уқтирди. Қачон, қандай ҳаракат қилишини стол устида турган китоб муқовасига чизиб кўрсатди.

— Тушунарли, шеф! Ҳамма иш худди айтганингиздек бўлади.

— Мен, Шайтон, Барзанги — учовимиз борамиз. Ҳозирча бир нарса деб ўтирма... Қандай режани амалга оширишимизни уларга йўлда ўзим айтаман. Шай туришсин! Барзанги эса шаҳардан чиқаверишдаги кўприк устида кутсин. Айтганча, унинг яшаш жойи хатарсизми?

— Ҳа, шеф! У тахта кўприқдан нарироқда бир пиёниста чолниқида туради.

— Жуда соз. Шайтонга айтиб қўй, уни кучанинг муюлишида кутаман.

\* \* \*

Майор ўз хонасида сигарет тутатган кўйи кейинги кунлардаги қидирув натижаларини хаёлида қайта-қайта таҳлил этаётган пайти телефон жириглаб қолди.

— Эшитаман!

— Навбатчиман, — трубкадан жарангдор овоз эшитилди. — Барзанги телефон қилди. Шовқинли товуш, машиналар овози... Сўзларини тузукроқ англаб бўлмади: «Пешин... очилиши билан... чаққонлик» каби узуқ-юлуқ гаплар. Чамамда, аллақандай операция тўғрисида гапирди.

— Демак, Когон шаҳрида!.. — Майор дарҳол трубкани ўрнига қўйди-да, стол тортмаси юқорисига ўрнатилган тутмачани босди. Хиёл ўтмай, эшиқда котиба киз кўринди.

— Очил Мирзаевни чақиринг!

Капитан хона эшигида кўринганда, майор ўрнидан кўзгалган эди.

— Ҳозиргина хабар қилишди, — деди у шошиб. — Гладиатор операцияни бошламоқчи. Ҳар эҳтимолга қарши лейтенант Сатторовга ёрдамчи куч юборинг! Унга тайинланг, ҳушёр туришсин! Зудлик билан оператив группани йиғинг! Мен полковник ҳузурида бўлман.

Зафар Каримов полковник Файзи Сайфуллаевни бошқарма ошхонасидан топди. Қулоғига шивирлаб, воқеани айтгач, полковник олдидаги косани нари сурди.

— Қани, кўрайлик-чи? — деди полковник лабларини артаётиб. — Лекин Чорининг телефонда айтган сўзларидан бирор нарсани англаб олиш қийин экан, майор.

— Балки, аниқроқ маълумот беришнинг иложи бўлмаётгандир. Уни жиноятчилар ўз ёнларидан жи-диришмаётгандир?

— Эҳтимол...

Иккаласи тез-тез юриб, навбатчи хонасига кирди. Полковник алоқа пультаининг ёнига ўтириб, навбатчи-га буюрди.

— Когонни уланг!

— Уланди, марҳамат, ўртоқ полковник!

— Алло, сизми?.. Танидингизми?.. Эшитинг. Шаҳ-рингизда энг хавфли ўғрилар тўдаси юришибди. Улар яна бир катта жиноятни бошламоқчи! Банк, магазин-лар, инкассаторлар барчаси огоҳлантирилсин! Опера-тив группа тайёр турсин! Ёрдамчи куч тезда етиб бо-ради. Зудлик билан ишга киришинг!

— Энди мени Бухоро шаҳар милицияси билан боғ-ланг!

— Тайёр!

— Алло, подполковник, бу менман...

— Эшитаман, ўртоқ полковник! — деган овоз эши-тилди трубкадан.

— Ходимларни огоҳлантириб қўйинг! Ўзингиз алоқа пульти олдидан узоқ кетманг! ДАН ходимлари доимий алоқада бўлишсин!..

— Есть, ўртоқ полковник!..

Очил Мирзаев рухсат сўраб кирди.

— Оператив группа тайёрми? — деди Файзи Сай-фуллаевич.

— Тайёр, ўртоқ полковник!

Полковник майорга юзланди:

— Омад сизга ёр бўлсин, майор!..

\* \* \*

Зафар Каримович бошлиқ оператив қидирув груп-паси тушган машина Когон томонга кафтдек текис асфальт йўлдан физиллаб кетаётган бир пайтда Глади-атор тушган машина «Когон» совхози оралаб ўтиб, ҳазрати Баҳовуддин мақбараси тарафдаги иккинчи йўлдан Бухорога қараб елдек учиб борарди.

Тушлик пайти охирлаб, магазинлар бирин-кетин очила бошлаган эди. Милиция навбатчиси ҳали кўп

магазинларни талончилик хавфи борлигидан огоҳ қилиб улгурмаган эди.

Микрорайондаги заргарлик буюмлари магазини олдида ўн-ўн беш чоғли харидор магазин очилишини анчадан бери сабрсизлик билан кутиб туришарди. Ниҳоят, магазин очилиб харидорлар ичкарига ёпирилиб киришди. Расталарда ҳар хил жавоҳирот, олмос кўзли олтин сирғалар, узуклар...

Энди савдо бошланган аснода магазин рўпарасига сариқ «Жигули» келиб тўхтади. Ундан граждан кийимидаги уч киши тушди. Учови баравар юриб, тўғри магазин томон йўналишди. Сотувчи қиз уларни кўриши биланоқ сергаklandи. Тўрдаги иккинчи хона эшиги ним очиқ эди. У ерда мудир катта темир сандиқдаги қимматбаҳо заргарлик буюмларини қайта жойлаштириб, тартибга келтираётганди. Янги келганлардан бири хуш мўйловлиси харидорлар орасига суқилиб, сотувчи қизга:

— Биз вилоят халқ контроли комитетиданмиз. Мудир қани? — деди у хотиржам ва фармойишли оҳангда.

— Ичкарида! — деди сотувчи қиз чўчиган овозда. — Чақирайми?

— Ҳа, айтинг, тез чиқсин!

Тўрдаги хонадан ёши қирқлардан ошган, сепкилдор, миқти аёл чиқди.

— Ассалом, — деди у басавлат, мўйловли кишига қараганча, қўлини кўксига қўйиб. — Хизмат, акамулло?

— Биз... ташвишли маълумот юзасидан келдик. Магазинга келган молларнинг бир қисми бекитилиб, қолгани савдога чиқарилар экан. Шунини аниқламоқчимиз. Дарҳол савдони тўхтатиб, магазинни бекитинг!

— Хўп, акамулло! — деди капалаги учган мудир тили тутилинқираб, сўнг тизилишиб навбатда турган харидорларга мурожаат қилди...

— Илтимос, магазинни бўшатинглар. Кўриб турибсизлар, текшириш, савдо йўқ.

Харидорлар норози оҳангда тўнғиллашиб, биринкетин чиқа бошлашди. Харидорлардан бири:

— Ажаб бўлди! — деди. — Буларнинг додини шулар беради. Бошлаб таъзирини беришсин... Кейин мин-

баъд ноёб молларни чайқовчи таниш-билишларига оширмайдиган бўлишади.

Мудира эшикни ёпиб, илгагини идди. Мўйловли киши от юзли шериги билан мудир изидан тўрдаги хонага кирди. Ичкаридаги столда чўт қоқиб ўтирган ўттиз ёшлардаги кўзойнакли жиккак киши ўрнидан туриб, нотаниш меҳмонлар билан қўл бериб сўрашди. Сўрашдию кўққисдан бўйнига тушган зарбадан шилқ этиб йиқилди. Иккинчи бири тўппонча ўқталиб, икки аёлни бурчакка қисди. Улар кутилмаган бу даҳшатдан ваҳимага тушиб, қалтираб қолишди.

Мўйловли киши шоша-пиша ним очиқ темир сандиққа ёпишди. Қўлтиғидан халта чиқариб, сандиқдаги қимматбаҳо молларни апил-тапил олиб, халтага сола бошлади. Эшиқда кўриқчи турган ғўлабир киши ҳам пештахта устидан бир сакрашдаёқ ошиб ўтиб, шериклари турган хонага кирди.

— Тезроқ тинчитинглар! — деди мўйловлиси икки ҳамроҳига. — Шошилиш керак!

От юзли киши тўппончани ғўлабир шеригига оширди ва эпчиллик билан чўнтагидан йилтироқ темир қутича чиқарди. Унинг ичида юқори дозали наркоз тўлатилган пластмасса шприц-тюбиклар турарди. Улардан бирини олиб, нинаси учини тезда очди-да, лаблари қалтираб, ранги бўз бўлиб турган мудир аёлнинг қўлини маҳкам ушлаб, билагига суқди. Сўнг кўрқувдан кесақдек қотиб турган сотувчи қизга укол қилди. Орадан бир неча сония ўтар-ўтмас, иккиси ҳам кўзларини юмганча ўтириб қолди ва ҳушдан кетди.

— Телефон симини узинглар! — деди мўйловлиси ва ташқарига чиқишга шошилди. Орқада қолгани эса негадир телефон симини узмай, тез-тез рақам терди-да, паст товушда:

— Мен... Бухородаги заргарлик магзини, тезда келинглар! — деб шитоб билан кўчага отилди.

Улар магазиндан чиқиб машинага ўтиришганда, шаҳар тарафдан сирена овози эшитилди. Гладиатор бирдан сергакланди.

— Тезроқ ҳайда! Эски шаҳарга қараб... Куролни шайла, Барзанги! — Чори чўнтагига қўл солаётиб, бир лаҳза ўйга толди. «Ҳали қочиб қолишсайди-я? Нега қувишмаяпти? Туяфаҳмлигим қурсин! Қанақа маши-

надалигимизни билдириш эсимдан чиқибди-ку! Ҳали бизни пайқашмаса-я?.. Ана холос! Энди нима қилсамикан-а? Ёки ўзим?.. Сабр қилишим керак...»

Гладиатор орқа чўнтагидан тўппончани юлқиб олиб, ортига ўтирилди. Олдиндаги биринчи чорраҳадан ўтилгач, Шайтон машинани ўнгга бурди. Шу пайт иккинчи йўлдан сирена чалганча улар келган томонга келаётган милиция машинасини кўрди-ю, ташвишли овозда:

— Шеф, атанда, иш чатоқ! Бир гап бўлди чоғи! — деди. — Изимизга тушишмасайди ҳали!

— Тфу, энасини!.. — деб сўқинди Гладиатор. — Сезяпман. Беркинишга улгурамиз... Чалвитиш керак! Жинкўчаларга кириб олсак бўлгани.

Шайтон машина кабинасидаги кўзгуга тез-тез қараб-қараб қўярди. Кўзгуда олди томони пешойнали иккита сариқ мотоцикл кўринди.

— Шеф, орқада дум! — деди Шайтон яна баттар ташвишланиб. — Изимизга тушишди!

Гладиатор кўзгуга бир қараб олгач, хитобли оҳангда қичқирди:

— Газни бос! Чапга бур! — У яна кўзгуга қаради. Орқада келаётган икки мотоцикл шаҳар ташқарисидаги Намозгоҳ масжиди харобаси ёнидаги чорраҳадан ништ заводига борувчи йўлга бурилди.

— Хабар топишганга ўхшайди, — деди Гладиатор, — Шаҳардан чиқувчи йўлларни ўраб олишяпти. Шайтон, келишганимиздек, белгиланган йўлдан чиқма!

Жиноятчилар тушган машина елдек учиб, қаландархона маҳалласига етгач, нон заводи тарафидаги кўчадан эски шаҳарга йўналди.

Ҳозиён маҳалласидаги эски қабристонга яқин қолганда Гладиатор бирдан:

— Тўхтат! — деб бақирди.

У шарт тескари ўтирилиб, орқа ўриндиқда сергак бўлиб ўтирган Барзангига юзланди.

— Тез тушиб қол! Маконда учрашамиз.

Чори итоат этиб, машинадан тушиб қолди.

Машина Гавкушон маҳалласини ортда қолдириб, Самарқанд кўчасига бурилди. Эски аптека базаси ёнидаги муюлишда Пакана «Ява» мотоциклини ўт олдириб, шай бўлиб кутиб турган эди. Машина сал секин-

лаб, унинг ёнига етганда бирдан ғиқ этиб тўхтади. Гладиатор машина эшиги деразасидан дарров халтани Паканага ошириб:

— Ҳушёр бўл, сезиб қолишди! — деб қичқирди.

Пакана зумда мотоциклини тор кўчага қараб бурди. У бир неча жинкўчалардан айланиб ўтиб, Чорминорага еткач, у ерда кутиб турган Саъвага халтани топширди-да, яна изига қайтди.

Шайтон машинани тор кўчадан буриб, пахта тозалаш заводи клубига яқинлашганда Гладиатор:

— Тўхтат! — деди. — Кийим қани?

Шайтон орқа ўриндиқ тагида қорозга ўроғли турган нарсани олиб унга берди, Гладиатор машинадан тушаётиб, Шайтонга буюрди:

— Холироқ кўчага киргач, машинани ёқиб юбор! Эртага сени ўзим топиб оламан.

Гладиатор клуб орқасидаги ҳожатхонага кириб, кийимини алмаштирди. Кулранг лавсан шим, калта енг кўйлак кийди. Ечган кийимини ҳожатхона тубига улоқтирди. Ёпиштирилган сохта мўйловини юлиб ташлади. Ташқарига чиққач, қора кўзойнагини тақиб, катта йўл томон илдамлаб кетди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, милиция ходимлари Чорбаққол маҳалласидаги эски ташландиқ сарой ичидан сариқ тусдаги «Жигули» машинаси ёниб ётганига дуч келишди.

\* \* \*

Эгнида гулли кўйлак, кўзига қора кўзойнак тақиб, елкасига «Зенит» фотоаппаратини осиб олган қиррабурун, малласоч Саъва ўзини бу шаҳарда биринчи бор келган сайёҳдай тутишга уринарди. У хиёбондан ўтиб, истироҳат боғига йўл оларкан, топшириқни бажариш учун учрашув жойига яқинлашаётганидан ҳаяжонланар, фикран алоқачи билан қай йўсинда гаплашиш режаларини тузарди. Учрашиш жойи, пароль аввалдан келишилган бўлса-да, барибир фавқулодда бирор тасодиф юз бериши эҳтимолдан холи эмаслигини хаёлидан ўтказиб борарди.

Эрталаб уйига Пакана келганида, Саъва ошхонада куймаланиб юрарди. Эшик ним очиқ эди. Гладиатор билан Пакананинг гапи унга аниқ эшитиларди:



— Алоқачи бўлиб ким боряпти, шеф? — деб сўради Пакана.

— Саъва, — деди Гладиатор. — У бунақа ишда жуда синашга. Унга Қулоқнинг суратини кўрсатиб ғойибона таништирдим.

— Ишни бемалол битказиб келишига ишонасизми?

— Ҳа... Кўнглинг тўқ бўлсин. Саъва бундай ишларни биринчи марта бажараётгани йўқ. У ҳозир бурунги лапашанг Саъва эмас. Ҳў ўша биз оширган ўғирлик нарсаларни бозорда пуллаётганида ушлангани эсинг-дами? Сўнг чайқовчилик айби билан ётиб чиқди. Ўшандан бери жуда ҳушёр бўлиб қолган. Мукофотни Қулоқнинг ўзи олиб келса ҳам бўларди. Ўзинг биласан, Қулоқ ЦУМдаги ишга аралашган. Рулда шу қовурга эди. Машинани ҳам ўзи топди. Шаҳар чеккасидаги бир ҳовлидан ўмарибди. Эгаси курортга кетган экан.. Шайтон биринчи муюлишдаёқ тушиб қолди. Чунки, битта-биттадан қуён бўлиб изни йўқотиш керак эди. Машинани жинкўчалардан бирида қолдириб, тезда автобусга чиқдик. Таъқиб бошлангандан кейин ўлжани Қулоққа қолдиришимга тўғри келди. Бир қисмини етказди... Қолганини сақлаб турибди. Айтиб бўлмайди, мабодо уни кузатаётган бўлишса, унда ҳолимиз хароб, деявер. Саъва боргани тузук. Энг қулай йўли шу...

— Лекин, шеф, айна шу шароитда бандайи заифа бундай нозик ишни эплаёлармикан? — дея Гладиаторнинг кўнглига юлу солди Пакана. — У шаҳарда орган ходимлари бизни қидириб юришганини эшитдик-ку?!

— Шароитнинг нотинчлигини сендан яхшироқ билиб турибман. Лекин бошқа иложимиз йўқ. Бу ерда кўп туриб қолиш хавфли. Тезроқ изни йўқотиш керак. Нима, Саъванинг малаҳни олиб қайтишига ишонмаяпсанми?

— Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма! Эҳтиёткорлик зарар қилмас.

— Гапинг ҳақ. Унда сен ҳам борасан. Лекин уни узоқдан кузат. Яқинига асло йўлай кўрма. Қўлга тушгудай бўлса, фирра изингга қайтасан, деганини ошхонада туриб аниқ эшитганди.

Шу топда Пакана узоқда, панадан туриб унинг ҳаракатини кузатаётган бўлса ажаб эмас. Тагин буёққа

келиши олдидан Гладиатор унга жуда хушёр бўлишни қайта-қайта таъкидлаган эди.

Боғда дарахтлар қалин, шохлари бир-бирига чир-машиб кетган, кўланкаси қуюқ эди. Йўлкаларнинг икки тарафида турфа гуллар очилиб ётибди. Лекин ўта доғули ва маккор Саъванинг кўнглига айна пайтда ҳеч нарса сизмасди. У ўз ўйлари билан банд эди. Бирдан-бир муддаоСИ топшириқни бехатар, муваффақиятли амалга ошириш эди. Ниҳоят, у боғ ичкарасидаги майдончага етиб келди. Майдонча ўртасида жойлашган фавворадан сув отилар, қуёшнинг заррин нурида томчилар ялт-ялт товланарди.

Саъванинг бу боғда биринчи бор бўлиши эди. У фонтан атрофини бамайлихотир айланиб чиқди. Чор атрофни диққат билан кузатди. У учрашмоқчи бўлган одам кўринмасди. Ўғринча атрофни кузатишда давом этди. Кунботиш томонда пештоқида «Фотография» деб ёзиб қўйилган хонанинг хиёл очиқ эшигига кўзи тушгач, суюнганидан юраги қинидан чиқиб кетаёзди. «Шу ерда экан, — дея кўнглидан ўтказди Саъва. — Борсаммикан? Йўқ, бормаганим маъқул. Ташқарига чиқшини кутаман».

Сипо кийиниб, соқоли тоза қиртишланган суратчи рўмолчаси билан лаб-лунжини артганча, шошилмай хонадан чиқди. Чамаси, у тушликни ўз хонасида қилганди. Одатдагидек бўйнига қўш фотоаппарат осиб олган. У бутунги учрашувдан тамоман хабарсиз эди. Фонтан атрофида тўрт-беш одам айланиб юрар, ҳовузчада эса ёш болалар чуғурлашиб, бир-бирларига сув сачратиб чўмилишарди.

Суратчи фонтан ёнига бориб, болаларни бир оз томоша қилиб турди. Бундай иссиқда камдан-кам одам суратга тушар, мижозлар фақат дам олиш кунлари сероб бўларди. У атрофга қараб бирорта суратга тушувчи йўқлигига кўзи етгач, яна ўз хонаси томон қайтди. Бораётиб четдаги скамейкада музқаймоқ еб ўтирган аёлга кўзи тушди ва бирдан: «Алоқачи шу эмасмикан?» деган фикр миясидан яшин тезлигида ўтди.

У Гладиатор билан телефонда гаплашгандан бери нотаниш алоқачини кутар, шундай хаёлга жуда кўп борарди. Деярли ҳар куни кўплаб сайёҳлар, дам олув-

чилар келишарди. Унинг «Фотография» хонаси ёнгинадан ўтишиб, Исмоил Сомоний, Чашмаи Айюб мақбараларини кўришга боришарди. Лекин ҳеч бири унга яқин келмас, қиё ҳам боқмасди. Неча марта суратга тушишга келганларга гап ташлаб кўрди. Бироқ унга ҳеч бир киши эътибор бермас эди. Шундай пайтларда у ғазаби қайнаб: «Тезроқ кела қолмайдими, зангар!..» деб сўкинарди. Гоҳида чексиз хаёлга толиб, ўзининг поёнига ета олмайди. Бу қабих ишларга биратўла чек қўйиб, оиласи билан узоқларга кўчиб кетмоқчи ҳам бўлади. Бироқ Гладиаторнинг таҳдидли гаплари эсига тушади, яна ҳафсаласи пир бўлади. Ўйлайвериб юраги сиқилавергач, хотинига маслаҳат солмоқчи ҳам бўлади, аммо хотини эрининг бундай шум ниятли киши эканлигини билса, сира кечира олмаслигига кўзи етиб, дарҳол бу фикридан қайтади. Таҳлика-ю таҳдид остида яшаётганидан феъли ўзгариб, асабий бўлиб қолган. Толесиз қисматидан афсус чекади.

Бир оқшом кўрқинчли туш кўриб, ваҳм босганидан лабларига учуқ тошди. Тушида у ётган хонага шяпали басавлат бир одам тасодифан бостириб кирибди. Бўйнига қора шарф ўраган эмиш. У пичоқ ўқталиб: «Ҳа, иблис, сотқин! — деб дағдаға қилибди. — Менга азадан маълум эди. Бизни лақиллатишга қандай журъат этдинг. Сен таомилни буздинг. Ўйиндан чиққан ўғрининг тақдири қандай тугашини биласанми? Куним битди деявер! Қилмишинга яраша жазога лойиқсан...» дермиш. У титроқ овозда ялиниб-ёлворармиш: «Йўқ, йўқ!.. Мен асло ўлишни хоҳламайман. Мақсадингизни тушундим, лекин мен... Шафқат қилинг! Ўлдириш бўлса қочмас. Шартлашган барча топшириқни сўзсиз бажаришга розиман. Ўтиниб сўрайман, шафқат қилинг!..»

Кейинги пайтларда у ўтирса ҳам, юрса ҳам кўрган кўрқинчли туши таъқиб этаётгандай бўлиб туюлар, Гладиаторга ён босмасам, тушим чинга айланиб кетиши муқаррар, деб ўйларди.

Кулоқ фонтан атрофида айланишда давом этарди. Гоҳ-гоҳ музқаймоқ еб ўтирган фотоаппаратли аёлга назар ташлаб қўярди. Саъва ҳам унга аҳён-аҳёнда қараб қўярди. Лекин шошқалоқлик яхшиликка олиб келмаслигини тушунарди. Саъва аста ўрнидан

қўзғалиб, фонтан томон йўл олди. У йўл-йўлакай бораркан, Қулоққа яна бир бор синчковлик билан қараб олди. «Ўша Чиноқ, — деб ўйлади. — Суратдагининг худди ўзи». У Қулоқнинг ёнгинасидан ўтганда, Қулоқ унга галати қараб қўйди. Саъва суратчи Қулоқнинг айнан ўзи эканига ўзида тўла ишонч ҳосил қилди. Фонтанга яқин боргач, ортига бир ўтирилди-да, Қулоққа сирли кулиб қаради. «Шу, шунинг ўзи!...» деб ўйлади Қулоқ унга пешвоз бо-раётиб. Саъва эса чаққонлик билан фотоаппаратини ишга солиб, Исмоил Сомоний мақбараси кўринишини икки-уч бор суратга туширгач:

— Уф, жин ургур! — деди жўрттага баралла овоз-да. — Плёнкаси тутаб қолди-я! — дея Қулоққа қараб мурожаат этди у. — Сиз аппаратимга лента ўтказиб беролмайсизми?

— Бажонидил, лекин очиқ ҳавода плёнка ўтказиб бўлмайди, — деди Қулоқ. — Юринг.

У Саъвани «Фотография» хонасига бошлади. «Алоқачи бу эмас шекилли, — дея кўнглидан ўтказди у. — Паролни айтмади-ку?!»

Қулоқ илтифот билан хонага киришга таклиф этди:

— Марҳамат қилсинлар...

— О, бу ер бунчаям иссиқ бўлмаса, — дея гап қотди Саъва таклиф қилинган курсига омонатгина ўтираркан, овозини пасайтириб:

— Азроилдан Қулоққа салом. Мукофот эгасини ку-тади, — деди.

Қулоқ бирдан ҳушёр тортди. Бу — пароль эди. Вужудига билинар-билинемас титроқ оралади. Бу титроқ ҳаяжонданми, ваҳмданми — билмасди. У паролга дарҳол жавоб қилди.

— Қулоқ эшитади. Мукофот тайёр! — деди у ил-жайиб ва хона эшигини маҳкам бекитди.

\* \* \*

Қулоқнинг ҳар бир ҳаракатини иш жойида ҳам, кўча-кўйда кезганида ҳам, ҳатто уйидаям яширинча кузатиб юриларди. У шериклари билан телефонда би-ринчи бор гаплашган кундан буён ўзининг назорат остида эканидан тамоман хабарсиз эди. Истироҳат бо-ғида уни лейтенант Одил Сатторов кузатарди. Сатто-

ров кузатув пункти қилиб «Фотография» рўпарасидаги қишки кинотеатр биносини танлаганди. Бино фонтаннинг кунчиқар томонида эди. Сеанслар ёзги бинода намойиш этилиши сабабли қишки кинотеатр томошабинлардан ҳоли эди. Бу ердан фонтан атрофини, бутун майдончани, Исмоил Сомоний мақбарасини, ҳатто «Фотография» деразаси орқали хонанинг ичини, Қулоқнинг ҳар бир ҳаракатини бемалол очиқ-ойдин кузатиш мумкин эди. Сатторов автомат-телефон орқали бошқармага шошилиш хабар қилди. Бу пайт Зафар Каримович билан ўринбосари эндигина тушлиқдан қайтишган эди. Иккиси ҳам тунда, қоворидан қор ёғар эди. Эрталабки оператив кенгашда шаъниларига айтилган танқидий гаплар қанчалик ҳақ, ўринли бўлмасин, барибир уларга қаттиқ ботар эди. Аламларини ичига ютишган, рўй берган аҳволдан қандай қилиб тезроқ қутулиш йўлларини ўйлаб боришарди.

Майор Гладиатор сўнгги бор ётган колонияга шошилиш телеграмма йўллаган эди. Кеча жавоб олди: «Сизни қизиқтирган шахс беш йил бурун жазо муддатини ўтаб бўлган, озода қилинган».

Алоқачини кутаверишдан ҳафсаласи пир бўлиб юрган Зафар Каримович лейтенант Сатторовнинг гапини эшитиб қувониб кетди. Дарров кузатувчига кўрсатма берди:

— Берухсаг ҳаракат қилинмасин! Биз тезда етиб борамиз.

Зафар Каримович шошилиш равишда прокурорга телефон қилди-да, бўлажак операцияга алоқаси бор жиноятчиларни қамоққа олиш тўғрисида дарҳол санкция олди ва истироҳат боғига тезда етиб боришини илтимос қилиб, ўрнидан қўзғалди.

Қулоқ билан Саъва суратхонага кириб, сўзлашиб турган пайтда Зафар Каримович лейтенант Сатторов ёнига етиб келган эди.

— Сизни кузатишмаяптими? — деб сўради Саъва. — Бегоналарни пайқамадингизми?

— Йўқ! — дея қисқа жавоб қилди Қулоқ. — Бу боққа дам олувчилар шунчалик кўп келишадими, уларнинг қай бири бу ерлик, қай бири меҳмон эканини билиш ҳам қийин. Сира хавотир олманг, хавф-хатар-

дан холиман. Асосий ишга кўчайлик. Матоқ шу ерда, уни hozир топширайми?

— Вақтим зиқ, шошилишч! — деди Саъва Қулоққа шубҳа билан қараб. «Сотилган бўлса-я? Нега ўзини бунчалик бепарво тутяпти?..»

Қулоқ эпчиллик билан хона полининг энг чекка тахтасини кўчирди. Қўлини тиқиб, целлофан халтага ўроғлиқ йўл халтани олиб, стол устига қўйди.

Саъва фотоаппарати ва сумкасини стол четига қўйиб, эпчиллик билан белидаги боғични ечди, сўнг ўрнидан даст туриб, этагини кўтарди. Қулоқ эса беихтиёр бақрайиб қолди.

— Қулоқ, анқайманг! Нима, хотин кишини энди кўришингизми? Пулларни тезроқ белимга ўраб борланг! — буюрди Саъва. — Эсимдан чиқибди, сумкамда оқ мато бор... — Стол устида турган сумкачасига ишора қилди. — Чаққонроқ!..

Қулоқ даста-даста пулларни оқ сурпга солиб, ихчамгина ўрагач, унинг белига боғлади. Саъва этагини туширдию худди ҳомиладор аёлга ўхшаб қолди.

— Улушингизни тез кунда оласиз. Тушунарлими? — деб сўради Саъва.

— Ҳа, хоним!..

Саъва фотоаппарати билан сумкачасини қўлига олди. Қулоқ билан тезгина хайрлашди-да, «Фотография»дан худди сурат олдиришга кирган кишидек бамайлихотир чиқди. Келишувга биноан, Қулоқ уни кузатишга чиқмади.

Саъва топшириқни нечовлик қисқа муддатда бажариб, иши ўнгидан келганидан ниҳоятда мамнун, кайфияти чор эди. У дарвоза томон йўл олганда, Зафар Каримович ўринбосарига қараб:

— Саъва боғдан чиқиб кетиши биланоқ Қулоқни қўлга олинглар, — деди. — Ҳушёр бўлинглар!

— Эшитаман, ўртоқ майор!

\* \* \*

Очил Мирзаев зудлик билан оператив группани чақиртирди. Орадан бир неча минут ўтар-ўтмас, боғнинг кун чиқар томонидаги дарвозаси олдига «ГАЗ-69» келиб тўхтади. Ундан искович ит билан икки йигит тушди. Капитан уларни қарши олгач:

— Йигитлар, гап бундоқ! — дея уларга тушунтира бошлади: — Жиноятчи жуда хушёр, қаршилиқ кўрсатмай қолмайди. Гап шундаки, уни тинчгина қўлга олишимиз керак!. Сиз, ўртоқ лейтенант, — дея капитан ёноқ суяклари салгина туртиб чиққан инспектор-кинолог Юсуп Турғуновга қаради. — Итингиз билан бизни четроқда кутиб турасиз. Зарурат туғилганда ёрдамга келасиз. Сатторов, сиз асосий йўлақда тулинг. Қочишга уринса... Уни ташқарида қўлга оламиз. Хонада қўлга олиш хавфли, бирор «каромат» кўрсатиши мумкин.

— Тушунарли! — деди лейтенант.

Бир неча дақиқадан сўнг бўйнига фотоаппарат солиб, фонтан атрофида айланиб юрган Қулоқнинг тирсагидан бир забардаст қўл маҳкам тутди. Шу пайт қўққисдан унинг рўпарасидага граждандан кийимидаги Очил Мирзаев пайдо бўлди.

— Қаршилиқ кўрсатишга уринманг, фойдасиз! — деди у буйруқ оҳангида. — Содиқбек Самиев, сиз ўғирлиқда айбланиб, қамоққа олиндингиз.

Кутилмаган воқеадан талмовсираб қолган Қулоқ қўлга олувчиларни гап билан чалғитмоқчи бўлди.

— Нима деяпсиз ўзи, ўртоқ гражданин? Ҳеч нарсага тушунолмаёпман, — деди у саросимага тушиб. — Мен суратчиман, қанақасига ўғри бўлай?.. Менимча, қандайдир тушунмовчилик. Мени бошқа одам билан адаштиряпсизлар!..

У шундай дедию тўсатдан Очил Мирзаевнинг қорнига зарб билан тепди ва шу оннинг ўзидаёқ чап тирсагидан маҳкам ушлаб турган кишининг юзига қўққисдан калла қўйди, кейин бир силкинишда унинг қўлидан қутулиб, ўзини «Фотография» хонасига урди. Дарҳол эшикни ёпиб, ичкаридан маҳкам беркитиб олди.

Сатторов ўқдек отилиб, хона эшигини очмоқчи бўлиб, тутқичдан силтаб тортганида, унинг ёнига етиб келган Очил Мирзаев:

— Эҳтиёт бўлинг! Ўқ узиши мумкин! — деб бақирди.

Сатторов ўзини четга олиши биланоқ, Қулоқ ичкаридан устма-уст ўқ узди. Ўқ эшикни тешиб ўтди. Таъқиб этувчилар ҳам дарҳол чўнтакларидан тўппончаларини чиқаришди.

— Аблах!.. — деди Очил Мирзаев ишнинг бундай тус олганидан вазаби қўзиб. Сўнг лейтенантга қараб буйруғомуз: — Ҳушёр бўлинг! — деди. — Яна нишонга уриб қўйманг!

Сатторов бош ирғади. Капитан Мирзаев тўппончасини ўқталиб турган Йўлдошевга хонанинг орқасига ўт деб ишора қилди. Йўлдошев ўша томонга югурди. Ичкаридан устма-уст ўқ узилди, сўнг аллақандай тақиртуқур овоз эшитилдию хона ичи бирдан тинчиб қолди.

— Ўзини отиб қўймадимикан? — деди ташвишланиб Сатторов.

Очил Мирзаев тўппонча қўндоғи билан эшикни қаттиқ тақиллатди ва баланд товушда:

— Қулоқ, эшикни оч! Қаршилиқ кўрсатиш фойдасиз! — деди.

Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Сатторов эшикни зарб билан тепди. Эшик қулфлари ўрнидан кўчиб, очилиб кетди. Капитан ичкарига бостириб кирди. Хонада ҳеч зор кўринмасди. Қулоқ ғойиб бўлган эди. У ҳар эҳтимолга қарши хона остидан ўтган, вақтинчалик суви оқмаётган қадимий Шоҳруд ариғига ичкаридан йўл очиб қўйган экан. Таъқибчилар шаҳар маркази бўйлаб ўтган Шоҳруд ариғининг худди «Фотография» хонаси остидан ўтганлигини эътиборга олишмаганди.

Бу ариқ қадим замонлардан қолган бўлиб, икки томони пишиқ ғиштлар билан ишланган эди. Қулоқ шаҳар марказига чиқувчи жойларни олдиндан аниқтаниқ белгилаб олган эди. Ариқнинг берк ерлари устида турар жой ва жамоат бинолари мавжуд эди. Баъзи ёпиқ ерларида орзи чўян қопқоқли темирбетон қувурлар қўйилган бўлиб, ариқ ичига фақат шу қувурлар орқали тушилса бўларди. Қисқа фурсатда искович ит билан етиб келган лейтенант Турғуновга капитан:

— Итни ишга солинг! — деб буюрди.

Ит ғингший-ғингший хона ичини ҳидлаб бир айлангач, из олдию хонадаги туйнуқдан тўғри ариққа сакради. Тасмани қўлига ушлаб олган лейтенант ҳам ит изидан тушди. Унинг кетидан бошқалар эргашди. Ариқ ичи зим-зиё, ҳеч вақо кўринмасди, ҳатто бирор шарпа ҳам эшитилмасди. Ит ғингшиб олдинга интилди. Сатторов чўнтак фонарини ёққан ҳам эдики:



— Ұчир! — деб кескин буюрди капитан. — Ұзинг-ни ўққа тутиб бермоқчимисан.

Қулоқ ҳали узоққа қочиб улгурмаганди. У таъқиб қилинаётганини сезгач, мўлжалсиз кетма-кет ўқ узиб қочишда давом этди. Таъқибчилар ҳам Қулоққа қараб эмас, юқорига қарата жавоб ўқи узишди. Ҳар ўқ отилганда ариқ ичи гумбурлаб акс-садо берарди. Қулоқнинг бирдан-бир мўлжали таъқибчиларни чалғитиб, ариқдан чиқиб ғойиб бўлиш эди. Лекин бу иш у ўйланганчалик осон кўчмади. У ҳансираб тезда толиқиб қолди. Қоронғида югуриш мушкул эди. Ариқ тубидаги елимдек ёпишқоқ балчиқ нақ тиззага уради.

Таъқибчилар ҳам чарчашди.

— Ұқи тугади шекилли, — деди Сатторов ҳансираганча, — бошка отмаяпти.

— Итни кўйворинг! — деб буюрди Очил Мирзаев.

Лейтенант Турғунов олдинга куч билан ташланиб бораётган итни аранг тўхтатиб, занжирини ечди. Ит ўқдек олдинга отилди.

Қулоқ билан таъқибчилар оралиғидаги масофа йироқ эмас, чамаси ўттиз метрча қолган эди. Жон-жаҳди билан қочаётган Қулоқ қилмишларидан ичида афсус-надоматлар чекар, ўзининг қора қисматига лаънат ўқирди. Жиноятчи тамоман ҳолдан тойди. Лаблари қуруқшаган эди. Энди қочиб қутулолмаслигини англагач, қўлидаги ўқи алақачон тугаб битган тўппончани четга улоқтирди-да, югуришдан тўхтади. Нафасини ростлаб олгач, қочиб қутулишга ўзида қайта ишонч ҳосил қилдими, афтини аянчли бужмайтирганча яна олга интилди. Шу пайт ортидан етиб келган ит шундай шиддат билан ташландики, Қулоқ олдинга йиқилиб, ҳаммаёғи балчиққа беланди. Ит унинг елкасидан босиб турар, ўрнидан кўзвалишига, ҳатто қимир этишига имкон бермасди. Етиб келган милиция ходимлари Қулоқни ўрнидан турғизишди...

Саъва боғ дарвозасидан чиқиб, атрофга бир лаҳза олазарак боқди-да, тўғри арк томонга йўналди. Пака-на сал узоқроқдан туриб, уни то арк олдидаги такси бекатига етиб боргунича кузатди. Саъванинг бўш таксилардан бирига тушганини кўргач, иш ўнгидан келганига тўла ишонч ҳосил этиб, шошилиш изига қайт-

ди. Боғ қаршисидаги театр биноси олдида қолдириб келган мотоцикли томон юрди.

Зафар Каримович Саъванинг таксига тушганини кўриши биланоқ машинадаги телефон-рация орқали Когон йўлидаги ДАН постига хабар қилди:

— Алло, бешинчи пост! Диққат билан эшитинг! Мен!.. «21-43 БХГ» номерли сариқ рангли таксини тўхтатинг! Биз етиб боргунча бирор баҳона билан гапга чалғитиб туринг! Эҳтиёт бўлинглар, ичида жиноятчи бор. Таксичи қуроолланган бўлиши мумкин.

Майор, такси Гладиаторга қарашли эмасмикин, деган ўйга бориб, эҳтиёт чорасини кўришни лозим топди. Шаҳардан чиқаверишда Саъва тушган таксига бир енгил машина етиб олди. Олдинда чорраҳа ДАН пости...

Светофорнинг қизил чироғи ёниб тургани қўл келди. Чорраҳа ўртасида сергак турган икки ДАН инспектори тезда такси ёнига етиб келишди. Улардан бири честь бериб, таксичига муурожаат қилди.

— Нега тезликни оширдингиз? Машинани четга чиқаринг!

— Хўп бўлади, — деди ҳайдовчи ва машинани йўлнинг чеккароғига чиқариб тўхтатгач, элана бошладди. — Айбдорман, бир маротаба кечиринглар! Шошиб кетаётувдим. Йўловчим поездга кечикяпман, деди. Шунинг учун...

Граждани кийимидаги киши шитоб билан орқадаги машинадан тушиб, таксига яқинлашди-да, инспектор ўрнига жавоб қилди:

— Тушинарли, қани, ҳужжатларингизни кўрсатинг!

Орқа ўриндиқда ўтирган Саъванинг юраги шув этиб кетди. «Тузоқ!.. — дея кўнглидан ўтказди у. — Ҳушёрликни қўлдан берибман. Иш пачава, барбод бўлди чоғи. Қўлга тушганимни эшитса, Азроил асло соғ қўймайди...»

У шунга қарамай, шубҳа сездирмаслик учун ўзини ниҳоятда хотиржам қиёфада тутди. Шоферни гапга тутган киши (бу Зафар Каримович эди) таксининг орқа эшигини очди ва кутилмаганда:

— Светлана! — деди. — Мен жиноят қидирув бўлимиданман. Сиз Гладиатор жиноятига шерикликда айланиб ушландингиз. Марҳамат қилиб, машинадан тушинг!

Ўзини атайлаб таажжубга солиб турган Саъва иккинчи лақабини эшитибок бир сапчиб тушди. У машинадан тушаркан, ўзини яна бепарво кўрсатиб, жўрттага муғомбирлик йўлига ўтди.

— Мени кечирасиз, қанақа Гладиатор? — деди Саъва ўзини хотиржам кўрсатишга уриниб. — Кейин, мен Светлана эмас, Соняман. Тушундингизми? Ҳеч қанақа шерик-перигингизни билмайман. Оддий йўловчиман, тушунинг, поездга кечикяпман.

— Марҳамат, сизни машина кутяпти! — деди жиддий оҳангда майор Каримов Саъванинг гапига жавобан ва уни йўл чеккасида турган ҳаворанг «Волга» томон бошлади. — Тезроқ борайлик. Қулоқ зерикиб қолмасин тагин?

Саъва бирдан сергакланди. Кўзлари алланечук бежоланиб ортиқча қаршиликсиз, машина томон итоаткорона одимларкан: «Оҳ, лаънати, сотилган эканда?..» — деб хаёлидан ўтказди.

Саъва билан Зафар Каримович орқа ўриндикқа ўтиришди.

— Чексам майлими? — деб сўради Саъва майорга қараб.

— Майли, — деди майор.

Саъва сумкачасидан сигарета олиб тутатди.

— Ёмон ишламас экансизлар, — деди у сал ўтиб ва чуқур уф тортди. Зафар Каримович кинояомуз кулимсираб, жавоб қилди:

— Ҳа, шундай, — деди майор. — Ҳатто белингизга бойловли нарсегача бизга маълум.

Саъва бошини қуйи эгди.

Улар тушган ҳаворанг «Волга» кафтдек текис асфальт йўлдан шаҳар томон физиллаганча елиб бораётган бир пайтда машина ичига ўрнатилган телефонрация тилга кирди.

— Бешинчи... Бешинчи... Мен — биринчиман. Нега жим бўлиб қолдингиз? — Бу полковник Сайфуллаевнинг овози эди. — Нега алоқа узилиб қолди? Операция қандай боряпти?

— Яхши, ўртоқ полковник. — Жавобни қисқа қилди майор. — Мукофот эгасига тегмайдиган бўлди.

— Дуруст! — деди полковник. — Энди тезроқ бош-кармага қайтинг! Янгилик бор. Сизни Когонда кутиш-япти.

— Тушунарли, боряпмиз, — деди у ва шофёрга тезликни оширишни буюрди.

\* \* \*

Деразаси тўр пардали хона ним ёруф. Стол устида турли хил егуликлар ёйиб ташланган, бир жуфт шишадаги ичимлик эса охирлаб қолган. Стол четларида ёғимлаб ташланган сочиқчалар, суяк бўлаклари, шафтоли, ўрик данаклари тартибсиз сочилиб ётибди. Ҳавога ўрлаётган сигарет тутуни, коньяк, арақ, ликопчадаги тўғралган пиёзнинг ачимсиқ ҳиди хонани чулғаб олган. Юмшоқ креслоларда ясланиб олган уч улфат кайфлари чор, хавотирсиз суҳбатлашиб ўтирарди.

— Ўзиям чинакамига ҳайратда қолдирадиган зўр иш қилдик-да, — деди оғзининг таноби қочиб Шайтон.

— Рост, оғайни, бунақасини ҳалигача тушимда ҳам кўрмагандим, — деди унинг гапини маъқуллаб Чори. — Шефимизнинг ишбилармонлигига яна бир марта тан бердим.

— Бу ютуқ, бу омад — ҳаммаси шефнинг абжирлигидан, — деди хушомадли оҳангда Шайтон. — Кел, шефимиз учун ичайлик!

— Лекин, шеф, бир нарсадан ҳайрон бўлиб турибман, — деди Шайтон. — Аравани ёқиб юбориш шунчалик шартмиди. Худди илоннинг оғзидан чиққандек яп-янги эди-я?! Бошқа рангга бўялса...

— Буни из йўқотиш, чалғитиш дейдилар, — деди Гладиатор мағрур илжайиб. — Улар излаб сарсон бўлишади. Биз бўлсак фурсат борида жуфтакни ростлаб қоламиз.

Гладиатор биринчи дафъа одатига хилоф тарзда иш тутаётганди: эришилган омадни нишонлаб, шерикларини сийлаб, зиёфат бераётган эди. Уларнинг Саъваникида йиғилишига яна бир сабаб — бу уй хавфхатардан анча ҳоли эканлиги эди. Гладиатор одатда мўлжалланган ҳар бир режасини амалга оширгач, шерикларини қўноқ бўлиб турган жойига қайтиб боришига йўл қўймасди. Ҳамтовоқларининг бошқа бошпа-

на жойи бўлмагани туфайли, охирги кун, ҳеч гап бўлмас, деган ўй билан уларни ўз қароргоҳига чорлаган эди.

Айни пайтда унинг ўзи гапга кўп аралашмас, фикри-зикри Саъвада эди.

«Эплаб кела олармикан? Ёки омадсизлик юз бердими? Йўғ-э, бир нима бўлганда, Пакана аллақачон хабар етказган бўларди...»

Икки шеригининг тинимсиз бидиллаши Гладиаторнинг жонига тегди чоғи, уларга бир қирғий қараш қилиб:

— Ичкиликни бас қилинглар! — деди. — Вайсашни ҳам!..

Шайтон қўлидаги қадаҳини стол устига қўйди. Чори стол четида турган «Модалар» журналини очиб, уни варақлашга тушди. Гладиатор сигарета тутатди, креслодан туриб, диванга чўзилди. Чори эса қулай пайт топиб, адресни хабар қила олмаётганидан сиқилиб турарди.

— Бугун тунги поезд билан жўнаб кетамиз, — деди Гладиатор ўрнидан қўзғалиб хотиржам овозда, — Саъва қолади. Қулоқ ҳам... Шайтон, сен ҳозир бориб, Ашхободга тўртта билет олиб қўй. Алоҳида-алоҳида вагонга олишни унутма!

— Хўп бўлади, шеф!

— Ўлжани қаерга яширдинг?

— Бир қисмини костюмим астари остига жойлаштирганман. Билинмайди. Қолгани рюкзақда...

— Биз иккимиз шу ерда қоламиз. Саъва билан Паканани кутамиз. Сен бизни вокзалда кут! Мукофот Барзангида бўлади.

— Ҳаммаси тушунарли, шеф! — деди Шайтон. — Кетсам майлими?

— Ҳа, бор, лекин эҳтиёт бўл!

Шайтон хона бурчагига бориб, полнинг омонат михланган бир тахтасини кўтарди. Энгашиб пол остидан йўл халтани олди-да, яна тахтани жойига қўйди. Чори уни кўча муюлишигача кузатди. Қайтишда фурсатдан фойдаланиб, йўл этагидаги магазинга кирди. Телефон борлиги қўл келди. Сотувчига шошилинч қўнғироқ қилиш лозимлигини айтиб, дарров рақам терди. Лабини трубкага яқин тутиб, тезгина гапини айтди-ю хий-

ла енгил тортиб, Гладиатор хузурига қайтди. У диван-да ёнбошлаб ётарди.

— Шайтон кишт бўлди, шеф.

— Жуда соз! — деди хийла бўғриққан Гладиатор керишиб. — Хўш, айт-чи, Барзанги, бизга қўшилганингдан пушаймон бўлмаяпсанми?

«Оббо, иш чатоқ-ку! — деб ўйлади Чори. — Ниятимни пайқаб қолганга ўхшайди. Ёки буям бир синашми?..»

— Рости шу, дайдиликка ўрганиб қолганман, шеф, — деди у ўзини бепарво тутиб.

— Гапингда жон бор, — деди Гладиатор чуқур сўлиш олиб. — Қон билан кирган жон билан чиқар, деганлари рост шекилли. Мен ҳам худди сенга ўхшаб ўғрилик қилмасам туролмайман.

— Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деб бежиз айтмаганлар-да, шеф! — деди Чори Гладиаторнинг фикрини қувватлаб. — Бизга ҳозирча насиб қилгани ҳам, буюргани ҳам мана шу ҳаёт.

— Тўғри, ҳақ гапни айтдинг, қовурға.

— Кечирасан, шеф, сўраганининг айби йўқ, — деганлар. — Иккаласи ёлғиз қолгани учун яна беихтиёр Барзанги сенлашга ўтди. — Аслида қаерликсан? Тирикчилигимиз бирга бўлгач, бир-биримизни яқиндан билсак айб бўлмас?

— Майли, энди ёриламан сенга. — Гладиатор сигарета тутатиб, аламоқ бир оҳангда давом этди. — Неча йиллардан бери қанчалик кўрқув остида яшаб келганлигимни бир тасаввур қилсанг эди!.. Ўшанда айни кучга тўлган бўз йигитлик пайтим, уйдагилар билан бир бўлмағур иш устида жанжаллашиб чиқиб кетдим. Саёқлик қилиб, Самарқанд шаҳрига бориб қолдим. Бебош улфатлар даврасига қўшилдим. Тўрт киши эдик. Бир соатсознинг уйини таламоқчи бўлдик. Мен эшиқда пойлоқчилик қилиб турдим, уч шеригим уйга бостириб киришди. Эртасига эшитсам, шерикларим соатсозни гумдон қилишган экан. Қочиб қолдим. Уларни тутиб, суд қилишибди. Шерикларим қотилликни менинг бўйнимга ағдаришган экан. Туғилиб ўсган шаҳрим — Хўжандга қайтиб боришдан кўрқдим. Чунки тутилиш, жазоланиш ваҳимаси... Чоржўйга бориб яшириниб юрдим. Бахтимга ҳозирги фамилиям ёзил-

ган бир справка қўлимга тушиб қолди. Справка паспорти йўқолган бир одамга паспорт олиш учун берилган экан. Вақт ўтгач, гуноҳимни кечирешар, деган хаёл билан юрган эдим, аммо бўлмади. Шу орада яна бошқа бир жиноят қилиб, қамалиб чиқдим. Шу-шу сохта паспорт, сохта фамилия билан юрибман. Бир неча касбларда ишлаб кўрдим, ҳеч бири ҳам тўғри келмади. Дайдилик, йўлтўсарликдан нарига ўтмай қолдим, навбатдаги ўтиришимда сен билан бирга бўлдик. Кейинчалик яна ўтириб чиқдим. Боя айтганингдек, ўрганган кўнгили ўртанса қўймас... Мана, яна... Қўлга тушсам, яна жазо...

Гладиатор чуқур хўрсинди, қадахига коньяк тўлдириб, уни бир кўтаришда ичиб юборди.

— Бу ишларингдан уруғ-аймоқларингнинг хабари борми? — деди Чори.

— Билмадим. Улар менинг кимлигимни билишини сира истамайман ҳам... — Гладиатор лабларини қаттиқ қимтиб, тишларини гижирлатди. — Биласанми, туғишганларимнинг мен туфайли иснодга қолиши, азият чекишини хоҳламайман. Билишмагани яхши. Тушундингми? Бўлди, етар шунчалик ҳасрат қилганим. Яхшиси, соатингга қара-чи, неча бўпти?

Чори билагидаги соатига қаради:

— Вақт бирдан ошибди, шеф!

— Ҳаяллашяпти... Соатинг чиройли экан.

— Унчаликмас. Сирти ялтироқ.. — Чори дарров гап мавзуини бошқа ёққа бурди. — Остки лабингдаги тиртиқ қачон бўлганди. Аввал йўқ эди-ку? — Барзангининг нияти Гладиаторни мумкин қадар кўпроқ гап билан алаҳситиб туриш эди.

— Ўзимниқилардан бири «қопчиқ» эди. Фирромлик қилди. Жамғармани ўмариб қочди. Излаб-излаб, ярим йил деганда дерагини топдим, — дея сўзида давом этди Гладиатор. — Қўшни республикага қочган экан. Жуда бақувват, жуда эпчил эди хумпар. Тиз чўккан ҳолда ялиниб-ёлвориб туриб, бирдан ҳамла қилса бўладими?! Пичоғини ўзига қараб қайира бошлаган чоғимда учи лабимга тегиб кетди...

Чори Гладиаторнинг гапини вужуди қулоқ бўлиб тинглаётгандек кўринса-да, шу топда фикри-зикри тамоман бошқа ёқда эди.

— Кел, яхшиси, бир қўл карта ўйнайлик, — деб таклиф қилди Гладиатор.— Бекорчи гапдан фойда йўқ.

Чори стол устидаги картани йиғиштириб олиб, аралаштира бошлади. Шу аснода бирдан ташқаридаги электр қўнғироқнинг жиринглагани эшитилди. Гладиатор сапчиб ўрнидан турди. Кутилмаганда кўзлари қинидан чиққудек чақчайиб, бесаранжомланди. Чаққон қўлига тўппончасини олди.

— Нима гап? Саъва келди шекилли, — деди Чори қўлидаги картани стол устига қўйиб.

— Тузоқ! — деди Гладиатор таҳликага тушганидан овози алланечук титраб. — Саъва келса ўзи очиб кирарди. Пакана ҳам... Қўнғироқ қисқа-қисқа чалинпоти. Бирор иш бўлган, Саъва қўлга тушган! Қочиш керак! Мен чордоққа чиқаман. Сен қочиб қол! Чап бер, иложи борича чалғит уларни. Қўлга тушсанг, бу ерда фақат бир ўзинг бўлгансан, тамом!..

Чори отилиб ташқарига чиқди. Гладиатор эшикни ичкаридан қулфлаб олди. Бурчақдаги стулни даҳлиз пойгагига сурди, стул устига чиқиб, шифтдаги туйнук оғзини юқорига итариб очди. Бир сакрашда ўзини чордоққа олгач, туйнук қопқоғини ёпди. Вужудидаги титроқ хийла пасайди. Шифер остидаги туйнукчалардан кўчани кузата бошлади.

Чори эшиқдан чиқди-ю, бирдан ўйлаб қолди. «Қочсам бўлмайди. Гладиаторнинг гапига учиб, таъқибчиларни чалғитиб қўйишим мумкин».

Чори фикридан қайтди. У тезлик билан ўнг ёнбошидаги омборхонага кирди ва эшик тирқишидан ташқарини кузата бошлади. «Ўзимни панага олганим қайтага яхши бўлди, — деди у дилида. — Гладиатор... сезмагани маъқул!..»

Зафар Каримович бошлиқ етти кишидан иборат оператив группа тушган икки енгил машина орадан ўн-ўн беш минут ўтар-ўтмас белгиланган ерга етиб келган эди. Тезда эҳтиёт чоралари кўрилгач, майор қўнғироқ тугмачасини босган эди. Эшик тирқишидан қараб турган Чори дераза рўпарасида қўлида тўппонча тутган баланд бўйли кишини кўрди. Шу пайт девор панасидан чиққан иккинчи киши югуриб бориб эпчилик билан дарвозани очди. У томондан шитоб билан майор Каримов ҳам етиб келди ва:



— Чори Жамолов қани? — деди у шошилинч тарзда.

— Барзангими? Кўринмаяпти, — деди капитан Мирзаев. — Уй ичида бўлса керак?

— Гладиатор-чи?

— Эҳтимол, чордоққа яширингандир? Шарпа сезиляпти, — деди баланд бўйли киши уй тепасига ишора қилиб. Бу лейтенант Сатторов эди.

— Юқорида, чордоқда, — деди майор чордоққа боқиб. — Эҳтиёт бўлинглар, қуроли бор. Аяб ўтирмайди.

— Йўлдошевга айтинг! — Сатторовга топшириқ берди майор. — Икки кишини олиб, тезда темир йўл вокзалига борсин. Шайтонни фақат у танийди.

— Хўп бўлади, ўртоқ майор!

Майор уй деворига елкасини тираганча мегафонни овозига яқин тутди ва шу заҳоти унинг хитобли овози атрофни ларзага келтиргандек гумбирлаб эшитилди:

Гладиатор! Қаршилик кўрсатиш фойдасиз! Уй қуршаб олинган. Қуролни ташлаб пастга туш!

Чордоқдан ҳеч қандай жавоб эшитилмади.

Капитан Очил Мирзаев илдам келиб, майорга мурожаат этди:

— Уй ичида ҳеч ким йўқ! Чори кўринмайди.

— Демак, у ҳам чордоқда. Ходимларга тайинланг! Эҳтиётлик билан иш кўришсин. Тагин...

Зафар Каримович яна мегафон орқали хитоб қилди:

— Азроил, ўзингни гўлликка солма! Яна такрорлайман! Қаршилик кўрсатиш бефойда! Сенинг кимлигинг бизга маълум, Луқмон Мансуров! Эшитяпсанми? Қуролни ташлаб, шеригинг Барзанги билан пастга туш!

Чорининг чордоқда бор-йўқлигини билиш учун унинг лақабини атайлаб тилга олди майор.

Сал вақтдан кейин Гладиаторнинг титроқ овози эшитилди:

— Сенларга ўзини тутиб берадиган аҳмоқ йўқ! Адашяпсиз, мен Яздурди Бекназаровман!

Зафар Каримович унга жавоб қилди:

— Майнавозчиликни бас қил, сохта Яздурди. Ким-лигингни ниқобинг йиртилмасдан олдинроқ ўйлашинг керак эди. Яхшиликча қуролни ташла!

«Тфу, лаънати! — деди Гладиатор тишларини гижирлатиб. — Шубҳаланиб юрардим-а! Тахминим тўғри чиқди. Илонни бағримда асраб юрган эканман-а! Демак, анча-мунча қилмишларим уларга аён. Шафқат қилиб ўтиришмайди. Шундай экан?.. Вой, энагар, Барзанги, эртароқ сезганимда, нақ терингни шилиб олган бўлардим-а...»

У ичида Чорини сўқар, ғазабдан кўзларидан ўт чақнардди. Лейтенант Сатторов омборхона деворига суяб қўйилган нарвонни кўтариб, уй деворига тиради. Сўнг гишт кўчириб, томга ирғита бошлади. Гладиатор мўлжалсиз бир-икки ўқ узди. У пастдаги одамларни мутлақо кўрмасди.

Бу ерда отишма давом этаётган бир пайтда Когон темир йўл вокзалида қуйидаги воқеа юз берди.

Йўлдошев тепасида «касса» деган ёзувли туйнук олдида тизилишиб навбатда турган йўловчилар олдига борди. Шубҳалантирмаслик учун ўзини ниҳоятда хотиржам тутиб, Шайтоннинг олдида турган қирқ беш ёшлардаги шляпали кишидан қайси поездга билет сотилаётганини сўради. Юзлари бўғриққан Шайтон бир нарсга сезгандай бўлди. Нотаниш бу йўловчидан хавотирланиб, унга олазарак тикилди. Одамлар орасидан сирғалиб, аста чиқиб кетишга чоғланди... Шу топда яна икки киши пайдо бўлиб, бирдан Шайтоннинг биллагидан ушлашди. У ҳатто қимирлаёлмай қолди. Қўлига кишан солинган Шайтон беихтиёр инграб юборди...

Ана шу паллада Пакана Когонга етиб келди. Мотоциклини темир йўл вокзалидаги газ-сув дўкони ёнида қолдирди. Сўнгра телефон хонасига кириб, Гладиатор қароргоҳига қўнғироқ қилди. Жавоб бўлмади.

У атрофга олазарак қараб олиб, энди мотоциклга минмоқчи бўлаётганида, чеккароқда турган милиция машинасига чиқарилаётган Шайтонга нигоҳи тушиб, титраб кетди: «Тамом!..»

«Тфу, жин ургур! Тузоқ-ку!»

Пакана ҳушёр тортди ва кескин бурилиб, изига қайтди...

Майор лейтенант Сатторовга девор оша томга чиқишни буюрди. У ёнламасига девор томонга қараб юра бошлади. Зафар Каримович ўйнинг иккинчи бурчагида турган ўринбосари Очил Мирзаевни имлаб чақирди. Капитан тезда етиб келгач, майор унинг қулоғига шивирлаб топшириқ берди. Капитан девор ёқалаб писиб бориб, ўйнинг иккинчи томонига ўтди. Бир лаҳзадан сўнг инспектор-кинолог ўз ити билан ўйнинг иккинчи томонидаги девори орқали томга кўтарилла бошлади.

Майор билан капитан бошқа томондан ўқ узиб, Гладиаторни чалғитиб туришди. Саросима ичида қолган Гладиатор тўппончасини маҳкам ушлаган ҳолда гоҳ томнинг тахта тўсиқли кунчиқар тарафига, гоҳ кунофар томонига югурар, аммо ҳеч нимани кўрмасди. Капитан кунботиш тарафдан туриб, чордоқнинг тахта тўсиғига қарата ўқ уза бошлади. Гладиатор шу томондан чиқишмоқчи, деган хаёлга бориб, ўқ отилаётган тарафга эмаклади. Зафар Каримович ўйнинг ичкари томонидан қўйилган нарвон орқали юқорига кўтарилла бошлади. Чунки чордоққа чиқиш эшикчаси шу томондан эди. Гладиатор тақ этган товущдан ҳушёр тортди ва энди томнинг бу томонига қараб эмаклади: «Чалғитиб, қўлга олишмоқчи. Осонликча жон берадиган анқов йўқ!..»

Ўйнинг иккинчи томонидан эса шифер устига инспектор-кинолог чиқиб олди. Гладиатор уни кўрмасида, тусмоллаб устма-уст ўқ узди. Кинолог оёғидан яраланиб, чўккалаб қолди. Карнизгача кўтарилган майор ўзи чиқаётган томондан ўқ овозини эпиттач, тўппончадан варанглатиб жавоб ўқи узди. Аммо у отган ўқ тахта тўсиқни тешиб, Гладиатор тепасидан ўтиб кетди. Гладиатор қаҳр билан чордоққа чиқувчи эшикни очди-ю нарвонда юқорига кўтарилаётган таъқибчини кўрди ва унга қарата ўқ узди.

Майор оғриқдан инграб юборди, нарвонни ушлаб турган чап қўли билан беихтиёр елкасини ушлаётиб, мувозанатини йўқотиб қўйди. Чори эшик тирқишидан ташқарида содир бўлаётган воқеани ҳаяжонланиб кузатиб турарди. У нарвондан қулаб тушаётган майорни кўриб, омборхонадан отилиб чиқди-да, ҳайрон қолар-

ли бир эпчиллик билан қулоч очиб, майорни тутишга уринди. Лекин майор ниҳоятда кучли зарб билан келиб урилди-ю, уни бетон супага аянатди. Чори жон талвасасида шундай титрадики, кучовида бемажол ётган Зафар Каримович ён томонга сирғалиб тушди, ўзи эса унинг устига ағдарилди. Шу пайт яна тўппончадан вариглаб отилган ўқ нақ нишонга тегди. Чорининг елкасидан қон силқиб, хушсиз ётган майорнинг кўкси узра ёйила бошлади...

Том устига чиққан Сатторов бир сакраб, шиферни ўйди-да, чордоқ ичига сакраб тушди. Тушди-ю рақиб билан юма-юз туриб қолди...

— Қуролни ташла! Қўлингни кўтар! — дея хитоб қилди Сатторов тўппонча ўқталиб. Гладиатор лейтенантнинг буйруғига парво қилмай, тўппончасини унга тўғрилаб, тепкини босди. Аммо тўппонча отилмади, ўқ тутаган эди. Гладиатор эсанкираб қолмади. У эпчиллик билан энгашиб, ўнг оёғи болдирига боғлиқ пичоқни шартта суғуриб олди-ю лейтенантга қарата, отди. Сатторов чаққонлик билан ўзини четга олди. Пичоқ... зув этиб бориб кичик устунга қадалди.

— От! Нега қараб турибсан, отақол! — Гладиатор вижиниб, ёқасини йиртди-да, кўкрагини очганича, тап тортмай, лейтенант устига бостириб бора бошлади. — Сенларни кўрарга кўзим йўқ! Қўлимдан келса ҳаммангни чавақлаб ташлардим.

Лейтенант у Гладиатор мутҳиш бир ниятни амалга оширмақчи бўлаётганини англаб:

— Жойингдан қимирлама, отаман! — деди ва юқорига қарага гумбурлатиб ўқ узди. Бирдан Гладиатор, эпчиллик билан сакраб, унинг кўксига калла урди. Лейтенант орқага учиб кетди. Ўзини ўнглаб олишга улгурмасиданоқ Гладиатор югуриб бориб, унинг тўппончали қўлига қаттиқ тепди. Тўппонча учиб кетиб, томнинг нариги бурчагига бориб тушди. Гладиатор тўппончага қараб югурмоқчи эди, ўзини тезда ўнглаб олган лейтенант абжирлик билан унинг оёғидан тортиб йиқитди. Йиқитди-ю унинг устига ташланди ва ўнг қўлининг қирраси билан рақибни бўйнига кескин зарб берди. Эҳтиёткор доғули Гладиаторга ундай-бундай зарба писанд эмас эди. У ўзини тезда ўнглаб

олди, оёқларини жуфтлаб лейтенантни қаттиқ тешиб юборди. Ўрнида тура солиб, тўппонча учиб кетган томонга интилди. Лекин етолмади. Томдаги туйнукдан сакраб тушган ит бир ҳамла билан Гладиаторни ерга қапиштириб қўйди. Лейтенантга ёрдамга етиб келган капитан Очил Мирзаев додлаётган Гладиатор қўлини шаҳд билан орқасига қайириб, кишан солди...

Оператив ходимлар Гладиаторни пастга олиб тушган пайтда ҳамон майор устида Чорининг гавдаси қалқондек бўлиб ётар, иккиси ҳам қимир этмас эди. Чорини кўтаришганда, унинг қўллари шалвираб осилди.

Майор машинада ўзига келди.

— Чори Жамолов тирикми?

— Тирик, ўртоқ майор, тирик! — деди капитан Очил Мирзаев. — Оғир яраланган, касалхонага жўнатдик. Гладиатор қўлга олинди.

Зафар Каримович индамай, яна кўзларини юмди.

1980

## «ПК 9304417» РАҚАМЛИ ПУЛ

Мазкур асарда айнан бўлиб ўтган воқеа қаламга олинган. «ПК 9304417» номерли пул эса Суд архивига сақланмоқда. Аммо, асарда тилга олинган ва иштирок этувчи шахсларнинг номлари ўзгартириб олинди.

Асар қаҳрамони Собит — яъни Саид Алтиев ҳозирда тўла оқланган Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги ташкилотлардан бирида юрист-консультант бўлиб ишляпти. Унинг айбдор ёки айбсизлигини аниқлаш сансалорликка солиниб, ишни кўриб чиқиш ниҳоятда мушкул кечгани турғунлик йилларида авж олган иллатлардан биридир.

Энди шунга айтиш керакки, С. А. нинг жиноят иши юзасидан ўтказилган, Собитқ иттифоқ тузуми, терговларни, суд тафтишларини узил-кесил интиҳосига етказилган деб бўлмайди. Келгусида бундай кўнгилсиз хатолар такрорланмаслиги учун ҳам агадсиз турғунлик йилларидаги ушбу воқеа қаламга олинди.

Муаллиф

Ёруғ хона. Деразадаги парда ярим тортилган. Елкадор, барваста йигит креслога суянганча ҳорғин бир кайфиятда журнал варақлаб ўтирибди. Эшик очилиб, остонада ўрта бўйли, дид билан кийинган эски таниши кўринди. негадир йигитнинг қош-қовоғи баттар солинди: «Қаёқданам пайдо бўлди? Кўрмасам деган-дим шу диёнатсизни!..»

— Э, Собит, ўзингизмисиз! Сизни ҳам кўрар кун бор экан-ку! — деди у илжайиб қўл узатганча, гўё ораларида ҳеч бир гап бўлиб ўтмагандек. — Учрашиб қолган жойимизни қаранг-а?

Собит, гўё туриш малол келгандек, ўрнидан зўрға кўзгаларкан, танишига лоқайд назар билан тикилганча қўл чўзди.

— Қалай, бола-чақа омонми? — Тилёрламалик билан ҳол-аҳвол сўрай кетди таниши. — Дам олишга кепсиз-да. Ҳамхона бўлиб қолганимизни қаранг-а?

— Ишхонамдан йўлланма беришган эди, келдим, — деди Собит. — Шу хонага жойлаштиришди. Ҳамхонангиз жуда дилкаш одам дейишувди. Сиз экансиз-да...

— Ҳа, каминанинг худди ўзлари, ҳи-ҳи-ҳи... Ўтган куни келдим. Кўнгил яқинлигини қаранг-а! — деди таниши мамнун бир қиёфада. — Боя яна икки ошнамни ошхонада учратиб қолдим. Бири Олимбоев, уни танисангиз керак, сизни сўроқ қилган терговчи, кеча келишибди. Яхши-да, улфати чор, унда маза бор, гурунг зўр бўлиб, мириқиб дам оламиз.

— Тўғри, кўтчилик бўлса яхши, — деди Собит зўраки жилмайиб. — Кўнгилли дам оласизлар.

— Нима, ҳали сиз қўшилмоқчи эмасмисиз даврамизга? — деди таниши Собитга савол назари билан қараб. — Орадаги гина-кудуратни унутинг энди, Собитжон! Биздан ўтган бўлса, узр? Ҳаётда ким қоқилмайди, ким хато қилмайди дейсиз? Ўшанда назарга илинмас оддий бир хато жиддий кўнгилсизликларга сабаб бўлади, деб сираям ўйламаган эдим. Сиз ҳам мени тушунишингиз керак. Ҳар бир икир-чикир юзасидан бошлиқни хабардор этиб туриш бурчим, бево-сита вазифам эди.

— Тўқлиев ака, нима қиласиз кўнгил яраларимни қайтатдан янгилаб, — деди гижиниб Собит. — Шунча тортган азобларим ҳам етиб ортади. Қўйинг...

— Аламингизни янгилаганим учун узр, ука! — деди у хижил тортиб. — Ниятимни тушунинг демоқчиман. Ўшанда сизга нисбатан ҳеч бир ғаразим йўқ эди. Сизни ногаҳоний тухматдан қутултирмоқчи эдим, холос. Шуни сизнинг хатойингиз, деб тушунманг демоқчиман. Бор гап шу!

— Нима қиласиз тилни қичитиб! Бу сафсатангизни олдин ҳам айтгансиз, — деди Собит бирдан қизишиб. — Сиз хатоингизни тан олармидингиз. Хатоингиз эса мен учун жуда қимматга тушди. Тинч ҳаётим остин-устун бўлиб кетди. Келиб-келиб, энди ҳолимга ачиняпсизми? Ўзингизни оқламоқчи бўляпсизми? Йўқ янглишасиз. Сиз асосий айбдорлардан бири эдингиз. Сезиб, билиб ту-

рибман, айбингизни очик-ойдин тан олишга гурурингиз йўл бермаяпти. Виждонингиз эса қийноқда. Узр айтиш билан бу қийноқдан қутулмоқчи бўляпсиз.

— Собитжон, қизишишининг ҳеч бир ҳожати йўқ. Келинг, сиз ўзингизча ҳақсиз, дейлик, — деди Тўқлиев уни мурасага чақириб. — Лекин мен ҳам ўшанда ўзимни ҳақ деб билганман. Уддасидан чиқа олсангиз, ҳақсизлигимни ётиғича тушунтиринг, ноҳақлигимга ишонч ҳосил қилдиринг. Ана ундан кейин мен сизга қойил қолай.

— Сиз шуни хоҳлайсизми? — деди Собит ҳамсуҳбатига жиддий қараб. — Ўтмишимни эслаш менга қанчалик оғир бўлса-да, майли... Марҳамат, ўтиринг.

Тўқлиев креслога яслади.

— Шуни ҳам айтиб қўяй!.. — деди Тўқлиев босиқлик билан. — Сизни ўтган воқеаларни ўйлашга, фикрлашга ундаётганим учун яна бир карра узр сўрайман. Мунозарамиз кескин тус олмаслиги керак. Ахир, биз дам олгани келганмиз-а! Бир-биримизни иложи бори-ча сўз калтагидан аяйлик демоқчиман.

— Розиман...

— Бўпти, — деди Тўқлиев илжайиб, — тўғридан-тўғри муддаога кўчаверинг.

Собит собиқ бошлиғи билан мунозара қилишга розилик билдирди-ю, лекин дилидан: «Бекор рози бўлдим-да, — деган ўй кечди. — Эски дардни янгилаш шартми?.. Кел-э, зора аламларим бир оз тарқар...»

У собиқ бошлиғига кинояли жилмайиб гапга кўчди:

— Минг тўққиз юз олтиш тўққизинчи йилнинг январь ойидан бошлаб сизнинг қўл остингизда терговчи бўлиб ишлай бошладим.

— Бу менга аяён! — деди Тўқлиев. — Сизни вилоят прокурори бу ишга ундаганидан ҳам хабарим бор.

— Ҳа, шундай, дастлаб терговчилик ишига хоҳишим йўқроқ эди. Биласиз, колхозда шофёр эдим. Юридик факультетда ўқишни сиртдан давом эттираётган эдим. Декан юридик соҳасига ишга ўтиш зарурлигини уқтириб, бу ҳақда справка олиб келишни тайинлади. Мен туман ижтимоий таъминот бўлимига ишга кирдим. Лекин бир куни вилоят прокурори мени ўз ҳузурига чақиртирди, мутахассис кадрлар етишмаётганлигини айтиб, ишга таклиф қилди. Мен ота-онам қари-



лиги-ю укаларим ёшлигини, ҳали ўқишим ҳам битмаганлигини важ қилиб, унинг таклифига розилик билдирмадим. Барибир, ҳол-жонимга қўйишмай, ишга тайинлашди. Терговчилик иши машаққатлилигини, зиммамга инсон тақдирини ҳал қилишдек мушкул вазифа топширилганини, менга осон кўчмаслигини тушунар эдим. Лекин қонун идорасида масъул вазифада ишлаб туриб, ўзига қонун ҳимоячилигини ниқоб қилиб олган баъзи бир шахсларнинг қинғир ишлар билан шуғулланиб, иши тушган кишиларга нисбатан очиқдан-очиқ хиёнат қилишларига чидаб туролмадим.

— Кимларни назарда тутяпсиз? — деди Тўқлиев кўзлари каттариб. — Бу ерда икковимиздан бошқа ҳеч ким йўқ. Очиқроқ айтаверинг.

— Келинг, сиз айтганчалик бўлсин! — деб давом этди Собит. — Чамамда, туман судининг раиси Ортиқовнинг қандай шахс эканлиги сизга яхши маълум эди. У тўғридан-тўғри судга иши тушган кишиларнинг тақдирини унинг чўнтагидаги пулига қараб ҳал қилишини сезар эдингиз. Аммо кўз юмиб, ўзингизни билмаганликка солардингиз. Ўйламанг, мен бировга ноҳақ туҳмат қилаётганим йўқ, аксинча, ҳар бир даъвомни рад қилиб бўлмас далиллар билан исботлаб бераман.

— Менга сизнинг дадиллигингиз ёқади, — деди Тўқлиев. — Лекин мени қандай далиллар билан мот қилмоқчисиз — ана шунга қизиқиб қолдим.

— Эсингиздами, «Октябрь» колхозининг Дўрмон қишлоғидан Шамси исмли йигит ҳали баловат ёшига етмаган бир қизни олиб қочиб, номусига теккани?

— Янглишмасам жабрдийда Зайниев деган кишининг қизи эди, — деди Тўқлиев иягини қашиб туриб.

— Тўғри. Шамси эса автобазада шофёр эди. Қизни ўз розилиги билан олиб кетган. Маълумки, туман аҳолисининг кўпчилиқ қисми туркманлар. Уларда қиз олиб қочиш одат тусига кириб қолганини ҳам яхши биласиз. Албатта, қиз йигит билан келишган, аҳдлашган ҳолда қочади. Олиб қочилган қизнинг ёши никоҳ ёшига атиги уч ой етмаган. Судья Ортиқов эса йигитга етти йил қамоқ жазоси ҳукмини чиқарди. Сизнингча, бу адолатли жазоми?.. Йўқ, судья билиб туриб, шафқатсизлик қилди. Яна бир асос. Лекин буниси ҳозир айтган далилимнинг тамоман акси. Мазкур колхоз-

нинг Хўжаобод қишлоғида яшовчи, шу хўжалик ҳудудида жойлашган кўз касалликлари клиникасининг омбор мудир Чори Нурматов оиласи — хотини, икки нафар боласи бор. У, шунга қарамай, клиникада давланаётган эндигина ўн беш ёшга тўлган Ойгул исмли қизнинг номусига тажовуз қилган. Бу жиноятчига эса уч йил қамоқ жазоси берилди.

Хўш, нега судья Ортиқов меҳнатқаш, илгари уйланмаган Шамсига уйланиш мақсадида қизни ўз розилиги билан олиб қочгани учун унга оғир жазо қўлади-ю, бола-чақали Нурматовга уч йил жазо тайинлади? Бу ишдан ниманинг ҳиди анқиб турганини ўшанда сезмаганмидингиз? Аксинча, аниқ сезган эдингиз. Нурматов Шамсига нисбатан бир қадар оғир жиноят содир қилганини ҳам биласиз. Хўш, Нурматовга енгил жазо тайинланишига боис нима? Бунда ижрочи томоннинг каттагина моддий манфаат кўрганлиги ҳаммага ҳам равшан-ку! Эҳтимол, ўзингиз ҳам қуруқ қолмагандирсиз?

— Дарров хулоса чиқаришга шошилманг-да, — деди бир оз тундлашган Тўқлиев. — Шамсига оғир жазони сиз эмас, судья қўллаган-ку! Сизга нима? Нега айбдор учун бунчалик куйиб-пишяпсиз?

— Ҳа, янглишмадингиз. У йигитнинг ноҳақ оғир жазо олганига терговчи сифатида тоқат қилиб туролмадим. Сиз эса прокурор сифатида миқ этмадингиз. Ўринсиз бўлса ҳам айтишга тўғри келади, менинг бирдан-бир хатоим шуки, судья Ортиқовнинг ноғорасига ўйнамадим. Шу туфайли айбсиз айбдор, жиноятсиз жиноятчига айланиб қолдим. Чунки Нурматовнинг жиний ишини мен тергов қилган эдим.

Эсимда, бозор куни эди...

Туман ички ишлар бўлимининг бошлиғи менга телефон қилди ва вояга етмаган Ойгул исмли қизнинг отаси арз билан келганлигини айтди. Ойгулни бир кун бурун Нурматов деган шахс клиникадан мотоциклида олиб келиб, уйига қўйиб кетган экан. Орадан бир кун ўтгач, қиз тўсатдан йўқолиб қолибди. Шу воқеа бўйича зудлик билан тергов олиб борилиб, чиндан ҳам клиника омбор мудир Нурматов ўн беш ёшли Ойгулнинг номусига текканлиги аниқланди. Ўша куннинг ўзида қизнинг ота-онаси, уруғ-аймоғи жанжал

кўтариб келишди. Айбдор ҳаёти хавф остида қолгани туфайли эҳтиёт чораси қўлланиб, Нурматов қамоққа олинди. Унинг устидан Республика жиноят мажмуасининг<sup>1</sup> 95-моддаси иккинчи қисми билан жиноий иш кўзлатилди. Бу ишни жиноят содир бўлган куни мен амалга оширдим. Дам олиш куни бўлгани сабабли бу воқеадан сиз ҳам, суд раиси ҳам хабарсиз қолган эдингизлар.

— Тўғри, — деди Тўқлиев чаккасини қашиб туриб. — Кейин сизга иш юзасидан терговни пухта олиб боришни тайинлаганман.

— Худди шундай, сиз ўзингизга ишониб топширилган прокурорлик бурчини адолатли бажаргандек бўлдингиз. Лекин зимдан мутлақо бошқача йўл тутдингиз.

— Э... Э!..

— Сабр қилинг, исботлаш қочмас. Гапнинг давомини эшитинг. Воқеанинг иккинчи куни судья Ортиқов мени ўз кабинетига таклиф этди. Гапни узоқдан бошлади. Келишиб ҳар иккала томонга фойда келтиришни шипшиди. Сўнг у Нурматов тўғрисида тўпланган материалларни йўқ қилиб ташланг, дарҳол уни қамоқдан бўшатинг. Бунинг эвазига, албатта сиз ҳам бир нималик бўлиб қоласиз, деди. Кейин, жабрдийда қизнинг отаси алақачон Нурматов билан ўзаро келишганини айтди. Аммо, мен бу таклифга рози бўлмадим. Исботи: ўша куни қизнинг отаси олдимга кириб, агар бизлар Нурматовга нисбатан даъвоимиздан кечсак, оқибати нима бўлади, деб сўради. Шунда мен унга инсон ор-номуси пулга сотилмаслигини, айбдорнинг оиласи, болалари борлигини, ҳеч қачон Ойгулни хотинликка олмаслигини, олгани тақдирда ҳам бирор кун жанжал чиқиб, кўнгилсиз воқеа юз бериши мумкинлигини тушунтирдим. Кейин, оқибат Ортиқов билан ўртамизда адоват пайдо бўлди.

Орадан кўп ўтмай, Нурматовнинг туғишган акаси бошлиқ бўлган туман ўсимликларни ҳимоя қилиш идораси тракторчиси Жумаев Карим ҳам жиноят қилди. У қўшниси, никоҳ ёшига икки ой етмаган Холова Дил-

<sup>1</sup> Асарда кўрсатилган жиноят моддалари, қисмлари республика собиқ иттифоқ таркибида бўлган даврдаги жиноят мажмуасига ҳос.

дорни хотин қилиш мақсадида қизнинг розилиги билан олиб қочган. Қизнинг отаси томонидан берилган аризага асосан Карим устидан жиноят иши қўзғатиб, тергов олиб бордим.

Жумаев, қизга уч кун ичидаёқ уйланганлиги сабабли, жиноят кодексининг 98-моддаси иккинчи қисми билан айбладим. Жиноят иши шахсан сизнинг назоратингиз орқали туман суди муҳокамасига юборилди. Орадан уч кун ўтгач, туман судининг раиси Субҳон Ортиқов Жумаевнинг жиноий ишини олиб, сизнинг олдингизга келди. Мени дарҳол ҳузурингизга чақиртирдигиз. Ортиқов гапга кўчди. Жумаевга жиноятга қўйилган моддадан ташқари яна унга жиноят мажмуасининг 95-моддаси иккинчи қисми билан ҳам айб қўйиш лозимлигини айтди.

Шунда мен судьяга Жумаев Каримнинг жинояти ҳаракатида 95-модда аломатлари йўқлигини, у қизни хотин қилиш мақсадида олиб қочганлигини, ҳатто тўй қилиб, бирга яшаб турганини, бу ҳолатлар айбдор, жабрланувчи ва бошқа гувоҳлар кўрсатмаларида ҳамда жиноят ишида тўпланган материаллар билан тўлиқ исботланганлигини иккингизга айтиб, далиллаб бердим. Шунга қарамасдан судья Ортиқов Жумаевга нисбатан 95-модда билан айб қўйишимни қаттиқ туриб талаб қилди. Тўғриси айтсам, судьянинг мутлақ асоссиз ва қонунсиз фикрига, Йўлчи ака, сиз ҳам ҳеч иккиланмай қўшилдингиз. Ўша вақтда иккалангиз нима сабабдан қонунсиз ҳаракат қилдингизлар — унинг туб моҳиятига мен ҳамон тушунолмаيمان. Чунки мен ўша пайтда унчалик тажрибага эга эмас, иш бошлаганимга ҳали бир йил ҳам тўлмаган эди. Яна кўп йиллик тажрибага эга бўлган сиздек прокурор менга; ука, Жумаевнинг жиноят ишини суд қайта терговга ошириб, ортиқча машмаша кўтармасин. Ортиқов акангиз республика Олий судида ишлаган, тажрибали судья, бир гапни билмасдан гапирмайди. Бизнинг фойдамизни кўзлаб фикр билдирипти. Мабодо, суд тафтишида Жумаев ҳаракатида 95-модда аломатлари аниқланмаса, унда бу кишининг ўзлари бу айбни жиноятчи зиммасидан соқит қилиб, олиб ташлайди. Бу ҳолатнинг терговга ва терговчига ҳеч қандай дахли бўлмайди, деб мени ишонтирганингиз эсингиздами?

— Ҳа, чамаси, шунақа гаплар бўлган эди, — деди собиқ прокурор Тўқдиев юзини бужмайтириб. — Лекин мен, судья Ортиқов жиноят ишидаги нуқсонни тўғри таҳлил қилиб, ишимизга кўмаклашяпти, деб ўйлаганман. Тушунинг, агар иш қўшимча терговга ўтса, аввало сизнинг ишингизга бир минус қўшилган бўларди. Сизнинг хатоингиз эса прокуратура ишидаги нуқсон ҳисобланишини тушунасиз-ку! Мен ўз обрўимизни ўйлаб, сизга маслаҳат берганман. Лекин атайлаб сизни жиноятга бошлаган эмасман. Билсангиз, бундай фикр ҳатто ҳаёлимдан ҳам кечмаган. Сиз бўлсангиз, менинг бу ҳаракатимни жиддий хатога йўйяпсиз.

— Ахир ўшанда мен тергов ишлари ҳар томонлама пухта олиб борилганлигини билдирган эдим-ку! — деди Собит овозини сал баландлаб. — Энди эса ўшанда қонунни четлаб ўтмоқчи бўлганлигингизни тан олгингиз келмаяпти. Ҳолбуки, судья жиноят ишидан камчилик топиб, уни терговга қайтарадиган бўлса, бошқарув мажлиси ажрими билан рўйхатдан чиқариб, прокуратурага юбориши лозим эди. Ишнинг тартиби ва қонун талаби шундай. Судья Ортиқов бўлса маккорлик қилди. Чунки у бундай ишларга устомон эди. Жиноят ишини бошқарув суд муҳокамасида кўрмасдан, ҳисобдан чиқармасдан сизнинг иштирокингизда келишувчилик қилди. Кейинги кун билан Жумаевга жиноят мажмуасининг 95-моддасини қўшиб, айб эълон қилишни айтди. Мен ўшанда сизнинг топширигингизга асосан Жумаевнинг жиноят ишидан илгариги ҳақиқий айб эълон қилиш қарори ва айбланиш фикрини олиб ташлашга мажбур бўлдим. Кейинги кун билан айбдорни прокуратурага чақариб, унга жиноят мажмуасининг 95-моддаси иккинчи қисмини қўшиб айб эълон қилдим. Шунда Жумаев эътироз билдирди: менда нима қасдингиз бор? Икки йилгача жазо кўрсатилган моддани қўллаган эдингиз-ку?! Нега яна оғир модда билан айб қўйяпсиз, деб жанжаллашди. Чунки у ҳақ эди. Унга воқеани, вазиятни қандай тушунтиришни билолмай, виждон азобида қийналиб қолдим. Сиз эса менга ўз сўзингизни ўтказа олганингиздан мамнун эдингиз. Ноҳақ ишнинг оқибати қандай, нима билан тугаши сизни заррача ҳам қизиқтирмасди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Жумаевнинг жиноят иши судья Ортиқов раислигида суд мажлисида кўрилди. Унга жиноий ҳаракатида умуман йўқ 95-модда қўлланилиб, тўрт йил, яна 98-модда билан икки йил қамоқ тайинланди. Бу билан Ортиқов олдиндан режа-лаб юрган ўз макр-ҳийласини ишга солди. Боя юқорида қайд қилиб ўтганим — маиший бузуқ Нурматов иши юзасидан мендан ўч олиш мақсадидаги ниятини амалга оширишга киришди. Сиримни фош қилиб қўяди, деб мендан хавфсиради... Фурсат топиб, Жумаевнинг қариндош-уруғларини менга қарши гижгижлади. Жумаевни аслида 95-модда билан айблаган терговчи Аннаев, деб улар томонидан менга нисбатан ифво уюштирди. Жумаев ҳибсга олингандан кейин унинг отаси Тангриев Остонбой менинг ўзим терговчи Аннаевга, ўвлингизга енгиллик бераман, дегани учун пул берган эдим, деб туман прокурорига, яъни шахсан сизнинг номингизга ариза берган. У сизнинг ҳузурингизга туман ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари Хўжаназаров билан кирган. Хўжаназаров ҳам, кеча судда ҳукм ўқилгач: айбдор ҳамда ота-онаси роса жанжал кўтаришди; терговчи биздан пул олган, деб айтишди, деди. Сиз Остонбойнинг аризасини қўлидан олиб, воқеани суриштирмай-нетмай вилоят прокурорига қўнғироқ қилиб, мени ёмонлагансиз. Кейин бошлиқ номига рапорт ёзиб, уни ўз қўлингиз билан олиб бориб бергансиз.

Ўшанда сиз ақл-фаросат билан одилона иш тутганингизда мен тўғримдаги иш бунчалик жиддий тус олиб кетмаган бўлур эди. Жиноятчининг отаси Тангриевнинг терговчи Аннаевга, пора бердим, деган мазмундаги аризасини қўлингизга олганда ҳеч бўлмаганда ундан: сиз пора берган бўлсангиз, бу воқеани оилангиздаги кишилардан кимлар билади? Пулни кимлардан, қаердан олдингиз? Пулни терговчига қандай ҳолатда бердингиз, деб суриштиришингиз, сўрашингиз мумкин эди-ку! Ахир, биз бир идорада ишлар эдик. Мени ҳузурингизга чақириб, мана бу фуқаро сизнинг устингиздан арз қилиб келди, деб аризачи билан юзлаштириб, ҳақиқатни аниқлаш сизнинг бурчингиз эди. Сиз бўлсангиз... Ахир, иккимиз ўртамизда ҳеч қандай келишмовчилик, низо йўқ эди-ку!

Айтинг-чи, мени жиноят ишига қўшимча модда қўллашга уннаган пайтингизда шаънимизни ўйлаб иш тутган эмасмидингиз? Энди нега терговчингиз обрўйини назарда тутмай, ҳали ҳеч ерда ҳеч гап йўқ, вилоят прокуратурасига қараб югурдингиз? Бундай қилишга сизни нима мажбур этди? Виждонми ёки бир ҳақгўй, адолатпараст ҳодимдан тезроқ қутилиш илинжими?

«Вой муғамбир-эй, ер остида илон қимирласа билади, — дея кўнглидан кечирди Тўқлиев. — Дилингда нима муддаонг бор — ҳаммасини пайқаб, сезиб тургандай. Тўғри, сендан қутулиш ниятим йўқ эмасди. Чунки сенинг ниҳоятда тез ўсиб кетаётганинг ёқмагани менга. Тез орада ўрнимга талабгор бўлишинг мумкин эди. Яна баъзи бир ишларни амалга оширишимда йўлимда турган ғов эдинг. Сен ҳақгўйга ишониш — ўт билан ўйнашиш билан баравар эди. Янглишмаган эканман. Сен устингдан қўзғатилган жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилгач, тез орада поғонама-поғона кўтарилиб, мавқеинг ошиб кетди. Мен эса кечакундуз юрак ҳовучлаганча яшай бошладим. Бу одамнинг менга тиши, ўчи борлиги аниқ. Пайт кутиб юрибди, деган шубҳа билан яшадим. Лекин барибир сенга чоҳ қазган ғанимларинг мақсадига эришди...»

— Мен аввало ўз итоатимдаги ходимимнинг кўнглини ранжитишга ботинолмадим, — деди афти буришиб, қўлларига титроқ югурган Тўқлиев ўзини оқлашга уриниб. — Яна прокуратурада юз берган ҳар бир «ЧП» юзасидан бошлиқни хабардор этиб туриш бурчим-ку, ахир?!

— Ҳа, сизнинг ҳам, менинг ҳам биринчи галдаги бурчимиз аввало қонунни ҳимоя қилиш, инсон ҳақ-ҳуқуқининг ўринсиз топталишига йўл қўймаслик! — деди кескин овозда Собит. — Бу ногаҳоний тўхматни эшитиб, қанчалик виждон азобига қолганлигимни билсангиз эди. Эртаси куни аризачи Тангриевни суд идораси олдида учратиш қолдим. Ноҳақ бўхтонга чидаб туриш менга жуда оғир эди. Атрофда ёт одамлар бўлишига қарамай Тангриевдан: нима учун тўхмат қилдингиз? Агар гапингизни исботлаб бера олмасангиз, ифво қилганингиз учун қонун олдида жавоб беришингизга тўғри келади, дедим. Ўзингизга айён, орадан икки кун ўтгач, Тангриев ўз гапидан қайтди. Ўғлим сўроқ қилин-

ган даврда мен қишлоқда умуман бўлмаганман. Терговчи Аннаевни кўрган ҳам эмасман, унга ҳеч қандай пул ҳам бермадим. Ариза ҳам ёзган эмасман. Бу гаплар ёлгон, деб ёзма кўргазма берган. Агар сиз прокурор сифатида Тангриев ариза берган пайтдаёқ воқеани суриштирганингизда эди, гап нимадалиги аниқланиб, тухматчилар фош этилган бўлар эди. Аммо, тамоман аксинчаси бўлди. Сизнинг мен ҳақимда ёзган рапортингиз ўз кучини, қудратини кўрсатди: мен ишдан четлаштирилдим. Вилоят прокурори менинг устимдан тергов олиб боришга буйруқ берди. Мени прокуратуранинг бош терговчиси Тўхтабоев, кейинроқ эса Мадраҳимовлар сўроқ қилишди. Ҳатто сўроқ қилинаётганимдан тергов бўлимнинг бошлиғи Исоқ Мардиев ҳам беҳабар қолди.

Жиноятчининг отаси Тангриев Остонбой даъвосидан қайтгач, собиқ терговчига тухмат қанақа бўлишини энди Тангриевнинг ўғли Жумаев Карим кўрсатади, деб қамоқда ётган Карим орқали менга галдаги ифво уюштирилди. Жумаев бир сўроқда терговчи Аннаевга тўққиз юз сўм ёки тўққиз юз ўттиз сўм берган эдим, деган, иккинчи сўроқда эса минг сўм берганман, деб кўрсатма берган. Кейин, Аннаев ёрдам қилмайман, деб айтди, дея кўргазма берган. Яна у шу сўроқда пулнинг ярмини қариндошим Азизов Фазлиддиндан, қолган қисмини Қаландаров Жумабойдан олганман. Қарз кўтарганимни ота-онамдан яширганман, деб кўргазма берган. Аммо гувоҳлар ўша пайтда сўроқ қилинганда, улар бизлар Жумаевга умуман пул берган эмасмиз, дея ҳақиқатни айтишди.

Жиноятчи томонидан уюштирилган ифво тергов жараёнида ўз исботини топмагач, яна менга қайта ифво уюштирилди. Битта «ПК 9304417» рақамли бир сўмлик пул устига «Аннаев, 930.16.11» деб ёзишди. Пулни эса жиноятчининг онаси билан хотини вилоят прокуратурасига элтиб, далилий ашё сифатида топширди. Улар шу ишни қилсанг, ўғлинг, эринг жазодан қутулиб, қамоқдан чиқиб келади, деган ёлгон гапга учишган.

Жиноятчи Жумаев эса, тергов ва суд тафтишларидаги сўроқларда «9304417» рақамли пул устидаги ёзувни терговчи Аннаев мендан пора олганида тилхат ўрнида кўз олдимда ўз қўли билан ёзиб берди, деб кўргазма



берди. Хўш, айтингчи, агар мен ўшанда сизнинг сўзингизни ерда қолдириб, Жумаевга нисбатан қонунсиз қўшимча жазони тайинламаган бўлганимда шу кўйга тушган бўлармидим. Менинг ана шу ҳаракатим туҳмат, маломатларга қолишимга бирдан-бир сабаб бўлди-ку, ахир!

Мен на жиноятчи Жумаев, ва унинг ота-онасидан хафа бўлган эмасман. Чунки улар содда, оми одамлар эди. Менинг рақибларим эса бундан устомонлик билан фойдаланишди. Жиноятчи фақат қурол сифатида сизларга хизмат қила бошлади, холос. Лекин мен барибир Жумаевнинг содир этган жиноий ҳаракатида 95-модда аломатлари мутлақо йўқлигини амалда исботлаб бердим. Менинг устимдан тергов олиб борилганда Жумаевга нисбатан қўлланилган оғир модда туфайли менга нисбатан ифво уюштиришга асос солинганлигини, аслида менинг ҳаракатларим ўринли, тўғри эканини қатор рад қилиб бўлмас далиллар асосида исботлаб бердим. Сиз ҳам айбингизга тўла иқроп бўлдингиз. Жиноятчига нисбатан 95-моддани қўллашга мени ундаб, мажбур этганлигингизни тан олдингиз. Лекин қайта-қайта судлар бўлиб ўтанидан кейин, орадан қарийб ўн йил ўтгач, яъни 1979 йил сентябрь ойида бўлган Сирдарё вилоят судининг сайёр суд мажлисида инкор этиб бўлмас далиллар олдиди, ҳақиқат олдиди бош эгишга мажбур бўлдингиз.

Ҳамсуҳбатининг бу гапидан Тўқлиевнинг бўйни кичрайиб, ўтирган ерида чўкиб кетгандек бўлди. «Ўшанда даъвогар ва гувоҳлар қарама-қарши, бири-бирига зид кўргазма беришмаганида шўрингга шўрва тўкилган бўларди сен маҳмадананинг! — деди у дилида фикрини. — Рапортни шошма-шошарлик билан ёзганим ҳам ишнинг белига тебди. Сен ҳақингда берган кўрсатмаларимни уйдирмадан иборат, деб инobatга олишмади. Судья агар Аннаев ҳақиқатан ҳам айбига иқроп бўлиб, сизга, кечиринг, ёшлик, беақлик қилибман, деб айтган бўлса, нега унинг шу иқроп гапини вилоят прокурорига ёзма равишда берган рапортингизга қайд этмагансиз, дея эсанкиратиб қўйди-я!..»

Тўқлиев, гапириш малол келаёттандек чайналиб, зўрға гудранди.

— Тўғри, ўша суд тергови жараёнида мен бор гапни очик-ойдин айтганман.

— Айтганман эмиш! — деди кесатик билан Аннаев. — Айтишга, айбингизни тан олишга мажбур бўлдингиз. Ҳақиқатнинг кўзига тик қарашдан ўзга иложингиз қолмаган эди. Ўшанда судда жиноий иш бўйича тўпланган далиллар бирма-бир таҳлил қилинганда суд ҳайъати менинг айбим ўз исботини топмаганлигини баён қилди. Ҳатто айбимни исботловчи биронта қўшимча далил ҳам мавжуд эмаслиги алоҳида қайд қилиб ўтилди... Яхши биласиз, кейинчалик менинг талабим асосида жиноятчи иши вилоят судининг президиумида кўрилди. У содир этган жиноят ҳаракатида 95-модда умуман йўқлиги исботланиб, бу модда унинг айбидан олиб ташланди.

Келинг, биргина ушбу ҳолатни оқилона таҳлил қилиб кўрайлик. Ахир, айбланувчи Жумаев иши бўйича тергов ҳаракатларини бошдан-оёқ мен олиб борган эдим-ку! Агар мен унинг ота-онсидан бирор манфаат кўрганымда жиноят ишини кам аҳамиятли ёки исботланмади, деб бекор қилган бўлар эдим-ку! Бу ишни амалга ошириш учун менга ҳеч ким тўсқинлик қилолмасди. Чунки жиноят иши ўз қўлимда эди. Бир ўйлаб кўринг-а? Қонун-қондани тушунган мендек киши порани ола туриб, яна битта бир сўмлик четига фалончидан шунча пул олдим, деб ёзиб берган бўлармидим. Шахсан сиз менинг шундай йўл туттишимга ишонармидингиз? Йўқ, асло!.. Мен эса Жумаевни одилона тергов қилиб, делосини сиз орқали суд муҳокамасига юборганман. Бундан ташқари мен Жумаевдан манфаат кўрган бўлганимда унга айб эълон қилиб, шу ҳақдаги қарорга унга имзо чектираётганимда у тинч қараб турган бўлармиди? Ёки сизнинг фикрингиз — топширингиз билан унга қўшимча айб қўйганимда, қарорга унга қўл қўйдираётганимда у менга: «Аннаев, ахир, мен сизга пул берганман, ёрдам қиламан, деган эдингиз-ку» Нима учун яна айблаб ўтирибсиз?» — деб жанжал кўтарган бўлмасмиди? Ҳеч бўлмаганда бу гапни бошқа бировга айтиб, тегишли ерга арз қилган бўларди. Яна уни судья чақириб, қўлига айблаш фикридан нусха берганида бирор гап чиққан бўлар эди.

Бундай мантиқий хулоса ва ҳолатлар менга нисбатан тухмат уюштирилганлигини тўлиқ исботлаб берди-ку! Жиноятчининг ўзи ҳам, мен ҳеч кимга пора берган эмасман, айтганларимнинг ҳаммаси ёлгон. Жазодан қутулиш учун бировларнинг гапига кириб, шундай ишлар қилгандим, деб бор ҳақиқатни айтишга мажбур бўлди. Ҳатто унинг ота-онаси ҳам менга нисбатан ияво уюштирилганлигига тўла иқрор бўлишди-ку! Афсуски, улар айтган ўша бировларнинг кимлиги, тубан қиёфаси, мараз қилмиши «ПК 9304417» рақамли пул кимга тегишли экани фош бўлмай қолди. Даъвогарларим эса уларни ошкор этишдан чўчишди.

— Хўш, у маразларнинг фош бўлишини, кимлар эканлигини билишни сиз шахсан истармидингиз?

— Бўлди, бас қилинг! — деди зарда билан ўқрайиб Тўқлиев ва юрагини чангаллаган кўйи креслога беҳол суянди-ю ингроқ товушда эланди. — Илтимос, доктор қақиртиринг?..

Собит шоша-пиша телефон аппаратига ёпишди.

Эртаси куни, тушдан сўнг ҳамхонаси Тўқлиевнинг уйга жўнаб кетганлигини эшитгач, кайфияти баттар бузилиб, Собит оғир хўрсинди.

— Бечорани бекор виждон азобига солдим-а!..

\* \* \*

Эртаси куни Собит хонасидан умуман чиқмади. Тўқлиев унинг бутун аламини қайтадан қўзғаб кетган эди. Дили гаш, кўнглига чироқ ёқса ёримасди. Боз устига бошига тушган ташвишлар уни ёлғизликка, иложи борича таниш-билишлар назарига чалинмай юришга ундарди. Бирор таниши дуч келиб, ҳол-аҳвол сўраса ҳам, аламини қўзитаётгандек бўлиб туюлар эди. Шу боис кўп вақтини ёлғиз ўтказарди. Бундай пайтларда кўпинча хаёл сурарди.

Мана, ҳозир ҳам диван-каравотда чалқанча ётибди. Бармоқларини чирмаштириб, қўлини боши остига қўйган, ўйчан нигоҳлари шифтга қадалганди.

«Гапларим малол келган бўлса ўзидан кўрсин! — деди у чуқур хўрсиниб, кеча ҳамхонаси Тўқлиев билан бўлган мунозарани фикран қайта таҳлил қиларкан. — Ўзи бошлади-ку, чидасин эди-да... Ахир, шу маккорнинг гапига учиб, ўзимни минг бир балога дучор эт-

дим-ку! Бир неча бор тергов қилиниб, ўз исботини топмаган ишни қайта бошдан қўзғашди-я!..

Ахир, у ҳаётида юз берган нохуш, кўнгилсиз воқеалардан кейин, бутунлай айбсиз, деб топилган эди. Вилоят прокуратураси унга нисбатан қўзғатган жиноят ишини иккинчи марта бекор қилиб, уни ўз ишига қайта тиклаган эди.

«Иш давримда ҳеч қандай хато-камчиликка йўл қўймаган эдим-ку! — Алам, ўкинч билан ўйлашда давом этди у. — Ҳалол-покиза ишлаган кишининг ҳоли шуми? Кейинги бир неча йиллик иш фаолиятим даврида мен тергов қилган бирорта жиноят иши ҳатто қўшимча терговга ҳам қайтмаган ёки бекор қилинмаган эди-ку! Бирор одам менинг ҳаракатим устидан норози бўлиб, арз-шикоят қилмаган эди-ку? Томди туман прокуратурасида терговчи бўлиб ишладим. Вилоят прокуратурасининг бош терговчиси қилиб тайинлашди. Ҳамиша ишончни оқлаб келдим. Ишчанлигим, менга топширилган ҳар бир ишни, у хоҳ офир, хоҳ энгил бўлсин, пухта, виждонан бажарганлигим учун доимий равишда юқори прокуратура органлари томонидан мукофотланиб, ҳалол меҳнатим муносиб тақдирланиб турилди. Шу даврларда қаерда ишламай, мунтазам равишда бошланғич фирқа ташкилотининг котиблигига сайланиб келдим. Республика прокуратураси тергов группаси терговчиси сифатида ҳам бурчимни ҳалол оқладим. Сўнгра бошлиқлардан энгилроқ иш беришларини сўраб, илтимос қилдим. Жоңдор туманига терговчи қилиб юборишди. Яхши ишлаб турган эдим. Менга нисбатан етти йил аввал Жумаев Карим тухматига асосан қўзғатилиб, бекор қилинган жиноий ишни орадан шунча вақтлар ўтиб, яна қайта ҳаракатга келтиришди-я! Мен ҳақимда ёзилган бошдан-охиригача ифво, бўҳтондан иборат имзосиз хатни асос қилиб олишди-я! Яна лаънати «ПК 9304417» рақамли бир сўмлик тақдирим ҳал қилинишига асос қилиб олинди-я! Одамнинг ишонгиси келмайди сира. Тўрт-беш йил аввал Жумаевнинг хотинидан далилий ашё сифатида олинган бир сўмлик пул учун унга вилоят прокурори берган тилхат қандай қилиб ононимчилар қўлига тушиб қолди экан-а? Имзосиз хатда прокурор-

нинг бир сўмлик учун берган тилхати ҳам қўшиб юборилган-ку!

Сира ақл бовар қилмайдиган иш!..»

Собит терговчи Ҳошим Тожиддинов билан бундан бир йил бурун бўлган учрашувини хотирлай бошлади. Тасодифни қарангки, ўшанда иккиси поездда бир купега тушиб қолишди. Тожиддинов ёт одамдек, Собитга эътибор бермай, индамасдан жим турди. Лекин Собит ўтган ишга салават, деб у билан илиқ сўрашди. Учинчи йўловчи икки-уч станциядан кейин тушиб қолгач, купеда иккиси қолди.

Собит йўлга чиқиш олдидан улфатлари даврасида қиттак отиб олган эди. У бир оз ичса хиёл дадилланиб кетарди. Тожиддинов эса унга ботиниб тик қарашга журъат этолмай ўтирарди.

— Парво қилманг, Ҳошим ака, ўтган ишга салават! — деб ўртадаги сукутни бўлди Собит. — Агар сиз жим, мен жим кетаверсак, юраклар сиқилиб тарс ёрилиб кетади-ку!

Тожиддинов унсиз жилмайиб қўйди. Собит эса уни гапга тутиб, бир аламини тозалаб олмоқчи эди. Чунки у бир вақтлар ўзидан тергов олган бу фирром одам билан қачон бўлмасин бир бақамти туриб гаплашишни, юрагини обдан бўшатиб олишни кўпдан кўнглига тутиб юрарди. Мана энди ўша кутилган фурсат келди. «Гапни нимадан бошласам экан? Тўғридан-тўғри мақсадга кўчсам, ювга кўтармасмикан? Мендан қасд олмоқчи бўлди. Ёқамдан ушлаб бўғди. Вагон деразасидан ташқарига ирғитаман деб қўрқитди, деб яна бир янги ифвони бошласа-чи? Бу одамдан ҳар қандай ишни кутса бўлади. Яхшиси, ҳозирча...»

— Йўл бўлсин, Ҳошим ака, командировкагами? — деди у самимийлик билан. — Сафарингиз олисми?

— Москвага, иш билан! — Қисқа жавоб қилди у. — Ўзларидан сўрасак?

— Йўлимиз бир экан, — деди Собит ҳам. — Ўғлим ўша ерда ўқияпти, кўргани боряпман.

— Сизнинг олдингизда жуда хижилдаман-да, Собитжон, — деди у худди узр сўраётгандек бўлиб. — Ўшанда ишнинг мураккаблашиб кетишини билганим-да сизни сўроқ қилишдан воз кечган бўлардим.

«Виждонига зид гапиришини қаранг-а? — дея ичида койинди Собит. — Сенда виждон бормиди? Кел, гапни ўзинг бошладинг, энди буёғига чида!...»

— Эҳ, нимасини айтасиз, ака! — дея босиқлик билан гап бошлади Собит. — Дунёнинг ишлари ўзи шунақа экан. Ўртада бурун бўлмаса кўз кўзни ўяди, деб бежиз айтишмаган экан. Демокчиманки, кўрол-маслик ҳамма ерда бор. Баъзи бировлар на борингни кўра олади, на йўрингни; мабода вайратинг жўшиб, ишда ўзингни кўрсатаверсанг оёғингдан шундай чалишадик, то ўзингни ўнгариб олгунингча сочинг оқаради.

— Тўғри, баъзи-баъзида шунақаси ҳам бўлиб туради, — дея унинг гапини қувватлади Тождидинов. — Лекин бундай ноҳақ ишлар, албатта, маълум бир мақсадни кўзлаб қилинади.

— Кўзланган мақсад амалга ошмай қолса-чи? — деб сўради Собит. — Юзқоралик бўладими? Ноҳақ иш тутган одам-чи, виждон азобига қоладими?

Тождидинов жавоб ўрнига билмасам дегандек елкасини қисиб қўйди.

— Ажаб, қизиқ ишлар бўлади баъзида, — давом этди Собит, — ҳайратдан ёқа ушлаб қолади киши. Агар одамзод бир-бирига иши тушганда ақалли «кўз кўзга тушар, юз юзга...» нақлига амал қилганида ҳам уларнинг ораларидан ҳар қандай гап ўтмасин вақти келиб дуч келишганида бир-бирларига очиқ чеҳра билан қараган бўлар эдилар.

— Ҳа, бу борада сиз ҳақсиз. Ҳозир менга истаганча кесатиқ қилишга, қинғир қилмишимни шартта-шартта юзимга солишга ҳам ҳақлисиз. Одамга ўз тубан қилмишини эслаш нақадар оғир. Лекин ўшанда бурчимни, буюрилган ишни бажарган эдим.

— Ҳа... Лекин ишни бажариш билан бажаришнинг фарқи бор. — деди Собит Тождидиновга тифдор тикилиб. — Биров ўзига ишониб топширилган вазифани виждонан бажаради, биров эса виджонсизларча эплайди. Қош қўяман, деб кўз чиқариб юборади.

— Янглишмасам, мен билан учрашишга шундай қулай пайт кутиб юрган экансиз-да? — деди Тождидинов пичинг билан. — Омадингизни қаранг, яна қандай ҳоли жойда дуч келиб қолдик. Майли, истаганин-

гизча гапираверинг, саволга тутинг, розиман, лекин бир шарт билан: суҳбатимиз давомида қизишиб кетмасликка сўз беринг. Билиб, сезиб турибман, мунозари давом эттиришни хоҳлаб турибсиз. Шундай экан, самимийликдан четга чиқмайлик. Эзилган, азобга қолган юракни қайта қийнаш на сизга наф, на менга. Мен фақат юрак чигилларингизни бир оз бўлса-да очилишига, аламингиз енгиллашига, менга нисбатан сиздаги адоват оз бўлса-да юмшашига кўмак беришга ҳаракат қиламан, холос.

— Мен ҳам худди шундай истақдаман, — деди Собит. — Энди бизнинг ёқаталаш бўлишимиздан ҳеч фойда йўқ. Вақт ўтгандан кейин хинани... деган нақл бор.

— Ҳа-ха-ха! — Силкиниб кулди Тожиддинов. — Ҳали ҳам қизиқчилик одатингизни ташламаган экансиз-да! Хўп десангиз, каминада икки шиша пиво бор, йўлга чиқаётиб олгандим. Томоқни ҳўллаб туришга керак бўлар, а?

Тожиддинов эринмай сумкасини очди, ундан икки шиша пиво олиб, столчага қўйди. Бир шишанинг қоқоғини очиб, пиёлага пиводан куйди-да, Собитга узатди. Кейин:

— Сиз ўшанда республика прокуратураси қайта ҳаракатга келтирган ўзингиз тўғрингиздаги жиноят ишининг оқибати нима билан тугадини тасаввур қилолганмидингиз? — деди Тожиддинов, Собит кутгандек асосий мақсадга кўчиб. — Бу ишни қайта тергов қилишни менга топширишди. Ўша пайтда мен Тошкент шаҳар прокуратурасида ишлар эдим.

— Мен эса ўзимнинг ҳақлигимга, виждоним поклигига, ҳар қандай ҳолда ҳам ҳақиқат мен томонда бўлишлилигига аниқ ишонардим, — деди Собит. — Фақат менинг ҳақимда яна ифво уюштириш кимга зарур бўлиб қолганига фаҳмим етмаганди. Хабарим бор, сиз ўшанда жиноят ишини қайта тергов қилиш учун воқеа юз берган ерга бориб, ётиб олдингиз. Ёдингиздами, мени чақиртирганингизда сизга ҳеч қандай илтимос қилмаган эдим, ёрдам беринг, деб ялинмадим. Бир вақтлар ҳам менга нисбатан тухмат уюштирилганлиги, бу ҳолатлар ўша пайтлар чуқур текширилиб, тергов қилинганлигини, даъвогар Жумаев Карим ва

унинг ота-онаси гаплари аввалги тергов жараёнида бошдан-оёқ уйдирмадан иборат ифво эканлиги инкор этиб бўлмас далиллар билан исботланганлигини айтдим?

— Эсимда, лекин ўшанда мен сиздан сўроқ протоколи ёзиб беришни талаб қилмаган эдим, — деди Тождинов. — Ўзим ҳам ёзмадим.

— Тўғри, мен воқеани орзаки айтим-да-кетдим. Лекин сиз нега бундай йўл тутдингиз — ҳануз таажжубдаман! — деди Собит. — Балки, тергов услубингиз шундайдир. Психологик разведка ўтказмоқчи бўлгандирсиз. Ҳар ҳолда сиз гувоҳни эмас, жиноятчини чақиртирган эдингиз-да. Лекин шу орада сиз туманда юриб, фаҳмлашимча, менинг устимдан имзосиз тўхмат-аризалар ёзган айрим шахслар билан умумий тил топган эдингиз. Бўлмасам, мени иккинчи марта чақирганингизда бирдан тўнингизни тескари кийиб олмаган, ўзингизни ғайриларча тутмаган бўлур эдингиз.

— Ҳой, ҳой, укам, ана шу ерда жиндек янглишдингиз! — деди Тождинов. — Биласизки, бизнинг соҳада асло тахмин кетмайди. Исбот, далил тергов ишимиздаги энг муҳим масала! Сизга маълум, ҳар бир терговчининг ўзига хос иш услуби бўлади. Яна тергов жараёнида ишингизга шундай кучлар аралашадик, баъзида уларни чеклаб ўтиш амримаҳол бўлиб қолади. Ана шундай пайтда илтимос, буйруқ, топшириқларни сўзсиз инобатга олишга мажбур бўлиб қоларкан киши. Деяйлик айбдор енгил жазога маҳкум этилади ёки бутунлай қутулиб чиқади. Ким айбдор, албатта, терговчи! У жиноятчи билан тил топишган. Орада моддий манфаатдорлик бор. Бўлмаса, қонундан четта чиқолмас эди ва ҳоказолар... Кўринмас кучлар ҳақида эса ҳатто тасаввурга ҳам эга бўлишмайди. Сизнинг хулосангиздан ҳам худди ана шундай ёқимсиз ҳид келяпти, бу эътирозимга тан берасизми? Ахир сиз ҳам вақтида доно, тадбиркор терговчи эдингиз-ку?

— Ҳа, тергов жараёнида бундай ҳолатлар афсуски, тез-тез учраб турарди. Кимнингдир тирговчи, кимнингдир юқори лавозимда ишловчи ҳомийси ишимизга аралашиб қоларди. Аммо менинг ишимга бундайлар бурун суқишга журъат этишолмасди. Аралашилганда ҳам ҳамisha рад жавоби олишган. Ахир, терговчининг



бурчи ҳар қандай ҳолатда ҳам қонунни четлаб ўтмаслик эмасми?!

— Сиз ҳақсиз. Давом этинг.

— Иккинчи сафар чақиртирганингизда негадир менга нисбатан муносабатингизни кескин ўзгартирдигиз, — деди Собит. — Бу сафар ҳам мен бўлган воқеани биринчи марта баён қилганимдай айтиб бердим. Яна ҳамма айтганларимни сўроқ протоколига ўз қўлим билан ёзиб бердим. Сиз бўлсангиз, мен ёзганларни ўқиб кўриб, бу гапларни ёзишнинг ҳожати йўқ. Кераксиз гапларни ёзибсан, деб сўроқ протоколини кўз олдимда йиртиб ташладингиз. Кейин сўроқ протоколини менинг номимдан ўзингиз хоҳлагандай ёзиб тўлғиздингиз. Ҳолбуки, қонун талаби ундай эмас, сиз, мен — гумондор шахснинг барча важдаримни синчиклаб текшириб кўриб, кейин менинг кўрсатувларим тўғрими ёки нотўғрилигига қараб, баҳолашингиз лозим эди. Қонун талабига мутлақо риоя қилмадингиз. Айтинг-чи, сизнинг бундай вайриқонуний ҳаракатингизни мен — айбдор шахс сифатида қандай баҳолашим мумкин эди?

— Терговчи қоидага мутлоқ риоя қилмади. Моддий манфаатни қонун талабидан юқори қўйди. Бу иш кўришидан очиқ-ойдин билиниб турибди, — деб даъво қилишга ҳақли эдингиз, — деди Тождидинов чаккасини қашиб туриб. — Яна терговчи нега менинг номимдан сўроқ протоколини ўзи ёзиб тўлдирди? Нима, мен ундан саводсизмидим, деган талабни ҳам айтишга ҳақли эдингиз. Лекин мен барибир сизни айблашим, жиноятта иқрор эттиришим керак эди ўшанда. Тушунинг. Бундан ўзга иложим йўқ эди. Давр шунақа эди, юқоридан айтилган, буюрилган ҳар бир ишни, топшириқни сўзсиз, худди айтилгандек қилиб бажариш одат тусига кириб қолган эди. Бажармай кўринг-чи?

— Бундан чиқди, мақсадингиз аллакимгадир яхши кўриниш учун унинг ноқонуний топшириғини бажариш, ўз ҳамкасбларингизнинг тақдирига тупуриш, қандай қилиб бўлмасин уни жарга қулатиш экан-да! — деди Собит ижирганиб. — Ўзим ҳам терговнинг шу йўсинда боришани сезган эдим ўшанда. Судья Ортиқовни гувоҳ сифатида тергов қилганингизда ундан мени айблаб, кўрсатма беришни талаб қилгансиз. Унинг но-

мидан ҳам сўроқ протоколини ўзингиз тўлазгансиз. Гувоҳ умуман айтмаган гапларни протоколга киритиб гўёки, Аннаев пора олганидан мен — судья Ортиқов хабардор эдим, деган мазмундаги уйдирмани ёзаётганда ҳам виждонингиз заррача қийналмаган.

Ортиқов сўроқ протоколини ўқиганида унда ўзи мутлақо айтмаган жумлалар ёзилганлигини кўриб, ҳайрон бўлган. У, мен ёмонлаб ёзилган ўринларга эътироз билдирган. Протоколга ёзма равишда тузатиш киритиб, ўз фикрини очиқ-ойдин, баён қилган-да, кейин имзо чеккан. Бу қип-қизил масхарабозликнинг ўзи-ку! Бундай ҳол ҳеч қандай қонун талабига тўғри келмаслигини яхши билардингиз.

— Ҳа, сўроқ протоколининг ярми менинг қўлим билан сизни ёмонлаб тўлазилгани рост, — дея иқрор бўлди Тождидинов. — Ярми эса гувоҳ қўли билан бошқа мазмунда ёзилган. Бу фактнинг жонли гувоҳи, мана, менинг ўзимман. Балки, республика прокурори номидан борган вакил наҳотки шунчалик пасткашлик қилди деб ҳайрон ҳам бўлгандирсиз? Такрор айтаман, ўшанда қандай қилиб бўлмасин сизни қоралашим шарт эди. Лекин узр, сабабини сизга ошкор айтишга ожизман. Виждонан айтганда, сизнинг жиноят ишингиз бўйича терговчи сифатида амалга оширган ҳаракатларимни оқлашга ҳеч ҳаққим йўқ. Мени тўғри тушунинг. Отилган ўқ ҳеч қачон милтиққа қайтиб кирмайди.

— Тушуниб турибман. Йўл қўйилган хатони тузатиш амримаҳол, демоқчисиз, — деди Собит дангал. — Лекин бу хатонинг оқибати мени бир умр қийноқ азобига маҳкум этганини биласизми? Афсуски, билмайсиз. Буни виждонли одамларгина билади. Сиз, ўртоқ терговчи, ўшанда хато қилибгина қолмай, жиноятга қўл урдингиз. Тергов ҳаракатларини қонун талабига зид равишда бир томонлама олиб бордингиз. Мени ҳақиқий жиноятчи, деб прокуратура раҳбарларини ишонтиришга эришдингиз. Ниҳоят рухсат олишга, мени айбсиз қамашга муваффақ бўлдингиз. Ўзингизга аёнки, юқоридаги вайриқонуний ҳаракатларингиз учун сизга тергов беришдан бош тортдим. Менинг талабларим ҳамда келтирилган вазларим қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини текшириб кўришни, ишдаги «ПК

9304417» рақамли бир сўмлик пул устидаги ёзувни экспертиза йўли билан кимга тегишли эканини аниқлашни илтимос билан ўтиниб талаб қилдим.

Менинг бу эътирозим қонун талабига биноан сиз томонингиздан синчиклаб, пухта текшириб кўрилиши ёинки асослантирилган қарор билан рад қилиниши лозим эди. Бу ҳақда менга билдирилиши шарт эди. Қонуннинг бу талаби ҳам умуман бажарилмади. Сиз бўлсангиз менинг иштирокимсиз жиноий ишимни сиртдан наридандан бери тамомлаб, суд муҳокамасига юборгансиз.

— Яхши биласизки, ишимизда муддат деган нарса бор, — деди Тожиддинов, Собитга мўлтираб қараркан. — Муддатни чўзишга асос излаб ўтиришни ўзимга эп кўрмаганман. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, мақсадим — машмашали ишингизни мумкин қадар тезроқ ўзимдан соқит қилиш эди. Иш суддан қайтган тақдирда иккинчи марта сизни тергов қилишимга розилик билдирмаслигингизга ишончим комил эди. Сидқидилдан айтяпман, ишонинг, ниятим шу эди.

— Бошлиқлар олдида ҳам юзингиз ёруғ бўларди, шундайми? — деди Собит худди Тожиддиновнинг кўнглидаги гапни топгандек. — Чунки, сиз буюрилган ишни маълум даражада қойиллатиб бажарган бўлиб қолавердингиз. Афсуски, сиз ўйлаганчалик бўлмади. Ўша сиз айтган кўринмас куч суд тафтиши давомида ҳам ўз кучини, қудратини кўрсатди.

— Бунисидан хабарим йўқ! — деди Тожиддинов ҳамсуҳбатидан нигоҳини олиб қочаркан. — Боя айтдим-ку, мақсадим — чалкаш ишингиздан тезроқ қутулиш эди.

— Қаматиш йўли биланми ёки?..

— Ниятим нимадан иборат эканлигини айтдим-ку! Ишонмаяпсизми?..

— Менинг жиноий ишим август ойида Жиззах вилоят суди раисининг муовини Умарқулов раислигида суд муҳокамасида кўрилди. Умарқулов суд тафтишини, яъни суд терговини бир томонлама олиб борди. Сабаби, бу иш республика прокуратурасидан юборилган. Авваламбор шундай улуғ даргоҳдан тасдиқлаб жўнатилган жиноят ишини йўққа чиқаришга Умарқулов ҳеч вақт журъат эта олмасди. Яна сиз таърифини

келтирган ўша кўринмас кучлар тинч қараб туролмади. Шу боис ҳам республика прокуратураси фикрига қарши чиқмаслик мақсадида судья Умарқулов ҳақиқий ҳолатни аниқлашга мутлақо ҳаракат қилмади. Аксинча, очикдан-очик қонун талабини бузиб, мени қоралашга ўтди. Суд процессида даъвогар Жумаев ақалли бирор-бир аниқ кўрсатма беролмади. «Аннаевга пул бердимми, ёки бермадимми, аниқ эсимда йўқ. Сўроқ протоколини мени тергов қилган Тожиддиновнинг ўзи тўлазиб, менга дўқ уриб мажбуран имзо чектирди, унда нималар ёзилганлигини менга ўқиб бермади», деб гувоҳлик берди. Судья Умарқулов бўлса унга ҳадеб луқма ташлайвериб, даъвогарни қарийб бир соат давомида чалғитишга уринди, ундан мени қоралаб гапирни талаб қилди. Ҳатто, сени ҳозироқ қамоққа олдиртираман, ифвогар сифатида жанобгар қилиб юбораман, деб дўқ уриб, кўрқитди уни. Барибир ҳеч бирор-бир натижали иш чиқаришга кўзи етмагач, танаффус эълон қилди.

Танаффус пайтида судья даъвогар Жумаев Каримни ҳузурига чақириб, қўлига сиз тўлағизган сўроқ протоколини тутқазган ва унга: «Шу протоколда нима ёзилган бўлса уни қайта-қайта ўқиб чиқиб, шу гапларни суд тафтиши пайтида бирма-бир айтиб берасан, мен сенинг фойдангни кўзлаб гапиряпман, бўлмаса, ифвогарликда айбланиб қамалиб кетасан. Аннаевни обрўсизлантирдиг, у энди сени қаматмасдан қўймайди», деб Каримни кўрқитган ва ўз маслаҳатига кўнишга уни даъват этган.

— Сиз судьянинг бундай ноҳўя хатти-ҳаракатини қаердан била қолдингиз ўшанда? — Ажабланиб сўради Тожиддинов. — Даъвогарнинг ўзи айтдимиз?.. Ёки шунчаки ўйлаб топилган баҳонамиди?..

— Даъвогар судьянинг ҳузуридан чиқибок, бўлган гапни бир қариндошига айтган, маслаҳат беринг, қандай йўл тутай, боши берк кўчага кириб қолдим, деган. Қариндоши эса менинг ёшлиқдаги қалин дўстим эди. У имонли одам, даъвогар кўрқитилаётгани, йўлдан урилаётганини айтиб, мени огоҳлантирди.

— Нима, бу мантиқсиз гапингиз билан, судья Умарқулов ҳам сизлар билан ҳамфикр экан, демоқчимисиз? — деб сўради Тожиддинов. — Олдиндан айтиб

қўяй, агар шундай деб ўйлаётган бўлсангиз қаттиқ янглишган бўласиз.

— Балки... Лекин менинг асоссиз гап-сўзларга учмаслигимни биласиз. — Давом этди Собит. — Умарқуловнинг бу вайриқонуний ҳаракатини билиб, ҳайратлангандим ўшанда. Сиз судьянинг бундай ўринсиз ҳаракатини унинг камчилиги, деб ўйларсиз. Лекин мен бу ҳолни қалтис жиноят, деб биламан.

Танаффусдан сўнг суд қайта бошланди. Даъвогар Жумаев танаффус пайтида судья билан бўлган учрашувини, судьянинг қонунга зид гапларини айтиб, уни қўрқитганлигини очиб ташлади. Шунда мен дарҳол судьяга раддия ёздим, унинг давогар айтган қонунсиз ҳаракатларини бирма-бир кўрсатиб, суд залидан чиқиб кетдим. Судья Умарқулов бўлса ҳеч нарсадан тап тортмай жиноят ишмини сиртдан кўрибди. Сиз — қорчалон терговчи тўплаган ёлғон-яшиқ материалларга асосланибди, мени порахўрликда айблаб, беш йил озодликдан маҳрум қилишга адолатсиз ҳукм чиқарибди. Менга қўйилган айб — порахўрлик, саккиз йилдан ўн беш йилгача қамоқ жазоси эди. Раҳмдилликни қаранг-а, ЖК 42-моддасини қўллаб, муддатни қисқартиришди. Ваҳоланки мен айбга мутлақ иқрор бўлмаганман. Мазкур модда эса судда қонун олдида айбига тўла иқрор бўлиб, пушаймонлар еган тақдирда қўлланилади. Айтинг-чи, бу одил қонунни менсимаслик эмасми? Бундай хато учун ким жавоб бериши керак?

— Демак, судья мен сизнинг устингиздан тўплаган, сизнингча мутлақо далил-исботсиз бўлган маълумотларга учиб, ҳукм чиқарибди-да? — деди писандсиз бир оҳангда Тожиддинов. — Бундан чиқди судья ҳам кўринмас кучларга ён босиб, адолатсизлик кўчасига кирган экан-да. Ахир у ҳеч иккиланмай жинойий ишни қайта терговга оширишга ҳақли эди-ку!

— Бошда айтдим, судья бундай қилишга журъат этолмасди деб! — дея давом этди Собит. — Агар жинойий иш тумандан йўлланган ёки вилоят миқёсида бўлганда эди, имоним комилки, судья Умарқулов асло бундай қалтис йўл тутмаган бўларди. Ишни дарров қайта терговга оширарди. Аммо мен ҳам қўл қовуштириб турмадим. Адолатни қарор топтириш, ўзимнинг ҳақлигимни исботлаш учун курашни давом эттирдим.

Жиззах вилоят судининг мен ҳақимда чиқарган адолатсиз ҳукми устидан ва тергов жараёнидаги сизнинг қонундан ташқари олиб борган хатти-ҳаракатларингизни бирма-бир кўрсатиб, республика Олий судининг жиноий ишлар бўйича судлов коллегиясига шикоят қилдим. Шикоятим жиноят иши материаллари билан Олий судда кўрилиб, Умарқулов томонидан чиқарилган нотўғри ҳукм бекор қилинди, жиноий ишни қайтатдан тергов қилиш учун республика прокуратурасига юборилди.

— Бундан хабарим бор. Республика прокуратураси тергов ишида қонун талаби қўпол равишда бузилганлигини инобатта олмаган эди ўшанда, — дея Собитнинг гапини бўлди Тождидинов. — Аннаевнинг жиноят иши қайта тергов қилинмасин, Жиззах вилоят суди тайинлаган жазо ўз кучида қолдирилсин, деб Олий суднинг жиноят ишлар бўйича судлов коллегияси чиқарган ажримни бекор қилишни сўраб, республика Олий суди Президиумига эътироз ёзилганини ҳам билар эдим.

— Шу жумладан, менинг қамоқда айбсиз ётганимни ҳам билардингиз! — деди Собит хиёл қизишган оҳангда. — Лекин сиз ўшанда бошлиқларга ёқиш учун уларни норорасига ўйнаб, соясига қуллуқ қилиб юрган қонуннинг бир субутсиз ҳимоячиси эдингиз, холос. Ўзингизга топширилган ролни виждонсизларча бажариб, бунинг эвазига орттирган ишончли ҳомийларингиз паноҳида бемалол юрган югурдек эдингиз.

— Илтимос, ҳақорат қилманг? — деди Тождидинов қизариб. — Бошда қизишмасликка келишганмиз-а!

— Узр... — деди Собит. — Менга ҳам осон тутманг. Сиз билган ўша норозилик протестига республика прокурорининг биринчи муовини Золотов имзо чекканини ҳам биламан. Ўша протест Олий суд Президиумидан ўтмади. У асоссиз бўлгани учун оқибатсиз қолдирилди. Жиноий ишим яна қайта терговга оширилди. Ана шундан кейин биринчи муовин Золотовнинг пайтавасига қурт тушгандек гимирлаб қолди. Жумладан, сиз ҳам... Чунки Золотов мени қамоққа олиш қарорига имзо чекканидан ташвишга тушиб, сиз тўплаган асоссиз далил ва гапларга ишонганидан пуншаймон қила бошлади. Мени тушунинг, балки ўшанда шахсан Золотов Виктор Алексеевичнинг менга нисбатан ҳеч қандай ғаразлиги бўлмагандир. Сизга ўхшаб у

бировлардан манфаат кўрмагандир. Аммо, масаланинг иккинчи нозик томони уни обдан ўйлашга, ўзини ҳимоя қилишга мажбур этди. Бунга сабаб, жинойи ишим Олий судга келиб ҳақиқат юзага чиқа бошлагунга қадар мен қамоқда сақланаётганимга ярим йилдан ошиб қолган эди. Агар ҳақиқат қарор топгудек бўлса, мен озод этилишим, исботланмаган далил — «ПК-9304417» рақамли бир сўмликни рўкач қилиб, мени сабабсиз жазолаган шахслар эса жавобгарликка тортилиб, айримлари вазифасидан ажралиши тайин эди. Шу сабабдан ҳам мақсадлари қандай бўлмасин, мени жинойи жавобгарликка тортиб, айби бор, деб топиш эди.

Менинг ишимни қайтатдан тергов қилиш эса республика прокурорининг ниҳоятда муҳим ишлар терговчиси Аслиддин Олимбоевга топширилди.

— Ҳа, ишимиз шунақа, ука! — дея бош ирғади Тождидинов. — Биримиз ёлчителиб пишитолмаган шовлани иккинчи биримиз пишитишга уринамиз. Дўппи тор келиб қолганда эса айбни масалиққа тўнкаймиз. Ўзимизнинг ношуддигимизни хаспўшламоқчи бўламиз. Сиз айтгандек жазодан қутулиб қолишга жон-жаҳдимиз билан тиришамиз.

— Лекин виждон азоби деган гап ҳам бор-ку, ахир! — деди Собит. — Бу азобдан қутулиб бўлармикан?

— Нимасини айтай, ука! — дея чуқур уф тортди Тождидинов нигоҳини ерга тикканча. — Виждон азобига эса ҳеч даво йўқ, қалбни бир умр тинимсиз кемириб, қийнаб юргувчи дард.

Поезд пишқирганча шитоб билан илгарилаб борар, Собит Аннаев билан Ҳошим Тождидинов ўтирган купеда эса юрак эзувчи сукунат ҳукмрон эди.

... Телефоннинг жириглагани Собитнинг хаёлини бўлди.

\* \* \*

Собит тушлик тутагач, ёлғиз ўзи боғни бир оз айланди. Кейин сўлим дарахтлар остидаги скамейкада ўтирди. Йўлкадан ўзи томон одимлаб келаётган Олимбоевга назари тушгач, дилидан, изимдан тушган эканда, муғамбир, деган ўй кечди. Юрист Аслиддин Олимбоев ёш жиҳатдан Собитга тенгдош, тўладан келган, қадам босишлари дадил эди.

— Одам деган ҳам ўзини таниш-билишидан шунчалик олиб қочиб юрадими, — деди у норози кўйда. — Ошхонадан чиқдингизу зумда вайиб бўлиб қолдингиз. Бунчалик ҳам бўлмабди-да, дўстим! Нима, ёки мен арпангизни хом ўрганманми?

— Йўр-э, шунчаки боғни ёлғиз кезгим келиб қолди, — дея баҳона қилди Собит ўрнидан даст туриб, Олимбоев билан илиқ сўрашаркан. — Қалай, дам олиш кўнгилли ўтаяптими?

— Қанақасига кўнгилли ўтсин! Ҳалитдан битта дилкаш ошнализни паттасини қўлига тутқазибсиз, — деди у жилмайиб. — Ҳатто хайрлашмай жуфтакни ростлаб қопти-ку! Энди кимни нишонга оляпсиз? Ишқилиб, мен эмасми, дўстим. Кеткизиб бўпсиз мени, ха-ха-ха...

— Айланамизми?...

— Бўлмасам-чи!... Бу ерда ҳаммадан ҳам соя-салқин кўп экан. Янги ҳамхона келдимиз ёки ўзим ўтайми?..

— Бир сиз етмай турувдингиз ўзи! — деди Собит. — Вайсайвериб, уч кунда миямни қоқиб қўлимга берарсиз. Чакагингиз бир очилмасин, тинимсиз вайсайвериб, қулоқни батанг қилмасдан қўймайсиз. Айниқса, мени сўроқ қилганингизда жуда ҳузур қилганман.

— Ҳи-ҳи-ҳи... Мақтовимни жа ошириб юбордингиз-ку! — деди Олимбоев қувнаб. — Нима, сиздек ичимдагини топ, дея мум тишлаган кишидек, жимгина хўмрайиб юраверайми? Унақада тарс ёрилиб кетаман-ку, ха-ха-ха...

Иккиси боғни эмин-эркин кезиб, ўтган-кетган гаплардан анча гурунглашгач, суҳбат мавзуси Собит тақдирига, у ҳаётда дуч келган тўсиқлар хусусига бориб тақалди.

— Ақлим ҳеч бовар қилмагани ўшанда сизнинг ишингиз бирдан чаппасига айланиб кетишига, — деди Олимбоев Собит тақдирига ачинган бир кўйда. — Жуда диёнатсизлик қилишди сизга. Авваламбор, ўшанда сизни тергов қилиш тушимга ҳам кирмагани. Бир ўйлаб кўринг-а? Бир соҳада ишлаётган ҳамкасбингни сўроқ қилиш нақадар оғир. Начора, топшириқни бажариш шарт... Лекин мен ўшанда ўз олдимга шундай мақсад



қўйган эдим. «Жиноий ишни ҳал қилишни менга топширишдими, окни — оқ, қорани — қора дейман. Оғзаки буйруқ, топшириқларни, у ким томонидан айтилмасин, қатъи назар, мутлақ инобатга олмайман, дегандим».

Ўзингизга маълум, то тергов охиригача шу аҳдимни бузмадим. Билсангиз эди, ишингиз юзасидан, уни бир ёқлама, яъни сизни қоралаб ҳал қилишни таъкидлаб қанчалик қўнғироқбозлик, топшириқ бўлганини... Иккиланган пайтларим ҳам бўлди, албатта. Лекин тезда ўзимни қўлга олдим. Хўп, маъқул, бажараман, деб ишонтириб ўз билганимча иш тутавердим.

— Ҳа, сизнинг ҳолингизга тушунган эдим, — деди Собит ҳамсуҳбатига мамнун қараб. — Ўшанда катта журъат қилган эдингиз. Бурчингиз олдида виждонингиз пок бўлиб қолди.

— Ишонасизми, биринчи тергов шу қадар чалкаш олиб борилган эканки, калаванинг учини топиш осон кўчмади. — Хиёл гурурланиб давом этди Олимбоев. — Эсланг-а, янглишмасам, ўшанда ҳалиги бир сўмлик пул бошингизга бало бўлиб турган эди-да.

— Ўша палакат бир сўмлик устидаги ёзувни ким ёзганлигини аниқлаш учун экспертиза тайинлаб зўр иш қилгандингиз. Бўлмасам, ҳолимга вой эди. Ашёвий далил — пул устидаги ёзув менинг дасхатимми ёки йўқлигини аниқлаш учун Хадича Сулаймонова номидаги республика суд медицина экспертизаси криминал тартибда хатшунослик экспертизаси ўтказиб, пул устидаги ёзувни Аннаев ёзган эмас, деб қатъий хулоса бергани жонимга ора кирган эди.

— Нимасини айтасиз! — деди Олимбоев бош сараклаб. — Даъвогарингизнинг, пул устидаги ёзувни Аннаев мендан пора олганида кўз олдимда ёзган эди, деган иқрорномасининг туҳмат эканлигини тажрибали хатшунос экспертлар илмий асослаб берганларидан кейин, сизнинг айбингиз йўқлигига ишона бошлаган эдим. Даъвогар Жумаевни сўроқ қилиб, агар бундан саккиз йил олдин терговчи Аннаевга пора берган бўлсангиз, уни қаерда, қандай ҳолатда бердингиз деб, унинг кўрсатмалари асосида амалий тергов ўтказдим. Шунда у туман прокуратурасининг беш йил бурун ишга тушган янги биносини кўрсатди. У шу бинода февраль ойида Аннаевга пора бердим, у мендан пулни олиб,

сандиққа ўхшаган сейфга қўйган эди, деб айтди. У айтган темир сандиқ прокуратурада умуман бўлмаган экан. Даъвогарнинг тергов давридаги ҳолатлари, кўрсатмасини холис гувоҳлар иштирокида протоколлаштириб, сурагга туширттирдим.

— Ахир, даъвогар айтган йилда туман прокуратурасининг янги биноси ҳали қурилиб битмаган, усти очиқ, эшик-деразалари ҳам ўрнатилмаган эди-да! Кейин, даъвогарнинг отаси Тангриев ҳам бўш келмади-ку ўшанда, — деди Собит кулимсираб. — Ахир, у, ўғли қамалгач, терговчи Аннаевга ўғлим қутулиб қолиши учун харж қилган пулни олгани унинг уйига бордим. Хотинидан уч юз сўм олдим. Ҳовлиси катта дарвозали эди. Аннаев ҳовлисида қора «Волга»ни ремонт қилиб турган экан. Хотинининг қўлида эмизикли боласи бор эди, деб кўрсатма берган эди-ку!

— Биламан! — деди Олимбоев бош ирғаб. — Бу борада ҳам амалий тергов ўтказганман. Даъвогарнинг отаси сизнинг уйингиз қолиб, автобус ҳайдовчиси Розик деган кишининг бир километр наридаги уйини кўрсатган эди. Тангриев айтган қора «Волга» хусусига келсак, бу фактни ҳам ҳар томонлама мукамал ўрганиб чиқдим. Сизнинг устингиздан жиноят иши қўзғатилган йили сизда ҳам, қариндош-уруғингизда ҳам қора «Волга» бўлмаган. Укангиз Чорида эса оқ «ГАЗ—21» енгил автомашинаси бор экан. Лекин у, сиздан йигирма километр йироқда, ота-онангиз билан бирга яшар экан. Сизга тухмат уюштирилгач, орадан икки йил ўтгандан кейин, укангиз авария қилиб, машинасини устахонада тузаттириб, уни қора ранга бўятган экан. Буни ўша устахона ходимлари расмийлаштирган ҳужжатлар тўлиқ тасдиқлайди. Тангриев даъвосини яна бир рад этувчи далил, ҳовлингизда умуман дарвоза бўлмаган, кичкина бир эшик бор экан, холос. Дарвозани эса воқеа содир этилган пайдан уч йил кейин ўрнатган экансиз. Бу ҳақда қўшниларингиз, дарвоза қурган уста Фармон Ҳамроев гувоҳлик беришди.

— Жумаев Каримнинг охирги даъвоси-чи? Терговчига пора учун берган пулимнинг олти юз сўмини унинг уйига бориб, ўзидан олганман дегани-чи?

— Каримнинг бу даъвоси ҳам ўз исботини топмади, — деди Олимбоев. — У кўрсатган гувоҳ Болтаев

даъвогарингизнинг илтимосига кўра, уни ўз машина-сига ўтқизиб, Қоракўл станциясигача олиб борганини айтди. Станцияга етмасдан Жумаев йўл бўйидаги бир уйнинг бериронида, машинани тўхтат, дебди. У машинасини тўхтатибди. Жумаев тушиб қолгач, машина ортига қайтган. Жумаев шу орада бир уйга кириб, уч сўмликлардан иборат уч юз сўм пул олганини, лекин у қайси хонадонга кириб чиққанини кўрмай қолганини, сизнинг уйингизни ҳам мутлоқ билмаслигини айтди. Даъвогарингиз эса мен олиб чиққан пул нуқул беш сўмликлардан иборат эди, деб ўз гувоҳи шохидлигига қарши кўрсатма берди. Иккиси юзлаштирилганда ҳам даъвогар сўзида қатъий туриб олди. Шундай қилиб, у ёлгон даъвосининг чуви чиққанлигини билмай қолди.

— Эсимда, иш бутунлай сизнинг фойдангизга ҳал бўлди. Чиндан ҳам сизни ноҳақ жавобгарликка тортган эканлар. Энди сизни озод қилмай иложлари йўқ, деб айтган эдингиз, — деди хўрсиниб Собит. — Сиздан шу гапни эшитган пайтимдаги қувончимни бир тасаввур қилсангиз эди!..

— Ҳақ гапни айтган эдим, — деди Олимбоев. — Даъвогарингиз Жумаев ва ота-онасининг сизга нисбатан берган барча кўрсатмалари бошдан-оёқ тухмат, фирт уйдирмадан иборат бўлиб чиққач, нима ҳам дея олардим. Лекин иш бутунлай чаппасига айланади деб сира ўйламагандим ўшанда. Кейин, жиндай ўзингиздан ҳам ўтди. Сабрсизлик, бетоқатлик қилдингиз. Айбсиз қамоқда ётганлигингизни рўкач қилиб, шикоят йўлламаган ерингиз қолмади. Яна хатларингизда, менинг сабабсиз жазога тортилишимда республика прокурорининг биринчи муовини Золотов ҳам асосий айбдорлардан бири, деб кўрсатгансиз. Аризаларингиздан бир нечтаси текшириш ва ҳал қилиш учун Золотовнинг қўлига келиб тушганидан хабарингиз бормиди ўзи?

— Йўқ, мутлақо хабарсиз эдим!.. — деди Собит. — Яширмайман, қамоқда туриб ёзган жамики шикоят-хатларим охирида менинг бегуноҳ қамалишимга сабабчи бўлган шахсларга қонун талаби бўйича чора кўрилишини сўраганим рост.

— Эсингиздами, ноҳақликка чидай олмаганимдан аччиқ бир ҳақиқатни ҳеч иккиланмай сизга очиқ-ойдин айтганим? — деб сўради Олимбоев. — Ҳолбуки, ундай гапни айтишга мутлақо ҳаққим йўқ эди.

— Ҳа, ўшанда сизнинг мардлигингиз, журъатингизга қойил қолган эдим, — деди мамнун Собит. — Тўплаган тергов материалларига асосланиб, жиноят ишини бекор қилиш, мени эса қамоқдан озод этиш ҳақида қарор чиқарганингизни билдирган эдингиз. Эртаси эса негадир жуда хафа кўриндингиз. Кейин, қарорни тасдиқлатиш учун Золотов ҳузурига кирганингизни, унинг қўлида юқори ташкилотдан текшириш учун юборилган менинг арзномам турганини айтдингиз. Яна Золотовнинг кайфияти учган, ниҳоятда жаҳлланиб турган экан, гапимни эшитгач, ўшқирганча: жиноят ишини бекор қилмасдан судга жўнат! Аннаев ҳақиқат қанақа бўлишини бир кўриб қўйсин, деб қатъий топшириқ берди, деган эдингиз.

— Золотовнинг дарғазаб бу гапи вужуд-вужудимни титратиб юборганди ўшанда, — деди Олимбоев. — Гап иккимиз ўртамизда қолсин. Биласиз, Золотовнинг қўл остида ишлайман. У бир сўзли, ҳукмини ўтказмаса қўймайди. Нима қилишимни, қандай йўл тутишимни билолмай, жиноят ишингиз яна қўлдан-қўлга ўтмасайди ҳали, деб жўнаб қолган эдим.

— Ҳа, ҳеч қандай далил-исботсиз яна айбсиз айбдорга айланиб қолганим жуда алам қилганди менга ўшанда, — деди Собит аттангнамо бош чайқаб. — Қарорингизни ўзгартирибсиз. Жиноят ишим яна Жиззах вилоят судига юборилди. Чорасиз қолганлигингизни тушундим. Сиздан ранжиганим ҳам йўқ. Ўшанда сиз бошлиқларингизга ўз фикрингизни тушунтиришга уринсангиз, белингизни букиб қўйишлари аниқ эди. Одилона йўл тутиб, яхши қилгансиз.

— Қўйсангиз-чи, ўша хатоим учун ўзимни бир умр кечиролмайман! — деди қўл силтаб Олимбоев. — Ўткинчи лавозимни ўйлаб, қуллуқ қилибман-а? Ахир, ўз фикримда қатъий туриб олишим мумкин эди-ку! Бошлиққа ҳам учрашишим мумкин эди. Энди эса виждон азобида қийналиб юрибман.

— Билсангиз, ўшанда юқори ташкилотларга арз қилишга алам туйғуси, ўч олиш туйғуси мени мажбур

қилган эди, — деди Собит. — Жиноят ишим бу гал вилоят судининг аъзоси Каромов раислигида кўрилди. Бу суд жараёнида ҳам менга тухмат қилингани рад қилиб бўлмас далиллар билан исботланди. Судья оқлов ҳукми чиқариб, ишни бекор қилиши лозим эди. Лекин у бундай қилмади. Ишни ўзидан соқит қилишни афзал кўрди. Аннаев айби тасдиқланмади, деб ишни яна терговга қайтариш ҳақида ажрим чиқарди. Бу ажримни ўз навбатида Олий суднинг жинойий ишлар бўйича коллегияси кўриб чиқди ва жиноят ишининг қайта тергов қиладиган жойи қолмаган, суд ҳайъати кўриб бирёқли қилиши керак, деган хулосага келди. Жиноят ишимни энди Сирдарё вилоят судига оширишди. Гулистон шаҳрида вилоят судининг аъзоси Холидов раислигида суд муҳокамаси бир ойча давом этди. Менинг мутлақо жиноятим йўқлиги, айбсиз қамокда сақланаётганлигим инкор этиб бўлмас далиллар асосида яна тўла исботланди. Шунга қарамасдан, суд ҳайъати суд мажлисини воқеа содир бўлган жойларни ўз кўзлари билан кўриб давом эттиришга ажрим чиқарди.

Орадан икки ойдан зиёдроқ вақт ўтгач, суд муҳокамаси сентябрь ойида яна Бухоро шаҳри ва Қоракўл туманида давом этди. Бу гал ҳам Жумаевнинг даъвоси тухмат эканлиги исботланди. Исботланганда ҳам рад қилиб бўлмас фактлар, ашъвий далиллар асосида ўз исботини топди. Жумаев ўз сўзида, мен Аннаевга тўққиз юз сўм пора бердим. Бу пулни Аннаев сандиққа ўхшаш тепасида очиладиган темир сейфга қўйди, деб кўрсатма берди. Бундай темир сандиқ туман прокуратурасида умуман бўлмаган. Бу ҳолатни сиз тўплаган ҳужжатлар, жонли гувоҳлар исботлади. Яна даъвогарни мен прокуратуранинг эски биносида тергов қилганим, янги бино ўша пайтда ҳали қурилиб битмаганлигини ҳужжатлар ҳамда гувоҳлар ўз кўрсатмалари билан тасдиқладилар.

Аниқ далил ва исботлар асосида Жумаев тухмати такрор аён бўлгач, суд тафтиши раиси ва қонунни назорат қилувчи прокурор менинг айбим йўқлигига, менга нисбатан ифво уюштирилганлигига аниқ ишонч ҳосил қилдилар.

Сирдарё вилоят суди Аннаев Собит ҳаракатида жиноят аломатлари йўқлиги сабабли оқлансин ва дарҳол қамоқдан озод қилинсин, деб оқлов ҳукми чиқарди.

— Хўш, оқлов ҳукмидан кейин нима бўлди? — Бетоқатлик билан сўради Олимбоев. — Ишингиз ўнгла-ниш ўрнига яна баттар чалкашиб кетмаганмиди?

— Вазиятни яхши тушунар эдингиз-ку, ахир! — деди Собит. — Оқлов ҳукмидан кейин республика прокуратураси яна эътироз билдирди. Жиноят ишим республика Олий судининг коллегиясига юборилди. Кейин, тарин бошқатдан сансаларлик бошланди. Ҳар гал Олий судга борганимда номаълум сабабларга кўра, ишим келгуси коллегияга қолдирилар эди. Бу ҳол, чамамда, ўн беш мартача такрорланди. Мен сабабини тушунолмасдим. Ахийри ишимга яна республика прокуратураси аралашди. Сўнгги чиқарилган адолатли оқлов ҳукми ҳам бекор қилинди. Олий суд менга нисбатан тўпланган жиноий ишни қайта кўриш учун ажрим чиқарди.

— Жиноят ишингизнинг найрангбозли, майнавозчиликка айланганлиги сабабини тушунмаганмидингиз ўшанда? — деб сўради Олимбоев. — Ишингизга қандай қудратли кучлар аралашаётганлигини сезганмидингиз?

— Бўлмасам-чи! — деди Собит ҳамсуҳбатига галати қараб. — Сабаби ойнадек равшан, аниқ эди менга. Қачонлардир бу қонунсиз ҳаракатлар учун кимлардир жавоб бериши керак эди-да, ахир!

— Ҳақ гап! — деди унинг гапини маъқуллаб Олимбоев. — Лекин жазоланишни ким хоҳлайди? Сиздек ноҳақ азоб чекиб, ҳақиқат излаб юрганлар оз эмаску!.. Сизнинг ишингиздек қиёмига етказилмай наридан — бери юзаки кўрилган қанчадан-қанча жиноий ёки фуқаролик ишларининг прокуратура-ю, судлар орасида коптоқдек думалаб юрганидан хабарингиз йўқми? Ўнлаб марта суддан терговга, терговдан судга оширилиб юрган делолар озмунчами? Агар ҳақиқатни айтсам, ишнинг шундай сансоларликка йўл қўйилишига асосий сабабчилар — биринчи галда қонун ҳимоячиларининг ўзлари. Хатога йўл қўйишгач, жазосиз қолиш йўлини излашади. Ўз нуқсонларини яшириш

мақсадида турли найранглар ишлатишга одатланиб қолишган.

— Жиноий ишимни охирги маротаба суд тафтишида Олий суднинг аъзоси Файзулла Аслиддинов кўрди. Бу зот ҳам холис иш кўрмади. Қонун талабларига сира риоя қилмади. Кўрсатмаларни таҳлил қилишни истамади. Алоҳида топшириқ билан иш кўрилаётганлиги билиниб турарди. Унинг ишни сохталаштираётганлиги билиниб турарди. Унинг ишни сохталаштираётганини бир мен эмас, суд залида тўпланган одамлар ҳам сезишиб, ҳайратдан ёқа ушлашди. Аммо даъвогарим, унинг ота-онаси бу гал ҳам кутилмаганда яна тангилик қилишди. Умуман, олдинги кўрсатмаларидан қайтишди. Бор ҳақиқатни очиқ-ойдин дангал очиб ташлашди. Аннаевга пора бериш факти умуман бўлмаган. Ишдаги аризани биз ёзмаганмиз. У аризани бизнинг номимиздан ким ёзганлигини ҳам билмаймиз. Бировларнинг гапига кириб шундай ҳолга тушдик. «Бизни, агар даъвоингиздан тонсангиз тухматчи сифатида жавобгарликка тортамиз», деб кўрқитишди, дея кўрсатма беришди. Яна уларнинг аризаси текшириш учун олина туриб, қайд этилмаганлиги ҳам маълум бўлди. Шунга қарамасдан Аслиддинов Аннаев айбли деб топилсин, мол-мулки мусодара қилинсин, саккиз юз олтмиш икки кун қамоқда сақлангани билан жазони ўтаган ҳисоблансин, деб ажабтовур ҳукм чиқарди.

— Ҳа, бир ияво эвазига жуда кўп руҳий азоб чекдингиз, — деди Олимбоев хижилга ботиб. — Хўш, кейинги уринишларингиз-чи? Бирор-бир ижобий натижа бердимиз?

— Эҳ, нимасини сўрайсиз, дўстим! — дея жавоб қилди Собит алланечук титроқ овозда. — Кўрган азобуқубатларим эвазига деярли соғлигимдан ажралдим, сабр косам тўлиб-тошди. Ўтган давр ичида юқори ташкилот ва маъмурий идоралар адресига сон-саноксиз шикоятлар йўлладим. Менинг аризаларим нуқул республика прокуратурасига юборилаверди. Ўзингиздан қолар гап йўқ, у ердаги зотлар шу ишдан манфаатдор бўлганликлари, ўзларини жазодан қутултириб қолишлари учун менга бир хил мазмунда жавоб ёзиб юбориш билан кифояланавердилар: «Аннаев, айбин-

гиз исботланган. Жиноятингиз кўриб чиқилиб, оқибатсиз қолдирилган».

Лекин мен ҳануз ҳақиқатни юзага чиқариш борасидаги ниятимдан умидимни узганимча йўқ. Узмайман ҳам! Менга мартаба ҳам, доврўф ҳам керак эмас. Фақат ҳақиқатни қарор топтира олсам бўлгани!..

\* \* \*

Собит ҳамсуҳбати билан хайрлашиб, хонасига ҳоргин қайтди. У ҳеч ўй-хаёллардан фориг бўлолмасди. Терговчи Олимбоев билан бўлган мулоқоти унга аламли қисматини яна такрор-батакрор эслашга яна бир янги туртки бўлгандек эди.

Собит каравотга чўзилди. Хаёллар яна уни ўз умонига тортди.

«Ҳақиқатни юзага чиқариш борасидаги ниятимдан ҳали умидимни узмадим, узмайман ҳам! Рост-да!.. Отақул ака уйида бўлган гурунг чоғидаёқ шунда қатъий қарорга келган эдим. Ҳа, энди бу йўлдаги курашдан ортга бир қадам ҳам чекиниш йўқ. Ҳимоячим бўлган Отақул аканинг гаплари ҳақ! — дея у куни кеча адвокати билан бирга бўлган мулоқотни эслади. — Бу ишда қанча тортишув, курашиш лозим бўлса, шунча курашмоқ керак! Ҳеч бўш келманг! Ҳақ йўлида курашган киши албатта мақсадига етади, — деган эди-я, у киши ишонч билан. — Ўзингизни тўла оқлаш учун сизда етарлича асос бор. Ҳақиқат сиз томонда, буни яхши биласиз. Елиб-югурганим билан бир натижа чиқара олмаяпман, дедингиз. Эзгулик йўлида умид, ишонч билан курашавериш керак!..»

Собит ҳар гал Тошкентга йўли тушдими, албатта, ҳимоячиси Отақул Азизбердиевникида меҳмон бўларди. У Собитга худди туғишган кишисидек қадрдон бўлиб қолган. Отақул ака дилкаш, суҳбатижон одам. Ёши олтмишни оралаб қолган, лекин ҳамон юришлари дадил. Собитга ҳимоячилик қилиб, суд жараёнларида ҳақиқат учун курашди. Қораловчи, судьялар билан анча-мунча тортишди. Дўқ-пўписаларга дуч келди. Аммо, у, бурчи олдида содиқ қолди. Сўнгги суд ҳукми ўқилганда ҳам у Собитни қатъий ҳимоя қилди. Лекин начора, Собит иши яна ўнгидан келмай чаппасига қайтди. Отақул ака ҳимоячи сифатида ишнинг бундай тес-



кари айланганига ўзини маълум даражада айбдордек ҳис этарди.

Собитнинг дам олиш уйига Тошкент орқали учиги тўғри келди. У поезддан тушди-ю, тўғри Отакул аканикига борди. У уйда экан, Собитни хуш-хуррам кутиб олди. Дастурхон ёзилди, узоқ суҳбат қуриди. Кўнгил чигилларини ёйиш ниятида Собитнинг иши юзасидан бўлган тортишувлар хотирланди.

Собитга бу самимий гурунг эски яраларини қайта тирнагандек бўлиб туюлган эса-да, лекин хотирасига мухрланиб қолди. У айна чоқда ҳимоячиси билан бўлган ўша суҳбатни эслатмоқда эди.

— Мен сизга ҳеч тушунолмамай қолдим, — деди Отакул ака Собитга синчков тикилиб. — Ҳақиқатни юзага чиқараман, деб курашаётган киши бирдан тинчиб қолса-я?! Нима, яна бирор кор-ҳол юз бердими?

— Йўқ, айтарли ҳеч нарса бўлгани йўқ! — деб ўйчан жилмайди Собит. — Ўзингизга аён, ҳақиқат излаб озмунча овора бўлмадим. Лекин бирор наф чиқмади. Букилган ҳақиқатни аслига қайтариш осон эмас экан. Қайси бир ерга арз қилмай, ишим сансалорликка солиниб, оқибатсиз қолдирилаверди. Ҳафсалам пир бўлиб қолди. Югураверишим бефойда, бир иш чиқмас экан, деган хаёлга борган кезларим ҳам бўлди.

— Йўқ!.. — деб эътироз билдирди мезбон. — Ўзингиз учун эмас, фарзандларингизнинг келгусини ўйлаб, ҳақиқатни қарор топтиришингиз керак! Келажақда улар, отаси муқаддам судланган, деган бадномликни эшитмасликлари учун ҳам сиз ўз гуноҳсизлигингизни амалда исботламоғингиз керак.

— Сабр-чидамнинг ҳам маълум бир чеки-чегараси бўлади-ку, ахир! — деди Собит изтироб, ўкинч билан. — Азбаройи оқланай деб югураверганимдан тинка-мадорим қуриёзди. Асабларим зирқираб қолган, сал гапга жаҳлим кўзийди. Мени ҳам тушунинг.

— Узр, ука, ҳолингизни англаб турибман. Осон бўлмади сизга, ҳазилакам азоб чекмадингиз, — деди мезбон меҳмонни ранжитиб қўймадимми, деган ўйга бориб ва мавзунини сал узоқдан бошлади. — Дарвоқе, шу ишлардан кейин ўша оғмачи даъвогарингиз билан бақамти туриб гаплаша олдингизми? Унинг исмиям галатироқ эдимми-ей?

— Жумаев Карим биланми?.. Ҳа, у билан бир марта юзма-юз гаплашдим, — деди Собит лоқайд кўйда пиёладаги чойни ҳафсаласизлик билан хўплай туриб. — У соддароқ одам, алдовларга учган. Аввалига уни: «Сен биз айтгандек йўл тутасан, биз ўргатган гапларни айтиб, бир сўзда туриб олсанг бўлди, қамокдан қутулиб чиқдим деявер», дея роса алдашган. Кейин дўппи тор келиб, иш қийин кўчавергач, терговчи унга: «Асло даъвонгдан кечиб, сўзингдан қайта кўрма! Агар қайтсанг, тухматчи сифатида қаматиб юборамиз», деб қўрқитган. Боз устига бечора тергов изоляторидан ётган пайтида, даъвонгдан кечмайсан, деб унга тазйиқ ўтказишган. У хато иш қилиб қўйганини фаҳмлагач, нима қиларини билолмай, аро йўлда лол қотган. Терговчининг алдовига учиб, қўғирчоқлик ролини бажаришга мажбур бўлган. Қайта-қайта сўроқ, юзлаштиришлар чоғида унинг нима деб олдиндан айтиши кераклиги уқтириб қўйилган... Ёлгон, уйдирма даъволар йўққа чиқиб, исботини топавермагач, унинг асаблари ортиқ дош бера олмай: «Бор-э, бўларим бўлди!.. Келгусида бир умр виждон азобида қийналиб юргандан кўра бўлган воқеани очик-ойдин айтиб юзимни ёруғ қилганим дуруст», дея рост сўзлашга жазм қилган экан. Буларни менга Каримнинг ўзи афсус-надомат билан айтиб берди.

— Даъвогарингизнинг шундай кўйга тушарига ишончим комил эди, — деди Отақул ака. — Гапларининг бир-бирига телба-тескарилигидан бошдаёқ унинг кимларнингдир қўлида қўғирчоқлигини билган эдим. Лекин барибир сизга қарши қўлланилган бу асосиз далилни ким ўйлаб топгани, уни яна даъвогарингиз қўли билан амалга оширилгани тағига сира тушуниб ета олмаяпман. Бундай тухмат уюштириш кимга зарур бўлиб қолган. Ҳанимлиқдан қилинмаганми? Рақибингиз ким эди? Шу сирнинг тағига ета олдингизми?

— Ҳа, ўша пайтда шу тухматга дучор бўлган кезимдаёқ бу ишда кимларнинг қўли борлигини яхши билганман, — деди Собит. — Кейинроқ Каримнинг ўзи кимларнинг алдовига учганини номма-ном айтиб берди.

— Хўш, хўш, давом этинг-чи, буёғи қизиқ чиқиб қолди-ку? — деди мезбон. — Қойил-э, бу тўғрида менга айтмагандингиз.

— Даъвогарим қамоққа олинмасдан олдин унинг иши билан боғлиқ бўлмаган бир оғир жиноятни фош қилган эдим, — деб давом этди Собит. — Бу иш қорадори олди-соттисига боғлиқ эди. Бир собиқ жиноятчи катта миқдордаги қорадорини шерикларига ошириб турган пайтда қўлга тушган. Тўдаси ошкор бўлиб, шерикларидан икки-учтаси қўлга олингач, қўнғироқбозлик бошланди. Бу ишга ҳатто ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари Хўжаназаров ҳам бурнини суқиб қолди. Бу одам айёрликда шайтонга ҳам фириб берадиганлар хилидан. У бир неча бор менга учраб: «Ков-ков қилиб, ишни чўзиб ўтирасизми? Бирининг бўйнига айбни қўйдингизми — бўлди, ишни судга оширинг юборинг-да!» — деб айтди. Кейин билсам, қўлга тушганлар орасида унга тегишли киши ҳам бор экан. Яна жиноятга орган ходимларидан бирининг алоқадорлиги ҳам маълум бўлиб қолди. Кейин, туйқус жиноят ишини тезда мендан олиб, бошқа терговчига топширишди. Шу орада бу ишлар чиқиб қолди. Бўлган гап шу!..

Даъвогаримнинг айтишича, уни бошқа жиноятчилар ётган камерага ўтказишибди. Учта маҳбус уни гапга тутибди. «Қўрқма, кемага тушганнинг жони бир. Биз сенинг қутулиб чиқиб кетишинга ёрдам берамиз. Лекин айтиб қўяйлик, сени қаманган терговчи жуда аблаҳ одам, туғишган одамигаям яхшилиқни раво кўрмайди. Бизни ҳам ўша туттирди. Хўп десанг, биргалашиб унинг ўзини бадном қиламиз. Ўшанда... Хўп, деявер? Орган ходимдан ошнамитиз бор. Истасанг, у йўл-йўриқ кўрсатади. Биз ундан илтимос қиламиз», дейишибди. Қисқаси, бир сўмлик пул масаласи ана шу ҳангомадан кейин бошланган. Тахминимча, бу ишнинг тепасида қорадоричиларга шерик ҳалиги орган ходими бош-қош бўлиб турган. Эҳтимол...

— Ҳим-м... Тушунарли! — деди Отақул ака. — Ишингизнинг бундай чувалашиб кетишига бунақа сабаблар ҳам бор экан-да!.. Сизнинг ишингиз бўйича юрагимда армон бўлиб қолган нарса шуки, менинг кўз ўнгимда ҳақиқат устидан ҳақсизлик устун келди. Сизни оқлаш учун етарли далилларга эга бўлсам-да, барибир ожизлик қилиб қолдим. Ана шуниси жуда алам қилади.

— Лекин мен барибир суд олдида мутлақ бўйин эгмадим-ху!

— Қонун олдида сизнинг бўйин эгмаганлигингиз қайтага дуруст бўлди. Бу билан жиноий ишингизнинг кўрилиши муддати чекланмайдиган йўлга кириб қолди. Чамамда, ана шуниси бошлиқларни доводиратиб қўйди, — деди ҳимоячи бош чайқаб. — Республика Олий судининг ҳукм қатъий деб чиқарган ҳукми сиз учун ечимсиз тўсиқ деган гап эмас. Ўзларича тезроқ бу ишга хотима қўйишга бежиз шошилишмади улар. Олий суд тафтиши даврида ҳам сиз айбингизни умуман тан олмадингиз. Республика олий суди эса яна бир марта қаттиқ янглишди.

Биринчидан, даъвогарингизнинг аризаси умуман қайд этилмаганини инобатга олмади. Яна сизга ЖКнинг 42-моддасини тадбиқ этиб, белгиланган жазо муддатини уч йилга қисқартиришди. Ахир, бу модда сизга нисбатан иккинчи марта қўлланиляпти, иккинчи марта жиддий хатога йўл қўйиляпти. Чунки Жиззах вилоят суди ҳам айбингизга иқроор бўлмасангиз-да, сизга нисбатан ЖКнинг 42-моддасини қўллаган эди. Мазкур модда нима учун қўлланилишини мендан кўра ўзингиз яхши биласиз. Қачонки айбдор айбини тўла тан олиб, пушаймонлар чекса, судда кечирим сўраса, шундагина ушбу модда қўлланилади. Сиз бўлсангиз, на биринчи, на иккинчи, на республика олий суди тафтишида айбингизни тан олмагансиз. Бундай ҳолда ҳар қандай суд ҳам ушбу моддани қўллашга ҳаққи йўқ. Хўш, қонунга зид иш кўриб, уни чеклаб ўтишганми? Сизнинг икки йилу тўрт ой қамоқда ётган кунларингизни назарда тутиб, жазони ўтаган ҳисоблаб ҳукм чиқаришган. Эътибор беринг-а, орада саккиз ой қолиб кетяпти. Агар республика Олий суди ҳақиқатда айбингизни тасдиқ деб тан олганда эди, сизни ҳибсга олиши шаррт эди. Қолган саккиз ойни ҳам ўтаб чиққан бўлар эдингиз. Бундай палапартишлик суд мажлиси юзаки олиб борилганидан далолат эмасми? Бундан ташқари улар судда асосий бир далилни атайин четлаб ўтишди. Даъвогарингиз сизга, пул элиб бердим, деган пайтда ўзи тергов изоляторидида ётган бўлганку! Демак, унинг бошда пул бердим, деган кўрсатмаси пучга чиқади. У охириги судда даъвосининг уйдирма,

ёлгон эканини тан олгани бежиз эмас эди. Жабрланувчининг ота-онаси, бошқа гувоҳлар сизга қўйилган айбларни инкор этувчи шоҳидлик беришгач, барча даъволар чипакка чиқди-ку! Буни қандай баҳолайсиз?

— Бекор қилинган жиноят ишим орадан етти йил ўтиб қайта қўзғатилгач, қарорга қўл қўймай, унга, мен жиноят содир этмаганман, деб ёзганим бежиз эмас эдида! — деди Собит уф тортиб. — Фақат менга нисбатан нега шундай ҳақсизлик қилишди, дея ҳанузгача ўйлаб ўйимга етолмайман.

— Менимча, поғонама-поғона ўсиб боришингиз, ҳақиқатпарастлигингиз сизга қарши фитна қўзғаганларга ёқмай қолган, — деди мезбон. — Мабодо, у омади чопиб юқорироқ курсига ўтирса, биздан ўша ўтмиш қилмишларимиз учун ўч олмасдан қўймайди, деган хаёлга борган бўлсалар ажаб эмас.

— Бошқа бир илож топишолмагач, қонунни эгри йўлга буришга ўтишади. Бунақа ишларда улар устаси фаранг бўлиб кетишган, — деди Собит. — Мана, ҳозир сиз айтган камчиликларни уларнинг ўзлари ўша пайтда сезишмаган деб ўйлайсизми? Сезишган. Лекин яна ҳеч нарсадан топ тортишмади-ку?!

— Ҳуқуқ қўлларида бўлган, тап тортишиб ўтиришармиди? — деди Отақул ака қўл силтаб. — Сиз қаерга арз-дод қилманг, масалангизни ҳал этиш яна ўзларининг қўлларига келиб тушиши буларга ойнадек равшан бўлган. Ишни яна ўзимиз хоҳлаган йўналишга бураб юбораверамиз, деб ўйлашган.

Эсингиздами, Сирдарё вилоят суди сизни батамом оқлаб ҳукм чиқаргани. Прокурор республика Олий судига ҳукмни ногўфри деб норозилик билдирди. Биз эса ҳукм тўғри чиқарилган, прокурор эътирози қонунсиз, деб қарши норозилик билдирган эдик, эътиборга олишмаганди-я!

— Эсимда, бундай фикрларни бир эмас, бир неча бор билдирганмиз, ҳар гал ҳам оқибатсиз қолдиришган, — деди Собит ва бир дам ўйланиб тургач, қўшиб қўйди. — Мен судланувчи, сиз ҳимоячим сифатида ишда айбни исботловчи далиллар етарли бўлмагани учун оқлов ҳукми чиқарилишини озмунча талаб қилмадик-ку!

— Ҳа, кўп тортишдик... Лекин... Ишингиз сўнги бор республика Олий судида кўрилганда ҳам ақалли биронтаси пинагини бузмаганди-я! Кимлардир уларнинг юзларига атай адолатсизлик ниқобини кийгизиб қўйгандек эди. Яна ўз билганича иш тутишди. Ажаб замонлар ўтди-я!

— Айтинг-чи, нега шундай ачинарли ҳолларга йўл қўйиляпти? — деди Собит куюниб. — Қонун барча учун баравар-ку! Юридик қоида, мажмуалар ҳам бир хил, қўлланма ҳам ягона... Наҳотки, оқни-оқ, қорани-қора дейиш бизнинг шу замонда шунчалик қийин кўчса?!

— Шошилманг... Ҳақ барибир қарор топади. Демокриманки, ишингиз юзасидан Республика Олий судининг президиумига норозилик билдирамиз. Сизнинг ишингизнинг ҳеч қачон муддати кечикмайди. Бунинг учун республика бош прокурорига, Олий суди раисига, керак бўлса, қайта-қайта мурожаат қиламиз, токи улар сизнинг талабингизни қондиришмагунча ҳақиқатни қарор топтириш йўлида кейинга чекинишни ўйламанг? Яна бир журналда сизга тааллуқли жиноий ишнинг кўрилиши ўта сарсонарликка солинаётгани, сира ечимини топаолмаётгани ҳақида «ПК 9304417» рақамли пул» номли танқидий мақола чиқибди. Балки ўқигандирсиз. Нақлиёт ходимлари учун ўта шармандалик. Мақолани шахсан Олий Суд раисига етказаман. Яна... Шояд...


— Буни ўзим ҳам чуқур тушуниб турибман, — деди Собит қатъий. — Энди мен учун ортга қайтиш йўқ! Имоним комилки, пайти келиб, адолат қарор топади, ноҳақ қилинган ишлар учун айбдорлар тегишли жазосини олади.

Ҳа, шундай адолатли замонлар албатта келади...

Эртаси Собит шошилинич равишда пойтахтга жўнаб кетди.

1987

# ХИКОЯЛАР



## ЛҶЛАБОЛИШ

Прокурор ҳузуридан Ваҳобовнинг табиати хиралашиб чиқди. «Ўргилдим сендек терговчидан, — деди асабийлашиб ўзига-ўзи. — Бошлиқ истаган пайтда сенга сўзини ўтказа олса-ю, сен бўлсанг ҳатто унга фикрингни ҳам маъқуллата олмасанг...»

Бир кун олдин шаҳар прокуратурасига собиқ артист, нафақадор Шокировнинг тўсатдан ўлиб қолгани тўғрисида хабар қилинди. Бу иш билан шуғулланиш Ваҳобовга топширилди.

Шокиров бесўнақай, бадқовоқ, оқимтир юзлари хийла салқиган инжикроқ одам эди. Ёлғиз ўзи коммунал хўжалиги ихтиёридаги бир хонали кичик даҳлизли уйда яшарди. У кўпдан бери дардчил бўлиб, баъзан бир ҳафталаб тўшақда ётиб қоларди. Шанба куни тунда патак соқоли, қора кўзойнак таққан ҳассали бир чол келиб кетибди. Эрталаб эса қўшнилари Шокировнинг туйқусдан ўлиб қолганидан хабар топишган.

Марҳум жасади суд тиббиёт текширувидан ўтказилди. Ваҳобов прокурорга Шокировнинг ўлимида жиноят аралашганини билдирди. Прокурор унинг фикрига қарши чиқди.

— Суд тиббий текшируви хулоса чиқаришда янгилишган бўлса-чи, — деди прокурор. Шарти кетиб парти қолган чол экан, унинг қасддан ўлдирилганлигига ким ҳам ишонади?

Тиббиёт текшируви хулосасида кўп миқдорда уйқу дори қабул қилгани, яна мажбурлаб нафаси қисилишидан ўлгани билдирилган-ку. Унинг лўлаболишга қапишиб ётиб қолган бўлиши, уйқу дорининг кучли таъсири остида қарахт ҳолда нафаси қисилиб ўлиб қолган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас, деб кўрсатилган хулосада. Унда болиш қани? У қаерга йўқолган? Кимга зарур эди уни олиб кетиш?

Шундай ўйлар гирдобида Ваҳобов тушдан кейин яна прокурорга учради. Фикрини баён қилиб, ҳеч



бўлмаса бўш пайтларида марҳум Шокиров масаласи билан шуғулланишга рухсат сўради. Прокурор хиёл ўйланиб туриб: «Жуда жумбоқли, мавҳум жиноят, уни аниқлашга ишончингиз етса, майли розиман. Бугунда-ноқ ишга киришинг», деди.

Дарҳақиқат, Шокиров ўлими сирли жумбоқ эди. Уни ечишни Ваҳобов ниҳоясига етказа оладими, йўқми, буни ҳали ўзи ҳам аниқ билмасди. Лекин бошлаган иши сира натижасиз, ечимсиз қолмаслигига ишончи комил эди. У ҳозирча қўлида бўлган бирдан бир далил — суд-тиббиёт хулосасига асосан иш кўраётганди.

Хулосанинг тўғри-нотўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилиш учун у биринчи гада эксперт билан учрашди. Суҳбат қисқа бўлди. Шифокор: «Биз ўз ишимизда камдан кам янглишамиз», — деди. Қотиллик юз бергани аниқ ўйлади терговчи марҳумнинг уйини кўздан кечириётди. Аммо жиноят қандай содир этилган?

Марҳумнинг танасига ҳеч бир жароҳат етказилмаган, бармоқ излари ҳам йўқ. Ваҳобов бирор бир далилий ашё топиш илинжида икки томони гардишли қавариқ шиша зарробин билан марҳумнинг нарсаларини синчиклаб кўздан кечирди. Лекин Шокиров ўлимига тааллуқли бирор бир асосли ашё топа олмади. Шундан сўнг у Шокировнинг уйига кириб-чиқиб юрган қўшнилари чақирди. Улардан марҳумнинг бирор нарсаси йўқолганми деб сўради. Ниҳоят унинг бошига қўйиб юрган лўлаболиш йўқлиги маълум бўлди. Ваҳобов қўшнилари марҳум ўлимига алоқаси йўқлигига тўла ишонч ҳосил қилди. Ниҳоят рўйхатдаги сўнгги шахс — Шокиров ҳаётлигида ундан тез-тез хабар олиб турган артист ошнасини ўрганишга театрга борди.

Хайҳотдек томоша зали, чет атрофи вестибюль. Деворларда саҳна кўринишлари акс эттирилган фотосуратлар бор. У нигоҳи билан ўзини қизиқтираётган шахс суратини қидира бошлади. Қароқчи ролида ясама патак соқол қўйиб олган актёр унинг диққатини тортди. Шу гримда у марҳум Шокировнинг қўшнилари таърифлаб берган чолга айнан ўхшарди...

Ваҳобов ички бир ҳаяжон билан театрни режиссёрига учрашди, марҳум Шокировнинг уч қўшнисини унинг гумонларини тасдиқлади. Бу ўша Шокировни-кига келиб кетган чолнинг ўзи дейишди.

Лекин қотиллик содир бўлган пайтда театрнинг ижодий гуруҳи қўшни Туркменистон Республикасида гастролда бўлиб, улар орасида Шокировнинг дўсти Акромов ҳам бўлган. Шундай экан унинг жиноятта қандай алоқаси бор? Унинг қотилликка қўл уришига бирор сабаб бўлиши мумкинми? Ёки уларнинг илгаридан бир-бирига адовати бўлганми? Унда нега тез-тез учрашиб турибсан? Бу ерда бир сир борга ўхшайди.

Терговчи Саид Ваҳобов Чоржўй шаҳри томон йўл олди. Театр ўтган шанбада Фароб тумани марказида катта томоша кўрсатган экан.

У тушган автобус паром орқали дарёдан ўтди ва тезда Фароб тумани марказига етиб келди. Ушбу жиноят содир этилган вилоят Олот тумани билан чегарадош, оралиқ масофа 30 чақиримлар атрофида эди.

Томоша кинотеатр биносида, туш пайтида бўлган экан. Артистлар меҳмонхонага жойлашибди. Улар махсус автобусда. Акромов эса ўзининг шахсий машинасида келган.

Терговчи меҳмонхона эшик оғаси билан суҳбатлашди.

— «Жигули»ли артист томоша кўрсатилган куни оқшом пайти икки-уч шериги билан қаёққадир жўнаб кетди, — деди у. — Меҳмонхонага эрталаб тонг отар чоғида қайтдилар.

«Қизиқ! У шериклари билан қаёққа борган бўлиши мумкин?» — ўйлади Ваҳобов. Сўнгра Акромов билан унинг хонасида учрашди.

— Сизлар тўйда бўлган оқшом Фароб йўлида йўл ҳодисаси содир бўлган, — деб асл мақсадини сир тутди Ваҳобов. — Айбга буюрмайсиз, хизматчилик, шу иш билан шуғулланаяпмиз.

Акромов ўрта бўйли, қошлари қуюқ терговчига шубҳа аралаш қараб олгач:

— Шаҳарда тўйда бўлдик, холос. Бор-йўғи ярим соатчалик масофа. Кечаси яна изимизга қайтдик. Бошқа ҳеч нарсадан хабаримиз йўқ! — деб қатъий жавоб қилди. У гастролга ўз машинасида боргани боисини мабодо тўйга таклиф қилиб қолишса, қийналиб қолмасликка йўйди.

Ваҳобов Акромов билан бирга тўйда хизмат қилган артистлар билан гаплашди. Тўй бошланиши олдидан

Ақромов икки-уч кўшиқ айтиб, боши оғриётганини баҳона қилган ва бориб машинасига ёнилги қуйиб келмоқчи, сўнгра тўй охирлагунча кўчада машина ичида бир оз мизғиб олмақчи бўлган. Аммо у давра тугартугамас тўйхонага қайтиб кирган.

«Туман билан Бухоро оралиғи бор-йўғи етмиш чақирим. «Жигули»да вилоят марказига бориб қайтиш учун икки соат ҳам вақтни олмайди. Тўй эса тўрт соатга яқин давом этган. Бу муддат ичида Ақромов бемалол келиб, кўзлаган мақсадига эришиб кетган бўлса-чи?» деган тахминга борди терговчи.

Ваҳобов кечалари туманга енгил машиналар жуда кам қатнашини биларди. Йўлнинг Жондор, Сайёд, Қоракўл чорраҳаларида ДАН постлари бор. Бу постларда навбатчи бўлган йўл ҳаракати назоратчилари тунда қатнаган ҳар бир машинани назардан қочирмай ҳисобга олиб қўйишади.

Терговчи жиноят юз берган ўша тунда мазкур постларда навбагчилик қилган назоратчилар билан учрашди. Янглишмабди. Чиндан ҳам Ақромов машинаси кеч соат ўн иккилар атрофида ўтиб кетгани махсус дафтарда қайд қилиб қўйилган экан. Ҳатто Жондор чорраҳасидаги ДАН пости ходими уни тўхтатиб ҳужжатларини кўрибди. Қаерга бораётганини ҳам суриштирган. Ақромов: «Қизим Қоракўл станциясида туради. У бетоб эди. Аҳволи оғирлашиб қолибди. Шошилинч телефон қилишди, ўша ёққа бораяпман», деб жавоб қилибди. Терговчи Ақромовни яна чақиртирди.

— Хўш, Ақромов, айбингизга ўзингиз иқрор бўласизми? — деди у синчков тикилиб. — Ёки?..

— Қанақа айбимга, бу ерга мени чақиртиришингизнинг боиси нима? Бундоқ тушунтириброқ гапирсангизчи? — деди Ақромов қўрслик билан. — Нима бирор гуноҳ иш қилибманми, бўйнимга оламан?

— Сиз оғир жиноятга қўл ургансиз, — деди терговчи жиддий. — Қотилликда айбланасиз, яъни энг яқин дўстингизнинг ўлимида. Айтинг-чи, ўтган шанба оқшом тўйдан ташқари яна қаерларда бўлгансиз?

— Ё, тавба! — деди Ақромов ҳайрати ошиб, — бу ғирт туҳмат-ку! Ҳамроҳларим билан бўлганимизни сизга очиқ-ойдин айтиб берган эдим-ку.

— Қаерда бўлганингиз бизга аллақачон маълум. Яхшиси, гапнинг индаллосига кўча қолинг!

Акромовнинг чеҳрасида туйқус ҳадик, ҳайрат зоҳир бўлди.

— Мен сизга бор гапни айтяпман, нега ишонмайсиз ахир? — деди у ҳаяжонини босишга уриниб. — Нима, ҳали мени чиндан ҳам одам ўлдирганликда гумон қиляпсизми? Қаттиқ янглишяпсиз. Яна кимни денг-а? Ўз дўстимни ўлдираманми? Йўқ такрор айтаман, янглишяпсиз!

— Вайсақиликни бас қилинг! — деди кескин унинг гапини бўлиб терговчи. — Бизнинг ишимизда артистлик маҳоратингиз ўтмайди. Мен сизнинг фойдангизни кўзлаб гапиряпман. Агар қилган жиноятингизга ўз ихтиёрингиз билан иқрор бўлсангиз, жазонгиз бир қадар енгиллашади. Буни олдиндан айтиб қўйиш менинг бурчим. Акс ҳолда кеч бўлади!

Артист бошини кафтлари орасига олиб сарак-сарак қилганича, асабий бир тусда:

— Мақсадингиз нима, тушунолмаяпман? — деди. — Ёки бўлмаган жиноятга иқрор қилдиришми? Гапим шу — мен қотил эмасман.

— Ўзингиз тан олмасангиз, унда эшитинг! Сиз ўша оқшом тўйхонада кўп бўлмагансиз. Машинангизга ёнилғи қуйиб келиш баҳонасида кетиб қолгансиз. — Терговчи энди гапни тўғри нишонга ура бошлади. — Тўйхонага қачон, қайси пайтда борганингизни ҳам айттайми? ДАН ходимидан сизни ким йўлда тўхтатиб, ҳужжатларингизни текширганини билишни хоҳлайсизми? Қайси бир қизингиз овир касал эди, айтиб бера оласизми? Саҳнада қароқчи ролида ўйнаётганингизда фойдаланадиган сохта пахмоқ соқолни тақиб, хаста ётган дўстингиз уйига борганингиз-чи?

Кетма-кет берилган саволлардан ранги ўзгариб, титроққа тушган Акромов мутлақо гангиб қолди. У гувоҳлар, далиллардан энди қочиб қутулолмаслиги, содир этган мудҳиш жиноятини тан олишдан ўзга чораси қолмаганини тушунди.

— Ҳа, айбдорман! Ҳаммасига лаънати пул, пулга ўчлигим сабаб бўлди, — деди титроқ овозда.

— Машина олаётганимда бир оз қўлим калталиқ қилиб қолди. Марҳум дўстим Шокировдан анча-мунча қарз кўтарган эдим. Унинг пули кўплигини билардим. Кейин қийматини йўқотмайдиган заёми ҳам анчагина эди. Рақамларини ён дафтарчасига ёзиб олган. Ҳар ютуқлар жадвали чиққанда текширарди. У заёмларни лўлаболиш ичида сақлаётганини сезиб қолдим. Қурғур лўлаболишни қўлтиғи остидан ҳеч нари жилдирмасди. Ўша оқшом унинг ухлаб қолишидан фойдаланиб, лўлаболишни ўғирлагани борғандим. Қарасам, у уйроқ. «Нима, тўғри саҳнадан тушиб келаяпсанми?», деб ҳазиллашди. «Ҳа, ҳолингдан бир хабар олиб кетай» дедим. Хуллас, унга чойга қўшиб ўзи ичиб юрадиган уйқу дорисидан бир нечасини ичирдим. Тезда кўзи илинди. Кейин бирдан хаёлимга: «Бу ҳали-вери ўладиганга ўхшамайди, қарзини сўраб қолса нима қилман, бир варакайига уни ҳам...» деган фикр келди. Лўлаболишни тортиб олиб, унинг юзига бор кучим билан анча вақт маҳкам босиб турдим. Бирпасдан сўнг оёқлари бирдан чўзилиб қолди. Қарасам, жон таслим қилиб бўлган экан. Сўнгра лўлаболишни плашчим остидан қўлтиққа уриб жўнаб қолдим.

Терговчи Саид Ваҳобов қотилга бир муддат ҳам нафрат, ҳам ачинганнамо боқиб тургач:

— Қилмишингизга яраша жазоингизни оласиз, — деди.

Қотил терговчи хонасининг ўзидан ҳибсга олинди.

## ҚОТИЛ ИЗИДАН

Бу муҳдиш жиноят 1985 йил 2 февралда Бухоро шаҳрида  
А.Н. Федоров томонидан содир этилган жиноят иши: № 2333.

Фира-шира тонг ёруғида ахлат ташувчи машина одатдагидек кенг кўча муюлишидаги майдонча четида турган темир қути олдига келиб тўхтади. Кабинадан қора коржомга кийган икки киши тушди-да, бири қути атрофидаги ахлат уюмларини белкурак билан олиб машинага итқита бошлади. Иккинчиси коржомаси чўнтагидан латта қўлқопни олиб кийди. Кейин чиқиндилар ўраб ташланган қоғозларнинг бир нечасини титкилаб кўрди. Нон бўлақларини йиғиб бир чеккага қўйгач, қоғоз чиқиндиларини сиқимлаб, машина устига ота бошлади. Қўлига туйқус қоғозга ўроғли алланарса илинди. У ўрамни қисиб, вижимлаб кўрди. Ичида юмшоқ нарса борга ўхшайди. Қизиқиб апил-тапил очди. Сўнг даҳшатдан сесканиб кетди ва қути ичига отиб юборди-ю, сўнг ёқасини ушлаган кўйи ортига тисарилди.

— Ҳа, Шоди, тинчликми, ранги-рўйинг оқариб кетибди? — деди шериги ажабланиб.

— Бери кел, ана бунга қара! — деди титроқ товушда Шоди, қути томонга ишора қилганча. — Кўриб, ўтакам ёрилаёзди-я...

Шериги бўйнини чўзганча қути ичига қаради. Бирдан кўркүв босиб, кўзлари чақчайди. Хиёл гарангсиб тургач:

— Аёл кишиники, — деди аранг дудуқлаганча. — Милицияга билдириш керак!

— Тиззаларимдан дармон қочди. Азбаройи кўркқанимдан бўлса керак, — деди Шоди. — Ўзинг ҳаллослик қол, жўра, тезроқ хабар қил!..

Шериги ҳовлиқиб, телефон будкаси томон югурди.

\* \* \*

Кўп ўтмай машинада жиноят қидирув бўлими ходимлари етиб келишди. ЖҚБ бошлиғи, капитан Эркин Ражабов фожиани кўргач, фигони фалакка чиқди.

— Қабиҳлик! Қайси муртаднинг иши бу? — деди рижиниб, кейин аянчли воқеадан афсусланганча бош чайқаб турган келбатли лейтенантга буюрди:

— Зудлик билан хабар қилинг, тезкор гуруҳ юборишсин! Прокурорга ҳам билдиришсин!

Кўп фурсат ўтмади. Тезкор гуруҳ шу ерда ҳозир бўлди.

Малъун қотил ким бўлдийкин? Бундай разил ишга кимнинг қўли бордийкин? Чигал ва чалкаш бу муаммони ҳал қилиш учун изқуварлар ҳаловатини йўқотишган эди. Топилган ашёвий далил — ҳомила ва аёл кўкраги қайта-қайта суратга олинди. Гувоҳлар яна сўроқ қилинди. Кинолог изқувар итни ишга солди. Ит атрофни айланиб чиқди, лекин из ололмади.

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас яна бир даҳшатли воқеа хабар қилинди. «Олтин балиқча» болалар борчаси атрофини супураётган фаррош чол валаги бир челақни топибди. Челақда...

Тезкор гуруҳ жиноят сабабларини ҳали атрофлича ўрганишга улгурмай, яна бир нохуш гап тарқалди. Янги «Дехқон бозори» олдадаги ахлат қутисидан бир қора сумка чиқибди. Унда қонга беланган аёл кийимлари бор экан...

Барчанинг дили вайрон бўлган эди. Ўлдирилган ким экан? Қандай заифа? Кимнинг фарзанди у? Балки норасида болалари ҳам бордир? Сағир бўлиб қолди-микин мунглуғ болалар? Не айби бор эди, унинг? Ўлдирган ким? Қандай қўли бордийкин?..

Калаванинг учи чигаллашиб борарди...

\* \* \*

Зарифа иккинчи қаватта кўтарилиб қора чарм қопламали эшик кесакисидаги қизил тутмачани босди. Ҳаял ўтмай эшик очилди. Остонада қориндор, кўзойнак таққан, тепакал киши кўринди. Эғнида майка, кўкраги, қўллари жундор.

— Келинг, хизмат? — деди у келишган, нотаниш аёлга синчков тикилиб.

— Ме-мен, ана у масалада келгандим, — деди аёл хиёл тортиниб.

— Тушунтириброқ гапиринг, қандай масала экан, синглим? — деди мезбон анчайин хушёр тортиб.

— Нурия деган дугонам сизни тавсия этди. Адресингизни ҳам берди, — деди жувон бир оз нозли оҳангда.

— Тушунарли, олдинроқ шундай демайсизми? — деди уй эгаси норози оҳангда. — У кеча қўнғирроқ қилган эди. Ўша сиз экансиз-да. Қани, ичкари киринг, бафуржа гаплашамиз.

— Ўртоғим сизни роса мақтади, — деди аёл кўрсатилган курсига омонатгина ўтиргач. — Ишониб келдим, деди-ю, хаёлидан шундай ўй кечди. «Кўринишидан ёмон одамга ўхшамайди. Ишқилиб энгил кўчсин-да. Биринчи марта эмас-ку... Агар рози бўлса... Тишимни-тишимга босиб бўлса-да чидайман. Ўзга илож қанча? Нима бўлса ҳам бу даҳмазадан қутулиш керак!».

— Шундай денг, — деди мезбон хийла ғурурланиб. — Бир пайтлар ҳақиқатан ҳам қўли энгил деб ном тартганман. Энди ёш ирғишлаб қолди. Онда-сонда таниш-билишларнинг юзидан ўтолмайсан киши. Ишқилиб, ҳомила катта эмасми?

— Чамамда сал ўтказиб юборганман, — деди аёл чўчинқираб. — Нима жуда оғир кўчадими?.. Умид ботласам бўладими?..

— Эҳ, ёшлар, ёшлар! — мезбон афсуслангандек бошини сараклатди. — Сизлар шунақа, ишни битказиб қўйиб, кейин...

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, илтимос, бир амалланг? — деди аёл зорланиб. — Рози қиламан.

Шундай деб, сумкачасидан бир даста юзталиқни чиқариб, стол устига қўйди. Пулни кўриб, мезбоннинг кўзлари чақнаб кетганди.

— Ечининг! — деди у аёлга хушнуд оҳангда. — Кўриб, неча ҳафталигига ишонч ҳосил қилишим керак...



\* \* \*

Тезкор кенгаш чамаси чорак соат давом этди. Қотилликни очиш юзасидан амалга оширилаётган тadbирлар ва шу ишга жалб этилган изқуварларнинг ахборотлари тингланди.

Пировардида қотиллик бир шахснинг иши деб топилди. Суд тиббий мутахассисининг хулосасига кўра уч жойдан топилган ашёвий далиллар бир аёлга тегишли бўлиб чиқди. Қотиллик ҳомилани олиб ташлаш жараёнида юз берган деган тахминга келинди.

Тезкор кенгаш сўнггида ҳорғинликдан қовоқлари шишган, капитан Эркин Ражабов шундай деди:

— Бу қотиллик ҳақида турли миш-мишлар кўпайиб кетди. — Қотилни тезда топиш лозим. Йўқса, ортиқча гаплар яна кўпаяди. Ўша атрофлардаги хонадонларга бирма-бир кириб, кишилардан ҳомила тушириш ишлари билан ҳуфия ким шуғулланишини аниқлаш зарур. Шунингдек дўхтир ва ҳамширалар шахси билан алоҳида қизиқиш керак. Марҳуманинг шахсиятини ҳам мумкин қадар тезроқ аниқламоқ даркор.

Тезкор гуруҳ, жиноятни очиш, қотилни топиш ишларини изчиллик билан олиб борди. Натижа чакки бўлмади, иккинчи қават, йигирманчи хонадонда собиқ дўхтир Алмиев ёлғиз яшармиш. Миш-мишларга қараганда, унинг шундай ишларга алоқаси бор эмиш. Кўп пайт ичиб, ширакайф ҳолда юраркан. Кеча оқшомда бир аёл уни кига келганини кўришибди... Эҳтимол, бу ўша аёлдир?

\* \* \*

Алмиев эшикни зўра очди. У фирт маст эди.

— Хи-хизмат? — сўради эшикда турган фуқаро либосидаги кишидан. Кейин унинг ёнидаги участка вакилига кўзи тушди-ю, чўчиб кетди. Шоша-пиша эшикни қайта бекитмоқда уринди, бўлмади. Сўнг:

— Ҳатто уйингда ичсанг ҳам тинч қўйишмайди-я, булар! — деб бақирди. Аммо унинг чалвитиш ниятида қўллаган ҳийла-ю, найранглари ўтмади.

— Кеча оқшом сизни кига келган аёл ким эди? У ҳозир қаерда? — Капитан Ражабовнинг бу саволидан

Алмиевнинг кайфи тарқаб, нафаси ичига тушиб кетди.  
Сўнгра:

— Вой, шўрим! Қартайган чоғимда бу қандай кўргилик! — деб нола қилди.

Ванна атрофида сачраган сувлар ҳали қуриб битмаган, чекка-чеккаларида сал-пал кўзга ташланувчи қизғиш доғлар сезилиб турарди. Зудлик билан экспертлар етиб келди. Уй тинтув қилинди. Текшириб кўриш натижасида ваннадаги қизил доғлар қон доғлари бўлиб чиқди. У марҳума қони билан солиштириб кўрилганда бир хиллиги маълум бўлди. Тинтув пайтида чала-чулла тозаланиб қўйилган жарроҳлик асбоблари топилди.

Шубҳага ўрин қолмади.

Қотил Алмиев эди. У совуқ сув сепиб ҳушёр тортириди. Аввалига айбини тан олмади. Сўнг унинг уйига кирган аёлни қўшнилар кўргани, холис гувоҳлар борлиги айтилгач, тониш фойдасиз эканлигини англади. Фишт алақачон қолипдан кўчган эди.

«Марҳума ким? Турар жойи қаерда?..»

У кетма-кет ёғдирилаётган саволларга жавоб қайтаришдан ўзга иложи йўқлигини ўйлаб, чуқур сўлиш олди, сўнг:

— Мен алақачон умрини яшаб, соб бўлган одамман, — деди ниҳоят. — Ортиқча бақириб чақирининг фойдаси йўқ. Ҳамма айбимни бўйнимга оламан.

Унинг айтишича:

Аёл талвасага туша бошлабди. «Халоскори»нинг «бироз тинчланинг, синглим, оғриқ бирпасда ўтиб кетади, ҳомилангиз хийла катта экан, сизни сал уринтириб қўйдим», деб айтган далдасига ишониб, тишини тишига қўйиб чидабди. Кейин ҳолсизланиб ҳушидан кетибди. Сўнг орадан кўп вақт ўтмай ўлиб қолибди.

Алмиев бундай бўлишини кутмаган экан. Саросимага тушиб, кучли қўрқув босибди. Кўзига жони азиз кўриниб, кексалик чоғида ўзини кутаётган оғир жазодан қутулиш йўлини излашга тушибди. Марҳуманинг кимлигини танимасликлари учун миясига келган ишни қилибди. Қоқ ярим тунда, эл осуда уйқуга ётганида,

машгум қотиллик изларини йўқотиш режасини амалга оширибди.

Қўшнисининг ўгли велосипедини кечалари шундоқ чиқаверишдаги эшик ёнида қолдирар экан. Қотил велосипедни секингина пастга олиб тушибди. Сумкани, оғзини чойшаб билан бекитган пақирни, қоғоз халтачага ўроғли нарсани велосипедга юклаб йўлга тушибди. Кўздан йирсқроқ, шубҳадан холи бўлсин учун улардан бирини нариги кўчадаги ахлат қутисига итқитибди. Иккинчи бирини болалар боғчаси рўпарасидаги серқатнов майдончада — сумкани эса эрта тонгданок йўловчилар тикилинч бўлиб, излар кўмилиб кетадиган «Деҳқон бозори» ёнидаги ахлат қутисига ташлаб кетибди. Кейин уйига қайтиб велосипедни жойига қўйибди. Оғир жомадонни бир амаллаб кўтариб, кўчага олиб чиқибди. Бекатга етгач, бахтига такси учрабди. Ўтириб «Эски шаҳар томон ҳайданг», дебди. Чеккароқдаги бир бекатда тушиб қолибди. Чунки бу ер ҳам тонгданок йўловчилар билан гавжум бўлиб, изни топиш мушкул бўлади, деб ўйлабди. Жомадонни шу бекатда қолдириб, ўзи изига қайтибди.

Уйга келгач, аламидан бўкиб ароқ ичибди.

Хуллас, воқеа ана шундай кечган экан. Қотил жомадонни қолдириб келган жойни кўрсатишга рози бўлди. Аммо бекатда жомадон кўринмасди.

— Қаерга кўйган эдингиз, жойини кўрсатинг! — буюрди капитан Эркин Ражабов.

— Ана шу ерда эди. Скамейка олдида... Балки биров... — деб таажжубланиб елкасини қисди қотил.

Бекатдан чамаси ўттиз метрча нарида, «Пойафзал таъмирлаш устахонаси» бор эди. Унда қотма, қирғий бурун уста Абраш иш билан банд. У пастқам курсида ўтирган мижознинг тагчарми кўчган туфлисига ҳафсала билан мих қоқаётганди. Шу пайт у бекатда тўрт кишининг бу атрофга аланг-жалаңг қараётганини, кейин уларнинг дўконга қараб юриб келаётганини кўрди. «Жомадон эгаси бўлса керак, суриштиришга келяпти чамамда...» — деган ўй кечди кўнглидан. У янглишмаганди. Биринчи бўлиб дўконга капитан Ражабов бош суқди. Жомадонга кўзи тушди-ю, юзи ёришиб кетди.

У устага ўзини танитиб, жомадон кимга тегишли эканини сўради.

— Билмадим, кимники? — деди уста Абраш елкасини қисганча. — Биров бекатда унутиб қолдириб кетган, шекилли. Бир таниш автобусчи аранг кўтариб келиб: «уста, бу дўконингизнинг бир бурчагида тура турсин, балки эгаси келиб қолар», деди. Ана, у, автобусчи қандай қўйиб кетган бўлса, шундай турибди. Ҳатто қўлимни ҳам теккизганим йўқ. Нима, эгаси топилдими?

— Ҳа, топилди! — деди капитан ва ҳамроҳларини дўкончага киришга таклиф этди.

— Шу жомадонми? — сўради капитан Алмиевдан. У тасдиқ маъносида бошини қимирлатди.

— Очинг! — буюрди қотилга капитан.

У титроқди қўллари билан жомадоннинг қайиш боғичларини ечди. Жомадон очилди, барчанинг нигоҳи даҳшатли манзарага тушди. Косиб Абраш чўчиб кетганди, ранг-қути ўчиб, кўзлари бақрайиб қолганди.

— Ия, бу қандай бало? — деди у зўрға гулдираб.

— Қўрқманг! Бу ана у махлуқнинг иши! — деб Алмиевни кўрсатди капитан Ражабов.

— Эҳ-эҳ, эсизгина аёл-а? Жонумарг қипти-ку, аблаҳ! — деди Абраш яна афсус билан бошини тебратганча.

Жомадондан топилган аёл жасадининг бўлаклари қотил иштирокида суратта туширилди. Терговчи протокол тўлғазиш билан банд. Эксперт эса фотоаппаратини «чиқ-чиқ»латиб, ашёвий далилни қайта-қайта суратта тушираётганди.

Шу пайт кутилмаган ҳодиса содир бўлди. Қотил косибнинг столига туйқус энгашди-ю, қайиш кесувчи пичоқни олиб, ҳимояга чоғланди.

— Яқинлаша кўрмаларинг, санчаман! Энди менга барибир! — деб бақирди. Сўнг ўзини хона четига олди. Изқуварлар бир зум саросимага тушиб қолишди. Қотилнинг чап қўлидан тизиллаб қон оқар, ранги бўзариб тиззалари билинар-билинемас букилиб борарди.

— Пичоқни ташла! — деди Ражабов қаҳр билан. — Ўзинга жабр қияпсан, гумроҳ! Аммо қотилга гап қор қилмасди.

— Ия, бу ярамас ўзини сўйди-ку! Дўконни қонга белади-ку! Чармларни расво қилди-ку! Тутинглар бу бадбахтни! — деб жавварди косиб Абраш.

Эшик тарафда турган тезкор ходим кутилмаган чақ-қонлик билан Алмиевнинг пичоқ ўқталиб турган қўлига тепди. Бироқ у қўлини тортиб олишга улгурган ва шу лаҳзада қон томирини ҳам кесганди.

Изқуварлар жон талвасасида хирилаб қаршилиқ кўрсатаётган қотилнинг билагини боғлаб, машинага олиб чиқишди.

Машина касалхона томон йўл олди.

## ЁРУҒЛИК САЙЁРАСИНИНГ СИРИ

(Турғунлик гаврида ёзилган ҳикоя)

### Дўнг манглайлилар

Изқувар Избосаров, ниҳоят, ўзи қай ердалигини аниқ англади. Улар ўз сайёрасини «Ёқти» деб аташаркан. Демак, у ёруғлик сайёрасидагилар қўлида банди.

Маҳобатли серҳашам қаср. Ичи чўнг гавда, дўнг манглайли, малқай кўзлилар билан лиқ тўла. Уларнинг кўринишлари, кийимлари, ҳатто, бош, юз тузилишлари ҳам аллақандай вайри табиий. Ҳаракатлари шиддаткор, сермулозаматли. Барчаси беқарорлик билан йиғин бошланишини кутишяпти.

Туйқус гулдурос олқиш янгради. Саҳна ортидан чандиқ бурун, дўнг пешона, алп келбатли ва яна бир ҳорғин кўринишдаги калтабақай одам чиқиб, тўрдаги курсига ўтирди. Сўнг чандиқ бурун ўрнидан даст туриб, олқиш етарли, тинчланинг, деган маънода сўлақмондек қўлларини юқорига кўтарди. Бир зумда сокинлик чўкди.

— Қадрли миршаблар, из олару, айроқчилар, — дея босиқлик билан гапга кўчди чандиқ бурун, — Шамсия ойининг ушбу муборак кунида бу муҳташам кўшқда жамулжам бўлишимизга асосий боис, ер сайёрасида яшовчи ҳазрати инсон билан дийдор кўришишдир. Мана, қаршингизда ана шундай мўътабар зот ўтирибди.

Қисқа қарсақдан сўнг чандиқ бурун яна давом этди.

— Ерлик инсон билан учрашувимиз яна шуниси билан фарқ қиладики, бу зот бизларга касбдош, беназир, тадбиркор изқувар экан. Шу боис бу арбобни «Ёқти» сайёрамизнинг жаннатмакон музофотига ташриф буюришга кўндирдик. Бул зот бизнинг миршаблар фаолияти билан танишиб чиқдилар. Фоят бисёр таассуротларга эга бўлдилар. Фикр-мулоҳазаларини, ўзларининг бой тажрибаларини ўртоқлашишни ул кишидан илтимос қилдик. Жон деб рози бўлдилар.

— Марҳамат, ерлик мўътабар ҳамкасб, сухан ирод этиш сизга.

Ер сайёрасидан олиб келинган калтабақай Избосаров ўтирган ўрнидан оғир қўзғалади. Ёт сайёраликларга қирғий қараш қилиб олгач, «Мени бу ерга ҳийла ишлатиб, улар учар ликопчада хушсиз ҳолда олиб келишганини айтсаммикан», деган хаёлга борди. Бироқ чўчиб, дарҳол фикридан қайтди. Ҳозирча бандилигимни билдирмай, азиз меҳмон ўрнида кўришяпти. Шунисига ҳам шукур қилиш керак. Яна бизнинг лаҳжада сўзлашишар экан. Балки, ёмонликни раво кўришмас. Кўрқманг, сизни элимизда узоқ муддат сақлаб туриш ниятида эмасмиз, дейишди. Бу сайёрада энди умрбод қолиб кетаманми, деган ваҳмда эдим. Хайрият...»

— Касбдошлар, — деб сўзга кўчди, ниҳоят у. — Бизнинг сайёрамиз билан алоқа боғлаганингиз оламшумул ютуқдир. Мана, мен ана шу тикланган алоқа кўприги шарофати туфайли сизнинг маконингизда, ҳузурингизда ўтирибман. Бундан беҳад хурсандман.

Олқишлар, «маъвомизга хуш келибсиз, унс<sup>1</sup> бўлсин, деган овозлар янгради».

Избосаров хиёл руҳландими, энди сал тетикланиб, нутқида давом этди.

— Ишларимизда умумий ўхшашлик томонлари бор экан. Лекин сизлардаги жиноятчилар олами билан курашиш усуллари бизникидан тубдан фарқ қилади. Чунончи, жиноятни аниқлаш усуллари, сизларнинг маҳкаманингизда гумондор шахснинг телефонда сўзлашувларини пинҳона эшитиш, махсус аппаратлар ёрдамида шубҳа остига олинган кишининг барча хатти-ҳаракатларини яширинча суратга тушириш, хуллас, зимдан далилий ашёлар тўплаш, кенг оммалашган экан. Бизда эса бундай усуллар қонун йўли билан тақиқлаб қўйилган.

— Биламиз, ҳаво тўлқини орқали алоқамиз бор. Сизларда қонун бошқа-ю, унга амал қилиш бошқа.

<sup>1</sup> Дустлик.

Жиноятни очишдаги айрим хуфиёна ишларингизнинг бизникидан ҳеч бир қолар ери йўқ! — луқма отди дўнг манглайлардан бири.

Избосаров ўсал бўлиб қизариб кетди. Аммо ўзини эшитмаганга олиб, нутқида давом этди.

— Сизларда айбга иқроп қилиш йўлида қўлландиган мураккаб усуллар ҳам бизнинг қўлланмага тамоман зиддир. Айбланувчини диққинафас, тор-танқис ҳужрада узоқ муддат тик оёқда туришга мажбур этиш, чанқаганида унга сувга алжитувчи дори қўшиб бериб сир олиш, кўп ҳолларда уларни ашаддий жиноятчилар ётган ёки маҳбус ниқобида ўз ходимларингиз бўлган хоналарга қўйиш, турли оғир қийноқларга солиш каби усулларингиз, тўғриси, менга ёқмади. Ҳатто дастлабки сўроқ пайтидаёқ айбланувчига нисбатан жисмоний куч ишлатилар экан. Қонга солиб дўппослаш, юзга ниқоб кийиб олиб тепкилаш ҳаво ўтказмайдиган халтачани калласига кийдиртириб қийнаш — бу ўтакетган ваҳшийлик-ку! Айниқса, заифаларни эркаклар қийнаб сўроқ қилиши даҳшат бўлиб туюлди менга. Ҳужрада бир маҳзун, маҳкума аёлнинг сўроқ қилинаётганининг гувоҳи бўлдим. Курсига чўкиб олган терговчи унга шундай ўшқирди.

— Хўш, ойимча, айт-чи, бу хонанинг нечта бурчаги бор!

— Тўртта! — деди қўрқа-писа маҳкума.

— Бекорларни айтибсан! — яна дўқ қилди унга терговчи. — Кўзинг кўрми, тузукроқ қара, бурчаги бешта-ку! Бешинчиси ана, яхшилаб кўриб қўй, агар айбингдан тонсанг... деб, у аёлнинг сонлари орасини кўрсатди. Сўроқнинг бу тури ўта ахлоқсизлик-ку! Ахир ҳаммамизни дунёга келтирган табаррук она, аёл зоти-я...

Жимжитлик ҳукмрон эди. Нотиқ: «Ҳа, ҳали япаски бошларингни эгиб, мулзам бўлмайсанлар-а», дегандай ўтирганларга мағрурона боқди-да, давом этди.

— Бундан ташқари, сизларда айбланувчини пўписа қилиб қўрқитиш, яъни айбингга иқроп бўлмасанг, хотинингни, бўйи етган қизингни ҳам қийноққа соламиз. Ундоқ қиламиз, бундоқ қиламиз, деб мутлақ айбсиз оила аъзоларини ноҳақ ҳибсга олиш, қийноққа



солиш ҳоллари учраб тураркан. Яна баъзиларини чўчи-тиш, қийноқ йўли билан гувоҳлик беришга уннаш ай-рим ҳолларда сохта шоҳидларни ёллаш усулларингиз ҳам чакки экан. Бизнинг ишда бундай усуллар қўлла-нилса қонун йўли билан жазога маҳкум этиламиз.

— Гдьян, Ивановдек денг! — деб яна бири кесатиқ қилди. Гур кулги кўтарилди. У: «бизнинг ишлардан ҳам хабардор экан-ку, бу қурғурлар», деган ўйга бо-риб, бу ёқдаги ишлардан ҳам жиндек қайд қилиб ўтиш-га жазм қилди.

— Ҳа, янглишмадингиз, «гуруч курмаксиз бўлмаган-нидек» бизнинг ҳамкасабаларимиз орасида ҳам вази-фасини суиистеъмол қилувчилар ора-чорада учраб туради. Бунга сабаб: бизда маъмурий орган ходимла-рига ниҳоятда катта ҳуқуқ, имтиёзлар бериб қўйил-ган. Ишимизга биров бурун суқиб аралашолмайди. Бизга зарар етказган шахс ҳам катта моддий зарар кўради, ҳам қаттиқ жазога тортилади. Шу боисми, ходимлари-миз орасида ҳақдан зиёд кибрланиб, босар-тусарини билмай қоладиганлари ҳам учраб туради, — деб хи-жилдан қутулди Избосаров. — Лекин сизлардан ибрат олса, ўрганса арзийдиган жиҳатлар ҳам кўп экан. Қо-йилмақом қийноқ усулларингиздан бир нечтаси менга маъқул бўлди. Чунончи, қум солинган халтачаларни қўллаб, айбланувчини калтаклаш... Қумли халтача ус-тидан берилган зарб, сўроқ берувчининг баданида из қолдирмайди. Яна айбдорнинг калласини сувга пишиб туриб қийнаш, махсус мослама ёрдамида узлуксиз қитиқлаш, аксиртирувчи дори искатиш. Бири азба-ройи тинимсиз аскираверганидан силласи қуриб, шал-пайиб қолдиёв. Яна фуқароларингизга ҳатто, пичоқ олиб юриш ман этилган. Ов қуролларидан фойдала-ниш мутлақо тақиқланган экан. Бу усулларингизни биз ҳам ишимизда татбиқ қилсак, фойдадан холи бўлмас-ди. Келгусида соҳамиз бўйича ана шундай тажриба алмашиб туришимиз мақсадга мувофиқдир.

Ер сайёраси вакили изқувар Избосаров олқишлар-га кўмилди. Аммо унинг пароканда хаёли бошқа ёқда эди:

«Бу дўнпешона, турқи совуқлар энди мени эсон-омон она-еримга оббориб қўйишармикан?..»

## ГУРУНГ

Ер куррасилик изкувар Избосаров бу ҳудудсиз ёруғлик сайёрасига келтирилганидан бери ҳали қоронғиликни кўргани йўқ. Теварак-атроф ҳаммавақт ёп-ёруғ, тепада қуёш чарақлаб турибди. Ҳаво эса на иссиғу на совуқ. Деярли ҳар икки-уч қадамда бир чоққина ариқча. Уларда зилол сув жилдираб оқиб турибди. Салқинлик сув сероблигидан бўлса, ажаб эмас. Бу сайёрада дов-дарахт, ўсимликларнинг айрим турлари ниҳоятда тез ривожланиб, ҳатто соат сайин йириклашиб бораркан. Дарахтларнинг меваси сероб, дуркун-дуркун.

Анғирту тустовуқлар, турфа хил паррандаю-даррандалар, туяқуш, кенгуруга ўхшаш баҳайбат ҳайвонлар кўп. Атрофда бемалол ўтлаб юришибди. Зарғалдоқ қушлар, чағ-чағи тинмайди. Оёқ остларида эса шаффоф, ялтироқ тошлар сероб. Бу ерда яшовчилар қачон ишлаб, қайси пайт дам олишади, билиш мушкул.

Изкувар Избосаровни ёлғиз сайр қилишга қўйишмасди. Ҳаммавақт тунд башара, чандиқбурун унга соядек эргашиб юради. У миршаблар умароси экан. Бугун эса Избосаров чандиқ бурун хонадониди меҳмон. «Уйи қасрнамо. Жуда тўкин-сочин яшашса керак булар», деган ўй кечди хаёлидан Избосаровнинг.

Танчасимон хонтахта устидаги хилма-хил нознеъматлар, таомларнинг хушбўй ҳиди томоғини қитиқлаб юборди. «Мезбон: қани, марҳамат, егуликлар сизга мунтазир», деб мулозимат кўрсатгач, Избосаровнинг иштаҳаси карнай бўлиб кетди. У таомлардан бўқди, меваларнинг сархилларидан кекирдагига етгунча еди. Уларда нашватига ўхшаш бир хил меванинг суюқ шарбати шароб ўрнида ичиларкан. Икки қадах симирган эди, сархуш бўлди.

«Бизда энг сара чоғир — шу. Қалай ёқдим», — деб кибрли мақтанди мезбон. Энди суҳбатга жон кирди. Избосаров хонадон соҳиби чандиқ бурунни саволга тутди.

— Сизларга яқин қўшни сайёралар ҳам борми, деди у лаб-лунжини арта туриб.

— Бор, бир талай, — деб гапга кўчди мезбон. — Қўшни сайёралардагилар билан чиқишолмаймиз. Улар бизни худбин, фотих, бадхоҳлар, деб билишади. Ҳатто ердагилар билан алоқа қилишимизга ҳам тўсқинлик қилишади. Шу боис, ўзимизни бир оз тийиб турибмиз. Бўлмасам алақачон черик, яъни қўшин тортиб, қирғинбарот ғазавотни бошлаб юборган бўлар эдик. Ғазавот бўлса бизга яхши. Маишат, вақтичоқлик қиламиз. Кўплаб модарзодалар тул қолишади-да. Қирғинбарот ғазавотларда асосан мустамлакалар улусидан ташкил топган навкарлар асқотади. Улар тўғридан-тўғри жангнинг олдинги чизивига юборилади. Пешонасида бори омон қолади, қолгани қирилиб кетади. Ҳозирча ўзга сайёрадагилар билан борди-келдимиз йўқ. Тасарруфимиздаги улуслар элчисини ҳам боргани кўймаймиз. Негаки, уларда улуслар ҳур, эркин ҳаёт кечиришади. Барча ирқлар тенг ҳуқуқли, бир-бирини камситиш йўқ.

— Тушунарли. Демак, сизларнинг тузумингиздаги сиёсатни қўшни сайёрадагилар ёқтиришмас экан-да, — деб мезбонга бир синчков боқиб олди Избосаров.

— Ёқтиришмагани майли-ку-я, бизнинг тузумни кўрарга кўзлари йўқ, — деди алам билан чандиқ бурун. — Чунки, биз юритаётган сиёсат икки хил юзаки сиёсатимиз бошқаю амалдагиси бошқача. Бири иккинчисидан тубдан фарқ қилади. Амалдагиси мутлақо махфий тарзда амалга оширилади. Майли, сизга айримларини айта қолай. Биз олий ирқилар аслида оқ айиқлар музофотидан бўламиз. Авлод-аждодаларимиз босқинчи ўтган. Юзлаб музофотларни қирғин барот жанглар билан ишғол этиб, зўрлаб ўз тасарруфларига кўшиб олган. Бизга тобе бўлган элларга тилимизни мажбуран ўргатганмиз. Урф-одатларимиз анъаналаримизга риоя қилишга маҳкум этилган. Уларнинг урф-одатлари, (айрим безарар, лекин фойдалилари бундан мустасно) ўтмиш сарқитлари деб қораланади. Диний қадамжоларни зиёрат этиш тақиқланади. Ўтмишдаги миллий қаҳрамонлари, донишмандлари, эрксевар, адо-

латпарвар сардорлар номи қораланиб, халқда уларга нисбатан нафрат ҳисси уйғотилади. Биз жорий этган қонун-қоидалар бўйича иш юритилади. Ёзув, чизув, ҳисоб-китоб, йиғинлар олий ирқ тилида юритилиши мажбурийдир. Замин усти, замин ости қўйингки жамики бойликлар бизнинг тасарруфимизда. Бизга қарам музофотлардаги туб аҳолидан фақат эмгакчилар<sup>1</sup> керак холос.

— Бундай қарам музофотлар кўпми? — деб сўради Избосаров.

— Ҳў, сон-саногни йўқ, — деб давом этди мезбон. Сайёрамизнинг тўртдан уч қисмини мустамлака музофотлар ташкил этади. Баъзи улусларнинг андомқиёфаси, тили, урф-одатлари бошқаларникига сира ўхшамайди.

— Улар меҳнатлари эвазига кўп ҳақ олишадими? Қизиқсиниб сўради яна Избосаров.

— Сиз ўйлаганчалик эмас, ҳамнишин. Улар бечораҳол яшашади, — жавоб қилди чандиқ бурун, — туб аҳоли кўп ҳақ олса, биз кам даромадга эга бўламизку. Авваломбор қарам музофотлардаги туб ерлилар ишлаб чиқараётган маҳсулотта арзимас арзон нарх белгилаб қўйилади. Шунга қараб маош ҳам оз миқдорда тайинланади. Лекин иш миқдори оширилади. Бунинг фойдаси катта, салтанат маҳзанига катта фойда оқиб келади. Фуқаро эса кўпроқ ҳақ олай деб, қора, оғир ишларда тинкаси қуригунича ишлайверади. Лекин олган маошлари эҳтиёжларини зўрға қондиради. Устига-устак улар яна турли ўлпонлар тўлашга ҳам мажбур. Томорқа, ҳовли-жой, сув, бўйдоқлик, мол, гўшт ўлпонлари, чироқ ҳақи, ёнувчи ҳаво, олов тўлови, момоҳаво, одамато руҳлари учун ўлпон, ҳавони ифлослантиргани учун ўлпон, йўл солиғи, яна қанчадан-қанча мажбурий суғурталар ҳақи ва ҳоказо-ҳоказолар, иш ҳақининг талай қисми турли ўлпонларга сарф бўлади. Бунинг устига нарх-наво тез-тез оширилиб, озиқ-овқат, эҳтиёж нарсаларга сунъий равишда тахчиллик юзага келтирилиб турилади. Аҳоли жамоа ва марказ хўжа-

<sup>1</sup> Ишловчилар.

ликларида уюшган ҳолда ишлайди. Ҳозирланаётган хомашёнинг ниҳоятда паст сифатлиси, озиқ-овқат маҳсулотлари турларидан ёмонлари, ортиқчалари мустамлакалар фуқароси эҳтиёжи учун сарфланади.

— Сиз ҳозир зикр этган бу икки хўжаликнинг бир-биридан фарқи нимада? — тушунмагандек, атай савол берди меҳмон.

— О, фарқи катта, — деб ғурурланиб тушунтиришда давом этди «Ёқти» сайёралик. — Юзаки қарганда фарқи йўқдек туюлади. Гўё ишга қизиқтириш, рақобат билан ишлаш учун ташкил этилгандек. Лекин улар орасида катта тафовут бор. Сизни шу жабҳа жуда қизиқтираётган бўлса, маълумот бериш менга тан.

— Илтимос, айтинг, — деди Избосаров. — Ибратли бўлса бизнинг тузумга ҳам асқотиб қолар...

— Бу икки хўжаликнинг бир-биридан фарқи шундаки, — деб яна тузумини мақташга тушди чандиқ бурун. — Жамоа хўжалиги қўлга киритилган даромдининг талайгина қисмига эгаллик қилиш ҳуқуқига эга. Марказ хўжалик эса салтанат тасарруфида. Шу туфайли жамоа хўжаликлари ҳар томонлама назорат қилиб турилади. Агар қайси бири катта даромад ортирса, бундай ҳолда у жамоа хўжалигини тезда иқтисодий тангликка гирифтор қилиш чоралари кўрилади. Жумладан, кўплаб яроқсиз, кераксиз зироатчилик анжом-ускуналарини харид қилишга мажбур этилади. Кейин сунъий равишда эҳтиёт қисмлар танқислиги вужудга келтирилиб, иш анжомлари кучидан тўлиқ фойдалана олмасликка имкон яратилади. Оқибатда аҳоли жисмоний меҳнатга куч бериб, тинка мадори қуригунча ишлайверади. Ёки мутлақ зарур бўлмаган зовур, каналлар қаздирилади. Умуман, эҳтиёж сезилмаган сув тошқинидан, довулдан, ёппасига ўлат келтирувчи қирғин қуроллар хавфидан сақланиш учун маҳсус ер ости иншоотларини ва шунга ўхшаш биноларни қуришга мажбурий кўрсатма берилади. Хуллас, жамоанинг кўплаб маблағи фойдасиз нарсаларга совурилиб, меҳнат аҳлининг тўқ, тўкин-сочин яшашига йўл қўйилмайди. Биз учун қарам улусларнинг риёзат чекиб, қашшоқ яшайвергани маъқул. Шундагина улар

ортиқча ғалва ишларга, сиёсатта аралашмай кўяди. Рўзгорини бир амаллаб тебратиш ташвиши билан банд бўлишади. Аксарият ҳолларда иқтисодий устунликка эришган жамоа хўжалиги тезда марказ хўжаликка айлантириб юборилади. Қарабсизки, ортиқча даромад, орттирилган маблағ салтанат тасарруфига ўтади. Аҳоли қуруқ маощдан ўзга мулкка эга бўлолмай қолади.

— Ашаддий эксплуататор экансизлар, — деди ерлик изқувар Избосаров ва беихтиёр айтиб қўйган сўзидан чўчиб яна чайналди. — Демокчиманки, омма кучидан фойдаланиш, бойлик орттириш йўлларини яхши билар экансизлар.

— Ҳа, инчунин янглишмадингиз, — деди бошини силкитганча ишонч билан хонадон соҳиби. — Бойлик орттириш бизда ҳамманинг эзгу орзуси. — Бойлик — бу буюклик, ҳукмронлик демақдир. Аммо биз бошқа улусларга ўзига хос эркинликлар бериб қўйганмиз. Лекин бу ғилоф ичидаги эркинлик. Улусларнинг кўпайиши ўз эрklarига қўйиб берилган. Чунки меҳнатчилар қанчалик кўпайса, шунчалик фойда-да. Лекин бизни тобе элар улусининг бақувват, соғлом, онгли бўлиб ривожланиши мутлақ қизиқтирмайди. Қора меҳнатта яроқли, эмгакчи бўлса, бўлди. Шу туфайли, бу мустамлақа музофотларга экинлар ривожидеб, ёки зараркунанда ҳашаротларни йўқ қилиш баҳонасида соғлиққа таъсир этувчи кўп миқдордаги зарарли дориларни қасддан ишлатамиз. Ҳатто она сути, сигир сути, мева-чевалар таркибида ҳам маълум миқдорда заҳар моддаси бўлишига эришамиз. Бундан ташқари фуқаро кундалик эҳтиёжи учун сувидан фойдаланадиган ариқларга турли корхоналарда ишлатилаётган чиқинди, оқава сувлар оқизилиши одат тусига кириб қолган. Бу ҳол қарам музофотлар фуқароси насл-насабига кучли таъсир қилади. Ақли заиф, чала, мажруҳ гўдаклар туғилади. Даволанишга эса дори-дармон, ҳақимлик ҳақи қиммат туради. Туб фуқаронинг кўпайиб кетиш хавфи туғилгудек бўлса, дарҳол бола туғилиши маълум муддатларгача чеклаб қўйилади. Ҳукамолик соҳаси деярли олий ирқдагилар ихтиёрида. Бир махсус эмлаш ўтказилса, бўлди, заифалар ҳомила ташлаш ёки чала,

ўлик бола туришдан нарига ўтмай қолишади. Бизнинг бундай ажабтовур ишларимиздан ажабланаётганлигини сезаяпман ҳамкасб. Лекин бир талай тартиб, қоидаларимизни сиз ерликлардан ибрат олиб жорий этганмиз.

— Ҳа, бизнинг Ер сайёрамиз ҳам кичик эмас, унда ҳар куни минг бир турфа ишлар бўляпти, — деди Избосаров чуқур хўрсинганча. — Ҳар қадамда бир эзгулик-у, бир ёвузликка дуч келинмасдан илож йўқ. Сир бўлмаса айтинг-чи, сизларда қарам юртлардаги омманинг билими қандай? Чуқурми?

— Ўзига яраша, демоқчиманки, бунга бизда иккинчи даражали деб қаралади, — деди қўлини силтаганча чандиқ бурун. — Билимгоҳларда ўргатиладиган фанлар тури атай кўпайтирилади. Таълимга оид қўлланмалар пала-партиш, саёз тузилган бўлади. Таалабалар қайси бир фанни ўзлаштиришга гаранг, бошлари қотиб қолади. Кераклигидан кераксизи кўп билимларни эгаллашади. Қарабсизки, ўз-ўзидан билимлари саёз бўлади. Бунинг устига эҳтиёж учун ақча жуда кам тўланади. Тўйиб овқат ейишга иқтисоди кўтармайди. Натижада онги заифлаша боради. Устига-устак улар таътил пайтлари экин-тикин, таъмир ишларида ишлашга мажбуран жалб этилади. Муаллимларга ҳам турли жамоа ишлари қалаштириб ташланади. Фанларни тўлиқ ўтишга имконият бўлмай қолади. Натижада билим бериш даражаси сусаяди. Оқибатда, улар ўртамиёна билимга эга бўлишади. Бундайлардан ҳеч қачон савияси баланд, лаёқатли мутахассислар етишиб чиқмайди. Пировард натижада мулоҳазасиз, чала билимдонлар бизнинг табақадан етишиб чиққан етакчи ихтисосли ходимларга муте, тобе бўлиб ишлашга мажбур бўлишади.

Чамамда кўп гапиравериш, сиз азиз меҳмонни анча толиқтириб қўйдим. Кўзларингиз биё-биё бўлиб кетяпти. Ухлаб бир оз ҳордиқ ёяйлик. Бизда ким қачон чарчоқ сезса, мириқиб ухлаб олиш одат.

Избосаров чиндан ҳам уйқусираётганди. Хонадон соҳиби таклифига дарров кўнақолди. Бу ёт сайёрада унга бирдан-бир хуш ёқаётган нарса ҳузур қилиб ухлаш эди. Ўринга киргач, тезда уйқуга кетди.

## СЎНГГИ МУЛОҚОТ

### Ёхуд алвидо, ёруғлик сайёраси

Избосаров уйқудан кўз очганда чандиқ бурун безатилган дастурхон атрофида унга муштоқ бўлиб ўтирарди. «Одати қурсин, буларнинг, мундоқ уйғотса, бир ери камаярмиди, меҳмонни ҳам шунчалик эъзозлайдиларми. Ёки ўзларини жуда ҳимматли, меҳмоннавоз қилиб кўрсатишмоқчимиди. Иззат-икромларингдан ўргилдим-эй, дея дилида койинди Избосаров. У ўрнидан хиёл хижилланиб кўзгалгач, апир-шапир ювинди-да, келиб хонтахта теграсида чўқди.

Тамаддидан сўнг чандиқ бурун Избосаров билан ўз маъвосидан чиқиб, хосхонаси томон йўл олди. Мақсади қандай иш юргизишидан Избосаровни воқиф қилиш эди.

Хосхона. Анвойи жиҳозлар. Тўрда катта айлана стол. Устида қизил коса тўнтариб қўйилгандек нарса. Сиртида ҳар хил қуббасимон тугмачалар мавжуд. Афтидан алоқа пулти бўлса керак. Ичида чироқ ёнса, ундан дўриллаб овоз чиқади. Чандиқ бурун онда-сонда тугмачалардан бирини босиб, ходимларига фармойиш беради. Айримларнинг ишга тааллуқли ахборотини тинглайди.

— Сизларда кадрлар масаласига эътибор катта бўлса керак-а? — деб сўради Избосаров бир неча соат олдин узилиб қолган мулоқотни давом эттириш ниятида.

— О, эътибор ҳам гапми, азиз ҳамнишин. Бизда тузумни сақлаб, тебратиб турувчи асосий соҳа, бу раҳбарият ҳисобланади, — деди ифтихор билан чандиқ бурун. — Бу жабҳада тузумимизда шундай бир мустаҳкам занжир мавжудки, у занжирни узиш ёки бойлам қилиб ташлашга раҳбариятдан бўлак ҳеч бир куч қодир эмас. Бизда асосан, хоҳ катта, хоҳ кичик раҳбарият ишларида синовлардан ўтган, махсус дастуримизда қайд қилинган шартларга, қоидаларга сўзсиз итоат этиб, шунга тўла амал қилувчи ўз одамларимиз, яъни олий ирқилардан тайинланади. Қарам музофот-



ларда эса туб ерликлардан ёлланган ўта ишончли, садоқатли кишилар раҳбарлик ишларига қўйилади. Улар алоҳида рўйхатда туришади. Махсус фирқа билимгоҳларида таҳсил олишади. Шундагина ҳукмрон бўлган фирқамиз раҳбарият лавозимларига тайинланади.

Бизда фирқаликка ўтиш осон эмас. Олдин минг бир чиғириқдан ўтказилади. Қариндошларидан бирор киши жиноят содир этмаган ёки газовотларда ганим қўлида банди бўлмаган, сиёсат бобида қораланмаган, ахлоқи пок, бир сўз билан айтганда ижтимоий келиб чиқиши фариштадек тоза бўлиши керак. Маъмурий соҳа, хуфиявий юмушларда ҳам худди ана шундай соф одамлар ишлашади. Умуман бизда маҳаллий идоралардаги қўйи раҳбариятнинг хизмат мавқеи чеклаб қўйилган. Улар фақат юқоридан бериладигана қатъий кўрсатма, топшириқ, буйруқларни сўзсиз бажаришдан нарига ўтмайди. Тузумимизга садоқатли раҳбар кишилар тез-тез рағбатлантириб турилади. Улар доимий равишда ҳимоя остига олинган бўлади. Бундай раҳбарият ходимларга ўзларига эътиқодли кишилардан ёрдамчи, ўринбосарни тайинлашга рухсат берилади. Лекин ҳар қандай раҳбариятликда ҳам биринчи ўринбосар ўз одамларимиздан, яъни олий ирққа мансуб кишилардан бўлиши шарт. Биринчи ўринбосар асосан, кадрлар масаласи: миршаблар, қозилар, хуфия ишлар фаолияти, молиявий соҳа ва савдо ишларини идора қилади. Раҳбар бўлса умумий ишлар билан банд бўлади. Мустамлака музофотлардаги туб ерли тилини билган олий ирқли зот тўғридан тўғри раҳбарлик ишларини эгаллайди. Қўйи бошлиқ албатта, ўзидан юқоридаги раҳбарга тобедир. Сўнггиси яна юқорироқдагисига итоат этади. Умуман, бизда барча жабҳаларда қўйи раҳбариятнинг ўзидан юқорироқдаги раҳбариятга тобелиги бир хил. Улар эгаллаб ўтирган мансаб курсисидан ажралиб қолмасмиканман, деб доимо ҳавотирда яшашади. Бир-бирига яхши кўриниш учун жонфидолик қилиб ишлашади. Лекин уларни баҳамжиҳат ёки тил бириктириб бирор мақсадни кўзлаб иш юргизишларига мутлақо йўл қўйилмайди. Бундайларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати пинҳона назорат қилиб турилади.

— Аввало бемаъни саволим учун айбга буюрма-  
гайсиз. Сиз ҳам шундай раҳбарлар тоифасига кира-  
сизми? — деб учуриқ қилди Избосаров.

— Сизни тушундим, ҳамкасб. Олий ирқли раҳбар-  
лар бундай хатодан мустасно, — дея изоҳ берди ил-  
жайганча чандиқ бурун. — Баъзида ирқимиздагилар  
орасида ачинарли ҳоллар ҳам учраб туради. Олий  
ирқли бошлиқ қўпол нуқсонларга йўл қўяди. Ишга  
катта путур етказди. Ўзига тобе хизматчилар ўрта-  
сида норозилик уйғотиб, шаънига доғ туширади. Бун-  
дай тақдирда у дарҳол мансабидан олиниб, ўзга жой-  
га, бошқа бир раҳбарлик лавозимига қўйилаверади.  
Айби кечирарли бўлса, енгил-елпи танбеҳлар билан  
кутулаверади. Ўзимизникиларда мавқега ишончсиз-  
лик кайфиятини уйғотиш қатъиян мумкин эмас. Ке-  
йин бизнинг касбимиз дахлсиз. Фақат пойтахтдаги  
ҳумоюнга итоат этамиз. Чунки маҳкамамиз ходимла-  
ри ҳамиша салтанат манфаатларини кўзлаб иш тута-  
дилар. Фуқаро орасидан етишиб чиққан қобилиятли,  
тадбиркор, тиришқоқ кадрларга юзаки эътибор бе-  
рилади. Улар ўз минтақаларида муҳим лавозимларга  
тайинланади. Лекин бундай одамларнинг ҳар бир  
ҳаракати, иши ҳисобда бўлади. Сал ўзларидан кетиб,  
босар-тусарларини билмай қолишса, аяб ўтирилмай-  
ди. Улусни, қавмни бирликка чақиритишдаги ҳар қан-  
дай уринишларга тўсқинлик қилинади. Чунончи, уларга  
нисбатан зимдан ивво, фитналар уюштирилади. Пи-  
ровардида, жамоа кўзи ўнгида обрўсизлантирилиб,  
мансабдан четлаштирилади. Бу бизнинг учун энг тўғри  
йўлдир. Чунки бундай фаолларнинг қўпайиши қарам-  
ликка раҳна солади, ихтилофли хавфларни туғдира-  
ди. Шу боис ҳар ўн беш йилда раҳбариятда бир  
тозаланиш ўтказилиб турилади. Баҳона топилади. Ол-  
диндан режалаб қўйилган тадбирлар бор. Тез фур-  
сатда саркордан норози, аламзада бир гуруҳ ёлланган  
улус номидан жамоа норозилиги акс эттирилган ариза  
уюштирилади. Унда бизга ўзимиздан саркор керак  
эмас, юқоридан, олий ирқилардан ҳалол, виждонли,  
адолатпарвар саркор юборинг, қабилдаги талаблар  
бўлади. Бундай талабнома биз учун асосий дастак. Тезда

маҳаллий улусдан чиққан сардору саркорларнинг пай-лари қирқила бошланади. Чамамда бундай тадбирни сизларда репрессия деб аташади. Энг қўлидан иш келувчи маҳаллий ерли раҳбарлар турли баҳоналар, сохта айблар билан сиқувга олиниб обрўсизлантирилади. Айримларига сиёсий айб қўйилиб, ҳибсга олинади ва тезда бадарға қилинади. Кучли хавф туғдирганлари эса пинҳона йўқ қилиб юборилади. Биз учун эса бу мустамлака музофотларда яна осойишталик даври бошланади. Афкор фуқаро орасидан эса яна шундай ишбилармон, сиёсатдон талантлар етишиб чиққунча кўп йиллар керак бўлади. Шунинг учун оқилона сиёсат юргизиш ва қатор тадбирларни қатъиян махфий тарзда амалга ошираётганлигимиз туфайли тузумимиз асрлар давомида ўзгармай келяпти.

— Суханингиздан англашимча, олий салтанатингизга қарам юртларда турли ирққа мансуб халқлар яшар экан, — деб яна галдаги саволга кўчди Избосаров. — Миллатлараро, ўзаро низолар ҳам чиқиб турадими?

— Низолар бўлмаса, ўзимиз атай уюштирамиз ҳамнишин, — деди гўлдайганча чандиқ бурун. — Низо-ларсиз иш юришмайди. Онда-сонда бир улусни иккинчи бирига атай гиж-гижлаб, жанжаллар, можаролар, миллий ихтилофлар чиқартириб турмасак бўлмайди. Кейин жанжални, бебошликларни бостириш баҳонасида миллатчи эрксеварларни, улус манфаати учун куюнувчиларни битта-битталаб тутиб, қаттиқ жазога тортамиз. Ишқилиб, ношуд оммининг ўз ҳақ-ҳуқуқини тўла таниб олишига асло йўл қўйилмайди. Баъзида вазият танглашиб, зарурат сезилиб қолган тақдирда ўзимизникилардан атай қурбонлар қилишга ҳам тўғри келади. Сарбозларга оддий кийим кийдирилиб, оломон ичига жўнатилади. Улар гўё улус учун жонфидо қилувчилар қиёфасида жиддий, кескин ҳаракат қилишади. Тартиб сақловчиларга нораво гаплар айтишади, уларга қарата қасддан тош отиб, ўқ узишади. Оқибатда, хизматчиларимиздан баъзи бирлари оғир жароҳатланиб, икки учтаси ўлади. Фалаёнчи улусларнинг бундай мудҳиш қилмишига нисбатан тартиб сақловчилар қазаби,

нафрати жўшиб кетади. Бир зумда ур-сур авжга чиқади. Шунда халойиқ ададсиз қирғинга учрайди. Жанжални қасддан кўзгаб, берган ўз кишиларимизни эса зимдан йўқ қилиб юборамиз. Сабаби қора ишлардан из, шоҳид қолдириш гумроҳликдир. Шаҳид бўлган сарбозлар эса ғалаённи бостириш, тартиб ўрнатиш ёки хизмат бурчини ўтаётган пайтда қаҳрамонларча ҳалок бўлдига чиқарилади. Хуллас, биз эрксевар ношудларни тартибга чорлаган, муросага келтирган халоскор бўлиб қолаверамиз. Мабодо, мустақилликка интилувчи гуруҳлар, уюшма вужудга келгудай бўлса, бундай уюшма ташкилотчиларининг пайи тезда қирқилади. Улус, миллат тақдири, эрки ҳақ-ҳуқуқини ёқловчи, адолат ва тенгликка интилувчи фаоллар тезда турли уйдирма баҳоналар билан бадарға қилинади. Фуқаронинг ўсиши, бирлашишига, ҳамжиҳатлигига ҳамиша раҳна солиб турилади. Булардан ягона, қудратли, ҳукмрон уюшмадан ўзга уюшма йўқ экан-да, деб ўйлашингиз табиий. Майда-чуйда итоатли уюшмалар бор. Улар тузумимизга деярли хавф туғдирмайди. Салтанатимиз тутган сиёсат йўриғидан четта чиқиша олмайди. Сиёсат ишларига унчалик аралаштирмайди. Маҳаллий кўмиталар, ёшлар иттифоқи, деҳқонлар уюшмаларининг асосий вазифаси оммани кўпроқ меҳнат қилишга жалб этиш, ишдан ташқари пайтларда маданий ҳордиқ ёйиш, тарбиявий ишлар ва кўнгилочар тадбирларни жорий этишдан иборат.

Пульт чироғи ёниб, ташвишли овоз эшитилди.

— Муҳтарам умаро, шалпанг қулоқдилар кентида тўполон, дўнг пешонадилар билан катта ур-сур кетяпти. Ғалаёнли жойни гирдо-гирд ўраб олдик.

— Низонинг сабабчилари кимлар? — сўради чандиқ бурун.

Шундай жавоб бўлди:

— Мोजаро ўзимиз уюштирган фитна асосида бошланди.

— Унда у лапашанглари ўз ҳолларига қўйларинг, — амирона буйруқ берди у. — Калваклар бир-бирларини роса юмдалашсин. Жикқамушт авжига чиққанда, хотирани заифлаштирувчи газ ишлатиб, сўнг беаёв кал-

таклашни бошланглар. Фузалоларини маҳшарга равона этинглар. Эҳтиёт бўлинглар, оломон орасидаги ўз шунқорларимизга зиён етмасин.

— Хўп бўлади, мухтарам умаро, — ҳа-даҳан ишга киришурмиз...

«Бу сайёрадаги ҳаёт тарзи ҳам бизникидан кўра юз чандон галвали экан-ов, дея кўнглидан ўтказди Избосаров. Бир-бирини кўролмаслик, қавмни-қавмга, бир улусни иккинчисига гиж-гижлаб, қарши қўйиб, улар орасига нифоқ солиш, мол-дунё учун талашиш, худбинлик, террор, жирканч қабихликлару, беҳуда хунрезликлар. О, нақадар жирканч, мудҳиш тузум-а?!»

— Маъзур тутасиз ҳамкасб, бундай галаёнлар боя айтганимдек биз учун кони фойда, — деди кафтларини бир-бирига ишқаганча чандиқ бурун. — Қайси бир кент ёки туманда калтабин фуқаро эрк учун бош кўтарса, дарров адабини бериб қўямиз. Атай низо чиқартириш учун бизда синашта осон усуллар кўп. Бундай ишларда махсус тайёргарлик кўрган ўз чокарларимиз ёки синашта ёлланганлардан бир гуруҳи аҳоли бесаранжом бўлган тумандаги фуқаролар орасига суқулиб киради. Авом халқнинг нафсониятига тегишга устаси фаранг бўлиб кетишган улар. Хуллас, олдиндан пухта ўйлаб тузилган режа асосида қилишади. Бир зумда катта можарони туғдиришади. Қарабсизки, оломон орасида бирпасда ур-йиқит бошланиб кетади. Кейин бу ур-сурни бостиргунча кўплар бошлаб таъзирини ейди, жазога тортилади. Биз учун эса яхшигина баҳона тайёр. «Миллий низо уюшган тўданинг иши. Инқилобчи кучлар ташкил этган», деган важ билан анча-мунча айбисизни ҳибсга олиб, тавбасига хўб таянтирамиз. Улус кўп, тифиз яшайдирган жойларни чироқ, сув қувурлари, ёнувчи ҳаво билан таъминлаш марказлаштирилган. Улус қўзғалиб сал ҳаддидан ошишса, дарҳол сув боғланади, чироқлар ўчирилади, ёнувчи ҳаво бекитилади. Сувсиз, оловсиз, зим-зиёликда қолган улус икки-уч кун ичида ҳисоби гум бўлишиб, ақллари жойига тушади-да, ноиложликдан итоаткор бўлиб қолишади.

Тартиб сақловчиларимиз интизом, буйруққа сўзсиз бўйин эгишади. Бундай ҳолларда зарур бўлса, улар

ҳатто ўз туғишганини ҳам аямайди. Уларга пружинали таёқ, кишан, кўздан ёш кеткизувчи ҳавони қўлаш, яна огоҳлантирмай, қуроли ишлатиш ҳуқуқи берилган. Биз фойдаланадиган ўқлар фавқулодда ўта даҳшатли, зўр тилсим қуроли сифатида ажабтовур фазилатларга эга. Инсон кийимида мис тугмами, вақт кўрсаткичми, ёки чўнтагида темир нарса бўлса бўлди, ўқ дарров ўз йўналишини ўзгартириб, тўғри ўша кишига қадалади. Чунки, ўта кучли магнитга эга. Одамга тегиб, намлик олса иссиқлик даражаси ўн чандон ошиб, вужуд ичидан парчаланиб кетади. Бундай ўқ теккан киши сира омон қолмайди.

Баъзида ашаддий фитначи қайсарлар ҳам учраб туради. Ундайларга бас келолмай қолган пайтларимиз ҳам бўлган. Ҳозир ҳам ана шундай калтабин, тайини йўқ бадзотлардан бири сайлгоҳ майдонида турибди. Очлик эълон қилган. Бизга бир талай шартларни қўйган. Уни алақачон ўз ёғига қовурардик-ку-я, лекин лаънати «салтанат марказига даҳшатли қирғин қуроллини ўрнатиб келганман, агар шартимга кўниб, то элимга эркинлик бермас экансанлар, — у ҳолда қуроли албатта, портлатилади», деб қўрқитяпти. Салтанатдаги ҳумоюн умародан шум хабар келди. Ҳарбий аслаҳахонадан шундай қуроли йўқолган чин бўлиб чиқди. Пойтахт аҳли ҳозир таҳлика остида. Бу тўппатўсиндан туғилган хавфнинг олдини олиш борасида жамики қўллаган тадбирларимиз натижа бермаётир. Ҳозирча сўнги чорамиз шундай бўлди: ул бебошнинг бола-чақаси, барча ақраболарини гаровга олдик-да, зудлик билан салтанатимиз пойтахтига жўнатдик. Биз ҳам унинг шартига яраша шарт қўйдик. Ахир, у ўз яқинларининг бевақт ҳалокатини истамас. Лекин у яна баттар қайсарлик қилиб, мурасага келмай турибди.

Азиз ҳамкасб, мана, бизнинг қандай танг аҳволда қолганимиздан огоҳ бўлдингиз. Ишқилиб даҳшатли қуроли портлатилмасин-да, портлатилса борми, пойтахтнинг кули кўкка совурилади. Биз ҳукмрон олий ирқиларнинг кўпига қирон келади. Салтанатда нотинчлик, алғов-далғов бошланиб кетади. Бу воқеа яъни кутилмаганда юз бергани боис, аҳвол оғирлашиб, таш-

вишларимиз бир мунча ошиб қолди. Маъзур тутасиз ҳамкасб, сизнинг хавфсизлигингиздан хавотирдамиз. Шу сабаб «саёхатим қариди», деб ҳисоблайверинг. Бир неча вақтдан сўнг сизни юртингизга эсон-омон қайтариш истагидамиз. Режаларимиз катта эди. Сизни сайёрамиз бўйлаб ҳўп кездирмоқчи эдик, начора...

«Хайрият, дилимдаги гап бўлди, суюниб ўйлади Избосаров. Ҳуд-беҳуд бўлиб юравериш жонга тегди-ку. Яна ваҳимаси ошиқча. Халққа эрк берилмай, жабр-ситам қилинган, ҳақ-ҳуқуқи учун курашмай иложи қанча. Жонажон юртимнинг, фараҳли тонгларини соғиниб кетдим...»

— Раҳмат, иноят, одамохун меҳмондўстлигингизни кўриб бошим кўкка етди, — деди қувониб Избосаров. — Мени ҳам юртимдагилар интиқ бўлиб кутиб туришгандир. Дарвоқе, улар менинг бу ердалигимни билишмайди ҳам. Аммо маъзур тутасиз, сиз айтаётган мушкулотни бартараф қилиш борасида бирор бир маслаҳат беришга ожизман.

— Ҳечқиси йўқ, ўзим ҳам маслаҳат сўрасам, менинг лаёқатимни синамоқчимиз бу, деган ўйга борманг яна, деб мулоҳаза қилдим. Муҳтарам ҳамкасб, яна бир узримни қабул этгайсиз, — деди жилмайиб чандиқ бурун. — Сиз аввалига: «мени буёққа нима мақсадда олиб келишдйкин, шўм ниятда келтиришмадимикан? Муддаолари не экан? Унда ҳолингга вой, дунёдан умидингни узавер», деган хаёлларга бордингиз. Бу табиий. Сизнинг ўрнингизда биз бўлганимизда ҳам шундай хавотирли хаёлда бўлар эдик. Мақсадимиз: фалакнинг Ер сайёрасида яшовчи инсон бизнинг шароитта, иқлимга тўғри келадими, вазнсизлик ҳолати юз бермайдими? Шароитта мослаша оладими? Ана шу каби тадқиқот ишларида синов ўтказиш эди. Чунки бизнинг тадқиқотчилар Ер сайёрасига аҳён-аҳёнда бориб туришади. Улар заминда ўзларини бамисоли ўз сайёраларида юргандек ҳис этишади.

Синовга соғлом, бақувват, асаблари мустаҳкам, иродали киши яъни, сиз танландингиз. Кийимингизда ўрнатилган мўъжазгина мослама ёрдамида вужудингиздаги ўзгаришлар, қон босимингиз синчиклаб назорат этиб

турилди. Ҳартугул, синов тадқиқотчиларимиз кутганидек ижобий бўлди. Аминманки, энди аҳбоблик ришталари узилмагай...

Чандиқ бурун тўнтарилган коса-пулт тутмачасини босиб аллакимгадир шошилинич фармойиш берди:

— Ер сайёрасига учувчи парвозгоҳга шай турсин! Биз ҳадемай парвозгоҳга етиб борамиз. Яна бурутли ҳожибга тайинла, икки финжон гулобли ичимлик келтирсин.

— Фармойишингиз бош устига, умаро, — деган жавоб қайтарилди... Сўнг йўлга отланиш олдидан чандиқ бурун хосхонасида қаҳвага ўхшаш хушгаъм бир ичимлик ичишди. Избосаров ишқилиб «ичимликка хотирани фаромуш этадиган дори-пори солинмаган бўлсин-да» деган хаёлга ҳам борди.

Инчунин, изқувар Избосаров Ёруғлик сайёрасидаги парвозгоҳга қай тахлит олиб борилганини, парвоз яъни учар ликопчага қандай қилиб тушганини эслай олмайди.

Шуни яхши билади, кўзларини очса, ўзининг дала ҳовлисидаги сўлим бов ичида, ям-яшил бўлиқ майсалар устида ётибди. Ёруғлик сайёрасидаги тасодифий сафари, у ерда ҳамма кўрган-кечирганларини, дўнг манглайли одамлар билан учрашганини гўё ҳозиргина тушида кўргандек эди.

Ниҳоят, у ўзича гудранди: «Одамзод шунақа ҳолга ҳам дуч келар эканда, а?..»

1979 й.



## ТҮЛҚИНЛАР ГУВОҲ

Мовий тўлқинлар ўйноқлаб, чайқалиб, шошқалоқлик билан бир-бирини қучишади. Улар ҳар қучишганда ҳадсиз-ҳисобсиз сув зарралари худди маржонлардек кўкка сапчийди. Қуёшнинг заррин нурларида живирлаб, турфа рангда жилоланади.

Тўдақўл тўлқинли ана шундай беқарор. Унинг бир томони кўм-кўк тоғ этакларига, иккинчи томони саҳроларга тутшиб кетган. Одамлар бу кўлни Бухоро денгизига ҳам дейишади.

Кўлнинг ўнг қирроғи бўйлаб катта тош йўл ўтган. Тўлқинлар йўлни емириб кетмаслиги учун қирроққа тошлар ўйиб ташланган.

Ғиёс ота ҳар куни тонг ёришмасдан шу қирроқ бўйига қўйларини ҳайдаб келади. Бу ердаги ҳар бир тош унга таниш. Қишлоқ ҳам кўлга яқин. Бурноғи йилги мудҳиш воқеа ота қаддини букчайтириб, парижонхотир қилиб қўйган. Шундан бери тунлари бетоқат, уёқдан-буёққа аганаб, ёлғиз ўғлини ўйлайди.

Ота қирроққа келгач, қўйларни эркига қўйиб, ўзи сув бўйидаги харсангтош устига чакмонини ёйиб ўтиради-да, хаёлга чўмади. Беором, беқарор тўлқинларга термулади...

Отанинг назарида тўлқинлар орасидан ўғли жилмайиб чиқиб келаётгандек бўлади. Шунда у беихтиёр букик қаддини тиклаб, худди ўғлини сув бағридан қутқариб олишга шайлангандек кўл сатҳидан нигоҳини узолмайди. Кейин, бошини бирдан қуйи эгиб, ўксиб-ўксиб йиғлайди. Соҳилдаги харсангтош тагида балиқ сапчиб, шалопаган товуш эшитилади. Ота ҳушёр тортади. Кейин эса тўлқинларга боққанча, ҳасратларини тўка бошлайди. «Балиқлар, жон балиқлар, ўғлимни уйротинглар!..» Кўзига ўғли кўрингандек бўлади. «Ўғлим! Айрилиқ вами, ёлғизлик даҳшати отангни адо қилди. Доғингга куявериб бу-

тунай мункайиб қолдим. Бировларнинг қўйларини боқиб ҳам ўзимни овута олмаяпман. Эски касбим, ҳар ҳолда андармон бўларман, дедим. Эҳ, ўғлим, нимасини айтай. Кўнглимга таскин-тасалли берадиган бирдан-бир нажоткорим ўзинг эдинг! Мени ёлғиз ташлаб, бу совуқ кўл бағрида оқ кўзли балиқлар ичида ётибсан...»

Сўнгра офир хўрсиниб аста ўрнидан кўзғалди.

«Майли, тинч ёт, ўғлим! Эртага яна келаман...»

Тошга келиб урилган шошқалоқ тўлқинлар отанинг пойини ўпиб хайрлашади.

«Сизлар ҳам соғ қолинг, тўлқинларим!..»

Ота бу ерга келишни қанда қилмайди. Баъзида ўткинчи шофёрлар қирғоқда тўхтаб, сув бўйида бирпас ҳордиқ олишади. Шунда улар Фиёс отага ажабланиб қарашади.

— Отахон, нега хомуш ўтирибсиз? Қармоғингизни балиқлар опқочиб кетдими?

— Йўқ, отахон бу харсанг тошни ижарага олганлар. Ҳар куни шу ерда ўтириб тиллабалиқ билан суҳбатлашадилар.

Ота уларга бир қараб олди-да, яна тўлқинларга тикилади. «Балиқлар менинг ўғлим!..»

Фиёс ота бугун ҳам ўша харсангтош устида хомуш ўтирибди. Нигоҳи тўлқинларда. Тирилаган товуш хаёлини бўлди.

Кажавали бир мотоцикл яқинлашиб тўхтади. Ундан кўзлари қизарган, бетлари бўғриққан яна бир новча, қотма, ҳамда гўлабир киши тушди.

— Ҳорманг, отес! Балиқлар кўринмаяптими? — деди Гўлабири. — Нариги соҳилдан ҳеч нарса илинмади. Балиқлар афирис бўлиб кетибди, ҳадеб қуртни шилиб қочишади. Ха-ха-ха! Бу ерда омадимиз келсин-да!..

Ота уларга эътибор бермади.

— Нимага индамайсиз, отес!.. Э-э, бу ўша — ўзимиз билган соқов, кар-ку!..

Улар нари ўтиб кетишди. Икки улфат нарироқдаги тошлар устига ўтириб, қармоқларини бирин-кетин сувга ташлашди. Ота уларнинг гап-сўзларидан ранжиди, баттар хўмрайди. Ичида сўкинди: «Ғаламис балиқхўрлар! Ўғлим бўлганда сенларга балиқ тутиш қанақали-

гини кўрсатиб қўярди. Эсизгина ўғлоним-а! Балиқларни деб...»

Ғиёс ота бор меҳрини ўғлига боғлаганди. Хотини бевақт қазо қилди. Ота ўғлининг тақдирини ўйлаб, қайта уйланмади. Ўғил ота тарбиясида улғайди.

«Ўғлим ҳам ўзимга тортди», деб қувониб юрарди ота.

Дарҳақиқат, ўғил отасидек ўрта бўйли, ялхак, бошиқ эди. Юз бичими, боқишлари, хушфеъллиги, хуллас, отадаги кўп фазилатлар Фанида ҳам мужассам эди. Ўғил ёшлигидан жониворларга меҳр қўйди.

Бир воқеа отанинг ёдидан ҳеч кўтарилмайди. Бўш пайтларида қишлоқ ёқасидаги зовурга тўр ташлаб балиқ тутарди. Бир гал Фанини ҳам олиб борди. Отанинг омади келиб, тўрға салкам бир пудлик лаққа илинди. У шоша-пиша овини тўр билан бирга қирғоққа тортиб чиқарди. Балиқ типирчилар, тўрдан қутулиб кетмоққа уринар, оғзини каппа-каппа очиб ёпарди. Биринчи марта овга чиққан Фанига балиқ гўё йиғлаётгандек, «Раҳм қил, қўйиб юбор?» деб илтижо қилаётгандек туюлди. У жон таҳликасида типирчилаётган балиққа ич-ичидан ачиниб кетди. Тўсатдан чинқириб юборди. Отасига ялиниб жавради:

— Дадажон, балиқ йиғлаяпти. Уни қўйиб юборинг!..

Ота ўғлининг раъйига қаради, ночор овини қўйиб юборди.

Ўғли ўша кеча уйқусида босинқираб чиқди. «Дадажон, қаранг, балиқ йиғлаяпти. Уни қўйиб юборинг? Мен балиқ емайман!..»

Шу-шу, ота қайтиб балиқ тутмай қўйди. Ўғли ҳарбий хизматдан қайтгач, овчилар жамиятига ишга кирди. Тўдакўл ёнбағирларидаги зовурлардаги балиқларни қўриқларди. Қонунсиз ва тақиқланган усул билан балиқ тутувчиларни қўлга туширса, жазосиз қолдирмасди. Уларга ё жарима солар, ёки ишини судга оширарди.

Ота ўғлини энди уйлантириш, орзу-ҳавас кўриш тараддуудида эди...

— Шоди! — деди новчаси ғалабирига. — Жун кампални ёй! Егуликлар сумкада, ҳозирла! Арақни сувга қўй, совисин! Ошқозон сурнай чалаяпти.

— Бўпти, ҳозир гатоп қиламан, — дея у мотоцикл кажавасидан қаппайган сумка ва ранги ўчган адёлни олиб келди. Адёлни сув бўйига ёзди. Сумкадан газетага ўроғлиқ нарсани олиб очди. Унда помидор, пишлоқ ва пиширилган гўшт бор эди. У қўйнидан суяк сопли катта пичоқни чиқарди. Пичоқ тиғи қуёш шуъласида ярқираб кетди. Минғирлаб аллақандай қўшиқни хиргойи қилганча, гўшт тўғраётган Ғўлабирга Ғиёс ота лоқайд назар ташлади. Қаради-ю, бирдан титраб кетди. Юз тиришлари катталашди. Бир лаҳза ўйланиб қолди. Дилини шубҳалар босди. «Ўғлимнинг пичоғига ўхшайдими? Бу одамнинг қўлига қандай қилиб тушиб қолдийкин-а?.. Ё, алҳазар, булар ўша!.. Наҳот?!..»

— Қани, дастурхонга марҳамат! — Шеригини таклиф қилди Ғўлабир. Новчаси қармоқ дастасини тош қавагига тикиб ўрнидан қўзғалди. Бориб, чордона қурди.

— Обизамзамдан қуй, бақалоқ!

— Хўп бўлади! — Ғўлабир шишадаги ароқни икки пиёлага қулқулатиб қуйди. — Қани, ичдик, соғлиқ учун, теракжон!

Пиёлалар жаранглади. Хиёлдан сўнг яна ичишди. Шишадаги ичимлик охирлаб қолди. Иккисининг ҳам кайфи балад, кўнгли чоғ эди. Ота кар, барибир эшитмайди, дея ўтган-кетган саргузаштларни эслаб, бирига керилиб мақтанишга тушишди.

Ота тўлқинларга термилган қўйи, икки улфат гурунгига қулоқ тутди.

— Зап пичоғинг бор-да, ошна! — деди новчаси, Ғўлабирнинг қўлидаги пичоққа суқ билан тикилиб. — Ҳу ўша?..

Ғўлабир шеригига олайиб қаради:

— Ҳа, ўша. Эсингдами, қоровул бола... Ёмон ёпишган эди. Сал қолувди қўлимни синдиришига...

Отахон бирдан хушёр тортди. Нотаниш улфатлар гапини берилиб тинглай бошлади.

— Ҳа, акангнинг зарби гандираклатиб қўювди уни, — деди шериги керилиб. — Сен яхши иш қилмадинг ўшанда. Безорилигинг туфайли ўтириб чи-

қиб ҳам, кўзинг очилмаган экан. Пичоқлаш шартмиди?.. Хайрият, топиша олмади... Билиб қолишганида борми, ҳолимизга маймунлар йиғларди!..

— Шошганда лаббай топилмас экан. Талваса аралаш... Балиқларга ем бўлди-кетди бадбахт. Тутган билан балиқ камаярмиди, дегин? Ўзидан ўтди-да. Исмиям Фаними, бир бало эди-да. Э, қўй, у гапларни, қани ароқдан олдик!..

Ота ўғлининг номини эшитгач, бир лаҳза гарангсиз ҳанг-манг бўлиб қолди, сўнг ўрнидан сапчиб турди. Унинг аъзойи бадани зирқираб, қўллари асабий титрарди. У тўғри ҳангамаси авж олган икки улфат тепасига борди. Тўсатдан Ғўлабирга:

— Пичоғингни бир сафилга бера тур, зарил бўлди, — деди. Овози негадир хириллаб чиқди.

— Э-э, сизми, отес! Сизни соқовми, десак туппа-тузук... Пичоқми, майли, мана, ола қолинг.

Ота кафтидаа турган пичоққа синчиклаб тикилди. Таниди, ўзиники! Ўғлига инъом этган эди. Ўғли пичоқни тақиб юрарди. Ўша номозшом ҳам тақиб кетувди. Ота ўғлининг ишига кўникиб қолганди. Ўғли ҳар куни уч маҳал — субҳидамда, туш палласи ва номозшомда кўл атрофини айланиб келар эди. Ўша гал ўғли кетди-ю, ҳадеганда қайтмади. Ота ўшанда қишлоқ этагидан ўтган тош йўлга чиқиб, ўғлини интиқиб, бетоқатлик билан кутди. Чироқлари ёқиқ икки киши тушган бир мотоцикл тириллаганча олдидан лип этиб ўтиб кетди. Ота мотоцикл устидагиларнинг ранг-рўйини илғай олмади. Ўғлидан эса дарак бўлмади.

Эрталаб ўғлининг мотоциклини қирғоқдан топишди. Дурбинини, бир пой туфлисини ҳам... Ғоввослар кўп излашди. Ниҳоят, Фанианинг суяқларини топишди... Бу фожиа қандай содир бўлгани мавҳумлигича қолди. Кўл ва балиқлар изларни ўз бағрига яширган эди.

Ғиёс ота ўғлининг чўмилаётиб ҳалокатга учраганига ҳеч ишонмасди. «Чўмилган бўлса кийимини ечиб, қирғоққа қўйган бўларди. Кийимларини тўлқинлар оқизиб кетгани ёлғон... Балиқлар кийимни емайди, ўғлим абжир эди. Ҳа, уни ўлдиришган. Илоҳи қотили қон қусиб ўлсин! Учратиб қолсам!..»

Мана, орадан шунча вақт ўтгач, ўғлининг ўлими тўғрисидаги чин ҳақиқатни ўз қулоғи билан эшитди ҳам. Ўғлининг қотили билан учрашди ҳам. Ана, у ёнида турибди. Айбини ўз орзидан гуллаб қўйди.

«Қотиллар мана шулар! Ўғлим ўшанда: «Бир мотоцикл кўл томонга қараб кетди», деган эди-я! Ўшанда ёнимдан шу икки малъун ўтиб кетган экан-да. Кўнглимдан кечувди-я!.. Энди қутулиб бўпти мендан. Йўқ, йўқ! — дея ота бирдан ниятидан қайтди. — Яхшиси адолат ҳукми қотилнинг додини берсин! Бўйнига тавқи-лаънат осилсин!..»

Шу тобда ота ўзида қутилмаган бир дадиллик, кучқудрат сезди. Ғўлабирга ўқрайиб тикилди:

— Бу пичоқни кимдан олдинг?! — деди овози титраб. Ғўлабир бирдан саросимага тушиб, чайналиб қолди. Кўзлари бежо жовдираб, бесаранжом бўлди. Ғўлдираб:

— Бу пич-пичоқними, топ-топиб олганман, — деди титроқ овозда. — Нима эди? Суриштириб қолдингиз?

— Топиб?! Қаердан?! — Унга тик боқиб, жиддий сўради ота.

— Ҳу, нариги қир... Э-э, йўлдан. Когон йўлидан, — деди кўллари қалтираб. — Бир йилдан ошди топиб олганимга.

— Ёлғон, айтасан, лаънати! — беихтиёр ўшқирди ота. — Ёлғон!.. Овсарликка солма ўзингни! Кар эмасман, гапларингни эшитиб турувдим. Бу пичоқ меники, ўғлимники! Бурноғи йили!.. Уни сен!..

Ота унга таҳдид билан хезланди.

— Ни-нималар деяпсиз? Ҳой, хаёлингиз жойида-ми ўзи?

Отанинг авзойидан қўрққан Ғўлабир орқасига — кўл сари тисарила бошлади.

— Қотил, одамкуш! — Ота пичоқ ўқталганча, унинг устига бостириб борди. Қани олдимга туш, нобакор!..

Ғўлабир тисарилиб-тисарилиб, сувга тақалиб қолди.

— Ҳой, чол, ҳаддингиздан ошманг! Қуд... Қудрат, нега серрайиб қолдинг! У-ушла буни. Жинни чол сўйиб қўяди.

Талвасага тушиб қолган Ғўлабир кескин ҳаракат билан олдинга эгилди ва бир тошни шошганча олиб, яқинлашиб қолган отага қарата отди. Ота тошга чап беришга аранг улгурди. Мўлжали хато кетган Ғўлабир бир сапчиди-ю, важоҳат билан отага ташланиб, бўғзига чанг сола бошлади. Нафаси бўғилган ота чидаб туролмади. Пичоқ хавода бир ялтиллади-ю, жон-жаҳди билан бўйнини бўғаётган қотил биқинига зарб билан санчилди. Пичоқ зарбидан Ғўлабирнинг кўзлари олакула бўлиб кетди. Отани кескин итариб юборди. У жон аччиғида қаттиқ чинқириб, бир силкинди-ю, биқинини ушлаган кўйи букчайиб, бирпас тиззалаб туриб қолди. Кейин ғужанак бўлганча, сувга йиқилди. Қирғоқда мотоцикл тариллади. Ота парво қилмади. Кейин бир қадам тисарилди-ю, саёз ерда жони узилаётган Ғўлабирга аянчли ҳолда қараб қолди. Ўркач-ўркач тўлқинлар жасадни суриб-суриб қирғоқ лабига чиқарди.

«Қарилик чоғимда нима иш қилиб қўйдим мен телба чол-а?! Қўлим одам қонига бўялди-ку! Аччиқ устида ўлдириб қўйдим-а?.. Жоним ширинлик қилдим-ё? Ёмонотлиққа чиқиб, бадном бўламан энди. Ниятим холис эди. Бехосдан... Энди бу кунимдан ўлганим афзал!.. Ўғлим, сен ҳам кечир бу гумроҳ отангни! Бундай номаъқул иш қилишни ҳеч истамаган эдим. Бўлган иш бўлди. Ҳар ҳолда, энди армонсиз, хотиржам...»

Титраб-қақшаётган Ғиёс ота шундай деди-ю, шахдам қадамлар билан Тўдакўл қирғоғи бўйлаб илгарилаб кетди. Ўркач-ўркач беқарор тўлқинлар гўё отани ўз бағрига чорлаётгандек эди...

1972

## ҚОНЛИ ҲАССА

Қора кўзойнакли чорпахил киши дўппайиб турган қабртош ёнида боши хам, хомуш, хаёлга чўмганча ўтирибди. Унинг пастки лаби қаттиқ қимтилган, вужуди асабий титрайди. Йиғи хуруж қилаётганиданми, бот-бот ютиниб кўяди.

— Меҳрибоним!.. Сенга энг яхши атиргуллардан келтирдим, — деди у қабрга тикилган кўйи йиғламсираб ва кўлидаги бир даста гулни қабр устига оҳиста кўйди. — Сенсиз бу дунё менга торлик қияпти. Кеча сени яна тушимда кўрдим. Нукул имлаб қочасан... Изингдан югурганим сари узоқлашиб кетасан. Сира етолмайман...

Ўша масъуд дамлар ҳануз Шерзоднинг ёдида. Севгилиси билан биринчи учрашган танишган кезларини алам ва соғинч билан эслайди. Тўғаракка хушовоз бир қиз қабул қилинибди, деган хабар тез тарқалганди ўшанда. Машғулот пайти қиз «Дугоҳ»ни қойиллатиб айтди. Ҳамма жим, берилиб эшитди. Шерзод ҳам бутун борлиги қулоққа айланиб тинглади. Қизнинг сеҳрли, майин, ёқимли овозига тан бериб, ижрочилик маҳоратига қойил қолди. Уни самимий қутлади. Шерзод айтган кўшиқ қизга ҳам ёқди. «Чин кўнглимдан табриклайман. Яхши ижро этдингиз. Ажойиб янгроқ овозингиз бор... Сиз ижро этган кўшиқларни радиодан тез-тез эшитиб тураман. Яқинда телевизорда ҳам чиқдингиз!..» деб, ҳаяжон билан Шерзод қизнинг кўлини сиқди.

Улар мақомчилар ансамблига бирга қатнаша бошлашди.

Бир куни қиз: «Ёлғизликдан қийналмаяпсизми?» — деб сўраб қолди. Шунда Шерзодда ногаҳоний бир журъат пайдо бўлди-ю, юраги тўрида асраб юрган гапини қизга рўйрост айтишга ботинди.



— Жуда қийналяпман. Ёлғизлик, сўққабашлик жонимга тегди, — деди дангал. — Отамни эслай олмайман. Мен турилган йили иш устида омадсизликка учраб ўлган экалар. Онам икки йил бурун вафот этдилар. Уларнинг чирояғини ёқиб келяпман. Бу дунёда одам биргина хоҳиши билан ўйлаган истагига эриша олмас экан. Ғамхўр, оққўнғил, айни кўнглимдагидек қизни учратдим, аммо... менга насиб этармикан?

Қиз алланемани сезгандек бирдан ҳушёр тортиб: «Ким экан у бахтли қиз?» — деб суриштириб қолди. Унинг ҳаяжонланганлиги овозидан билиниб турарди. Шунда Шерзод дилидаги муддаосини қизга дангал айтди-қўйди. Қиз жавоб бериш ўрнига анча маҳал жим турди. Кейин, кутилмаганда, Шерзоднинг қўлини самимий қисди-да, қочиб кетди. Очиғи, уни олам-олам қувончга кўмиб кетди. У, бебаҳо бу мукофотни қизнинг дил розилиғи деб тушунди.

Икки ошиқ орзуси ушалди. Улар ниҳоятда бахтиёр эдилар. Турмушлари тотув, тотли ўтиб турган эди. Шерзод ўзининг қай бир хислати билан севгилисини бунчалик ром, мафтун этганини билолмасди-ю, аммо, ҳарқалай, уни кўпроқ шуҳрати шайдо қилганини чуқур фаҳмларди. Хотини бир гал: «Шерзод ака, мен ёшлигимдан кўшиқ шайдосиман, кўшиқ айтмасдан туролмайман. Менинг тузукроқ хонада бўлиб, санъат, ижрочилик сирларини ўрганишимга ўз ёрдамингизни аямасангиз! Санъат қадрини санъаткоргина яхши қадрлай олади. Орзумнинг амалга ошишида сизга умид боғлайман», деб унга ишонч билдирган эди. Афсус, у севгилисини ишончини оқлай олмади...

— Меҳрибоним! Руҳинг олдида гуноҳқорман, — деди яна қора кўзойнакли киши чуқур хўрсиниқ билан. — Бу гуноҳим учун ўзимни бир умр кечиролмайман, чунки ўшанда сени асрай олмадим. Машъум шубҳа сени бевақт сўлдирди. Шўх, жарангдор кулгуларинг, илиқ сўзларинг қулоқларим остида ҳамон жаранглаб турибди. Кўйингда қанчалик қийналиб, ўртанганимни ва ҳануз ўртаниб келаётганимни билсанг эди!.. Бундай кўргулик, бундай қайғули ҳолга тушганимдан кўра қулоқларим кар, қўл-оёқла-

рим шол, бу бурро тилим танглайимга ёпишиб қолгани минг карра афзал эди. Дийдаларим эриб, селдай оқиб тушса рози эдим!..

Терговчи марҳуманинг эрига суд медицина экспертизаси хулосасига асосан иш кўраётганини, уни биргина жиноятчининг иқроор бўлиши қаноатлантормаётгани, ҳар томонлама асосланган, далилий ашёларга таянган ҳолда иш кўришини, лозим топилса қотилни яна қайта дўхтир назоратидан ўтказиш ниятидалигини айтган эди.

...Қора кўзойнакли чорпахил киши яна ўша таниш қабр бошида ўтирибди. Қабр устида бир даста гул. Кўзойнакли кишининг кўриниши ҳорғин, ҳафсаласи пир, авзойи мотамсаро.

— Оҳ, менинг қувончим, бахтим!.. Ҳузурингга яна бош эгиб келдим, — деди у ва худди телбалардек қабр тупроғини юзларига қайта-қайта суртди, ўпди. — Ҳажрингда куйиб, бутунлай адои тамом бўлдим. Умрингни хазон этган қотилингда минг лаънат! Кеча тун бўйи мижду қоқмай, ўлимнинг тафсилотини яна эслаб чиқдим. Юрагим эзилиб кетди. Биласанми, ўша аянчли фожиа рўй берган кечаги мудҳиш воқеа юрсам ҳам, ўтирсам ҳам менга ҳеч тинчлик бермаяпти. Кўз ўнгимда бот-бот такрорланиб, юрагимни гижимлаб эзгани-эзган!.. Истайсанми, сенга ҳам айтай!.. Унда эшит, буларни бир пайтлар терговчига оқизмай-томизмай ҳаммасини батафсил айтиб берганман».

Ҳа, ўша мудҳиш ҳалокат юз берган кунни у эсидан ҳеч чиқара олмайди. Офтоб энди ботганди ўшанда, дарвоза тақиллаб қолди. Хотини чиқди. Келган одам билан анча маҳал гаплашиб қолди. Нима ҳақда сўзлашишди, эри эшитмади, аммо гангир-гунгир сас, хотинининг шўххандон кулгисини аниқ эшитди. Эшитди-ю, бирдан рашки кўзиб кетди. Чунки, у оқкўнги, мулоҳазали бўлиш билан бирга аччиғи тез, ўта рашкчи ҳам эди. Хотинини еру кўкка ишонмасди, ҳаётидан ҳам азизроқ кўрарди. Хотини унга ҳар он, ҳар дақиқада худди сув, ҳаводек зарур эди. Хотинининг хиёнат қилмаслигига заррача шубҳа қилмаса-да, бари-бир уни ёт кўзлардан қизганарди.

Хотини қайтиб уйга киргач, «Чорлаб келган киши ким?» — деб сўради. Хотини: «Бири тўйга хабар қилгани келибди. Афсус, кечикибсиз, айтилган, тайин этилган жойлари бор эди, ўша ерга кетиб қолдилар, дедим. Қалай, қойиллатибманми? Э, бутун асабга тегдику! Қачон қараманг, дарвоза тақ-тақ!..» деганди кулиб. Агар кулиб айтмаганида, балки эри дилини рашк бирдан бу қадар қамраб олмаган бўлармиди?.. «Ажаб! Иш билан келган ёт киши билан шунчалик кўп гаплашиладими? Қизиқ? Наҳотки?..» деган шум хаёл кечган эди дилидэн. Нега ўшанда ўзи чиқмади? Чиққанида-ку олам гулистон эди. Орадан сал ўтмай, яна дарвоза тақиллади. Хотини бу гал зриниброқ чиқиб, тез қайтди. «Ошпаз Салим сариқ тўйига айтиб кетди. Ваъда қилган экансиз, кутармиш», деди ҳафсаласизлик билан. «Ҳа, эсимдан чиқаёзибди... Маҳаллачилик, бормасам яхши бўлмас», деб тараддудга тушди. Апил-тапил кийиниб, торни қўлга олди. Эсида, хотини уни кузатаётганида аллэнечук хўрсиниб қолган эди. Чунки: ҳар кеча тўйма-тўй юриш, вақт-бевақт қайтиши, ором уйқусини бузиши жонига теккан эди.

Эри тўйдан жуда кеч қайтди. Дарвозани кўп тақиллатди.

Хотини ҳомуза тортганча «Бунча ҳаялладингиз, қаттиқ ухлаб қолибман. Аксига олиб чироқ ҳам ўчиб қолди. Шам ёқиб...» дея керишиб, яна ҳомуза тортди.

Сезди, хотинининг кийимидан атир ҳиди анқирди. Тўгриси, шу тобда хотини ҳақида унинг гумони баттар ошиб кетди. «Қизиқ, ҳеч атир сепмасди?.. Бу қанақаси бўлди? Мен пул топиш вамида тўйма-тўй изғиб, тонготаргача томоқ йиртиб юрсаму, бу ойимча!..»

Уйга киргач, қовурдоқ ҳиди димоғига урилди.

— Тараддуд зўр-ку! — деди.

— Ҳа, ичсангиз «Шампань» ҳам бор. Мен ётдим, — деди хотини.

— Ким келувди?

— Меҳмон, — деди нозланиб хотини. — Ким келганини топинг-чи?

— Дугонанг келганмиди?

— Йўқ, тополмадингиз, энди, яхшиси, уйқумни қочирманг!

— Ҳимм... Тушунарли...

«Дарвоза тақиллаши, мендан олдин югуриб чиқиш, қиқир-қиқир кулги бежиз эмас экан-да! Менинг уйдан тезроқ чиқиб кетишимни бетоқатлик билан кутар экан-да! Мен кетгач, айшу ишрат бошланар экан-да!..» — деган нохуш шубҳа ўрмалади дилида.

Шу пайт қулоғига ғалати бир шарпа чалинди. У сесканиб кетди. Каравотнинг ғижирлаши, оёқнинг полга гурсиллаб теккани, мушукнинг миёвлаши, қадам шарпаси, кейин бирдан унинг қиёфаси...

— Тўхта! Кимсан?!.

Қотил шу онда тўсатдан кучли ғазабга минди. Қаҳри опиб, миясига қон тепчиб чиққандай бўлди. Бехосдан кўрқинчли вазоҳатга кирди-ю, ҳеч нарсадан тап тортмай, қўлидаги ўткир учли ҳассани кўтарган кўйи Мақсудага ташланди. Даҳшатли чинқирик, инграниб тўлғанишига раҳм-шафқат қилмади. Аччиқ устида учи ўткир ҳассани каравотда ётган Мақсуданинг нозик баданига бутун жон-жаҳди билан бир неча марта санчиб олди. Мақсуда партўшак устида типирчилаб-типирчилаб, жон узди. Қотил кайф устида қилиб қўйган мудҳиш, жирканч қабиҳлигидан сўнг, жасад тепасида анча маҳал серрайиб турди. Кейин, бирдан дод солиб ҳўнграй бошлади.

Савдойи ҳолга тушган қотил эрталаб ўз оёғи билан милиция идорасига кириб борди. У ҳассасиз юрмасди. Ҳассаси узун, учи худди найзадек ўткир эди. Қаерга бормасин уни қўлидан қўймасди... Ёринли кунлар ер юзаси музлаб сирпанчиқ бўлганда шу ҳассаси иш берарди. Тунлари яёв юрганида, гоҳо қопақон дайди ит учраб йўлини тўсганида ҳам ҳасса қўл келарди... Баъзи бировлар: «У ҳассани олифтагарчилик учун кўтариб юрибди», дейишса, айримлар мутлақо бошқача ўйлашарди. Қотил ҳассасини мудҳиш ишидан бир далил сифатида топширди.

Унинг милиция идорасига борганини, қилган қабиҳлигини айтиб, ҳассасини топширганини кўриб, эшитган кишилар бор...

— Мақсудам! Сен ҳаёт билан видалашган кун, сенинг туғилган кунинг экани хотирамдан бутунлай кўта-

рилиб кетган экан, сен бўлсанг камтаринлик қилиб эслатмабсан ҳам, — деди у қабрга термулганча, синиқ ва аламли овозда. — Туғишганларинг келиб, қутлаб кетишган экан. Мен овсар бўлсам!.. Бунинг устига бошқоронғи бўлганингни ҳам негадир ўша пайтгача мендан яшириб, сир тутиб келибсан. Ўзинг билан бирга боланг ҳам хазон бўлганини билганимдан кейин қанчалик даҳшатга тушганимни кўрсанг эди! Она қорнидаги бола — менинг боламнинг қотили ҳам сен асир бўлиб юрган нокас одам бўлиб чиқди. Қотилинг руҳий ҳолат оқибатида жиноят содир қилганликда айбланиб, жазога тортилди. Бир умр шу алфозда қийналиб, эзилиб юриш мен учун жуда оғир! Худди тирик мурдадай ҳис этиб юрибман ўзимни. Минг лаънат бундай тақдирга! Ҳаммаси барбод бўлди. Мақсудам, ишон, сен менинг ёруғ жаҳоним эдинг. Кўнглим малҳами ҳам ўзинг эдинг. Энди сен йўқ! Сенсиз бу ҳаёт менга ҳеч татимаяпти. Ҳаммасига ўзим айбдорман. Нодонлигим ўз бахтимга жафо қилди, бахти қора қилди мени. Ўшанда қуловимга чалинган шарпани мен бошқача талқин қилган эканман. Ўйнашингнинг оёқ товушими деб ўйлаб, бирдан қаҳр-ғазабга тутқун бўлган эканман. Ҳолбуки, ёнингда ётган севимли мушугимиз Малла уйғониб, шитоб билан пастга, полга сакраб тушган экан... Мен эсам туйқус қўзғалган беадад рашк касри туфайли бирдан... Лаънат, минг лаънат бундай манфур қотилга! Ўз хотинининг, бўлажак зурриёдининг кушандаси — мен овсар, мен нодонга лаънат, яна лаънат!..

Мақсудам! Елғиз умидим сенинг қабрингни ўпиб, узр сўраш эди. Мен бу кунни жуда орзиқиб сабртоқат билан зориқиб узоқ кутдим.

У чуқур хўрсиниб, йиғлаб юборди. Кейин, ўнг қўли беихтиёр костюмининг ёқа чўнтагига борди ва тўсатдан совуқ илонни ушлаган каби сесканиб, кескин қўлини тортиб олди. Лаблари пирпираб, титроқ бармоқларини яна ёқа чўнтагига суқди...

Оқшом палласи Шерзодни хотинининг қабри устидан топишди. У дўппайган қабр устида гужанак ҳолда ётар, ёнида қора кўзойнак ва дастаси илон бошли нусха ҳасса турарди.

Уни ағдариб қарашди. Кўксига узун пичоқ санчил-  
ганди. Мархумнинг қонсиз юзида алам ва қўрқинч  
ифодаси қотган, кийимлари қонга бўялганди. Чўнта-  
гидан бир энлик хат чиқди. Хат нина билан ўйиб,  
«браил» ёзувида битилганди.

«Бу дунёда она табиат менга ато этган жазо —  
оғизлик камлик қилган экан. Қалбим ҳам кўр бўлиб  
туғилган эканман. Ҳеч кимдан норизо эмасман. Мен  
аслида адолат, қонун юзасидан шундай жазога маҳкум  
эдим. Айбга йўйманглар, бу охириги оғир жазони ўзимга  
ўзим танладим. Тақдиримдан кўрдим. Насибамда бори  
шу экан.

Қотилга ҳақиқий жазони қотилнинг ўзи берди...»

1974

## МУНДАРИЖА

### Қиссалар

Тунги чинқириқ . . . . .	4
Бир тун фожеаси . . . . .	133
Дўзах . . . . .	161
Чордоқдан отилган ўқ . . . . .	184
«ПК 9304417» рақамли пул . . . . .	262

### Ҳикоялар

Лўлаболиш . . . . .	304
Қотил изидан . . . . .	310
Ёруғлик сайёрасининг сири . . . . .	318
Гурунг . . . . .	322
Сўнгги мулоқот . . . . .	328
Тўлқинлар гувоҳ . . . . .	337
Қонли ҳасса . . . . .	344

1600L

САИД РАВШАН  
**ТУНГИ ЧИНҚИРИҚ**

*Қиссалар ва ҳикоялар*

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2005

Мухаррир *А. Аҳмедов*  
Рассом *Б. Бобожонов*  
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*  
Мусаҳҳиҳлар *Ю. Бизаатова, Ж. Тоирова*

Теришга берилди 24.09.2004. Босишга рухсат этилди 20.01.2005.  
Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Офсет босма. Балтика гарнитураси. Шартли  
босма табағи 18,5. Нашриёт ҳисоб табағи 18,4. Адади 3000. Буюрт-  
ма № 798. Баҳоси шартнома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа**  
**акциядорлик компанияси босмахонаси.**  
**700083, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.**